

ЖЮЛЬ ВЕРН

**АНТИФЕР ТОҒАНИНГ  
АЖОЙИБ ВА ҒАРОЙИБ  
САРГУЗАШТЛАРИ**

Роман

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ  
~~НАШРИЙАТИ~~ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ — 1969


Жюль Верннинг «Антифер тоганинг ажойиб ва ғаройиб саргузаштлари» номли романида дойюррак ва матонатли, муҳаббат ҳамда дўстликка содиқ, романтик кишилар, уларнинг номаълум денгиздаги номаълум оролга кўмилган хазинани излаб нотаниш мамлакатлар ва олис сувларда бошдан кечирган хавф-хатарларга тўла саргузаштлари ҳикоя қилинади.

**ЭРКИН МИРОБИДОВ таржимаси**



# Б И Р И Н Ч И Қ И С М





## БИРИНЧИ БОБ

*Номаълум кема капитанининг номаълум кемада номаълум  
оролни излаб номаълум денгизни кезгани*

1831 йилнинг 9 сентябрида эрталаб соат олтида капитан каютасидан чиқиб, кўприкчага кўтарилди.

Шарқ томон қизарди. Осмон энди чиқиб келаётган қуёшнинг илк нурларидан ёриша бошлади. Субҳидам шабадасида оҳиста мавжланиб турган денгиз сатҳи, гўё бу нур манглайини эркалаб сийпаётгандай, ярақлаб жи-мирларди.

Осойишта ўтган тун ажойиб кунни ваъда қиларди. Баъзан ўртача иқлимли минтақа жазирама ёз билан видолашадиган дамларда шундай кунни эҳсон этади.

Капитан дурбинини осмон билан денгиз тутатиб кетган чизик томонга тўғрилади.

Кейин дурбинни тушириб, пахмоқ соқол ва ёшига нисбатан тийрак ҳамда ўткир кўзли кекса дарға ёнига борди-да:

— Вахтага қачон турдинг?—деб сўради.

— Тўртда, капитан.

Бу икки киши шундай ғализ лаҳжада гаплашардики, бирор европалик, у хоҳ инглиз, хоҳ француз, хоҳ ма-бўлсин, башарти у Левантнинг<sup>1</sup> савдо портларидан би-

<sup>1</sup> Л с в а н т — Уртаер денгизининг шарқий қисмида жойлашган Яқин Шарқ мамлакатларининг умумий номи.

ган бўлса, буларнинг бир оғиз ҳам гапларини тушунолмасди. Афтидан бу маҳаллий турк лаҳжаси билан сурия-араб<sup>1</sup> шевасининг қоришиб кетгани эди.

— Ҳеч қандай янгилик йўқми?

— Ҳеч қанақа, капитан.

— Тонгдан бери бирорта ҳам кема кўринмадими?

— Биттагина... Каттакон уч мачталиги. У елканларини ёйиб тўппа-тўғри устимизга бостириб келаверди. Ундан иложи борича нарироқ кетиш учун кемани шартта бурдим.

— Жуда тўғри қилибсан. Энди...—Капитан бутун уфқни диққат билан кўздан кечириб чиқди-да, тўсатдан баланд овоз билан команда берди:—Кемани буришга тайёрланилсин!

Вахтадагилар сакраб туришди. Румпель<sup>2</sup> бурилди, шкотлар<sup>3</sup> тортилди, кема бурилди-да, елканларини чап биқиндан эсаётган шам лга мослаб, шимоли-ғарб томонга қараб суза кетди.

Бу шхуна-бриг<sup>4</sup>— тўрт юз тонна ҳажмли савдо кемаси эди. Баъзи бир ўзгартишлардан кейин тез юрар яхтага айлантирилган эди у. Капитаннинг қўли остида ўн бешта матрос билан бир боцман бўлиб, елканларни бошқаришга бемалол етарли экипаж эди. Булар забардаст, довюррак одамлар эди, эгниларидаги калта жун камзул, мовут қалпоқ, кенг шим ва этиклари билан Шарқий Европа денгизчиларини эслатардилар.

Кеманинг на қуйруғи, на тумшугида бирор ном бор эди. Унда ҳеч қандай байроқ ҳам йўқ эди. Бунинг устига вахтада турган денгизчи уфқда бирор елкан пайдо бўлгани ҳақида хабар бериши биланоқ, шхуна сузиб келаётган кема билан салют бериб саломлашишдан қочиб, дарҳол йўлини ўзгартарди.

Эҳтимол, бу таъқибдан чўчиётган қароқчилар кемасидир (бунақа кемалар ўша пайтларда ҳали бу сувларда учраб турарди)? Йўқ. Кемада қурол-яроқ йўқ эди; бунинг устига шу бир неча кишидан иборат экипаж би-

<sup>1</sup> Сурияликлар араб тилининг сурияча лаҳжасида сўзлашадилар.

<sup>2</sup> Румпель — рулни бошқарадиган ричаг.

<sup>3</sup> Шкот — елканларни бошқаришга хизмат қиладиган анжомлар.

<sup>4</sup> Шхуна-бриг ёки бригантина — икки мачтали елканли кема.

лан бунақанги ишларга ким ҳам журъат эта оларди дейсиз!

Балки бу соҳилдаги шаҳарларни бож тўламай турли моллар билан яширинча таъминловчи ёки шундай махфий молларни оролдан-оролга ташувчи контрабандачи кемадир? Бундай ҳам эмас. Борди-ю ҳатто энг тажрибали божхона амалдори кеманинг тағхоналарини текшириб, юкларни у ёқдан-бу ёққа суриб, тойларни тит-пит қилиб, ҳамма яшиқларни титкилаб чиққанида ҳам шубҳали бирон нима тополмасди. Аслини олганда эса бу кемада бир неча йилга мўлжаллаб жамғариб қўйилган озиқ-овқат, тағхонанинг ичкарисига қўйилган вино ва ароқ солинган бочкалар, кўприкча остидаги темир чамбарли учта эман бочкачадан бошқа ҳеч қандай юкнинг ўзи йўқ эди... Кема мувозанатини сақлайдиган ажойиб чўян посонги учун жой мўл бўлиб, бу посонги кеманинг кучли шамол пайтида ҳам ҳамма елканларини ишга сола олишига қулайлик туғдирарди.

Эҳтимол анави учта бочкачада порох ёки бошқа портловчи модда бордир, дерсиз?.. Йўқ, чунки кўприкча остидаги омборхонага сира чўчимай, бемалол кираве-ришарди.

Лекин, шунга қарамай, матрослардан ҳеч бири шхунанинг вазифаси нимадан иборат экани ҳақида, худди олисда бирор елкан кўзга чалиниши биланоқ нега ўз йўлини ўзгартиришини айтиб беролмаганидек, ҳеч қандай ахборот ҳам беролмасди. Матрослар ҳатто ўз кемаларини нима сабабдан дам олдинга, дам орқага қайтиб, турли вақтларда турли сувларни — гоҳ ҳамма елканларини кўтариб, гоҳ тўхтаб, гоҳ ички сувларни кесиб ўтиб, гоҳ бепоён океанга сузиб чиқиб, ўн беш ой адашиб-улоқиб изғиб юрганини ҳам билмасдилар. Мабо-до бу ғалати изғишлар пайтида баланд соҳил кўзга ташланиб қолса, капитан ундан иложи борича тезроқ узоқлашарди. Борди-ю вахтада турган денгизчининг эътиборини бирорта орол тортадиган бўлса, капитан шхунани зудлик билан бошқа томонга буриб кетарди.

Кема журналидаги ёзувдан йўлни тез-тез ўзгартиб турганларини осонгина сезиш мумкин эди. Бунга об-ҳаво ҳам, шамолнинг ғўсатдан ўзгариши ҳам сабаб эмасди. Бу икки кишининггина: бизга таниш бўлган капитан билан ҳозиргина палубага кўтарилган басавлат кишининг сирри эди.

— Ҳеч гап йўқми?—деб сўради нотаниш киши.

— Ҳеч гап йўқ, жаноб олийлари,—деб жавоб берди капитан.

Нотаниш киши норози қиёфада елкасини қисиб қўйди-да, уч сўздан иборат бўлган бу қисқагина суҳбатни тугатди. Сўнгра капитан бунчалик эҳтиром билан муомала қилган киши трапдан<sup>1</sup> пастга тушиб, ўз каютасига кирди. У диванга чўзилиб, худди донг қотиб ухлаётгандек чуқур сукутга кетди. Лекин бу уйқу эмасди, балки нотаниш кишининг вужудини фақат биргина фикр қамраб олганди.

Ташқи кўринишидан у эллик ёшлар чамасида эди. Новча, боши катта, оқ оралаган сочи қалин, курак соқоли кўксига тушиб турган, қора кўзлари ўтдай чақнаган, чеҳрасида қайғу, аниқроғи ноумидлик аломатлари акс этиб турган бу кишининг мардонавор қад-қомати унинг аслзодалардан эканидан далолат берарди. Эғнидаги либоси ҳам ўзига хос: енги уқали жигар ранг зарбоф чакмон, бошида қора попукли кўкиш фас.

Икки соатлардан кейин хизматкор каюта полига мустақам қилиб маҳкамланган столга нонушта келтириб қўйди. Каютага кўзнинг нурини оладиган ажойиб гилам тўшалган эди. Зарбоф чакмонли киши таомлардан номигагина егандек бўлди-ю, позик дид билан ишланган икки кумуш пиёлада келтирилган қайноқ хушбўй қаҳвани ичди. Сўнгра унга муаттар бўй таратиб турган чилим келтиришди. У садафдек оппоқ тишлари билан чилимнинг қаҳрабо найини тишлаб, муаттар дуд таратганча беадад ўйлари гирдобига чўмди.

Куннинг бир қисми шу тариқа ўтди. Шхуна тўлқинларда оҳиста чайқалганча, бепоён денгизда ўзининг сирли сафарини давом эттирарди.

Соат тўртларга яқин бу ғалати одам ўрнидан туриб, очик иллюминатор олдига бориб тўхтади-да, уфқни кўздан кечирди, кейин устига гилам ташлаб қўйилган люк ёнига борди. Люкнинг бир бурчагидаги қандайдир пружинага оёғи тегар-тегмас, каютанинг поли остидаги омборнинг оғзи очилди.

У ерда юқорида зикр этилган учта темир чамбарли бочка турарди. Нотаниш киши худди бу бочкаларга кўзи

---

<sup>1</sup> Трап — нарвон. зина. Кемалардаги нарвонлар, улар қаерда ва қандай турда бўлмасин барибир трап деб аталади.



тушиб маҳлиё бўлгандай бир неча дақиқа люк ёнида энкайганча туриб қолди. Кейин қаддини ростлаб, пичирлади:

— Йўқ... иккиланиш етар энди! Башарти бирорта номаълум оролни топиб буларни кўмиш насиб этмаса, бочкаларни денгизга улоқтирганим маъқул!

У люк устини яна гилам билан беркитиб қўйди-да, трапдан капитан кўприкчасига кўтарилди.

Бу пайт кундузи соат бешлар чамаси эди. Ҳаво бирдай. Кўк бетига парча-пурча парқу булутлар сузиб юрарди. Майин шабадада сал қийшайиб, елканларини чап биқиндан эсаётган шамолга мослаб сузиб кетаётган шхуна ортида ингичка вижир-вижир из қолдириб борар, бу жимжима из тўлқинларда ёйилиб-таралиб кетарди.

Зарбоф чакмонли киши яққол кўзга ташланиб турган ложувард уфқ чизигини шошилмай, диққат билан назардан кечирди. Капитан кўприкчасидан ҳар қандай ўртача дўнглик ўн тўрт ёки ўн беш миль олисдан ҳам бемалол кўзга ташланиши мумкин эди.

Бироқ осмон гумбазини сув сатҳидан ажратиб турган теп-текис чизиқда ҳеч нарса кўринмасди.

Капитан нотаниш кимсага яқинлашаркан, у яна бояги саволни берди:

— Ҳеч гап йўқми?..

Саволга яна ўша бирдай жавоб бўлди:

— Ҳеч гап йўқ, жаноби олийлари...

Зарбоф чакмонли киши бир неча дақиқа жим қолди. Сўнгра курсига ўтирди, капитан эса дурбинини уфқнинг турли нуқтасига тўғрилаганча кўприкчада у ёқдан-бу ёққа бориб келарди.

— Капитан!—деб мурожаат этди яна нотаниш саёхатчи кўзларини уфқдан узиб.

— Жаноби олийлари нимани истайдилар?

— Қаерда эканлигимизни аниқ билмоқчиман.

Капитан харитасини ёзди.

— Мана бу ерда,—деб қалами билан меридиан ва параллеллар кесишган жойдан аниқ бир нуқтани кўрсатди.

— Манави... шарқ томондаги оролдан қанча масофада?

— Йигирма икки миль олисда.

— Манави ердан-чи?

— Тахминан йигирма олти милча.

— Қаерда сузиб кетаётганимизни шхунадагиларнинг ҳеч қайсиси билмайдими?

— Сиз ва мендан ташқари ҳеч зог билмайди, жаноби олийлари.

— Қайси денгизни кесиб ўтаётганимизни ҳамми?..

— Сафарга чиққанимиздан бери кема йўлини шунча ўзгартдики, ҳатто энг тажрибали денгизчи ҳам шу топда қаерда эканлигимизни айтиб бера олмаса керак.

— Денгиз сайёҳлари назаридан четда қолган оролни топишимга шум тақдир халал бераётганининг боиси нима экан-а? Орол бўлмаса, қаердалиги ёлғиз менга аён бўлган бирор қафтдаккина оролча ёки денгиз тубидан чиққан бирор қоя учраса-чи! У ерга ўз бойлигимни кўмардим-қўярдим... Фурсат етганда, у ердан яна олиб кетишга бир неча кунгина кифоя қиларди...

Шундай деб нотаниш киши тагин ўй дарёсига фарқ бўлди. Кема панжараси устига тутилган тўр узра энгашиб, саксон футча чуқурликкача аниқ кўриниб турган шаффоф сувга узоқ тикилиб қолди. Кейин шахт билан бурилди-ю:

— Мана... манави тубсизлик!.. Ўз бойлигимни шунга ташлайман!..—дея хитоб қилди.

— Жаноби олийлари! Бойликни у ердан икки дунёда қайтариб ололмайсиз-ку кейин!

— Бойлигим душманлар ёхуд разилларнинг қўлига тушгандан кўра ундан тамоман айрилганим афзалроқ!

— Жаноби олийларининг ўзлари биладилар.

— Башарти бугун қош қорайгунча бу сувларда номаълум оролни тополмасак, учала бочкачани ҳам денгизга улоқтираман.

— Хўп бўлади!—деди капитан ва шамолга қарши юришга буйруқ берди.

Нотаниш киши капитан кўприкчасига қайтди ва кема панжарасига тирсақларини тираганча тагин ўйга чўмди.

Қуёш тез ботиб кетди. Шу куни, кеча-кундуз тенглиги палласидан икки ҳафта илгари, яъни 9 сентябрда қуёш уфқнинг худди капитаннинг эътиборини тортган нуқтасида ботди. Бу қуруқлик ёки бирор орол билан туташган бурунмасмикин? Бу эҳтимолдан йироқ, зероки савдо кемалари тез-тез қатнаб турадиган ва бинобарин, денгизчиларга яхши таниш бўлган бу сувларнинг харитасида ўн-ўн беш миль теваарак-атрофда ҳеч қандай қуруқлик белгиланмаган.

Иттифоқо бу ғаройиб одам узоқ ва беҳуда излаган, бойликлари учун ҳазиналик вазифасини ўтайдиган, сув сатҳи узра бир неча туаз<sup>1</sup> бўй чўзиб турган бирон қоя ёки сув ости тоши йўлиқиб қолмасмикин? Денгизнинг шу қисми аниқ тасвирланган хариталарда бундай нарсадан ном-нишон ҳам йўқ эди. Ҳатто бурунлар билан қуршалган энг муъжаз оролча ҳам синчков тадқиқотчиларнинг кўзларидан қочиб қутула олмаган бўлса керак. Улар бундай жойнинг аниқ географик нуқтасини хариталарда кўрсатишни асло унутмайдилар. Мана ҳозир, кўзи илгагунга қадар бу бепоеён бўшлиқни харитага чоғиштираркан, капитан ҳатто бирорта сув ости қояси ҳам йўқлигини тасдиқлашга тайёр эди.

«Сароб!»—деб қўйди ичида у, шубҳали томонга иккинчи бор дурбинни тўғриларкан. Чиндан ҳам дурбинда бирон аниқ шакл кўринмади.

Худди ана шу дамда (соат олтидан бир неча дақиқа ўтган эди), агар бир вақтлар иберияликларнинг<sup>2</sup> айтган гапларига ишонилса, қуёш гардиши нола чекиб денгизга чўкиб бораётган, гўё уфқ уни ютиб юбораётгандек эди.

Қуёш ботаётганда нурлар синиши оқибатида шафақ яллиғланиб, гарчи у уфқ ортига шўнгиб кетган бўлса-да, ҳануз кўриниб турганга ўхшайди. Унинг ялтироқ нурлари тўлқинлар бағрини наштар каби тешиб ўтиб, ғарбдан шарққа йўл-йўл бўлиб чўзилиб кетади. Учқунлар сингари милтираб турган сўнги мавж энгилгина шабадада титраб туради.

Қуёш гардишининг тепаси сув сатҳи билан баробарлашиб, яшил нур таратган ҳамоноқ бу милтиллаш сўнди-қолди. Шхуна шу ондаёқ қорайиб, баланддаги елканлар эса ол рангга кирди.

Денгиз узра тун чодирини ёйилгач, фок-мачтадан<sup>3</sup>:

— Оэ-э!—деб қичқириб қолишди тўсатдан.

— Нима гап?—деб сўради капитан.

— Олдинда, ўнг томонда ер кўриняпти!

Ҳа, чиндан ҳам бир неча минут илгари капитанга

<sup>1</sup> Ту аз — французларнинг қадимий узунлик ўлчови, 1,95 м га тенг.

<sup>2</sup> И б е р и я л и к л а р — жануби-ғарбий Европанинг қадимий аҳолиси.

<sup>3</sup> Ф о к - м а ч т а — кема тумшуги томонидан ҳисоблаганда биринчи мачта.

аллақандай ноаниқ шакл кўринган томонда қуруқлик кўзга ташланарди. Демак у янглишмаган экан!

Кузатув постидан янграган қичқириқни эшитган вахтадагилар кема бортига ташланиб, ғарб томонга тикила бошладилар. Дурбинини елкасига осиб олган капитан грот-мачтанинг<sup>1</sup> арқонига маҳкам ёпишганича эпчиллик билан юқорига тармашиб чиқди-да, елкан тиқилган кўндаланг ёғочга миниб олиб, дурбини билан уфқнинг кузатувчи айтган томонини кўздан кечира бошлади.

Кузатувчи янглишмабди. Олти-етти миль нарида сув бетиде бир оролча шўппайиб турибди; шафаққа бурканган уфқда у қорайиб кўринарди.

Бу оролча олтингургурт буғлари билан қопланган, баландлиги ўртача, оддий сув ости қояси бўлса керак. Бу ҳолни ярим аср кейинроқ кўрган ҳар қандай денгизчи сира иккиланмай бирор пароходнинг мўрисидан чиқаётган тутун деб ўйлаган бўларди. Аммо 1831 йилда эса, вақти келиб, ҳар қандай об-ҳавода океаннинг истаган томонига қатнай оладиган қудратли машиналар пайдо бўлишини олдиндан билиш амри маҳол эди.

Бироқ капитан кўз ташлашга улгура олди, холос, ўйлаб, мулоҳаза қилиб ўтиришга эса фурсати йўқ эди. Кузатувчи пайқаб қолган бу оролча деярли ўша заҳотиёқ кечки туман пардасига чулғаниб кўздан йўқолганди. Лекин бунинг аҳамияти йўқ эди: муҳими уни кўришди, кўрганда ҳам аниқ кўришди. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ эди.

Капитан палубага тушди. Шовқиндан мудроғи тарқаб кетган нотаниш киши ўша замоноқ капитанни чақириб, унга ўзининг одатдаги саволини берди:

— Ҳўш, демак...

— Ҳа, жаноби олийлари.

— Қуруқлик кўриндимми?

— Ҳеч бўлмаганда оролча бўлса керак.

— Оралиги қанча?

— Олти милча келади, ғарб томонда.

— Харитада шу жойда ҳеч нима белгиланмаганми?

— Ҳеч нима.

— Бунга имонинг комилми?

---

<sup>1</sup> Грот-мачта — икки-уч мачтали кемалардаги энг баланд — иккинчи мачта.

— Ҳа, имоним комил.  
— Демак, бу номаълум орол экан-да?  
— Афтидан, шундай.  
— Наҳотки шундай бўлса?  
— Агар оролча яқинда пайдо бўлган бўлса, бу мумкин, жаноби олийлари.

— Яқинда пайдо бўлган бўлса?  
— Ҳа, бу эҳтимолдан холи эмас. Менга оролча олтингургурт буғи билан қопланганга ўхшаб кўринди. Бу ердаги вулқон кучлари жуда актив ва улар ҳаракатга келиб сув ости тузилишини ўзгартган ҳоллар тез-тез учраб туради.

— Эҳ, капитан, шундай бўлса кошкийди! Менга кераги ҳам бирон-бир тўсатдан пайдо бўлиб қолган ана шунақа қоя-да!.. Бу орол ҳеч кимнинг мулки эмасдир ахир?

— Жаноби олийлари, у биринчи бўлиб қадам қўйган одамники бўлади.

— Унда мен биринчи бўлиб қадам қўяман.

— Ҳа... сиз.

— Энди кемани тўппа-тўғри оролга қараб ҳайдашларини буюр.

— Тўппа-тўғри... лекин эҳтиётлик билан!— деб жавоб берди капитан.— Сув ости қоялари чўзилиб кетган бўлса, шхунамиз шикастланиши мумкин. Ҳозирча шошилмай, оролга эрталаб яқинлашсак дуруст бўлармиди...

— Маъқул, капитан, кутамиз, илло аста-секин яқинлашаварамиз...

— Ихтиёрингиз!

Капитан тажрибали денгизчилардек иш тутди. Қоронғида кемани нотаниш қирғоққа яқин олиб бориб бўлмайди. Бироқ янги ерга яқинлашганда лот<sup>1</sup> билан чуқурликни ўлчаб кўриш, тун қоронғилигидан эҳтиёт бўлиш керак.

Нотаниш киши ўз каютасига қайтди. У кечаси ухлаган бўлса-да, юнга уйғотмасидан аввал каллаи саҳарлаб палубага чиқиб олганди.

Капитан кўприкчани тарк этмасликка ҳамда тунги навбатни боцманга топширмасликка аҳд қилди.

Аста-секин тун чўкиб, уфқ тобора хиралашиб борарди.

---

<sup>1</sup> Лот — денгиз чуқурлигини ўлчайдиган асбоб.

Қуёшнинг сўнги нурлари қадалган булут парчалари шамдай сўниб, шамол аста-секин тина борди. Кемани бошқариб, йўлга солиб туришгагина зарур бўлган елка қолдирилиб, бошқалари йиғилди.

Кўк гумбазида дастлабки юлдузлар милтиллай бошлади. Шимолда қутб юлдузи хирагина йилтираб, мижжа қоқмай тикилиб турарди, бу орада Еттиоғайнинг тирсагидаги Арктур чарақлай бошлади...

Уйқуга чўмган денгиз сатҳи тунги осойишталик ҳукмида эди.

Капитан шхуна бортига суяниб, лангар чиғири ёнида қотиб турарди. Унинг бутун хаёлини фақат биргина нарса — ғира-шира қоронғилик қўйнидан кўзга ташланган қора нуқта ҳақидаги ўй банд этганди. Ҳозир уни яна шубҳа-гумонлар ўз гирдобига тортган, тун зулмати эса бу гумонларни янада орттирарди. Кўзига шундай кўриндикикин? Чиндан ҳам бу янгидан пайдо бўлган оролмикин? Ҳа, албатта. У бу сувларни яхши билади, бу ерларда юз мартабалаб бўлган-ку, ахир... Назарида оролча бир милча наридадек, энг яқин қирғоқдан эса саксон лъеча<sup>1</sup> берида тургандек эди. Аммо боринги у янглишмаган ва оролча ҳақиқатан ҳам сув остидан чиқиб қолган бўлсин дейлик, уни бирор кимса эгаллаб олмаганмикин?.. Борди-ю бирор денгиз сайёҳи ўз байроғини қадаб кетган бўлса-чи?.. Океан лахтакчилари — инглизлар ўз йўлларида учраган бу тирноқдаккина лахтак оролчани топиб, шоша-пиша бусиз ҳам тўлиб-тошган тўрваларига солиб олмаганмикинлар? Қоронғида оролчанинг бирор кимса томонидан эгалланганидан далолат берувчи ўт ёниб қолмасмикин?.. Эҳтимол бу бир уюм тош денгиз сатҳига бир неча ҳафта ёхуд, ҳатто, бир неча ой бурун чиқиб қолгандир, унда гидрографнинг<sup>2</sup> оролчанинг қаерда турганини аниқловчи асбобидан қочиб қутулиши амри маҳол-ку.

Тонг ёришишини кутаркан, бу изтиробли ва ташвишли ўйлардан капитаннинг юрагига гулгула тушиб қолганди. Энди оролнинг қаердалигини кўрсатувчи бирон нишона қолмаган эди — ҳатто зулматни сал ёритиши мумкин бўлган оролчани чулғаб турган буғ ҳам йўқол-

<sup>1</sup> Лъе — французларнинг эскириб қолган ўлчови, 4,5 кмга тенг.

<sup>2</sup> Гидрограф — гидрография мутахассиси, гидрография — географиянинг сув ости тузилишини ўрганувчи бўлими.

ганди. Тун зулматида осмону сув қўшилиб-чатишиб кетган эди.

Вақт ўтиб боряпти. Қутб юлдузи туркуми кўк гумбази бўйлаб унинг тўртдан бирини босиб ўтди. Соат тўртларда шимоли-шарқ томон ёриша бошлади. Тонгги ғира-ширада қоқ тепада турган парку булут парчаларини кўз бемалол илғай оларди. Яна бир неча дақиқадан кейин уфқда шафақ ўйнай бошлайди. Бироқ денгизчи учун кеча кечқурун кўзи тушган оролчани, башарти учиндан ҳам мавжуд бўлса, кўриш, яна кўриш учун бунча ёруғликнинг ҳожати йўқ эди.

Худди шу аснода капитан турган кўприкчага нота-ниш киши чиқиб келди.

— Хўш?.. Қани ўша орол?— деб сўради у.

— Ана у, жаноби олийлари,— деб жавоб берди капитан, шхунадан тахминан икки милча нарироқда кўзга ташланиб турган бир тўда қояларни кўрсатиб.

— Яқинроқ борилсин!

— Эшитаман, жаноби олийлари!..

## ИККИНЧИ БОБ

### *Бағзибир зарурий тафсилотлар*

Китобхон Муҳаммад Али пошшо<sup>1</sup> нега тўсатдан саҳнага чиқиб қолди, деб ажабланиб юрмасин. Яқин Шарқ тарихида бу машҳур пошшонинг тутган мавқеи қанчалар юксак бўлмасин, бизнинг қиссамизда янги Миср давлатининг асосчиси бўлган бу одам шхунада саёҳат қилиб юрган нотаниш аслзода кимса билан адоватли муносабатда бўлгани туфайлигина қатнашади, холос.

Ўша пайтларда Муҳаммад Али ўғли Иброҳим пошшонинг лашкарлари ёрдамига таяниб, Туркия ҳукмдори

<sup>1</sup> Муҳаммад Али (1769—1849) — Мисрнинг 1805—1849 йиллардаги ҳукмдори. Туркия тобеилигидан қутулиш учун ўғли Иброҳим кўмагида 1831—1833 ва 1839—1840 йилларда олиб борилган урушларда турк лашкарларини тор-мор этади. Бироқ Европа давлатлари, айниқса Англиянинг сиқуви остида қайтадан Туркия султонига илтиф этишга мажбур бўлган. Иброҳим пошшо 1816—1818 йилларда Арабистонда боққинчилик урушларини олиб борган. 1824—1828 йилларда Туркия истибдодига қарши кўтарилган юнонлар қўзғолонини бостиришда қатнашган.

бўлган султон Маҳмудга<sup>1</sup> қарашли Фаластин билан Сурияни ҳали забт этишга киришмаган эди. Аксинча, султон билан пошшо дўст эдилар, зеро Муҳаммад Али мўъжазгина юнон қироллигини тиклашга уриниб кўтарилган кўзғолонни шафқатсизлик билан бостиришда катта мадад берганди.

Узоқ йиллар давомида Муҳаммад Али билан Иброҳим пошшо ўз пошшоликларида тинчгина яшашди. Бироқ, султонликнинг оддий фуқаролари билан баб-баравар қилиб қўядиган бу тобелик уларнинг иззат-нафсига тегарди, албатта. Шунинг учун ҳам улар асрлар мобайнида елкаларидан эзиб келган истибдод занжирларини парчалаб ташлаш ниятида қулай фурсат келишини кутиб ётардилар.

Уша пайтларда Мисрда бобои-бобокалонлари давридан авлодлар оша тўпланган, энг катта бойликнинг эгаси бўлган бир кимса яшарди. Бу бадавлат одам Қоҳирада истиқомат қиларди, уни Комулк пошшо дейишарди. Ана шу кишини капитан жаноби олийлари деб улуғлаётган эди.

Бу фозил одам бўлиб, математика фанларига мойиллиги зўр эди. Уни бу илмларни фақат амалда қўллаш жараёни эмас, балки назарий жиҳатлари ҳам қизиқтирарди. Жисман мисрлик, қалбан эса турк бўлган Комулк пошшо аввало Шарқ одами эди.

Яқин Шарқ мамлакатларини Фарбий Европа давлатлари тажовузидан Муҳаммад Алига қараганда Маҳмуд кўпроқ ҳимоя қилажagini тушунган Комулк пошшо Маҳмуд томонига ўтиб, бутун вужуди билан курашга берилиб кетди. Комулк пошшо 1780 йилда ҳарбийлар оиласида туғилади, ҳали ёши йигирмага тўлмасданоқ Жаззар<sup>2</sup> қўшинига кўнгилли бўлиб қўшилади ва ўз жасорати туфайли кўп ўтмай пошшолик унвонига эришади. Комулк пошшо 1799 йили Бонапарт ва унинг генераллари Клебер, Ренье, Ланн, Бон ва Мюрат бошчили-

---

<sup>1</sup> Маҳмуд II (1785—1839)— Туркия султони, у ҳукмронлик қилган даврда мустабид-феодал Усмонли империяси инқирозга юз тутган.

<sup>2</sup> Жаззар (арабча — жаллод, қассоб дегани)— султонликнинг Сурия ва Ливандаги ноиб. Султонликка қарши кўтарилган кўзғолонлар қатнашчиларини шафқатсизлик билан жазолагани учун шу лақабни олган. Унинг асли исми — Аҳмад пошшо (1735—1804).



гидаги француз қўшинлари билан бўлган урушларда қатнашиб, ўз ҳаёти, бойлиги, эркини юз маротабалаб таҳлика остида қолдирди. Ал-Аришдаги жангда турклар билан бирга асир тушади. Унга, бундан-буён ҳеч қачон Францияга қарши курашмайман деб қасамёд этсанг, озод қиламиз дейишади. Бироқ хатти-ҳаракати сингари қарашлари ҳам қатъий ва матонатли бўлган Комулк пошшо келажакда тақдирнинг ўзгариб қолишига қаттиқ ишонганидан охиригача курашишга аҳд қилиб, бу тақлифни рад этади. Кўп ўтмай у қочиб муваффақ бўлади ва жон-жаҳди билан курашга отилади.

6 мартда, Яффа топширилганда, таслим бўлганлар қатори унинг ҳаёти сақланиб қолди. Аксарияти албан ёки арнаутлардан иборат бўлган тўрт минг асир Бонапарт қаршисида сафланганда, у бу жасур аскарлар қўшилиб Суриянинг Аққа порти пошшосининг гарнизони кучайиб кетмасин деб чўчиди. Шу боисдан Бонапарт уларнинг ҳаммасини отиб ташлашга буйруқ берди, бу билан эса у ўзининг ҳеч нарсадан қайтмайдиган фотиҳ эканлигини исботлади.

Бу сафар Ал-Аришдагидек ҳарбий хизматни ташлайман, деб қасамёд этсанглар озод қиламиз, деган тақлифни қилиб ўтирмадилар. Йўқ! Уларнинг барини ўлимга ҳукм қилдилар. Уқ текканлар қумлоқ қирғоққа таппа-таппа қулайвердилар, ўқ тегмай қолган ва қутулдим, афв этишди деб ўйлаганлар эса бари бир ўша қояли қирғоқда кўз юмдилар.

Аммо Комулк пошшонинг пешонасига бу ерда ҳалок бўлиш битилмаган экан.

Французлар орасидан — тан бермоқ керак уларга — бу доҳшатли қирғиндан нафратланганлар ҳам топилди. Бу довюрак кишилар бир неча асирнинг ҳаётини сақлаб қолишга муваффақ бўлдилар. Халоскорлардан бири, савдо кемасининг денгизчиси тунда бу бахти қаролардан ҳали жони узилмаганлари бўлса керак деб қоялар томон жўнади, у ердан оғир яраланган Комулк пошшони топиб, уни ишончли ерга олиб бориб, парвариш қилди. Комулк пошшо бундай ҳимматни унута олармиди? Асло. Унинг ўз халоскорини қачон, қандай ва қай тариқа тақдирлагани мазкур ҳаққоний ҳамда фаройиб

MARGILON IQTISODIYOT

Шунда **HOLLER**, орадан уч ой ўтгач, Комулк пошшо

Бонапарт Аққа остоналаридаги жангда бой берди. Дамашқ ҳокими Абдулла бошчилигидаги турк қўшинлари 4 апрелда Иорданияни босиб ўтди, сэр Вильям Сидней қўмондонлигидаги инглиз эскадраси эса айни вақтда Сурия сувларида соқчилик қиларди.

Бонапарт Клебер ва Жюно<sup>1</sup> дивизияларини мададга юборганига, ҳатто Табор тоғидаги жангда туркларни тор-мор қилиб, ўзи ҳам етиб келганига қарамай фурсат ўтган эди; Наполеон Аққага қайтадан таҳдид қилиб келганида, у ерга аллақачон ўн икки минг кишилик қўшин мададга етиб келганди. Бунинг устига вабо тарқалди. 20 майда Бонапарт қамални бекор этди.

Шундан кейин Комулк пошшо Сурияга қайтишга жазм этди. Бундай безовта, хавотирли дамларда Мисрга қайтиш улкан эҳтиётсизлик бўларди. Фақат кутиш лозим эди, ана шунинг учун ҳам Комулк пошшо беш йил кутди. Ўзининг давлатмандлиги туфайли у Миср ҳукмдорининг ҳарислигидан сақланиш мумкин бўлган турли вилоятларда беками-кўст ҳаёт кечира оларди.

Худди мана шу йиллар мобайнида оғолардан<sup>2</sup> бирининг ўғли ҳамманинг диққат марказида эди, унинг жасорати 1799 йилдаги Абукир жангида яққол кўзга ташланган эди.

Гап ўзининг бундай обрў-таъсиридан фойдаланиб мамлукларни<sup>3</sup> султон Ҳисров пошшога қарши кўзгаб қўйган, Ҳисровнинг вориси Хуршидни тахтдан ағдаришга муваффақ бўлган ва ниҳоят, 1806 йили султонлик ҳукуматининг ризолиги билан ўзини ҳукмдор деб эълон қилган Муҳаммад Али ҳақида бораётир.

Комулк пошшонинг ҳомийси Жаззар эса бундан икки йил муқаддам вафот этганди. Шундан кейин бу мамлакатда ўзини ёлғиз ҳис этган Комулк пошшо энди беҳавотир Қоҳирага қайтсам бўлар деган қарорга келади.

Бу пайтда унинг ёши йигирма еттига етганди. Яқин-

---

<sup>1</sup> Жюно — герцог д'Абрантес (1771—1813), французлар генерали. Бонапартнинг Италия ва Мисрга қилган юришларида қатнашган.

<sup>2</sup> Оғо — Туркияга тобе бўлган музофот ва вилоятлар ҳокими.

<sup>3</sup> Мамлуклар — Миср султонларининг шахсий гвардияси, улар мамлакатда катта эътиборга эга бўлганлар ва бир неча марта сарой тўнтаришларини амалга оширганлар. Мамлуклар 1811 йили Миср ҳукмдори Муҳаммад Али томонидан қирғин қилинган.

гинада катта меросга эга бўлиб, Мисрнинг энг олди бойларидан бирига айланган эди у. Уйланишга асло майли йўқлиги ва одамовироқ бўлиб, танҳоликни ёқтиргани туфайли у ўзини бутунлай ҳарбий санъатга бахш этган ва ҳарбий истеъдодини амалда қўллаш учун фақат қулай фурсат етишини кутиб ётарди. Унинг вужудида ёшликка хос ғайрат қайнаб-жўш урар, сиртга тошиб чиқиш учун ўзига йўл изларди. Бу ёшлик ғайрати унинг олис ва узоқ вақтлар давом этган саёҳатларида қўниш топди.

Комулк пошшонинг бевосита меросхўри йўқлиги сабабли вақти-соати етиб беҳисоб давлатим кимга тегади деган масала кўндаланг бўларди қаршисида. Бу вазиятдан фойдаланиб қоладиган бирор уруғ-аймоғи йўқмикин?

Комулк пошшонинг ўзидан олти ёш кичкина, 1786 йилда туғилган Мурод деган бир қариндоши бор эди. Гарчи икковлари ҳам Қоҳирада истиқомат қилсалар-да, сиёсий маслаклари турли бўлгани учун ўрталарида борди-келди йўқ эди. Комулк пошшо Усмонли империяси манфаатларига содиқ бўлиб, ўзининг бу садоқатини қандай исботлаганидан хабардормиз. Мурод эса тилида ҳам, амалда ҳам турклар таъсирига қарши курашар, Муҳаммад Али Туркия султони Маҳмудга қарши фитналар уюштира бошлаганида унинг оташин мухлисига айланган эди.

Комулк пошшо қанчалик бадавлат бўлса, шунчалик қашшоқ бўлган Мурод унинг яккаю ягона қариндоши сифатида, лекин фақат муросага келганлари тақдирдагина ўз қариндошининг давлатига эга бўла оларди. Аммо бундай бўлиши мумкин эмасди. Аксинча, бу авлоднинг сўнгги вакиллари бўлган бу икки кимса орасидаги ихтилоф аламзадалик, адоват ва ҳатто нафратланиш оқибатида фақат чуқурлашиб борарди.

Ун саккиз йил мобайнида—1806 йилдан 1824 йилгача—Муҳаммад Алининг ҳукмронлигига ҳеч қандай ташқи урушлар таҳдид қилмади. Айни вақтда Муҳаммад Али ўзининг собиқ шериклари, тахтга чиқишга мадад берган ҳамкорлари—кундан-кунга таъсир-эътиборлари ўсиб, хатти-ҳаракатлари тобора хатарли тус олиб бораётган мамлукларга қарши курашишга мажбур бўлди. 1811 йилда бутун Миср бўйлаб уюштирилган ялпи қирғин Муҳаммад Алини ички хатарлардан халос этди.

Шундан кейин ҳукмдор учун осойишта йиллар бошланди. Унинг Девон<sup>1</sup> билан алоқаси соз бўлиб қолаверди (сиртдан қарагандагина шундай эди). Аслида эса султон Маҳмуд Муҳаммад Алига ишонмасди — бунга асоси бор эди албатта.

Комулк пошшо кўпинча Муроднинг ёвуз ниятларига нишон бўларди. Муҳаммад Алининг ўзига бўлган илтифотидан фойдаланган Мурод ҳукмдорни бадавлат мисрликка қарши гиж-гижлаб, игво қилишдан тинмасди. У ўз ҳукмдорига Комулк пошшо султон Маҳмуднинг тарафдори, туркларнинг дўсти эканини, уларни деб қон тўкканини эслатиб турарди. Муроднинг айтишича, Комулк пошшо хавфли, шубҳали одам... эҳтимолки, жосус эмиш... Бир одамнинг қўлида шунчалик беҳисоб бойликнинг бўлиши хатарли эмиш... Мурод шуҳратпараст ҳамда қатъиятсиз ҳукмдорнинг ҳарислик иштаҳасини қитъқлаш учун нимаики лозим бўлса, барини гапирарди.

Бироқ бу нарса Комулк пошшони заррача ташвишга солмасди. У Қоҳирада ҳеч кимга қўшилмай шунчалар танҳоликда яшардики, унга қарши тузоқ қуриб илинтириш амри маҳол эди. Мабодо у Мисрни тарк этганида ҳам ўзидан беш яшар кичик бўлган капитан Зо бошқарадиган шахсий шхунасидагина олис сафарларга чиқарди, холос. Капитан Зо эса унга бениҳоя содиқ одам эди... Осиё, Африка ва Европа денгизлари бўйлаб сафар қиларкан, Комулк пошшо бутун инсониятга такаббурона лоқайдлик билан қаровчи, бемақсад ҳаёт кечирувчи кимсадек изтироб чекарди.

Китобхон эҳтимол, Комулк пошшо ўз ҳаётини сақлаб қолган анави француз денгизчини унутиб юбормадимикан, деб сўрар. Унутган дейсизми?.. Йўқ, ҳеч қачон. Бунақанги хизмат унутилмайди. Лекин ўша денгизчи тақдирланганмикин? Йўқ. Балки Комулк пошшо уни кейинчалик мукофотлашни ихтиёр қилиб, навбатдаги денгиз саёҳати пайтида француз сувларига бориладиган қулай фурсатни кутаётгандир? Бунга ким ҳам жавоб бера оларди?..

1812 йилга келиб Комулк пошшо Қоҳирада қаттиқ назорат остида яшаётганини пайқаб қолади. Бир печабор ҳукмдор мўлжаллаган саёҳатига чиқишга изн бермади. Комулк пошшонинг эрки таҳлика остида қол-

<sup>1</sup> Девон — Туркияда олий давлат идораси.

ди. Бу қариндошининг муттасил ғийбатининг оқибати эди.

1823 йили, ўттиз етти ёшида Мурод уйланишга аҳд қилади, лекин бу никоҳдан давлат орттиролмади. У ёшгина фаллоҳ қизига, деярли бир чўрига уланади. Шунинг учун ҳам Муроднинг Муҳаммад Али билан ўғли Иброҳимга яқинлигидан фойдаланиб, қўлидан келганича уларни Комулк пошшога қарши қўйиш йўлида қилган хатти-ҳаракатларидан ажабланмаса ҳам бўлади.

Бу орада Миср учун яна жангу жадал палласи бошланиб, қилич ялонғочлашга тўғри келиб қолганди. 1824 йили Юнонистон султон Маҳмудга қарши бош кўтарди. Султон ўз тобеси бўлган Муҳаммад Алини исёнчиларга қарши курашда мадад беришга чақирди. Бир юз йигирма кемадан иборат бўлган флот Иброҳим пошшо бошчилигида Мореяга томон йўлга тушиб, у ерда ўз қўшинларини жангга солади.

Бу воқеа Комулк пошшога яна ҳаётга қизиқиш уйғотади; йигирма йиллик танаффусдан сўнг яна янги хаттарли сафарга отланишга, кўзғолон кўтарган Пелопоннесга қарши курашиб, султонлик ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишга жон-жаҳди билан ошиқади. У Иброҳим лашкарлари сафига қўшилмоқчи бўлади, бироқ рад жавобини олади, султон қўшинларида офицерлик қилиш майлини билдиради — бу истаги ҳам рад этилади. Миллионер қариндошини кўздан йўқотмасликдан манфаатдор бўлган анави бизга маълум шахснинг машъум қўли йўқмикин бунда?

Юнонларнинг озодлик йўлида олиб борган кураши бу мардонавор миллатнинг ғалабаси билан тугади. Иброҳим пошшо лашкарлари Юнонистонни уч йил шафқатсизларча қамал қилиб тургандан кейин, 1827 йилдаги Наварин жангида инглиз, француз ҳам рус флотларининг бирлашган кучлари турклар эскадрасини яксон қиладилар ва ҳукмдорни омон қолган кемалари ҳамда қўшинларини Мисрга чақириб олишга мажбур этадилар. Иброҳим пошшо Қоҳирага Мурод кузатувида қайтади. Мурод Пелопоннес уруши давомида у билан бирга бўлган эди.

Шу дамдан бошлаб Комулк пошшонинг аҳволи янада мушкуллаша борди. 1829 йили фаллоҳ хотини ўғил тугиб бергач, Муроднинг адовати минг чандон ортди. Давлати эмас, унинг оиласи ортганди, холос. Мурод

қандай бўлмасин Комулк пошшонинг давлатини қўлга киритишга аҳд қилди. Хуьмдорнинг бу борада мадад беришидан асло шубҳаланмаса ҳам бўлади. Бундай мурувват Мисрда янгилик эмас. Дарвоқе, бундай ишлар фақат шарқдагина юз бермайди...

Китобхон Муроднинг ўглининг оти Соук эканлигини ёдда тутсин.

Вужудга келган вазиятга тўғри баҳо берган Комулк пошшо фақат биргина чора: аксарият қисми олмос ва қимматбаҳо тошлардан иборат бўлган бутун бойлигини жамлаб Мисрдан олиб чиқиб кетишгана қолганини тўшунди. Бу тадбир бадавлат мисрликнинг тамоман ишончини қозонган, Искандарияда яшовчи бир неча муҳожир ёрдамида бағоят эҳтиёткорлик ва усталлик билан амалга оширилди. Ниҳоятда сир тута билишлик бу тадбирнинг муваффақиятли чиқишининг омили бўлди. Бу муҳожирлар кимлар эди? Қайси миллатдан эди улар. Буни ёлғиз Комулк пошшонинг ўзи биларди.

Кўринишидан испан винолари сақланадиган бочкаларга ўхшаган, темир чамбарлар билан мустаҳкамланган қўшқават деворли муъжазгина учта бочкача Комулк пошшонинг бор бойлигини жойлаш учун кифоя бўлди. Ниҳоятда эҳтиёткорлик билан бу бочкачалар Неаполитан кемасига чиқарилди; кейин капитан Зо ва минг бир хатардан мўъжиза билан омон қолган бойликлар эгаси ҳам худди ўша кемадан жой олишди: айғоқчилар унинг ортидан Қоҳирадан то Искандариягача изма-из эргашиб боришди, у ўша ердалигида ҳар бир қадамини назардан қочоришмади.

Беш кундан кейин кема Ладикияга лангар ташлади, у ердан эса Комулк пошшо Алеппо<sup>1</sup> томон йўл олди. У шу шаҳарда истиқомат қилишга қарор берганди. Эндиликда у ўзининг собиқ бошлиғи, ҳозирда эса Аққага пошшо бўлиб олган генерал Абдулланинг ҳомийлигида, Сурияда экан, Муроднинг фитна-фужурларидан хавотирланишининг ҳожати бормиди? Гарчи Муҳаммад Али қанчалик қудратли бўлмасин, уни султонликка тобе бир чекка вилоятдан қидириб топа олармиди?

Ҳар қалай шундай бўлиши мумкин экан.

Худди ўша 1830 йилда Муҳаммад Али султон билан алоқасини узди. Шухратпараст ҳукмдор Маҳмуд би-

<sup>1</sup> Ҳозирги Халаб.

лан бўлган тобелик ипларини узиб, Мисрдаги мулкига Сурияни қўшиб олиш, эҳтимолки Усмонли империясига ҳукмдор бўлиш каби заминдор фикрларга журъат этганди. Мажаро чиқариш учун баҳона топиш жуда осон эди.

Муҳаммад Али амалдорлари зулмидан эзилиб кетган фаллоҳлар Абдулла ҳомийлигида Суриядан паноҳ излаб қолдилар. Миср ҳукмдори қочоқларни қайтаришларини талаб қилди. Аққа пошшоси эса бундан бош тортди. Шунда Муҳаммад Али султондан Абдуллани қурол кучи билан таъзирини беришга изн сўраб қаттиқ туриб олди. Даставвал Маҳмуд фаллоҳлар Туркия фуқаролари, шунинг учун ҳам уларни Миср ҳокимига қайтариб беришни истамаслигини айтди. Бироқ орадан бир оз фурсат ўтиб, Скутарий пошшоси кўзғолон кўтаргач, Маҳмуд ёрдам бермаганида ҳам, ўзини бетараф қилиб кўрсатиш ниятида унга хайрихоҳлик билдирди.

Турли сабаблар, шу жумладан Левант портларида тарқалган вабо Иброҳим пошшо бошлиқ йигирма икки ҳарбий кема ҳамда ўттиз икки минг кишилик қўшиннинг ҳамласини тўхтатиб қолди. Шундай қилиб, мисрликлар Сурияга келиб тушишлари биланоқ ўзига таҳдид қилажак хатар ҳақида бош қотириш учун Комулк пошшонинг етарли вақти бор эди.

Комулк пошшо бу пайтларда эллик иккига қадам қўйганди, лекин бу қадар безовта ҳаёт кечирганидан ёшига нисбатан хийла қариб қолган кўринарди. Ҳафсаласи пир бўлган, ҳориган, деярли ноумидликка тушган Комулк пошшо фақат бир нарсани — оромнигина истарди. Буни у Алеппондан топарман деган эди, бироқ воқеалар тўфони яна унга қарши ҳамла қила бошлади.

Иброҳим Сурияга бостириб кириш тараддудида турган бир пайтда Алеппода қолиш ақлданмиди? Ҳозирча ҳамма гап фақат Аққа шаҳри ва вилояти устида борарди. Аммо Абдулланинг ҳукмронлиги тугагач, Миср ҳукмдори ўз музаффар қўшинини тўхтатиб қолармикин? Қайсар пошшони жазолаш билан унинг шухратпарастлик ҳирси қаноатланармикин? Кези келиб қолганда ўзининг доимий истаги бўлган Сурияни батамом забт этиш йўлида бу қулай фурсатдан фойдаланишга уриниб кўрмасмикин? Аққани ишғол этгач, Иброҳимнинг сарбозлари Дамашқ, Сидон, Алеппога таҳдид қилмасмикин? Бу ўйларнинг бари жиддий хавф уйғотарди.

Бу гал Комулк пошшо қатъий қарорга келди. Муроднинг шахсан Комулк пошшони қўлга тушириш учун эмас, балки унинг бойлигини қандай бўлмасин, ҳатто талайгина қисмини Муҳаммад Алига бериб бўлса ҳамки, қўлга киритиш ниятида таъқиб этиб келаётгани аён эди. Демак, бойликни йўқотиш, шундай хилват жойга гумдон қилиш керакки, токи ҳеч ким тополмасин! Ундан у ёғи воқеалар оқимига қараб бўлаверади. Башарти Комулк пошшо кейинчалик ҳаёти билан баробар бўлмиш Шарқни умрбод тарк этишга жазм қилгудек ёки Суриядаги вазият яхшиликка юз тутиб, у тагин қайтгудек бўлса, унда бойлигини яккаш ўзигагина маълум бўлган хилватгоҳдан олиб келаверади...

Капитан Зо Комулк пошшонинг режасини маъқуллади ва сир ҳеч қачон очилмайдиган қилиб, бу режани амалга ошириш йўллариини ўйлаб топди. Шхуна сотиб олинди, кема хизматига эса турли миллат кишиларидан ёлладилар. Матрослар аввал бир-бирини танимас, бир-бири билан мутлақо алоқаси йўқ эди. Бошқа талайгина юклар орасида учта бочкачани ҳам шхунага ортишди. Уларга нима солингани ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмасди албатта. 13 апрелда Комулк пошшо Ладикияда шхунага чиқди-да, очиқ денгиз томон сузиб кетди.

Комулк пошшонинг қаердалиги ўзига ва капитангагина маълум бўлган бирор оролни топишга қатъий аҳд қилганидан хабардор эдик. Даставвал кема экипажини чалғитиш, бирорта ҳам матроснинг шхунанинг қайси томонга ҳамда қаерга кетаётганини аниқлаёлмаслигига эришиш зарур эди. Ун беш ойлик сафар мобайнида капитан Зо муттасил йўлни ўзгартириб борди. Шхуна Ўртаер денгизидан чиқиб кетдими ёки қайтиб келдими? Кўҳна Дунё мамлакатлари қирғоқларини ювиб турган бошқа денгизларга кириб ўтдими? Бу янги орол Европа сувларида топилдими? Ҳаммаси қоронғи эди кема экипажига. Фақат биргина нарса аён эди: шхуна навбати билан турли кенгликлар ва турли иқлим минтақаларини сузиб ўтдики, унинг шу топда қаерда турганини энг моҳир денгизчи ҳам аниқлаёлмасди. Икки-уч йилга етадиган озиқ-овқат ғамлаб олинган шхуна чучук сув олганигина бирор қирғоққа яқинлашар, кейин тагин очиқ денгизга йўл оларди, қаерда сув олинганини ёлғиз капитан Зогина биларди, холос.

Биз энди ўз бойлигини денгизга улоқтирмақчи бўлиб



турган дамда нажотбахш орол кўзга ташланиб қолгунига қадар Комулк пошшонинг узоқ вақт сузиб юрганидан хабардормиз.

Биз эслатиб ўтишга тўғри келган, Миср ва Сурия тарихига алоқадор бўлган воқеалар ана шулардан иборат. Энди биз бу мавзуга қайтмаймиз. Қиссамиз бундай жиддий муқаддимага қараб тахмин қилинганидан кўра бирмунча ғаройиб ва ғайри оддийроқдир. Бироқ қисса мустаҳкам асосга қурилмоғи лозим, муаллиф ҳам худди шундай қилди, ёхуд ҳеч бўлмаганда шундай бўлишига ҳаракат қилди.

### У Ч И Н Ч И Б О Б

*Номаълум оролнинг пўлат сандиққа айлангани*

Капитан Зо елканларнинг баъзиларини йиғиш ҳақида буйруқ, ҳамда дарғага тегишли фармойиш берди. Шимоли-шарқдан майин субҳидам шабадаси эсарди. Шхуна тумшукдаги биринчи мачта елканини, пастдан иккинчи ва иккинчи мачтадаги энг пастки елканларини шамолга тутганича оролга яқинлашиб борарди. Бошқа елканлар йиғиб қўйилганди. Башарти денгиз тўлқинланиб қолгудек бўлса, шхуна оролчанинг шундоқ биқингинасига яширина олиши мумкин эди.

Комулк пошшо капитан кўприкчаси панжарасига тирсакларини тираганича диққат билан олисларга тикилаётган пайтда, капитан ундан олдинроқда туриб, тажрибали денгизчиларга хос эҳтиёткорлик билан шхунани ҳеч қандай харитада кўрсатилмаган орол томон олиб борарди.

Ҳақиқатан бу ер хавф-хатарларга тўла бўлиши мумкин. Оҳиста мавжланиб турган денгиздаги маккор сув ости қояларини пайқаб олиш бағоят мушкул иш. Бу ерда кемалар юра оладиган чуқур жойни кўрсатиб турувчи бирор белги йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмасди-да, ахир. Афтидан, оролга бемалол яқинлашаверса бўладиганга ўхшайди—сув ости қоялари мутлақо кўринмайди. Боцман лот ташлаб, бирор хавфдан далолат бергувчи ҳеч нима топа олмади.

Қусш тонготар олдидаги туман пардасини йиртиб, ўзининг қия нурлари билан оролчани ёритаркан, бу субҳидам чоғида бир милча нарида улар кўз ўнгида қуйидаги манзара намоен бўлди.

Оролча шунчалик муъжаз эдики, фақат босқинчи, зикна Англияни мустасно қилганда, уни бирорта ҳам давлат кўзга илмасди. Бу бир уюм тошлоқ қояларнинг денгизчилар билан гидрографларга номаълумлиги ҳамда энг янги хариталарда ҳам белгиланмаганининг ёрқин далили—теварақ-атрофдаги сувларни назорат қилиб туриш мақсадида уни Буюк Британиянинг иккинчи Гибралтарга айлантириб улгурмаганидир. Оролча чиндан ҳам яқингинада пайдо бўлган ва одатдаги кемалар қатнайдиган йўлдан четда эди.

Оролча ташқи кўринишидан яхлит бир япасқи тепаликка ўхшар, ҳамма томонини ўлчаб чиққанда аранг уч юз туазга етарди. Тузилиши жиҳатдан тухумга ўхшаб кетар, бўйи юз эллик, эни олтинш-саксон туазча келарди. Лекин оролча мувозанат қонунлари билан баҳслашмоқчи бўлгандек бир-бирига муъжизавий йўллар билан мингашиб кетган, бетартиб жойлашган қоялар тўплами эмасди. Оролчанинг сув бетига ер қобиғининг аста-секин, бир маромда ўсиши натижасида чиқиб қолгани шубҳасиздир. Унинг қўққисдан бўлган ер ости силкинишлари оқибатида эмас, балки денгиз тубидан секин-секин ўсиб чиққани яққол кўриниб турарди. Оролчанинг қирғоқлари теп-текис, ҳеч қандай қўлтиғу ҳеч қанақа кўрфазчалар йўқ. У табиат минг бир хил нақш ўйиб, минг бир тур ажиб жимжималар чеккан денгиз чиғаноқларининг бирортасига ўхшамас, балки устрицанинг устки қопқоғи ёхуд—буниси аниқроқ бўлса керак—тошбақанинг косасини эслатарди. Бу коса ўртасига томон баландлаб бориб, унинг чўққиси денгиз сатҳидан бир юз эллик футча<sup>1</sup> баланд эди.

Оролчада бирор туп дарахт бормиди? Битта ҳам. Ўсимликлардан бирон нишона-чи? Ҳеч қандай. Одам қадам босганидан бирор далолат бормиди? Ҳеч қаерда. Оролчада тирик жондор зоти йўқ ва бўлиши мумкин эмас, бундан шубҳаланмаса ҳам бўлади. Шунинг учун ҳам агар Комулк пошшо ўз бойликларини яширмоқчи экан, бу тошлоқ оролчадан маъқулроқ, хилватроқ, бежавотирроқ жойни топиб ҳам бўлмасди.

«Оролча атайлаб худди шу ишга яратилганда-я!»—деб хаёлидан ўтказди капитан Зо.

Бу орада шхуна аста-секин елканларини йиғиб, шо-

<sup>1</sup> Фут — англиз узунлик бирлиги, 30,4 сантиметрга тенг.

шилмай сузиб борарди. Оролчага етишга бир кабельтовча<sup>1</sup> масофа қолганда капитан лангар ташлашга буйруқ берди. Шу заҳотиёқ чиғирдан бўшатишган лангар туйнукдан шалдираб чиқаётган занжирни сурганича йиғирма саккиз саржин чуқурликдан жой олди.

Оролчанинг қатлам-қатлам қирғоғи—ҳар қалай улар яқинлашган томон—ниҳоятда тикка эди. Кема саёзга ўтириб қолишидан чўчимай янада яқинроқ борса, қирғоққа тақалиб тўхтаса ҳам бўларди-ю, лекин, ҳар ҳолда сал нарироқда тўхталгани маъқул эди.

Шхуна лангар ташлаб, боцман сўнгги елканларни ҳам йиғишга буйруқ бергач, капитан Зо тагин ўз кўприкчасига кўтарилди.

— Катта қайиқ гушуришни буюрадиларми, жаноби олийлари?—деб сўради у.

— Йўқ... ялик<sup>2</sup>. Иккимиз тушганимиз маъқул.

— Ихтиёрингиз.

Бир дақиқадан кейин капитан иккита енгилгина эшакни ушлаганича яликнинг тумшугида, Комулк пошшо эса қуйруқ томонида ўтирарди. Бирпасда мўъжазгина қайиқча капитаннинг назарида қирғоққа чиқиш энг қулай жой бўлиб кўринган ерга сузиб борди. Қоянинг ёриғига тўрт тишли лангарчани маҳкамлаб ўрнатишди, Комулк пошшо ўз ҳукмига олган оролчага қадам қўйди.

Бу воқеа шарафига ҳилпиратиб байроқ кўтарилмади, замбараклар ҳам гумбурлагани йўқ! Оролни эгаллаш учун унга бирор давлат вакили эмас, балки яна уч-тўрт соатдан сўнг орқага қайтадиган бир шахсгина қадам қўйганди.

Комулк пошшо билан капитан Зо авваламбор оролчанинг ён бағирлари қумлоқ пойдевор устида қад кўтармай, эллик-олтмиш градусли бурчак ҳосил қилиб, тўппа-тўғри денгиз қаъридан чиқиб келганини кўришди. Оролча дарҳақиқат денгиз тубининг ўсиши оқибатида пайдо бўлгани шубҳасиз эди.

Улар оролчани текширишга киришдилар. Унинг бутун теграсини айланиб чиқиб, аллақандай чақмоқтош кристалларини топтаб ўтишаркан, ҳали бу ерга инсон қадами етмаганини фаҳмлашди—ҳали инсон қадами етмаган бу тупроқда, тўғрироғи жинсда ҳеч қандай издан

<sup>1</sup> Кабельтов — денгиз узунлик ўлчови, 185,2 метрга тенг.

<sup>2</sup> Ялик — кичинкина, энсиз, тез сузадиган қайиқча.

ном-нишон йўқ эди. Оролча қирғоғининг бирор ерида таркибида турли кислоталар бўлган денгиз тўлқинлари таъсирида емирилишдан нишона йўқ, уруғи шамол ёрдамида қоя ёриқларига тушиб униб чиқадиган оддий лишайник<sup>1</sup>, денгиз укропи ёки денгиз йўсинига ўхшаш бирон ўсимликнинг қораси ҳам кўзга ташланмас, биронта чиғаноқнинг на ўлигию на тириги бор эди.

Оролнинг қуп-қуруқ кристалл юзасидан фақат сўнги ёққан ёмғир пайтида чуқурчаларга тўпланиб қолган ҳалқоблару у ер-бу ерда ётган парранда — бу атрофдаги ҳайвонот оламининг яккаю ягона вакиллари бўлган чорлоқларнинг гўнги кўзга ташланади, холос.

Оролчанинг теграсини айланиб чиққач, Комулк пошшо билан капитан юмалоқ тепаликнинг қоқ ўртасига юришди. Бу қояларнинг ҳеч қайсисида бир вақтлар ёки яқин орада одам боласи бўлганидан далолат берувчи заррача аломат сезилмасди. Чор атрофда тонг қоларли даражада, агар шундай ифодалаш жоиз бўлса, чиннидай топ-тозалик барқарор эди: на бирор тирналган чиқиқ, на қатра доғ бор эди...

Сайёҳлар марказий думалоқ тепалик устига кўтариларканлар, океан сатҳидан тахминан юз эллик футча баланддаги майдончага чиқиб қолишди. Ёнма-ён ўтириб олиб, қаршиларида намоён бўлган уфқни диққат билан кўздан кечира бошладилар.

Беадад сув ялангликларида қуёш нури жилваланар, атрофда кафтдеккина бўлса ҳам қуруқлик кўринмасди. Демак, бу орол ҳалқа шаклидаги, ўртасидаги кўрфазча энсизгина канал орқали очиқ денгиз билан туташадиган маржон ороллари тўдасига кирмас экан. Капитан Зо биронта елкан кўриниб қолмасмикан деб дурбини билан атрофни синчиклаб кузатарди. Денгиз мутлақо бўм-бўш эди, оролчадан ярим кабельтов нарида лангар ташлаб турган шхуна зарур бўлган бир неча соат мобайнида бегона кўзга ташланиб қолишдан мустасно эди.

— Қаерда турганимизни яхши биласанми?—деб сўради Комулк пошшо.

— Албатта, жаноби олийлари,—деб жавоб берди капитан Зо.—Дарвоқе, янада аниқроқ бўлсин учун координатларни текшириб кўраман.

<sup>1</sup> Тошда, дарахтларнинг пўстлоғида ўсадиган майда ўсимлик.

— Ҳа, бу жуда муҳим... Ҳар қалай, бу оролчанинг нечун харитага туширилмаганига сира ақлим бовар қилмаяпти.

— Менимча, бунга оролнинг яқинда пайдо бўлгани сабаб. Ҳар ҳолда унинг харитада йўқлиги сиз учун маъқулроқ. Бу ерга қайтишни ихтиёр қилгудек бўлсангиз, оролчани истаган кунни топа олишимизга бемалол ишонсак бўлади.

— Ҳа, капитан, бу нотинч, алғов-далғов кунлар ўтди дегунча! Бойликларим узоқ йиллар бу қоялар остида кўмилиб ётса нима қипти денг! Ахир, давлатимнинг Алепподаги уйимдан кўра бу ерда тургани хавфсизроқ эмасми? Мени талагани бу ерларга на ҳукмдор, на унинг ўғли Иброҳим, на анави муттаҳам Мурод кела олади!.. Бу қимматбаҳо нарсаларни Муродга бериш-а! Ундан кўра бойликларимни денгиз қаърига улоқтириб юборганим маъқул-ку!

— Бу энг қайғули зарурат!—деб жавоб берди капитан.—Ахир, денгиз ўзига ишониб топширилган нарсани асло қайтариб бермайди-да... Ҳар қалай номаълум оролчани топish бахтига мушарраф бўлдик. У, албатта, бойликларингизни асрайди ва ўзингизга ҳаппаю ҳалол қайтаради.

— Кетдик,—деди Комулк пошшо, ўрнидан кўзга-либ.—Шхунамизни бирор кимса кўриб қолмасдан иложи борича тезроқ бир ёқлик қилайлик бу ишни...

— Эшитаман!

— Қаерда турганимизни кемадагиларнинг ҳеч қайсиси билмаслигига имонинг комилми?

— Ишонтириб айтаманки, жаноби олийлари, ҳеч зог билмайди.

— Ҳатто қайси денгиздалигимизни ҳам-а?

— Бу бир ёқда турсин-у, қайси ярим шарда, Кўҳна ёки Янги Дунёда эканимиздан ҳам беҳабар улар. Денгиз ва океанларни изғиб юрганимизга ўн беш ой бўлди, бу ўн беш ой ичида эса кема қитъалар орасидаги олам-жаҳон масофани босиб ўтиши мумкин.

Комулк пошшо билан капитан Зо ўзларини ялик кутиб турган жойга тушишди.

Қайшққа ўтираётди, капитан сўради:

— Жаноби олийлари! Бу ишни бир ёқлик қилиб, кейин Суррияга қайтамизми?

— Йўк. Мен Алеппога Иброҳимнинг лашкарлари

вилсютдан қувилиб, Маҳмуд ҳукмронлиги остида мамлакат яна осойишта ҳаёт кечира бошламасидан бурун қайтмайман.

— Вилоят Муҳаммад Али мулкига абадий қўшилиб қолади, деб ўйламайсизми?

— Асло! Пайғамбаримиз ҳаққи қасам ичаманки, асло!—деб қичқириб юборди бу тахминдан одатдаги совуққонлиги йўқолган Комулк пошшо.—Эҳтимол, Сурия бирмунча, ўйлайман, қисқагина вақтга Муҳаммад Али мулкига қўшиб олинishi мумкин. Олло таоло на қилса ўзи билади! Илло султон ҳукмига абадий қайтмаслик... Олло бунга йўл қўймайди!

— Жаноби олийлари, энди қаердан паноҳ топасиз?

— Ҳеч қаердан... ҳа, ҳеч қаердан! Башартики бойликларим бу ерда бехатар тураркан, шу ерда қола қолсин! Биз эса, капитан, аллақачонлар бошлаган сафари-мизни давом эттираверамиз...

— Бош устига, жаноби олийлари.

Кўп ўтмай Комулк пошшо билан ҳамроҳи шхунага қайтиб келишди.

Соат тўққизлар чамасида капитан узунликни аниқлаш мақсадида дастлабки марта қуёшни кузатди; чошгоҳда, самовий чароғимиз меридианни кесиб ўтадиган паллада иккинчи кузатишни ўтказиши керак, ана ўшанда капитанга координатлар—узунлик ва кенглик аён бўлади. У секстантни келтиришни буюрди ва баландликни ўлчади, шундай қилиб, Комулк пошшога ваъда қилганидек, ўлчашни пухта ҳамда тез бажарди. Натижаларни ёзиб олгач, капитан оролчанинг географик ҳолатини аниқлаш учун тахминий ҳисобни ишлаб чиққани каютасига тушди. Қатъий маълумотлар эса кенгликни ўлчаб бўлгач олинади.

Бироқ капитан ўз ишини бошлашдан аввал катта қайиқни ҳозирлашга буйруқ берди: унга анави учта бочкачани, чўкичлар, болталар ва цемент — хуллас Комулк пошшонинг ўйлаган мақсадини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳамма нарсани юклашни буюрди.

Соат ўнда ҳамма иш таппа-тахт бўлди. Олти матрос боцман бошчилигида қайиққа тушишди. Улар бу бочкачаларда нима борлигини ҳамда нима учун буларни кимсасиз оролчага кўймоқчи эканликларини билмасдилар. Бунинг уларга дахли бўлмагани туфайли асло ташвишлантормасди ҳам. Сўзсиз итоат этишга ўргатилган ден-

ғизчилар худди жонли машиналардай ҳаракат қилардилар.

Комулк пошшо билан капитан Зо қайиқ қуйруғидан жой олдилар, бир неча марта эшкак эшилиб, қайиқ зум ўтмаёқ оролча қирғоғига етиб олди.

Аввало хилватгоҳ учун қулай ерни танлаш лозим эди: бу жой шундай бўлсинки, кеча-кундуз тенглашган вақтдаги довуллар палласида сув босмасин ҳамда ўпирилиш таҳдид қиладиган баландликда бўлмасин. Бундай қулай жой ниҳоят оролчанинг жануби-шарқий томонидаги бир ўткир чўққили қоянинг этагидан топилди.

Капитан Зонинг буйруғи билан матрослар бочкачалар билан асбобларни оролчага туширишди. Кейин ўра қазий бошлашди.

Бу бағоят мушкул иш эди: чақмоқтош—жуда пишиқ, қаттиқ жинс. Чўкичлар зарбидан четга сачраган чақмоқтош парчалари бочкачалар солингандан кейин ўрани яна кўмиш учун зарур эди. Шунинг учун биттасини ҳам қолдирмай бир жойга тўпланилди. Чуқурлиги ва эни беш-олти футча келадиган ўрани ковлаш учун икки соатча вақт кетди, бу энг даҳшатли довуллар ҳам мурда оромини бузолмайдиган ҳақиқий лаҳаднинг ўзгинаси эди.

Комулк пошшо ҳар доимгидек ўйга толиб ва гамгин қиёфада, шилқим фикрлардан изтироб чекиб бир чеккада турарди. У ўз-ўзидан: бойликларим ёнига ётиб, оламдан кўз юмиб қўя қолганим маъқулмасмикин, деб сўрарди... Дарҳақиқат, инсон зулми ҳамда макридан қочиб қутулишга бундан кўра ишончлироқ паногоҳни қайдан топа олади?

Бочкачалар ўрага туширилгач, Комулк пошшо уларга сўнгги бор назар ташлади. Бу дамда унинг қиёфаси капитанга шундай галати бўлиб кўриндики, мабодо Комулк пошшо ўз буйруғини бекор этиб, қалбида ардоқлаб келган режасидан қайтса ва бойлигини олиб, яна денгизга чиқса ҳам асло ажабланмаган бўлурди.

Иўқ, у ишни давом эттираверинглар деб имо қилди. Шунда капитан бочкачаларни бир-бировига тақаб қўйиш ва чақмоқтош парчалари билан кўмиб, цемент билан мустаҳкамлашни буюрди. Тезда оролча қояларидан қаттиқликда қолишмайдиган қоришма тайёр бўлди. Устидан яна цемент билан қорилган бир талай тош парчалари солиниб, чуқур жойлар тўлатилгач орол билан бир

бутун, яхлит нарсага айланди-қолди. Орадан бир оз муддат ўтгач, ёмғир ҳамда шамолу бўронлар устини силлиқлаб унга жило беради, ана ўшанда бойлик кўмилган жойни мутлақо топиб бўлмайд қолади.

Бу махфий жойни керак пайтда топа олишга ёрдам берадиган бирор ўчмайдиган белги қўйиш зарур эди. Уранинг ортидаги тик деворга боцман ўйиб белги қўйди. Бу белги Комулк пошшонинг одатдаги имзосининг аниқ тасвири — икки К ҳарфи, яъни исмининг биринчи ва охириги ҳарфи бўлиб, у мана бундай акс эттирилди:

К  
К

Энди оролда қиладиган ишлар қолмаган эди. Бойлик ўрага солиниб, суваб, бекитиб ташланди. Уни бу ердан энди ким топа олар, бу хилват жойдан ким ҳам қазиб чиқара оларди?.. Ҳеч ким! Бойлик бу ерда батамом беҳатар сақланади. Бордию Комулк пошшо билан капитан Зо бу сирни ўзлари билан гўрга олиб кетганларида ҳам, то қиёмат қойимгача ҳеч зор у ҳақда ҳеч нима билолмайди.

Боцман матросларга команда берди ва қайиқ оролдан нари сузиб кетди. Бир неча дақиқадан сўнг оролчани айланиб ўтди-да, Комулк пошшо билан капитан Зо ни ҳам олиб, уларни лангар ташлаб қимир этмай турган шхунага етказди.

Соат чоракам ўн икки. Ҳаво ажойиб. Кўкда қатра булут йўқ. Чорак соатдан кейин қуёш меридианга етади. Капитан секстантни олиб, иккинчи марта ўлчов ўтказди. Сўнгра эрталаб соат тўққиздаги кузатиш бўйича соат бурчагини ҳисоблаб кенгликни аниқлади. Шундай қилиб, оролчанинг координатларини ярим миль аниқликда белгилаб чиқди.

Бу ишларни тугатгач, капитан энди палубага чиқмоқчи бўлиб турган ҳам эдики, Комулк пошшо каюта эшигини очиб кириб келди.

— Координатлар аниқланилдими?—деб сўради у.

— Ҳа, жаноби олийлари.

— Қани, кўрсат!

Капитан унга ҳисоблар ёзилган бир варақ қоғозни узатди. Комулк пошшо оролчанинг қаерга жойлашганини умрбод ёдда сақлаб қолмоқчидек уни синчиклаб, бафуржа ўқиб чиқди.



— Бу қоғозни яхшилаб яшириб қўй ва эҳтиётлаб сақла!— деди у капитанга.— Ун беш ой мобайнида юрган йўлимизни ёзиб борган кема журналинга келса...

— Жаноби олийлари, уни ҳеч ким ҳеч қачон кўрмайди...

— Тамоман хотиржам бўлиш учун сен уни ҳозироқ йўқотасан...

— Хўп бўлади.

Капитан Зо шхуна босиб ўтган турли денгиз йўллари ва уларнинг қандай ўзгартирилгани ёзиб борилган журнални олиб, майда-майда қилиб йиртди-да, кейин фонус ўтида куйдириб ташлади. Шундан кейин Комулк пошшо билан капитан палубага кўтарилишди. Шхуна куннинг қолган қисмини оролча ёнида лангарда ўтказди.

Кечки пайт соат бешларда ғарб томонда, уфқда қорамтир булутлар пайдо бўлди. Булутлар йиртиғидан ботиб бораётган қуёшнинг даста-даста нурлари тушиб, денгизни олтиндек жилолантирарди.

Капитан Зо бош чайқаб қўйди — тажрибали денгизчига ҳавонинг бундай ўзгариши ёқмаган эди.

— Жаноби олийлари,— деди у,— анави пастак булутлар кучли шамолдан дарак беряпти... Балки тунда бўрон турар!.. Бу оролча бизларни ҳимоя қила олмайди. Қош қорайгунча ундан ўн милча олислашиб олишимиз мумкин...

— Энди бизни бу ерда ҳеч нима тутиб туролмайди,— деб жавоб берди Комулк пошшо.

— Ундай бўлса, лангарни кўтарамиз.

— Координатларни охирги марта текшириб кўрсанми?

— Йўқ, жаноби олийлари, ўз онамнинг зурриёди эканимга қанчалик ишонсам, бунинг аниқлигига ҳам шунчалик ишонаман!

— Унда лангарни кўтаравер!

— Эшитаман!

Тадорик ишлари зудлик билан бажарилди. Лангар кўтарилиб, елканлар шамолга росланди ва улар шимол-ғарбга томон йўл олдилар.

Кема қуйруғида турган Комулк пошшо то кечки гира-ширада шакли кўздан йўқолгунича оролчага тикилиб борди. Аста-секин бу тошлар уюми туман орасига кириб ғойиб бўлди. Бироқ бадавлат мисрлик бу оролчани, у билан бирга эса юз миллион франк қийматга эга

бўлган олтин, олмос ва қимматбаҳо тошлардан иборат кўмиб кетаётган бойлигини истаган пайтида топа олишини яхши биларди.

## Т Ў Р Т И Н Ч И Б О Б

*Бир-бировига мутлақо ўхшамаган икки дўст — Антифер тоға билан собиқ кемачи Жильдас Трегоменлар қиссаси*

Ҳар шанба соат саккизлар атрофида Антифер тоға ўзининг жони-дили бўлган трубкасини тутата-тутата газаб отига қамчи босарди. Бирор соатлардан кейин эса ҳамон жаҳлдан қизариб-бўзариб турган бўлса-да, ҳар қалай қўшниси ҳамда дўсти Жильдас Трегоменга заҳрини сочиб бўлиб, яна хотиржам тортарди. Унинг газабини қўзғайдиган нима эди ўзи? Бунинг боиси унинг кўҳна атласидаги Меркатор<sup>1</sup> лойиҳаси бўйича чизилган ярим шарлар харитасидан ўзига керак бўлган нуқтани излаб тополмаётгани эди.

— Лаънати кенглик!—хитоб қилди у.—Жин ургур кенглик! Аммо-лекин агар жаҳаннамдан ўтганида ҳам мен уни барибир бошдан-оёғигача босиб ўтишим шарт.

Шундай дея Антифер тоға ўз ниятини амалга ошириш фурсатини кутиб, ўша кенглик бўйлаб тирноғи билан чизиб чиқди. Умуман бутун бошли харита қалам билан нуқилавериб, паргар билан ўлчанавериб элак сингари илма-тешик бўлиб кетганди.

Антифер тоғани бунақанги жазавага соладиган ўша кенглик сарғайиб кетганидан туси испан байроғига ўхшаб қолган бир парча қоғозда мана бундай белгиланган эди:

*Йигирма тўрт градусу эллик тўққиз минут (ш. к.)<sup>2</sup>*

Шу сатрнинг остига, қоғознинг бурчагига қизил сиёҳ билан:

*Буни асло эсдан чиқармасликни ўғилчамга маслаҳат бераман,* деб ёзиб қўйилган эди.

Шунинг учун ҳам Антифер тоға доим:

---

<sup>1</sup> Меркатор Герард (1512—1594) — фламанд математиги ва географик хариталарни чизувчи мутахассис. У таклиф этган усулдан ҳозиргача денгизларда кема қатнови учун зарур бўлган хариталарни чизишда фойдаланилади.

<sup>2</sup> Ш. к. — шимолий кенглик.

— Хотиржам бўл, отажоним, бу кенгликни унутганим йўқ, ҳеч қачон унутмайман ҳам!.. Лекин бунинг нимага кераклигига ақлим етса худо урсин!—деб такрорлагани-такрорлаган эди.

Мана бугун, 1862 йилнинг 23 феввалида ҳам ҳамишагидек кечки пайт Антифер тоғанинг жазаваси тутди. Ғазабдан жиғибийрон бўлиб, қўлидан арқон сирғилиб чиқиб кетган матросдек бўралаб сўкинар, тишларини ги-жирлатар, ўчиб қолган трубкасини йигирма марталаб тутатаркан кетма-кет гугурт чўпларини синдириб юборарди. Кейин у атласни бурчакка, стулни иккинчи томонга улоқтирди ва каминга ҳусн бериб турган каттакон денгиз чиғаноғини ғазаб билан полга урди-да, шундай жонжаҳди билан депсиниб-топтай бошладики, ҳатто шифтдаги тўсинлар қисирлаб кетди, найча қилиб ўралган картонни карнай қилиб оғзига тутиб, бўрон пайтидаги шовқинни босишга ҳаракат қилиб ўрганиб қолган баланд овозда бўкирди:

— Нанон!.. Эногат!..

Бири тўр тўқиётган, иккинчиси ўчоқбошида дазмол ураётган Эногат билан Нанон ичкари кириб келишаркан, хонаки бўронга барҳам бериш фурсати етганини фаҳмладилар.

Антифер тоға Сен-Малодаги қадимий ажойиб уйлاردан бирининг эгаси эди. Уй гранитдан солинган бўлиб, олд томони От-Салль кўчасига қараганди. Уч қаватнинг ҳар қайсисида иккитадан хона бўлиб, энг юқориги қавати қалъа девори билан баб-баравар эди.

Бу уйни бир томоша қилинг-а, деворлари мусти-мустаҳкам — қадимий тўп ўқлари уни тешиб ўта олмасди ҳам, темир панжарали деразалари энсизгина, эмандан ясалган вазмин эшигига металдан нақшлар чекилган, тепасида темир болғача осилиб турар, Антифер тоға эшикни тақиллатган пайтларда унинг овози Сен-Сервангача етарди, томи черепица билан ёпилган, туйнукчаси бор, бу туйнукчадан ҳар нафасда истеъфодаги денгизчининг дурбини кўриниб қоладигандек эди.

Бутун шаҳарни ўраб турган қалъа девори муюлишига тақалган ярим қишлоқча, ярим мудофаа истеҳкомига ўхшаб кетадиган бу бинодан ажойиб манзара: ўнг томонда — Гран-бей, Сезамбр муюлиши, Пуант дю Деколле билан Фреэль, чапда эса — тўғон ва тўлқинтўсар, Ранс дарёсининг қуйилиши Динар яқинидаги Приёре

чўмилиш жойи ва ҳатто сурма ранг-кўкиштоб Сен-Серван жомеъси намоён бўларди.

Бир вақтлар Сен-Мало орол эди, Антифер тоға оролликман дея оладиган ўша замонларни эслаб ўқинар балки. Дарвоқе, Францияга талайгина улўф кишиларни етказиб берган Арморнинг<sup>1</sup> ўша соҳилида дунёга келган ҳар ким ҳам фахрланишга ҳақли эди, булар орасида қуйидаги улўф зотлар бор эди. Дюге-Труэн<sup>2</sup> (ҳурматли денгизчимиз ҳиёбондан ўтиб бораркан, унинг ҳайкали ҳузурида эҳтиром билан бош эгиб ўтарди ҳамиша); Ламенне<sup>3</sup> (рост, тоға бу ёзувчига мутлақо қизиқмасди), Шатобриан<sup>4</sup> (Антифер тоға унинг энг сўнгги асари билангина таниш эди — сўз бу машҳур ёзувчининг Гранбей оролида қад кўтарган камтарона, айни вақтда улўфвор қабр тоши ҳақида бораётир).

Антифер тоға (Пьер-Серван-Мало) қирқ олти ёшда эди. Ўзи ва яқинларининг фаровон турмуш кечиришларига етгулик бирмунча давлат орттириб, истеъфога чиққанига бир ярим йил бўлганди. Сен-Мало портига қарашли икки ёки уч кемага капитанлик қилиб, бир неча йиллар давомида денгизлар бўйлаб сузгани эвазига орттирган маблағи йилига бир неча минг франк даромад келтирарди. Ле-Байф ва К° савдо хонадонига қарашли бу кемалар Ла-Манш соҳиллари, Шимолий, Болтиқ ва Уртаер денгизлари бўйлаб сузарди. Антифер тоға то бу юксак унвонга эришгунига қадар хизмати юзасидан оламнинг озмунча томонларини кезмади. У тажрибали денгизчи, жасур, уддабурро, ўзига ҳамда бошқаларга нисбатан талабчан, ҳаёти таҳликада қолса ҳамки ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, ҳеч қанақанги тўсиқлардан чўчимайдиган ва асл бретонлардай қайсар одам эди. Умрининг қирчиллама йилларида тарк этгани денгизни қўмсасмасмиди у?.. Эҳтимол бундай қарорга келишига

<sup>1</sup> Армор (сўзма-сўзига «денгиз юрти» дегани) — Франциядаги Бретан областининг кельтча номи.

<sup>2</sup> Дюге-Труэн (1673—1736) — флотдаги хизматини кўнгилли аскарликдан бошлаб, умрининг охирида Франция ҳарбий-денгиз кучларининг генерал-лейтенанти даражасигача кўтарилган француз денгизчиси.

<sup>3</sup> Ламенне (1782—1854) — аббат, француз публицисти ва сиёсий арбоби.

<sup>4</sup> Шатобриан (1768—1848) — француз ёзувчиси ҳамда сиёсий арбоби. Ўз васиятига кўра Сен-Мало яқинидаги яккаю ёлғиз қояга дафн этилган.

саломатлиги сабаб бўлгандир дерсиз? Асло бундай эмас. У гўё Армор денгизи соҳилларидаги гранитдан йўнилгандай бақувват эди.

Чиндан ҳам бунга қаноат ҳосил қилиш учун унга бир назар ташлаш, унинг момақолдироқдай гулдурак овозини эшитиш, унинг маҳкам қўл сиқишини ҳис этишнинг ўзи кифоя эди. Урта бўйли, яғриндор, чорпақилдан келган одамни кўз олдингизга келтириб кўринг-а. Мана унинг алоҳида белгилари: боши кельтларникидек каттакон; сочи тикандай, юзи денгиз бўронларида чиниққан, жануб кенгликларида офтобда куйиб, қорайган бетини қоплаб олган мошгуруч соқоли худди тоғу тошларда чирмашиб ётган йўсинга ўхшайди; бароқ қошлари остидан боқиб турган қора ўйноқи кўзлари мушукникидек чақнайди; ниҳоятда каттакон ва узун бурни қаншарида ингичкагина бўлиб, учига томон ялпайиб боради; эгасининг оғзидан тушмайдиган трубкани муттасил гажиб турадиган тишлари йирик-йирик, бақувват; баногўши осилган, тук босган қулоғи супрадек; ўнг қулоғига лангарча тасвири пайвандланган жез балдоқ тақиб олган; ниҳоят, танаси хипчароқ, оёқлари эса кема биқини ҳамда тумшугидан бўладиган ҳар қандай чайқалишга дош бера оладиган бақувват.

Антифер тоғанинг бутун важоҳатидан жисмоний ва маънавий забардастлиги яққол кўзга ташланиб турарди. Саломатлиги темирдай мустаҳкам бу одам яхши еб, яхши ичишнинг лаззатини билади, у узоқ йиллар соғсаломат, бақувват юрадиган одамлар тоифасидан.

Бироқ бундан қирқ йил муқаддам қавм черковининг дафтарига Пьер-Серван-Мало-Антифер деган узундан-узун ном билан қайд этилган бу тан ва жон бирикмаси ўз хилватгоҳида қанчадан-қанча жаҳл, қанчадан-қанча асабийлик, қанчадан-қанча қизиққонликни асраб ётибди денг!

Бу оқшом ҳам унинг жазаваси тутиб, жиғибийрони чиқдики, бу мусти-мустаҳкам уй ларзага келгандай бўлди, кеча-кундуз тенглиги палласида эллик фут кўтарилиб, шаҳарнинг ярмини кўпикларга тўлдириб юборадиган кучли сув тошқинларидан бири гўё унинг пойдевориغا зарб билан келиб урилди деб ўйлаш мумкин эди.

Қирқ саккиз ёшлардаги бева Нанон Ле Гоа тажанг денгизчимизнинг опаси эди. Унинг оддий деҳқон бўлган эри Ле Байнф савдо хонадонидан ҳисобчилик қиларди.

У ёш ўлиб кетди. Ундан қолган қизи Эногатни Антифер тоға ўз тарбиясига олиб, ўз ҳомийлик бурчини сидқидиллик билан адо этиб келмоқда. Нанон кўнгилчан аёл эди. У укасини астойдил севар, ундан чўчир ва айниқса ғазаби қўзиб, жазаваси тутган пайтларда ташвишга тушиб қоларди.

Мовий кўз, малла соч, бетлари сутга чайиб олингандай оппоқ, қадди-қомати хушбичим, оқила, ажойиб қиз Эногат онасига қараганда бирмунча дадилроқ бўлиб, баъзи-баъзида ўзининг баджаҳл валинеъматига дакки бериб турарди.

Тоғаси эса ўз жиянини сидқидилдан яхши кўрибгина қолмай, уни бутун Сен-Малода энг сулув қиз деб ҳисоблар ва худди шунингдек, энг бахтли қиз бўлишини орзу қиларди. Бироқ, афтидан унинг бахт ҳақидаги тушунчаси сулув Эногатни қаноатлантира олмасди.

Иккала аёл ҳам остонада пайдо бўлишди: бирининг қўлида тўр тўқийдиган узун игна, иккинчисиникида — қизиб турган дазмол.

— Вой худойим-эй, нима бўлди ўзи?—деб сўради Нанон.

— Анави менинг кенглигим!.. Падарига лаънат ўша кенгликни!..—деб бўкирди Антифер тоға ва бошига шундай мушт туширдикки, бу зарбага табиат шоввоз денгизчимизга ато этганидан бўлак бирорта ҳам бош суяги дош бера олмаган бўларди.

— Тоғажон,— деди Эногат,— ўша қуриб кеткур кенглик шунчалик жиғибийрон бўлиб, бутун хонани остинустин қилишга арзийдими-я!..

Шундай деб қиз полда ётган атласни олди, бу пайт Нанон худди порох билан портлатилгандай майда-майда бўлиб ҳар томонга сочилиб кетган чиғаноқ парчаларини йиғиштирарди.

— Буни сиз синдирдингизми, тоға?

— Ҳа, мен, қизалоғим... Агар бошқа одам қилганида-ю, соғ қолмасди-я!

— Нимага полга улоқтирдингиз?

— Қўлим қичиб қолди-да!

— Бу чиғаноқни бизга акам совға қилганди,— деди Нанон,— ахир сиз уни...

— Хўш, у ёғи-чи?.. Буни синдирмаслигинг керағиди деб эрталабгача минғиллаганингда ҳам, бари бир энди уни бут қилиб бўлмайди!

— Тоғаваччам Жюэль нима дейди энди?— хитоб қилди Эногат.

— У ҳеч нима демайди, агар индамаса, маъқул иш қилган бўлади!— деб ўша заҳотиёқ эътироз билдирди Антифер тоға, қаршисида фақат икки аёлгина тургани ва уларга заҳрини сочиб, жаҳлини бутунлай ёза олмаслигидан афсусланиб.— Ҳа, айтгандай,— қўшиб қўйди у,— Жюэль қаёқда ўзи?

— Унинг Нантга кетганини ўзингиз яхши биласиз-ку, ахир,— деб жавоб берди қиз.

— Нантга? Бу қанақаси! Нантда нима қиларкан?

— Тоға, ахир ўзингиз юбордингиз-ку уни... ўзингиз биласиз-ку... олисга сузадиган кема капитани унвонини олиш учун имтиҳон топширади.

— Олисга сузадиган кема капитани... Олисга сузадиган кема капитани эмиш-а!— деб тўнғиллади Антифер тоға.— Менга ўхшаб яқинга қатнайдиган кема капитани бўлиш камлик қилиб қолибди-да у кишига?

— Ахир бу ўзингизнинг маслаҳатинг-ку, ука... ўзингиз шуни истаган эдинг-ку...

— Ҳа, менинг истагим бу... Нима ҳам дердим, жуда қойил баҳонани топибсанлар!.. Борди-ю мен хоҳламансам у... ҳалиги... ўша Нантга бормас экан-да, а? Бари бир имтиҳондан йиқилади у...

— Йиқилмайди, тоға.

— Ҳа, йиқилади, жиян!.. Агар йиқилиб келадиган бўлса, бошлаб кутиб оламан... бир адабини берай, ҳа, тумшугини эзиб қўяй!

Кўряпсизми, бунақа одам билан гаплашиб бўларканми! Бир томондан қараганда Антифер тоға Жюэлнинг олисга сузадиган кема капитанлигига имтиҳон топширишини истамасди, иккинчи томондан эса, башарти у имтиҳондан қулайдиган бўлса тоза эшитадиганини-эшитадди, шунингдек «анави имтиҳон олувчи эшак мия домлалару ўша гидрографияфурушлар» ҳам қуруқ қолмасди.

Аmmo Эногат йигитнинг имтиҳондан йиқилмаслигига ишонар эди, албатта. Нега деганда у аввало қизнинг тоғаваччаси, иккинчидан ақлли ҳамда тиришқоқ ва ниҳоят, улар бир-бировларини севишади, бир ёстиққа бош қўйишга аҳди-паймон қилишган. Ана шу уч далил-исботдан маъқул ва маъзурроғини бир топиб кўринг-а!

Боз устига Антифер тоғанинг жияни бўлиб, Жюэль

то балоғатга етгунига қадар унинг қарамоғида яшагани ва тарбияланганлигини эслатиб ўтмоқ даркор. У гўдаклигидаёқ етим қолганди. У туғилиб дунёни кўргани онда онаси оламдан кўз юмган, бир неча йилдан сўнг эса флот лейтенанти бўлган отасидан ҳам айрилганди. Ана шунинг учун ҳам Жюэлни амакиси ўз васийлигига олганди. Шу боисдан унинг қисматига денгизчилик битилгани асло таажжубланурли эмас, бинобарин, Эногатнинг эса унинг олисга сузадиган кема капитанлигига муваффақиятли имтиҳон топширишига бўлган ишончи ҳар томонлама асосли эди. Антифер тоға ҳам бундан шубҳаланмасди-ю, лекин ҳозир авзойи ниҳоятда бузуқлигидан ҳеч қанақанги фикрга қўшила олмас ва кўнглига қил ҳам сиғмасди.

Бўйи етиб қолган қиз учун эса бу жуда муҳим эди, зероки тоғаваччаси билан икковлари битишиб қўйганларига биноан Жюэль олисга сузувчи кема капитани унвонини олиши биланоқ никоҳ тўйлари бўлиши керак. Икки ёш бир-бировини шундай покиза ва шундай қайноқ, самимий муҳаббат билан севардиларки, ана шундай севгигина олам-олам бахт эҳсон эта олиши, ширин ҳаёт бахш этиши мумкин эди. Нанон бутун оила учун қувончли бўлган ана шу никоҳ дамларини интизорлик билан кутарди. Зотан тоға ва айни вақтда валинеъматлари бўлмиш қудратли оила бошлиғи розилик берган... ёки, ақалли куёв капитан унвонини олганидан кейин розилик беришга ваъда қилган экан, бу никоҳга нима ҳам моневъ бўла оларди?

Жюэль даставвал Ле Байиф савдо хонадонининг кемаларида юнгалик, кейин давлат кемаларида матрослик ва, ниҳоят, уч йил савдо кемаларида лейтенантлик хизматларини ўтаб, денгизчилик мактаби босқичларини тўлиқ босиб ўтган эди. Ана шундай қилиб, у ўз касбини тажрибавий ҳамда назарий жиҳатдан пухта эгаллаган эди. Антифер тоға ичиди жиёни билан фахрланарди. Лекин у, эҳтимол, қалбида бундай ажойиб йигитнинг бадавлатроқ қизга уйланишини ва шунингдек Эногатнинг ҳам давлатмандроқ одамга тегишини орзу қиларди, зеро бутун музофотда ундан соҳибжамолроқ қиз йўқ эди. «Ҳатто бутун бошли Иль ва Вилен департаментларида ҳам йўқ!»— деб такрорларкан у ўзининг бу фикрини Бретаннинг бошдан-оёғигача ёйишга ҳам тайёр эди.



Бир кун эмас, бир кун миллион-миллионлаб бойлик кўлига киришини ўйлар экан — гарчанд йилига олаётган беш минг даромади бахтиёр ҳаёт кечиришларига етиб-ортса-да — чеки-чегараси йўқ ширин хаёлларга берилиб кетиб, эс-ҳушидан айрилаёзарди тоға...

Бу орада Эногат билан Нанон ана шу тўполончи одамнинг хонасини йиғиштириб, тартибга солишди, афсуски унинг бошини эмас, хонасинигина тартибга солишди. Шу аснода бошини тартибга солиш, у ерга уя қуриб олган капалагу ўргимчаклардан, ўзгача айтганда — хом-хаёллардан халос этиш учун шамоллатиш, артиб-тозалаш лозим эди.

Шу топда истеъфодаги денгизчи хонада у ёқдан-бу ёққа бориб-келар, кўзларидан ўт чақнарди. Бу эса ҳали бўроннинг тинмаганини ва дақиқа сайин гулдурак билан яна қутуриб қолишини англатарди. У деворда осиглиқ турган барометрга қараб-қараб қўяркан, ғазоби янада авжга миниб бораётганга ўхшарди, чунки бу аниқ ва ҳалол ишлайдиган асбоб «очиқ ҳаводан» далолат бериб турарди.

— Демак, Жюэль ҳали қайтмабди-да, а? — деб сўради у Эногатга қараб.

— Йўқ, тоға.

— Соат аллақачон ўн бўлди-ю!

— Йўқ, тоға.

— Мана кўриб турибсизлар, у поезддан кеч қолади!

— Йўқ, тоға.

— Ҳа-ҳа, шунақа дегин! Гап қайтаришни бас қиласанми, йўқми?

— Йўқ, тоға.

Бу ёш қизча Наноннинг зўр бериб қилаётган имо-ишораларига эътибор ҳам бермай, ўз қаллигини тили тийилмас Антифер тоғанинг ноҳақ ҳамлаларидан ҳимоя этишга қатъий жазм қилган эди.

Момақалдироқ ҳар зумда гулдураб қолиши сезилиб турарди. Бироқ тоғанинг вужудида тўпланиб, портлай деб турган электр қувватини жиловлаб тарқатиб юборадиган яшин қайтарғич йўқмикин?

Афтидан, бор эди бундай яшин қайтарғич. Ана шунинг учун ҳам Антифер тоға:

— Трегоменни топиб келларинг олдимга! — деб хонани бошига кўтариб бақираркан, Нанон билан унинг қизи зингиллаганча югуриб кетишди.

Улар кўчага отилиб чиқдилар-у, Трегоменни излаб кетдилар.

— Эй, худойим-эй! Ишқилиб уйда бўлсинда у!— дейишарди чопиб бораётиб.

Бахтларига Трегомен уйда экан, орадан беш минут ўтмаёқ Антифер тоғаникига етиб келди.

Жильдас Трегомен эллик иккига қадам қўйган эди. Унинг қўшниси билан ўхшаш томонлари қуйидагилардан иборат эди: у ҳам Антифер тоғага ўхшаб бўйдоқ эди; тоға сингари кўп йиллар кемада сузиб, у ҳам истеъфога чиққанди, ниҳоят, униси ҳам, буниси ҳам малуин, яъни сен-малолик эди. Ана шу билан улар орасидаги ўхшашлик тугарди. Чиндан ҳам Жильдас Трегомен оғир-вазмин ва ювош, Антифер тоға эса қизиққон ва бақироқ, шанғи одам эди. Биринчиси қанчалик кўнгилчан, юмшоқ табиат одам бўлса, иккинчиси шунчалик жиззаки эди; Жильдас Трегомен қанчалик файласуфона ақл юритса, Антифер тоға файласуфликдан шунчалик йироқда эди. Уларнинг хулқ-атворлари билан боғлиқ бўлган фазилатлар ана шулар. Ташқи қиёфаларида ҳам шунга ўхшаш ер билан осмонча фарқ бор эди. Шунга қарамай улар ниҳоятда дўст эдилар. Антифер тоғанинг Жильдас Трегоменга нисбатан бўлган дўстона ҳислари тушунарли эди-ю, лекин Трегоменнинг Антифер тоғага мойиллик ва яқинлиги сабабини ақл бовар қилмасди. Бунақа одам билан дўстлашиш осон эмаслиги ҳар кимга ҳам аён-ку, ахир.

Биз ҳозиргина Жильдас Трегомен кемада сузарди дедик; лекин денгизчининг денгизчидан фарқи бор. Башарти Антифер тоға яқинга қатнайдиған кема капитани бўлгунига қадар савдо кемаларида денгизчилик қилиб, ер шарининг талайгина денгизларида сузган бўлса, унинг ҳамсояси, бева хонимнинг ўғли бўлганлиги туфайли ҳарбий хизматдан озод этилган Жильдас Трегомен эса аксинча флотда матрослик қилмаган ва ҳеч қачон денгизда сузмаган эди.

Ҳа! Ҳеч қачон денгизга чиқмаган! У Ла-Маншни фақат Канкаль тепалиги<sup>1</sup> ва ҳатто Фрезль бурунидангина кўрган, бундан нарисига журъат этолмаган. У дарё-

---

<sup>1</sup> Канкаль — Сен-Малодан ўн тўрт километр нарироқдаги, Фрезль буруни каби бир тепаликка жойлашган порт шаҳарча.

да юк ташувчи кема каютасида оламга келган ва унинг бутун ҳаёти ана шу кемада ўтган. Даставвал «Гўзал Амелия» кемасида хизматчи, кейинроқ эса унинг эгаси сифатида Ранс дарёси бўйлаб Динардан Динанга, Динандан эса Плюмога тахта-ёғоч, вино, кўмир, хуллас нимани буюришса шуни ташиган. Иль, Вилен ва Котдю-Нор департаментларидаги бошқа дарёларни кўрган-билгани ҳам даргумон. Антифер тоға шўр сувларда қатновчи чинакам денгизчи экан, Жильдас Трегомен эса чучук сувларда қатнайдиган оддийгина кемачи эди. Оддий кемачи Жильдас Трегомен бу устаси фаранг денгизчи олдида ҳеч гап эмасди-да, ахир! Ана шунинг учун ҳам Трегомен қўшниси ва дўстига тан берар, унинг олдида ўзини паст тутарди.

Жильдас Трегомен Антифер тоғанинг уйдан юз қадмча нарироқда, Тулуза кўчасининг охирида, қалъа девори ёнгинасидаги шинамгина уйда истиқомат қиларди. Уйнинг бир томонидан Ранс дарёсининг мансаби, иккинчи томонидан очиқ денгиз кўзга ташланиб турарди. Уй соҳиби бақувват, ниҳоятда ягриндор, бўйи беш футу олти дюйм келадиган новча одам эди: чорпақилдан келган бу одам доим икки қатор суяк тугма қадалган кенг нимча билан елкаси ва ўмизлари бурмали қора матросча блуза кийиб юрар, уст-боши ҳамиша чип-чиннидай бўларди. Унинг забардаст елкаларига туташган қўллари шунчалик баҳайбат эдики, оддий одамларнинг сонидай, панжаси эса куракдай келарди. Девқомат, алп келбатли Жильдас Трегоменнинг қандай бақувватлилиги ўз-ўзидан кўриниб турарди. Аммо у соддадил Геркулеснинг ўзгинаси эди. У ҳеч қачон ўз қудратини ишга солмас, бирор одам билан саломлашаётган ёки хайрлашаётганида яна қўлини эзиб юбормай деб чўчиганидан бош ва шаҳодат бармоғи билангина қисиб сўрашиб қўя қоларди. Танасидаги куч эса мудраб ётганга ўхшарди. Унинг куч-қуввати ҳеч қачон тўсатдан жўшиб кетмас, борди-ю, шундай бўлиб қолганида ҳам у асло ўзини койитмасди.

Мабодо Жильдас Трегоменни машинага ўхшатадиган бўлсак, бу чоғда у бир зарба билан ҳар қандай темир парчасини парчинлаб юборадиган вертикал болғани эмас, балки энг қаттиқ прокатни аста-секин букадиган гидравлик прессни эслатади. Афтидан бу унинг оғир-вазминлиги, босиққонлигининг оқибати бўлса керак.

Соябони кенгбар шляпа кийиб олган боши каттакон, сочи сип-силлиқ, чаккасида котлет нусха бакенбард, камонсимон букик бурни эса ўзига хос табиатидан далолат бериб туради, лаблари доим жилмайиб туради, юқориги лаби ичкарироқ ботган, қат-қат гўштдор даҳани эса олдга сал туртиб чиққан, қатра тамаки тутуни кўрмаган тишлари инжудек оппоқ (фақат биттагина курак тиши йўқ эди, холос); сап-сарик бароқ қошлари остидан тишиқ кўзлари мулойим боқиб туради; Ранс дарёси елларида қорайган, аммо ҳеч қачон шиддатли океан бўронларини кўрмаган юзи бугдой ранг эди.

Жильдас Трегомен ана шунақа мулойим табиат, хушахлоқ одамлардан бўлиб: «Пешинда келинг... Соат иккида келинг», дейилса, ҳамиша вақтида аниқ етиб келадиган, ҳар қачон хизматингизга ҳозир турадиган одамлар тоифасидан эди. У Антифер тоғанинг ғазаб тўфони урилиб яқсон бўладиган мустаҳкам қоядай бир гап эди. Тоғанинг кайфи бузилиб, фиғони фалакка чиқа бошлаши билан Жильдас Трегоменга одам юборишар, у ўша заҳотиёқ ғазаб отига минган қўшнисининг қошига етиб келар ва ҳар қандай ғазаб пўртанасига дош бериб тураверарди.

«Гўзал Амелия»нинг эгасини уйдагиларнинг бари— уни ўз ҳимоячиси деб билган Нанон ҳам, уни ўз отасидай севган Жюэль ҳам, унинг бети ва бирорта ажини йўқ сип-силлиқ пешанасидан ўпадиган Эногат ҳам, хуллас ҳаммалари сидқи дилдан яхши кўришарди. Жильдас Трегоменнинг юзида бирорта ҳам ажини йўқлиги физиономистларнинг айтишича, унинг осойишта ва вазмин табиатининг шубҳасиз далилидир.

Уша куни кечки пайт, соат тўрт яримларда, Жильдас Трегомен иккинчи қаватдаги хонага олиб чиқувчи тахта пиллапоядан юқорига кўтариларди.

Унинг вазмин, салмоқли қадамлари остида зина поялари қисирларди.

У эшикни очди-ю, Антифер тоғага рўпара бўлди.

### Б Е Ш И Н Ч И Б О Б

*Жильдас Трегоменнинг Антифер тоғага эътироз билдиришдан ўзини аранг тийиб қолгани*

- Ниҳоят етиб келибдилар-да, қайиқчи!
- Мени чақиртиришинг биланоқ бу ёққа отилдим, қария...

— Лекигин анча маҳалгача имиллаб югурибдилар-да ўзлариям!

— Йўлга қанча вақт кетса худди ўшанча.

— Ростданми?.. Худди «Гўзал Амелия»да сузиб келганга ўхшайдилар-а.

Жильдас Трегомен ўзини гўё тез юрар денгиз кемалари олдида габарасининг<sup>1</sup> тошбақадай имиллаб юришига шама қилинаётганини тушунмаётганга солди. У ҳамсоясини авзойи бузилган кайфиятда кўриб асло ажабланмади ва одатдагидек унинг таъна-дашномларига чидам билан бардош беришга аҳд қилди.

Антифер тоға Трегоменга қўлини узатди, у бўлса бош ва шаҳодат бармоқлари билан авайлабгина сиқиб кўришди.

— Ҳой, жин урғур! Сал эви билан сиққин-да!

— Авф этасан... атайлаб қилганим йўқ..

— Худди шу атайлаб қилишинг етмай турувди-да ўзиям!

Кейин Антифер тоға Жильдас Трегоменга хона ўртасида турган стол ёнига ўтир дегандек ишора қилди.

Трегомен индамай стулга ўтирди-да, пошнаси йўқ каттакон бошмоқ кийган оёқларини чалиштирди. Сўнг-ра у бурчларига лангар нухаси тикилган зангори ва қизил гулли рўмолчасини тиззасига ёзди.

Рўмолчага тикилган лангар суратларига кўзи тушган Антифер тоға албатта елкасини учириб қўярди... Юк ташувчи кема эгасида лангар бўлиш зап ажойиб ишда!.. Бу габарага фок-мачта, грот-мачта ёки бизань-мачта ўрнатгандай бир гап эди-да, ахир!

— Қиттак коньякдан отасанми, қайиқчи!— деб сўради у иккита қадаҳ билан графинни яқинроққа сураркан.

— Оғзимга олмаслигимни ўзинг биласан-ку, қария.

Бу ҳол уй соҳибининг иккала қадаҳни ҳам тўлдиришига асло монельлик қилмади. Антифер тоға ўн йиллар мобайнида қарор топган одатларига кўра ўз қадаҳини ичиб бўлгач, ҳамсоясининг тегишини ҳам отиб юборар эди.

— Мана энди гаплашиб оламиз.

— Нима ҳақда!— деб сўради Жильдас, гарчи уни нима мақсадда чақирганларини жуда яхши билсада.

---

<sup>1</sup> Г а б а р а — истеъмолдан қолган туби ясси юк ташувчи кема.

— Нима ҳақда дейсанми?.. Уша ҳақда бўлмай нима ҳақда гаплашардик...

— Э-ҳа!.. Анави лаънати кенгликдаги сени шунчалик қизиқтирган ўша нуқтани топдингми ахийри?

— Топдингми? Қани айт-чи, қандай қилиб топаман? Анави иккита маҳмадонанинг чакаги-чакагига тегмай сайраётган дийдиёларига қулоқ солиб-а?

— Ювошгина Нанон билан сулув Эногатни шундай деяпсанми ҳали?

— А-ҳа! Ҳамиша уларнинг ёнини олиб, менга қарши чиқишингни яхши биламан!.. Аммо-лекин гап бунда эмас. Отам Томаснинг оламдан кўз юмганига мана саккиз йил, ҳа-ҳа, саккиз йил бўлди-ю, бироқ бу нуқта борасидаги ишимиз олдинга бир одим ҳам жилмади... Аллақачон бунга барҳам беришнинг вақти етди.

— Менга қолса,— деди Жильдас Трегомен кўзларини қисиб,— аллақачон бас қилардим... бу ишни бир умрга ташлаб юборардим.

— Хўш, ҳали шунақа дегин!.. Улим тўшагида ётган отамнинг васияти нима бўлади? Хўш, нима қилган бўлардинг уни?.. Бу мен учун муқаддас бурч!

— Афсус, ҳурматли отанг бошқа ҳеч нима демаган экан-да...— жавоб берди Жильдас Трегомен.

— Унинг ўзи бошқа ҳеч нарсани билмаса яна нимани айтарди!.. Минг лаънат! Наҳотки куним битгунича мен ҳам ҳеч нарсани аниқлаёлмасам?

Жильдас Трегоменнинг, эҳтимолдан холи эмас бу... ва ҳатто, қанийди энди шундай бўлса, деб юборишига оз қолди, лекин шундай ҳам жазавасини қўзғатиб юборишдан чўчиб ўзини жуда вақтида тийиб қолди.

Ана энди Томас Антифернинг ўлиmidан бир неча кун илгари содир бўлган воқеаларни сўзлаб бериш фурсати етди.

Бу 1854 йили, яъни кекса денгизчининг ўлиmidан бир неча кун аввал содир бўлган эди. Ўзини ниҳоятда ёмон сезган Томас Антифер узоқ йиллар давомида қийнаб келган сирдан ўғлини воқиф этишга қарор қилди.

У юрагидагини ўғлига айтишидан эллик беш йил муқаддам, яъни 1799 йили қуйидаги гаплар бўлиб ўтган эди. Бонапарт Яффада олинган асирларни отиб ташлашга буйруқ берган кун Томас Антифер ўзининг савдо кемасида Левант портларига кириб бораркан, Фаластин қирғоқларига яқинлашиб қолган эди. Ажали аниқ

етиб турган, қояда яшириниб ётган ўша бахти қаролардан бирини француз денгизчиси — Томас Антифер қутқариб, ярадорни ўз кемасига олиб келади-да, уни парвариш қилади. Икки ой мобайнида кўрсатилган ғамхўрлик ва даволашдан сўнг шўрлик ярадор ҳаётга қайтади.

Асир халоскорига ўзининг мисрлик, номи эса Комулк пошшо эканини гапириб беради. У кемани тарк этаркан, бу довюрак малуинни ҳеч қачон унутмаслигини ҳамда қулай фурсат келди дегунча уни мукофотлашини айтади.

Мисрлик билан хайрлашгач Томас Антифер яна сафарни давом эттираверади. Баъзи-баъзида у бу ваъдани эслаб қўяди, лекин бу ваъда амалга ошмаса керак деган фикрга келиб, бора-бора уни унутиб юборади.

Еш жиҳатидан истеъфога чиққач, кекса денгизчи Сен-Малога қайтиб, ўғли Пьернинг тарбияси билан шуғулланади. Томас Антифер 1842 йилнинг июнида ғалати бир хат олганида ёши олтмиш еттида эди.

Француз тилида ёзилган бу хат қаердан келган эди? Алоқа бўлими маркасига қараганда Мисрдан. Унда нималар ёзилган эди? Қўйидагилар:

*Капитан Томас Антифердан ён дафтарига 24° 59' шимолий кенгликни ёзиб қўйиш сўралади. Кейинчалик бу кенглик узунлик градуси ҳақида юбориладиган хабар билан тўлатилади. Капитан буни доим ёдида тутиши ва ниҳоятда сир сақлаши лозим. Гап унинг катта манфатдорлиги ҳақида бораётир. Кенглик градуслари устига узунлик градусларини билгач унинг ихтиёрига ўтадиган олтин, олмос ва қимматбаҳо тошлардан иборат катта бойлик бир вақтлар Яффадаги асирга кўрсатган хизмат ҳамда ғамхўрликлари эвазига муносиб мукофот бўлғай.*

Мактуб остига устма-уст қилиб ёзилган икки К ҳарфидан иборат имзо чекилган эди.

Кекса денгизчининг орзу-хаёллари қанчалар жўш уриб кетганини бир тасаввур этиб кўринг-а!

Демак Комулк пошшо қирқ уч йилдан кейин бўлса-да, ҳарқалай, уни эслабди-да! Буни анча-мунча вақт кутишга тўғри келди... Лекин, шубҳасизки, аллақандай ғовлар Комулк пошшони Сурияда тутиб қолган эди. Бу ердаги сиёсий вазият фақат 1840 йил 15 июлдаги Лондон битимидан кейингина узил-кесил аниқланган, битим ҳам султоннинг фойдасига ҳал бўлган эди.

Шундай қилиб, Томас Антифер ер шарининг Комулк пошшо ўз бойлигини кўмган нуқтасини кесиб ўтадиган

ўша нуқтанинг кенглик градусига эга бўлди. У ерга қанча бойлик кўмилган экан?.. Томас Антифернинг ўйлашича миллионлар бўлиши керак... Ҳар қалай буни ниҳоятда сир тутиш ва қачонлардир ваъда қилинган узунлик градусини маълум қилишларини сабр-тоқат билан кутиши лозимлиги тайинланган эди. Дарҳақиқат бу ҳақда ҳеч кимга, ҳатто ўғлига ҳам оғиз очмади.

У ҳамон кутарди. У ўн икки йил кутди, бу орада сирдан ҳеч зог воқиф бўлмади. Лекин, ҳар қалай, пошшодан иккинчи мактубни олғунига қадар оламдан ўтадиган бўлса, бу сирни гўрига олиб кетишига йўл қўйиб бўлармиди?.. Асло! Бундай бўлиши мумкин эмас, шунинг учун ҳам у ўзидан кейин бундан фойдалана олиши мумкин бўлган кимсани, яъни ўғли Пьер-Серван-Малони сирдан воқиф этишга қатъий қарор қилди. Шу боисдан 1854 йили саксон иккига кирган кекса денгизчи яккаю ягона вориси бўлган ўғлига Комулк пошшонинг мактуби ҳақида ҳикоя қилиб берди. Шундан кейин чол бир вақтлар ўзидан талаб қилганларидек ўғлини ўша кенглик градусини кўрсатувчи рақамни ҳеч қачон унутмасликка, устма-уст қилиб икки Қ ҳарфи билан имзо чекилган мактубни махфий тутишга, яна хабар келишини сабр-тоқат билан кутишга қасамёд этишга мажбур қилди.

Кўп ўтмай бу муҳтарам қария бандаликни бажо келтирди, қавми-қариндошлари, ёр-биродар, ошна-оғайнилари аза тутиб, ўз хилхонасига элтиб қўйишди.

Антифер тоғанинг табиатини билган кимса бу кашфиётнинг унинг онгига, жўшқин орзу-хаёларига қанчалар таъсир этганини осонгина фаҳмлай олади. Унинг қалбида эҳтиросу ҳирслари жўш уриб кетди. Отаси умид қилган миллионларни хаёлан ўн карра ошириб чўтлаб кўрар, Комулк пошшо эса назарида «Минг бир кеча»даги набобга ўхшаб кўринарди. Эндиликда унинг фикру ёди Алибобонинг сим-сим горига яширилган олтин ва қимматбаҳо дуру жавоҳирларда бўлиб қолди. Бироқ табиатан бетоқат ҳамда ғайрати ичига сигмайдиган одам бўлгани туфайли отасига ўхшаб сабр-тоқат қиллолмади. Бировга бир оғиз ҳам бу ҳақда гапирмай, ҳеч кимга юрагини ёрмай, мактубга устма-уст қилиб икки «Қ» билан имзо чеккан кимсанинг кимлигини суриштирмай ўн икки йиллаб қаноат қилиб яшай оладиган отаси эди, аммо ўғли бунга қодир эмасди!.. Ўртаер денгизига қил-



ган сафаридан фойдаланиб, 1855 йили у Искандарияда тўхтади ва ўзига хос бир маҳорат билан Комулк пошшо ҳақида суриштира бошлади.

Чиндан ҳам борми бу одам ўзи? Бунинг шубҳаланадиган ери йўқ, зероки у имзо чеккан мактубни кекса денгизчи сақлаб қўйган эди. Ҳаётмикин у? Антифер тоғани қизиқтираётган энг муҳим нарса шу эди. Тўпланган ахборотлар нохуш хабарлар эди. Комулк пошшо йигирма йилча муқаддам ғойиб бўлган экан, унга нима бўлганини бирор кимса айтиб беролмади.

Бутун орзу-умидлари чил-парчин бўлди! Бироқ Антифер тоға умидсизликка тушмади. Гарчи 1855 йилда Комулк пошшо ҳақида бирор нима билолмаган бўлса-да, ҳар қалай мактуб унинг 1842 йилда ҳаёт эканлигини кўрсатиб турибди-ку, ахир! Афтидан, юртини ташлаб кетишига ҳеч кимга ошкор этиб бўлмайдиган айрим сабаблар мажбур қилган бўлса керак. Лекин кўпдан интизорлик билан кутилган кун келади. Модомики отаси оламдан ўтган экан, Комулк пошшодан келадиган хабар унинг ўғлига тегади албатта...

Антифер тоға Сен-Малога қайтгач, гарчи бу унга қимматга тушса-да, ҳеч кимга ҳеч нима демади. У 1857 йилгача денгизда сузди, кейин эса истеъфога чиқиб, ўз яқинлари билан уйда истиқомат қила бошлади.

Лекин бундай ҳаёт кечирришдан қанчалар изтироб чекканини айтмайсизми унинг! Эндиликда у ўрганиб қолган иши билан шуғулланмас, бошқа қиладиган машғулоти йўқлигидан беихтиёр бутун вақтини илашқоқ орзу-режаларига бағишларди. Бу 24° 59' рақамлар хира пашшадай сира кўз олдидан нари кетмасди... Ниҳоят у тоқат қилолмади... Унинг тили қичишиб, опасига, жиянларига ва Жильдас Трегоменга сирини айтиб қўйди. Кўп ўтмай Антифер тоғанинг сир тутган гапи сиртга чиқиб, бутун шаҳарга ва ҳатто Сен-Серван ҳамда Динаргача таралиб кетди. Бир кун эмас бир кун Антифер тоғанинг қўлига жуда катта, ақл бовар қилмайдиган бойлик киражаги, эртами-кечми албатта шундай бўлажаги ҳаммага ошкор бўлиб қолди... Эшик тиқ этиб тақилларкан, Антифер тоғанинг назарида қуйидаги:

«Сиз кутаётган узунлик градуси», деган муқаддас сўзларни эшитадигандек туюларди.

Орадан бир неча йил ўтди. Комулк пошшонинг хабарчисидан дарак бўлмади. Бирорта чет эллик остона

ҳатлаб ичкари кирмади. Шу сабабли Антифер тоғанинг жаҳли ҳамиша бурнининг учиде турадиган, серзарда, жиззаки бўлиб қолди. Бора-бора қариндошлари бу ақлга сигмайдиган бойликка ишонмай қўйишди ва мактуб уларга шунчаки бир қаллобликдай бўлиб туюла бошлади. Жильдас Трегомен эса Антифер тоғани тентак ҳисоблар, шубҳасиз буни ўз муомаласида сездирмас, лекин бу ҳолдан яқинга сузувчи денгизчилар жамияти номидан афсусланарди. Бироқ Пьер-Серван-Мало ўз сўзида қатъий турар ва ҳар қандай эътирозга тоқат қилолмасди. Унинг ишончига ҳеч нарса раҳна сололмас эди. Наздида ўзига ваъда қилинган ўша туганмас бойлик деярли қўлига кирай-кирай деб тургандек эди.

Шундай қилиб, бу оқшом ҳам Трегомен Антифер тоғаникида коньяк қуйилган иккита қадаҳ дириллаб турган стол ёнида ўтираркан, қўрхонадағи порохнинг портлашига йўл қўймасликка, бошқача айтганда — қўшнисининг жаҳлини чиқармасликка қатъий аҳд қилди.

— Менга қара,— деди Антифер тоға унинг кўзига тикилиб туриб,— гапни чалғитмай тўғри жавоб бер, чунки афтингдан ҳеч нимани тушунмаётгандек ўзингни гўлликка солаётганинг кўриниб турибди. Очигини айтганда, бу кенглик ва узунликни «Гўзал Амелия»нинг эгаси аниқламайди-ку, яна манави Рансга ўхшаган ариқчанинг қирғоқларида баландликни ўлчаб, қуёшни, ой ҳамда юлдузларни кузатмайди-ку, ахир...

Антифер тоға гидрографиянинг амалий усулларини санаб ўтаркан, ўз суҳбатдоши олдида денгизда сузадиган кема капитани билан габара эгаси орасида ер билан осмонча фарқ бор эканини намоён қилмоқчи эди, албатта.

Очиқ кўнгил Трегомен тиззасига ёйиб қўйган рўмолчасининг чипор гулларига тикилганича индамай жилмайиб ўтирарди.

— Гапимни эшитяпсанми, ҳой қайиқчи?

— Албатта, қария.

— Унда айт-чи, кенгликнинг нима эканини аниқ биласанми ўзи?

— Тахминан.

— Экваторга параллель бўлган айлананинг нималигини ва унинг уч юз ёй бўйлаб олтмиш градусга ёки йигирма бир минг олти юз олтмиш минутга бўлинишию

бунинг бир миллион икки юз тўқсон олти секундни ташкил этишини биласанми?

— Нега билмас эканман буни?— жавоб берди Трегомен мулойимгина жилмайиб.

— Ўн беш градуслик ёй бир соатга, ўн беш минутлик ёй — бир минут вақтга, ўн беш секундлик ёй эса вақт бирлигида бир секундга мувофиқ келишидан хабаринг борми ўзи?

— Нима, сен буларнинг барини ёддан айтиб беришимни истайсанми?

— Йўқ! Бу бефойда... Шундай қилиб, мен кенгликни биламан — экватордан шимол томондаги йигирма тўрт градусу эллик тўққизинчи минут. Бироқ уч юз олтмиш градусдан иборат бўлган — ҳа, уч юз олтмиш, эшитаясанми?— бу параллелнинг мен учун сариқ чақага ҳам арзимайдиган яна уч юз эллик тўққизта градуси бор. Аммо-лекин ҳозирча менга номаълум бўлган бирдан-бир градус бор, уни кесиб ўтадиган узунликни хабар қилганларидан кейин у менга маълум бўлади... ўша ерда... худди ўша ерда миллионлаб бойлик ётибди... Тиржаяверма ҳадеб!..

— Кулаётганим йўғ-э, қария.

— Ҳа, миллионлар! Бу бойликлар меники, қаерга кўмилганини билган куним уларни қазиб олишга ёлғиз менгина ҳақлиман.

— Жуда соз,— жавоб берди Трегомен хотиржамгина,— Демак сен бу ҳақда яхши хабар олиб келувчи чопарни сабр-тоқат билан кутишинг керак...

— «Сабр-тоқат, сабр-тоқат»!.. Томирларингда оқаётган нима ўзи?

— Қайдам, шарбат бўлса керак,— деб жавоб берди Трегомен,— ҳа, бошқа нарса эмас, фақат шарбат.

— Меники эса симоб... Менинг қонимга порох қўшилиб кетган! Мен ортиқ хотиржамгина кутолмайман! Ўз-ўзимни еб қўяман... Тилка-пора қиламан ўзимни...

— Сен тинчланишинг, ўзингни босиб олишинг керак...

— Тинчланишинг керак дейсанми? Ҳозир 1862 йил эканини, отамнинг эса 1854 йилда қазо қилганини, сирини бўлса 1842 йилдан бери сақлаб келганини, бу маълум жумбоқни ечадиган бир калимагина сўзни кутаётганимизга яқин кунларда йигирма йил тўлишини унутиб қўйяпсан!

— Йигирма йил-а!— деб қўйди Трегомен.— Вақтнинг

зингиллаб ўтишини қаранг-а! Йигирма йил бурун мен «Гўзал Амелия»ни бошқардим.

— «Гўзал Амелия»нигги бунга нима алоқаси бор!— деб бақирди Антифер тоға.— Гап «Гўзал Амелия» ҳақида боряптими ёки манави хатда ёзилган кенглик ҳақидами ўзи?

Шундай деб у Трегоменнинг пириллаб учаётган кўзлари олдида вақт ўтиши билан сарғайиб кетган, Қомулқ пошшо имзо чеккан ўша машҳур хатни силкита бошлади.

— Ҳа, мана шу хат... лаънати хат бу!— деб гап бошлади яна.— Баъзан уни майда-майда қилиб ташлашга, ёқиб кулини кўкка созуришга ҳам рози бўлиб кетаман!

— Бу жуда оқилона иш бўларди-да...— дейишга журъат этди Трегомен.

— Бас... Жаноб Трегомен!— деб ўшқирди Антифер тоға.— Бундан буён менинг олдимда бунақа бемаъни гапни ҳеч қачон гапирмасликларини талаб қиламан!

— Яхши, иккинчи айтмайман!

— Башарти ақлдан озган онларимда менга бойлик келтирадиган бу хатни йўқ қилмоқчи, жигарбандларим ва ўз зиммамдаги бурчимни писанд этмай, шунчалар аҳмоқлик қилмоқчи бўлсам... хулласи калом, агар сиз менга халал бермасангиз...

— Халал бераман, қария, ҳа, халал бераман,— дея шоша-пиша ишонтиришга тиришди Жильдас Трегомен.

Фоятда жазаваси тутиб кетган Антифер тоға коньяк қуйилган қадаҳни шартта олди-ю:

— Сенинг саломатлигингга, қайиқчи!—деб Трегоменнинг қадаҳи билан чўқиштириб ичиб юборди.

— Сенинг саломатлигингга!— жавоб қилди Жильдас Трегомен, қадаҳни кўзи борабар кўтариб, кейин уни яна столга қайтариб қўйди.

Пьер-Серван-Мало ўйга толди. Титраб-қақшаб сочларини чангаллаганча алланималар деб сўкинар, хўрсиниб, ғазаб билан яхши кўрган трубкасини ғажирди. Кейин қўлларини кўксига чалиштириб, дўстига тикилганча деди:

— Уша лаънати параллелнинг... шимолий кенгликнинг йигирма градусу эллик тўққиз минути қаердалигини биласанми ақалли?

— Нимага билмасаканман?— деб жавоб берди Тре-

гомен, географиядан юзинчи бор ана шундай имтиҳонга дучор бўларкан.

— Ҳечқиси йўқ, қайиқчи! Бунақа нарсаларни такрорлаш фойдали бўлади!

Шундай дея у иккала ярим шар харитаси чизилган атласни очаркан, асло эътирозга ўрин қолмаган бир оҳангда:

— Манавинга қара!— деди.

Жильдас Трегомен атласга қаради.

— Сен-Малони аниқ кўряпсан-а, шундай эмасми?..

— Ҳа, манави Ранс...

— Э, Ранс ҳақида гаплашаётганимиз йўқ-ку! Уша Рансингнинг падарига лаънат!.. Париж меридианини топиб, ундан йигирма тўртинчи параллелгача туш.

— Мана тушяпман.

— Францияни, Испанияни кесиб ўт... Африкага ўт... Жазоирдан ҳам... Рак тропикларигача бор... манави ёққа... Тимбуктунинг юқорисидагичи...

— Мана, ўша ердаман.

— Жуда соз. Шундай қилиб, биз ўша бадбахт кенгликдамиз.

— Ҳа, ўшатгамиз.

— Энди шарққа қараб юрамиз... Африкани кесиб ўтамиз. Қизил денгиздан сакраб ўтамиз... Тезда Макканинг юқорисидан Арабистонни ортда қолдириб, Маскат имомига таъзим қиламиз-у, Бомбей билан Калькуттани ўнг томонда қолдириб, Ҳиндистондан ошамиз... Хитойнинг жанубий қисмини ёқалаб бориб, Формоза ороли, Тинч океан, Сандвич ороллари<sup>1</sup>ни айланиб ўтамиз... Ортимдан келяпсанми ўзи?

— Ҳа, ортингдан кетяпман,— деб жавоб берди Жильдас Трегомен, каттакон рўмолчаси билан пешонасини артаркан.

— Жуда соз. Мана сен Америкада, Мексикадасан... Кейин Мексика кўрфазига етдинг... Кейин Гаванага... Мана Флорида бўғозидан ўтиб боряпсан... Сўнгра Атлантика океанига чиқдинг... Қанар ороллари<sup>1</sup>ни ёқалаб сузиб боряпсан... Мана Африкага етиб келдинг... Энди Париж меридианидан юқорига кўтариляпсан... Мана йигирма тўртинчи параллель бўйлаб бутун ер куррасини саёҳат қилиб чиқиб, яна Сен-Малога қайтдинг.

<sup>1</sup> Сандвич ороллари — Гавай ороллари<sup>1</sup>нинг қадимий номи.

— Уф!— енгил тин олди Трегомен.

\* — Ана энди,— дея яна гап бошлади Антифер тоға,— иккала қитъани, Атлантик, Тинч ва Ҳинд океанларини, минглаб орол ҳамда оролчаларни кесиб ўтиб, дунёни айланиб чиқдик, қани энди ўша миллионлар бекитиб қўйилган жойни кўрсатиб бер-чи менга!

— Ана шунисини билмайман-да!

— Лекин, албатта биламиз буни.

— Ҳа... биламиз, хабарчи келгач...

Антифер тоға «Гўзал Амелия»нинг эгаси ичмаган иккинчи қадаҳдаги коньякни ҳам кўтарди.

— Сенинг саломатлигинга!—деб қўйди у.

— Сенинг саломатлигинга!—деб жавоб қилди Жильдас Трегомен бўш қадаҳни чўқиштираркан.

Соат ўнга занг урди. Шу пайт қўққисдан дарвоза болғаси даранглаб қолди.

— Узунлик ҳақида хабар олиб келган даракчи бўл-са-я?—деб қичқириб юборди малуин ҳаяжонланиб.

— О-о!—деб чўзиб қўйди Трегомен шубҳасиз икки-ланиб.

— Хўш, нимага у бўлмасакан?—деб қичқириб юбор-ди Антифер тоға, бетига қон югуриб.

— Дарвоқе!.. Нимага уямасакан?—деб шу заҳотиёқ қўшилди Трегомен, ҳатто хушxabар келтирган даракчи-ни қутлайдиган ибораларни излай бошлади.

Бирдан пастдан Нанон билан Эногатнинг хурсанд қичқириқлари эшитилди, бу овозларнинг Қомулк пош-шо юборадиган одамга ҳеч қандай алоқаси йўқ эди.

— Бу у... унинг ўзи!— дейишарди аёллар қайта-қайта.

— Ушами?.. Ушамикин?..—дея Антифер тоға зина томон юрди.

Лекин шу аснода хонанинг эшиги очилди.

— Салом, амаки, салом!

Бу хурсанд ва мамнун бир овоз эди. Бу сўзлар ҳо-зиргина бўлиб турган суҳбат таъсиридаги тоғанинг газа-бини қўзғаб юборди.

«У» деганлари Жюэль экан. У келибди-да! Нантдан келадиган поезддан кечикмабди-да! Имтиҳондан ҳам йиқилмабди! Шунинг учун у ҳадеб:

— Олдим, амакижон, олдим!—деб такрорларди.

— Олдим-де!—дея унга қўшилиб такрорлашди ёш қиз билан онаси.

— Олдим?.. Нимани?..—деб сўради Антифер тоға

— Олисга сузадиган кема капитани унвонини олдим!  
Амакиси қучоғини очмагани сабабли у ўзини Жильдас Трегоменнинг қучоғида кўрди, Трегомен уни бағрига маҳкам босганидан йигитнинг нафаси қисилиб қолаёзди.

— Уни бўғиб қўясиз, Жильдас!— деди Нанон.

— Ахир мен уни жиндаккина бағримга босдим-ку!— деб кулди «Гўзал Амелия»нинг собиқ эгаси.

Бу орада аранг нафасини ростлаб олган Жюэль хонада у ёқдан-бу ёққа асабий бориб келаётган Антифер тоғага мурожаат қилди:

— Энди тўйни қачон қиламиз, амаки?

— Қанақа тўй?

— Эногат билан икковимизнинг тўйимизни-да,— жавоб берди Жюэль.— Ахир шундай деб келишилган эди-ку?

— Ҳа, келишилган эди,— деб унинг гапини тасдиқлади Нанон.

— Агар олисга сузадиган кема капитани унвонини олганимдан кейин Эногат менга тегишдан айниб қолмаган бўлса...

— О, Жюэль!— дея қиз йигитга қўлини тутди, одам-охун Трегоменнинг тили билан айтганда у кафтларига юрагини қўйиб узатган эди.

Антифер тоға индамади; афтидан у шамолнинг қайси томонга қараб эсаётганини англашга тиришаётгандек эди.

— Хўш, нима дейсиз, амаки?— деб қистади йигит.

Шундай деб бу баланд бўйли, бежирим, қувончдан кўзлари чақнаётган йигит амакисининг қаршисига келиб тўхтади.

— Амаки,— гапида давом этди у,— имтиҳон топшириб келганингдан кейин тўй кунини белгилаймиз, деб ўзингиз айтмаганмидингиз, ахир.

— Тўғри, менимча ҳам, қария, шундай дегандинг,— дея гапга аралашишга журъат этди Трегомен.

— Мана... имтиҳонни ҳам топширдим,— такрорлади Жюэль,— қайтиб ҳам келдим... агар сиз йўқ демасангиз, тўйни апрелнинг бошларида ўтказамиз.

Пьер-Серван-Мало бир сапчиб тушди.

— Саккиз ҳафтадан кейин-а?.. Нега саккиз кун... саккиз соат ёки саккиз минутдан кейин эмас?

— О! Кошкйди шундай бўлса! Мен бунга тирноқ-чаям қаршилиқ қилмасдим!

— Мунақа шоша-пиша тўй қилиб бўлмайди-да, ахир,— эътироз билдирди Нанон,— анча-мунча нарсаларни тайёрлаш, бозор қилиш керак-ку...

— Мен бўлсам ҳали янги костюм буюртиришим керак,— деди бўлажак куёв жўра — Жильдас Трегомен.

— Шундай қилиб... бешинчи апрелга ўтказамизми?— деб сўради Жюэль.

— Нима ҳам дердим... майли, шундай бўла қолсин...— деди Антифер тоға ҳар томонлама таслим бўлганини ҳис этиб.

— Вой тоғажонимдан ўргилай!— деб қиз тоғасининг бўйнига осилди.

— Амакижон!— хитоб қилди йигит.

Бир қўли билан амакисини, иккинчиси билан Эногатни қучоқлаганидан бўлса керак, уларнинг юзлари жиплашди....

— Келишдик,— деди тоға,— бешинчи апрелда ўтказамиз... лекин битта шартим бор...

— Ҳеч қанақа шарт-парт керагамас!

— Шартим бор?— қичқириб юборди Жильдас Трегомен, дўстим тагин бирор ҳийла ишлатмоқчи шекилли деб чўчиб.

— Ҳа, шартим бор...

— Қанақа шарт экан, амаки?— сўради Жюэль қошқовоғи уюлиб.

— Агар ўшангача анави узунлик ҳақида бирор хабар олмасам...

Ҳамма енгил тин олди.

— Майли!.. Бўпти!..— деб бараварига чуғурлашди ҳаммалари.

Чиндан ҳам бу шартини қабул қилинмаса, Антифер тоғага нисбатан шафқатсизлик бўлурди.

Бундан ташқари, йигирма йилдан бери кутилган ўша Комулк пошшо одамининг келиб-келиб Жюэль билан Эногатнинг тўйлари олдида қандам ранжида қилишини тасаввур этиш мумкинмиди, ахир?

### **ОЛТИНЧИ БОБ**

*Шарқнинг биринчи тўқнашувдаёқ Фарбдан  
мағлубиятга учрагани*

Орадан бир ҳафта ўтди. Даракчидан ном-нишон йўқ эди. Жильдас Трегомен даракчининг келишидан кўра



кўпроқ Илёс пайгамбарнинг арши аълодан тушишига ишонса бўлади дерди. Лекин у Антифер тоғанинг олдида ўз фикрини ҳатто инжил тилида ҳам айтишдан тийилиб турарди.

Эногат билан Жюэльга келсак, ёшлар Комулк пошшонинг ўша афсонавий хабарчиси ҳақида асло ўйлашмас, бундан бошқа ҳеч нима бўлажак тўйларига тўсқинлик қилмас ёки унга монеъ бўлолмас экан, зўр бериб ҳеч қандай географик харитасиз осонгина етиб олишлари мумкин бўлган ажойиб ўлкага сафарга отланиш тадорикини кўрардилар. Бу ниятлари белгиланган кун — 5 апрелда амалга ошишига имонлари комил эди.

Хўш, Антифер тоға-чи! У аввалгисидан ҳам бешбаттар одамови, янада бадқовоқ бўлиб қолди. Ҳар бир янги кун белгиланган тўй муддатини йигирма тўрт соатга қисқартирарди. Яна бир неча ҳафтадан кейин келинкуёв узилмас никоҳ иплари билан чамбарчас боғландилар. Бунинг оқибати жуда қойил-да, у нима ҳам дея оларди! Ахир тоға тамоман бошқа нарсани — бадавлат бўлиб олганидан сўнг жиянларига давлатманд қаллиқ топишни орзу қиларди. Зотан у бу тутқич бермас, аммо **шубҳасиз ўзига** тегиншли бўлган миллионларга шунчалар **катта аҳамият** бераётган экан, ўз манфаатини — ясаниб-безаниб юриш, қасру саройларда айш-ишрат суриш, кареталарда сайр этиш, олтин идишларда овқат ейиш, охорланган ёқаларига бриллиант тугмалар қадаб юришни кўзлаётгани йўқ... Худо ҳаққи бундай эмас! У шунчаки Жюэлни маликага уйлантиришни, Эногатни эса бирор шахзодага узатишни орзу қиларди, холос. Нима ҳам қила олардик! Бу унинг орзу-тилагини эди-да!

Агар Комулк пошшонинг одами маълум бўлган рақамларга қўшиладиган ўша зарурий сонларни ўз вақтида етказиб келолмаса Антифер тоғанинг бу эзгу ниятлари тутундек таралиб кетади. Бадавлат мисрликнинг яшириб қўйган хазинаси ахир бир кун топилади ва ундаги бойлик Антифер тоғанинг қўлига киради, лекин минг бор афсуски, унда фурсат ўтган бўлади!

Кекса денгизчининг ғазаби тобора авжига миниб борарди. У уйда ўтиролмай қолди. Рост, у йўқ бўлса уйдагилар енгил нафас олардилар. У фақат овқатланиш пайтларида кўринар ва индамайгина икки кишининг улушини пок-покиза туширарди. Кўнгилчан Трегомен бўлса қулай фурсат келди дегунча Антифер тоға

заҳрини сочиб кўнглини бўшатиб олсин деб ўзини қалқон қилиб тутар, дўсти уни албатта сўкиб-соларди. Жигарлари тоға касал бўлиб қолмасайди деб чўчий бошладилар.

Унинг ҳар куни қиладиган бирдан-бир иши поездлар ва одам ташийдиган пароходлар етиб келадиган пайтда вокзал ва Силлон соҳилига етиб бориш бўлиб қолди. У гоҳ платформада, гоҳ пристанда у ёқдан-бу ёққа юраркан, Комулк пошшоннинг хабарчисига ўхшаши мумкин бўлган бирор антиқа либос кийган келгиндини ёхуд бирон-бир муҳожирни кўриб қолармиканман деб йўловчилар оломонига синчиклаб тикиларди. Аниқроғи у, мисрлик, эҳтимолки армани ҳам бўлиши мумкин... Ҳар қалай шарқ одами бўлади, афт-ангори, уст-боши, талаффузи билан бошқалардан ажралиб туради, даллолга учрашиб, ундан Пьер-Серван-Мало Антифернинг қаерда истиқомат қилишини сўрайди...

Йўқ! Бунақа одамга сал бўлса-да ўхшайдиган бирор кимса, ҳа, бирор кимса кўринмасди... Бретонлар, нормандлар, ҳатто инглизлар ва норвегияликлар тўлиб-тошиб ётарди-ю, бироқ Яқин Шарқдан бирон сайёҳнинг қораси ҳам кўринмас эди.

Антифер тоға 9 февраль куни эрталабки нонуштадан кейин миқ этмай одатий сафарига жўнарган, «чинакам одамни» излаб йўлга тушган Диогенга<sup>1</sup> ўхшаб кетди. Гарчанд тоға қадимий улуг файласуфга ўхшаб, куппакундузи қўлида фонус кўтариб чиқмаган бўлса-да, унинг ўткир кўзлари ўзи сабрсизлик билан кутаётган одамни олисданоқ танишга қодир эди.

Антифер тоға шаҳарнинг харсанг ётқизилган, икки бетига баланд гранит иморатлар қурилган тор кўчаларини ортда қолдириб, Бей кўчасидан бориб Дюге-Труэн хиёбонига чиқди, супрефектура минорасидаги соатга қараб вақтни аниқлади-да, Шатобриан майдонига бурилди. Чинор шохлари шийпонча ҳосил қилиб турган жойдан айланиб, тош деворни ўйиб очилган тешикдан ўтаркан Силлонга чиқиб қолди.

Антифер тоға шу ерда тўхтаб, тутаб турган трубкасини зўр бериб тортганча ўнгу сўлига ва орқа-олдига

---

<sup>1</sup> Диоген — қадимги юнон файласуфи (эрамиздан ав. 404—323 й.). Бу ерда Диогеннинг куппакундузи қўлида фонус кўтариб кўчаларда «чинакам инсонни» қидириб юргани ҳақидаги афсона назарда тутилади.

қараб олди. Йўловчиларнинг бари у билан саломлашиб ўтарди, чунки тоға Сен-Малода таниқли одам бўлиб, шаҳарликларнинг ҳурмат-эътиборига сазовор эди. Бироқ у ўзининг илашқоқ фикрларига шундай берилиб кетган, шунчалар фаромушхотир эдики, саломга базўр алик оларди.

Портда кемалар тирбанд эди — елканлию буғ кемалар, бриглар, шхунаю люгерлар<sup>1</sup>, балиқчилар қайиқларию баркаслар қалашиб кетганди.

Ҳозир сув қайтиш вақти бўлиб, денгиз семафорининг ишораси билан кемаларнинг гаванга киришини кам деганда уч ёки икки соат кутиш лозим эди.

Антифер тоға яхшиси вокзалга бориб, экспресснинг келишини пойлашга жазм қилди. Тўсатдан шу бугун, неча-неча ҳафталаб кутганидан кейин, бир омади келиб қолса-я?..

Кўпинча одам нотўғри йўлни танлайди-я! Мана ҳозир ҳам Антифер тоға ўткинчиларни синчиклаб кўздан кечираркан, йигирма минутдан бери бир одам унинг орқасидан соядек эргашиб юрар, бу дарҳақиқат диққатга сазовор кимса эди.

Бу бошига қора попукли оч қизил фас, эгнига тугмалари томогигача қадалган сидирга узун камзул билан кавуши бетига тушиб турадиган кенг чолвор кийган бир чет эллик одам эди. Кўринишидан у анча ёши ўтиб қолган — олтмиш, олтмиш бешларга бориб қолган эди. У узун, қоқ суяк қўлларини кўксида чалиштирганча, сал букчайиброқ одимларди. Бу кўпдан кутилган ўша шарқлик одамми, йўқми, буниси номаълум эди-ю, лекин Ўртаер денгизининг шарқий соҳилидаги мамлакатлардан келгани шубҳасиз эди. У ё мисрлик, ё суриялик, ё худ туркиялик...

Қисқаси бу муҳожир Антифер тоға ортидан икки ланиброқ эргашиб келарди: гоҳ уни тўхтатмоқчидек бўлар, гоҳ хато қилиб қўймай деб чўчигандай ўзи тўхтаб қоларди.

Ниҳоят у соҳил бўйи кўчасининг муюлишида одимини тезлатиб, Антифер тоғанинг олдига ўтибоқ шартта орқасига бурилган эди, икковлари тўқнашиб қолишди.

— Э, жин урсин сизни... намунча лалаймасангиз!.. —

---

<sup>1</sup> Люгер — икки ёки уч мачтали, тузилиши ва елканларининг жойлашиши билан фарқланадиган мўъжазгина елканли кема.

Ўшқирди қоқилиб кетиб йиқилишига оз қолган Антифер тоға.

Аммо ўша ондаёқ кўзларини артиб ва кафтини қуёш нурига соябон қилиб пешонасига тутганича нотаниш кимсага бошдан-оёқ назар ташларкан, револвердан ўқлар кетма-кет отилиб чиққандек бидиллай кетди:

— Шошманг!.. А!.. Нима?.. Ушами?... Наҳотки... Албатта ўша! Уша имзо чекканнинг вакили бу!..

Башарти бу чиндан ҳам пошшо юборган одам бўлса, унинг қиёфаси унчалик ёқимтой эмасди. Унинг соқоли қиртишланган бети, ажин босган, пешонаси, қармоқсимон бурни, шалпанг қулоқлари, юпқа лаблари, қиррадор ияги, ўйноқи кўзлари, пишиб ўтган лимон рангидаги туси, умуман унинг нимжонгина қомати макр ва қаллобликдан далолат бериб тургандай, унга ишониб бўлмайдигандай кўринарди.

— Ҳозиргина бир илтифотли денгизчи айтган Антифер жаноблари билан суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлиб турмаганмикинман? — деди у сира такрорлаб бўлмайдиган бир даражада французчани бузиб. Шунга қарамай унинг сўзлари ҳатто бретонга ҳам тушунарли эди.

— Антифер Пьер-Серван-Мало бўламан! — деб жавоб берди тоға. — Хўш, ўзлари ким бўладилар?

— Бинни Умар.

— Мисрликмисиз?..

— Искандариялик нотариусман. Пуассоннер кўчасидаги «Унион» меҳмонхонасига тушдим.

Қизил фасли нотариус! Чамаси шарқ мамлакатларидаги нотариуслар учун француз нотариаль идораларидаги ҳатто оддий котиб ҳам кийиб юрадиган қора костюм билан оқ галстугу олтин гардишли кўзойнакнинг ҳожати йўққа ўхшайди. Дарвоқе, фиръавн фуқароси орасида нотариуснинг бўлишининг ўзи умуман ажабланарли-ку!

Антифер тоға худди самодан тушган Масих каби қаршисида турган кимсанинг бундан йигирма йил муқаддам Комулк пошшо ўз мактубида хабар қилган, кўпдан орзиқиб кутилган географик узунликин албатта келтириши шарт бўлган ўша махфий вакил эканига заррача шубҳаланмасди.

Бироқ Антифер тоға шошқалоқлик қилиб, орқа-олдига қарамай Бинни Умарни саволларга кўмиб ташлама-

ди (ундан буни кутса бўларди), балки тезда ўзини твтиб олди ва биринчи бўлиб муҳожирнинг гап бошлашини кутди. Бу жонли мўмиёнинг башарасида акс этиб турган маккорлик ҳушёрликка ундарди.

Жильдас Трегомен ҳозир шу ерда бўлганида жиззакни дўстининг шунчалар оқилона иш тутганига асло ишонмаган бўлурди.

— Хўш, ўзларига қандай ёрдамим тегиши мумкин, Бинни Умар жаноблари?— деб сўради Антифер тоға қаршисида қимтинибгина ер топтаб турган мисрликка диққат билан тикиларкан.

— Ўзлари билан суҳбат қуриш иштиёқида эдим, Антифер жаноблари.

— Менинг уйимда суҳбатлашишга хушлари қалай?

— Йўқ... бизни бирон кимса тинглаёлмайдиган холи ерда суҳбатлашганимиз маъқул.

— Демак, махфий гап экан-да?

— Ҳам ҳа, ҳам йўқ... Тўғрироғи савдо битимидай бир гап.

Антифер тоға сесканиб тушди. Ҳаммаси аён; мабодо бу одам ўша географик кенгликни билдирувчи рақамларни олиб келган бўлса уни қуруққа бермоқчи эмас. Ваҳоланки икки «Қ» ҳарфи остма-уст қилиб имзо чекилган мактубда ҳеч қанақанги савдо битими ҳақида айтилмаган эди.

«Диққат!— деди у ўзига-ўзи.— Рулни маҳкам туту йўлдан оғиб кета кўрма!»

Сўнгра у суҳбатдошига мурожаат қилиб, гаваннинг бўм-бўш хилват бир жойини кўрсатаркан:

— Юринг ўшоққа. У ерда ҳар қанақанги махфий гапни ҳам иккимиз бафуржа, холи сўзлаша оламиз. Лекин тезроқ, чунки изғирин бетларимизни чимдиб кетяпти,— деди.

Ўша ергача бор-йўғи йигирма одимча юриларди. Соҳилда лапгар ташлаб турган кемаларда одам зоти кўринмасди. Фақат божхона назоратчисигина Антифер тоға билан исқандариялик нотариус турган жойдан тўқсон метрча нарида айланиб юрарди.

Орадан бир минут ўтмаёқ бўш ерга етиб бордиларда, йўғон ходага ўлтирдилар.

— Бу ер сизга маъқул келадими, жаноб Бинни Умар?— деб сўради Антифер тоға.

— Ҳа, ҳа... албатта!

— Унда бошланг, илло, анави одамларга жумбоқ беришни яхши кўрадиган сфинксларга ўхшаб эмас, балки аниқ-равшан қилиб гапиринг.

— Чалакам-чатти қилиб гапирмайман, Антифер жаноблари, чин юракдан, очигини айтаман-қўяман,— деди Бинни Умар маккорона бир оҳангда. Кейин, икки ёки уч марта йўталиб олгач, сўради:— Сизнинг отангиз бормиди?

— Ҳа... бизнинг юртимизда одат бу. У ёғи-чи?

— Унинг вафоти ҳақидаги хабар етиб борганди қулогимга...

— У бундан саккиз йил аввал оламдан ўтган. Хўш, давом этинг.

— У денгизда сузармиди?

— Денгизчи бўлганидан кейин, турган гап, сузарди. Давом этинг.

— Қайси денгизларда сузган у?

— Ҳамма денгизларда. Хўш, яна нима?

— Хўш-хўш... Демак у Шарқда ҳам бўлган экан-да?..

— Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам. Яна нима дейсиз?

— Сафар пайтида,— деб яна гап бошлади нотариус, бу калта-култа жавоблар унинг бемалол гаплашишига имкон бермаётган эди,— хўш, сафари пайтида бундан олтмиш йилча муқаддам у Сурия соҳилларида бўлганми?..

— Эҳтимол бўлгандир... эҳтимол йўқ. Хўш, яна нима дейсиз?

Бу «давом этинг, яна нима дейсиз» деган иборалар худди Бинни Умарнинг биқинига мушт бўлиб тушаётгандай эди, унинг афти буришиб-тиришиб кетарди.

«Чап беравер, азизим,— деб ўйлади Антифер тоға,— жонингга теккунича кемангни айлантиравер. Илло мени лоцманлик қилади деб хомтама бўлма!»

Нотариус гапнинг пўст калласини айтиб қўя қолиши зарур эканлигини фаҳмлади.

— Отангизнинг бировга хизмати сингган... ҳа, катта хизмати сингган экан... худди ўша Сурия соҳилларида, бундан хабарингиз борми?

— Йўқ. Қани, яна нима гапингиз бор?

— А!— Бинни Умар бундай жавобдан лол қолди.— Унинг Комулк пошшо деган бир кимсадан мактуб олганидан ҳам беҳабармисиз?

— Пошшодан?



— Ҳа.

— Туги қандай?

— Бунинг аҳамияти йўқ, жаноби Антифер. Энг муҳими отангизнинг қимматли мазмунга эга бўлган мактуб олганини билиш.

— Хабарим йўқ. Хўш, яна нима дейсиз?

— Сиз унинг қогозлари орасидан излаб кўрмаганмисиз? Бу мактубнинг йўқолиши мумкин эмас-ку, ахир! Такрор айтаманки, унда бағоят муҳим нарса битилган...

— Сиз учунми, жаноб Бинни Умар?

— Сиз учун ҳам, жаноб Антифер, зероки... Қисқаси, у мен қўлга киритишим лозим бўлган мактубдир... Бу менинг зиммамга юкланган... у сиз учун манфаатли бўлган битишувга восита бўлиши мумкин...

Шу ондаёқ Пьер-Серван-Малога ҳаммаси аён бўлди-қолди: Бинни Умар бойликларнинг қаерга кўмилганини аниқлаш учун унга, яъни Антифер тоғага зарур бўлган географик узунлик сиридан воқиф бўлган кимсаларнинг вакили экан.

— Қаллоблар!— деб пичирлади у.— Улар менинг сиримни билиб олишмоқчи, мактубни сотиб олишмоқчи... кейин менинг миллионларимни қазиб олишмоқчи!

У ҳақли эди чоғи.

Шу пайт одим шарпалари эшитилиб қолди — аллақандай бир киши соҳил бўйи кўчанинг муюлишидан айланиб ўтиб, пристан томонга қараб бораверди. Суҳбатдошлар жим бўлишди, нотариуснинг гапи оғзида қолди. Ҳатто у йўловчига кўз қирини ташлаб, сезилар-сезилмас салбий ишора қилгандай, бундан эса ўтиб кетаётган одамнинг жаҳли чиққандай бўлди. Дарҳақиқат, йўловчи ранжигандай қўл силкиб қўйиб, қадамни тезлатди-да, кўздан ғойиб бўлди.

Бу ўттиз уч ёшлардаги муҳожир бўлиб, уст-бошига қараганда мисрлик эди. Унинг қиёфаси жуда ғалати: туси қора, ўтдек чақнаб турган кўзлари ҳам чаросдай, бўйи хийла дарозроқ, кўринишидан шиддатли, башараси кўримсизгина, ҳатто ваҳшиёна қиёфали одам эди. Нотариус билан танишмиди у? Эҳтимолдан узоқ эмас. Улар ўзларини бир-бирларини танимаганга олишдими дерсиз? Шубҳасиз.

Қандай бўлса-да, Антифер тоға унинг имо-ишорасига эътибор бермади — шунчаки бир қараб, имо қилди-қўй-



ди-да, бу ерда бошқа ҳеч гап йўқ,— деб ўйладию гапни давом эттираверди.

— Энди, жаноб Бинни Умар,— деди у,— менга шунинг айтинг-чи, ўша мактуб сизга нега бунчалик зарур? Сизнинг мазмунини билмоқчисиз ва ҳатто башарти у менда бўлса сотиб олишга ҳам тайёрсиз, шундайми?

— Жаноби Антифер,— деди нотариус доврираб,— менинг муштарийларим орасида Қомулк пошшо деган бир кимса ҳам бор эди. Унинг манфаатларига риоя қилишга бурчли бўлганим туфайли...

— Бор эди, дейсизми?

— Ҳа... Унинг меросхўрларининг вакили сифатида...

— Унинг меросхўрлари дейсизми?— деб қичқириб юборди Антифер тоға ошкора таажжуб билан. Бу нотариуснинг назаридан қочиб қутулолмади.— Демак у вафот этибди-да?

— Ҳа, қазо қилди.

«Диққат!— дея пичирлади Пьер-Серван-Мало трубкасини ғазаб билан ғажиркан.— Қомулк пошшо ўлибди... Бунинг ёдда тутиш... ва қовун тушириб қўймаслик керак».

— Шундай қилиб, жаноби Антифер, ўша мактуб сизда эмасми?..— деб сўради Бинни Умар кўзларини олиб қочиб.

— Йўқ.

— Минг бор афсус, зероки Қомулк пошшонинг меросхўрлари сеvimли қариндошларини эслатадиган ҳар бир нарсани йиғишга ҳаракат қилиб юришган эди...

— Э-ҳа! Ҳали у эсдаликкамиди?.. Жуда олиҳиммат одамлар экан-а!

— Шундай, жаноби Антифер, сиз бағоят тўғри ифодалаганингиздек, ўша олиҳиммат одамлар бу мактуб эвазига тузуккина маблағ таклиф этишдан асло иккиланмайдилар...

— Масалан, улар менга қанча беришарди?

— Сизга бари бир эмасми бу... ахир мактуб сизда эмас экан-ку...

— Ҳар қалай айтинг-чи...

— О! Бир неча юз франк беришади.

— Вой-бў!— деб қўйди Антифер тоға.

— Балки, ҳатто... бир неча минг!..

— Э-ҳа, ҳали шунақа денг!— деб бақирди Антифер тоға тамоман ўзини унутиб, Бинни Умарнинг ёқасидан

олиб, қулоғига шивирларкан, унинг қулоғидан шартта тишлаб олишдан аранг тийилиб турарди.— Шунинг биллиб қўйинг, ўша мактуб менда!

— Сиз-да?

— Ҳа, остма-уст қилиб икки «К» ҳарфи билан имзо қўйилган!

— Тўғри... Икки «К»!.. Менинг муштарийим худди шундай имзо чекарди.

— Мактуб менда!.. Мен уни ўқиганман, ҳа-ҳа, юз марталаб қайта-қайта ўқиб чиққанман!.. Нима учун уни қўлга киритишга тиришаётганингизни тушуниб турибман, аниқроғи жуда яхши биламан!

— Жаноби Анти...

— Ҳеч қачон ололмайсиз уни!

— Таклифимизни рад этасизми?..

— Шундай, кекса Умар, рад этаман! Уни сотиб олишга қувватингиз етармиди-я!..

— Қанча дейсиз?— сўради нотариус ва ҳамёнини олгани қўлини киссасига тикди.

— Қанча дейсизми?.. Эллик миллион франк!

Бинни Умар бу кутилмаган жавобдан ҳатто сапчиб тушди. Антифер тоға бўлса тишларини гижирлатганча нотариусга шундай нафрат билан еб юборгундай ўқра-ярдики, ҳеч ким ҳеч қачон унга бундай тикилган эмасди. Кейин гўё денгизчиларга буйруқ бераётгандек қуруққина қўшиб қўйди:

— Энди иккисидан бирини танланг.

— Эллик миллион!— дея жони бўғзига тикилиб такорлади нотариус.

— Савдолашмай қўя қолинг, жаноби Бинни Умар... Эллик сантим ҳам камайтмайман!

— Эллик миллион?..

— Ҳа... яна нақдга... олтинларга ёки қоғоз пулга... ёки француз банки чекига сотаман.

Довдираб қолган нотариус аста-секин ўзига кела бошлади. Комулк пошшо меросхўрлари учун бу мактубни қўлга киритиш қанчалик муҳим эканидан бу лаънати денгизчининг батафсил хабардорлиги унга аён бўлди. Дарҳақиқат, ўша хазинани излаш учун зарур бўлган маълумотларнинг бирдан-бир манбаи мана шу мактуб эмасми, ахир? Нотариуснинг барча ҳийлаю найранглари беҳуда кетди. Мактубга қуруқ қўл билан икки дунёда эришиб бўпти! Малунин тузоққа илинмади. Мактубни,

бошқача қилиб айтганда — Бинни Умарга маълум бўлган узунликка қўшилганда бойлик кўмилган хазинанинг турган ери аён бўладиган кенгликни билдирувчи рақамларни сотиб олишдан ўзга чора қолмаганди.

Бироқ, муҳтарам китобхонлар, Бинни Умар бу мактубнинг Антифер тоғада эканини қаердан билди, деб сўрашлари мумкин. Бундан ташқари, ўша бадавлат мисрликнинг собиқ нотариуси чиндан ҳам Комулк пошшонинг сўнгги васиятини бажо келтириб ваъда қилинган географик узунлик ҳақидаги маълумотни олиб келиши лозим бўлган, кўпдан орзиқиб кутилган даракчиди ўзи?.. Бунга тезда билиб олурмиз.

Нотариус қандай куч ва тазйиқ остида иш тутмасин — уни марҳум пошшонинг меросхўрлари юборганми, йўқми — ҳар қалай Бинни Умар эндиликда мактубнинг фақат олтин эвазигагина қўлга кириши мумкинлигини жуда яхши билиб олганди. Лекин — эллик миллион-а!..

Шу пайт у муғомбирона овоз билан сўради:

— Жаноб Антифер, сиз, янглишмасам, эллик миллион дедингизми?

— Балли, шундай дедим.

— Шу ёшга кириб бундай ғалати гапни биринчи эшитишим-а!

— Жаноб Бинни Умар, бундан ҳам ғалатироқ гапни эшитишга тоблари қалай?..

— О, бажону дил!

— Бўлмаса қулоқ солинг: сиз кекса қаллобсиз! Ҳа, мисрлик кўҳна фирибгарсиз! Кекса Нил тимсоҳисиз!..

— Жаноб Ан...

— Етар, бас! Гапим тугади!.. Сиз лойқа сувдан баглиқ тутишда устаси фарангга ўхшайсиз, бу кўриниб турибди, шу боисдан ҳам зиммангизга юкланган ва мени воқиф этишингиз мажбурий бўлган махфий хабарни етказиш ўрнига, билъакс менинг сиримни билиб олмоқчи бўляпсиз?

— Сиз шундай деб ўйлайсизми?

— Уйламайман, балки биламан!

— Янглишасиз, бу сизнинг хомхаёлларингиз...

— Бас қилинг, эй жирканч фирибгар!

— Жаноб А...

— Хўп, сал илтифотли бўла қолай. «Жирканч» деган сўзимни қайтариб ола қолай! Башарти истасангиз,

қўлимдаги мактубнинг нимаси сизни ҳаммадан кўра кўпроқ қизиқтираётганини айтиб бераман.

Наҳотки нотариус Пьер-Серван-Малонинг оғзи бўшлиқ қилиб сирни очиб қўйишига ишонган бўлса?.. Ҳар қалай унинг бит кўзлари лаққа чўғдек йилтиллаб кетди.

Йўқ! Гарчи малуни газабдан ўзини унутаёзиб, ранги қизариб-бўзариб кетган бўлса-да, ҳар ҳолда батамом эс-ҳушидан айрилмаганди.

— Шуларни қулоғингизга қуйиб олинг, ҳатто америкачасига бопта қилиб тайёрлаганларида ҳам одам боласи оғзига олмайдиган эй кекса бадҳазм Умар, ўша мактубда икки «К» ҳарфи билан имзо чеккувчига менинг отам кўрсатган хизматлар ҳақида битилган гаплар сизни заррача қизиқтирмайди... Йўқ! Сизни ундаги тўртта рақам қизиқтиради, холос! Эшитяпсизми — тўртта рақам!

— Тўртта рақам?..— дея гўлдираб қўйди Бинни Умар.

— Ҳа-ҳа, тўртта рақам! Мен улардан ҳар бирини сизга ўн икки ярим миллионга сотаман! Энди гап тамом! Хайр, саломат бўлсинлар!..

Шундай дея Антифер тоға қўлларини чўнтакларига суқиб, ўзининг севган куйини ҳуштакда чалганча нари кетди. Бунинг қанақа куй ёки қўшиқлигини ҳеч зоғ, ҳатто ўзи ҳам билмасди — у Обер<sup>1</sup> басталаган куйдан кўра кўпроқ адашиб қолган итнинг улишига ўхшарди.

Бинни Умар турган ерида қотиб қолганди! Ҳа, худди қоққан қозиқдек серрайиб туриб қолганди! Ахир у бу денгизчини оддий бир фаллоҳдек лақиллатмоқчи эди-я! Ёвуз тақдирнинг зайли билан унинг Искандарияда олди маҳкама саналган лаънати идорасига келиб қолган ўша бахти қаро деҳқонларни қанчалар лақиллатгани ёлғиз Муҳаммад алайҳуссаломнинг ўзигагина аён...

Бинни Умар лапанглаб, вазмин одимлаб бораётган малуин ортидан ҳангу манг бўлиб тикилиб қолди; Антифер тоға дам бир елкаси, дам иккинчи елкаси кўтарилиб-тушиб бораркан, гўё ёнида ҳозиргина унинг аччиқ гапларини эшитиб бўлган дўсти Трегомен кетаётгандек, афтини бужмайтириб қўярди.

Бирдан Антифер тоға таққа тўхтади. Нима, йўлида

---

<sup>1</sup> Обер Даниэль Франсуа (1782—1871) — машҳур француз композитори.

бирон тўсиққа дуч келдими у? Ҳа!.. Бу тўсиқ мясида қўққисдан пайдо бўлиб қолган бир фикр эди. У кичкинагина хатога йўл қўйибди, илло буни тузатишнинг ҳали фурсати ўтгани йўқ...

У Аполлоннинг умидини пучга чиқариб, дафна дарахтига айланиб қолган гўзал Дафнэдек<sup>1</sup> тош қотиб турган нотариус ёнига қайтиб келди.

— Жаноб Бинни Умар,— деди тоға.

— Қулоғим сизда, нимани истайдилар?

— Бир нарсани астагина қулоғингизга шивирлаб қўйишни унутибман.

— Хўш, нимани?..

— Бир рақамни...

— А-а! Рақамни?!— сапчиб тушди Бинни Умар.

— Ҳа, уйимнинг номерини билдирувчи рақамни... От-Салль кўчаси, уч... Менинг турар жойим қаердалигини билиб қўйганингиз маъқул. Ташриф буюргудек бўлсалар, дўстона кутиб олурмиз...

— Мени таклиф қияпсизми?

— Ҳа, киссангизда эллик миллион бўлсагина...

Бу сафар Антифер тоға уйига бутунлай жўнади, дармони қуриган нотариус эса олло таоло билан пайғамбарни Муҳаммад алайҳуссаломдан мадад тилаб, яна ҳодага ўтириб қолди.

## ЕТТИНЧИ БОБ

*Манфур табиатли Нозим деган бир кимсанинг бош гумашталиққа ёллайсан деб Бинни Умарга зўрлик билан илашиб олгани*

Башарти ўн еттинчи хонанинг эшиги ҳаво ўтмайдиган қилиб зичлаб беркитилмаган ва унга товуш ўтказмайдиган қалин парда сирилмаганида эди «Унион» меҳмонхонасининг деразалари Жак-Кёр майдонига қараган хоналарида маст уйқуда ётган мижозлар тўққизинчи февраль тунидаги шовқиндан уйғониб кетишлари ҳеч гап эмасди.

Гап шундаки, ўша хонани банд этган икки меҳмон ўзаро жиқиллашиб қолганди. Улардан бирининг шун-

---

<sup>1</sup> Юнон афсоналаридан бирида худо Аполлоннинг фаришта Дафнэга бўлган севгиси ҳақида ҳикоя қилинади. Дафнэнинг отаси — дарёлар худоси Пеней Аполлоннинг таъқибидан асраб қолиш учун қизини дафна дарахтига айлантириб қўйган эмиш.

дай ғазаби қайнаб, тутақиб кетган, сира уялмай-нетмай оғзидан боди кириб-шоди чиқиб овозининг борича шеригини бўралаб сўкар, нўписа қиларди. Иккинчиси эса биринчисини тишчлантиришга тиришар, аммо барча уринишлари беҳуда кетарди, зероки у қўрқа-писа гапирар, нимадандир чўчиётгани очик-ойдин сезилиб турарди.

Дарвоқе, улар орасидаги можаро Ғарб кишиларига нотаниш бўлган турк тилида борганидан уни эшитганида ҳам ҳеч ким ҳеч нарса тушунолмаслиги мумкин эди. Гоҳо-гоҳо французча иборалар ҳам аралашиб қолар, бундан мабодо суҳбатдошлар истасалар, бемалол бу асл тилда сўзлаша олишлари кўриниб турарди.

Каминда гуриллаб ўт ёнарди, думалоқ столдаги чиरोқ вақт ўтиши билан сарғайиб кетган портфель остидан ярим-ёртиси чиқиб турган қоғозларни ёритарди.

Жанжаллашаётганларнинг бири Бинни Умар эди. Бағоят эзилиб, ғужанак бўлиб кетган Бинни Умар ярим юмуқ кўзларини ўтга қадаб ўтираркан, суҳбатдошига, унинг каминдаги оловдан ҳам ортиқроқ шуъла таратиб чақнаб турган даҳшатли кўзларига қарашга ботинмасди.

Соҳил бўйида Антифер тоға билан суҳбатлашиб ўтирган пайтларида нотариус хуфия имо-ишора қилиб қўйган ўша даҳшатли қиёфали муҳожир шу эди.

Худди ана шу одам қуйидаги сўзларни йигирманчи бор такрорларди:

— Хуллас, ҳеч қанақа иш чиқаролмабсан-да?

— Шундай, муҳтарам жаноблари, бунга олло таолонинг ўзи шоҳид...

— Оллонинг шоҳидлигидан менга нима фойда! Мен ишдан гапиряпман сенга!.. Демак, ҳеч нима чиқаролмабсан-да, а?

— Минбаъд афсуским, шундай бўлди.

— Ҳе падарига лаънат ўша малуиннинг! (Бу сўзларни у французчалаб айтди.) Шундай қилиб, мактубни сенга беришдан бош тортдимиз?

— Худди шундай, бош тортди!

— Сотишдан-чи?

— Сотишдан дейсизми? Рози бўлди...

— Сен каллаварам бўлсанг сотиб олмадингми? А, олмадингми уни? Бу ерга мактубсиз қуруқ келишга қандай журъат этдинг.

— Қанча сўраганидан хабарингиз борми ўзи, муҳтарам жаноблари?

— Бунинг қандай аҳамияти борақан?

— Эллик миллион франк дейди-я!

— Эллик миллион?!

Мисрлик худди икки биқинидаги тўплардан бир йўла ўт очган ҳарбий кемадай, бўралаб сўка бошлади. Кейин тўпларини қайтадан ўқлаган синари яна бўкира кетди:

— Бу ишнинг ўзи учун қанчалик муҳим эканидан ўша денгизчининг жуда яхши хабардор эканини энди англагандирсан, каллаварам?..

— Афтидан, фаҳмлаётганга ўхшайди.

— Эҳ, Муҳаммад алайҳуссалом гирибонидан олсин ўша лаънатини! Сен ҳам у билан қўшмазор бўлгин!— деб ўдағайлади мисрлик қутуриб, хонада у ёқдан-бу ёққа зир югурар экан.— Ўз қўлларим билан бўғизлаганим бўлсин, ақалли сен бадбахтни; бошимга келадиган бари бахтсизлигу надоматлар учун сен жавоб берасан...

— Ахир мен гуноҳкор эмасман-ку, муҳтарам жаноблари... Комулк пошшонинг сиридан беҳабар эдим-да...

— Буни билишинг керагийди! У ҳаётлигида сирларини билиб олишинг керак эди!.. Ахир сен унинг нотариуси эдинг-ку!..

Ҳақорат ва сўкишлар ҳарбий кеманинг иккала биқинидан бир йўла отилаётган тўп ўқларидай ёғила кетди.

Бу даҳшати зўр одам Комулк пошшонинг уруги Муроднинг ўғли Соук эди. У ҳозир ўттиз учга кирганди. Отасининг вафотидан сўнг бадавлат қариндошининг яққаю ягона меросхўри бўлиб қолганди. Башарти катта бойлик отасининг сўкўзлиги ва таъмағирлиги оқибатида олисларга олиб бориб яшириб қўйилмаганида унинг қўлига кирган бўларди. Бойликнинг эса қайси сабабларга кўра ва қандай шароитда Мисрдан олиб чиқиб кетилгани ҳамда қандай яширилганидан муҳтарам китобхон хабардор.

Энди биз Комулк пошшонинг ўз бойлигини бирорта номаълум оролга яшириш ниятида Алепподан чиқиб кетганидан кейин содир бўлган воқеаларни қисқача баён этамиз.

1831 йилнинг октябрида йигирма икки кемадан иборат флот ва ўттиз минг кишилик лашкар Иброҳим пошшо сардорлигида Ғози, Яффа ва Ҳайфани эгаллади. 1832 йилнинг 27 мартада эса Аққа қалъаси ҳам унинг қўлига ўтди.

Афтидан, Фаластин ва Сурия Порлоқ Порта — Туркия

сўлтонлиги ҳукмронлигидан узил-кесил тортиб олин-  
диган эди, бироқ Европа давлатларининг аралашуви  
Муҳаммад Али ўглининг ғолибона юришини тўхтатиб  
қўйди. 1833 йили иккала рақиб — султон билан унинг  
ноибни ўртасида Кютаҳяда мажбурий сулҳ туздилар ва  
ҳамма нарса эскичасига сақлаб қолинди<sup>1</sup>.

Ана шундай алғов-далғов кунларда Комулк пошшо  
бор бойлигини устма-уст қилиб икки «К»дан иборат бел-  
ги қўйилган бехатар ерга яшириб, саёҳатини давом эт-  
тириб юрарди. Капитан Зо бошчилигидаги шхунасида  
қаерларда адашиб-улоқиб юрганди у? Қайси сув-у, қай-  
си денгизда, хуллас ер шарининг қайси палласида су-  
зиб юрган эди бу пайтларда? Олисидаги Осиё денгизла-  
рида сузаяптими ёки Европани айланиб ўтдимикан?.. Ка-  
питан Зо билан Комулк пошшодан бошқа бирон кимса  
жавоб беролмасди бу саволларга, зероки, билишимизча,  
кемадагилардан на бирор кимса қирғоққа оёқ босди,  
на хўжайинларнинг Ғарб ёки Шарқнинг, Шимол ёхуд  
Жанубнинг қайси мамлакатларига боришни хаёл қил-  
ганидан бирор денгизчининг хабари бор эди.

Бироқ бу охири-чеки йўқ изгишлардан кейин Ко-  
мулк пошшонинг Яқин Шарқ портларидан бирига ки-  
ришга жазм этиб эҳтиётсизлик қилиб қўйишига оз қол-  
ганди. Кютаҳя битими Иброҳим пошшонинг шуҳратпа-  
растона орзуларига чек қўйган ва Суриянинг шимолий  
қисми яна султон ҳукмронлиги остига ўтган эди. Ана  
шу боисдан Комулк пошшо Алеппога қайтса ҳеч қан-  
дай хавф таҳдид қилмаслигига ишонган эди.

Аммо, бахтга қарши, 1834 йилнинг ўрталарида бўрон  
қутуриб, кемасини Аққа соҳиллари томон суриб кетади.  
Ҳар дамда ҳамлага ҳозир турган Иброҳимнинг флоти  
соҳилни кузатиб юрарди. Муҳаммад Али томонидан кат-  
та ваколат бериб қўйилган Мурод ана шу ҳарбий кема-  
лардан бирида эди.

Шхунада эса Туркия султонлигининг байроғи ҳилпи-  
раб турарди. Бу кеманинг Комулк пошшога қарашли  
эканидан Муроднинг хабари бормиди?.. Буниси номаъ-

---

<sup>1</sup> 1833 йилнинг майида Кютаҳя шаҳрида тузилган сулҳга  
биноан Миср, Сурия билан бирга Фаластин ва Киликия Муҳам-  
мад Алининг ҳукмронлигида қолиши керак эди. Бунинг эвазига  
эса Муҳаммад Али Анатолиядаги қўшинларини олиб чиқиб ке-  
тиши ҳамда ўзининг султонга тобе эканини расман тав олиши  
лозим эди.



лум. Ҳар қалай, шхунани таъқиб этиб, қувиб етдилар. Уни абордажга<sup>1</sup> олиб, мардона қаршилиқ кўрсатишларига қарамай, ҳамма матросларни қириб ташлаб, кема эгаси билан капитанни асир қилдилар-да, кемани фарқ этдилар.

Мурод Комулк пошшога кўзи тушгани ҳаманоқ уни таниди. Бу пошшонинг абадил-абадга озодликдан маҳрум бўлганининг далолати эди. Бир неча ҳафтадан сўнг капитан Зо билан Комулк пошшо махфий равишда Қоҳирага олиб келиниб, қалъага ҳибс этилди.

Борди-ю, Комулк пошшо Алепподаги ҳовлисига етиб келганида ҳам ўзи ўйлаганидек хотиржамгина ва бежавотир яшай олмасди. Миср ҳукмронлигида бўлган Сурия қаттиқ асоратда қолганди. Бу аҳвол 1839 йилга қадар давом этди; Иброҳим ялоқхўрларининг жабру зулми ва шафқатсизликлари султонни илгари ноиложликдан ён бериш ҳақидаги барча ваъдаларини қайтариб олишга мажбур этди. Ана шундан сўнг Муҳаммад Али янгитдан юриш бошлади ва унинг лашкарлари шимолий Суриядаги Низиб ёнида ғалаба қозонди. Буни кўрган Султон Маҳмуднинг, Туркиянинг Европада жойлашган пойтахтига душман ҳужум қилиб қолмаса гўрга эди, деб эҳсонаси чиқиб кетди. Шундан сўнг султонликнинг розилиги билан Англия, Австрия ва Пруссия Яқин Шарқ можаросига аралашдилар. Ғолиб зафарли юришини тўхтатди. Унга Мисрни абадил-абад ворислари билан бошқариш, Сурияга Қизил денгиздан Тивериад кўлининг Шимолигача ва Уртаер денгизидан Иордангача, яъни дарёнинг бу томонидаги бутун Фаластин ерларига умр-бод ҳукмронлик қилиш ҳуқуқи тақлиф этилди.

Бироқ зафар шаробидан маст бўлган ҳукмдор ўз лашкарларининг енгилмаслигига ишониб, француз дипломатларининг игвосига ишонибми ёки Тьернинг<sup>2</sup> таъсиридами, ишқилиб, иттифоқчи давлатларнинг таклифларини рад этди. Шундан кейин иттифоқчилар флоти урушни бошлаб юборди. Машҳур командор<sup>3</sup> Непир<sup>4</sup>,

<sup>1</sup> Абордаж — икки кеманинг бир-бирига ёпишиб жанг қилиши.

<sup>2</sup> Тьер Адольф (1797—1877) — реакцион сиёсат юргизган француз давлат арбоби, тарихчи.

<sup>3</sup> Командор — адмирал унвонига эга бўлмаган эскадра кўмондони.

<sup>4</sup> Непир Чарлз Жеймс (1786—1860) — инглиз адмирали, Наполеонга қарши жангларда қатнашган.

кейинчалик Сулаймон пошшо деб унвон олган полковник Сельванинг шаҳарни мардларча мудофаа қилишига қарамай, 1840 йилнинг сентябрида Байрутни ишғол этди. Сидон эса ўша ойнинг йигирма бешинчи куни таслим бўлди. Роса бомбардимон қилиниб ўз майдонидаги порох омборхоналарининг кули кўкка соврилганини кўрган Аққа ҳам батамом таслим бўлди. Муҳаммад Алининг таслим бўлишдан ўзга чораси қолмаганди. У ўғли Иброҳимнинг Мисрга қайтишига фармон берди, ана шундай қилиб, Сурия бутунлайича яна султон Маҳмуд ҳукмронлигига қайтариб берилди.

Бундан кўриниб турибдики, Комулк пошшо ўзининг беҳаловат умрининг охирларини хотиржамгина ўтказишга умид қилиб, сеvimли юртига боришга бағоят шошилган эди. У бор бойлигини ҳам ўша ерга олиб боришни, бир қисмини эса бир вақтлар ўзига катта хизмат қилган, эҳтимолки бадавлат мисрликка қилган бу хизматларини аллақачон унутиб юборган одамларга бериб, миннатдорлик қарзини узишни хаёл қилганди... Мана у Алеппога бориш ўрнига Қоҳирада, турмада, шафқатсиз душманлари қўлида банди бўлиб ўтирибди.

Комулк пошшо куни битганини англади. Ўз бойлиги эвазига озодликка чиқишни эса хаёлига ҳам келтирмасди; аниқроғи, у шунчалар ғайриинсоний чидамга ва саботга эга, шунчалар иродаси мустаҳкам одам эдики (на ҳукмдор, на Муродга ўз бойлигидан заррачасини бермасликка аҳд қилган экан), оғзига сўк солиб олгандай миқ этмасди. Бундай саботлилик фақат тақдирга тан берувчи туркларнинг қўлидангина келарди.

Турган гапки, Қоҳира зиндонидида ўтказган йиллари осонлик билан ўтмади: у бир кишилик хонага ташланган, ҳатто капитан Зодан ҳам ажратиб қўйилган эди. Комулк пошшо капитаннинг оғзидан гуллаб қўймаслигига бир он ҳам шубҳаланмасди. Орадан саккиз йил ўтгач, яъни 1842 йилга келибгина турма қоровулининг илтифотидан фойдаланиб, ўзини қарздор деб билган кимсаларига бир неча мактуб йўллашга муваффақ бўлди. Ана шу мактублардан бири Сен-Малода истиқомат қилувчи Томас Антиферга юборилган эди. Искандариядаги нотариус Бинни Умарнинг қўлидаги, собиқ мижозининг муқаддас васияти битилган мактуб ҳам ана шу йўл билан олинган эди.

Орадан уч йил ўтгач капитан Зо оламдан ўтди.

Энди хазина кўмилган оролнинг қаердалигя маълум бўлган бирдан-бир кимса Комулк пошшо эди. Унинг саломатлиги хийла ёмонлашиб қолганди. Оғир зиндон шароитида, торгина тўрт девор орасида у аста-секин сўлиб борарди. Ниҳоят 1852 йили етмиш икки ёшида, ҳамманинг ёдидан кўтарилиб кетган, ўн саккиз йил зиндонда ётиб ҳар қандай қийноғу дўқ-пўписаларга қарамай ўз сирини ошкор этмаган Комулк пошшо бандаликни бажо келтирди.

Бир йил ўтгач Комулк пошшо бойлиги ҳузур-ҳаловатини тотиш насиб этмаган ноинсоф қариндоши ҳам арши аълога равона бўлди; бу нобакор ўша бойликларни деб ўз ҳирси йўлида ҳатто жиноятдан ҳам қайтмаган эди.

Муроддан бир ўғил, Соук қолди. Унда отасининг барча ярамас ва разилона фазилатлари мерос бўлиб қолган эди. Гарчи ўша пайтда у ҳали йигирма учдан ошмаган бўлса-да, ваҳшиёна ва саёқ ҳаёт кечирар, ўша даврда Мисрда бижиб ётган фирибгарлар ҳамда муттаҳамлар даврасида уларнинг ўз кишиси ҳисобланарди. Агар бойликлар қўлдан чиқиб кетмаганида Комулк пошшонинг яккаю ягона меросхўри сифатида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражада бадавлат кимса бўларди. Комулк пошшонинг ўлими билан бу улкан бойликнинг қаерга яширилганини билувчи бирдан-бир одамнинг оламдан ўтганини эшитганда унинг қанчалар жазавага тушиб, қутуриб кетганини тасаввур этиш унчалик мушкул эмасди.

Орадан ўн йил ўтди. Соук хазинанинг қаердалигини ҳеч қачон била олмаслигига аллақачон кўникиб қолганди. Шунинг учун ҳам ҳузур-ҳаловатсиз, бесаранжом ҳаётига осмондан тушгандай суқилиб кирган ва ортидан сон-саногги йўқ саргузаштларни етаклаб келган бу янгилик уни қанчалар довдиратиб қўйганини билиш қийин эмас.

1862 йил, январнинг дастлабки кунларида Соук хат олди, бу хатда у муҳим иш билан Бинни Умар исмли нотариуснинг маҳкамасига таклиф қилинган эди.

Соук бу ўлгудек қўрқоқ нотариусни танир ва ўзининг қайсарлиги ҳамда зўравонлиги билан унинг ўтакасини ёражагини яхши биларди. Соук Искандарияга йўл олди ва у Бинни Умарга ўшқириб, овора қилиб,

маҳкамангга чақиришга қандай журъат этдинг, деб дўқ урди.

Унинг қўлидан ҳар нарса келиши ва ҳатто қотилликдан ҳам қайтмаслигидан бохабар Бинни Умар даҳшатли Соукни қулларча мулозимат билан қарши олди. Шундай аслзода бир зотни безовта қилгани учун Соукдан узр сўраркан, тилёғламалик билан сўради:

— Комулк пошшонинг яккаю ягона меросхўрлари билан суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлдимми?

— Ҳа, албатта, яккаю ягона меросхўри билан!— жавоб берди Соук.— Комулк пошшонинг қариндоши бўлмиш Муроднинг ўғлиман-ку, ахир.

— Пошшонинг худди шундай ҳуқуққа эга бўлган бошқа қариндошлари йўқлигига имонлари комилми?

— Имоним комил! Комулк пошшонинг мендан бўлак меросхўри йўқ. Лекин ўша мерос қаёқда ўзи?

— Мана у... муҳтарам жанобларининг измларида!

Соук нотариус узатган муҳрланган конвертга ташланди.

— Бунда нима бор?— деб сўради у.

— Комулк пошшонинг васияти.

— Сенинг қўлингга қандай тушиб қолди бу?

— Зиндонга ташлангандан кейин бир неча йил ўтгач Қоҳирадан юборган эди менга.

— Қачон бўлганди бу воқеа?..

— Йигирма йил муқаддам.

— Йигирма йил муқаддам!— хитоб қилди Соук.— Ахир унинг оламдан ўтганига ўн йил бўлди-ку... Сен бўлсанг шу кунгача кутиб ётувдингми...

— Манавини ўқинг, муҳтарам жаноб...

Соук конверт устидаги ёзувни ўқиди. Унда, васият қолдирувчи қазо қилганидан ўн йил ўтгач очилсин, дейилган эди.

— Комулк пошшо 1852 йили бандаликни бажо келтирган,— деди нотариус,— ҳозир эса 1862 йил, ана шу боисдан ҳам сиз муҳтарам жанобларини безовта қилишга журъат этгандим...

— Лаънати қонунхўр!— деб ўшқирди Соук тутатиқиб.— Ун йил бурун бу бойликка эга бўлишим керак экан-а...

— Башарти Комулк пошшо ўз меросхўри қилиб таъинлаган кимса бўлсангизгина,— қўшиб қўйди нотариус.

— Башарти ўша кимса бўлсангиз дейсанми?.. Боши-қа яна ким бўлиши мумкин?..

Шундай деб конверт устидаги муҳрини бузмақчи бўлди, лекин Бинни Умар уни тўхтатиб қолди.

— Муҳтарам жаноблари, шошилманг! Ҳамма иш қонуний ҳамда гувоҳлар ҳозирлигида бўлгани сиз учун фойдадан холи эмасдир...

Бинни Умар эшикни очиб, бу маросимда қатнашиш учун олдиндан таклиф этилган икки қўшнисини таништирди.

Бу эътиборли ҳамсоялар конвертга қўл урилмаганига шоҳидлик берганларидан сўнг, уни очдилар.

Ўттиз сатрдан иборат бу васиятнома француз тилида битилган бўлиб, мазмуни қуйидагича эди:

*Мен ўз васийим қилиб искандариялик нотариус Бинни Умарни тайинлайман ва унга олтин, олмос, ҳамда қимматбаҳо тошлардан иборат юз миллион франклик давлатимнинг юздан бир улуши берилишини васият этаман. 1831 йилнинг сентябрида бу бойликлар солинган уч нафар бочкача бир оролчанинг жанубий соҳилидаги ўрага кўмилган. 50° 57' узунликка Париж меридианидан шарқ томондаги кенглик рақамларини қўшилса бу оролнинг қаерга жойлашганини аниқлаш жуда осон. Бу рақамлар эса 1842 йили Франциянинг Сен-Мало шаҳрида истиқомат қилувчи Томас Антиферга махфий равишда юборилган мактубда кўрсатилган. Бинни Умар узунликни кўрсатувчи рақамларни юқорида зикр этилган Томас Антиферга шахсан ўзи элмоғи даркор, башарти у одам қазо қилган бўлса, бу ахборотни унинг энг яқин ворисига топишмоғи лозим. Бундан ташқари, Бинни Умар зиммасига бойликлар кўмилган ерни излаб топишда юқорида номи қайд этилган меросхўрни кузатиб бориш вазифаси юкланди. Бойликлар менинг исмимнинг бош ва сўнги ҳарфлари бўлмиш икки «К» ҳарфидан иборат белги қўйилган қоя этагига кўмилган.*

*Алалхусус, менинг номуносиб қариндошим Мурод ва худди шунингдек унинг ўғли нобакор Соукни ўз васиятномадан чиқариб ташладим. Бинни Умар Томас Антифер ёхуд унинг бевосита меросхўри билан мулоқатда бўлсин, бу борада у излашлар жараёнида олинажак кўрсатмаларга расман риоя қилсин.*

*Менинг иродам шундай ва мен бунинг беками-  
кўст адо этилишини қатъиян талаб этаман.*

*Ушбу васият ўз дастим билан 1842 йилнинг 9 фев-  
ралида Қоҳира зиндонида битилди.*

*К о м у л к п о ш ш о .*

Бу галати васиятнинг Соукка қанчалар таъсир этганини, уни бажарса ўзига хазина топилганидан кейин бойликнинг юздан бир улуши, яъни бир миллиони тегишини эшитиб Бинни Умарнинг қанчалар таажжубланганини, ич-ичидан севинганини тасвирлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Лекин, аввало хазинани топиш лозим, бунинг учун эса васиятда кўрсатилган узунликни билдирувчи рақамларни фақат Томас Антифергагина маълум бўлган кенглик рақамлари билан бирлаштириб ўша оролнинг қаерга жойлашганини аниқлаш лозим.

Шу заҳотиёқ Соук қандай ҳаракат қилиш режасини ўйлаб топди, Бинни Умар эса унинг дўқ-пўписаларидан кўрқиб, шерик бўлишга кўнди. Улар Томас Антифернинг 1854 йили вафот этганини ва ундан яккаю ягона ўғил қолганини аниқлашга муваффақ бўлдилар. Энди биргина йўл, у ҳам бўлса: Томас Антифернинг ўғли Пьер-Серван-Малонинг олдига бориб, ундан бир вақтлар отасига хабар қилинган географик кенгликни билдирувчи ўша сирли рақамларни усталик билан билиб олиш ҳамда пошшонинг юздан бир улуши Бинни Умарга ваъда қилинган катта бойлигини қўлга кири-тиш қолганди.

Соук билан нотариус бир кунни ҳам бой бермай йўлга тушишди. Искандариядан пароходга ўтириб Марселгача боришди, у ерда Парижга қатнайдиغان экспрессга, кейин Брстанга борадиган поездга ўтириб, кўп ўтмай Сен-Малога етиб келишди.

Соук ҳам, Бинни Умар ҳам содда малуинни лақиллатиб, мактубни осонгина қўлга киритишларига асло шубҳаланишмас, унинг ҳақиқий қимматидан денгизчи беҳабар деб ўйлашарди. Ҳеч бўлмаганда сотиб олишади-қўйишади-да!

Уларнинг бу борадаги уришишларининг чиппакка чиққани китобхонга аён.

Шу боисдан Соукнинг жунбушга келиб, Бинни Умарга дағдаға қилиб, ноҳақ таъна-маломатлар ёғдиргани,

ҳамма айбни унинг елкасига юкламоқчи бўлганининг ҳеч қандай ажабланидиган ери йўқ.

Меҳмонхонадаги машмашанинг, бақириб-чақиришининг боиси ҳам ана шунда (бахтларига буни бирор кимса эшитмади), шўрлик нотариус ҳатто бу хонадан омон чиқиб кетишдан умидини ҳам узганди.

— Ҳа, ҳаммасига сенинг каллаварамлигинг сабабчи!— такрорларди Соук.— Сен қандай иш тутишни билмайдиган меровсан!.. Битта оддий денгизчига лақиллаб алданиб ўтирибсан! У бурнингдан ип ўтказиб, сувлоққа етаклаб бориб суғормай олиб келибди сен галварсни!.. Шунинг икки қулоғингга қўйиб ол: башарти Комулк пошшонинг миллионлари қўлдан чиқиб кетгудек бўлса, ажалнинг менинг қўлимда,

— Онт ичаманки, муҳтарам жаноблари!..

— Мен бўлсам, агар кўзлаган мақсадимга етолмасам етти қават терингни шилиб оламан, деб онт ичаман.

Бинни Умар Соукнинг онти шунчаки пўписа эмаслигини яхши биларди:

— Сиз, муҳтарам жаноблари, ўша матросни бир дўқ билан ўтақаси ёриладиган ва ҳар қанча лақиллатса бўладиган бечора фаллоҳларга ўхшаган калтафаҳм деб ўйлаяпсиз шекилли?— деди у Соукнинг жаҳлини босишга уриниб.

— Буниси менга бари бир!

— Йўқ, бу кучли, даҳшатли одам... Ҳеч нарсани билишни ҳам, эшитишни ҳам истамайди!

Бинни Умар: «Худди сизга ўхшаган», деб қўшиб қўйиши ҳам мумкин эди-ю, лекин ўзига аён бўлган мулоҳаза билан бунга журъат эта олмади.

— Менимча,— гапида давом этди у,— тақдирга тан бермоқ даркорким...— Унинг бу фикрини тугатишга юраги дов бермади.

— Тақдирга тан бермоқ!— деб ўшқирди Соук ва мушти билан столни шундай туширдикки, унда турган чироқ сакраб тушиб, шиша қалпоғи чил-чил бўлди.— Тақдирга тан берайми? Юз миллиондан воз кечиб-а?

— Йўқ... йўқ... жаноби олийлари!— шошилиб жавоб берди Бинни Умар.— Тақдирга тан бериб... васиятда битилганидек брегонликка узунликни айтсак.

— Бундан маза қилиб фойдалансинми, каллаварам? Уша миллионларни топиб, ковлаб олсин дебми?

Жаҳл чиқса ақл кетади, дейдилар. На ақл, на удда-бурролик насиб этган Соук ҳам ниҳоят буни тушунди. У иложни борича ўзини босиб, Бинни Умарнинг бамаъни таклифи устида бош қотира бошлади.

Соук малунининг феъл-атворини тасаввур этаркан, ҳийла билан ҳеч қандай иш чиқара олмаслигини ва бағоят устомонлик билан иш тутиш лозим эканлигини фаҳмлади. Шунинг учун ҳам эндиликда шерикчиликдан бош тортолмайдиган Бинни Умар кўмагида бундан-буён қандай иш тутиш режасини тузди: эртасига Антифер тоғаникига боришади, худди васиятномада талаб қилинганидек унга узунлиқни билдирувчи рақамларни айтишади, кейин ўз навбатида ундан кенгликни англатувчи рақамларни билиб олишади. Оролнинг координатлари аниқлаб олингач, Соук қонуний меросхўрдан олдинроқ ҳаракат қилиб, бойликка эга бўлиш учун қўлидан келган ҳамма чорани қўллайди. Борди-ю бунга муваффақ бўлолмаса, хазинани излашга Антифер билан бирга боришнинг иложини қилади ва бойликни қўлга киритишга урниб кўради. Башарти ўша оролча денгиз йўлларида четда бўлса (бундай бўлиши эҳтимолдан холи эмас), унда режаси бемалол амалга ошиши ва Соукнинг фойдасига ҳал бўлиши мумкин.

Қатъий қарорга келингач, Соук нотариусни огоҳлантириб қўйди:

— Умидим сендан, Бинни Умар, лекин шуни айтиб қўяй, мени алдаб, ҳийлагарлик қила кўрма, йўқса нақ...

— Имонингиз комил бўлсин, муҳтарам жаноб... Илло каминаларига сўз берсалар, мен қонуний улушимни ола биламанми?...

— Ҳа, васиятномага кўра олишинг керак... лекин бир шарт билан, сен бутун сафар даврида Антифердан бирор дақиқага ҳам нари жилмайсан!

— Шубҳасиз, унинг ёнидан бир одим ҳам жилмайман-да!

— Мен ҳам... мен сени кузатиб бораман...

— Қим бўлиб?.. Қандай ном билан?

— Бинни Умарнинг гумаштаси сифатида, исмим эса Нозим бўлади.

— Сиз-а?!

У «сиз-а» деб умидсизлик билан айтган бу иборада олдинда турган зўравонлик ва ҳақоратлардан нолиш



оҳанглари сезилиб турарди, бахтиқаро Бинни Умар эса бу азоб-уқубатларни бирон дақиқа ҳам ёдидан чиқаролмасди.

## САККИЗИНЧИ БОБ

*Жильдас Трегомен ҳозирлигидаги тўрт улфат суҳбати*

Уйига қайтгач Антифер тоға овқатхонага кириб, бурчакдаги камин ёнига бориб ўтирди, у совқотган оёқларини тобларкан, бир оғиз ҳам гапирмади.

Дераза ёнида Эногат билан Жюэль гаплашиб туришарди — тоға ҳатто уларни пайқамади ҳам.

Нанон ошхонада кечки овқат тайёрларди. Антифер одатда: «Қачон пишади ахир?» — деб ўн марталаб сўрарди. Бу сафар ақалли бир марта ҳам сўрамади.

Пьер-Сен-Мало хаёл дарёсига фарқ бўлганди... Комулк пошшонинг нотариуси Бинни Умар билан оралааридаги гапни опаси билан жиянларига сўзлаб ўтиришининг фойдаси йўқ, албатта...

Ҳамма вақт сергап Антифер тоға бугун кечки овқат пайтида оғзига сўк солиб олгандай миқ этмай ўтирди. У ҳатто икки улушдан овқат емади, фақат мис қалпоқчали узун тўғнагич билан очиб, кўкимтир чаноқдаги устрицадан бир печа дюжинасини бенхтиёр ютиб юборди.

Жюэль унга бир неча марта савол берганди, жавоб ололмади.

Эногат унга нима бўлганини билмоқчи бўлиб увало тиришмасин, бари уриниши зое кетди: Жиянининг гапи ҳатто қулоғига кирмасди ҳам.

— Нима бўлди сенга ўзи, ука?.. — деб сўради Нанон тоға ўрнидан қўзғалиб, ўз хонаси томон юраркан.

— Шу, ақл тишим чиқиб келаётганга ўхшайди-да! — деб жавоб берди у.

Шунда ҳар ким ўзича, ақллилик ҳеч қачон, гарчи кексайиб қолганда ҳам зарар қилмайди, деб қўйда ичида...

Кейин Антифер тоға одатдагидек эрталаб ва кечқурунлари ҳузур қилиб чекадиган трубкасини ҳам тутатмай, ҳеч кимга «хайрли тун» ҳам тиламай пиллапоядан кўтарилди-ю, кўздан ғойиб бўлди.

— Тоғам бир нарсадан жуда ташвишланган кўринадиди, — деди Эногат.

— Бирорта янги хабар олмаганмикин?— деб пичирлаб қўйди Нанон дастурхонни йиғиштираркан.

— Трегомен амакини чақириб келсакмикин?— деди Жюэль.

Дарҳақиқат, Антифер тоға Комулк пошшонинг хабарчисини бағоят сабрсизлик билан кута бошлаган пайтлардан бери бирон марта шундай изтироб чекиб, шунчалар ташвишланмаган эди. Бу безовта ташвиш унинг ич-этиши тирнар, бутун вужудини кемирарди.. Бинни Умар билан ўрнига қўйиб гаплаша олмаган бўлса-я? У билан шунчалик шартакилик қилиш керакмиди? Унинг шунчалик шахтини қайириб ташлаш даркормиди? Унга бир оз ён босиш, иш юзасидан бафуржа, атрофлича гаплашса ва ниҳоят бирор битимга келса оқилона иш қилган бўлмасмиди? Ўзининг бундан манфаатдорлигини яшириб, у билан музокара бошлагани, иложи борича уни чўзгани, ўзини мактубни сотишга рози қилиб кўрсатгани, мактубнинг қимматини билмаганга солгани ва, ниҳоят, лоақал ғазабни қайнаб кетганида ҳам эллик миллион сўрамагани маъқул эмасмиди-я! Албатта, мактуб шунчага арзийдику-я! Бироқ сал эҳтиёткорлик, усталик билан муомала қилиш керак эди. Бордию у шунчалик қўпол муомала қилган нотариус, бор-э, ўша билан яна пачакилашиб ўтирамани, деса нима бўлади? Башарти у ашқол-дашқолини йиғиштириб, ҳамма гапни чала-ярим қолдириб, Сен-Малодан Искандарияга жўнаб қолса-чи? Антифер тоға унда нима қилади? Ўша узунликни деб Мисрга югурадими?..

Шу сабабли у ўрнига ётишдан аввал пешонасига муштлаб, роса ўзини койиди. Тун бўйи мижжа қоқмади. Эрталаб эса бошқача йўл тутишга аҳд қилди — ўрнидан тургач, Бинни Умарни қидиргани боради, уни топиб кечаги қўполлигини бир-икки оғиз ширин сўз билан пайпаслайди-да, нотариус билан музокара бошлайди, унга ҳатто бир оз ён беришга ҳам рози бўлади.

Эрталаб соат саккизлар чамасида Антифер тоға шу хаёллар билан кийинар экан, хонаси эшигини Жильдас Трегомен оҳистагина тикиллатди.

Нанон унга одам юборган эди, бу ажойиб киши шу заҳотиёқ оёғини қўлига олганча физиллаб етиб келганди. У жанжалкаш ҳамсоясининг ғазабига қалқон бўлишга ҳар қачонгидек тайёр эди.

— Сени бу ерга қайси шамол келтирди?

— Сув кўтарилиши, қария,— деб жавоб бераркан, Жильдас Трегомен бу денгизчилар ибораси суҳбатдошининг чеҳрасини очиб юборишига ишонганди.

— Сув кўтарилиши дейсанми?..— деди Антифер тоға кескин оҳангда.— Мени бўлса сув қайтиши тез кунда бу ерлардан олиб кетади!

— Кетяпсанми?

— Ҳа, ўзларининг рухсатлари билан ёхуд усиз.

— Қаёққа борасан?

— Боришим керак бўлган жойга.

— Ҳаммаям ўзига керак жойга боради. Нима қилмоқчи бўлаётганингни ҳам айтмайсанми менга?..

— Қилиб қўйган бир аҳмоқлигимни тузатишга уриниб кўрмоқчиман...

— Ёки яна ҳам ошириб юборарсан?

Дўстининг танбеҳи, гарчи у мужмал қилиб айтилган бўлса-да, Антифер тоғани ғоятда ташвишга солиб қўйди ва у ошнасини бари гапдан хабардор қилишга жазм этди. Қийинишда давом этаркан, ошнасига Бинни Умар билан учрашганини, нотариуснинг эса анави кенгликни билиб олишга уринганини, ўзининг афсонавий шартини — (бунинг ҳавойи гап эканини ҳам яхши тушунади) Комулк пошшонинг мактубини эллик миллионга сотаман деганини гапириб берди.

— У сен билан савдолишиши керак эди,— деди Жильдас Трегомен.

— У бундай қилишга улгуролмай қолди, мен ўша заҳотиёқ жўнавордим, бу билан енгилтаклик қилиб қўйдим!

— Менимча ҳам шундай. Демак, ўша нотариус Сен-Малога фақат сенинг қўлингдаги хатни алдаб олиш учунгина келибди-да?

— Ҳа, фақат шунинг учун! Менга етказиши зарур бўлган нарсани хабар қилиш ўрнига олиб кетгани келибди! Ахир мен йигирма йилдан бери сабрсизлик билан кутаётган Комулк пошшонинг одами ана шу Бинни Умар-да...

— Шунақа дегин! Демак, бу чиндан ҳам жиддий иш экан-да?— деб юборди Жильдас Трегомен.

Бунга жавобан Пьер-Серван-Мало ошнасига ўқрайиб қараб, тўнғиллаб берди. Жильдас Трегомен хижолат тортиб бошини қуйи солганча, қўлларини дўп-

пайган қорнига қўйиб, бош бармоқларини ўйнай бошлади.

Бир дақиқадан сўнг Антифер тоға кийиниб бўлиб, қўлини энди шляпасига узатган ҳам эдики, эшик очилди.

Ичкарига Нанон кириб келди.

— Яна нима гап?— деб сўради укаси.

— Пастда аллақандай бир чет эллик одам турибди... У сен билан гаплашмоқчи.

— Кимакан у?

— Мана, ўзинг кўр...

Шундай дея Нанон унга устида: «Нотариус Бинни Умар. Искандария»,— деган ёзуви бор ташриф қоғозчасини тутқазди.

— Уша!— деб қичқириб юборди Антифер тоға.

— Ким?..— деб сўради Жильдас Трегомен.

— Ҳозиргина сенга гапириб берганим Умар! Ана буниси жойида бўлди! Бу яхшилик аломати, унинг келгани зап иш бўлди-да!.. Нанон, уни бу ёққа таклиф эт.

— У ёлғиз эмас-ку!

— Ёлғиз эмас дейсанми?— хитоб қилди Антифер тоға.— Ёнидаги ким экан?..

— Бир одам, ёшроқ... у ҳам нотаниш, афтидан у ҳам чет элликка ўхшайди.

— Эҳ-ҳа! Демак, улар икки киши экан-да?.. Яхши, унда биз ҳам икки киши бўламиз!.. Шу ерда қол, қайиқчи!

— Ихтиёринг...

Антифер тоға амирона бир имо билан ҳурматли ҳамсоясига, қимирлама, Нанонга эса уларни бошлаб кир, дегандай ишора қилди.

Орадан бир дақиқа ўтмаёқ меҳмонлар хонага кириб келишди. Антифер тоға эшикни зичлаб ёпиб қўйди. Башарти бу суҳбатнинг сирли мазмуни ташқарига чиққундай бўлса, фақат калит солинадиган тешикдан эшитилиши мумкин эди, холос.

— Э, ўзларимиди бу, жаноб Бинни Умар?— деди Антифер тоға бетакаллуфона, виқор билан, бордию у «Унион» меҳмонхонасига борганида нотариусга бундай муомала қилишга журъат этмаган бўлурди, албатта.

— Худди шундай, жаноб Антифер.

— Ҳамроҳингиз ким бўладилар?..

— Бу киши менинг бош гумаштам бўладилар.

Нозим деб таништирилган Соук билан Антифер тоға бепарвогина бир-бировларига қараб қўйишди.

— Бош гумаштангизнинг бу ишдан хабарлари борми?— деб сўради малуин.

— Ҳа, хабардор, унинг бу ерда ҳозир бўлиши мен учун зарур.

— Жуда соз. Хўш, жаноб Бинни Умар, бу ерга ташриф буюришларига нима мажбур этганини билсак бўладими?

— Сиз билан яна бир карра суҳбат қурмоқлик иштиёқи, жаноб Антифер... махфиёна,— деб қўшиб қўйди у ҳамон бош бармоқларини қорни устида ўйнатиб турган Жильдас Трегоменга қия қараб қўяркан.

— Менинг дўстим Жильдас Трегомен — юк ташувчи кема «Гўзал Амелия»нинг собиқ эгаси. У ҳам бу масаладан хабардор, сизнинг бош гумаштангиз Нозим сингари унинг шу ерда бўлиши мен учун бағоят зарурдир.

Бир томондан Соук бўлса, иккинчи томондан Трегомен эди, Бинни Умарнинг эътироз билдиришига ўрин қолмади.

Тўртовлари стол агрофига ўтиришди, нотариус эса портфелини олдига қўйди. Орага оғир жимлик чўкди. Ҳаммалари бу жимликни ким биринчи бўлиб бузаркин деб кутишарди. Ҳар қалай жимликни биринчи бўлиб Антифер тоға бузди.

— Умид қиламанким, бош гумаштангиз французча гаплаша олса керак?— деди у Бинни Умарга.

— Йўқ,— жавоб берди нотариус.

— Ақалли тушунмайди ҳамми?

— Бирорта сўзни ҳам.

Соук билан Бинни Умар олдиндан шундай келишиб олишган эди. Улар малуин, Нозим гапимни тушунмайди-ку, деб ўйлаб, бирор нарсани гапириб юборса ундан фойдаланармиз деган умидда эдилар.

— Бўлмаса ишга ўтайлик, жаноб Бинни Умар,— деди Антифер тоға бепарволик билан.— Суҳбатимизни кеча узилиб қолган еридан бошласак қандай бўларкин?

— Жуда соз бўлади.

— Демак, сиз менга эллик миллион олиб келгансиз, шундай эмасми?

— Келинг, жиддийроқ гаплашайлик, жаноб...

— Ҳа, тўғри айтасиз, Бинни Умар жаноблари, келинг, жиддийроқ гаплашайлик! Менинг дўстим Трегомен ҳам вақтни бекорга валақлашиб ўтказадиганлардан эмас. Шундай эмасми, Трегомен?

Жильдас Трегомен ҳеч қачон бундай жиддий ва виқорли тутмаган эди ўзини. Рўмолчаси билан ҳеч қачон шунчалик салобат-ла бурун артмаганди.

— Жаноб Бинни Умар, — дея гапида давом этди тоға бепарволик билан қуруққина қилиб, бу эса унинг қизиққон табиатига асло ёпишиб тушмасди, — орамизда қандайдир тушунмовчилик борга ўхшайди деб чўчиб турибман... Бу нарсага барҳам бермасак, ҳеч қачон келишолмаймиз... Менинг кимлигимни биласиз, сизнинг кимлигингизни эса мен биламан.

— Нотариусман...

— Ҳа, нотариуссиз, айти вақтда марҳум Комулк пошшонинг оиламиз йигирма йилдан буён кутаётган даракчиси бўласиз.

— Мени афв этасиз-у, жаноб Антифер, илло, ҳатто шундай бўлган чоғда ҳам бари бир илгарироқ келишга ҳаққим йўқ эди.

— Сабаб?

— Сабаб шуки, бундан икки ҳафта бурун васиятномани очғачгина отангизнинг ўша мактубни қандай олганидан хабар топдим.

— Э-ҳа! Устма-уст қилиб икки «Қ» билан имзо чекилган хатни айтмасизми?.. Бу гапга кейинроқ қайтармиз, жаноб Бинни Умар.

— Шубҳасиз. Сен-Малога отланарканман, менинг бирдан-бир истагим ўшал мактубнинг бор-йўқлигини билмоқ эди...

— Бу ерга келишдан муродингиз яккаш шугина эдими?

— Ҳа, яккаш шугина эди.

Ҳамсуҳбатлар ўзаро савол-жавоб билан банд эканлар, Соук гўё бу гаплардан ақалли бир оғизини ҳам тушунмаётган одамдек безрайиб ўтирарди. У ўз ролини шундай усталик билан бажарардики, уни кўз қири билан зимдан кузатиб ўлтирган Жильдас Трегоменда заррача бўлсин шубҳа туғилмади.

— Ҳўш, жаноб Бинни Умар, мен сизни бағоят ҳурмат қиламан, ўзингизга маълумдирким, жаноблари-

нинг шаъниларига бирор калима ҳақоратомуз гап қот-  
моғликка изн этолмайман...—деб гап бошлади яна  
Пьер-Серван-Мало.

Кеча кечқурунгина нотариусни фирибгар, муттаҳам,  
ёвуз тимсоҳ деб сўккан Антифер тоға сўнгги иборалар-  
ни тонг қоларли бир хотиржамлик билан айтди.

— ...Ҳар қалай,— қўшиб қўйди у,— ёлғон сўзлаяп-  
сиз дейишдан тиёлмайман ўзимни...

— Жаноб!..

— Ҳа, фақат мактубнинг бор-йўқлигини билгани  
келгандим, деб худди кема буфетчисидай алдаяпсиз.

— Онт ичаман!— деди нотариус қўлларини кўкка  
кўтариб.

— Онт-понтингизни қўйсангиз-чи, эй кекса Умар!—  
деб ўшқирди Антифер тоға қизишиб, гарчанд сал илга-  
рироқ тузукроқ муомала қилишга аҳд этган бўлса-да.—  
Бу ерга нима мақсадда келганингиз менга беш қўлдай  
аён!

— Ишонинг...

— Сизни ким юборганини ҳам яхши биламан.

— Ҳеч ким юборгани йўқ, ишонинг...

— Сиз марҳум Комулк пошшонинг амрига биноан  
келгансиз...

— Унинг оламдан ўтганига ўн йил бўлган-ку!

— Бунинг аҳамияти йўқ! Шу топда сиз Пьер-Сер-  
ван-Малонинг, яъни Томас Антифернинг ўғлиникида  
шунинг учун ўтирибсизким, бу Комулк пошшонинг сўнг-  
ги иродасидир! Сизнинг зиммангизга Томас Антифер-  
нинг ўғлидан мактуб ҳақида сўраб-суриштириш эмас,  
балки баъзи рақамларни етказиш вазифаси юкланган.  
Эшитяпсизми — рақамлар деяпман!

— Рақамлар дейсизми?..

— Ҳа... бундан йигирма йил муқаддам Комулк пош-  
шо отамнинг номига юборган мактубдаги кенгликни  
кўрсатувчи рақамларга қўшиладиган узунлик рақам-  
лари!

— Қойил!— деб қўйди Жильдас Трегомен, худди  
денгиздан туриб соҳилдаги семафорчиларга сигнал бе-  
раётгандек рўмолчасини силкирган.

Бу орада сохта гумашта, гарчи Антифер тоғанинг  
масаланинг ипидан-игнасигача билишига заррача шуб-  
ҳа қолмаган бўлса-да, илгаригидай миқ этмай сўрра-  
йиб ўтирарди.

— Сиз бўлсангиз, жаноб Бинни Умар,— деб ўшқирди Антифер тоға,— ўринларимизни алмаштирмоқчисиз — мендаги кенгликни кўрсатувчи рақамларни уриб кетмоқчисиз!..

— Уриб кетмоқчисиз дейсизми?

— Худди шундай! Уғирлаб кетмоқчисиз! Ёлғиз менгагина тааллуқли бўлган нарсани ўзингизники қилиб олмоқчисиз?

— Жаноб Антифер,— эътироз билдирди Бинни Умар, у тоғанинг усгма-уст қилаётган ҳамлаларидан эсакираб қолганди,— ишонинг... ўша мактуб қўлимга теккан ондаёқ... дарров ўша рақамларни айтардим...

— А-ҳа! Демак, ўша рақамларнинг ўзингизда эканини тан оляпсиз-а?..

Нотариус бу билан деворга тақаб қўйилган эди. У турли ҳийла-найранг ишлатиш ва гап чалғитишга қанчалар уста бўлмасин, шу топда ўзини исканжага тушиб қолгандек ҳис этиб, таслим бўлишдан ўзга илож йўқлигини фаҳмлади. Шундай аҳволга тушиб қолишлари мумкинлигини илгаритдан ҳисобга олиб, Соук икковлари бунинг чорасини топиб қўйишган эди. Шунинг учун ҳам Антифер тоға нотариусга қараб:— «Бас! Очигига кўчинг, жаноб Бинни Умар! Шунча майнавозчилик қилганингиз етар!»— деб ўшқирганида, Бинни Умар итоткорлик билан: «Хўп бўлади»,— дея жавоб берди.

Сўнг портфелини очиб, ундан катта-катта ҳарфлар билан бижир-бижир хат ёзилган сув ўтказмайдиган қоғозни олди.

Бу Қомулк пошшонинг француз тилида ёзилган ва бизга аён бўлган васиятномаси эди.

Антифер тоға бутун вужуди билан бу ҳужжатни ўқишга киришиб кетди. У Жильдас Трегомен бирор сўзини эшитмай қолмасин деб васиятномани баланд овоз билан бошдан-охиригача ўқиб чиқди-да, чўнтагидан ёндафтарчасини чиқарди-ю, даставвал ўша орол жойлашган узунликни — кўпдан орзиқиб кутилган тўртта рақамни ёзиб қўйди. Бу рақамларнинг ҳар биттаси учун у сира иккиланмай шартта бир бармоғини кесиб беришга ҳам гайёр эди. Кейин, яна ўзини бирор жойнинг географик кенглигини аниқлаётган капитан ҳис этиб:

— Диққат, қайиқчи!— деб қичқирди.

— Эшитаман!— деб жавоб берди Жильдас Трего-



мен, кенг камзулининг ички чўнтагидан ён дафтарчасини оларкан.

— Кемани қозиқлар томон бур!

Бу қимматбаҳо узунлик — Париж меридианидан шарқ томондаги 54° 51' — рақамларининг қандайин сидқидиллик билан «маҳкамлаб боғлаб» қўйилганини тасвирлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Васиятнома нотариусга қайтариб берилди; нотариус уни портфелига солиб, сохта бош гумаштаси Нозимга тутқазди.

Суҳбатнинг ҳал қилувчи пайти етганди; энди масала Бинни Умар билан Соукнинг бевосита манфаатларига бориб тақалган эди. Антифер тоға орол жойлашган ернинг меридиани ҳамда параллелини билар, эндиликда ана шу икки чизиқни давом эттириб, улар кесишган нуқтани аниқласа бас эди. Бир нафас ҳам вақтни зое кетказмай, шу топнинг ўзидаёқ шундай қилмоқчи эди. Бу борада тамоман ҳақ эди у. Тоға ўрнидан турди-да, таъзим бажо келтираётгандек сал эгилиб, меҳмонларга кўча эшикни ишора қилди. Бинни Умар билан Соукнинг бу ерда қолишларини мезбон истамаётгани ошкора кўриниб турарди.

Трегомен илжайганча, дўсти моҳирлик билан бажараётган бу унсиз манзарани кузатарди. Лекин на нотариус, на Нозим ўрнидан қўзғалишни хаёлига келтирарди. Уй соҳиби уларнинг хонани тарк этишларини истаётган эди, бироқ улар буни тушунмас ёхуд ўзларини тушунмаётганга солишаётган эди. Тарвузи қўлгидан тушиб, гангиб қолган нотариус Соукнинг даҳшатли башарасидан яна бир савол беришни амр қилаётганини англади.

Бу амрга итоат этмасликдан чўчиган Бинни Умар шундай деди:

— Комулк пошшо васиятномаси зиммамга юклаган бурчни ўтаган эканман, энди...

— ...энди бир-бировимиз билан иззат-икром-ла хайрлашмоғимиз лозим,— унинг гапини шундай тугатди Пьер-Серван-Мало,— зотан биринчи поезд бу ердан соат ўну ўттиз етти минутда жўнайди, тағин...

— Кечадан бошлаб ўну йигирма уч минутда,— деб унинг гапини тўғрилади Жильдас Трегомен.

— Сен ҳақсан, соат ўну йигирма уч минутда жўнайди, шундай экан, қимматли Бинни Умар жаноблари,

сизни ва муҳтарам гумаштангиз Нозимни курьер поездига кеч қолишларингизни истамасдим...

Соук тоқатсизланиб депсинаркан, соатига қараб-қараб қўярди. У чиндан ҳам поезддан кеч қолишдан қўриқиб безовталанаётибди деб ўйлаш мумкин эди.

— Борди-ю, яна-тагин юкларингизни топширишингиз лозим бўлса,— дея гапини давом эттирди Антифер тоға,— бу ҳам анча-мунча вақтингизни олади.

— Бунинг устига вокзалдаги тўполонни айтмайсизми...— қўшиб қўйди Жильдас Трегомен.

Ниҳоят Бинни Умарнинг тили калимага келди. У сал қаддини ростлаб ва кўзини ерга тикиб, шундай деди:

— Афв этасиз-у, бироқ, назаримда ҳали батамом келишиб олмадик шекилли...

— Аксинча, Бинни Умар жаноблари, аксинча! Масалан, сиздан сўрайдиган, сиз билан гаплашадиган ҳеч қанақа гапим қолгани йўқ.

— Йўқ, яна бир гап бор, мен буни сизга айтиб қўйишим даркор, жаноб Антифер...

— Ҳайронман сизга, жаноб Бинни Умар, лекин, ахир... ростки шуни истасангиз... гапира қолинг, марҳамат...

— Мен сизга Қомулк пошшонинг васиятномасида қайд этилган узунликни айтдим...

— Худди шундай! Мен ҳам, дўстим Трегомен ҳам буни ёндафтарларимизга ёзиб олдик.

— Энди сиз ўша мактубдаги кенгликни менга айтишингиз керак...

— Отамнинг номига келган мактубдагини-я?..

— Ҳа, худди ўшандагини...

— Афв этгайсиз, Бинни Умар жаноблари!— эътироз билдирди Антифер тоға қошларини чимириб.— Сизга узунлик рақамларини менга етказиш топширилмаганмиди ахир?..

— Ҳа, шундай, мен бу топшириқни адо этдим...

— ...буни бажону дил тасдиқлашим мумкин. Менга келсак, на васиятномада, на мактубда отамга хабар қилинган кенгликни билдирувчи рақамларни бирон кимсага кўрсатиш ҳақида ҳеч қандай кўрсатма йўқ!

— Лекин...

— Лекин бу ҳақда сизда бирон кўрсатма бўлса, келинг, шу ҳақда гаплашиб олайлик...

— Менимча...— эътироз билдирди нотариус,— бир-бировини ҳурмат қилғувчи одамлар ўртасида...

— Бехуда шундай кўринибди назарингизда, жаноб Бинни Умар. Орамизда ҳеч қанақанги ҳурмат-эҳтиром бўлиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Антифер тоганинг вужудини қамраб олган асабийлик албатта ғазабга айланиши кўриниб турарди. Бу ғазаб туғёнининг олдини олишга шошилган Жильдас Трегомен ноқулай ҳолатга барҳам бериш учун зудлик билан эшикни очди. Лекин Соук гўё стулга пайвандлаб қўйилгандек қимир этмай ўтираверди. Дарвоқе, у французчани тушунмайдиган бир чет эллик ва бировга тобе бир кимса сифатида, ҳеч бўлмаганда сохта хўжайини буюрмагунича ўрнидан қўзғалиши мумкин ҳам эмасди.

Бинни Умар ўрнидан турди, пешонасини артиб, кўзойнагини тўғрилаб қўйди-да, тақдирга тан берган одамдек шундай деди:

— Афв этасиз, жаноб Антифер, назаримда, менга айтмасликка аҳд қилган кўринасиз...

— Балли, шундай аҳд қилдим, жаноб Бинни Умар, аҳд қилганда ҳам қағбий, зероки Комулк пошшо ўз мактубида отамга бу сирни гоят махфий тутишни буюрган, отам эса ўз навбатида менга ҳам шундай васият қилган.

— Кўп соз, жаноб Антифер,— деди Бинни Умар,— унда сизга бир оқилона маслаҳат беришга ижозат этасизми?

— Қизиқ. Қандай маслаҳат?

— Бу ишга киришмасликни.

— Сабаб?..

— Сабаб шуки, бу йўлда бир кимсага дуч келмоғингиз мумкинким, у сизни бу йўлдан қайтишга мажбур этмаса деб қўрқаман...

— Ким экан у?

— Комулк пошшо амакиваччасининг ўғли, сизни деб меросдан маҳрум бўлган Соук! У чакана-чукана одамлардан эмаски...

— Жаноб Бинни Умар, ўша амакиваччанинг ўғлини ўзингиз танийсизми?

— Йўқ...— деб жавоб берди нотариус,— илло, унинг жуда хавфли рақиб эканини биламан...

— Менга қаранг, борди-ю қачон бўлмасин ўша Со-

укни учратгудай бўлсангиз, унинг ва Мисрдаги барча Соукларнинг башарасига туфуришимни айтиб қўйинг!

Шунда Нозимнинг ҳатто бир туки ҳам қимир этмади. Пьер-Серван-Мало пиллавоёга чиқиб:

— Нанон!— деб қичқирди.

Ногариус эшикка томон юрди. Соук унинг ортидан эргашаркан, йўлакай беҳосдан қилгандек стулни тўн-тариб юборди — шу тобда унинг бутун вужудини газаб қамраб олган, Бинни Умарнинг елкасига бир тушириб зинапоядан пастга юмалатиб юборгудай авзойи бузуқ эди.

Лекин Бинни Умар қўққисдан остонада тўхтаб, Антифер тоғага қарамай шундай деди:

— Наздингизда Комулк пошшонинг васиятномасидаги бир бандни эъгиборингиздан четда қолдирмадингизмикан?..

— Қайсинисини?

— Токи бойликларни қўлга киритгунингизгача сизни кузатиб бориш каминаларининг зиммасига юкланган, яъни ўша уч бочкачани топганингизгача сиз билан бирга бўлишим зарур эканлиги ҳақдиагисини...

— Маъқул, мени кузатиб борасиз, жаноб Бинни Умар.

— Шундай экан, қаерга боришингизни мен билишим керак-да, ахир!..

— Буни ўша ерга етиб борганимизда биласиз.

— Борди-ю у жой оламнинг нариги бурчида бўлса-чи?

— Нариги бурчида бўлса нариги бурчида-да.

— Майли, шундай бўлақолсин... Лекин шуни билиб қўйингки, мен бош гумаштамсиз ҳеч иш қилолмайман...

— Ихтиёрингиз. У билан саёҳат қилиш сиз билан ҳамроҳ бўлишдан камроқ ҳузур бахш этмайди менга. Сўнгра у пиллавоя панжараси узра энгашиб;

— Нанон!..— деб қичқирди яна.

Овозидан Антифер тоғанинг тоқати тугагани сезилиб турарди.

— Нанон!!!

Пастда Нанон кўринди.

— Мана бу жанобларнинг йўлига чироқ тутиб юбор!— деб буюрди Антифер тоға.

— Чироқ тутиб юбор дейсанми? Куппа-кундузи-я?..— ҳайрон бўлди Нанон.

— Сенга айтяпман — чирок тутиб юбор!

Уйни тарк этиш ҳақидаги бундай очиқ-ойдин айтилган талабдан сўнг Соук билан Бинни Умарнинг номехмондўст уйдан чиқиб кетишдан бўлак иложлари қолмаганди. Уларнинг кетидан эшик тарақлаб ёпилди.

Ана шунда Антифер тоғани олам-жаҳон қувонч чулғаб олди, бундай қувончни умрида аввал ҳам ҳис этгани даргумон. Шу куники қувонмаса, қачон қувонади?

Бу нобакор узунликни билдирувчи рақамлар ниҳоят қўлга кирди-да! Қанчалар сабрсизлик билан кутганди уни, ахир! Илгарилари фақат орзу қилиб юрган нарсалари тез кунда ҳақиқатга айланади. Беҳисоб бойликларга эга бўлиш эндиликда фақат унинг ўзигагина боғлиқ, ўша оролни излаб тезроқ йўлга чиқишига боғлиқ...

— Юз миллион... юз миллион-а!— деб такрорларди нуқул.

— Бу минг карра юз минг франк дегани-ку,— деб қўйди Жильдас Трегомен.

Шу дақиқада ўзини ортиқ туголмай қолган Антифер тоға аввал бир оёғида, сўнгра иккинчисида сакраб, чўнқайди-да, яна туриб, чир айланганча рақс туша кетди. Сон-саноғи йўқ матросча ўйинлар орасида бунақанги шўх рақсни учратиш амри маҳол эди. Кейин ўзининг баҳайбат дўстини ўйинга тортиб, уни тез рақс тушишга мажбур этдиким, бутун уйнинг пойдеворига-ча зирллаб кетди.

Антифер тоға рақс тушаркан овозини баралла қўйиб:

Қўлимдадир уз, уз, уз!  
Қўлимдадир ун, ун, ун!  
Қўлимдадир лик, лик, лик!  
Узунлик!  
Узунлик!  
Узунлик!

— деб қичқирарди.

## Т Ў Қ Қ И З И Н Ч И Б О Б

*Антифер тоғанинг географик атласидаги қизил қалам билан чизиб қўйилган бир нуқта*

Пьер-Серван-Мало Антифер дўсти Жильдас Трегомен билан зўр бериб оёқ ўйинга тушаётган бир пайт-

да Эногат ва Жюэль мэрияга — шаҳар бошқармасига, у ердан эса черковга йўл олишди. Шаҳар бошқармасининг гражданлик ҳолатларини қайд этиш бўлимидаги никоҳ ишлари билан шугулланувчи мутахассис — бақалоқ кекса чиновник эълонлар осиб қўйиладиган ердаги барча расмиятчилик қоидаларини ўрнига қўйиб тайёрланган унаштириш ҳақидаги хабарномани уларга кўрсатди. Жомеда эса викарый<sup>1</sup> овози ўткир хонандалар иштирокида, орган ва қўнғироқлар жаранги остида яхшилаб хутба ўқитилажагига — хуллас тўй маросимини бошлаб ўтказиб беришга ваъда берди.

Монсеньор<sup>2</sup>дан тоғавачча билан аммаваччанинг никоҳга рухсат олганларидаги хурсандчилигини айтмай-сизми! Уларнинг бешинчи апрелни — яъни тоғанинг иккиланиб турган пайтда оғзидан чиқиб кетган кунни — қандай сабрсизлик билан кутаётганларини асти қўяверинг. Жюэль бунга ҳатто яширмасди ҳам.

Улар тўйга бутун вужудлари завқ-шавққа тўлиб тайёргарлик кўришар, келиннинг сепи ва зеб-зийнатларини ҳозирлашар, пастдаги хонанинг шишам бўлиши, уни қандай жиҳозлаш ҳақида бош қотиришарди. Оқ кўнгил Трегомен бўлса бир вақтлар Ранс дарёси соҳилларида истиқомат қилувчи аҳолидан сотиб олган турли безакларни ҳар кунга ташигани-ташиганди. Ана шу буюмлар орасида ўз вақтида «Гўзал Амелия»ни безаб турган Биби Марямнинг мўъжазгина ҳайкалчаси ҳам бор эди. Трегомен сира иккиланмай уни келин-куёвларга туҳфа этишга аҳд қилди. Ахир у ёшларнинг сирдош отахони эмасми, шундай экан ёшлар ўз орзу-умидларининг, келажакка бўлган ўз режаларининг ундан кўра яхшироқ, ундан кўра содиқроқ ҳомийсини топа олармидилар? Бу очиқ қўл одам кези келиб қолганда ҳар кунга йигирма марталаб қуйидаги сўзларни такрорларди:

— Тўйларинг ўтиб кетган, шаҳар бошқармасига, кюрега<sup>3</sup> алоқадор расмиятчиликларнинг бари аллақачон битган бўлса худога минг қатла шукур қилган бўлардим!

<sup>1</sup> Викарий — епископнинг ўринбосари ёки ёрдамчиси.

<sup>2</sup> Монсеньор — Францияда олий дин арбобларига эҳтиром юзасидан мурожаат қилинадиган ибора.

<sup>3</sup> Кюре — Франция католик черкови.

— Нима учун ахир, қимматли Трегомен амаки?..— деб сўрарди шунда қиз ташвишланиб.

— Бу кекса Антифер шундай ақлини еб қўйганки, отини эгарлабоқ ўз миллионларини излагани жўнай қолса!..

Жюэль Трегоменнинг гапига батамом қўшиларди. Жюэль амакисига бугунлай қарам, гарчи тоға ажойиб одам бўлса-да, лекин сал эсини йўқотаёзган. Токи у шаҳар ҳокими ҳузурда узил-кесил «ҳа» деб жавоб бермагунча унга асло ишониб бўлмайди.

Денгизчиларнинг ҳаёти бошқа одамларникига мутлақо ўхшамайди-да, ахир. Уларнинг доим вақтлари зиқ! Е яқин денгизлараро қатнайдиған кема капитани ва габаранинг эгасига ўхшаб бўйдоқ қоласан. Башарти шарт-шароит имкон берса ва рухсат олган бўлсанг тезроқ уйланиб олишинг керак. Жюэль бўлса Ле Байиф савдо хонадонига қарашли уч мачтали шхунада капитан ёрдамчиси лавозимида денгизга чиқиши керак эди. Ана унда — бир ўйлаб кўринг-а — неча ойлаб, неча йиллаб қадрдон уйдан минг льелаб олисларда, башарти тангри тақдирларини қўшган бўлса, хотини ҳам-да болаларидан узоқда денгиз ва океанларда сузиб юради-я! Бундай бўлиши эса мутлақо мумкин. Одатда денгизчиларнинг бола-чақаси кўп бўлади. Эногат денгизчининг қизи бўлгани учун Жюэлнинг узоқ вақт сафарда юражаги, аллақанча вақтгача эри билан кўришолмаслиги ҳақидаги фикрга кўникиб кетган, бундан бошқача бўлишини ҳатто тасаввур ҳам қилолмасди. Олдинда муқаррар ва узоқ вақтга чўзиладиган айрилиқ бор экан, бирор кунни ҳам зое кетказмаслик керак!

Еш капитан билан унинг қайлиги шу куни эрталаб қиладиган ишларини тугатиб, уйга қайтарканлар ана шулар ҳақида суҳбаглашиб келардилар. От-Салль кўчасидаги бизга таниш уйдан чиқиб, бир-бири билан қўлини пахса қилиб гаплашиб бораётган, нимадандир порози эканликлари яққол кўриниб турган икки муҳожирга кўзлари тушган ҳамоноқ қандай ҳайратга тушганларини асти қўяверасиз! Бу одамларнинг Антифер тоғада қанақа ишлари бор экан? Жюэлни кўнглида, қандайдир нохуш воқеа содир бўлганга ўхшайди, деган шубҳа туғилди.

Бу шубҳа гезда қатъий ишончга айланди: юқориги

қаватдан шовқин ва аллақандай пала-партиш қўшиқ янграр, нақорати эса қалъа деворининг нариги чекка-сидан эшитиларди.

Наҳотки амакиси бутунлай ақлдан озган бўлса? Наҳотки ўша лаънати узунлик шунга олиб келган бўлса? Мияси айниганмикин?.. Бу улуғлик васвасаси эмас, бойлик орттириш васвасаси бўлса-я?..

— Нима бўляпти ўзи, амма?— деб сўради Жюэль Нанондан.

— Тоғаларинг ўйин гушяпти, болаларим.

— Бир ўзининг ўйинидан уй бундай титрамайди-ку, ахир?

— Трегомен ҳам ўшатта-да...

— Ие! Трегомен ҳам ўйин гушяптими?

— Тоғамнинг райини қайтаришдан қўрққан бўлса керак,— деди Эногат.

Учовлари тепага чиқишди. Антифер тоғанинг зўр бериб ўйинга тушиб, томоғи йиртилгудек бўлиб:

Қўлимдадир уз, уз, уз!  
Қўлимдадир ун, ун, ун!  
Қўлимдадир лик, лик, лик!—

деб бўкираётганини кўриб, уни дарҳақиқат ақлдан озибди, деган қарорга келишди.

У билан бирга оқ кўнгилли Трегомен ҳам қизариб-бўрсиб, миясига қон қуйилгандек бўлиб овозини баралла қўйганича куйларди:

Ҳа, ҳа, ҳа! Қўлидадир узунлик!..  
Ҳа, ҳа, ҳа! Қўлидадир узунлик!..

Ана шундагина Жюэлнинг хаёлига бирдан: э, бояги икки муҳожир шунинг учун бу ердан чиқиб кетаётган экан-да, деган фикр келди... Демак, ниҳоят Комулк пошшонинг машъум хабарчиси келибди-да... Шу фикр хаёлидан ўтаркан, йигитчанинг ранги оқариб кетди, у Антифер тоғани ўйиндан тўхтатаркан:

— Амаки, олдингизми уни...— деди.

— Ҳа, жиян, қўлимда у!

— Ҳа, унинг қўлида,— деб тасдиқлади Жильдас Трегомен ва тинкаси қуриганидан ўзини стулга ташлаган эди, стул оғирлигига дош беролмай синиб кетди.

Бир оздан сўнг, Антифер тоға сал нафасини ростлаб олгач, Эногат билан Жюэль ҳамма гапдан: Бинни



Умарнинг бош гумаштаси билан келганидан, унинг Комулк пошшонинг хатини айёрлик билан оливолмоқчи бўлганидан, васиятноманнинг мазмунидан, бойлик кўмилган оролнинг координатини аниқлаш учун зарур бўлган узунликдан, хуллас ҳаммасидан хабардор бўлдилар... Антифер тога ўша бойликка эга бўлиш учун энди фақат қўл узатса басмиш!

— Лекин, амаки, ўша хазинанинг қаердалиги эндиликда маълум экан, улар сиздан олдинроқ бойликларни гумдон қилишлари ҳеч гап эмас-ку!

— Шошма, ошиқма, жиянча!— дея хитоб қилди Антифер тога елкаларини учириб. Наҳотки сен мени дуру жавоҳирлар солинган пўлат сандиқнинг калитини уларга қўш қўллаб бериб қўядиган аҳмоқлардан деб ўйласанг?

Жильдас Трегомен ҳам ўз навбатида бу гапни ундай эмас дегандек ишора билан тасдиқлади:

— ...юз миллион сақланадиган пўлат сандиқнинг калитини-я!

Бу «машъум» юз миллион деган иборани Пьер-Серван-Мало шундай оғзини тўлдириб айтдики, лунжлари шишиб кетганидан нафаси тиқилиб қоладигандек туюлди.

У бу янгиликни шод-хуррамлик билан қийқиришиб кутиб олишади деб ишонган эди шекилли, ёшларнинг хатти-ҳаракатидан кўнгли ранжиди. Бу қанақаси! От-Салль кўчасидаги мана шу қашшоқ бир хонадонга ҳатто Даная<sup>1</sup> ҳам ҳавас қилгудек олтин ёмғир, олмос ва қимматбаҳо тошлар жаладек қўйса-ю, булар илиб олгани ақалли қўл узатишмаса, бир томчиси ҳам нобуд бўлмасин деб томни қўпориб ташлашмаса-я!

Ҳа, бу ҳақ гап! Юз миллион ҳақида тантана билан айтилган гапларни улар чурқ этмай, совуққина кутиб олишганди.

— Ҳали шунақами!— деб ўшқирди Антифер тога, навбати билан опаси, жиянлари ва дўстига тикиларкан.— Нимага қовоқларингдан қор ёғяпти! Қарши шамол эсиб қолдими дейман?

Унинг ўдағайлаши бу ерда турганларнинг қиёфаси-

---

<sup>1</sup> Даная — юнон афсоналаридаги малика, уни худо Зевс севиб қолган, Зевс унинг ҳузурига олтин ёмғир қиёфасида кирган экан.

ни ўзгартолмади, бирсрталарининг юзларида хурсандчилик аломати кўринмади.

— Бу қанақаси,— деб гапини давом этгирди Антифер тоға,— мен сизларга эндиликда Крездай<sup>1</sup> бадавлатман, Эльдорадо<sup>2</sup>дан бирорта набобда бўлмаган бойликларни кемамга тоғ-тоғ қилиб уйиб келдим десам-у, мени табриклаш ҳеч қайсиларингнинг ҳатто ҳаёлингга ҳам келмаса-я, бу қанақаси бўлди?

Яна жимлик. Кўзлар ерга қадалган. Қовоқлар уюлган.

— Сен нима дейсан, Нанон?..

— Ҳа, кагга пул бу, ука...

— «Кагга пул» эмиш-а!.. Истасанг — бир йилгача ҳар куни овқатнинг ўзига уч юз минг франкдан харж қилишларинг мумкин-а!.. Сен-чи, Эноат, сен ҳам катта пул бу деб қўяқоласанми?

— Вой худойим-эй!— деди қиз.— Бунча бойликнинг нима кераги бор, тоға?..

— О, мен биламан бунни! «Пул бахт келтирмайди» деган нақлни жуда яхши биламан мен! Сиз ҳам шундай фикрдамисиз, жаноб олисга сузадиган кема капитани, сиз ҳам шундай деб ўйлайсизми?— деб сўради Антифер тоға жиянидан шартга.

— Менимча, ўша мисрлик меросга пошшолик унвонини ҳам қўшиб қолдириши керак экан, нега десангиз, шунча пулингиз бўлса-ю, ҳеч қанақа унвонингиз бўлмаса...— деди Жюэль.

— Ҳа-ҳа... Антифер пошшо...— деб қўйди Трегомен жилмайиб.

— Овозингни ўчир, қайиқчи, сенга ҳам гап борми?— деб ўшқриб берди Антифер тоға унга, гўё шамол кучайиб елканларни камайтиришни буюраётгандек оҳангда.— Нима, «Гўзал Амелия»нинг собиқ капитани, мени майна қилмоқчимилар дейман-а?

— Сени-я, ўзимнинг энг яқин ошнамни-я? Худо сақласин!— деб жавоб берди Трегомен.— Башарти бу юз миллион сенга шунчалик қувонч бахш этаётган экан, мен сени юз миллион карра табриклайман.

Дарҳақиқат уй соҳибининг қалбини қувончга тўл-

<sup>1</sup> Крез — Лидиянинг афсонавий подшоси, унинг бойлиги битмас-туганмас бўлган.

<sup>2</sup> Эльдорадо — олтин ва қимматбаҳо тошларга бой афсонавий шаҳар.



дирган бу воқеага нима сабабдан уйдагилар бундай со-  
вуқ муносабатда бўлдилар. Эҳтимол у ҳозир жиянлари  
учун бадавлат қаллиғ ва куёв қилишни ортиқ ҳавас  
қилмай қўйгандир-ку?.. Гарчи кўпдан кутилган узун-  
ликни бешинчи апрелдан олдин олган бўлса-да, балки  
Жюэль билан Эногатнинг тўйини бекор қилиш ёки  
кейинга суриш фикридан қайтгандир? Очиғини айтган-  
да, бу масала Эногат билан Жюэлни, Нанон билан  
Жильдасни бағоят ташвишга солиб қўйганди.

Жильдас Трегомен дўстининг бу борадаги фикрини  
билиб олишга жазм этди... Унинг мақсади нима экан-  
ини вақтни ўтказмай ҳозироқ билиб олган маъқул.  
Шунда бу даҳшатли одам билан ақалли тортишиб, оқи-  
лона иш тутишга мажбур этишга муваффақ бўлишар.  
Ўз ёғингга ўзинг қоврилавер деб ташлаб қўйиб бўл-  
майди-ку уни, ахир!

— Менга қара, қария,— деди Трегомен мулоимги-  
на,— ўша миллионлар қўлингда деб фараз қилайлик...

— Фараз қилайлик?.. Нега энди фараз қиларкан-  
ман?..

— Яхши, аллақачон қўлингга кирган дей қолай-  
лик... жўнгина кун кечирिशга ўрганиб қолган оддий  
бир одам бўлсанг, айт-чи, ўша бойликларни нима қил-  
моқчисан?

— Қўнглимнинг кўчасига келганини,— деб жавоб  
берди Антифер тоға қуруққина қилиб.

— Умид қиламанки, бутун Сен-Малони сотиб ол-  
моқчи эмасдирсан?..

— Сен-Малони ҳам, Сен-Серванни ҳам, Динарни  
ҳам, агар истасам, фақат сув кўтарилиши пайғида тў-  
ладиган ўша бемаъни Рансни ҳам сотиб оламан!

Антифер тоға Ранс ҳақида бундай бемаъни гапни  
айтаркан, бу ажойиб дарёда йигирма йил сузган одам-  
нинг иззат-нафсига қаттиқ тегишини жуда яхши би-  
ларди.

— Бор, шундай ҳам бўлақолсин!— деб жавоб берди  
Трегомен гижиниб.— Ҳар қанча истасанг ҳам насибанг-  
дан ортиқча бир тишлам таомни ёки ортиқча бир қа-  
даҳ винони ҳам қилолмайсан. Ёки яна битта ошқозон  
сотиб олмоқчимисан...

— Шунингга тутки, эй чучук сувда сузадиган  
денгизчи, хоҳлаган нарсамни сотиб олавераман! Бор-  
ди-ю, ҳатто оиламдагилардан бирортаси бунга монелик

қилгудек бўлса...—бу сўзлар қаллиқларга қарата айтилди,—бу юз миллионимни ютиб юбораман, сариқ чақасигача қолдирмай кулини кўкка совураман!. На Жюэль, на Эногат уларга мерос қилиб қолдирмоқчи бўлган эллик миллионимдан ақалли бир франкини олади.

— Аниқроқ қилиб айтганда — икковларига юз миллион.

— Нима учун?

— Чунки улар эр-хотин бўлишади-ку!..

Нихоят асосий масала юзага қалқиб чиққанди.

— Ҳой, қайиқчи!—деб бўкирди Антифер тоға.— Яхшиси бом-брамселга<sup>1</sup> чиқиб, уфқни кўздан кечир!

Бу Антифер тоғанинг Трегоменни «шамоллаб келиш учун» жўнатадиган одатдаги усули эди; у шунчаки айттарди, албатта, негаки, бунақа девқомат, давангидай одамни бирор мачтанинг энг юқорисидаги кузатиш майдончасига чигирсиз чиқаришни ақл бовар қилмасди.

Сўхбатга аралашигга на Нанон, на Жюэль, на Эногатнинг ҳадди бориди. Ёш капитаннинг ранги қув ўчиб кетганидан ғазабини аранг босиб турганини ўқиб олса бўларди.

Лекин Жильдас Трегомен дўстларини очиқ денгизда тақдир тақозосига ташлаб кетадиган одамлардан эмасди. У чиқиб кетиш ўрнига, Антифер тоғага янада яқинроқ келди:

— Ахир сўз бергандинг-ку...

— Қанақа сўз?

— Уларнинг никоҳ ўқитишларига рухсат берман деб.

— Тўғри, агар унгача узунлик ҳақида маълумот олмасам дегандим. Энди эса узунлик кўлимда экан...

— ...уларнинг бахтли бўлишларини таъминлаш учун кўпроқ асос бор-ку энди.

— Баракалла қайиқчи, қойилман! Ана шунинг учун ҳам Эногат шаҳзодага тегади...

— Башарти шунақа куёв топилса!

— Жюэль бўлса маликага уйланади...

— Турмушга чиқмаган маликалар қолмаган!—деб охириги эътирозини билдирди Жильдас Трегомен.

---

<sup>1</sup> Бом-брамсель — пастдан тўртинчи елкан, унинг асосига кузатиш майдончаси ўрнатилган бўлади.

— Сепига эллик миллион берадиган бўлсанг, ҳар доим топсанг бўлади!

— Қидир, қидирақол...

— Қидираман ҳам, топаман ҳам... Готон альманахидан бўлса ҳам топаман!

У «Гота альманахи»<sup>1</sup> демоқчи эди. Бу ўтакетган ўжар, савдойи тоға қиролу шахзодалар қонини Антиферлар қони билан қўшиш дардига мубтало бўлганди.

Ана шу боисдан ўз зарарига тугаши мумкин бўлган бу суҳбатни давом эттиришни истамай, никоҳ ҳақидаги можарода ён бериб қўймасликка аҳд қилиб, хонасида ёлғиз қолдиришларини ва тушликкача безовта этмасликларини шама қилди.

Жильдас Трегомен ҳозир унга эътироз билдириб ўтиришнинг пайти эмас, деган қарорга келди ва ҳаммалари настга тушиб кетишди.

Очигини айтганда, бу кичиккина оила оғир мусибатда қолган эди. Сулув қизнинг хумор кўзларидан ёш дўлдай юмаларди, бу хол Жильдас Трегоменнинг кўнгилини бузиб юборди.

— Бўтам, йиғлаган одамни, очиги ҳатто бошига оғир мусибат тушганида ҳам... ёқтирмайман!— деди у.

— Ҳаммаси барбод бўлди-ку, ахир, азизим! Тоғам сираям розилик бермайди энди! Уша катта бойлик уни ақлдан оздириб қўйган.

— Ҳа, ҳа, тўғри,— унинг гапини қувватлади Нанон,— укамнинг миясига бир нарса ўрнашиб қолдими, тамом...

Жюэль чурқ этмай, хонада у ёқдан-бу ёққа юрар, қўлларини кўксига чалиштириб, муштларини маҳкам тугиб олганди.

— Очигини айтганда, амаким менга хўжайин эмас!— деб хитоб қилди у.— Унинг рухсатисиз ҳам уйланавераман... Мен балоғатга етганман!

— Лекин Эногат балоғатга етмаган-да,— деб эслатди Жильдас Трегомен.— Шунинг учун васий сифатида рухсат бермаслиги мумкин...

— Тўғри... ҳаммамиз ҳам қараммиз унга!— деб қўшиб қўйди Нанон бошини ҳам қилиб.

<sup>1</sup> «Гота альманахи» немис шаҳри Готада 1763 йилдан бошлаб чоп этиларди. Унда аслзода хонадонларнинг қариндошлик алоқалари, авлод-аждодлари ҳақида батафсил ахборотлар босиларди.

— Менинг фикрим мана бундай,— деди Жильдас Трегомен,— яхсиси унга қаршилик билдирмаслик керак. Айниқса биз ўзимизни унга халал бермаётган қилиб кўрсатсак зора бу савдойилик ўз-ўзидан ўтиб кетса.

— Чамамда сиз ҳаққа ўхшайсиз, жаноб Трегомен,— деди Эногат.— Менимча қаршилик кўрсатишдан кўра, мулозимлик билан мақсадимизга эришсак бўлади.

— Энг муҳими ўша миллионларнинг ҳозирча унинг қўлида эмаслигидир!..— деб қўшиб қўйди Жильдас Трегомен.

— Тўғри,— деб қўшилди Жюэль.— Рост, бу бойликнинг қайси кенглик ва қайси узунликда экани маълум, лекин уни қўлга киритишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун анча-мунча вақт керак.

— Анча-мунча...— деб шивирлаб қўйди қиз.

— Ҳа! Шундай, азизим Эногат. Буларнинг ҳаммаси тўйимизни кечиктириб юборади... Эҳ, бадфеъл амаким-а!

— Уша малъун пошшонинг ҳузуридан келган ўша фирибгарларга ҳам лаънатлар бўлсин,— деб минғирлади Панон.— Келганида косов олиб ҳайдасам бўлар экан...

— Улар бари бир амаким билан битишади!— деди Жюэль.— Уша Бинни Умари ўз холига қўйиб бўпти, ахир унга даллолик ҳақи тегиши керак-да!

— Демак, тоғам кетаркан-да?— деб сўради Эногат.

— Бунга шубҳаланмаса ҳам бўлади,— жавоб берди Жильдас Трегомен,— чунки ўша оролнинг координатлари энди унга аён.

— Мен у билан бирга кетаман,— деди Жюэль қатъий.

— Сен-а, Жюэль?..— деб қичқириб юборди қиз.

— Ҳа. Шундай қилиш зарур. Бирор аҳмоқлик қилиб қўйишига халал бериш учун у билан бирга бўлмоқчиман... ва, ниҳоят, олис ўлкаларда узоқ ушланиб қоладиган бўлса уни шошилтираман.

— Сен ҳақсан, ҳа, сен ҳақсан, бўтам,— унинг гапни маъқуллади Трегомен.

— Ким билади дейсиз, бу хазинани излаб қайси юртларга бориб қолади, уни қандай хавф-хатарлар кутяптикин йўлда!

Гарчи Эногат қайғуга ботган бўлса-да, Жюэлнинг оқилона қарорга келганини яхши тушунарди. Балки Жюэлнинг бирга бўлиши туфайли тоғанинг сафари узоққа чўзилмас?

Еш капитан иложи борича қизга тасалли беришга тиришарди. Унга тез-тез хат ёзиб туради.. У ҳамма ишдан хабардор бўлиб туради... Унинг ёнида Нанон билан Трегомен қолишади, Трегомен ҳар кун буларни кига кирби, сабр-тоқатли бўлиш, итоткорлик билан кутишга ўргатади...

— Қизалоғим, менга бемалол ишонавер,— деди кўнгли бузилган Трегомен.— Сени овутишга, сенга таскин беришга ҳаракат қиламан албатта! Менинг «Гўзал Амелия»да қандай сузганларимни сен билмайсан-ку ҳали, шундай эмасми?

Тўғри, Эногат буни билмасди, чунки Трегомен Антифер тоғанинг майна қилиб кулишидан чўчиб, ўзининг сафарлари ҳақида оғиз очишга ҳеч қачон журъат этолмаган эди.

— Сенга ҳаммасини гапириб бераман... Бу жуда қизиқ... Вақт сезилмай ўтиб кетади... Шундай қилиб, кунлардан бир кун миллионларини қўлтиқлаб олган... ёки икки қўлини бурнига тиқиб қайтган тоға ҳам кириб келади. Шунингдек қадрдонимиз Жюэль ҳам келади, ана ўшанда унинг бир сакраб Сен-Мало жомесига бориб қолишига ҳеч нарса монелик қила олмайди... мен ҳам, ҳар қалай, тутиб қолмайман ўшанда... Агар истасанг, мен ўзимга бу орада тўйга костюм буюртириб, уни ҳар кун эрталаб кийиб чиқаман...

— Ҳой қайиқчи!

Бу таниш овоз ҳаммаларини сапчитиб юборди.

— Эшитяпсизларми, у мени чақиряпти,— деди Жильдас Трегомен.

— Сизда нима иши боракан?— деб сўради Нанон.

— Жаҳли чиққан пайтларда овози бунақа бўлмайди,— деб қўйди Эногат.

— Тўғри,— тасдиқлади Жюэль,— ғазабланишдан кўра тоқатсизлик сезилиб турибди.

— Трегомен... келяпсанми?

— Кетяпман!..— деб қичқирди Жильдас Трегомен унга жавобан.

Шундай деб юқорига кўтариларкан, унинг вазмин одимлари остида пиллапоя ғижирларди.



Орадан бир сония ўтар-ўтмас Антифер тоға уни ўз хонасига сургаб кирди-ю, эшикни маҳкамлаб беркитиб қўйди. Сўнгра уни иккала яримшар харитаси ёзиб қўйилган стол ёнига ўтқазди-да, қўлига паргарни тутқизаркан:

— Ушла!— деди.

— Паргаринми?..

— Ҳа! Уша орол... миллионлар кўмилган орол...—

Антифер тоға энтика-энтика гапирарди.— Унинг харитада қаерга жойлашганини билмоқчиман.

— Нима, харитада йўгаканми?..— деб қичқириб юборди Жильдас Трегомен, унинг гап оҳангида тааж-жубланишдан кўра кўпроқ мамнунлик сезилиб турарди.

— Ким шунақа деяпти сенга?— деб эътироз билдирди Антифер тоға.— Нимага энди йўқ бўлиши керагакан, эй бахти қора қайиқчи!

— Демак... бор экан-да у?..

— Бор, ишонавер менга, бор, лекин мен жуда ҳаяжонланыпман... қўлларим титраб кетяпти... бу паргар худди қўлимни чақиб олаётганга ўхшайди... уни харитада юргизолмаяпман...

— Шунинг учун мен ўлчаб кўришим керакми, қария?

— Ҳа, мабодо қўлингдан келса...

— Ҳо!— деб қўйди Жильдас Трегомен.

— Албатта бунақа ишга ўрганмагансан, ахир сен фақат Рансда сузгансан-да... Майли, шундай бўлса ҳам бир уриниб кўр-чи. Кўрамиз, бундан нима чиқаркин... Паргарни тузукроқ ушлаб, учларини эллик тўртинчи меридиан бўйлаб юргиз, аниқроғи эллик бешинчидан, нега деганда орол жойлашган узунлик эллик тўрт градусу эллик етти минут...

Бу рақамларини эшигиб бечора Трегоменнинг боши ғовлаб кетди.

— Эллик етти градусу эллик тўрт минут дейсанми?— деб гўлдиради у кўзлари чақчайиб.

— Йўқ... эй ҳўкиз-эй!— Антифер тоғанинг жаҳли чиқиб кетди.— Бунинг тескариси! Қани бўл... Бўлақолсанг-чи ахир!

Жильдас Трегомен паргарни фарб томон юргиза бошлади.

— Уёққамас!...— ўшқириб берди ошнаси.— Фарбга

эмас!.. Париж меридианидан шарққа қараб... Эшитяпсанми ўзи, ландовур! Шарққа, шарққа деяпман!..

Жильдас Трегомен бу таънао сўкишлардан гангиб қолиб, ишни ўрнига қўёлмади. Кўзлари тиниб, пешонасига маржон-маржон тер қалқди, бармоқлари орасида паргар худди электр қўнғироқнинг тилидек дирилларди.

— Эллик бешинчи меридианга қўйсанг-чи ахир, галварс!— деб бўкирарди Антифер тоға.— Тепадан бошлаб... йигирма тўртинчи деб ёзиб қўйилган нуқтагача тушавер!

— Йигирма тўртинчи параллелга дейсанми?— деб гўлдиради Жильдас Трегомен.

— Ҳа, ҳа!.. Бу галварс ажалимдан беш кун бурун ўлдирадиганга ўхшайди-ку!.. Ҳа... ҳа! Ана ўша чизиқлар кесишган нуқта орол жойлашган ерни билдиради...

— Жойлашган ерни...

— Қани... пастга тушяпсанми ўзи?..

— Ҳа, тушяпман.

— О, ярамас-эй!.. Тепага кетяпти-ю, пастга тушяпман дейди-я!

Чиндан ҳам Трегомен пастга тушяптими, тепага кўтарилялтами, ўзи ҳам билмасди, олдинга қўйилган мақсадни бажаришда Антифер тоғадан бешбаттар ношуд бўлиб қолганди. Икковлари ҳам бағоят ҳаяжонланган, асаблари куй савтини чалаётган дутор торидай дирилларди шу топда.

Антифер тоғанинг наздида ҳозир ақлдан озиб қоладигандек эди. Шунда у бирдан-бир тўғри қарорга келди.

— Жюэль!!!— деб бўкирди у, жон-жаҳди билан бақирганидан овози кема карнайи орқали гапиргандай жаранглаб кетди.

Ёш капитан шу заҳотиёқ егиб келди.

— Нима дейсиз, амаки?

— Жюэль... Комулк пошшонинг ороли қаерга жойлашган?

— Узунлик билан кенглик чизиқлари кесишган нуқтада...

— Жуда соз. Қидир уни... ва...

Антифер тоға ҳозир одатда игларга айтиладиган: «Апорт»ни<sup>1</sup> қўшиб қўядиганга ўхшарди.

<sup>1</sup> Олиб кел, келтир (француз феъли apporter — келтирмақ) дегани.

Жюэлга ҳеч қанақанги тушунтиришнинг ҳожати бўлмади. Амакисининг ҳаяжонланиб турганидан бу ерда нима гап бўлиб ўтганини дарров фаҳмлади. Йигитча паргарни қўллари қилт этмай олди-ю, шимол томондаги эллик бешинчи меридиан бошланадиган нуқтани ўша ондаёқ топди-да, аста пастга туша бошлади.

— Меридианнинг қаерлардан ўтишини айтиб тур!— деб буюрди Антифер тоға.

— Хўп бўлади, амаки,— жавоб берди Жюэль.

Шундай деб тушунтириб борди:

— Арктика денгизидаги Франц-Иосиф ери.

— Яхши.

— Баренц денгизи.

— Яхши.

— Янги Ер.

— Давом этавер.

— Карс денгизи.

— Кейин-чи?..

— Россиянинг шимоли, Осиё қисми.

— Қайси шаҳарларни босиб ўтяпсан?

— Екатеринбург<sup>1</sup>.

— Кейин?

— Орол денгизи.

— Давом эт.

— Туркистондаги Хива.

— Яқинлашиб қолдикми?

— Деярли! Ҳирот.

— Етиб келдикми ўзи?

— Ҳа! Маскат! Арабистоннинг жануби-шарқи.

— Маскат?— дея хитоб қилди Антифер тоға харита устига энгашиб.

Дарҳақиқат эллик бешинчи меридиан билан йигирма тўртинчи параллель кесишган нуқта «Маскат»га қарашли Уммон кўрфазининг Арабистон билан Эронни ажратиб турган форс қўлтиғига келиб туташган ерига тўғри келарди.

— Маскат?..— деб такрорлади Антифер тоға.

— Маскот дейсизми?— деб қайтариб сўради Жильдас Трегомен яхши англаёлмай.

— Маскот эмас, Маскат, қайиқчи!— деб тўнғилла-

---

<sup>1</sup> Екатеринбург — Свердловскнинг илгариги номи.

ди ошнаси, елкаларини қулоқларига етгудек учириб қўяркан.

Аслида уларнинг қўлида ҳозирча фақат тахминий координатларгина бор эди, холос, чунки орол жойлашган ерни градуслар бўйича аниқлашган, ҳали минутлар бўйича аниқлаб улгуришмаган эди.

— Наҳотки Маскатда бўлса, Жюэль?!

— Шундай, амаки... аниқлиги юз километр атрофида.

— Лекин янада аниқроқ белгиланса бўлмайдами?

— Бўлади, амаки.

— Бўлақол, Жюэль... Бўлақол! Тезроқ бўлақол, тоқатсизликдан юрагим паққа ёрилиб кетмасидан бўлақол!..

Дарҳақиқат қозон ниҳоятда қизиб кетса, унинг гумбурлаб портлаши шубҳасиздир.

Жюэль яна паргарни қўлига олди. Узунлик ва кенглик минутларини ҳисоблаб чиқиб, орол жойлашган ерни бир неча километр атрофида фарқ билан аниқлади.

— Хўш?..— деди Антифер тоға.

— Гап бундай,— деди Жюэль,— орол Маскат шаҳрида эмас экан. У сал шарқроқда, Уммон кўрфазида экан.

— Жин урсин!..

— Нимага жин урсин дейсан?— қизиқсинди Жильдас Трегомен.

— Эй «Гўзал Амелия» баржасининг собиқ соҳиби, гап орол ҳақида боряпти, у бўлса қуруқликда бўлмайди-ку, ахир!

Гарчи Антифер тоға буни қатъий эътироз билан айтмаган бўлса-да, ҳар қалай ошнасига нисбатан ноҳақ гапирганди, чунки габара — баржа эмас-да.

— Эргадан,— деб қўшиб қўйди Антифер тоға,— сафарга ҳозирланамиз.

— Жуда соз,— деди амакисига асло эътироз билдирмасликка қатъий аҳд қилган Жюэль.

— Сен-Малодан Порт-Саидга жўнайдиган бирор кема бор-йўқлигини билиш керак.

— Бу, сафарга чиқишнинг энг яхши усули. Бир кунимиз кетса кетар, бунинг унчалик аҳамияти йўқ-ку...

— Албатта, оролимни ўғирлаб кетишмайди-ку!

— Нима, бирорга фирибгар ёки қаллоб йўлимизга

тўғаноқ бўлармиди?— деб гап қўшди Трегомен, унинг бу ноўрин луқмасидан Антифер тоға яна елкасини учириб қўйди.

— Жюэль, сен мен билан бирга борасан,— деди Антифер тоға.

— Хўп бўлади, амаки,— деб жавоб берди ёш капитан, ўз аҳдидан қайтмай.

— Сен ҳам, ҳой қайиқчи...

— Менми?— деди Трегомен ҳайрон бўлиб.

— Ҳа, сен!..

Бу икки ибора шунчалик амирона оҳангда янграган эдики, оқ кўнгил Трегомен ризолик аломати сифатида бошини қуйи солди.

У бўлса Пьер-Серван-Мало йўқлигида бечора Энотга бир вақтлар сокин Ранс бўйлаб «Гўзал Амелия»да қандай сузганларини ҳикоя қилиб бериб, қизни овутиб юриш ниятида эди-я!

## ЎНИНЧИ БОБ

*Сен-Малодан Порт-Саидга йўл олган „Стирсмен“ пароходи сафарининг қисқача тафсилоти*

21 февраль куни эргалабки сув кўтарилиши вақтида Сен-Малодан Кардифф портига мансуб бўлган «Стирсмен» номли инглиз пароходи йўлга тушди. Бу Ньюкаслдан Порт-Саидга тошкўмир ташиш учун махсус ажратилган тўққиз юз тонна ҳажмли кема эди. Одатда бу пароход йўлда учрайдиган портларда тўхтамасдан ўтарди. Лекин бу сафар озгинагина шикастланиб — конденсатори салгина тешилиб — йўлакай тузатиб олиш учун тўхташга мажбур бўлган эди. Бироқ капитан пароходни Шербурга буриш ўрнига ўзининг эски ошнаси билан кўришиш ниятида Сен-Малога қараб йўлга солди. Пароход икки кеча-кундуздан кейин яна денгизга чиқиб олди, Фреэль буруни эса ўттиз милча орда, шимоли-шарқ томонда қолди. Шу ерда биз китобхоннинг эътиборини инглиз кемасига жалб қиламиз.

Бирлашган Қироллик тошкўмир конларининг маҳсулотини Ла-Манш бўйлаб оламнинг ҳар томонига ташмалаб юрган юзлаб кўмир ташувчи кемалар ичида бизни нега бошқаси эмас, аини «Стирсмен»гина қизиқтирарди.

Хўш, нима учун? Чунки Антифер тоға жияни Жюэль ва содиқ дўсти Жильдас Трегомен билан бирга ана шу «Стирсмен»да эди.

Уларнинг қулай ва яхши жиҳозланган темир йўл компанияси вагонига минмай, кўмир ташувчи кемага ўтиришларининг боиси нимада бўлдийкин?

Жин урсин! Юз миллионни деб сафарга чиқиларкан, ким ҳам йўл харажатлари ҳақида бош қотириб ўтирарди дейсиз? Бундай пайтда харажати кўп деб, ҳузур-ҳаловатдан воз кечиш кулгили ҳол-ку!

Бадавлат Комулк пошшонинг меросхўри бўлган Антифер тоға ҳам, агар ажойиб вазиятда сафарга чиқиш хонаси келмаганида, албатта, худди шундай қилган бўлурди.

«Стирсмен» кемасининг капитани Сип Антифер тоғанинг эски ошнаси эди. Шунинг учун ҳам у Сен-Малода туриб қолганларида фурсатдан фойдаланиб ошнасини кўргани борди. Ўз-ўзидан равшанки, От-Салль кўчасидаги хонадонда уни қучоқ очиб кутиб олишди. Антифер тоғанинг Порт-Саидга бормоқчи эканини эшитган капитан Сип унга арзимаган ҳақ эвазига «Стирсмен»да олиб кетишни таклиф этди. «Стирсмен» сокин кунларда соатига ўн бир денгиз миляси сузادиган ажойиб кема бўлиб, Буюк Британияни Ўртаер денгизининг шарқи-жануби соҳилларидан ажратиб турган беш минг беш юз миля масофани ўн уч ёки ўн тўрт кунда босиб ўта оларди. Рост, «Стирсмен» йўловчиларни ташишга мослаштирилмаган эди. Аммо денгизчилар қаноатли, камсуқум одамлар бўлади, уларга бирорта каюта бўлса бас, бемалол жойлашиб кетаверадилар, муҳими эса кемадан кемага ўтиб юрилмайди, бу унинг энг афзал томонидир.

Капитан Сипнинг таклифи Антифер тоғани нима учун қизиқтиргани тушунарли. Аллақанча вақтгача диққинафас вагонда қамалиб ўтирсинми? Йўқ, бунақаси тўғри келмайди унга! Олти кун ғилдиракли сандиқда дуд ва қурум ютиб дами қайтиб ўтиргандан кўра, сарин денгиз ҳавосидан лаззатланиб, ажойиб кемада икки ҳафта сузгани маъқул эмасми?

Жюэль ҳам худди шу фикрда эди, бироқ шу кунгача фақат Ранс дарёси бўйлаб сузган Трегомен бунга бошқача қарарди. Ғарбий ва Шарқий Европа темир йўлларини яхши билган Трегомен йўлнинг кўп қисми-

ни поездда ўтказишдан умидвор эди, лекин ошнаси бошқача йўл тутди. Бир кун олдин-у, бир кун кейиннинг аҳамияти йўқ, бир ойда етиб боришадими ёки икки ойда, бари бир, орол турган жойидан силжиб қолмайди. Унинг қаерга жойлашганини Антифер тоға, Жюэль ва Жильдас Трегомендан бўлак ҳеч зор билмайди. Устма-уст қилиб икки «К» ҳарфи билан белгиланган хилватгоҳда ўттиз бир йилдан бери ётган жавоҳирлар ўша жойида яна бир неча ҳафта ётса ҳеч нарса қилмайди...

Ана шу боисдан ҳам Пьер-Серван-Мало, у қанчалик ошиқмасин капитан Сипнинг таклифига фақат ўз номидангина эмас, балки ҳамроҳларининг номидан ҳам розилик билдиргандиким, шу туфайли биз китобхонларнинг диққатини кўмир ташувчи кема «Стирсмен»га жалб этгандик.

Шундай қилиб, Антифер тоға, унинг жияни Жюэль ва дўсти Трегомен кўмир ташувчи кемага чиқишди. Улар «Гўзал Амелия»нинг собиқ эгасининг кенгбар тасмаси қаватига тикилган талайгина олтинни, ажойиб хронометр, моҳирона ясалган секстант, «Вақтни ўлчаш жадвали»<sup>1</sup> номли қадимий китобни — хулласи калом олдларида турган кузатиш ишлари учун зарур бўлган нарсаларни ва, ниҳоят, «хазиналар оролида» ер қовлагани чўкич билан белкуракларни оливолишганди.

Энди биз бу экипажи икки механик, тўрт ўтёқар ва ўн икки матросдан иборат моҳир капитан бошқарувидаги ажойиб пароход эди деб бемалол айта оламиз. Фақат дарё фаришталарининг ҳузурбахш табассумларидангина баҳраманд бўлиб, шунгагина кўникиб қолган Жильдас Трегоменнинг очиқ денгизга чиқиш ва Нептуннинг<sup>2</sup> газабига қарши от қўйишдан олдин бу фикрга кўникиш учун кўп куч сарфлашига тўғри келди. Бироқ Трегомен Антифер тоғадан йўлга ҳозирланиш ва чамадонларни «Стирсмен» пароходига топшириш ҳақида буйруқ оларкан, уни чурқ этмай бажарди.

Сафарчилар ва кузатиб қолувчилар сўнгги бор ши-

---

<sup>1</sup> Маълум бир меридианга нисбатан (бу ерда Париж меридианига нисбатан) турли узунликдаги вақтни кўрсатувчи жадвал. Бирор жойнинг координатини аниқлашда шундай жадваллардан фойдаланганлар.

<sup>2</sup> Нептун — қадимги римликларнинг эътиқодича денгиз худоси.

рин гаплар айтиб хайрлашишди. Жюэль Эногатни авайлабгина бағрига олди, Нанон дам укасига, дам жиянига ёпишиб йиғларди, Жильдас Трегоменнинг эса, хайрлашгани бағримга ташланган одамни ишқилиб қаттиқроқ эзиб қўймасам гўрга эди, деб жони ҳалакда эди... Ниҳоят, жудолик кўпга бормайди, орадан олти ҳафта ўтмаёқ яна От-Салль кўчасидаги уйда жамулжам бўламиз, деган ваъда ҳам берилди... Ана ўшанда Антифер тоғани — у хоҳ миллионларини олиб, хоҳ уларсиз қайтсин — истакларига зид равишда кечиктирилган тўйни ўтказишга мажбур этадилар...

Кема ғарб томонга йўл олди. Қиз уни мачталари то уфқда ғойиб бўлгунича кўзлари билан кузатиб қолди...

Шошманг, шошманг! Нима сабабдан бу йўловчилар орасида Комулк пошшонинг меросхўрини кузатиб бориши зарур бўлган анави икки муҳтарам зот кўринмайди?

Дарҳақиқат, пароходда на нотариус Бинни Умар, на ўзини Нозим деб танитган Соук бор эди. Сафарга чиқиладиган кун наҳотки ёдларидан кўтарилиб кетган бўлса?..

Асло! Гап шундаки, мисрлик нотариусни пароходга ўтиришга асло кўндириб бўлмади. Зероки у Искандариядан Марселга келаётганида денгиз касалига мубтало бўлиб, роса азоб чекканди. Ана шу боисдан ҳам шум тақдир уни Суэцга, у ердан эса яна аллақандай номаълум томонларга боришга мажбур этаркан, денгизда сузмасликнинг заррача иложи бўлса, фақат қуруқликдан юришга қасам ичганди. Бунинг устига Соук ҳам бунга эътироз билдирмади, Антифер тоға Бинни Умарнинг ҳамроҳлигига орзуманд эмасди. У нотариусга ойнинг охирларида Суэцда учрашамиз деб қўя қолди, лекин Суэцдан Маскатга қараб йўл олишларини айтмади. Бу шўрликнинг денгизнинг маккорлиги ва ғазабга минишидан қандай азоб чекишини ана ўшанда кўрасиз!

Антифер тоға улар билан қаерда ва қачон учрашишларини келишиб олгач, шундай деб қўшиб қўйди:

— Зотан муштарийингиз хазинани ковлаб олиш пайтида васий сифатида ўша ерда ҳозир бўлишингизга ваколат берган экан, марҳамат қилиб, бирга бўлинг, Илло, вазият биргалашиб саёҳат қилишимизни



тақозо этаркан, ўзимизни бир-биримиздан олисроқ тутайлик, зероки на сиз ва на гумаштангиз билан яқинлашиш, дўстлашишга заррача бўлсада хушим йўқ!

Бундай илтифотли баёнот тузалмас малуин хулқ-атворининг яққол тафсилоти эди.

Ана шу суҳбатдан сўнг Соук билан Бинни Умар «Стирсмен» йўлга чиқмасданоқ Сен-Малони тарк этдилар. Капитан Сип йўловчилари орасида уларнинг йўқлигининг боиси ана шу эди. Бундан эса ҳеч ким афсусланмади ҳам, ачинмади ҳам. Бир томондан, хазинани очиш пайтида ҳозир бўлмаса ўзига тегадиган улушдан ажралиб қолишдан қўрққан, иккинчи томондан, шафқатсиз Соукнинг иродасига батамом бўйсунган нотариуснинг Антифер тоға билан учрашувга ўз вақтида етиб келишига мутлақо шубҳаланмаса ҳам бўлади!

Бу орада «Стирсмен» ўзини жанубдан эсадиган шамол эпкинидан тўсиб турган Франция қирғоқлари бўйлаб бор қувватини ишга солиб шитоб билан сузиб борарди. Шунинг учун ҳам пароход ортиқча қаттиқ чайқалмас. Жильдас Трегамен эса бундай муваффақият билан ўзини муборакбод этарди. У бу саёҳатдан фойдаланиб, тақдирнинг тақазоси билан кўриш насиб этадиган турли мамлакатларнинг одат-удуми ва табиятини ўрганишга аҳд қилди. Бироқ умрида биринчи маротаба очиқ денгизга чиқиб қолганидан, ҳаммадан кўра денгиз касалининг қурбони бўлишдан чўчирди. Шу боисдан у сув кўк гумбази билан тутшиб кетган уфқ чизигига қўрқа-писа ва қизиқсиниб тикиларди. Бу олижаноб кимса ўзини кўпни кўрган денгизчи қилиб кўрсатишга ҳатто уринмас, ён томондан ёхуд оstdан тўлқин туриб, кемани чайқата бошлаган пайтларда палубада юришга ботинолмасди. Нимасини айтасиз, унинг габаранинг бир текисда сузиб борувчи палубасига ўрганиб қолган оёқлари ўша замоноқ мувозанатини йўқотган бўларди. Кеманинг қуйруқ қисмида бор тўриши маҳкам ушлаганча, тақдирга тан берган одамдек ўтириши бераҳм Пьер-Серван-Малонинг уни масхара қилишига сабаб бўларди.

- Хўш, қайиқчи, аҳволларинг қалай?
- Ҳозирча шикоят қиладиган жойи йўқ...
- Ҳа-ҳа!.. Бу ҳали сокин сувлар, ҳозирча қирғоқ

ёқалаб сузяпмиз, шуничун ўзингча, «Гўзал Амелия»м-да торгина Ранса сузиб кетяпман, деб тасаввур қилсанг ҳам бўлаверади. Ҳали бир шимол шамоли туриб, денгиз ўз баданидаги бургаларни патирлатиб силкилаб берсин, ана ўшанда ўзингни эсингга ҳам келмай қолади.

— Менинг ҳеч қанақа бурга-пурга йўқ, қария.

— Энди, бу шунчаки бир гап-да!.. Ла-Маншдан чиқиб, океанга ўтганимизда қай аҳволга тушишингни тасаввур қиляпман!

— Сенингча, чайқатавериб бошимни айлантириб ташлайдими?..

— Шундй бўлади деб тилхат беришим мумкин!..

Бундан кўриниб турибдики, Антифер тоғанинг одамларга таскин бериш, тинчлантириш усули ўзгача, ўзига хос эди. Шунинг учун ҳам Жюэль бу нохуш таассуротни кўтариш ниятида деди:

— Амаким жуда ошириб юборди, жаноб Трегомен, сиз ўзингизни...

— Дельфиндан ёмон ҳис этмайманми?.. Шунинг ўзи кифоя, бундан ортиқ тилагим йўқ,— жавоб берди Жильдас Трегомен, «Стирсмен»нинг қўйруқ томонида ўйнашиб-ирғишлаб шўхлик қилаётган бу денгиз масхарабозларига ишора қилиб.

Кечга томон пароход Бретаннинг энг сўнгги туртиб чиққан қирғоғини айланиб ўтди. Пароход Уэссан тепалари билан қуршалган Фур бўғозига кириб борган пайтда, гарчи қарши шамол эсаётган бўлса-да, денгиз хийла осойишта эди. Соат саккиз-тўққиз ораларида йўловчилар ухлагани кириб кетишди, пароход тунда Сен-Матьё, Брест бурунини, Дуарнене қўлтиғи ва Сен қояларини ортда қолдириб, Ируаз ёнида жануби-ғарбга бурилиши керак эди.

Трегомен туш кўрди, у оғриб, ўлим тўшагида ётганмиш... Бахтига бу фақат туш эди. Мана тонг ҳам отди. Гарчи кема у биқинидан-бу биқинига чайқалса-да, гарчи гоҳ пастга шўнғиб, гоҳ яна жаҳаннам қаърига шўнғимоқ учун кўкка сапчиб бораётган эрса-да, Трегомен сира иккиланмай палубага кўтарилди. Бу воқеа дарёда сузадиган кема капитанининг ўз хизматини денгиз саёҳати билан тугатишга мажбур этган экан, у ҳеч бўлмаганда йўлда кўрган-кечирганларини хотирида сақлаб қолишни истарди.

Мана у палубага олиб чиқадиган зинанинг сўнги пояларида пайдо бўлди, кейин белигача кўтарилди. Шунда панжарасимон тўшамда чалқанча ётган одамга кўзи тушди. Бу одам ким эди денг? Ранги пага бўлиб кетган, тинка-мадори қуриган, аллақандай ғалати товуш чиқариб оқ чекаётган Антифер тоғанинг ўзгинаси эди! Ҳа, бу Антифер Пьер-Серван-Мало эди, у шу топда бамисоли Паде-Қале бўйлаб Булондан Флокстонга ҳаво айнаиб турган пайтда пароходда ўтадиган ипагойим маликалардай изтироб чекарди. Оғзидан эса боди кириб-шоди чиқарди. Ҳар бир ўхчиқдан яна ўзига келганида дўстининг хотиржам, қон томиб турган қип-қизил бетига тикилиб, унда денгиз касалидан тирноқча ҳам асар кўрмай, аламидан бўралаб сўкарди.

— Падарига минг лаънат!— деб қичқирди Антифер тоға.— Шунақа бўлади деб ким ўйлабди дейсан?.. Оёқларим кема палубасини кўрмаганига атиги ўн йил бўлса-ю... шу арзимаган вақтни деб... мендай кема капитани... денгиз чайқатишини қандайдир габара капитанларичалик кўтаролмасам-а...

— Лекин... чайқатишни сираям сезмаяпман,— дейишга журъат этди Жильдас Трегомен, одатдагидек оқ кўнгиллик билан, хижолатомуз илжайиб.

— Ҳали соппа-соғман дегин?.. Хўш, нимага соппа-соғсан?..

— Ўзим ҳам ҳайронман, қария.

— Сенинг ўша Рансинг бу денгизнинг жануби-ғарбдан эсадиган лаънати бўронларини кўрмаган-ку умрида!

— Ҳа, ҳеч қачон кўрмаган, асло унга ўхшамайди ҳам...

— Турқинг ҳам жуда хотиржам кўринади...

— Бундан ўзим ҳам афсусланияпман,— деб жавоб берди Жильдас Трегомен,— жўрттага жигимга тегяпти деб ўйлашинг мумкин ахир...

Бундай ажойиб, кўнгилчан одамни етти иқлимдан топиб кўрингчи!

Антифер тоғанинг дарди тезда ўтиб кетадиган бетоблик эди деб айтиб қўяйлик. Дарҳақиқат «Стирмен» Ортегаль буруни ёнидан Испаниянинг шимоли-ғарбий тумшугини мўлжалга олганча йўлини ўзгартиб, Атлантика океанининг кўкка сапчиб турган сувига

туташиб кетган Бискай кўрфазидан сузиб бораётганидаёқ малуин ўзини ўнглаб олганди. У кўпчилик, ҳатто денгизда узоқ вақт бўлмаган энг тажрибали денгизчилар ҳам йўлиқадиган дардни бошидан кечирган эди. Аммо-лекин шу топда унинг иззат-нафсига теккан бошқа нарса эди. «Гўзал Амелия»нинг хўжайини, қандайдир бир дарё кемачасининг командирига бало урмас-ю, унинг, кўпни кўрган моҳир денгизчининг ичакчавоғи ағдарилиб кетаётган бўлса-я, бунга тоға асти чидаёлмас ва тан беролмасди-да!

Кечаси, роса тошкўмир ортилган «Стирсмен» Ла-Корунья ва Ал-Ферролни ёқалаб сузаётган пайтда озмунча қийинчиликларни бошдан кечиришга тўғри келмади. Ҳатто капиган Сипнинг хаёлига бундай расво ҳавода бирорта йўлдаги портга кириб туриш фикри ҳам келганди, башарги Антифер тоға эътироз билдирмаганида худди шундай қилган бўлармиди. Йўлдаги ҳар қандай кечикиш уни ташвишлантирарди, чунки у Суэцда минмоқчи бўлган хат-хабар ва йўловчи ташийдиган кема Форс қўлтиғига ойда бир мартагина кириб ўтарди. Бунинг устига кеча-кундуз тенглиги палласида эса доимо хатарли бўронлар бўлиб туради. Шунинг учун ҳам, ҳозирча жиддий ҳавф йўқ экан, яхшиси, ҳеч қаерда тўхтамаганлари маъқул.

«Спирсмен» испан қирғоқларидаги сувости қояларидан аллақанча масофа наридан сузиб борарди. Чап томондаги каллақандга ўхшаган уч конуссимон чўққили Виго қўлтиғи (бу уч чўққи қўлтиққа кириш жойини кўрсатиб туради), кейин эса Португалиянинг сўлим манзарали соҳиллари орда қолди. Эртасига ўнг томондаги, қитъанинг яқинлиги денгиздан сўзиб келаётган кемаларга билиниб турсин деб маяк ёқиб қўйиш учун атайлаб яратилгандек тўдалашиб турган Берлэнг ороллари гуруҳини чамалаб, йўлларини тўғрилаб олишди.

Бундай олис сафар вақтида йўловчилар олдида турган муҳим иш, ўзларининг ғаройиб саёҳатлари ва бу саёҳатнинг тахминий натижалари ҳақида обдан гаплашиб олганларини фаҳмламоқ қийин эмас, албағта. Антифер тоға жисман соғайиш билан бирга, одатдаги ўзига ишониш кучи ҳам яна қарор топганди. Оёқларини кериб турганча олис уфққа диққат билан тикиларкан, палубада дадил қадам ташлар ва очиғи-

ни айтсак, дўстининг хотиржам чеҳрасида ҳамон аса-ри кўринмаётган денгиз касалининг қандай бўлмасин бирон-бир аломатини кўришни жуда-жуда истарди. Кейин бардоши тугаб, гапга тушарди. У:

— Хўш, океан қалай экан?..— деб сўрарди.

— Талай, кўз илгамас сув экан, қария.

— Ҳа... сенинг Рансингдан сал каттароқ-да!..

— Шубҳасиз. Аммо-лекин, дарёнинг ҳам ўзгача, ўзига хос гашти, латофати бор... уни камситиш, писанд қилмаслик ярамайди..

— Писанд қилмаймангина эмас, эй қайиқчи... ҳазар қиламан ундан..

— Менимча, амаки,— гапга аралашди Жюэль,— ҳеч қанақа ҳазар қиладиган жойи йўқ, дарёнинг ҳам ўзига яраша қадр-қиммати бор..

— Ҳа, орол ҳам худди шунақа,— деб қўшиб қўйди Жильдас Трегомен.

Бу сўзни эшитиб Антифер тоға сергакланди — унинг энг нозик ери қитиқлаб ўтилганди.

— Албатта,— деб қичқириб юборди у,— шунақа ороллар борки, уларни чўчимасдан биринчи даражали деса бўлади!.. Масалан, менинг оролимни!

Бу эгалик олмошидан бретонликнинг миясида қандай ўйлар уя қуриб олганини билса бўларди. Уммон кўрфазидаги ўша орол мерос сифатида унинг мулкига айланган эмас-у, ҳалитдан умрбод ўзиникидек бўлиб кўрина бошлаган эди.

— Айтгандай, менинг оролим борасига келсак,— давом этди у,— ҳар куни хронометрни текшириб боришни унутганинг йўқми, Жюэль?..

— Асло, амаки. Бунақанги ажойиб механизмни жуда кам учратганман умримда!

— Секстант-чи?..

— Хотиржам бўлинг, у ҳам хронометрдан қолишмайди.

— Шундоқ бўлиши керак ҳам-да, озмунча пул тўлаганманми ахир уларга!

— Модомики бу асбоблар юз миллионлик бойликни топиб берадиган бўлгандан кейин, шу арзимаган харажатга ҳам парво қилиб ўтириларканми?..— усталик билан гап қистириб ўтди сермулоҳаза Трегомен.

— Қойилман, жуда оқилона гапни айтдинг, қайиқчи!

Дарҳақиқат, асбобларнинг нархи билан ҳисоблашиб ўтиришмади. Хронометр Брегет устахонасида тайёрланган эди, шу боисдан унинг ажойиб асбоб эканини гапириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак! Секстантга келсак, унинг ҳам хронометрдан камчилик жойи йўқ бўлиб, ундан моҳирлик билан фойдаланилса, ҳатто бир секунддан иборат бўлган бурчаккача аниқ кўрсага оларди. Асбобларни ишлатишни эса ёш капитанга бемалол ишониш мумкин эди. Хронометр ва секстант ёрдамида у оролниинг қаерга жойлашганини аниқ белгилай оларди.

Бироқ Антифер тоға билан унинг ҳамроҳлари бу аниқ асбобларга қанчалик ишонишса, Комулк пошшонинг васийси бўлмиш Бинни Умарга шунчалик ишонмасликлари турган гап эди. Улар тез-тез бу борда суҳбатлашишиб туришарди, бир куни эса тоға жиянига шундай деб қолди:

— Анави Умар менга сира ёқмайди-да. Унинг хатти-ҳаракатини диққат билан кузатиб бориш керак!

— Ким билади дейсиз, уни Суэцда учратамизми, йўқми?..— деб сўради Трегомен иккиланиб.

— Гапингни қара-ю!— ўдағайлаб берди Антифер тоға.— Зарур бўлгандан кейин у бизни ўша ерда ҳафталаб, ойлаб кутар!.. Ахир биргина мақсадда — қўлимдаги кенгликни ўғирлаш ниятида ҳатто Сен-Малогача бормадами ўша фирибгар?

— Назаримда, амаки, сиз ҳақсиз, ўша мисрлик нотариусга ишонмай тўғри қиласиз,— деди Жюэль.— Менимча, у бир пақирга, гумаштаси Нозим бўлса сариқ чақага ҳам арзимайдиган одамлар!

— Сўзингга батамом қўшилишаман, Жюэль,— деди Трегомен.— Бу Нозим гумаштага шунчалик ўхшамайдики, худди мен...

— ... худди сен театрдаги бош қаҳрамонга ўхшамаганинчалик!— деди Пьер-Серван-Мало, трубкасини ғажиб.— Йўқ, бу гумашта ҳужжатларни ёзиб-чизиш қўлидан келадиган одамга асло ўхшамайди... Эндиликда мен, башарти Мисрдаги оддий ҳаттотлар шпорли ва шопмўйлов бойларга ўхшайдилар дейишса, сира ажабланмайман... Французча билмагани ёмон экан... Тилидан илинтириб қолармидик...

— Тилидан илинтирардик дейсизми? Сўзларимга ишонаверинг, амаки, ростки нотариусдан ҳеч нимани

билиб ололмаган экансиз, унинг гумаштасидан тирноқча нарсани билиб ололмаслигингиз турган гап! Ундан кўра анави Соук масаласини бир ёқлик қилганимиз муҳимроқ, деб ўйлайман.

— Қанақа Соук?

— Анави сизни деб меросдан маҳрум бўлган, Ко мулк пошшонинг қариндошининг ўғли-чи?..

— Қани, йўлимга кўндаланг бўлиб кўрсинчи, аб-жағини чиқариб ташлайман!.. Васиятномада ҳаммаси очиқ-ойдин айтиб қўйилмаганми ахир? Хўш, шундай экан, ўша пошшолар авлоди нимани истайди биздан, нақ тилка-пора қилиб, пар-патини битталаб юлиб оларман!..

— Лекин, амаки...

— Э! Мен ундан анави Бинни Умардан кўра камроқ хавотирланаман, борди-ю, ўша ҳар хил ёзув-чи-зувлар саркори қиттак ишқал қиладиган бўлса...

— Эҳтиёт бўл, қария!— деди Жильдас Трегомен.— Нотариусни йўқотолмайсан!.. Бойликни излашда сени кузатиб боришга ҳаққи бор ва ҳатто биргалашиб оролга боришга мажбур у...

— Менинг оролимга, қайиқчи!..

— Ҳа, тўғри, сенинг оролингга. Васиятномада бу очиқ-ойдин битилган, сабабки, бойликдан унга бир пойизи, яъни миллион франк тегиши керак...

— Кетига миллионта тепки дегин!— хитоб қилди қизиққон малуин.

Бинни Умарга тегиши керак бўлган бу катта мукофот ҳақидаги фикр хаёлига келди дегунча Антифер тоғанинг одатдаги тажанглиги бешбаттар ортиб кетарди.

Суҳбатни шу топда Сан-Винсенти буруни билан яқингина қирғоқдаги қоялар орасида сузиб бораётган «Стирсмен»нинг қулоқни қоматга келтирувчи чинқириғи бўлиб юборди.

Капитан Сип қоя чўққисида жойлашган монастырга салом йўллаб ўтишни ҳеч қачон унутмасди — бу саломга жавобан эса монастыр нозирини ҳар доимгидек фотиҳа бериб, оқ йўл тилашга шошиларди: япасқи тепалик устида бир неча кекса монах кўринди, бу оқ йўл тилаб қилинаётган дуолар кузатувида пароход буруни ййлашиб ўтиб, жануби-шарқ томон йўл олди.

Кечаси, соҳил ёқалаб сузиб боришаркан, сафарчилар Қадиснинг милтиллаган чироқларини кўришди,

кейин Трафальгар бурунини ювиб турган кўрфазни ортда қолдиришди. Эрта тонгда Спартель бурунига ўрнатилган маякка қараб йўлларини тўғрилаб олиб, илгарилаб боришаркан, «Стирсмен» ўнг томондаги ям-яшил баргларга бурканган, милтиллаб кўзга ташланиб турган оппоқ биноларни, боғлар саф тортган гўзал Танжер тепаларини, чап биқинда эса бир-бирига мингашиб кетган Тариф тепалари сафини ортда қолдириб, Гибралтар бўғозига кириб келди.

Кейин капитан Сип Уртаер денгизи оқимидан фойдаланиб, параходни тезлик билан Марокаш соҳиллари сари бурди. Испан Гибралтарига ўхшаб қояга мингашиб олган Сеута ҳам кўзга чалиндию ортда қолди, жануби-шарқ томондаги яна битта бурун ёнидан ўтиб кетишди, йигирма тўрт соатдан сўнг эса Альборан ороли ҳам орқада қолди.

Кўз ўнгларида Африка соҳиллари намоён бўлганида сафарчилар мафтун бўлиб қолдилар. Кўзлари ўнгидан гизиллаб ўтиб турган бу манзарадан кўра кўркароқ, ранг-барангроқ, ундан сўлироқ ер бўлмаса керак, орқароқда арра тиши бўлиб денгиз қирғоғига бостириб келадиган қат-қат тоғ тизмалари, олдинда — тоғ чекинган ён бағирларда қад кўтарган, ям-яшил дов-дарахтлар билан қуршалган соҳил бўйи шаҳарлари тўсатдан кўзга ташланиб қолади. Бу ерлардагилар қиш нималигини билишмайди, иқлими ҳам илиқ-мулоғим, денгиз иқлими.

Қадрдон Ранс бўйлаб, Динар билан Динан оралигида юқоридан қуйига, қуйидан эса юқорига тинмай қатнаб юрган чоғларида у жойларнинг манзарасидан завқланишдан ҳеч қачон чарчамаган Трегомен қадрдон соҳилларини бу ернинг гўзал табииоти билан таққослаб кўрдимикин, унга тўғри баҳо бера олдиимикин? Чўққисиди қаср қад кўтарган конуссимон тепаликли Оранни, пастга қараб ярим донра шаклида пиллапоя сингарни тушиб келадиган Жазоирни, осмонўпар қоялар билан қопланган Ситорни, ярим замонавий, ярим қадимий бинолардан ташкил топган кўрфазнинг олис қирғоғига жойлашган Бон шаҳрини, Бужа, Филиппвиль шаҳарларини кўраркан кўнглидан қандай ҳислар кечди? Бир сўз билан айтганда, қаршида намоён бўлаётган мафтункор соҳилни кўриб Жильдас Трегоменнинг қалбида қандай ҳис-туйғулар жўш урди? Бу унинг ҳаёти-



даги энг ажойиб ва хотиридан кўтарилмас дамлар эди.

Ла-Кални ёқалаб бориб, Тунис қирғоқларидан узоқлашаркан, «Стирсмен» Бон буруни томон суза кетди. 5 март куни кечқурун қуёш қалин туман ортига яширинган онда оппоқ осмон фонида Карфаген тепалари бир дақиқагина кўринди. Тунга бориб, Бон буруни ортда қолгач, пароход Уртаер денгизининг шарқий қисми — Яқин Шарқ сувларига ўтди.

Об-ҳаво сузиш учун жуда қулай эди. Баъзи-баъзида шамол эпкини бостириб келиб қолар, бироқ тезда тўхтаб, яна мусаффо уфқ намоён бўларди. Ана шундай дамлардан бирида найзасимон Пантеллерия чўққиси кўзга ташланди. Бу қадимий, сўнган вулқон бир кун эмас, бир кун яна уйғониб қолиши мумкин. Умуман, Бон бурунидан тортиб то юнон ороллари гуруҳигача бўлган оралиқдаги сув туби вулқонли ерлардир. Бу оралиқда пайдо бўлган ороллар — Санторин ва таллайгина бошқалари — балки вақти билан янги ороллар гуруҳига айланар.

Шунинг учун ҳам Жюэль амакисига:

— Бахтимизга Комулк пошшо ўз бойлигини сақлаш учун шу ороллардан бирортасини танламаган экан,— деркан, гани тамоман асосли эди.

— Ҳа, бу бахт... Бағоят катта бахт!— деб жавоб берди Антифер тоға.

Менинг оролим ҳам юзаси ва тубидишини вулқоний кучлар таъсирида муттасил ўзгартиб турадиган, сув тубидан ўсиб чиққан ороллардан бўлса-я, деган фикрдан ҳатто ранги қув ўчиб кетди. Бахтига Уммон кўрфази бунақанги тасодифлардан мустаснодир. У ёқда ер ости силкинишлар бўлмайди, шунинг учун ҳам у географик координатлари кўрсатилган жойда бўлиши керак.

«Стирсмен» Гоццо ва Мальта оролларидан ўтгач, Миср соҳилларига яқинлаша бошлади.

Капитан Сип Искандарияни олисданоқ кўрди. Розетта билан Дамьетта оралиғида каналлари билан слинигич сингари ёйилиб кетган Нил дельтасини айланиб ўтиб, 7 март эрталаб кўмир ташувчи пароход Порт-Саидга етиб келгани ҳақида сигнал берди.

У пайтларда Суэц канали ҳали битмаганди. У ке-

малар қатнови учун 1869 йилдагина очилди. Шу боисдан пароход Порт-Саидда тўхташи керак эди. Бу французлар таъсири остида денгиз, канал ва Манзала ороли оралиғидаги камбаргина қумлоқ саёзликда барпо этилган, европача бинолар, томи чўққи учли боғ-уйлар, афсонавий қасрлар шаҳри эди. Канал қазишдан чиққан тупроқнинг бир қисми ботқоқликка сочилди, бир қисми кўтармаларга уйилиб, устига тош ётқизилди. Порт-Саидда черков, госпитал, кемасозлик корхонаси—ҳамма-ҳаммаси бор. Кўркам бинолар Ўртаер денгизига қараган, кўл эса ям-яшил оролчалар билан қопланган, улар орасида балиқчилар қайиқлари оҳиста сузиб юради. Икки юз ўттиз гектар майдонни эгаллаган кемалар турадиган чоғроққина рейд икки тўғон билан муҳофаза қилинган; улардан бири — ғарб томондаги маёқ қурилганининг узунлиги уч ярим минг метр келади, иккинчиси — шарқ томондагиси хийла қисқароқ — етти юз метр.

Антифер тоға ва унинг ҳамроҳлари капитан Сипга кўрсатган илтифоти учун чин дилдан миннатдорчилик билдириб, у билан қизгин хайрлашишди. Эртасига учовлари Порт-Саиддан Суэцга борадиган поездга ўтиришди.

Суэц каналининг битмаганини қаранг-а! Жюэль учун Суэцда сузиш қанчалар қизиқарли эди, Жильдас Трегомен эса, гарчи Амир ва Исмоилий кўлининг қиёфаси Динан билан Динарникига асло ўшамаса-да, ўзини Рансда сузаётгандек ҳис этармиди.

Хўш, Антифер тоға-чи?.. Бу мўъжизалар унда қанчалик таассурот қолдирдийкин? Виждонан айтганда, уни на табиат, на инсон даҳоси яратган мўъжизалар қизиқтира олди. Унинг учун бу иқлимда фақат биргина нуқта — Уммон кўрфазидаги оролчагина мавжуд бўлиб, кўзни қамаштирувчи бир маъдан каби унинг ақлу ҳушини тушовлаб қўйган эди...

Ҳозирги кунда географик жиҳатдан жуда муҳим мавқе турган Суэцдек шаҳарни кўришни истамасди. Аммо унинг кўзи вокзалдан чиқаверишда турган икки кишини дарров илғаб олди. Улардан бирови тилёғламалик билан ўта хушомад кўрсатган бўлса, бошқаси ўзини чинакам шарқликларга хос мағрур тутарди.

Булар Бинни Умар билан Нозим эди.

## ЎН БИРИНЧИ БОБ

*Жильдас Трегоменнинг ўз дўсти Антиферни ақлдан  
озаъзибди дегани*

Шундай қилиб, Қомулк пошшонинг васийси нотариус Бинни Умар ва унинг гумаштаси шартлашилган учрашувга етиб келишган эди. Улар бу учрашувни ҳеч қачон қўлдан бой бермасдилар ҳам! Уларнинг Суэцга етиб келишганига бир неча кун бўлган, малуин билан учрашувни қанчалик сабрсизлик билан кутишаётганини асти қўяверасиз!

Антифер тоғанинг ишораси билан Жюэль ва Жильдас Трегомен таққа тўхтаб қолишди. Учовлари ҳам ўзларини гўё суҳбатга берилиб кетиб ҳеч нимани пайқамаетган ва ҳеч нима қизиқтирмаётганга солдилар.

Бинни Умар одатдагидек хушомадкорона қиёфада бедана юриш қилиб улар ёнига келди.

Учовлари ўзларини уни пайқамаетганга солишди.

— Шундай қилиб, жаноб...— дейишга журъат этди нотариус иложи борича риёкорона ширинсуханлик билан.

Антифер тоға бошини буриб, худди биринчи марта кўраётгандек унга бошдан-оёқ бепарвогина разм солиб чиқди.

— Жаноб... бу менман... менман...— деб такрорларди Бинни Умар кетма-кет таъзим қилиб.

— Сиз... кимсиз ўзи?..

Унинг бу жавобидан: бошимга ураманми сени, эй тобутини ташлаб чиққан мисрнинг мўмиёли мурдаси, деган маънони англаш мумкин эди, холос.

— Ахир... бу менман-ку... мен... Бинни Умар... Искандариялик нотариусман-ку... наҳотки танимаётган бўлсангиз мени?..

— Биз бу жаноб билан танишмизми?— деб сўради Пьер-Серван-Мало трубкасининг учини тишлаганча ҳамроҳларига кўз қисиб.

— Назаримда,— деб жавоб берди Жильдас Трегомен ўзини йўқотиб қўйган нотариусга раҳми келиб,— бу киши биз бир карра учрашиш шарафига мушарраф бўлган жаноб Бинни Умар бўлсалар керак...

— Рост-а... ҳа, ҳа... рост...— деди Антифер тоға, гўё бир вақтлар бўлиб ўтган воқеани эслашга тиришаёт-

гандек.— Ҳа, ҳа, чамамда эслаётганга ўхшайман...

Бонни Умар... ёки Бинни Умар эди чоғи?

— Ижозатлари билан — Бинни Умар...

— Хўш, майли... хўш, бу ерларда нима қилиб юрибсиз?..

— Бу ерларда нима қилиб юрибсиз деганингиз нима? Мен сизни кутаётган эдим, жаноб Антифер.

— Мени кутаётган эдингиз...

— Албатта-да!.. Наҳотки унутган бўлсангиз?.. Суэцда учрашишга келишганимизни...

— Учрашиш? Нимага?— жавоб берди малуин ўзини бағоят таажжубланаётган қилиб кўрсатиб, ҳатто энг тажрибали нотариусни ёш боладай лақиллатаркан.

— Нимага деганингиз қанақаси?.. Қомулк пошшонинг васиятичи... анави орол... васият қилинган миллионлар-чи...

— Сизнинг оролингиз десангиз бўлармиди.

— Ҳа, сизнинг оролингиз... Чамамда хотирангиз тикланаётганга ўхшайди... шундай экан, васиятномада менинг зиммамга шундай бурч юкланадими...

— Худди шундай бўлади ҳам, жаноб Бинни Умар... Э, салом! Салом алайкум!

Шундай деб, хайр-маъзурни ҳам насия қилиб, Жюэль ва Трегоменга орқамдан юринглар дегандек елкаси билан ишора бериб, йўлга тушди.

Нотариус яна орқаларидан қувиб етганда, улар вокзалдан анча олислаб қолишган эди.

— Суэцда қаерга тушмоқчисизлар?— деб сўради у.

— Бирорта меҳмонхонага қўнармиз,— жавоб берди Антифер тоға.

— Мен гумашта Нозим билан тушган меҳмонхона тўғри келмайдими сизларга?

— Уми, бошқасими, мутлақо фарқи йўқ бизга... Бу ерда қирқ саккиз соат туриш учун бари бир...

— Қирқ саккиз соат дейсизми?— деб қайтариб сўради Бинни Умар ошкора безовталаниб.— Сафарингизнинг ниҳоясига етганингиз йўқми ҳали?..

— Асло,— жавоб берди Антифер тоға,— ҳали кемада сузишимиз керак...

— Сузишимиз керак?— хитоб қилди нотариус ва худди шу топда кема палубасида чайқалиб бораётгандек ранги ўзгариб кетди.

— Ҳа, Бомбейга жўнайдиган алоқа кемасида сузамиз...

— Бомбейга борадиган!..

— ... ва индинга Суэцдан йўлга чиқадиган кемада. Жанобларини бу саёҳатда иштирок этишга таклиф қиламан, зероки бу улфатчилик зиммамизга мажбуран юклатилгандир...

— Қасрда экан ўша орол ўзи?..— деб сўради нотариус умидсизлик билан.

— Қасрда турган бўлса, ўша ерда, жаноб Бинни Умар.

Сўнгра Антифер тоға Жюэль билан Трегоменни эргаштириб, энг яқин меҳмонхона томон жўнади, тезда энгил-елпигина юклари ҳам ўша ерга келтирилди.

Орадан бир дақиқа ўтмаёқ Бинни Умар Нозимнинг олдига қайтди. Сергакроқ одам сохта гумаштанинг нотариусни қандай илтифотсизлик билан кутиб олганини дарров фаҳмлаб олиши мумкин эди. Эҳ, падарига лаънат! Агар ўша миллионлардан унга бериладиган улуши бўлмаганида, агар Соук дағдаға қилиб юрагини олиб қўймаганида эди, ворисни ҳам, Комулк пошшонинг васиятини ҳам, қаердалигини излаб денгиз ва қитъаларни босиб ўтиши лозим бўлган ўша номаълум оролни ҳам жон-жон деб баҳридан ўтган бўларди-я!

...Башарти ҳозир бизнинг малуинимизга Суэцни бир вақтлар араблар Суайс, мисрликлар эса Клеопатрис деб аташган дейишса, у ҳеч иккиланмай:

— Илгарилари нима деб атаганларининг «менинг ишимга ҳеч қандай алоқаси йўқ!»— деб жавоб берган бўлурди.

Масжидларни, дарвоқе бир-бировидан унчалик фарқ қилмайдиган биноларни, икки ёхуд уч майдонни, улардан диққатга сазовори дон-дун бозорию, бир пайтлар генерал Бонапартнинг қароргоҳи бўлган, олд томони денгизга қараган уйни томоша қилиш фикри бу тўнг одамнинг ҳатто етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди.

Бироқ Жюэль Антифер тоғанинг аксича, бўш вақтларида бу бефайз, инфлос, ўн беш минг аҳоли яшайдиган кўримсиз шаҳарни айланиб чиқишга аҳд қилди.

Еш капитан Жильдас Трегомен билан биргалашиб, икки кунда ҳамма катта кўчаю тор кўчаларни айланиб

чиқишга, беш юз кема хотиржамгина лангар ташлаб тура оладиган Суэц кема тўхташ жойини текширишгача улгурди: Рейднинг чуқурлиги ўн олти-йигирма метр келарди, кемалар саёзга ўтириб қолади деб чўчимаса ҳам бўларди, бунинг устига йилнинг истаган палласида шимоли-ғарб томондан бостириб келадиган шамоллардан ҳам пана эди.

Канал қуришга қарор қилишдан аввал ҳам Суэц Искандария ва Қоҳирани боғлаб турган темир йўл орқали денгиз савдоси олиб борарди. Миср билан Синай ярим ороли оралигини ёриб қитъа бағрига бир юз саксон олти километр кириб борган шу номдаги кўрфазнинг ичкари соҳилига жойлашган Суэц Қизил денгиз ҳаётида ҳокимлик қилар ва гарчанд аста-секин бўлса-да, ўз равнақи сари дадил одимларди.

Бироқ, яна бир бор таъкидлаб ўтамизки, буларнинг бари Антифер тоғани заррача бўлса-да, қизиқтирмасди. Иккала ҳамроҳи шаҳарни кезиб юрган бир пайтда у сайргоҳга айланиб қолган ажойиб чўмилиш жойини деярли тарк этмади. Тўғри, Антифер тоға ўзини гоҳ Нозим, гоҳ Бинни Умар муттасил кузатиб, соядай эргашиб юрганини сезиб турди. Гарчи улар тоғага яқинлашмасалар-да, уни асло кўздан қочирмасдилар. У ҳам ўзини гўё ҳеч нимани пайқамаётганга соларди. Малунин ўз фикрларига ғарқ бўлиб, ҳарракда ўтираркан, мутлақо кўзга кўринмас нарсани илғаб оладигандек Қизил денгиз уфқидан нигоҳини узмасди. Гоҳо унинг тасаввури ўша фикрларига шунчалик тобе бўлиб қолардики, назарида оролни... ўз оролини кўраётгандай бўларди... оролча у ёқда... жануб томонда... олисдаги туман пардаси орасидан бўй чўзиб чиқаётганга ўхшаб кетарди... Бу ҳол мана шу қумлоқ соҳилларда тез-тез пайдо бўлиб турадиган ўзига хос бир сароб эди.

11 март куни эрталаб алоқа кемаси «Оксус» сафарга жўнаш гарадудини тугатиб, Ҳинд океани бўйлаб сузиш ва одатдагидек оралиқдаги портларга кириб ўтиш учун зарур бўлган кўмирни юклаб олди.

Антифер тоға, Жильдас Трегомен ва Жюэлларнинг каллаи саҳарлаб, Бинни Умар ва Соукдан аввал алоқачи кемага келиб олганларига ажабланмаса ҳам бўлади.

Бу каттакон алоқачи кема асосан савдо-сотик мол-

ларини ташишга мўлжалланган бўлса-да, йўловчиларни, аксарият Бомбейга борадиганларни ташишга ҳам мослашган эди; кемадагиларнинг озгинагина қисми Адан ва Маскатда тушишлари керак эди.

Эрталаб соат ўн бирда «Окус» лангар кўтариб, Суэц кўрфази бўйлаб йўлга чиқди. Кейинроқ ғарбдан эсадиган шимоли-ғарб шамоли турди. Бот-бот тўхтаб сузилгани сабабли саёҳат икки ҳафтадан кам давом этмаса керак, шунинг учун Жюэль тушки овқатдан сўнг ва кечаси кириб ухлашга учта йиғма каравотли каюта беришларини сўради.

Соук билан Бинни Умар ҳам, ўз-ўзидан аёнки, бошқа каютани эгаллашди. Бечора нотариус у ердай камдан-кам, шунда ҳам бир нафасгагина чиқиб қоларди. Антифер тоға ҳар икки томоннинг алоқасини иложи борича камайтирмоқчи бўлиб қўрс хушмуомалалик билан шўрлик нотариусга тушунтирди:

— Жаноб Бинни Умар, бирга саёҳат қиламиз, буни аниқ, илло ҳар ким ўз йўли билан боради. Мен ўз йўлимдан, сиз ўз йўлингиздан... Меросни қўлга киритганимнинг шоҳиди бўласиз-у, шу билан тамом-вассалом! Кейин, умид қиламанки, на бу дунёда ва на у дунёда учрашамиз!..

«Окус» қатор тепаликлар билан қопланган бўйинни паналаб кўрфаздан қуйи томонга бораркан, сафар худди кўлда сузиб бораётгандек осойишта давом этди. Бироқ, кема Қизил денгизга ўтиши билан Арабистон саҳроларидан эсадиган шамоллар бу осойишталикни алғов-далғов қилиб юборди. Биқин томондан шунақанги чайқалиш бошландики, йўловчиларнинг аксарияти беҳузур бўла бошлади. Бу чайқалиш Нозимга Антифер тоға билан Жюэль ва чучук сувларда сузувчи денгизчилар обрў-этиборини сақлаб қола олган Жильдас Трегоменлардан кўра ортиқроқ таъсир этмаганди чоғи. Нотариусга келганда эса, унинг қанчалар аянчли аҳволга тушганини тасвирлашдан ҳар қандай қалам ожиз эди. Бирон марта бўлсин у на палубада, на салонда ва на ошхонада қорасини кўрсатди. Умуман уни, бутун сафар давомида ҳеч ким кўрмади, фақат каютадан унинг оҳу ноласигина эшитиларди, холос. Дарҳақиқат, бу сафар пайтида унинг учун мўмиёланган мурдага айланиб қолгани минг карра маъқул эди. Бу бечорага раҳми келган оқ кўнгил Трего-

мен унинг ҳузурига бир неча бор кирди, бу ҳол ҳеч кимни ажаблантирмади, чунки бу одамнинг кўнгилчан ва меҳрибон эканлигини ҳаммалари яхши билишарди. Жильдас Трегомен у бечорага нисбатан Антифер тоғанинг кўнглида раҳм-шафқат ва ҳамдардлик ҳиссини уйғотмоқчи бўлса, тоға фақат елкасини қисибгина қўя қоларди, чунки тоға Бинни Умарнинг анави географик кенгликни билдирувчи рақамни билиб олиш учун қилган уринишларини асло эсдан чиқаролмасди.

— Хўш, қайиқчи,— дерди у бундай пайтда трубкасини гажиб ва оғзининг у бурчидан-бу бурчига олиб,— қалай, Умарингнинг ичак-чавоғи ағдарилиб кетмабди-ми ҳали?..

— Деярли шунга келиб қолибди.

— Ундай бўлса табриклайман сени!

— Қария, наҳотки уни кириб кўрмасанг... бир мартагина бўлса ҳам-а?..

— Албатта, қайиқчи, албатта!.. Албатта кириб кўраман уни... Фақат ичак-чавоғи ағдарилиб бўлгандан кейингина!

Ана шундай кўпол ва кулиб туриб жонингни оладиган бунақа одам билан қандай жиддий гаплашиб бўларди дейсиз!

Нотариус сафар мобайнида ўз ташрифи билан ҳеч кимнинг меъдасига тегмаган бўлса, унинг гумаштаси Нозим эса тез-тез Антифер тоғанинг гашига тегиб, асабини кўзғарди. Рост, Нозим ҳадеб унга суйкалиб илашавермасди... Асло! Дарҳақиқат, улар гаплаша олмаганларидан кейин бунинг нима ҳожати ҳам бор эди: Нозимни французчани билмайдига чиқариб қўйишганди-да, ахир... Лекин бу сохта гумашта доим яқин-орада ўралашиб юрган бўларди; худди хўжайинининг топширигини бажараётгандек малуинни зимдан кузатгани-кузатганди. Антифер тоға уни жон-жон деб денгизга улоқтириб юборган бўларди-я!.. Албатта мисрлик бундай муомала қилишларига индамайгина қараб турадиган одам бўлганида шундай қиларди.

Гарчи ҳали саратон кириб, чидаб бўлмас жазиралар бошланмаган бўлса-да, Қизил денгиздан сузиб ўтиш анча оғир эди. Бу паллада буғ қозонлари ёнида ишлашга арабларгина дош бера олиши ҳаммага аен— бир неча дақиқада тухум пишиб кетадиган бундай иссиққа фақат уларгина чидай оладилар.



15 мартда «Оксус» Бобул-Мандиб бўғозининг энг тор ерига етиб борди. Чап соҳилдаги инглизларга қарашли Перим оролини ортда қолдириб, учала француз Африка соҳилидаги Обок қалъаси теппасида ҳилпираб турган ўз юртларининг байроғига салом бериб ўтишди<sup>1</sup>. Сўнгра пароход Адан кўрфазига ўтиб, шу ном билан аталадиган портга томон сузиб кетди. Бу ерда бир неча йўловчи тушиб қолиши керак эди.

Адан бесаранжом, ҳамиша жонсарақ, серташвиш бека — Буюкбританиянинг белидаги Қизил денгиз калитлари шодасидаги яна бир калит эди. Иккинчи Гибралтарга айлантирилган Перим ороли соясида у Ҳинд океанига олиб чиқадиган, олти юз лье узунликдаги бу йўлакни ўз қўлларида тутиб турарди. Гарчи Аданнинг кема тўхтайдиган гавани аста-секин қум босиб, саёзланиб бораётган бўлса-да, ҳар қалай, шарқ томонида кемалар лангар ташлаши учун кенг ва қулай манзил, ғарбида эса бутун бошли флот жойлашадиган ажойиб док бор. Инглизлар бу ерга 1823 йили жойлашиб олишган. XI ва XII асрлардаёқ равнақ топа бошлаган бу шаҳарнинг қисматига шарқ мамлакатларидан келтириладиган буюмлар омборхонаси бўлиш битилган экан.

Уша оқшом Аданнинг ўттиз минг аҳолисига яна уч киши — уч француз қўшилди. Йигирма тўрт соат мобайнида Франция бу ерда ўзининг уч жасур малуин фуқароси билан намоён бўлди. Кемадан тушиш Антифер тоғанинг хаёлига ҳам келмади. У бу вақтни нотариус Бинни Умарнинг палубага чиқишига шароит туғдириб берган тасодикий тўхташни бўралаб сўкиш билан ўтказди. Бироқ, нотариус қандай аҳволга тушибди-я! Ё танграм! У кема қўйругига аранг етиб келди.

— Э-ҳа! Бу ўзларими, Бинни Умар жаноблари? — деди Пьер-Серван-Мало ясама жиддийлик билан. — **Вой-бў!** Мен ўзларини танимай қолибман-а!.. Сафаринининг охирига саломат етиб боришингиз амри-маҳолга ўхшайди ёв!.. Сизнинг ўрнингизда бўлганимда... Алданга қолган бўлардим...

— Мен ҳам жон-жон деб шундай қилардим-а! — деб пичирларкан шўрликнинг овози салгина ҳилпираб

---

<sup>1</sup> Бу ерда француз Сомалиси назарда тутилган.

ўтган шабададай аранг чиқди.— Бир неча кунгина ором олсам оёққа туриб кетардим... мабодо кейинги алоқа кемасини кутишга кўнсангиз, албатта...

— Минг афсус, жаноби Бинни Умар, ўзларига тегишли бўлган мўмайгина пулни қўлларига тутқазिशга ошиқяпман, шунинг учун яна минг бора афсуски, тўхтаб кутолмайман!

— Ҳали анча олисми?

— Олис ҳам гапми!— деб жавоб бераркан, Антифер тоға қўли билан ақл бовар қилолмайдиган узоқ масофани кўрсатди.

Шундан кейин Бинни Умар лангустадай<sup>1</sup> судралиб ўз каюгасига зўрга етиб олди, бўлиб ўтган бу суҳбатдан кейин тарвузи қўлтиғидан тушиб кетганди, албатта.

Жюэль билан Трегомен кемага пешинда қайтишди, Аданни сайр қилиб олган таассуротларини Антифер тоға билан ўртоқлашишди. Албатта, у бари бир гапларига қулоқ ҳам солмасди.

«Оксус» эртасига чошгоҳдан сўнг денгизга чиқиб олди, бироқ Ҳинд океани маъбудаси Амфитрита<sup>2</sup> уларни қучоқ очиб, меҳмондўстлик билан кутиб олгани йўқ, уни Жильдас Трегомен: «Амфитрюида»,— дерди. Маъбуда қайсар, инжиқ, сержаҳл бўлиб, бунини пароходдагиларга намоиш қила бошлаган эди. Бинни Умарнинг каютасида бўлаётган гаплардан яхшироқ мисолни топиб бўлмаса керак бунга! Башарти уни адёлга ўраб палубага олиб чиқиб, оёғига тўп ўқини боғлаб, юқорида зикр эгилган маъбуданинг қучоғига отмоқчи бўлганларида ҳам у ўзини бемавруд ажал чангалига ташлашларига қаршилиқ кўрсата олмаган бўларди.

Об-ҳаво уч кун деганда, шимоли-шарқдан шамол тургачгина яхшиланди, чунки пароходнинг Хадрамаут соҳилларини<sup>3</sup> паналаб сузиб боришига шароит туғилган эди.

Соук денгизда сузишнинг барча макрли бевафолиги

---

<sup>1</sup> Лангуста — каттакон денгиз қисқичбақаси.

<sup>2</sup> Амфитрита — юнон афсоналарида денгиз худоси Посейдоннинг хотини.

<sup>3</sup> Хадрамаут — Англиянинг Адан протекторатидаги тарихий музофот.

ва беқарорликларига осонгина чидаш бераётган, жисмоний томондан ҳеч қанча азоб чекмаётган экан, унинг руҳий ҳиссиёти тамоман ўзгача эканини фаҳмлаш унчалик мушкул эмасди. Аллақандай бир лаънати французга муте бўлса-ю, ундан орол сирларини билиб ололмаса, унинг орқасидан то.. токи сафари қаригунча эргашиб юришга мажбур бўлса!.. Қаерда тўхтаркин? «Оксус»нинг йўлида учрайдиган бирор портда — Маскатдами, Сурагдами ёки Бомбейдами, қаерда тўхтаркин?.. Агар малуин Маскатда тўхташ ниятида бўлса Ормуз бўғози орқали сузмасмикин?.. Борди-ю, Комулк пошшо ўз хазинасини Форс кўрфазидаги беҳисоб ороллардан бирортасига кўмган-у, малуин ўша ёққа кетаётган бўлса-чи?..

Бу мавҳумот ва мужмалликдан Соук ҳамиша дарғазаб бўлиб, асабийланиб юрарди. У бу сирни Антифернинг ичидан жон-жон деб суғуриб олишга тайёр эди. У французлар ўзаро гаплашишаётганда бир неча оғизгина сўзни илиб олишга озмунча уриндими! Ахир улар Соукни французчани билмайди деб ҳисоблашар, шу сабабли унинг олдида эҳтиёткорлик қилмасликлари ҳам мумкин эди-ку!.. Бироқ унинг барча уринишлари беҳуда эди... Худди ана шу сохта гумашта малуинларда айниқса шубҳа уйготарди. Унинг ташқи қиёфасида киши кўнглида нафрат уйготадиган аллақандай совуқ ва жирканч бир нарсаси бор эди. Унга нисбатан бўлган ана шундай ихтиёрсиз, ноаниқ сезгини Антифер тоға қанчалик ҳис этса, дўстлари ҳам ундан қолишмасдилар. Соукка кўзлари тушди дегунча нарироққа жўнаб қолишар, бу ҳол эса гумаштанинг баттар ғазабини қўзғаб, фиғонини оширарди.

«Оксус» 19 март эрталаб Арабистон соҳилидаги Марбатда тўхтаб, ўн икки соат турди. Кейин Уммон соҳилларини ёқалаб Маскат томон сузишда давом этди. Икки кундан кейин у Расул-Ҳад бурунини айлаиб ўтади. Орадан яна йигирма соат ўтгач, «Оксус» имомлик пойтахтига етиб боради ва Антифер тоға кўзлаган манзилига ташриф буюради.

Шунча йўл босгани етар, ахир! Маскатга яқинлашган сари малуиннинг тобора қош-қовоғи уюлиб ва одамовилашиб борарди. У ўз мулкига айланган олтин ва олмослар кўмилган оролга бутун вужуди билан интиларди. «Минг бир кеча»даги афсонани такрорла-

моқчи бўлган Комулк пошшонинг васияти билан ўзининг измига топширилган Али Бобонинг тилсимли ғори Антифер тоғанинг кўзи ўнгида хаёлан гавдаланарди.

— Биласизларми,— деди тоға ўша кун и ҳамроҳларига,— соддадил, олижаноб анави мисрликнинг бойлиги,— у Комулк пошшо ҳақида худди мерос қолдириб кетган америкалик амакиси ҳақида сўзлаётган жияндек бетакаллуф гапирарди,— агар у қўйма олтинлардан иборат бўлса, уни Сен-Малога олиб кетишда қийинчилик туғилиши мумкин.

— Ташвишингизга шерикман, амаки,— деди Жюэль.

— Менимча, иложини топамиз,— деб гап қистиришга журъат этди Жильдас Трегомен,— чамадопларимиз, чўнтақларимиз ва ҳатто, шляпаларимизга солиб олиб кетармиз.

— Худди қайиқчига ўхшаб мулоҳаза қиласан-а!— деб хитоб қилди Антифер тоға.— Бу киши миллион сўмлик олтинни қўлтиққа қистириб олиб кетмоқчилар!

— Менимча, қария, ҳалиги...

— Умрингизда миллионни, бунинг устига олтинни, кўрганмисан ўзи?

— Ҳеч қачон... ҳатто тушимда ҳам кўрмаганман!

— Унинг оғирлиги қанча бўлишини биласанми?..

— Тасаввур ҳам этолмайман.

— Мен биламан, эй қайиқчи, чунки эринмай ҳисоблаб чиққанман.

— Унда айт.

— Миллион сўмлик қўйма олтиннинг оғирлиги тахминан уч юз йигирма икки килограмм келади...

— Ундан оғирроқ эмасми?— деб сўради соддадиллик билан Жильдас Трегомен.

Антифер тоға унга қийғир қараш қилиб қўйди. Бу гапнинг ҳеч қанақанги киноя-пичингсиз айтилганига қаноат ҳосил қилгач, ўдагайлаб беришдан ўзини тийиб қолди.

— Илло,— давом этди сўзида у,— агар бир миллионнинг оғирлиги уч юз йигирма икки килограмм бўлса, унда юз миллионнинг оғирлиги ўттиз икки минг икки юз килограмм келади...

— Э-э!..— хитоб қилди Трегомен.— Қўй-э, опқочма бунча!

— Хўш, қани айт-чи, ҳар қайсиси юз килограмм-

дин кўтарганида бу юз миллионни ташиш учун қанча одам керак бўлади?

Гаширавер, қария, гапиравер...

— Уч юз йигирма икки киши кераг-а! Зероки биз бор-йўғи уч киши эканмиз, менинг оролимда қандай мушкулликлар бошимизга тушишини бир хаёлингга келтириб кўргин-а! Бахтимга менинг бойликларим асосан олмос ва қиммагбаҳо тошлардан иборат.

— Чиндан ҳам амаким ҳақ гапни айтяпти,— деб тасдиқлади Жюэль.

— Унда бу барака топгур Комулк пошшо ишни жуда боплаган экан,— деб қўшиб қўйди уларга Трегомен.

— Боплаганда қандоқ!— хитоб қилди Антифер тоға.— Олмосларни Париж ёки Лондон заргарларига пуллаш жуда осон... Жуда ажойиб савдо бўлади, дўстларим, роса зўр савдо бўлади!.. Илло, турган гапки, барини сотмайман... йўқ-йўқ, ҳаммасинямас!

— Нима, бир қисминигина сотасанми?

— Худди шундай, қайиқчи, шундай!— дея жавоб бераркан Антифер тоғанинг бети пир-пир учиб, кўзларидан учқун чақнаб кетди.— Худди шундай!.. Аввало, биттасини ўзимга олиб қоламан... миллион франк турадиганини... уни кўйлагимга тақиб юраман.

— Кўйлагимга тақиб юраман!— дея такрорлади унинг гапини Жильдас Трегомен.— Унда ҳамманинг кўзини қамаштириб юборасан-ку! Ундақада сенга қараб бўлмайди...

— Биттасини Эногатга қолдираман,— сўзида давом этди Антифер тоға — Уни тақиб юрса гул-гул очилиб кетади...

— Йўғ-э, амаки. Ҳозирги туришидан ҳам чиройли бўлиши мумкинми, ахир?— деб унинг гапини бўлди Жюэль шоша-пиша.

— Хўп, хўп, жиян, хўп... Учинчисини бўлса опамга бераман!

— Сулув Нанонимизга-я!— хитоб қилди Жильдас Трегомен.— У Поркон де ла Барбин кўчасидаги позанин хонимдан ҳам безаниб кетади-ку!.. Менга қара, табодо уни тагин бировга узатмоқчимасман?

Антифер тоға елкаларини учириб қўйиб, сўзида давом этди:

— Тўртинчи олмосни сенга бераман, Жюэль. Ажб-

йибини. Сен уни тўғнагичдек кўкрагингга тақиб юрасан...

— Раҳмат, амаки.

— Бешинчиси сенга, қайиқчи!

— Менга-а?.. «Гўзал Амелия»нинг тумшуғига қадаб қўйганими?..

— Йўқ, қайиқчи... сен уни бармоғингга тақиб юрасан... Узугингга... кагтакон кўз қилиб оласан...

— Қип-қизил сўлақмондай бармоғимга узук тақсам, жуда қизиқ бўлади-ку!.. Қашшоқ католик монахларига пайпоқ қанчалик ярашса, бу ҳам менга ўшанчалик ярашар дейман,— эътироз билдирди Трегомен, узук тақишдан кўра йўғон кема арқонини смолалашга мос баҳайбат қўлини кўрсатиб.

— Ҳечқиси йўқ, қайиқчи! Сени ёқтирадиган бирор та аёлни учратиб қолишинг мумкин ҳали...

— Кимни назарда тутяпсан, қария?.. Рост, сен-серванлик битта гўзал бева боққол бор...

— Боққол хотин, боққол хотин!..— унга қараб ўшириб берди Антифер тоға.— Мундоқ ўйлаб кўрасанми ўзи, ўша боққол хотининг Эногат шаҳзодага тегиб, Жюэль маликага уйлангач, бизнинг хонадонимизга қайси юз билан кириб келади!..

Шу билан суҳбат узилди, амакисининг ҳамон пуч, бўлмағур орзулар осмонида парвоз қилиб юргани ҳақида ўйларкан, ёш капитан оғир хўрсиниб қўйди... Борди-ю, бахтга қарши, ҳа-ҳа, айнан бахтга қарши, амакиси ўша миллионларни қўлга киритса, уни оқилона йўлга солиб бўпти!

— Мутлақо ақлдан озади, иш шундай давом этаверса тез кунда шунақа бўлади,— деди Жильдас Трегомен Жюэльга, икковлари ёлғиз қолишганда.

— Ана шунисидан кўрқаман-да!— деб жавоб берди Жюэль ўзича алланималар деб гўлдираётган амакиси томонга қараркан.

Икки кундан сўнг, 22 мартда «Оксус» Маскат портига етиб келди ва уч матрос Бинни Умарни каютадан кўтариб чиқишди. Е пирай, кимга ўхшаб қолибди-я!.. У худди скелетнинг ўзгинаси эди... ёхуд, аниқроғи, нақ мўмиёланган мурданинг ўзи эди, чунки бу бахти қаро нотариуснинг устихонига ёпишиб кетган терисигина қолганди.

## УН ИККИНЧИ БОБ

*Соққининг Комулк пошшо хазинасининг ярмига эга бўлиш мақсидида бу бойликнинг иккинчи ярмини қурбон қилишга қарор бергани*

Жюэль Жильдас Трегоменнинг илтимоси билан Маскатнинг қаерда жойлашганини харитадан кўрсатганда у ўз кўзларига ишонмади. Бизга маълум бўлган ва фақат Ранс бўйлаб қатнаган «Гўзал Амелия»нинг капитани шунча олис ерга... ҳа-ҳа, шунча олис ерга... Осиё соҳилларига келиб қолибди-я!

— Шундай қилиб, Жюэль, Арабистоннинг энг чеккасидамизми ҳозир?— деб сўради Трегомен кўзойнағини тўғрилаб қўяркан.

— Ҳа, жаноб Трегомен, Арабистон ярим оролининг жануби-шарқий чеккасидамиз.

— Манави воронкага ўхшаган қайси кўрфаз?..

— Бу Уммон кўрфази.

— Қўйнинг почасига ўхшагани-чи?

— Буниси Форс қўлтиғи.

— Уларни тугаштириб турган бўғоз-чи?

— У Ормуз бўғози.

— Дўстимизнинг орли қаерда?

— У Уммон кўрфазининг қаеридадир жойлашган.

— Башарти у чинданам бўлса!— деб қўйди Трегомен, Антифер тоғанинг эшитмаслигига қаноат ҳосил қилгач.

Эллик учинчи ва эллик еттинчи меридианлар билан йигирма иккинчи ва йигирма еттинчи параллеллар оралиғига жойлашган Маскат имомати узунлиги беш юз қирқ, эни икки юз саксон километрлик майдонни эгаллаган. Бунга яна Лористондан Моҳистонгача чўзилган камбаргина Форс соҳилини, Ормуз ҳамда Кистрим қирғоқларининг бир қисми; Африканинг экватордан Дельгаду бурунигача бўлган қисми — Занзибар, Малинди, Софала ҳам қўшилади. Агар шу ерларнинг ҳаммаси бирга қўшиб олинса, унда имоматга қарашли ер беш минг квадрат километрни ташкил этади — бу эса Франция эгаллаган майдонга етиб қолади. Ун миллионлик аҳолиси араб, форс, ҳинд ва кўпчиликни ташкил этган негрларга бўлинади. Бинобарин, имом бир қадар диққат-эътиборга сазовор ҳукмдордир.

«Оксус» Умсон кўрфази бўйлаб теграси қадимий феодал қасру саройларининг харобаларини эслатувчи баланд ва тик қоялар билан ўралган, гиёҳ унмайдиган дашти-биебон соҳилни ёқалаб Маскат томон сузиб борарди. Соҳилнинг сал ичкарироғида баландлиги беш юз метрга етadиган бир неча думалоқ тепалик осмонга бўй чўзиб турарди. бу денгиз сатҳидан уч минг фуг баландликка эга бўлган Жобил-Аҳбор тоғ тизмасининг бошланиши эди. Бу ўлка ерларининг ҳосил бермаслигидан таажжубланмаса ҳам бўлади, чунки уни суғорадиган бирон-бир серсув дарё йўқ эди-да, ахир. Шунга қарамай, ҳар қалай, бу ернинг олтмиш минг кишилик аҳолиси пойтахт Вилоят атроф-теварагидан олинadиган ҳосил ҳисобига эзиқ-овиат билан таъминланади. Маскат теvарагидаги беҳисоб узумзорлар, манго,<sup>1</sup> шафтоли, анжир, анорзорлар, лимон ва хурмозорлардан беҳисоб ҳосил олинади, полизларда мўл-кўл тарвузлар егишгирилади. Араб тупроғининг энг қимматли дарахти хурмо. Бу ерларда мулк-амлоқнинг баҳоси ва даромади хурмо дарахтларининг сонига қараб белгиланади ҳамда Францияда: «Икки ёки уч юз гектарлик участка» дейилганидек: «Уч ёки тўрт минг туп хурмоли амлок», деб гапиришади.

Имомат — аввало савдо-тижорат ишлари билан шуғулланадиган давлат эди, чунки имом фақат олий ҳукмдор ва шайхулисламгина бўлиб қолмай, ўз мамлакатининг бош савдогари ҳам эди. Унинг давлати ихтиёрида ҳажми ўттиз етти минг тонналик икки миңгача кемаси бор эди. Ҳарбий флоти эса юзлаб замбараклар билан қуролланган юзта кемадан иборат эди. Йигирма беш миң кишилик қўшинга эга эди. Имомнинг даромадига келсак, у йигирма уч миллион франкка етарди. Шахсан ўзининг бешта кемаси бўлишига қарамай, яна ўз фуқароларининг кемаларини ҳам ўз манфаати йўлида ишлатишга ҳақ-ҳуқуқли эди, бу эса унинг тижорат ишларини кенг кўламда олиб боришига имконият туғдирарди.

Ниҳоят имом 1507 йили д'Албукерки томонидан забт этилган, кейинроқ Португалия асоратидан қутул-

<sup>1</sup> Манго — тропик мамлакатларда ўсадиган, ширин ва хушбўй исли мева қиладиган дарахт. Меваси зарғалдоқ тусли бўлиб, катталиги олмадай келади.



ган давлатнинг ҳокими мутлақидир<sup>1</sup>. Бундан юз йил муқаддам ўз озодлигини қўлга киритган Маскатни инглизлар қўллаб-қувватладилар<sup>2</sup>, чунки улар Испания Гибралтари, Адан Гибралтари ва Перим Гибралтари қатори Форс кўрфазида ҳам яна бир Гибралтарга эришиш умидида эдилар. Бу тиришқоқ англо-сакслар, кўриниб турибдики, ер шаридаги барча бўғозларни «гибралтарлаштириш» ниятидага ўхшайдилар.

Қизиқ, Францияни тарк этишдан аввал Антифер тоға ва унинг ҳамроҳлари Маскат ҳақида сиёсий, саноат ва савдо-тижоратга оид бирор ахборот тўплаганмидилар?

Асло, бунга ҳатто ҳасмларига ҳам келтирмаган эдилар!

Бу мамлакат салгина бўлса-да, уларни қизиқтирармиди?

Мутлақо, зероки уларнинг бутун диққат-эътиборини шу кўрфаздаги оролчалардан биттасигина банд этганди.

Бироқ ўз сафарларидан фойдаланиб, гарчи умуман бўлса-да, бу мамлакатнинг ҳозирги аҳволи-шароити билан танишиш ниятлари йўқмикин?

Бор, зероки улар Арабистоннинг ана шу бурчидаги Франциянинг расмий вакили билан учрашишга қарор бергандилар.

Наҳотки Маскатда Франция вакили бўлса?

Ҳа, 1841 йили имом билан Франция ҳукумати ўртасида шартнома тузилгандан кейин вакил юборилган эди.

Бу ерда расмий Француз вакили бўлишининг нима ҳожати бор?

У тақдир тақозоси билан йўллари Ҳинд океани соҳилларига тушиб қолган ватандошларига зарур бўлган маълумотларни бериб туриш учун керак эди.

Пьер-Серван-Мало Француз вакили ҳузурига ташриф буюришни лозим топди. Дарҳақиқат, бу уч фран-

<sup>1</sup> А ф ф о н с у д' А л б у к е р к и (1453—1515) — португалияликларнинг Ҳиндистондаги умри қисқа мустамлакачилик империясига асос солган фотиҳ. Маскат португаллар асоратидан 1650 йилда халос бўлган.

<sup>2</sup> 1800 йилдан бошлаб Маскат инглиз сиёсий агентининг резиденцияси бўлиб қолади. Уша вақтдан эътиборан Оммонда ҳокимият аслида инглизлар қўлига ўтади.

цузнинг ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ Маскатда пайдо бўлиши яхши ташкил этилган, ҳушёр миршабхонанинг назарида шубҳа уйғотиши турган гап эди, улар бу ерга келишдан мақсадлари нима эканини ишонарли қилиб тушунтиришлари лозим эди, лекин ўз режаларини ошкор этмасликлари аён эди, албатта.

«Оксус» Маскатда қирқ саккиз соат тўхтаб тургач, йўлга тушиши ва Бомбей томон жўнаши керак эди. Антифер тоға, Трегомен ва Жюэллар кема бу ерга етиб келиши биланоқ қирғоққа тушишди. Нозим билан Бинни Умарга эътибор ҳам беришмади, албатта. Нотариус билан унинг гумаштаси французларга бемалол эргшиб боришлари ва Уммон кўрфазидаги оролни излашга тушишлари биланоқ уларга қўшилишлари учун тўлиқ имконият берилган эди.

Антифер тоға олдинда, Жюэль ўртада, Жильдас Трегомен ортда ўша замон Вавилонининг<sup>1</sup> хиёбон ва кўчаларидан юриб, йўл бошловчи орқасидан инглиз меҳмонхонаси томон шошилиб боришарди.

Юклари ҳам орқаларидан келаётганди. Сен-Малодан сотиб олинган сексгант билан хронометрни, айниқса хронометрни, жуда авайлашарди. Ҳатто тахтиравондаги муқаддас инъомларни ҳам бунчалик эҳтиром билан олиб борилмасди. Антифер тоға эса хронометрни шахсан ўзи авайлаб кўтариб олган эди. Ахир бир ўйлаб кўринг-а: ўша машҳур орол жойлашган географик узунликни аниқлашга ёрдам берадиган асбоб-ку бу! Уни ҳар куни қандай аниқлик билан бурашганини қўяверасиз! Унинг аниқ юришига зарар етказиши мумкин бўлган силкинишдан сақлаш учун қандай эҳтиёт чораларини кўришмади дейсиз. Париж вақтини сақлаш лозим бўлган бу асбобга бизнинг малуни-нимиз шу қадар гамхўрлик қилдики, ҳеч бир эр зоти икки дунёда ўз хотинига бунчалар гамхўрлик қилмаса керак.

Маскатга тушган Трегомен ўзини бу ерда кўриб,

---

<sup>1</sup> Вавилон — қадимий шаҳар, забур ривоятларига кўра бу шаҳарнинг аҳолиси осмонга етадиган минора қурмоқчи бўлишган, бундан худонинг қаҳри келиб, уларнинг тилларини бир-бирови тушунмайдиган аралаш-қуралаш қилиб юборган эмиш, шундан кейин минора чала қолган эмиш. Бу ерда Вавилон аҳолиси турли-туман тилда гаплашадиган шаҳар маъносига келтирилган.

худди Людовик XIV нинг саройига тўсатдан кириб қолган Генуя дожидай анг-танг бўлиб қолди.

Меҳмонхонадан ўзларига хона танлаб олганларидан кейин саёҳатчиларимиз Франция вакили ҳузурига жўнадилар. У бўлса ўз остонасида уч ватандошини кўриб суюнганидан ҳайратда қолди.

Бу киши эллик ёшлар чамасидаги Жозеф Бард исмли прованслик эди. У пахта, газмол, ҳинд рўмоллари, хитой шоҳилари, зарбоф — хулласи Шарқнинг бадавлат кишилари эҳтиёжи зўр бўлган буюмлар билан савдо қиларди.

Башарти француз французникига, бунинг устига прованслик қадам ранжида қиладиган бўлса ҳеч қанча вақт ўтмаёқ иноқлашиб оладилар.

Уй эгаси улар билан қўл олишиб кўришиб, муздеккина оромбахш ичимликлардан таклиф қилгандан кейин, меҳмонлардан бу саёҳатдан мақсадлари нима эканини сўради.

— Бу ерга ватандошларим камдан-кам таъриф буюрадилар,— деди у.— Сизларни ўз уйимда кўриб бошим осмонга етди, жаноблар. Бутун вужудим билан хизматларингизга ҳозирман.

— Меҳмондўстлигингиздан бағоят хурсандмиз,— деди Антифер тоға,— башарти бизга бу мамлакат ҳақида баъзи бир маълумотларни сўзлаб берсангиз катта илтифот кўрсатган бўлардингиз.

— Оламни кўриш, томоғида қилиш мақсадида саёҳат қилиб юрган бўлсаларингиз керак-а?..

— Бунга ҳам ҳа, ҳам йўқ деб жавоб берсак бўлади, жаноб Бард. Учаламиз ҳам денгизчилармиз. Жияним Жюэль — олисга сузадиган кема капитани, Жильдас Трегомен — «Гўзал Амелия»нинг собиқ командири.

Бу сафар Трегоменни таажжубга солган нарса шу бўлдики, Антифер тоға габара ҳақида гўё фрегат ёки ҳарбий кема ҳақида гапираётгандай сўзлади.

— Ўзим бўлсам яқинга, қирғоқ бўйлаб қатнайди-ган кема капитаниман,— деб қўшиб қўйди Антифер тоға гурур билан.— Сен-Малодаги салмоқли фирмалардан бири ё Маскатда, ёхуд Уммон, ёки Форс қўлтигидаги бирон портда ўз бўлимига асос солиш учун ваколат берган.

Жозеф Барднинг хаёлига, бу ишга қўшилсам катта фойда оламан, деган фикр келди.

— Капитан,— деди у,— бу ниятларингизни олқишлайман ва режаларингизни ниҳоясига етказишда ёрдам беришга тайёрман.

— Ундай бўлса,— деди Жюэль,— бизга маслаҳат берсангиз: савдо идорамизни Маскатда очганимиз маъқулми ёки соҳилга жойлашган бирор бошқа шаҳардами?

— Маскатда бўлгани маъқулроқ, албатта,— деб жавоб берди вакил.— Бу портнинг аҳамияти кун сайин ортиб борапти, чунки у Эрон, Ҳиндистон, Маврикий ва Реюньон<sup>1</sup> ороллари, Занзибар ҳамда Африка соҳилларидаги мамлакатлар билан савдо қилади.

— Бу ердан қандай буюмлар четга чиқарилади?— деб қизиқсинди Жильдас Трегомен.

— Хурмо, майиз, балиқ, олтингугурт, гуммиарабик (дарахт елими), копал<sup>2</sup>, тошбақа косалари, каркидон шохи, ўсимлик мойи, кокос ёнғоғи, гуруч, жўхори, қаҳва ва маҳаллий аҳоли тайёрлайдиган ширинликлар четга чиқарилади...

— Ширинликлар дейсизми?— деб қайтариб сўради Трегомен оғзидан суви келиб.

— Ҳа,— дея жавоб берди Жозеф Бард,— ширинликлар, бу ерда ҳолва дейиладиган ширинлик асал, шаккар, дондан олинган оқсил ва бодом мағзини қўшиб қайнатиб тайёрланади.

— Қани энди ўша мазали ширинликдан бир тотиб кўрсам, дўстларим..

— Хоҳлаганингча тотиб кўравер!.. Илло,— деб гапини давом эттирди Антифер тоға,— ишга қайтайлик. Биз Маскатга ҳолва еб маза қилгани келганимиз йўқ. Жаноб Бард илтифог кўрсатиб, четга чиқариладиган асосий буюмларни айтиб беришга розилик бердиҳар..

— Бунинг устига Форс қўлтиғида олиб бориладиган марварид овини қўшиш керак,— деди вакил,— бу ов йилига саккиз миллион франккача даромад келтиради...

Бу гапни эшитган Антифер тоғанинг афти қандай бужмайганини бир кўрсангиз эди! Юз миллион франклик қимматбаҳо тошлари бўлган одам йилига саккиз

<sup>1</sup> Маврикий ва Реюньон — Ҳинд океанидаги Маскарен группасига кирувчи ороллар.

<sup>2</sup> Копал — ўсимликлар турига кирувчи ердан қазиб олиннадиган қатрон, юқори сифатли лок олишда ишлатилади.

миллион франк даромад келтирадиган марварид қидиришдек ишни назарга илармиди!

— Рост,— деб сўзида давом этди Жозеф Бард,— марварид савдоси батамом ҳинд савдогарлари қўлида, улар рақобатга йўл қўймайдилар.

— Ҳатто Маскатдан ташқарида ҳам-а?— деб сўради Жюэль.

— Ҳа, ҳатто Маскатдан ташқарида ҳам, яна шуни айтиб қўяйки, бу савдогарлар... ҳорижий юртлардан келганларга кўз олайтириб қарайдилар.

Жюэль бундай жавобдан фойдаланиб, суҳбатни бошқа томонга буриб юборди.

Имоматнинг пойтахти 50°20' шарқий узунлик билан 23°38' шимолий кенглик оралиғида жойлашган. Оролнинг координатларини эътиборга олинса, уни худди шу ердан излаш керак. Асосий масала малунин савдо идораси учун қулай жой топиш баҳонаси билан Маскатдан чиқиб олиш эди. Шунинг учун Жюэль Маскатда жойлашишдан аввал бошқа ерларни ҳам бориб кўрсак маъқул бўларди, деди ва бу атрофдаги соҳилга жойлашган шаҳарлардан яна қайсилари имоматга қарашини сўради.

— Оммон,— деб жавоб берди Жозеф Бард.

— Маскатдан шимолдами у?

— Йўқ, жануби-шарқиди.

— Шимоли ёки шимоли-ғарбида-чи?

— Муҳимроғи Ростак.

— Кўрфаз ёқасидами?

— Йўқ, мамлакат ичкарисиди.

— Соҳилда-чи?

— Сохор.

— Бу ердан анча олисдами?

— Тахминан икки юз километрча нарида.

Жюэль бу жавоб жуда муҳим дегандек амакисига кўз қисиб қўйди.

— Ҳалиги... Сохор савдо шаҳрими?

— Ҳа, савдо шаҳри. Баъзан, аъло ҳазратларининг хаёлига келиб қолганда ўша ерда вақт ўтказадилар...

— Аъло ҳазратлари дедингизми?— қайтариб сўради Жильдас Трегомен.

Афтидан, имомни Туркия султониغا тегишли бўлган бу унвон билан улуғлагани Трегоменга ғалати

туюлганди Жозеф Бард имомни шундай деб улуғлаш-ни ҳурмат аломати деб биларди.

— Аъло ҳазратлари ҳозир Маскатдалар,— деб қўшиб қўйди у,— жойлашадиган шаҳарни танлаб бўлганларингдан кейин, рухсат олиш учун унга мурожаат қилишинглар лозим.

— Умид қиламанки, аъло ҳазратлари илтимосимизни рад этмас?— деб сўради малуин.

— Аксинча,— деди вакил,— аъло ҳазратлари ўз манфаатларини кўзлаб хурсанд бўлади.

Антифер тоға шоҳона тортиқ қилишга тайёр эканини англамоқчи бўлиб илжайиб қўйди.

— Сохорга қандай борган маъқул?— деб сўради Жюэль.

— Карвон билан.

— Карвон билан!..— хитоб қилди Трегомен безовталаниб.

— Ҳа,— давом эгди Жозеф Бард,— бу юртда темир йўл у ёқда турсин, ҳали ҳатто дилижон ҳам йўқ. Бу ерларда, агар пиёда юргилари келмаса, икки гилдиракли извошда ёки хачир миниб юришади...

— Бунақа карвонлар тез-тез йўлга чиқиб турмаса керак-а?— деб сўради Жюэль.

— Аксинча,— деди вакил,— Маскат билан Сохор орасидаги савдо жуда қизгин, худди эртага...

— Эртага дейсизми?— деб унинг гапини бўлди Антифер тоға.— Жуда соз! Демак, эртага карвонга қўшилиб йўлга тушарканмиз-да!

Карвон билан йўлга чиқиш Жильдас Трегоменга ёқмади, унинг нуроний юзи буришди. Бироқ у Маскатга ўз дўстига гап қайтариш учун келмаганди, шу боисдан ҳар қандай қийинчиликларга қарамай, хоҳласа-хоҳламаса сафарга чиқишга кўнишга мажбур эди.

Шундай бўлса-да, Трегомен Маскатдан Сохорга қилинадиган сафар борасидаги баъзи мулоҳазаларни ўртага ташламоқчи эканини айтди.

— Майли, гапир,— деб рухсат берди Антифер тоға.

— Гап бундай,— деди Жильдас Трегомен,— учаламиз ҳам денгизчилармиз-а, шундай эмасми?

— Ҳа, учовимиз ҳам,— деб тасдиқлади унинг гапини Антифер тоға, лекин ўзини тутиб туролмай, «Гўзал Амелия»нинг собиқ эгасига мугомбирона кўз қисиб қўйди.

— Мен тушунолмай қолдим,— деб сўзини давом этдирди Трегомен,— шундай экан, нега энди Сохорга денгиздан бора қолмаймиз-а. Икки юз километр... мустаҳкамгина кемада...

— Рост, нимага шундай қилмаймиз?— унинг гапини маъқуллади Антифер тоға.— Жильдас ҳақ. Шунда вақтдан ютамиз...

— Шубҳасиз,— деб жавоб берди Жозеф Бард,— лекин бу баъзи бир хил хатардан холи бўлганида, мен ҳам авваламбор шуни маслаҳат берган бўлардим...

— Қанақа хатар?— деб сўради Жюэль.

— Биласизларми, жаноблар, Уммон кўрфази унчалик хатарсиз эмас. Бирорта катта савдо кемасида, кўпчилик билан бирга кетганларингда ҳеч нимадан чўчимаса бўларди...

— Чўчимаса бўларди?— деб шанғиллади Антифер тоға.— Бўрондан чўчирканмизми? Пўртанадан кўрқиш керагаканми?..

— Йўқ, Ормуз бўғозида тўсатдан пайдо бўлиб қоладиган денгиз қароқчиларидан...

— Минг лаънат!— беихтиёр оғзидан чиқиб кетди малуиннинг.

Хавотирланишида жон бор эди. У бойликларини олиб қайтаётганда қароқчиларга йўлиқиб қолишдан чўчиганди.

Вакил огоҳлантириб қўйгач, сафарчиларимиз оқилана қарорга келдилар: башарти денгиз орқали орқага қайтолмас эканлар, у ёққа денгиздан боришнинг ҳам ҳожати йўқ. Уша ёққа кетадиган карвонга қўшилиб боришади-ю, бошқасига қўшилиб қайтишади, ана шунда сафарлари бехатар бўлади. Шу сабабли Жильдас Трегомен карвонга қўшилиб йўлга тушишга мажбур бўлди-ю, аммо нимага ўтириб ёхуд нимага миниб бораркинман деган ўй кўнглини ғаш қилиб қўйди.

Шу билан суҳбат тугади.

Учала француз ҳам ҳамюртлари билан қилган суҳбатларидан мамнун эдилар. Вакилга қайтганларидан кейин ҳузурига албагга киришларини... уни ҳамма ишдан хабардор этиб туришларини ва фақат унинг маслаҳати билан иш кўражакларини айтишди... Гап орасида айёр Антифер тоға ҳатто улар таъсис этадиган савдо идораси катта-катта савдо ишларини бажаража-

гини, бунинг вакил ҳамёнига ҳам нафи тегиши мумкинлигини қистириб кетди.

Меҳмонлар билан хайр-маъзур қиларкан, Жозеф Бард уларга аъло ҳазратлари ҳузурига ташриф буюришларини маслаҳат бериб, бундай эътиборли ҳорижий дўстлар учун шахсан ўзи рухсат олишга уриниб кўражагини айтди. Шундан кейин юқорида номлари зикр этилган ҳурматли зотлар меҳмонхонага қайтишди.

Бу орада ўша меҳмонхонанинг хоналаридан бирида Бинни Умар билан Нозим ўртасида кенгаш борарди. Бу кенгаш Соукнинг қўполдан-қўпол ҳақоратлари ва дўқ-пўписалари остида ўтаётганини англаш мушкул эмасди, албатта.

Сохта гумашта билан нотариус Маскатга етиб олишди. Жуда соз. Бироқ улар сафарларининг ниҳояси Маскатми, йўқми, билишмасди. Антифер тоға яна йўлда давом этмасмикин? Бор гапни Антифер тоғадан айнан у, шу аҳмоқ Умар билиб олиши зарур, чунки нотариуснинг буни сўрашга ҳаққи бор-ку, ахир. Лекин у ўзининг сохта гумаштасидан ортиқроқ нарса билмасди.

— Одам йўлда ўлат теккан ҳайвондай мадордан кетиб қолса, бунинг оқибати ана шунақа бўлади! Соғлом, тетик бўлишнинг қанчалик зарур эканлигини наҳотки тушунмасанг?!

Нотариус ҳам худди шундай фикрда эди. Албатта, ўша фирибгар француз билан гаплашиб, унинг сирини, бойликларнинг қаерга кўмилганини билиб олиш керак эди...

— Хотиржам бўлинг, жаноби олийлари,— деди у,— мен шу бугуноқ Антифер билан учрашиб, ҳаммасини билиб оламан. Фақат, яна пароходга тушмасак бўлгани!..

Комулк пошшо меросхўрининг бойликини қаердан изламоқчи эканини билши, ҳар қалай, ишга халал бермаслиги лозим. Ахир васийнинг ҳозир бўлиши васиятномада қайд қилинган-ку, башарти бу васий Бинни Умар экан, шубҳасиз Антифер тоға очиқ жавоб беришдан бўйин товлаёлмайди. Аммо оролча топилиб, ўша учта бочкача ердан ковлаб олингач, Соук уларни эгасидан қандай тортиб олмоқчи? Нотариус билан бўлган суҳбатларда тез-тез ана шу савол туғулар, нима деб жавоб беришини ўзи ҳам билмагани сабабли



Соук ҳамма вақт индамай қўя қоларди. Лекин Соук бу бойликни ўзиники деб ҳисоблар, уни Комулк пошшо аллақандай бир чет элликка васият қилиб қолдириб, бу бойликдан мени ноҳақдан-ноҳақ жудо қилган деб ҳисоблар ва бойликни қўлга киритишда ҳеч нарсадан тоймаслиги шубҳасиз эди. Худди ана шу нарса нотариусни ҳамма нарсадан кўра кўпроқ чўчитарди, бу ювош, қўрқоқ одам ҳамма иш осойишта, ҳеч қандай зўрликсиз битишини маъқул кўрарди. Бошқаларни қўя-веринг-у, лекин у Соук жанобларининг инсон ҳаётини пашшачалик кўрмаслигини жуда яхши биларди. Бироқ, энг муҳими учала малуин ортидан қадам-бақадам эргашиб юриш, қидирув пайтида уларни кўздан йўқотмаслик, хазинани ковлаш вақтида устида бўлишдир. Хазина қўлга киргач эса шароитга қараб иш тутиш керак.

Соук шундай қарорга келаркан, Бинни Умарни минг турли дўқ-пўписалар билан кўрқитиб, бундан-буёнги ҳодисаларнинг боришидаги бутун масъулиятни унинг зиммасига юклади. Кейин Соук бечора нотариусга Антифер тоға меҳмонхонага қайтиши биланоқ, фурсатни бой бермай, у билан гаплашишни қатъиян буюриб, чиқиб кетди.

У кечқурун қайтди. Антифер тоға хаёлан бу ердан бир неча ўн километр наридаги, Сохорнинг шарқ томонидаги ороли яшириниб ётган жойларда сайр қилиб юрган бир пайтда Жильдас Трегомен билан Жюэль Маскат кўчаларида ҳузур қилиб тентирашарди. Тоғадан имоматнинг пойтахти қандай таассурот қолдирганини, кўчалар гавжумми, йўқми, дўконлар олдида харидорлар кўпми, бу ерда яшовчи миллатлар — араблар, ҳинд ва эронларнинг ўзига хос хусусиятлари нима экан, деб сўраш бефойда бир гап эди, албатта. У ҳеч нарсани кўришни ҳам, билишни ҳам истамасди. Лекин Жюэль билан Трегомен ўзининг шарққа хос фазилаг ва хусусиятларини сақлаб қолган бу шаҳарни зўр қизиқиш, завқ-шавқ билан гомоша қилишарди. Турлитуман, ранг-баранг буюмлар—саллаликлар, белбоғлар, жун чакмону ип газламалар, сирланган ва ярқираб кўзни қамаштирадиган катта-катта хуму кўзалар уюлиб ётган дўконлар олдида тўхтаб ўтишарди. Бу чиройли, ажойиб буюмлардан кўзи қамашаркан, Жюэль ичида, буларни Эногат бир кўрса роса қувонарди-да,

деб ўйларди. Бундай моҳирлик билан ясалган нозик безагу тақинчоқлар қанчалар ҳузур бағишларди-я унга! Бу оддийгина совғалар тоғанинг олмосларидан кўра ортиқроқ суюнтирмасмиди уни?

Жильдас Трегомен ҳам худди шу ҳақда ўйларди. Гўё ёш дўстининг хаёлидагини уқиб олаётгандек:

— Кел, манави маржонни оламыз, қайтиб борганимиздан кейин уни жажжи қизимизга совға қиласан,— деди у.

— Қайтиб борганимиздан кейин!— деб такрорлади Жюэль хўрсиниб.

— Манави узукни ҳам оламыз. Чиройлигини қара!.. Нега энди битта узук оларканмиз? Ўнтасини оламыз! Унинг ҳар битта бармоғига биттадан тақиб қўямиз...

— Нималарни ўйлаётганин шу топда бечора Эногатим?— деб пичирлади Жюэль.

— Албатта сени-да, бўтам! Фикри-ёди ҳамиша сенда бўлади.

— Бизни юзлаб лье келадиган ҳижрон жарлиги ажратиб турибди!..

— Айтгандай,— унинг гапини бўлди Трегомен,— жаноб Жозеф Бард бизга роса мақтаган анави ҳолвадан бир кўзасини унга олишни эсдан чиқармасак бўлгани!..

— Лекин,— эътироз билдирди Жюэль,— аввал ўзимиз тамини тоғиб кўриб, кейин олганимиз маъқул эмасмикин...

— Йўқ, бўтам, йўқ!— дея эътироз билдирди Жильдас Трегомен ҳам.— Мен бу ширинликни биринчи бўлиб Эногат ейишини истайман.

— Борди-ю, унга ҳолва ёқмасачи?

— Ёқади, чунки уни сен олиб борасан, бунинг устига шунча олис жойдан олиб борасан-а!

Гарчи на Сен-Малодаги, на Сен-Сервандаги, на Динардаги аёлларнинг бриортаси Трегомен хоним бўлишни ҳатто хаёлига келтирмаган бўлса-да, бу ажойиб одам ёш қизларнинг қалбини жуда яхши биларди...

Қисқаси, улар имомат пойтахти бўйлаб қилган сайлларида асло афсусланишмади. Бу шаҳарнинг озодлиги ва батартиблигига кўпгина Европа шаҳарлари ҳавас қилса арзигудек эди, албатта уларнинг она шаҳри Сен-Мало мустасно бундан. Антифер тоғанинг фикрича у дунёдаги энг яхши шаҳар эди.

Бундан ташқари, Жюэль кўчаларда изғиб юрган, яхшигина таълим олган, ниҳоятда сергак миршабларни аллақачон пайқаб олганди. Улар талайгина эди.

Миршабхона изқуварлари Маскатга келиб, келиш сабабини баён этмаган ҳар бир муҳожирнинг босган қадамини назардан қочирмасдилар. Баъзи бир Европа мамлакатларидаги паспорт талаб қилиб, ўринсиз савол-жавоб уюштириб, бўлар-бўлмасга тергайдиган полициянинг аксича, бу ернинг миршаблари, афтидан, улар қаерга бормасин учала малуиннинг ортидан индамайгина кузатиш билан кифояланардилар, холос. Дарҳақиқат, бу ернинг удумига кўра, имомат тупроғига қадам қўярканлар, имомни ўз режаларидан хабардор этмай туриб, уларнинг бу мамлакатни тарк этишлари амри маҳол эди.

Ҳайтовур Антифер тоға буни хаёлига ҳам келтирмасди, йўқса ўз мақсадининг оқибати хунук бўлишидан хавотирга тушиб қолган бўлармиди. Ўз манфаати йўлида жон куйдирувчи аъло ҳазратлари Уммон кўрфазидаги оролчада ётган юз миллионлик хазинани олиб чиқиб кетишга ўла қолса изн бермас. Агар Европа давлатлари ўз тупроғидан топилган хазинанинг фақат ярмини олиб қоладиган бўлса, осиелик ҳукмдор (унинг ўзи давлат ҳамдир) сира иккиланмай барини олиб қолади.

Антифер тоға меҳмонхонага қайтиши биланоқ, Бинни Умар ўринсиз бир савол беришга журъат этди. У эшикни астагина қия очиб, тилёгламалик билан сўради:

— Бир нарсани билишга рухсат этсангиз...

— Нимани?

— Жаноб Антифер, сиздан бир нарсани, энди қайси томонга боришимизни сўрамоқчийдим.

— Биринчи кўчадан ўнгга, иккинчисидан чапга, кейин тўппа-тўғрига...

Шундай деб Антифер тоға эшикни тарақлатиб ёпиб қўйди.

### УН УЧИНЧИ БОБ

*Жильдас Трегоменнинг „сахро кемасида“ муваффақиятли „сузгани“*

Эргасига, яъни 23 март куни тонг энди зар кокилни тарай бошлаган паллада карвон имомат пойтахтидан чиқиб, соҳил бўйлаб йўлга тушди. Ҳа, чинакам

карвон! Трегомен Иль ва Вилен вилоятларида бунақа карвонни кўрмаганди. У буни Жюэлга очиқ кўнгиллик билан айтаркан, йигит сира ажабланмади. Карвонда юз чоғли араб ва ҳиндлар, тахминан ўшанча юк ортилган улов бор эди. Бунчалик кўпчилик бўлиб йўлга чиқилганда қуруқлик қароқчиларининг, улар ҳар қалай денгиз қароқчиларидан хавотирлироқ бўлмасаларда, тўсатдан ташланиб қолиши эҳтимолдан холи эди. Саёҳатчиларимизга вакил илгарироқ айтганидек, ерликлар орасида бир неча савдогар ажралиб турарди. Афтидан Сохорга чорловчи ўз ишлари ташвишида кетаётган улгуржи тижорат билан шуғулланувчи маҳаллий савдогарлар ҳеч қандай дабдабасиз, хотиржамгина боришарди.

Муҳожирларга келсак, улар уч француз — Антифер тоға, Жюэль, Жильдас Трегомен ва икки мисрлик — Нозим ҳамда Бинни Умардан иборат эди.

Иккала мисрлик шоша-пиша карвонга қўшилгандилар албатта. Антифер тоға эртага йўлга чиқиш ниятида эканини улардан яширмаган эди, шунинг учун мисрликлар ҳам йўл тадорикини кўриб қўйишга улгурган эдилар. Ўз-ўзидан маълумки, малуин заррача бўлсада, Бинни Умар ва унинг гумаштаси ташвишини қилмасди. Хоҳласалар, орқаларидан боришлари мумкин — тоғанинг улар билан асло иши йўқ.

Антифер бу одамларни танишини сездирмасликка қатъий аҳд қилганди. Карвонга қўшилган Нозим билан Бинни Умарга кўзи гушаркан, ҳатто саломлашмади. Трегомен эса тоғанинг хўмрайиб қўйганини кўриб мисрликлар томонга ўгирилиб қарашга ҳам ботинолмади.

Юклар ортилган ва одамлар миниб бораётган уловлар уч турдан: туя, хачир ва эшаклардан иборат эди. Бирор извош ёки аравада боришни эса хаёлга келтирмаса ҳам бўларди. Бундай паст-баланд, ўйдимчуқур, дам-бадам ботқоқликлар учраб турадиган йўлга қандай филдирак ҳам дош бера оларди дейсиз! Шунинг учун ҳам ҳар ким ўзига яраша уловни миниб олганди.

Амаки-жиян ўзларига иккита бақувват ва йўрга, лекин ўртача хачирни танлаб олишганди. Карвон билан юришга ўрганган хачирларни тузуккина ҳақ эвазига юк ташувчи уловларни ижарага берадиган маскатлик яҳудийлардан олишганди. Антифер тоға учун

юз пистоль<sup>1</sup> ортикроқ сарф қилиш нима деган гап эди! Юз ортигу юз кам — бу билан ҳисоблашиб ўтирармиди? Йўқ, албатта! Бироқ Жильдас Трегоменни кўтара оладиган хачирни ҳар қанча пулга бўлса-да топишнинг иложи йўқ эди. Ўз белида бундай юкни кўтариб, эллик лье йўл босишга бу ҳайвонлар туридан биронтасининг қуввати етмаса керак. «Гўзал Амелия»нинг собиқ эгаси учун хачирдан кўра бақувватроқ бошқа бир уловни топиш зарур эди.

— Менга қара, қайиқчи, сен одамни тоза овора қиладиган бўлдинг-да!— деди Антифер тоға ўзига хос сиполик билан, Трегомен учун келтирилган ҳамма хачир чиқитга чиқарилгач.

— Нима ҳам қилардик, қария! Мени бирга борасан деб мажбур қилишнинг ҳожати йўғийди... Маскатда қолдириб кета қол мени... Сени шу ерда кута қоламан.

— Ҳеч қачон!

— Ахир мени нимта-нимта қилиб, бўлиб обориб бўлмайдими-ку!

— Жаноб Трегомен,— гапга аралашди Жюэль,— туяга мина қолсангиз бўлмасмикин?.. Ундан ҳазар қилмайсизми ўзи?

— Асло, бўтам. Туя мендан ҳазар қилмай, устига миндиришга кўнса бўлгани.

— Ажойиб фикр!— қичқириб юборди Антифер тоға.— Туяда роса савлаг тўкиб ўтирасан-да ўзиям!..

— «Сахро кемаси» деб бекорга айтишмайди-да,— қўшиб қўйди Жюэль.

— Бўпти! Майли, сахро кемаси бўлса, сахро кемаси бўла қолсин!— деди дарров гапга кўна қоладиган Трегомен.

Ана шу сабабли ўша тонг палласида у кавш қайтарувчилар турининг антиқа вакилининг икки ўркачи ўртасида савлаг тўкиб ўтирарди. Бу Трегоменга ҳатто ёқиб қолди. Балки унинг ўрнида бошқа одам бўлганида гердайиб кетармиди. Мабодо Трегомен кўнгида ана шундай батамом ҳақли туйғуни ҳис этганида ҳам, сиртдан бу ҳол асло билинмасди, чунки дарёда қатновчи кема капитанининг фикри-ёди фақат бир нар-

---

<sup>1</sup> Пистоль — XVIII аср охирларида муомаладан чиқиб кетган қадимий олтин танга. Бу ерда киноя тарзида ишлатилган.

сага, ўз кемасини яхшироқ бошқариш, ўзини ортиқча чайқалишдан асраш ва йўлдан четга чиқиб кетмасликка қаратилган эди. Тўғри, карвон тезлашаркан, туя кўпроқ лўкилларди. Лекин Трегоменнинг гўшти шунчалик вазмин эдики, бунинг оқибатида чайқалиш унчалик сезилмасди.

Карвон ортида боришни афзал кўрган Соук уста чавандозлардай остидаги ўйноқи хачирни йўрғалатиб келарди. Унинг ёнида, тўғрироғи ундан ортда қолиб кетмаслик учун пастаккина эшагини жон-жаҳди билан қичаб Бинни Умар келарди. Унинг оёғи ерга тегай-тегай деб турарди, у беҳосдан йиқилиб кетгудек бўлса, оёқлари ерга тиралиб қолишини мўлжаллаган эди. Хачирга минсинмиди?.. Шундай баланддан йиқилиб тушинми? Нотариус у дунёю бу дунё бунга журъат этолмасди. Бундан ташқари, араб хачирлари саркаш ва асовроқ бўлади, уларни фақат бақувват қўлгина жиловлаб юра олади.

Карвон кунига ўн икки льедан йўл босар, чошгоҳда икки соатдан дам оларди. Башарти тасодифий тўхташ бўлмаса, тўрт кундан сўнг карвон Сохорга кириб боради.

Тўрт кун!.. ўз оролига бутун вужуди билан ошиқаётган Антифер тоғанинг назарида умрбод йўл босадигандек бўлиб туюларди. Шундай бўлса-да, ҳар қалай, хатарли саёҳатининг тугаёзганини ўйларкан, танаси яйраб, ҳузур қиларди. Яна бир неча манзилни босиб ўтгач кўзлаган ерида бўлади... Бироқ ҳал қилувчи дақиқа яқинлашгани сари Антифер тоға нима сабабдан тобора тажанглашиб, тобора безовталаниб боряптикин? Ҳамроҳлари ҳарчанд уринсалар ҳам ундан ақалли бир огиз сўз эшитмай қўйдилар. Улар чор-ночор икковлари суҳбатлашишга мажбур эдилар.

Трегомен икки ўркакч орасида чайқалиб бораркан, ўша ердан, баланддан туриб Жюэлга навбатдаги саволни берди:

— Менга қара, бўтам, қани, очигини айт-чи: ўша Комулк пошшонинг хазинаси ростдан борлигига ишонсанми?

— Ҳм!..— деди Жюэль.— Буларнинг бари назаримда алаҳлаш, афсонага ўхшайди!

— Жюэль, борди-ю унақа орол умуман бўлма-са-чи?..



— Уша орол бор дейлик, жаноб Трегомен, лекин у ерда ҳеч қанақа хазина бўлмаслиги мумкин, ана унда амаким Бурбон оролини излаб аллақанча оворай-сарсонгарчиликлардан сўнг Марселга қайтган капитандай ўрнак олишга мажбур бўлади.

— Бу унинг учун оғир зарба бўлади, Жюэль, мияси бунга дош бера олишига ишоналмайман...

Трегомен ва унинг ёш дўсти бундай фаразларни Антифер тоға олдида айтмасликларини ҳурматли китобхон фаҳмлаган бўлса керак, албатта. Шундай қилганларида ҳам нафи бўлармиди? Йўқ, бу қайсар одамни бари бир ҳеч нарса йўлдан қайтара олмасди, ишончига раҳна сололмасди. Олмос ва бошқа қимматбаҳо тошларнинг координатлари ўзига маълум бўлган оролда эканлигидан заррача шубҳаланиш унинг ҳатто хаёлига ҳам келмасди. Антифер тоғани ташвишлантираётган бирдан-бир нарса — орол топилиб, бойликларни муваффақиятли олиб кетиш ва ишни кўнгилдагидек тугатиш жараёнида рўй бериши мумкин бўлган тўсиқларгина эди, холос.

Саёҳатнинг ўзига келсак, ҳамма иш осонгина, ҳаммирдан қил суғургандек кўчмоқда эди. Ҳамма иш унинг муваффақиятли тугашидан далолат бериб турарди. Тезроқ Сохорга етиб олишса бўлгани! У ерга боргач, бирорта кемани топиб, оролни излагани йўлга тушишади, ўша учала бочкачани ковлаб олишади... Ҳозирча жасур малуинимизни хавотирлантирадиган ҳеч гап йўқ. Карвон билан йўл юришдан осони борақанми, яна-тагин Трегомен билан Жюэль ёнида бўлса. Кейинроқ эса оролдаги хазинани Сохорга олиб ўтади... Буларнинг бари ҳеч гап эмас. Аммо ундан у ёғи қийин бўлади. Олтин ва қимматбаҳо тошлар билан тўла учта бочкачани Маскатга етказиш керак... ана унда гуя ва карвонсиз иш битмайди, бунинг устига Ормуз соҳиллари бўйлаб йўл босиш керак... Кейин бундай оғир юкни божхона хизматчиларида шубҳа туғдирмай юклаб бўлармикин?.. Ахир улар бу юкларни олиб чиқиб кетишга рухсат бериш учун талайгина бож талаб қилишлари мумкин-ку... Яна ким билсин, балки имом бойликларни ўзиники қилиб олишга уринар — хазина имомат тупроғидан топилгани сабабли ўзини бойликларнинг қонуний эгасиман деб эълон қилмасмикин?..

Гарчи Антифер тоға «менинг оролим» дейишни ях-



ши кўрса-да, аслида орол унга қарамайди-ку, ахир!.. Комулк пошшо, мабодо буни истаганида ҳам, Маскат имомининг мулки бўлган оролни унга васият қилиб қолдирилмаган бўларди-ку!..

Ана шу тўсиқлар Антифер тоғани оғир ўйга солиб қўйганди. Орқага қайғишда, Суэц томонга борадиган алоқа кемасига ўтиришда албатта содир бўладиган қийинчиликларни-ку ҳозир айтмаса ҳам бўлади. Уша бадавлат мисрлик Уммон кўрфазидаги оролга ўз бойликларини кўмиб қанчалар бемаъни ва ноҳўя иш қилган-а!.. Наҳотки денгиз сатҳига сочилган юзлаб, ҳатто минглаб ороллар, ақалли Тинч океандаги киши кўзидан четда жойлашган, ҳеч кимга қарам бўлмаган беҳисоб ороллардан бирортаси маъқул келмаган бўлса-я?.. Наҳотки васият қолдирувчи ўз бойлигини ҳеч кимда шубҳа туғдирмай, бундан кўра ишончлироқ ерга яширолмаган бўлса?..

Аммо-лекин бўлар иш бўлган. Энди ҳеч нимани ўзгартиб бўлмайди. У орол бошда Уммон кўрфазида пайдо бўлган экан, энди қиёматгача ўша ерда туради. Қани энди уни шатакка олиб Сен-Малога тортиб кетиб бўлса! Иш қандай осон кўчган бўларди-я!

Антифер тоғанинг паришонхотирлиги, безовталанаётгани ва ғазаб отини жиловидан тутиб қололмаётганининг сабаби аён эди. Ҳа, Антифер тоға сафарда ёмон ҳамроҳ эди. У муттасил алланималар деб қичқирар, саволларга жавоб қайтармас, ҳамроҳларидан ўзини четга олар, бўлар-бўлмасга остидаги хачирни қамчиларди... Виждонан айтганда, бу бардошли жонивор устидаги тоқат қилиб бўлмайдиган чавандозни бир сапчиб улоқтириб юборганида ҳам ҳеч зог хачирга таъна қилмасди.

Жюэль амакисининг нақадар безовталанаётганини фаҳмлаб борарди, албатта, лекин ундан бунинг сабабини сўрашга журъат этолмасди. Жильдас Трегомен ҳам шу топда дўстининг қалбида нималар содир бўлаётганини сезиб турарди. Бироқ Антифер тоғани яхши билганларидан ҳатто унга далда бериб, хаёлини жойига келтиришга уриниб ҳам кўрмадилар, фақат бир-бирлари билан маъноли кўз уриштириб қўя қолдилар.

Сафарнинг биринчи куни қаҳрамонларимиз ҳеч қанча чарчашмади, ҳатто бу ернинг жазирама иссиғи ҳам уларни толиқтирилмади. Жанубий Арабистоннинг,

иқлими, айниқса, Рак тропиги, ниҳоятда иссиқ бўлиб, европаликларга жуда зарарли. Тоғ томондан лангиллаган иссиқ ҳаво оқими бостириб келади, ҳатто денгиз шамоллари ҳам унга қарши турулмайдди. Саратон кунлари ҳаво шундай дим бўладики, кечалари на нафас олиб, на мижжа қоқиб бўлади.

Шундай бўлса-да, малуинларимиз дастлабки икки манзилни жазирамада унчалик қийналмай босиб ўтдилар, чунки карвон соҳил бўйидаги соя-салқин воҳалардан борарди. Маскат атрофи ҳеч нарса унмайдиган чўл-биёбон эмасди. Бу ерларнинг ўсимлик дунёси бой, анвойи дарахтлар ўсади. Суғориладиган жойларда жўхоризорлар тез-тез учрайди, минглаб анҳору ариқлар тармоқ отган, зах, ботқоқ пастликларда шолидан мўл ҳосил етиштирилади. Баньян ўрмонзорлари, елим берадиган араб акасорлари тангадек офтоб тушмайдиган соя-салқин. Акас елимлари эса четга кўплаб чиқарилади, у мамлакатнинг асосий даромад манбаъларидан бири.

Кечқурун карвон Ғарб тоғларидан сув оладиган ва оҳистагина кўрфазга қуйиладиган анҳор бўйига манзил қурди. Хачирларни яланғочлаб, ҳатто тушовламасдан ўтлагани қўйиб юборишди. Бу жониворлар карвон билан юравериб шундай ўтлашга ўрганиб қолишганди. Лекин уларни ўз ҳолига қўйиб, қаҳрамонларимиз хусусига қайтайлик. Амаки-жиян ўз хачирларини умумий ўтлоққа қўйиб юборишди; Соук ҳам худди шундай қилди. Трегоменнинг туяси намозшом пайти саждага бош қўйган мўмин мусулмондек чўккалади, саёҳатчи пастга тушиб, меҳр билан унинг тумшугини сийпалади. Бинни Умарнинг эшагига келсак, у тўсатдан таққа тўхтади-ю, устидан тушолмай имиллаётган нотариусни шаталоқлаб улоқтириб юборди. У чалпақдек бўлиб тушди.

Маскадан қирқ километр наридаги, одатда карвонлар дам оладиган бу манзилгоҳда тун тинч-осойишта ўтди.

Эртасига каллаи саҳарда карвон қўзғалиб, яна Сохор томон йўлга тушди.

Энди атрофни яйдоқ далалар қуршаб олганди. Уфқ-қача чўзилган бепоён текисликлардаги қум майса-гиёҳларни четга суриб чиқара бошлади. Бу қурғоқ жазирама, илгарилаш амри маҳол бўлган саҳрони ёдга со-

ларди. Қарвон билан бундай сафарга чиқиб кўникиб қолган араблар учун бу манзара ҳеч гап эмасди. Улар жазирама иссиқда ҳам бемалол олис йўл босаверадилар. Аммо бунга европаликлар қандай чидаш бера оларкинлар?..

Келинг, буни олдинроқ айтиб қўя қолайлик, улар ҳеч қандай зиён-заҳмат чекмадилар. Ҳатто семиз Трегоменга ҳам ҳеч нарса қилмади. Бу саёҳат бир неча ҳафта кейинроқ бўлганида, у тропик қуёшининг жазирама нурлари остида эриб кетармиди. Туянинг бир маромда чайқалиб боришига монанд икки ўркач ўртасида тебраниб ўтирган Трегомен ҳузур қилиб мудрар, маҳкам ўрнашиб олганидан жонивор билан бирга қўшилиб, яхлит бир нарсага айланиб кетгандай кўринарди. Ҳар қалай у йиқилиб кетаман деб чўчимаса ҳам бўларди. «Сахро кемасининг» нотекис йўлдан ундан кўра яхшироқ юришини фаҳмлаб олган Трегомен, жониворни ортиқ бошқармай қўйди. Башарти «Гўзал Амелия»ни Ранс қирғоқлари ёқалаб арқон билан тортиб борган чоғларида ҳам бундай осойишта сузолмасди.

Имомнинг мулки бўйлаб Маскатдан Сохоргача бўлган сафар вақтида Жюэль ўзини қандай сизди? Бу ёш ва навқирон йигит хаёлан ўз қалбига яқин брегон шаҳри, От-Салль кўчаси, Эногат яшаётган уйда сайр қиларди... Амакиси олиб бермоқчи бўлган маликага келсак, йигит у ҳақда асло ташвишланмасди. Фақат гўзал аммаваччасидан бўлак ҳеч ким ҳеч қачон унинг ёри бўлолмайди! Гарчи томирларида қирол қони оқаетган бўлса-да, бу оламдаги бирор герцогиняни Эногат билан тенглаштириб бўларканми? Асло! Комулк пошшонинг миллионлари ҳам, модомики бу миллионлар ҳатто «Минг бир кеча»даги афсоналардан бўлмай, ҳақиқий мерос бўлган чоғда ҳам, бари бир ҳеч нимани ўзгартолмайди. Маскатга қадам босиши биланоқ унинг ўз ёрига мактуб йўллаганига сира шубҳаланмаса ҳам бўлади. Бироқ қачон етиб боради бу мактуб!

Антифер тоғанинг эса қовоғидан қор ёғарди, унинг кайфияти бундан ҳам бешбаттар айнимаса деган ташвиш тамоман асосли эди. Учала бочкачани қандай олиб кетади? Уни ғоятда ташвишга солиб қўйган муаммо ана шу, ростини айтганда, бу ўринли ташвиш эди.

Борди-ю, уни кузатиш учун ортидан айғоқчи қўйил-

ганини билиб қолса, унинг вужудини қанчалар даҳшатли ўйлар чулғаб оларди. Ҳа..: чиндан ҳам ёши қирқларга борган, айёр қисфали бир ерлик қарвонга қўшиб юборилган, у ҳеч қандай шубҳа туғдирмай Антифер тоғанинг ҳар бир босган қадамини кузатиб бориши керак эди.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш лозимки, Суэцдан Маскатга қатнайдиغان ҳеч бир кема йўқки, у имомнинг айғоқчиларидан қочиб қутулолса. Имомат тупроғига қадам ранжида қилган ҳар бир муҳожирдан олиндиган каттагина солиқдан ташқари, ҳукмдор бу ерга келган европаликларга соф шарқчасига қизиқсиниб қарарди. Ўзининг юртига таширф буюрган ҳар бир муҳожирнинг нима мақсадда ва қанча муддатга келганини билиш истагидан кўра табиийроқ нарса борми оламда? Шу сабабли уч француз кемадан тушиб, инглизлар меҳмонхонасидан жой олганлари замонда миршабхона бошлиғи уларни ўз васийлигига олганди.

Шундай қилиб, юқорида айтиб ўтганимиздек Маскат миршабхонаси кўчалардаги тартиб-қондани сақлашда қанчалик яхши сабоқ олган бўлса, денгиз ёки қуруқлик орқали мамлакатга келган чет элликларни ўшанчалик моҳирлик билан кузатишда катта тажрибага эга эди. Миршабхона ҳар бир муҳожирдан тегишлича расмийлаштирилган ҳужжатларни талаб этишни зарур деб ҳисобламасди — фирибгар-муттаҳамларнинг ҳужжатлари ҳамини батартиб бўлади — ва уларни сўроққа тутиб ўтирмасди, чунки бу сўроқларга жавоб олдиндан тайёрлаб қўйилган бўлади. Аммо-лекин миршабхона муҳожирларни кўздан қочирмайди, сергаклик билан уларни назорат қилиб туради, эҳтиётлик билан уларга асло тиркалмай зимдан кузатади, бу албатта Шарқ одамларининг ақлу заковатини шарафлайди.

Антифер тоға қаёққа бормасин ортидан кузатиб юриш вазифаси топширилган миршабхона айғоқчиси француздан кўз узмасди. Айғоқчи Антифер билан гаплашиб, ундан бир оғиз ҳам гап сўрамай, унга илакишиб юриб, ниҳоят, европаликларнинг Маскатга келишдан мақсадларини билиб олиши керак. Борди-ю, улар ерлик халқ тилини билмай мушкул аҳволда қолишса, у илтифот кўрсатиб, бажонидил хизматларида бўлишини айтади. Кейин, керакли маълумотларни билиб олгач, уларни тутиб туришдан бирор манфаат чиқмайдиган бўлса,

имом французларнинг бу ердан хотиржам чиқиб кетиш-ларига рухсат этади.

Турган гапки, бундай назорат Антифер тоғанинг улуғвор ниятларининг муваффақиятли тугашига халал берарди. Беҳисоб бойликка эга бўлган хазинани ковлаб олиш, уни Маскатга элтиш, Суэцга борадиган кемага юклаш — бу ўз-ўзидан битадиган осон иш эмасди. Аммо аъло ҳазратлари бундай пайтда ўз фойдасига иш кўришга қарор бергудек бўлса, ўйланган мақсадни муваффақиятли тугаллаш амри маҳол эди.

Бахтига, ҳа-ҳа, такрор айтамизки, бахтига — Пьер-Серван-Мало бошқа тўсиқ ва мушкилотлар ёнига бундай гов қўшилишини ҳатто хаёлига келтирмасди. Шундоқ ҳам ташвиши етиб-ортарди. Имом айғоқчиларидан бирининг ўткир кўзлари назорати остида келаётганини пайқайдиган ҳоли ҳам йўқ эди. На унинг ўзи, на ҳамроҳлари бир қадам ҳам ортда қолмай орқаларидан эргашиб юрган оғир-вазмин индамас арабга эътибор беришди. Айғоқчи эса улар билан заррача бўлсин алоқа қилишдан ўзини олиб қочарди.

Агар малунлар бу арабнинг хатти-ҳаракатини пайқамаган бўлсалар, Соук ҳам уларга ўхшаб ҳеч нимани сезмади дейиш хато бўлурди. Бинни Умарнинг сохга гумаштаси тил билганидан Сохорга кетаётган савдогарларнинг дам униси, дам буниси билан суҳбат қурарди. Албатта бу одамлар айғоқчини яхши билишар ва ундан асло чўчишмасди. Айғоқчининг Антиферни кузатиш учун қўйилганини дарров фаҳмлаган Соук, табиийки, хавотирга тушиб қолди. Модомики, у Комулк пошшонинг мероси аллақандай бир французнинг қўлига тушишини хоҳламас экан, бойликларни имом эгаллаб олиши мутлақо ёқмасди. Яна шуни ҳам айтиб қўяйликки, ҳар иккала мисрлик ҳам айғоқчида заррача бўлсада шубҳа туғдирмаганди. Уларнинг анави европаликлар билан мақсадлари бир эканлигини қаёқдан ҳам билсин? Мисрликлар Маскатга тез-тез келиб туришадиди-да. Модомики, Бинни Умар билан Соук айғоқчи кўнглида шубҳа уйғотмаган экан, бу дунёда бенуқсон миршабхона йўқ эканлигининг яна бир далилидир, ҳатто аъло ҳазратларининг миршаблари ҳам бу қусурдан ҳоли эмас экан.

Қарвон одатдагидек чошгоҳда дам олиб, кун бўйи оғир йўл босиб, кун ботар олдида суви қуриб ярим ту-

шиб қолган чоғроққина ҳовуз ёнида тунагани тўхтади. Ҳовуз бўйида бу ер табиатининг ажойиб бир тўҳфаси — баҳайбат дарахт ўсарди. Бутун бошли карвон бу дарахтнинг соясида пешинги жазирамада жон сақлаши ва бемалол жойлашиши мумкин эди. Бу баҳайбат дарахтнинг шохлари ўрашиб-чирмашиб, ўн беш фут баландликда улкан бир соябон вужудга келган, пастга тангадек офтоб тушмасди.

— Бунақа дарахтни умрим бино бўлиб кўрмаганман!— деб қичқириб юборди Жюэль, остидаги хачир дарахт соябон остига келиб тўхтаркан.

— Мен ҳам, бунақасини бундан кейин ҳам ҳеч қачон кўрмасам керак!— деди Трегомен, чўккалаган туяси-дан тушаётиб.

— Сиз нима дейсиз, амаки?— деб сўради Жюэль.

Амакиси жавоб қайтармади. У жияни ва дўстини ҳаяжонга солган нарсага эътибор ҳам бермаганди.

— Шу топда бир нарса ёдимга тушди,— деди Жильдас Трегомен,— жонажон Бретанимизнинг сўлим жойларидан бири, Сен-Поль-де-Леондаги антиқа узумзор, у...

— Сиз ҳақсиз, жаноб Трегомен, лекин у асло бу дарахт билан тенглашолмайди!

Дарҳақиқат, Сен-Поль-де-Леон узумзори ҳар қанча антиқа бўлмасин, ўсимликлар дунёсининг султони бўлмиш бу баҳайбат дарахт қаршисида бир бутазордек гап эди.

Бу танасининг йўғонлиги кам деганда юз фут келадиган баньян дарахти эди. Минорага ўхшаган танасидан ҳар томонга беҳисоб шох-бутоқлар тарвақайлаб кетган, ўз навбатида бу бутоқларнинг ҳар бири яна сон-саноқсиз шох чиқарганди; бу шох-бутоқлари чор атрофга тарвақайлаб, ўргимчак тўридай ўралиб-чирмашиб кетган дарахт ярим гектарча ерга соя ташлаб турарди. Бу улкан соябон остида жазирама иссиқдан ва кучли жаладан бемалол жон сақласа бўлади; бу ерга на қайноқ қуёш нури, на осмондан пақирлаб қўйилган жала томчиси туша олади.

Башарти Трегоменнинг вақти етарли бўлганида— сабри-тоқатининг-ку етарли эканини айтмай қўя қолайлик!—бу дарахтнинг шох-шаббасини жон-жон деб санаб чиқишдан ҳам тоймасди. Қанчайкин-а улар? Бу қизиқсиниш унга ҳаловат бермай қўйди. Лекин кўп ўтмай

унинг қизиқсиниши қаноатлантирилди. Бу мана бундай содир бўлди.

У қўлини чўзиб, бармоқларини керганча, чор атрофга ўгирилиб, баньяннинг пастки шох-бутоқларини кўздан кечириб турганида, орқа томонида кимдир шарққа хос талаффузда инглизчани бузиб шундай деди:

— Ten thousand!<sup>1</sup>

Трегомен бу икки иборанинг маъносига тушунмади, чунки у инглиз тилини билмасди. Бироқ инглизчани Жюэль биларди, шунинг учун у ерлик билан бир-икки огиз тиллашиб, ўз дўстига бундай деди:

— Бу дарахтнинг ўн мингча шохи бор экан.

— Ўн минг?!

— Манави араб камида шунча деяпти.

Бу араб имомат тупроғидан чиқиб кетгунларича уларни кузатиб юриш топширилган миршабхона айгоқчисининг худди ўзгинаси эди. Ҳозир у французлар билан танишиб олиш учун қулай фурсатдан фойдаланиб қолган эди.

Жюэль инглизчалаб бир неча савол бериб, арабдан ўшанча жавоб олгач, у ўзини Маскатдаги Британия ваколатхонасининг тилмочи деб таништирди ва учала европаликнинг хизматига тайёр эканини айтди.

Жюэль ерликка миннатдорчилик билдириб, ўзининг фикрича Сохордаги ишларининг юришиб кетишига қўл келадиган бу мақбул таклифни амакасига айтди.

— Яхши, яхши!—рози бўлди Антифер тоға.—У билан тузукроқ келишиб ол, яхшигина ҳақ тўлашимизни ҳам айт...

— Ҳақ тўлашга арзигудек фойда ололсак, деган шарт билан,—деб тўнғиллаб қўйди Трегомен.

Агар Жюэль бу муваффақият билан ўз-ўзини табриклайётган бўлса, Соук бундан норози эди албатта. Айгоқчининг малуинлар билан гаплашаётганини кўргач, у қаттиқ хавотирга тушиб қолди ва ерликдан кўз-қулоқ бўлиб юришга аҳд қилди. Бинни Умар қаёққа кетаётганларини билиб ололганда эди! Сафар ниҳоясига егиб қолганмикин, ёки давом этармикин? Қаердайкин ўша орол: Уммон кўрфазидами ёки Ормуз бўғозидами, ё Форс қўлтиғидамикин? Уни Арабистон соҳиллари ёқалаб қидирилармикин, ёки султоннинг ери шоҳнинг мулкига

<sup>1</sup> Ўн минг.

бориб туташадиган чегарагача Эрон соҳилларини ёқалаб изланилармикин? Бундан-буёнги ишлар қандай бўларкин ва бу сарсонлик кўпга чўзилармикин? Антифер Сохорда кемага ўтирмақчи эмасмикин? Ростки у Маскатда шундай қилмаган экан, бундан орол қаердадир Ормуз бўғозининг бирон ерида жойлашмаганмикин деган хулоса келиб чиқмайдими? Эҳтимол бу саёҳат Форс кўлтигининг ичкарироғига, Шаржгача, ёки Ал-Қатиф, ёхуд ҳатто Ал-Қувайтгача давом этар?

Бундай бешафқат мавҳумот ва хавотирли сезгидан Соукнинг газаби қайнаб, фиғони фалакка етдики, бу ҳол бечора нотариусга таъсир этмай қололмасди.

— Антифернинг менга мусофирдек муомала қилишига наҳотки мен айбдор бўлсам?—деб таъкидларди у қўрқа-писа.

Мусофирдайми? Йўқ, бундан ҳам баттарроқ — вазият қолдирувчи мажбуран унга кўндаланг қилиб кетган жонга тегувчи, хира меҳмондай муомала қилади!.. Эҳ, ўша ўзига тегадиган улуши бўлмаганида эди-я! Қанча азоб-уқубат эвазига қўлга кирадиган бўлди-я у! Бу азоб-уқубатлар қачон тугаркин?..

Эртасига карвон бирорта ҳам воҳа учрамайдиган қақроқ саҳрога ўхшаган чеки-чегараси кўринмайдиган ялангликдан имиллаб борарди. Уша куни ҳам, ундан кейинги икки кунда ҳам жазирама иссиқда роса ҳолдан тойишди. Трегомен назарида худди у шимол денгизларидан иссиқ кенгликларга оқиб келиб қолган катта муз парчасидай эриб кетадиганга ўхшарди. Ўз оғирлигининг ўндан бирини йўқотган бўлса яхши эди-я, бундай оғир юк остида тинкаси қуриб бораётган туя хурсанд бўларди, албатта.

Сафарнинг кейинги кунларида ҳеч қанақа эслашга арзигулик ҳодиса юз бергани йўқ. Фақат бир нарсани — анави арабнинг исми Селик эканлигини, ҳар иккаласи ҳам инглизчани билиши туфайли Жюэль билан яқинроқ танишиб олганини айтиб ўтиш кифоя. Бироқ ёш капитан оғир-вазминлигича қолди ва Антифер тоғанинг сирини оғзидан гуллаб қўймади — бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас, албатта! Маскатдаги Француз вакилига айтган уйдирмалари — соҳилдаги бирорта шаҳарни танлаб, у ерда савдо идораси очиш ҳақидаги афсоналари бу сохта таржимонни алдаш учун бу гал ҳам иш берди.



Бу уйдирмага ишонганмикин у? Жюэлнинг наздида ишонган эди. Аслида эса бу айёр керакли бўлган маълумотларни билиб олиш учун ўзини содда, гўл қилиб кўрсатарди.

Ниҳоят, тўрт ярим кунлик йўл босишдан кейин, 27 март куни чошгоҳда карвон Сохорга кириб келди.

## Ў Н Т Ў Р Т И Н Ч И Б О Б

*Антифер тоға, Жильдае Трегомен ва Жюэлларнинг Сохорда бир кунни жуда диққинафаслик билан ўтказганлари*

Бизнинг уч французимиз Сохорга яхшиямки сайр-томоша учун эмас, иш билан келганлари. Шаҳарда томоша қилишга арзигулик, саёҳатчилар эътиборини тортадиган ҳеч вақо йўқ экан. Кўчалар гарчи чип-чиннадай бўлса-да, майдонлари жазирама офтоб; иссиқдан ҳолсизланиб доим чанқов азобини тортадиган бир неча минг кишилик аҳолини битта сув ҳавзаси аранг таъминлаб тураркан; уйлар пала-партиш қурилган, деразалари Шарқ таомилига кўра ичкарига қараган. Елғиз биргина бино сал ажралиб турар, у ҳеч қандай меъморчилик услубига қараб қурилмаган ва ажойиб араб нақшларидан бебаҳра эди. Бу бино қишлоқча яшашни кўнгли тусаб қолганда ўз мамлакатининг шимолий қисмига келган имомнинг икки-уч ҳафта истиқомат қилишига яради.

Бироқ Сохор қанчалик кам аҳамиятга эга бўлмасин, ҳар қалай у Уммон кўрфази соҳилида турибди ва бунга унинг географик координатлари энг яхши далил бўла олади: шаҳар шарқий узунликнинг  $54^{\circ}29'$  ҳамда шимолий кенгликнинг  $24^{\circ}37'$  оралиғида жойлашган.

Бинобарин, Комулк пошшонинг кўрсатмаларини эътиборга олинганда, оролни Сохордан шарққа қараб борадиган ёй бўйлаб  $28'$  ва шимол томонга  $22'$  оралигидан, яъни соҳил бўйлаб қирқ-эллик километр наридан излаш керак эди.

Сохорда меҳмонхоналар кам. Биттагина юмшоқ, узун курси билан жиҳозланган бир нечагина ҳужраси бор бу карвонсаройни меҳмонхона деб ҳам бўлмасди.

Антифер тоға, унинг жияни ва дўстини серилтифот таржимон Селик худди ана шу ерга бошлаб келганди.

— Омадимиз келиб, яхшиям бу хушмуомала арабга

учраганимиз!— дерди Жильдас Трегомен нуқул.— Эсиз, француз тилини ёки ақалли бретончани билмас экан-да.

Лекин келишиб олиш учун Жюэль билан Селик бир-бировларининг гапларини жуда яхши тушунишарди.

Йўл азоби гўр азоби деганларидек, қийналиб кетган Жюэль билан Трегомен, табийики, ўша куни яхшилаб овқатланиб олиб, ўн икки соат мириқиб ухлашдан бўлак нарсани ўйламас, уларнинг бирдан-бир орзуси шу эди. Бироқ Пьер-Серван-Малони бу оқилона маслаҳатга кўндириш осон бўлмади. Оролга яқинлашган сайин унинг бардоши тугаб, тоқатсизлиги орта борар, кутишга асло рози бўлгиси келмасди... Унинг фикри-зикри фақат биргина нарса — тезроқ кема ёллаб йўлга тушиш билан банд эди... Сўнги, ўзига мафтун этиб, бетиним чорлаб ётган бочкачалар кўмилган жойга атиги ўн икки льелик охирги одим қолганда дам олиб ўтирса-я!..

Хулласи калом, Антифер тоғанинг тоқатсизлиги, асабийлиги ва ҳатто, васвасага тушиб қолгани қай даражага етганини кўрсатувчи манзара намоеън бўлди. Жюэль уни алоҳол тинчитди. Ахир, эҳтиёт чораларини кўриш керак-ку... Бундай шошилиш Сохор миршабхонасидагиларда шубҳа уйғотиши мумкин-ку... Бундан ташқари, хазина ҳам бир кеча-кундузда ғойиб бўлиб қолмайдику...

«Агар хазина ўша ерда бўлса—деб қўйди Жильдас Трегомен ичида.—Агар бойлик у ерда бўлмаса... ёки алақачон ўмариб кетишган бўлса, шўрлик дўстим ақлдан озади-ку!»

Оқ кўнгил Трегоменнинг хавотирланиши бежиз эмасди.

Башарти Антифер тоғанинг орзулари пучга чиқиб, алдангудек бўлса, унинг чиндан ҳам ақлдан озиши турган гап эди. Бунақа хафагарчилик Соукка балки бунчалик таъсир этмасди, лекин, ҳар қалай, оқибат унинг учун ҳам энгил бўлмасди. Сохта Нозимнинг ғазаб косаси тўлиб-тошиб, бечора Бинни Умарнинг ҳолига маймунлар йиғлармиди. Унинг ҳам малундан баттар сабри тугаёзганди. Шу боисдан ўша куни тунда карвонсаройда кам деганда, икки киши мишжа қоқмади, деб китобхонани бемалол ишонтирсақ бўлади. Ҳар иккаласи ҳам бир мақсад сари, лекин турли йўл билан интилмаётибдими? Агар бирови тезроқ кема ёллаш ўйи билан тонг оттиролмаётган бўлса, бошқаси катта-катта мукофотлар

ваъда қилиб, ўн беш-йигирма нафар каллакесарни тўплаб, Сохорга қайтилаётганда бойликни қандай тортиб олсамикин, деб бош қотирарди.

Ниҳоят тонг ёришиб, қуёшнинг илк нурлари ўша унутилмас 28 март куни бошланганидан дарак берди.

Аввало Селикнинг хизматидан фойдаланишга қарор берилди. Уйлаган режаларини амалга ошириш учун араб билан сўзлашишни Жюэль ўз зиммасига олди. Французлар борган сайин унга шубҳалироқ кўрина бошлагани учун, Селик бутун тунни, карвонсарой ҳовлисида ўтказди.

Рост, Жюэль Селикка ёрдам бер деб қандай мурожаат қилиши ҳақида ўйларкан, сал хижолат бўлди. Чинданам, уч муҳожир, уч европалик, Сохорга бугун кечқурун келсалар-у, эртасига эрталаб кема ёллашга шошилсалар, бу қанақаси бўлди. Албатта, Уммом кўрфазида саёҳат қилиш учун бундан тузукроқ баҳона топиб бўлармиди? Ҳа, икки кеча-кундуз давом этадиган сайрга чиқилади... Бу ғалати кўринмасмикин унинг назарида? Балки, тилмоч бундай илтимосдан таажжубланади деб Жюэль беҳуда хавотирланаётгандир?

Қандай бўлмасин, ҳар қалай, ишни пайсалга солиш ярамасди. Жюэль Селикка йўлиқиб, денгизда икки кеча-кундуз сузишга дош бера оладиган бирор кема топиб беришини илтимос қилди.

— Кўрфаздан Эронга сузиб ўтмоқчимисизлар?—деб сўради Селик.

Бу саволга эътиборсизлик билан, ҳатто Сохор маъмурларида тугилиши мумкин бўлган ҳар қандай шубҳани тарқатиб юборадиган даражада бамайлихотир жавоб бериш керак, деган хаёл йилт этиб ўтди Жюэлниги миясидан.

— Йўқ... бу шунчаки географик тадқиқот,—деб жавоб берди у.—Биз кўрфаздаги ороллардан муҳимроқларининг жойлашган ўрнини аниқламоқчимиз... ёки... ҳалиги... Сохор соҳиллари атрофида ороллар йўқми?

— Бир неча орол бор,—деди Селик,—лекин бирорта ҳам муҳим, йирикроқ орол йўқ.

— Фарқи йўқ,—сўзида давом этди Жюэль.—Соҳилга ўрнашишдан аввал кўрфазни бир кўздан кечирмоқчимиз, холос.

— Ихтиёрларингиз!

Гарчи ёш капитаннинг жавоби шубҳали кўринса-да,

Селик сўраб-суриштириб ўтирмади. Дарҳақиқат, уларнинг француз вакилига айтган режалари, яъни имоматнинг бирорта соҳил бўйи шаҳрида савдо идораси очиш ниятларига Уммон кўрфазини текширишнинг ҳеч қанақанги алоқаси йўқлигини миршабхона айғоқчиси жуда яхши тушунарди, чунки у муҳожирларнинг юқоридаги режаларидан хабардор эди.

Бу суҳбатнинг оқибати тезда кўрина бошлади. Малун ва унинг ҳамроҳларини янада сергаклик билан кузата бошладилар.

Бу мушкул аҳвол ўйланган режанинг муваффақиятли амалга ошишини таҳлика остида қолдиради-ку! Хазина топилди дегунча аъло ҳазратларининг миршаблари ўша ондаёқ бундан хабардор бўладилар. Ана унда аъло ҳазратлари тортиниб-негиб ўтирмай, гапни калта қилиш учун Комул пошшонинг меросхўрини у дунёга жўнатиб қўя қолади.

Селик кўрфазни текширишга яроқли кема топиш ва ишонса бўладиган хизматчиларни ҳам танлашга ваъда берди. Уч-тўрт кунлик озиқ-овқатни ғамлашга қарор қилинди. Кеча-кундуз тенглиги палласида, об-ҳаво ўзгариб турадиган бир пайтда йўлда тасодифан рўй бериб қолиши мумкин бўлган тўсқинликларга олдиндан тайёргарлик кўриш керак.

Жюэль тилмочга миннатдорчилик билдириб, хизматлари эвазига каттагина ҳақ тўлашларини ваъда қилди. Бу ваъда Селикка таъсир этди чамаси, бир оз ўйлаб тургач, шундай деб қўшиб қўйди:

— Менинг ҳам сизлар билан бирга борганим маъқул эмасми? Арабчани билмайсизлар, кема хўжайини ва матрослар билан муомала қилишда қийналиб қоласизлар...

— Сиз ҳақсиз,—деб қўшилди унинг гапига Жюэль.— Сохордан қайтиб кетгунимизча ҳамма вақт биз билан бирга бўла қолинг. Такрор айтаманки, бундан асло афсусланмайсиз.

Жюэль тилмоч билан хайрлашиб, қумлоқ чўмилиш жойида Трегомен билан айланиб юрган амакисини қидириб топди-да, ишлар қандай кетаётганини гапириб берди. Трегомен ўзига жуда ақлли бўлиб кўринган бу ёш арабнинг тилмоч ва йўл бошловчи бўлиб қолишини эшитиб ўзида йўқ суюниб кетди.

Пьер-Серван-Мало эса жиянининг бу ишини маъқул-

лаб бош ирғаб қўйди. Кейин трубкасининг гажиб ташланган найчасини алмаштириб:

— Қайиқ нима бўлди?—деб сўради.

— Тилмочимиз ҳозир худди ана шу иш билан шуғулланяпти-да, амаки, уни топиб, керакли озиқ-овқатлар билан таъминлайди.

— Менимча, бу портда ҳар қанақа кемани бир ё икки соатда сафарга ҳозирлаш мумкин... Жин урсин, бутун дунёни айланиб чиққани кетаётганимиз йўқ-ку, ахир!

— Лекин, ошнам,—деди Трегомен,—бирор кемани топиб, уни одамлар билан таъминлаш учун қанча бўлмасин вақт керак-ку!.. Утиниб сўрайман, бунчалик бетоқат бўлма.

— Хўш, шунақа бўлгим келса-чи?!—эътироз билдирди Антифер тоға, Жильдас Трегоменга еб юборгудек хўмрайиб қараркан.

— Бўлсанг бўлавер, марҳамат!—деб жавоб берди бу оқ кўнгил одам, Антифер тоғага эҳтиром билан таъзим қилиб.

Кун ғарб томонга оғиб қолди ҳамки, Селикдан дарак бўлмади. Шу сабабли Антифер тоғанинг қанчалик асабийлашганини билиш мушкул эмасди. У, жиянимни мазах қилган бу арабни кўрфазга чўктириб ўлдириш керак, деб тўнғиллай бошлади. Иигитча Селикнинг ёнини олишга уринганда, амакисининг қулоқ солгиси ҳам келмади, Жильдас Трегомен тилмочнинг яхши фазилатларидан гап бошлаган эди, оғзингни юм, деб ўдагайлаб берди тоға.

— Доғули, муттаҳам ўша тилмочларинг!—бақирарди Антифер тоға.—Ярамас, қароқчи! Унга тирноқча ҳам ишонмайман! Унинг фикри-зикри кўпроқ пулимизни шилишда!

— Унга ҳеч нарса берганим йўқ, амаки.

— Ана шунда ландовурлик қилибсан! Агар унга тузуккина закат бериб қўйганингда эди...

— Ахир ўзингиз у бизни шилмоқчи деяпсиз-ку!

— Бунинг аҳамияти йўқ!

Жильдас Трегомен билан Жюэль унинг бундай бир-бирига зид фикрларини аниқроқ тушунтириб беришига ҳатто уринмадилар. Энг муҳими, малуинининг сабрсизлигини босиб туриш, бирор тентаклик қилиб қўйишига йўл қўймаслик ёки, ҳеч бўлмаганда, гумон туғдирмаслик

учун ўзини оқилона тутишга кўндириш эди. Бироқ гапингизга қулоқ солишни ҳам истамайдиган қайсар одамни нима ҳам қилиб бўларди дейсиз? Наҳотки гаванда боғлоқ турган балиқчи қайиқлари кам бўлса?.. Шулардан биттасини наҳотки ёллаб бўлмаса... денгизчилар билан келишиш... ўша заҳотиёқ қайиққа чиқишу елканларни кўтариб... шимоли-шарққа қараб йўл олиш наҳотки шунча қийин бўлса?..

— Бир оғиз ҳам арабчани билмаганимиздан кейин улар билан қандай келиша оламиз?..—эътироз билдирди Жюэль.

— Улар бўлса битта ҳам французча сўзни билишмайди,—улаб кетди Трегомен.

— Хўш, нимага билишмайди улар?—деб ўдағайлади Антифер тоға бўғилиб.

— Бу уларнинг хатоси... ҳа, кечириб бўлмас хатоси уларнинг!..—деб жавоб берди Жильдас Трегомен, ён берсам дўстим сал шаштидан тушар деган умидда.

— Ҳаммасига сен айбдорсан, Жюэль!

— Йўқ, амаки! Ҳамма ишни иложи борица ўрнига қўйишга ҳаракат қилганман! Тилмочимиз албатта келди... Айтмоқчи, унга ишонмасангиз, унда Бинни Умар билан гумаштасига мурожаат қила қолинг—улар арабчани билишади-ку... Ана, уларнинг ўзлари ҳам соҳил ёқалаб келишяпти...

— Уларга мурожаат қил дейсанми? Ҳеч қачон! Бас, етар... Орқамиздан шатакдай эргашиб юрганларининг ўзи ҳам етар!

— Афтидан Бинни Умар бу ёққа ташриф буюрмоқчи кўринади,—деди Жильдас Трегомен.

— Жуда соз, қайиқчи, қани йўлаб кўрсин-чи! Уни шундай тўпга тутайки, жаҳаннамга равона бўлсин!

Дарҳақиқат, Соук билан нотариус малуиннинг йўлига тузоқ қуришган эди. Антифер тоға карвонсаройдан чиқиши биланоқ ортидан эргашишганди. Уларнинг мақсади тоғани кўздан қочирмаслик; оқибати фожиага айланиши мумкин бўлган бу молиявий режанинг интиҳоси пайтида ҳозир бўлиш эди.

Соук Бинни Умарни даҳшатли Пьер-Серван-Мало билан гаплаш деб қистарди. Бироқ Антифер тоғанинг дарғазаблигини кўрган нотариус ундан албатта ҳақорат эшитишини билиб, ёнига боришга ботинолмасди. Соук

иложи бўлса, бу қуён юрак сапсалорчини жон-жон деб нариги дунёга жўнатарди. Узини французчани билмайдиганга солиб бекор қилган экан, французлар билан ўзи гаплаша қолган бўларди.

Жюэль эса ўз навбатида амакисининг Бинни Умарга қилаётган чидаб бўлмас муомаласи ишга фақат зарар етказиши мумкин эканлигини яхши тушунарди. Нотариуснинг Липтифер тоғанинг ёнига йўлашга журъат этолмай турганини кўриб, у бу қулай фурсатдан фойдаланмоқчи бўлди.

— Менга қаранг, амаки,—деди Жюэль,—гапимга қулоқ беринг. Мендан роса жаҳлингиз чиқиши мумкин, майли. Аҳволни жиддийроқ ўйлашиб, муҳокама қилайлик, бунга етарли миямиз бор...

— Мен аҳмоқона деган нарсани балки сен ақлли гап дерсан, аввал ана шуни англаб олиш керак!.. Хўш, нима демоқчисан, қани?

— Кўзлаган манзилимизга етай деб турган дақиқада ҳам Бинни Умарга тескари қараб тураверасизми, сиздан шуни сўрамоқчийдим.

— Ҳа, тескари қараб туравераман! Бу аблаҳ бурчини бажариб, ўзига топширилган сирни менга айтиш ўрнига, айёрлик билан меникини билиб олмоқчи бўлди.. У товламачи, фирибгар!..

— Буни биламан, амаки, иннайкейин уни оқламоқчи ҳам эмасман. Лекин хоҳлайсизми, йўқми, бари бир у иш қошида бўлиши шарт. Комулк пошшо васиятномасининг бир бандида шундай дейилмаганми ахир?

— Ҳа, шундай дейилган.

— Учала бочкачани ковлаб олаётганингизда тепасида, оролда бўлиши керакми у?

— Ҳа.

— Бойликнинг юздан бир улуши ўзига васият қилингани сабабли хазинанинг қийматини аниқлашга ҳаққи борми?

— Ҳа.

— Модомики бу иш бажарилаётганда у тепасида туриши шарт экан, қани айтинг-чи, сизнингча бу ишнинг қачон ва қаерда содир бўлишини билишга ҳаққи борми унинг?

— Ҳа, бор.

— Шундай экан, сизнинг айбингиз ёки ҳатто бошқа бирор сабаб билан у васий сифатида ҳозир бўлолмай

қолган тақдирда, ворислик масаласи можарога олиб келиши ва иш судга бориб тақалишига баҳона бўлмасмикин у?.. Унда сизнинг бой беришингиз турган гап. Шундай эмасми?

— Шундай.

— Демак, амаки, Бинни Умар билан биргаликда кўрфаз бўйлаб саёҳатга чиқиш учун розилик беришга мажбур экансиз-да!

— Ҳа.

— Ана энди сиз, албатта, унга биз билан сафарга чиқишга тайёрланавер дейсиз-да, а?

— Йўқ!—деб жавоб берди Антифер тоға.

У «йўқ» деган сўзни шундай дағдаға билан айтдики, бу жавоб нотариуснинг кўксига худди ўқдай бориб қадалди.

— Менга қара,— деб гапга аралашди Жильдас Трегомен,—сен ақл-идрок овозига қулоқ солишни истамаяпсан, сен ноҳақсан. Нега қайсарлик қилиб, тақдир оқимига қарши сузмоқчи бўласан? Жюэлнинг сўзига кириб, унинг маслаҳатига юрсанг оқилона иш қилган бўласан. Бинни Умар сенга қанчалик ёқмаса менга ҳам шунчалик ёқмайди, албатта, илло унинг биз билан бирга бўлиши шарт экан, тақдирга тан берайлик-да, ахир...

Жильдас Трегомен камдан-кам бундай узоқ гапирарди, бунинг устига кўпинча дўсти ҳам сўзини оғзидан юлиб олиб, охирига етказишга қўймасди. Бироқ бу сафар Трегомен ўз далил-исботларини батафсил ўртага ташлаб бўлмагунича Антифер тоғанинг мушлари қандай сиқилганини, тишлари ғижирлаб, афтининг қандай бужмайганини асти қўяверинг... Ўзининг сўзамоллигидан мамнун бўлган бу оқ кўнгил одам, қайсар дўстимни ишонтира олдим, деб ишонганди.

— Бор гапингни гапириб бўлдингми, қайиқчи?—деб сўради Антифер тоға.

— Ҳа,— деб жавоб берди Жильдас Трегомен, Жюэльга голибона қараб қўяркан.

— Сен ҳам гапириб бўлдингми, Жюэль?

— Ҳа, амаки.

— Жуда соз! Ундай бўлса, бор, бораверларинг! Агар ўша мутасадди билан маслаҳатлашмоқчи бўлсаларинг, марҳамат, мен қўл-оёқларингдан ушлаб турганим йўқ. Менга қолса у разил ва фирибгардан бошқа нарса



эмас! Кейин—хайрли кунми, хайрли кечми, керагини ўзларинг танлаб олаверларинг!

Шундай деб, Пьер-Серван-Мало ерни остин-устун қилиб юборгудек бўралаб сўкинди, оғзидаги трубкаси найчага солиб пуфланган нўхатдек отилиб кетди, сўнгра худди шамол учириб кетгандай, ҳатто трубкасини ҳам олмай ғойиб бўлди.

Ҳар қалай Жюэль қисман бўлса-да, ўз мақсадига эришган эди. Антифер тоға бу ўзининг бурчи эканини тушуниб, жиянига нотариусни режалари билан таништиришни ман этмади. Бинни Умар Соукнинг қистови билан Жюэлнинг ёнига келганида (у малун кетгач сал дадиллашганди) дарров гаплари қовуша қолди.

— Жаноб,—деди нотариус икки букилиб, ўзининг бу итоаткорона туриши билан мурожаат этишга журъаг қилгани учун кечирим сўраётгандек,—жаноб, афв этасиз, камтарин қулингиз мабодо...

— Тўғридан-тўғри ишга ўтаверинг!—деди Жюэль—Хўш, нима керак сизга?

— Сафаримиз ниҳоясига етдими, йўқми, шуни билмоқчийдим.

— Деярли етди.

— Излаган оролимиз қаерда?

— Денгизда, Сохордан ўн икки лье нарида.

— Ие! Яна денгизда сузамизми?—деб қичқириб юборди Бинни Умар.

— Шубҳасиз.

— Ҳа, бу сиз учун оғир,—деди Трегомон, ҳуши учиб, юраги ёрилаёзган бечора нотариусга раҳми келиб.

Соук эса суҳбат ўзига нотаниш тилда бораётганидан бир оғиз ҳам сўзни тушунмаётган одамдек уларга мутлақо бепарво қараб турарди.

— Баракалла-е... сал дадилроқ бўлинг,—деди Жильдас Трегомен.—Икки ёки уч кунлик сузиш кўз очиб-юмгунча ўтади-кетди. Менимча пироварди-оқибатда туппа-тузуккина денгизчи бўлиб қоласиз... ҳа, ўрганиб кетасиз! Ахир сизни Умар дейдилар-а...

Нотариус бош чайқаб қўйди-да, совуқ тер маржондай терилиб турган пешонасини артди. Сўнгра аянчли овоз билан Жюэлга деди:

— Кемага қаерда ўтирмоқчисизлар?

— Шу ерда.

— Қачон?

— Сафарга чиқишга тахт бўлиши биланоқ.

— Қай пайтда?

— Ё бугун кечқурун, ё аниқроғи эртага эрталаб. Тайёр бўлиб туринглар, ўзингиз ҳам, агар у сизга жуда зарур бўлса, гумаштангиз Нозим ҳам.

— Тайёр бўлиб тураман... ҳа-ҳа, тайёр бўлиб тураман...—деб ишонтирди Бинни Умар:

— Олло мададкор бўлсин сизга!— деб қўшиб қўйди Трегомен, Антифер тоға йўқлигида у ўзининг табиий сахийлиги ҳамда оқ кўнгиллилигини бемалол намойиш қила оларди.

Бинни Умар билан Соукка ўша лаънати оролнинг географик ўрнини айтганда, бошқа нарсани билишнинг ҳожати йўқ эди. Лекин ёш капитан буни айтишни лозим топмади, шундан кейин улар нари кетишди.

Жюэль кема бугун кечқурун ёки эртага эрталаб йўлга чиқади деб айтиб шошилмаганмикин? Жильдас Трегомен буни унга ўша заҳотиёқ айтди. Чинданам, соат аллақачон уч бўлди-ю, тилмочдан эса ҳамон дарак йўқ. Борди-ю, Селикнинг хизматидан воз кечиладиган бўлинса, унда сохорлик балиқчилар билан фақат имо-ишора орқали келишиш амри маҳол-ку! Уларга кема ёлламоқчи эканликларини, нимани изламоқчи ва кўрфазнинг ичкари томонига бормоқчи эканликларини қандай тушунтириб, қандай келишиб оладилар?.. Бу мушкул аҳволдан қандай қутуладилар? Тўғри, Бинни Умар билан Нозим арабчани билишади, аммо-лекин уларга мурожаат қилиш қандай бўларкин?..

Омадларига Селик ваъдасининг устидан чиқди. Борди-ю, сўзининг устидан чиқмаганида ҳам бундан нима манфаат кўрарди у? Трегомен билан Жюэль соат бешларда, энди карвонсаройга жўнай деб бурилганларида, эстакада ёнида Селик йўлиқиб қолди

— Ниҳоят!—хитоб қилди Жюэль.

Селик кеч қолгани учун узр сўради. У кемани бир амаллаб топибди, жуда катта пул ваъда қилишга тўғри келибди.

— Бунинг аҳамияти йўқ!—деди Жюэль.—Бугун кечқурун денгизга чиқа оламизми?

— Йўқ,—жавоб берди Селик.—Кема экипажи жуда кеч йиғилишди.

— Қачон йўлга туша оламиз унда?

— Саҳарда.

— Бўпти, келишдик!

— Мен сизларни олиб кетгани карвонсаройга бораман,— қўшиб қўйди Селик,— сув қайтиши билан йўлга тушамиз.

— Мувофиқ шамолда шитоб билан сузиб кетамизда,— деди Жильдас Трегомен.

Дарҳақиқат, ҳаво сафарнинг жуда соз бўлишидан дарак бериб турарди, чунки ғарбдан шамол эсмоқда эди, Антифер тоға эса ўз оролини шарқ томондан излаш керак эди.

## Ў Н Б Е Ш И Н Ч И Б О Б

*Жюэлнинг ажойиб ҳаводан фойдаланиб, Антифер тоғанинг топшириги билан қўёш баландлигини ўлчагани*

Эртасига саҳар чоғи, нурафшон қуёшнинг илк нурлари ҳали кўрфаз бетига жило бериб, ўз зар кокиллари ни ёйиб улгурмасидан, Селик карвонсарой ҳужраси эшигини тақиллатди. Туни билан мижжа қоқмаган Антифер тоға кўз очиб-юмгунча кийиниб бўлди. Жюэль ҳам амакисидан кейин шоша-пиша кийина бошлади.

— Кема таппа-тахт,— деди Селик.

— Орқангиздан етиб борамиз,— деб жавоб берди Жюэль.

— Қайиқчи қани?— деб қичқирди Антифер тоға.— Ҳали у дельфинга ўхшаб талтайиб ётгандир! Ҳозир болаб силкилаб ташлай!

Шундай деб у бутун карвонсаройни бошига кўтариб ҳуррак отиб ётган дельфиннинг ҳужрасига қараб юрди. Шиддатли силкинишдан Трегоменнинг кўзлари очилиб кетди.

Бу орада Жюэль кеча келишиб қўйганларидай нота-риус билан унинг гумаштасини огоҳлантиргани жўнади. Улар аллақачон тайёр бўлиб туришган экан. Нозим сабр-сизланаётганини аранг яширар, ранги паға бўлиб оқариб кетган, Бинни Умар эса базўр оёққа босиб турарди.

Иккала мисрликка кўзи тушган Селик таажжубини яширолмади, буни ёш капитан ўша заҳотиёқ пайқади.

Дарҳақиқат бу ажабланарли ҳол эди. Турли миллатдан бўлган бу кишилар қандай қилиб иноқлашишган ва кўрфазни текширгани биргалашиб боришга нима ундаган? Миршабхона айғоқчисида шубҳа уйғотиш учун шунинг ўзи кифоя эди.

— Аनावи иккала муҳожир ҳам сизлар билан борадими?— деб сўради у Жюэльдан.

— Ҳа,— деб жавоб берди Жюэль хижолатомуз,— улар бизнинг ҳамроҳларимиз. Биз улар билан Суэцдан Маскатга битта алоқа кемасида келганмиз...

— Улар танишингларми?

— Албатта. Лекин улар биздан нарироқ юришади... чунки амакимнинг феъл-атвори сал чатоқроқ...

Жюэль пойинтар-сойинтар қилиб жавоб берарди. Хўш, сирасини айтганда, у Селикка ҳисоб беришга мажбур эмас-ку! Мисрликлар французлар шуни хоҳлагани учун келишган бу ерга, тамом-вассалом!

Бироқ, гарчи вазиятнинг бундай ўзгариши Селикка ғоятда галати кўринган бўлса-да, у синчиклаб сўраб-суриштириб ўтирмади ва учала французни текширгани сингари мисрликларни ҳам диққат билан кузатишга аҳд қилди.

Шу пайт Трегоменни сургаб Антифер тоға келиб қолди—шатакка олувчи пароход худди улкан савдо кемасини тортиб келаётганга ўхшарди. Агар бу ўхшатишни давом этдирадиган бўлсак, юқорида айтган савдо кемамиз имиллаб сафарга ҳозирланаётгандай эди: Трегоменнинг уйқуси ҳамон тарқамаган, кўзлари юмилиб кетаётганди.

Пьер-Серван-Мало ўзини Бинни Умар билан Нозимни кўрмаганга солганини айгиб ўтиришнинг ҳожати ҳам бўлмаса керак. Антифер тоға олдинда, унинг ёнида Селик, қолганлар эса орқада портга қараб йўлга тушишди.

Чоғроққина тўлқинтўсарнинг чеккасида икки мачтали яхта лангарда турарди. Энди фақат катта-кичик елканларни ёйиб юбориш қолганди, холос.

«Бербера» деб аталган бу яхтада йигирма чоғли матрос бор эди. Бу матрослар ҳажми эллик тонна келадиган кичиккина кема хизматини бажариш учун ортиқча эди. Жюэль буни дарров фаҳмлади, лекин ҳеч кимга бу ҳақда оғиз очмади. Дарвоқе, кўп ўтмай яна бир нарсани англади: йигирма кишилик кема экипажидан кам деганда ярми денгизчилар эмасди. Чиндан ҳам булар Сохор миршабхонасининг айғоқчилари бўлиб, Селикнинг буйруғи билан кемага чиқишган эди.

Вазиятни тарозуга солиб кўрган бирор ақли расо кимса шу топда Қомулк пошшо меросхўрининг юз мил-

лионили ўн пистолга ҳам олмасди... мабодо бу бойлик умуман ўша оролда бўлса, албатта.

Сафарчиларимиз «Бербера»га бундай машқларга ўрганиб кетган денгизчилардек эпчиллик билан чиқиб олишди. Трегоменнинг оғирлигидан енгилгина кема чап томонга сал оғиб кетганини ҳақиқатни яширмаслик учун айтишга мажбурмиз. Утакаси ёрилаёзган нотариусни Нозим даст кўтариб, палубага итқитмаганида, унинг кемага чиқиши осон бўлмасди. Ен томондан урилаётган тўлқин натижасида кема чайқаларкан, Бинни Умарга ўша заҳотиёқ таъсир этди ва у зингиллаганича кема қуйруғидаги ҳужрачага кириб кетди. Шу ондаёқ аянчли инграган товуш эшитила бошлади. Асбобларни эса ниҳоятда авайлаб олиб чиқилди. Хронометрни Трегомен дастрўмолига солиб, рўмолчанинг тўртала бурчагидан маҳкам ушлаб олиб чиқди.

Кеманинг эгаси, бадқовоқ чеҳрали кекса араб лангар занжирини тортиб, елканларни кўтаришга буйруқ берди ва Жюэлнинг Селик орқали берган кўрсатмаси билан шимоли-шарқ томон йўл олди.

Шундай қилиб, кема орол томон борарди. Агар ғарбий шамол узлуксиз эсиб турса мўлжалланган ерга бир кеча-кундузда етиб олиш мумкин эди. Бироқ ўжар табиат ҳамиша инсонларга қарши бирор шумликни ўйлаб чиқаради. Мана ҳозир ҳам бир томондан қулай шамол эсаётган бўлса, иккинчи ёқдан осмон туташ булутлар билан қопланган эди. Улар фақат шарққа қараб сузибгина қолмай, балки қатъий белгиланган жойга тўппатўғри боришлари зарур эди. Бунинг учун узунлик ва кенгликни икки маротаба: биринчи марта чошгоҳ пайти ва тушдан кейин, иккинчи марта қуёш меридиандан ўтаётган дақиқада кузатиш лозим эди. Токи олам чироғи — қуёш жамол кўрсатиб одамларни бахтиёр этмагунча Жюэль унинг баландлигини аниқлаёлмасди. Бугун эса бу инжиқ чироқ зўр бериб кўринмасликка тиришарди.

Ана шунинг учун ҳам Антифер тоға «Бербера»нинг палубасида у ёқдан-бу ёққа бориб-келаркан, тоқати тоқ бўлиб, денгиздан кўра кўпроқ кўкка тикиларди. Ҳа, ҳа, у ҳозир туман пардаси билан қопланган олисларда орол кўриниб қолармикин деб эмас, балки қуёшга термуларди.

Кеманинг қуйруқ томонидаги борт ёнига ўтириб олган Трегомен дилсиёҳлик билан бош чайқарди. Унинг

ёнгинасида турган Жюэлниг чехрасига ўкинч аломатлари қалққанди. Тўсқинлик... яна бир тўсқинлик!.. Наҳотки бу сафарнинг ниҳояси бўлмаса? Шундай деб ўйларкан у хаёлан юзлаб лье олисларга, Сен-Малога, ҳали етиб бормаган мактубини интизорлик билан кутаётган севикли ёри яшаётган мўъжазгина уйга кўчди.

— Борди-ю, бугун бу қуёш кўринмаса-чи, унда нима бўлади?—деб сўраб қолди Трегомен.

— Унда кузатиш ўтказолмайман,—деб жавоб берди Жюэль.

— Қуёш кўринмаётганда ой ёки юлдузларга қараб ҳисоблаб бўлмайдами?

— Бўлади, албатта, лекин ҳозир ой боши-да, юлдузларга келсак, худди кундузгига ўхшаб кечаси ҳам булутли бўлади деб қўрқяпман. Бундан ташқари, кузатиш шундоқ ҳам қийин иш, манави яхта сингари чайқалиб турадиган кемада буни бажариш мушкул.

Ҳақиқатан шамол тобора кучайиб борарди. Фарбда худди баҳайбат вулқон оғзидан отилиб чиқаётгандек, қоп-қора булутлар ўралиб-буралиб кўк сари ўрларди.

Трегоменнинг диққати ошиб кетди. У ўзига ишониб топширилган яшиқдаги хронометрни тиззасига қўйиб ўтирарди, Жюэль бўлса секстантни қўлида ушлаб тураркан, уни ишга солиш фурсатини беҳуда кутарди.

Қўққисдан орага чўккан сукунатни Антифер тоғанинг бўралаб сўкиши ва узук-юлуқ гаплари бузди. У инжилда айтилишича бир вақтлар Исо Навинга<sup>1</sup> қулоқ солган, ҳозир эса малуинимизнинг жўнгина бир истагини бажо келтиришни истамаётган қуёшга қараб мушт дўлаярди.

У гўё тоғани майна қилаётгандек, гоҳ-гоҳ булутлар орасидан мўралаб қўярди. Булутлар ҳам худди ёв қуваётгандек, ёхуд арши аълога чиқиб олган ялмоғиз бир игна санчишда тикиб қўяётган йиртиқ кўрпадай зум ўтмаёқ туташиб кетарди. Қуёшнинг баландлигини ўлчаб олишга имкон берадиган фурсат бўлмади, чунки у юқорида айтганимиздек лаҳзадаёқ юзига парда тортарди. Жюэль у йилт этиб кўринганда бундан фойдаланиб қо-

---

<sup>1</sup> Исо Навин — таврот афсоналаридан биридаги яҳудийларнинг афсонавий раҳномаси, у худодан душман қоронғида таъқибдан қочиб қутулмасин деб қуёшнинг юришини тўхта-тиб туришини илтижо қилган экан.

лишга бир неча бор уриниб кўрди-ю, бирсқ барн ҳаракати беҳуда кетди.

Араблар бу денгизчилар асбобларидан нима мақсадда фойдаланишларидан беҳабар эканликларидан ёш капитаннинг нима қилмоқчи бўлаётганига сира ақллари етмасди. Ҳатто бошқаларга қараганда хийлагина билимдонроқ бўлган Селик ҳам қуёшни кузатиш Жюэль учун қанчалик улкан аҳамиятга эга эканини тушунмасди. Бироқ, саёҳатчиларнинг нимадандир таъблари жуда хира эканини ҳаммалари очиқ-ойдин кўриб турардилар. Палубада у ёқдан-бу ёққа зир югуриб, бўралаб сўкаётган, кўкка қараб лаънатлар ёғдираётган, хулласи-калом, ўзини савдойилардек тутаётган малуинга қараб-қараб қўйишаркан, бу ўзи жинни эмасмикин, деб ўйлашарди араблар. Йўқ, ҳали у жинни бўлганича йўқ, аммо-лекин телбаликдан олисда ҳам эмасди. Жюэль билан Трегоменнинг энг қўрққан нарсаси ҳам шу эди.

Биргалашиб нонушта қилиб оламиз, деганларида Антифер тоға ҳар икковига ҳам ўдағайлаб берди. У бир бурда нон еб, асосий мачтанинг ёнига, шундоқ палубага чўзилди-да, гапириб уни безовта қилишларини ман этди.

Ҳаво тушдан кейин ҳам ўзгармади. Осмон ҳамон қуюқ булут билан қопланганди. Денгиз «алланимани олдиндан сезаётгандек» (денгизчилар шундай дейишни яхши кўришади) жуда нотинч эди. Ҳақиқатан ҳам у Уммон кўрфази узра тез-тез бўлиб турадиган, жануби-ғарбнинг ҳамма ёқни остин-устун қилиб юборадиган пўртанаси қўзғалаётганини олдиндан сезган экан. Миср саҳроларидан бостириб келадиган бу даҳшатли ҳамсинлар<sup>1</sup> баъзан кўққисдан шартта йўлини ўзгартиб, сал шашти қайтиб, араб соҳилларига ташланади. Ҳинд океани тўлқинларига тўш уриб, кун-паякун бўлиб кетади.

«Бербера» баҳайбат тўлқинлар гирдобида қолганди. Елканларининг боғичи калта ва асоси ясси бўлгани сабабли у ёндан ҳамла қилаётган ҳалокатли, баҳайбат тўлқинларга дош беролмас, бир жойда осойишта тўхтаб туролмасди. Фақат биргина илож қолганди. Бу ҳам бўлса, шимоли-шарққа қараб шитоб билан сузиш. Жюэль

---

<sup>1</sup> Ҳ а м с и н — Нил дарёси тошадиган паллада Миср бўйлаб эллиж кун мобайнида жанубдан эсиб турадиган иссиқ ва қуруқ шамол.

буни яхши тушунганди. Агар Антифер тоға кемани эҳтиёткорлик ва эпчиллик билан бошқараётган арабнинг хатти-ҳаракатига эътибор берганида, у ҳам буни тушунган бўларди. Умуман кема экипажи чинакам денгизчилардек ўзларини мардона ва хотиржам тутарди.

Бу жасур кишилар Уммон кўрфазидида бунақа бўрон билан биринчи марта олишаётганлари. Йўқ. Бироқ экипажнинг ярми бу даҳшатли пўртанага хотиржамлик билан дош бераётган бўлса, қолган матрослар палубага узала тушиб ётиб олган, кема чайқалишидан азоб чекарди. Буларнинг илгари ҳеч қачон кемада сузмаганларига сира гумон йўқ эди. Ана шунда Жюэлниинг хаёлидан қуйидагилар кечди: ҳа, ҳа, булар кийимини ўзгартиб олган миршабхона айғоқчилари, албатта... Селик ҳам шулардандир балки... Дарҳақиқат, Комулк пошшо меросхўрининг аҳволи мўшкуллашиб, иш ниҳоят бадбин томонга юз бурганди.

Ҳақонинг бундай айниганидан Соук ҳам дарғазаб эди. Мабодо бўрон бир неча кун давом этиб, кузатиш олиб бориб бўлмаса, унда оролнинг қаерга жойлашганини қандай аниқлаш мумкин? Палубада тураверишдан ҳеч қандай фойда чиқмаслигини кўрган Соук кема қўруғидаги хужрага яширинишга аҳд қилди. Бу ерда кема чайқалиши бечора Бинни Умарни мустаҳкамлаб қўйилган жойидан чиқиб кетган бочкадай у ёқдан-бу ёққа думалатарди.

Жюэль билан Трегомен Антифер тоғани пастга тушишга кўндирмоқчи бўлиб уриниб кўришди, лекин у бундан қатъиян бош тортди. Шундан кейин улар тоғани мачта ёнида, қатронланган ва чети қайрилган брезент соябон остида қолдириб, ўзлари кема командаси хонасига кириб, у ердаги курсиларга чўзилишди.

— Экспедициямизнинг оқибати хунук бўладиганга ўхшайди,—деб гўлдиради Жильдас Трегомен.

— Мен ҳам шундан қўрқяпман,—деди Жюэль.

— Ноумид бўлмаслик керак, бўтам. Ҳаво очилиб кетар, ана унда қуёшнинг балаандлигини аниқлаб оласан...

— Умид қиламиз, жаноб Трегомен.

Бироқ у, хавотирга солаётган нарсаси мутлақо об-ҳаво эмас (қуёш қачон бўлмасин, ҳатто Уммон кўрфазиди узра ҳам, бари бир кўринади... Агар ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлса, орол ҳам топилади), балки «Бербер»даги шубҳали кишилар эканини айтмади.



Туманли, зимзиё тун мўъжазгина кема учун жиддий хавф-хатар туғдирарди. Бу хавф яхтанинг енгиллигида эмас (енгиллиги туфайли у даҳшатли тўлқинлардан омон қоларди, чунки тўлқинлар уни елкасида кўтариб, баландга олиб чиқиб кетар ва кучли зарбалардан сақлаб қоларди), балки қутуриб даф қилаётган пўртананинг тўсатдан кучайиб келган ҳамласи эди, ана шундай пайтда кекса денгизчи — кема эгасининг тажрибаси иш бермаганида у аллақачон тўнтарилиб кетган бўларди. Кеманинг эгаси яхтани ўн мартача бундай ҳалокатдан асраб қолди.

Тун яримдан оққанда ёмғир ёға бошлади ва шамол пасая борди. Эҳтимол бу ҳавонинг ўзгаришидан далолатдир? Йўқ, рост, тонг отиши билан бўрон пасайиб, момақалдироқ ҳам бўлмайдигандек эди-ю, лекин осмон ҳамон булутли ва атрофни туман қоплаганди. Тунги жаладан кейин пастроқдаги булутлардан шаффофдек тиниқ ва ундай майда ёмғир ёға бошлади.

Жюэль палубага кўтарилди ва алам билан пешонасини тириштирди, бундай ҳавода ҳеч қанақанги кузатиш олиб бориб бўлмасди. Йўлини ўзгартгандан кейин ҳозир кема қаерга келиб қолганикин? Кечаси бўрон уни қай тарафга ва қанча жойга суриб келганикин? Уммон кўр-фазини жуда яхши билишига қарамай, кема эгаси бу саволларга жавоб беролмади. Чор атрофда, то кўз илға-гунга қадар масофада тирноқча бўлса-да, ер қораси кўринмасди. Орол орқа томонда қолмаганмикин? Бу эҳтимолдан ҳоли эмас, чунки ғарбдан эсаётган шамолнинг зўри билан «Бербера» керагидан ортиқ даражада шарққа қараб оғиб кетган бўлиши мумкин. Ҳар ҳолда, кузатиш олиб бормасдан бирон нима дейиш қийин.

Пьер-Серван-Мало брезент остидан чиқиб, кема тумшугига бориб турди. Уфққа тикиларкан, яна дағдаға ва дўқ-пўписалар қила бошлади. Лекин у жиянига бир оғиз ҳам гапирмади ва бир ерда қотиб тураверди.

Жюэль амакисига бирон нима дейишга ботинолмасди. Селик бўлса уни минг бир саволга кўмиб ташлади. У бу саволларга тўғри жавоб беришдан қочиб, гапни чалғитарди.

Тилмоч унинг ёнига келиб, шундай гап бошлади:

— Аттанг, бугунги кун ҳам жуда ноқулай бошланди-да!

— Ҳа, жудаям ноқулай.

— Анави асбобларингиз билан яна қуёшга қараёлмайдиган бўлдингиз-да, а?

— Шундай бўлса керак деб қўрқаман.

— Унда нима қиласиз?

— Кутаман.

— Сизга шуни айтиб қўяйки, кемага фақат уч кунлик озиқ-овқат ғамланган, борди-ю, ҳаво очилиб кетмаса, Сохорга қайтишга мажбурмиз.

— Эҳтимол.

— Унда Уммон кўрфазини текшириш ниятингиздан қайтаркансиз-да?

— Балки шундай бўлар... ёки, лоақал, экспедицияни об-ҳаво тузук бўладиган пайтга қолдирармиз.

— Қулай пайтни Сохорда кутасизми?

— Сохордами ёки Маскатдами, фарқи йўқ.

Ёш капитан Селик билан жуда эҳтиёткорона гаплашарди, чунки энди унга айниқса ишонмай қўйганди. Шунинг учун ҳам тилмоч йигитдан ҳеч нимани билиб ололмади.

Трегомен билан Соук палубага деярли бир вақтда чиқиб келишди. Бирининг чеҳрасига умидсизлик қалққан бўлса, иккинчисининг эса бутун уфқни туман қоплаб олганини, «Бербера»дан уч-тўрт юз метр нарини кўз илғаёлмаслигини кўриб ғазабдан афти тиришиб кетди.

— Ишларимиз чатоқми дейман?—деб сўради Жильдас Трегомен ёш капитан билан қўл олишаркан.

— Жудаям чатоқ!—деб жавоб берди Жюэль.

— Дўстимиз қасқда?

— У ёқда... олдинда..

— Пешонасини бортга уриб олмаса гўргайди...—деб пичирлади Трегомен.

У, дўстим умидсизликка тушиб, дили сиёҳ бўлиб кетган пайтда ўзини-ўзи нобуд қилиб қўймасин, деб ҳамиша қўрқиб юрарди.

Бутун эрта изтиробли кутиш билан ўтди. Секстант яшикнинг тагида ётарди, ҳозир у худди қимматбаҳо зийнатлар сақланидиган қутичага солиб яшириб қўйилган маржондай бефойда бир нарса эди. Қалин туман пардаси ортидан шу топда ақалли бир толим қуёш нури ўтолмасди. Чошгоҳга бориб Жильдас Трегомен кейин афсусланмаслик учун хронометрни палубага олиб чиқиб, текшириб кўрмоқчи бўлди, бироқ Париж вақти билан

ҳозир «Бербера» турган Уммон кўрфазининг бу нуқтаси вақти орасида фарқ борлиги туфайли, узунликни аниқлашда ундан фойдаланиб бўлмади. Пешиндан кейин ҳам ҳаво яхшиланмади. Кеманинг қаердалиги ҳамон мавҳум бўлиб қолаверди.

Кекса араб ҳам Селикка худди шу ҳақда гапириб, агар ҳаво эртасига ҳам ўзгармайдиган бўлса, кемани ғарбга буриб, яқин орадаги қуруқликка қараб юражагини айтиб, уни огоҳлантириб қўйди. У яна: «у соҳилнинг қаеридан чиқаркинмиз ҳали? Сохор кенглигиданми, Маскат яқиниданми ёки ундан ҳам наридан, Ормуз бўғози рўпарасидан ёхуд Ҳинд океани соҳилларидаги Расул-Ҳад буруни жойлашган кенгликдан чиқиб қолармикинмиз?»— деди.

Селик «Бербера» хўжайинининг ниятини Жюэлга айтиб қўйишни ўзининг бурчи деб билди.

— Майли, шундай қила қолсин,—деб жавоб берди ёш капитан.

То қош қорайгунча ҳам ҳеч қандай янгилик бўлмади. Ҳатто қуёш ботаётган дақиқада ҳам йилт этган нури қуюқ туман пардасини ёриб ўтолмади. Бу орада ёмғир деярли тинган, худди сув тўзонидай сезилмасди ҳам! Бу ҳавонинг ўзгаришидан далолат эмасмикин? Шамол ҳам тинган эди; фақат аҳён-аҳёнда енгилгина шабада эсиб қўярди.

Трегомен қўлини сувга тикиб, баландга кўтарганди, шарқдан майингина шабада эсаётганини сезди.

«Эҳ! Қани энди шу топда «Гўзал Амелия»да Рансининг гўзал соҳиллари орасидан сузиб кетаётган бўлсам, нима қилишимни ўзим билардим-а!»—деб хаёлидан ўтказди у.

Бироқ «Гўзал Амелия»нинг ўтинга сотиб юборилганига кўп вақтлар бўлганди, ҳозир «Бербера» ҳам Рансининг гўзал соҳилларини оралаб сузиб кетаётгани йўқ...

Жюэль ҳам ўз навбатида худди Трегоменга ўхшаб кузатиш олиб борарди. Бундан ташқари, унинг назарида қуёш уфқ чизиги ортига яширинаётган дақиқада, гўё қизиқсиниб эшик тирқишидан мўралаган одамдай, булутлар йиртигидан бир қиё боқиб қўйгандек бўлди.

Пьер-Серван-Мало ҳам бу оний қиё боқишни пайқатгани шубҳасиз, чунки унинг кўзлари чақнаб кетди.

Кеч ҳам кирди. Фақат бир кунлик озиқ-овқат қолгани туфайли ҳамма енгил-елпи овқатланиб олди. Агар

«Бербера» олислаб кетмаган бўлса, эртасига албатта қуруқликка етиб олишлари шарт эди.

Тун осойишта ўтди. Тўлқинлар ғалаёни, энсиз кўр-фазларда бўлиб турганидек, лаҳзада тинчиди-қолди. Шарқ томондан эсаётган шамол бора-бора кемани ўнг томон шамолига мослашга мажбур этди; яхтанинг қаердалигини аниқ билмаган хўжайин Жюэлнинг Селик орқали берган маслаҳатини бажарди ва кема тонг отишини кутиб сузишдан тўхтади.

Саҳарги соат учларда туман тарқаб, осмон тиниқ тусга кирди ва ботиб бораётган тонгги юлдузлар мил-тиллай бошлади. Буларнинг бари кузатишнинг муваффақиятли бўлиши эҳтимоллигидан дарак берарди.

Дарҳақиқат, тонг отиши билан қуёш заррин нурларини таратиб, ётоғидан чарақлаб чиқиб келди. Унинг зар кокиллари ҳавонинг пастки қатламида синиб, лоларанг тус касб этди, бутун кўрфаз сатҳига сочилиб, кўзни қамаштира бошлади.

Жильдас Трегомен ялтироқ шляпасини бошидан олиб, қуёшга илтифотли салом берди. Дунёдаги бор қуёшпарастрлардан ҳеч бири самовот чароғини бундай кутиб олмаса керак.

Ҳар қайсиларининг бошидаги ўй-фикрлар қандай ўзгариб кетганини тасаввур этиш қийин эмасди. Кузатиш дақиқаларини матрос ва сафарчиларнинг қанчалик сабр-сизлик блиан кутаётганларини асти қўяверасиз! Араблар европаликларнинг ҳатто соҳилдан олисда туриб ҳам кеманинг қаердалигини аниқлай олишларини яхши билладилар. Табиийки, шу топда уларни «Бербера» кўрфаздами ёки Расул-Ҳад буруни томон суриб ташланганми, деган фикр жуда қизиқтирарди.

Қуёш тобора баландлаб борарди. Шишадек тиниқ осмонда қатра губор кўринмасди, ёш капитан, ана энди кенгликни аниқлайдиган бўлдим, деган қарорга келди.

Чошгоҳ пайти Жюэль ўз тадорикини кўра бошлади.

Антифер тоға тишини-тишига қўйиб, кўзлари чақнаб, ammo миқ этмай унинг ёнида турарди. Жильдас Трегомен ўзининг каттакон бошини чайқаганча, ўнг томонда, Соук сал орқароқда, Селик чап томонда туришарди. Ҳаммалари ҳозир бўладиган кузатишни ипидан-игнаси-гача томоша қилишга ҳозирланиб туришарди.

Жюэль оёқларини палубага маҳкам тираб, секстант-

ни чап қўлига олди-да, дадиллик билан дурбинини уфққа тўғрилади.

Кема енгил тўлқинлар узра оҳиста чайқалиб турарди.

Баландлик аниқланди.

— Бўлди, тайёр,—деди Жюэль.

Сўнгра уни ёйсимон шкаладаги рақамлар билан солиштириб кўрди-да, ҳисоблаб чиқиш учун каютага тушиб кетди.

Йигирма минутлардан кейин палубага кўтарилиб, кузатиш натижаларини айтди.

«Бербера» ҳозир шимолий кенгликнинг  $25^{\circ}2'$  да экан.

Бундан аёнки, кема орол жойлашган кенгликдан уч минут шимолроқда экан.

Ҳисоблашни охирига етказиш учун соат бурчагини ўлчашгина қолганди. Антифер тоға, Жюэль, Трегомен ва Соуклар учун вақт ҳеч қачон бунчалик имиллаб ўтмаганди. Уларнинг наздида ошиқиб кутган дақиқалари ҳеч қачон келмайдигандек туюларди.

Бироқ бу он етиб келди, бу орада «Бербера» Жюэлни кўрсатмаларига биноан сал жануброққа қараб сузиб борди.

Соат икки яримда ёш денгизчи баландликни бир неча бор ўлчаб кўрди, Трегомен эса хронометрга қараб вақтни белгилади. Зарур бўлган ҳисобларни бажаргач, Жюэль узунликни ҳам топди:  $54^{\circ}58'$  экан. Бинобарин, кема излаётган оролларида бир минут шарқ томонда экан.

Худди ўша топда бировнинг қичқиргани эшитилди. Араблардан бири ғарб томонда, тахминан икки милча нарида шаклсиз қорайиб турган тепаликни кўрсатиб қичқирарди.

— Менинг оролим!—деб қичқирди Антифер тоға.

Ҳа, бу фақат унинггина ороли бўлиши керак, зероки атрофда ҳеч қандай ер қораси кўринмасди.

Шундай дея қичқириб, малуин шайтон ўйинига тушаётгандек ирғишлаб, қўл-оёқларини сликиб у ёқдан-бу ёққа зир югура бошлади. Жильдас Трегоменининг уни ўзининг баҳайбат оғушига олиб маҳкам қучоқлаб тинчитишдан ўзга иложи қолмади.

Кема ўша заҳотиёқ кўзга чалинган қоялар сари бурилди. Елканларни қаппайтириб турган шарқдан эсаётган енгилгина шабада ёрдамида оролга етиб олиш

учун ярим соат ҳам қифоя эди. Дарҳақиқат, роппа-роса ўттиз минутда кема кўзланган манзилга етиб келди. Кузатиш иши бошланган жойдан бу ергача бўлган масофани инобатга олиб, Жюэль оролнинг координатлари Комулк пошшо кўрсатган рақамларга тўппа-тўғри эканига ишонч ҳосил қилди: орол Томас Антифер ўғлига васият қилган кенгликда — экватордан шимолдаги 24°59' да ва Бинни Умар Сен-Малога келтирган худди ўша узунлик — Париж меридианидан шарқ томондаги 54°57' устида жойлашган эди.

То кўз илғаган уфққа қадар чор атрофда бепоён Уммон кўрфазигина ястаниб ётарди.

### Ў Н О Л Т И Н Ч И Б О Б

*Комулк пошшонинг беҳисоб денгизларни кезиб юриб, чиндан ҳам Уммон кўрфазига бўлгани ҳеч сўзсиз исбот этилгани*

Шундай қилиб, Антифер тоға кам деганда юз миллионга баҳолаган орол ростданам мавжуд экан. Борди-ю, шу топда оролни ака-ука Ротшильдлар<sup>1</sup> адлия тили билан айтганда «қандай бўлса шу туришича», сира иккиланмай сотиб олмоқчи бўлганларида Антифер тоға уни ярим франк камига ҳам бермасди.

Сиртқи кўринишидан бу орол шир-яланғоч, ҳеч қандай ҳосил бермайдиган, фэйзсиз, ҳеч нарса ўсмайдиган, айланаси икки-икки ярим минг метр келадиган, шунчаки тухумсимон шаклдаги тошлар уюмидан иборат эди. Қирғоқлари арра тиши каби ўткир учли тумшуқ ва саёз қўлтиқчалар билан кесилганди. Ғарб томондаги ана шундай қўлтиқлардан бирида «Бербера» паногоҳ топиб, ўзини шамолдан панага олди. Бу ерда сув шундай тишиқ эканки, йигирма фут чуқурликдаги йўсинлар билан қопланган қумлоқ туби кўриниб турарди. Ниҳоят яхта тўхтади. Қирғоққа урилиб турган заиф тўлқинлар уни оҳиста чайқатиб турарди.

Нотариусга шунинг ўзи кифоя эди, у энди «Бербера»да бирон дақиқа ҳам қолишни истамасди. У бир амаллаб трап ёнига бориб олди-да, палубага ўрмалаб чиқиб, энди нарвонга оёқ қўймоқчи бўлганида, Антифер тоға шартта елкасидан ушлаб тўхтатди.

— Ортиқ бир қадам ҳам қўя кўрманг, жаноб Бинни

<sup>1</sup> Ротшильдлар — Франция, Англия ва Германиядаги энг бадавлат банк эгалари.

Умар!..—деб ўшқирди у.—Биринчи бўлиб мен тушаман, тушундингизми?

Нотариус тушундими, йўқми, қайсар малуиннинг ўз оролига биринчи бўлиб қадам босишини кутишга мажбур эди. Антифер тоға шундай қилди ҳам, унинг оёғидаги денгизчилар этиги қумда биринчи бўлиб ботиқ из қолдирди.

Шундан кейингина Бинни Умар ҳам пастга тушди ва оёғи ерга теккач енгил тортиб, чуқур тин олди. Кейин бошқалар—Трегомен, Жюэль, Соуклар тушишди. Бу орада Селик оролни диққат билан кузатаркан, муҳожирларнинг бу ерда нима қилмоқчи бўлаётганларига сира ақли етмасди... Шунча қийинчилик кўриб, шунча пул сарфлаб, шунча олисга сафар қилишнинг нима кераги бор экан?.. Харитага манави қояларни белгилаб, уларнинг денгиздаги географик ўрнини аниқлаш учун деса, ким ҳам ишонади бунга!.. Бу гапларнинг бари худди телбаларнинг аҳмоқона қилмишига ўхшайди-ку! Антифер тоғада-ку телбаликнинг баъзи белгилари пайдо бўлган дейлик, бироқ Жюэль билан Трегомен ҳақида асло бундай деб бўлмайди: ҳар қалай уларнинг ақли жойида-ку!.. Шунга қарамай улар ҳам бу сирли тадқиқотга фаол иштирок этиптилар-ку! Бунинг устига яна анави иккала мисрликнинг бу шубҳали ишга қўшилишганини айтмайсизми...

Муҳожирларнинг хатти-ҳаракати Селикнинг гумонини янада ошириб юборди, шунинг учун у оролга тушиб, орқаларидан кузатиб бормоқчи бўлди... Бироқ Пьер-Серван-Мало Жюэлга тушмасин деб ишора қилган эди, ёш капитан Селикка бундай деди:

— Бизни кузатиб боришингизнинг ҳожати йўқ. Бу ерда тилмоч керак эмас... Бинни Умар французчани сувдек биледи...

— Хўп бўлади,—дейишга мажбур бўлди Селик.

Миршабхона айғоқчисига қанчалик алам қилмасин, бу масалада у баҳслашиб ўтиришни истамади. У Антифер тоғанинг хизматига ёлланган экаи, вақти-соати келгунча унинг ҳар қандай буйруғини адо этишга мажбур. Ана шу боисдан Селик ҳозирча ён берганди, лекин муҳожирлар қайтишда «Бербера»га бирон нима олиб келадиган бўлсалар, у бу ишга ўз одамлари билан биргаликда аралашади.

Соат тўртлар чамаси эди — агар учта бочкача кўрса-

тилган жойда бўлса, уларни ковлаб олишга ҳали вақт етарли эди. Бочкачаларнинг шу ердалигига эса малуинимиз асло шубҳа қилмасди.

«Бербера» уларни қўлтиқда кутиб турадиган бўлди, шунга келишиб олишди. Яхтанинг эгаси Селикнинг ёрдамида Жюэлни фақат соат олтигачагина лангар ташлаб туриши ҳақида огоҳлантириб қўйди. Фамланган озиқ-овқат деярли тугаб қолганди. Саҳарда Сохорга етиб олиш учун ҳозир шарқдан эсиб турган мувофиқ шамолдан фойдаланиб қолиш зарур эди. Антифер тоға бир оғиз ҳам эътироз билдирмади. Уйлаган режасини муваффақиятли амалга оширишига шу вақт ҳам кифоя эди.

Бу ерда уни нима ҳам ушлаб қоларди? Ахир бутун оролни қадам-бақадам айланиб чиқиб, метр-метр ковлаб ўтирмайди-ку. Мактубда хазинанинг жанубий чеккадаги қоя этагига кўмилгани ва қояга остинма-устин қилиб иккита «К» ҳарфи қўйилгани очиқ-ойдин ёзилган-ку. Метин билан учала бочкачани ковлаб олиш қийин эмас, кейин Антифер тоға уларни бирпасда кема ёнига зинғиллатганча юмалатиб келади. У шоҳидларсиз иш кўришни маъқул биларди. Васиятномада иш тепасида туриши қайд этилган Бинни Умар ва унинг гумаштаси бундан мустасно, албатта. «Бербера»нинг экипажи бу бочкачаларда нима бор эканлигига қизиқиб ўтирмаса ҳам керак, ҳамма қийинчилик ва мушуқликлар карвон билан Маскатга қайтаётганларидоғина содир бўлиши мумкин. Бироқ кейинроқ ғамини ер бунинг...

Бир томондан Антифер тоға, Жильдас Трегомен ва Жюэль, Нозим билан Бинни Умар иккинчи томондан ён бағирликдан орол тепасига кўтарила бошладилар. Оролни денгиз сатҳидан ўртача баландлиги юз эллик фўтдан ошмасди.

Улар яқинлашиши билан қора ўрдак галалари ўз паногоҳларига бостириб кирган бу нотаниш рақибларга норозилик билдириб жон-жаҳдлари билан ғағиллаганча гур-гур осмонга кўтариларди. Ким билсин, балки Комулк пошшо қисқагина муддатга келиб кетгандан бери бу ерга инсон боласи қадам босмагандир.

Малуин метинни ҳеч кимга бергиси келмай, ўзи елкасида кўтариб борарди. Трегомен белкуракни кўта-



риб олганди, Жюэль эса қўлидаги компасни олдинга қилиб ушлаб олганча, ҳаммани бошлаб борарди.

Нотариус олдинга ўтиб кетмаслиги учун Соукни аранг ушлаб кетяпти. Бинни Умарнинг оёқлари гарчи у палубадан аллақачон тушган бўлса-да, ҳамон дағ-дағ қалтирарди. Бироқ унинг батамом ўзини ўнглаб олганини, ақли-ҳуши илгаригисидек жойига келиб қолганини, йўл азобини унутиб, олдинда турган қийинчиликларни ҳатто ўйламай қўйганини айтсак, китобхон асло ажабланмаса керак. Бинни Умарни маҳлиё этган ҳазина худди шу оролда-да. Борди-ю, бойликни Соук қўлга киритганида ҳам васиятномада қайд қилинган унинг улушини беришдан бош тортмайди, албатта, бу гапни овоза қилмасин деб оғзимга уриш учун ҳам беради бари бир, деб ўйларди у.

Орол тошлоқ экан. Юриш анча мушкул бўлди. Оролнинг марказий қисмига етиш учун ошиб бўлмас дўнгликларни айланиб ўтишга тўғри келди. Энг тепага чиққач шамолда байроғи ҳилпираб турган «Бербера»ни кўришди.

Бу ердан оролнинг ҳамма ёғи кўзга ташланиб турарди. У ер-бу ерда баланд қоялар шўппайиб чиққан, шулардан бирининг этагига ўша миллионлар кўмилган! Ҳеч қанақанги янглишмовчилик бўлиши мумкин эмас, васиятномада қоянинг жанубий ёнбағирликда жойлашгани очиқ-ойдин ёзилган.

Жюэль бу қояни компас ёрдамида кўп ўтмай топди.

Орол бағрини узун тилдай ёриб чиққан ўткир чуққили бурунни оппоқ кўпикли тўлқинлар қуршаб олганди.

Шунда ёш капитан бу қоя этагига кўмилган бойлик ўзи билан ёри ўртасига ўтиб бўлмас бир тўсиқ бўлиб тушаганини ўйларкан, қалбини алам тиғи тилиб ўтди. Энди у амакисининг қайсарлигини ҳеч қачон бука олмайди!.. Шуларни ўйларкан, унинг қалбида ваҳшиёна бир истак—ҳамроҳларини нотўғри йўлдан бошлаб бориш истаги туғилиб бутун вужудини қамраб олди. Бу истакни у зўр-базўр босди...

Трегомен эса икки қарама-қарши ҳис исканжасида қолганди: бир томондан Жюэль билан Эногат қовушолмайди деб қўрқса, иккинчидан Комулк пошшонинг мероси қўлга кирмаса дўсти Антифернинг ақлдан озишидан хавотирланади. Шунда ғазаби қайнаб қўлидаги

белкурак билан тошлоқ ерни қулочкашлаб урганди, атрофга тош парчалари сачраб кетди.

— Ҳой қайиқчи... ҳа, сени нима жин урди?—деб қичқирди Антифер тоға.

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ... ҳеч нарса!—деди Жильдас Трегомен.

— Барака топкур, бу кучингни чинакам ишга асрасанг бўларди!

— Асрайман, қария, асрайман.

Кичиккина тўда жанубий ёнбағрилик бўйлаб бораркан, тезда бурун яқинига бориб қолди. Бурунга етиш учун олти юз одимча йўл босишлари керак эди.

Олдинда Антифер тоға, Бинни Умар ва Соуклар боришарди. Инсон жировини қўлида тутиб турган олтин оҳанрабо уларни зўр бериб тортаётгандек, қадамларини тезлаштирдилар. Улар ҳансираб қолишганди. Улар бойлик ҳидини сезишган, ундан тўйиб-тўйиб, ютиниб нафас олаётганга ўхшардилар; уларнинг бутун вужудини миллионлар ҳавоси чулғаб олгандай, борди-ю, бу оҳанрабо ғойиб бўлиб қолса нафаслари бўғилиб, таппа қулайдиганга ўхшардилар.

Орадан ўн минут ўтгач, саёҳатчилар ўткир учи денгиз бағрига ёриб кирган бурун ёнига етиб бордилар. Комулк пошшо икки «К» дан остма-уст қилиб белги қўйган қояни худди шу ердан излаш лозим эди.

Ана шунда Антифер тоғанинг ҳаяжони чўққисига етиб, ҳушидан кетди. Агар Жильдас Трегомен ушлаб қолмаганида, томирига болта урилган теракдек шалоп этиб қулаган бўлармиди. Юзининг дир-дир қилиб учиб туришигина унинг ҳали ҳаёт эканидан далолат бериб турарди.

— Амаки... амакижон!—деб қичқирди Жюэль.

— Дўстим!..—деб оҳ чекарди Трегомен.

Шу топда Соукнинг тиржайиб туриши ҳеч кимнинг назаридан қочиб қутулолмади. Кўнглидан кечаётгани юзига тегиб турарди:

«Илоҳо ҳаром қотсин бу кўппак кофир! Унда Комулк пошшонинг яккаю ягона меросхўри бўлиб қолардим!»

Бинни Умарнинг бетидан эса, ҳақиқа кўчганда, бутунлай бошқа нарсани ўқиш мумкин эди: «Мабодо хазинанинг қаерга кўмилганини биладиган яккаю ёлғиз

бу одам ўлиб қолса, менинг миллионим ҳам қўлдан кетди деяверинг».

Бироқ бу хунук воқеанинг охири яхшилик билан тугади. Трегоменнинг жонини жабборга бериб ишқалашини натижасида Антифер тоға тезда ўзига келди ва ерга тушиб кетган метинни яна қўлига олди. Ана шундан кейин оролниг жанубий қисмида қидирув ишлари бошланиб кетди.

Орадан кўп ўтмай, ҳатто жануби-ғарб томондан эсадиган бўронлар пайтидаги қутурган денгиз тўлқинлари ҳам етолмайдиган даражада баландлаб борган камбаргина бир минтақасимон тепалик кўзга чалинди. Хазинани сақлаш учун бундан ортиқроқ жойни топиш амри маҳол! Уммон кўрфазида ҳокимлик қилувчи шиддатли пўртаналар ўн йиллар давомида қўйилган белгини ўчириб юбормаган бўлса, этагига бойликлар кўмилган қояни топиш мушкул эмас, албатта.

Шу ҳам гап бўлди-ю! Агр лозим бўлса, Пьер-Серван-Мало бутун теварак-атрофни ковлаб тилка-пора қилади! У керак бўлса, қояларни бирма-бир портлатади, бунинг учун ҳафталар ёки ойлар кетса ҳам рози! У кемани озик-овқат олиб келгани Сохорга жўнатади!.. Йўқ-йўқ! Фақат ўзига, ҳа-ҳа, фақат қонуний меросхўрга, бошқа ҳеч кимсага эмас, ёлғиз ўзига тегишли бўлган бойликни қўлга киритмагунича оролдан асло жилмайди!

Соукнинг бошидан ҳам худди шу хаёллар кечарди шу топда. Икковининг ҳам аҳволи-руҳияси бирдай, бир хил кайфиятда эди. Бу хол инсон зоти шаънига тушган доғ эди, албатта.

Шундай қилиб, ҳаммалари ишга тушиб кетишди: ўрашиб-чирмашиб кетган йўсинлар орасини титишар, сирпанчиқ мохлар билан қопланган ёриқ-тирқишларни кўздан кечиришарди. Антифер тоға қоядан емирилиб, кўчиб тушган тошларни метини билан туртиб, титиб кўрарди. Трегомен эса белкурак билан титиб-ағдарарди. Бинни Умар катта-катта харсанглар орасида қисқичбақадек ўрмалаб юрарди. Жюэль ва Соук ҳам иш билан банд эди. Ҳеч ким чурқ этмасди. Ҳатто қабристонда ҳам бунақанги сукунат бўлмайди.

Дарҳақиқат, кўрфазнинг ичкарасига яширинган бу қилват оролниг қабристондан қаери кам? Бу гўр ков-

ловчилар мисрлик пошшонинг миллионлари кўмилган қабрини изламаянтиларми, ахир?

Ярим соат қидиришди ҳамки, ҳеч нарсадан дарак бўлмади. Шунга қарамай ҳеч қайсилари умидсизланмади ҳам. Улар Комулк пошшонинг оролида эканларига ва бочкачаларнинг шу яқин орада, ана шу жанубий чеккада эканлигига заррача шубҳаланишмасди ҳам.

Қуёш тандирдек қиздирар, бетларидан тер маржон бўлиб оқарди. Бироқ бу одамлар на иссиқни, на чарчоқни сезишарди. Ҳаммалари, ҳатто тўсатдан хасислик ўз домига тортган Трегомен ҳам уя қураётган чумолилардек ғайрат ва шижоат билан ишлашарди. Фақат Жюэльгина баъзан нафрат билан илжайиб қўярди.

Қўққисдан қувонч ҳайқирғи янграб қолди, тўғрироғи, бу йиртқич ҳайвоннинг ўкиришини эслатарди. Ҳайқириб юборган Антифер тоға эди. Бир қўлига шляпасини ушлаб олган, иккинчиси билан қабр тошидай аял, сип-симлик қояга ишора қиларди.

— Ана... ана...—деб такрорларди у.

Башарти у ҳозир маъбуда қошида тиз чўккан художўйдай мук тушиб бу қоя пойини ўпса, ҳамроҳларидан бирортаси ажабланмаган бўлурди. Аксинча, қизиқ устида унга қўшиялган бўлармидилар.

Жюэль ва Трегомен, Соук ҳамда Бинни Умарлар чўккалаб турган Антифер тоға ёнига югуришди... Улар ҳам тоғанинг қаватига тиз чўкишди.

Ҳўш, бу қояда нима бор эди?..

Бу қояда улар кўзлари билан кўриб, қўллари билан пайпаслай оладиган нарса бор эди... Комулк пошшонинг ёзуви—остма-уст қилиб йўнилган икки «К» ҳарфи кўзга ташланиб турар, гарчи ярми ўчиб кетган бўлсада, ҳар қалай уни аниқ ўқиш мумкин эди.

— Ана... анави ерда...—дея такрорларди Антифер тоға ҳамон.

Шундай деб у ковлаш керак бўлган жойга, бундан ўттиз икки йил муқаддам хазина кўмилган тош сандиққа, қоя этагидан ковлаш зарур бўлган ерга ишора қиларди.

Ўша ондаёқ метин ишга тушиб, қояга шундай зарб билан урилдики, атрофга учқунлар сачради. Кейин Жильдас Трегомен тош парчаларини белкураги билан четга улоқтира бошлади. Ковак кенгайиб ва чуқурлашиб борарди. Атрофдагилар энтикиб-энтикиб нафас



олишар, юраклари шундай гурсиллаб урардики, юз миллионлик бойлик юзага чиқиб қоладиган сўнгги зарбани кутиб тарс ёрилиб кетадигандек эди...

Тошни қазигандан-қазিশаверди, бочкалардан эса ном-нишон кўринмасди. Комулк пошшонинг ўз бойлигини жуда маҳкамлаб, чуқурроқ кўмиш зарур деб ўйлаганининг исботи эди бу, холос. Хуллас, тўғри қилган у: бойликни чиқариб олиш учун, сал ортиқроқ вақт кетса ва бир оз кўпроқ тер тўжилса нима қипти?

Тўсатдан аллақандай металл жаранглаб кетди. Метиннинг бирор металл буюмга бориб теккани аниқ эди.

Антифер тоға ўра устига энгашди, боши кўринмай қолди, унинг қўллари зўр бериб ўра тагини тимирскиларди...

Кейин у бошини кўтарди, кўзларига қон қуйилиб кетганди...

Қўлида ҳажми бир куб дециметр келадиган темир қути.

Ҳаммалари бу топилдиққа ҳафсалалари пир бўлиб тикилиб қолишди. Шунда Жильдас Трегомен, шубҳасиз, ҳамманинг фикрини баён этувчи сўзни айтиб юборди:

— Агар шунинг ичида юз миллион бўлса жин урсин мени!..

— Овозингни ўчир!—деб ўшқирди Антифер тоға.

У охириги тош парчаларини улоқтириб, яна ўрани тимирскилай бошлади.

Ортиқча ураниш бефойда эди... У ерда мисрлик устига остма-уст қилиб икки «К» ҳарфини ўйдириб белги қўйган темир қутидан бўлак ҳеч вақо йўқ эди.

Наҳотки Антифер тоға ва унинг ҳамроҳлари беҳудадан-беҳудага шунча азоб-уқубатларни тортган бўлсалар! Наҳотки бир қаллобнинг ҳазили туфайли шунча олис йўлни босиб ўтган бўлсалар?

Ростини айтганда Жюэль амакисининг аянчли чеҳрасини кўриб турмаганида жилмаймоқчи эди. Амакисининг кўзлари телбаларникидай бемаъно жовдирар, оғзи очилиб қолган, томоғидан аллақандай тушуниб бўлмайдиган товушлар чиқарди...

Жильдас Трегомен кейинчалик, ҳаммадан ҳам ўша онда дўстим турган ерида тил тортмай ўлиб қоладими деб қўрққандим, деб гапириб юрди.

Бироқ Антифер тоға бирдан ўрнидан туриб, метини-

ни қўлига олди-да, жон-жаҳди билан уриб қутини икки бўлиб юборди... Қутидаги аллақандай қоғоз ерга тушди.

Бу вақт ўтиши билан саргайиб кетган ҳат бўлиб, ундаги француз тилида ёзилган бир неча сатр ёзувни ўқиш мушкул эмасди.

Антифер тоға бу қоғозни жон-ҳолатда чангаллаб олди. Бинни Умар билан Соукнинг эшитиб турганини, ҳамда балки ўз фойдаси учун сир сақлаши лозим бўлган нарсани фош этиб қўйишини ҳам унутиб, хатнинг биринчи сатрини овози титраб ўқий бошлади:

— «Ушбу ҳужжатда Томас Антифер ёхуд у вафот этган тақдирда унинг бевосита меросхўри банкчи Замбукога етказиши лозим бўлган иккинчи орол жойлашган узунлик кўрсатилган. Бу банкчи...»

Антифер тоға шартта ўқишдан тўхтаб, ўзининг эҳтиётсиз, вайсақи оғзини мушти билан беркитди.

Соук бирон ножўя ҳаракат билан норозилигини фош қилиб қўйишдан ўзини тийиб қола олди. Яна бир нечагина сўзни ўқиганида—ҳаммасини билиб оларди: ўша иккинчи орол жойлашган узунликни ҳам, банкчи Замбуконинг қайси мамлакатда яшашини ҳам. Бу иккинчи оролнинг қайси кенгликда жойлашганини кўрсатувчи рақамлар хатда номи айтилган ўша банкчида бўлса керак.

Соукка ўхшаб бутун умид-орзулари пучга чиққан нотариус оғзи очилганча анграйиб тураркан, шу топда олдидаги сув солинган товоқ олиб қўйилган ва чанқоқликдан жон бераётган итдек унинг тили осилиб қолганди.

Антифер тоға мушти билан оғзини беркитиб, хатни ўқишни бас қилгач эса, Комулк пошшонинг ниятини билишга ҳадди бўлган Бинни Умар ҳар қалай қаддини ростлаб, сўради:

— Хўш, ҳалиги... Уша Замбуко деган банкчи... қаерда тураркан ўзи?

— Ўз уйида!—деб жавоб берди Антифер тоға.

Шундай деб у қоғозни буклаб, чўнтагига тикди, Бинни Умар эса қўлини илтижо билан ночор кўкка чўзганича қолаверди.

Шундай қилиб, хазина Уммон кўрфазидаги бу оролда эмас экан. Бу саёҳатнинг оқибати Антифер тоғанинг янги бир кимса — банкчи Замбуко билан муносабат ўрнатиши лозим эканлиги ҳақидаги таклиф билан тугади.

Эҳтимол, у бир вақтлар кўрсатган хизматлари учун Комулк пошшо тақдирламоқчи бўлган иккинчи меросхўрдир?.. Эҳтимол, малуин фақат бир ўзимга васият қилинган деб ўйлаб юрган хазинани у билан бўлашиши лозимдир? Шундай бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бундан қуйидаги мантиқий хулоса чиқарди: энди Антифер тоғанинг ҳамёнига юз миллион эмас, балки, эллик миллион тушади.

Жюэль бу бойлик ҳам сеvimли Эногатга уйланишига амакисининг розилик бериши учун кўплик қилишини ўйларкан, ғамга толиб, бошини қуйи солди...

Жильдас Трегомен эса гўё: «Агар қўлингизга кирса, эллик миллион ҳам катта мукофот», демоқчи бўлаётгандай илжайиб турарди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, Жюэль Антифер тоғанинг миясидан қандай фикрлар кечаётганини, вазиятни чамалаб кўриб, қуйидаги қарорга келганини аниқ пайқаб турарди:

«Хўш, нима қипти... фарқи шуки, Эногат энди шаҳзодага тегмаса, герцогга тега қолар, Жюэль эса маликага бўлмаса, герцогиняга уйлава қолар, шунга ҳам ота гўри қозихонами!..»

Биринчи қисм тугади.





# И К К И Н Ч И Қ И С М





## БИРИНЧИ БОБ

*Жюэлнинг Эногатга йўллаган, қаҳрамони Антифер тоға тоғдан сайҳатларни ҳикоя қилувчи мазмундор хати*

Антифер тоға жўнаб кетгандан буён Сен-Малонинг От-Салль кўчасидаги уй файзи кетиб, кимсасиздек ҳувиллаб қолганди. Она-бола бечораларнинг туну кунларни қандай ташвиш-хавотир билан ўтказганларини асти қўяверасиз! Жюэлнинг хонаси бўшаб қолганидан Эногатнинг назарида бутун уй одамни ютиб кетаётгандек туюларди. Бунинг устига Антифер тоға ҳам йўқ, Трегомен меҳмонга келмасди.

29 апрель ҳам етиб келди. «Стирсмен»нинг хазиналар оролини забт этишдек қалтис ўй билан сафарга чиққан уч малуинни олиб йўлга тушганига икки ой, ҳа-ҳа, икки ой бўлди. Уларнинг сафари қандай ўтаётганикин? Қаердайкин улар ҳозир? Кўзлаган манзилларига ета олганмикинлар?

— Ойи... ойижон, улар энди қайтишмайди!— деб таъкидларди қизгина.

— Ноумид бўлма, жон болам... ишон... албатта қайтиб келишади!— деб жавоб берарди онаси.— Аслида боришмагани яхшийдикун-я, албатта...

— Ҳа, айниқса Жюэль билан икковимизнинг тўйимиз бўлай деб турган пайтда-я,— дея пичирлаб қўярди Эногат.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтайлик, Антифер тоғанинг жўнаб кетиши бутун шаҳар аҳлида катта таассурот қолдирган эди. Ҳамма унинг трубкасини тишлаб, қалъа кўтармаси бўйлаб, кўчалар ва Силлон соҳилбўйи кўчасидан айланиб юришига жуда ўрганиб қолган эди. Унинг кетидан доим сюртуғи гижимланган, ҳамиша тиззалари дўппайиб турадиган, қирғий бурун, мулойим, оқ кўнгил, чехраси доим хотиржам Жильдас Трегомен боради.

Жюэлни айтмайсизми, олисга сузадиган кема капитани бўлмиш бу ёш йигит билан бутун она шаҳри фахрланарди, уни Эногатдан кам севмас, аниқроғи ўз фарзандидай яхши кўрарди. У ҳам энди «Байиф ва К°» савдо хонадонига қарашли уч мачтали ажойиб кеманинг капитан ёрдамчиси қилиб тайинлай деб турганларида сафарга жўнаб кетди.

Ҳозир қаердайкин учовлари? Бу ҳақда ҳеч ким ҳеч нарса билмасди. Фақат «Стирсмен» уларни Порт-Саидга элтиб ташлаганигина маълум эди. Сайёҳларнинг Қизил денгиздан ўтиб, Ҳинд океанининг шимолий соҳилларигача сузиб боришлари кераклигини ёлғиз Эногат билан Нанонгина биларди. Антифер тоға Бинни Умарнинг тахминан бўлса-да, машҳур оролнинг қаердалигини бир амаллаб сезиб олмаслиги учун ҳеч кимга ўз сирини айтмай оқилона иш қилган эди.

Шунга қарамасдан, гарчи уларнинг қаерга боришини ҳеч ким билмаса-да, бироқ мақтанчоқ, оғзида гап ётмайдиган, дилкаш ва улфати одам бўлган Антифер тоғанинг режалари ҳаммага аён эди. Сен-Малода ҳам, Сен-Серванда ҳам, Динарда ҳам — хуллас ҳамма ёқда Комулк пошшо тарихи, бир вақтлар Томас Антифер олган мактуб, бу мактубда айтилган хабарчининг етиб келгани, оролнинг географик узунлиги ва кенглиги аниқлангани, ўша оролга кўмилган юз миллионлик — баъзи яқиндан хабардор кишиларнинг таъкидлашича юз миллиард — бойлик ҳақидаги гаплар оғиздан-оғизга кўчиб юрарди. Шу сабабли бутун шаҳар хазинани излаш ҳақидаги янги хабарларни, тўсатдан беҳисоб олмос ҳамда дуру жавоҳирларга эга бўлиб, бадавлат набобга айла-

ниб қолган, яқинга сузадиган кема капитанининг қайтишини сабрсизлик билан кутарди.

Эногат бойликни хаёлига ҳам келтирмасди. Фақат ўзлари: қайлиғи, тоғаси, дўсти саломат қайтсалар бўлгани, қуппа-қуруқ қайтишса ҳам майлига! Шунда бахти кулиб боқади, таңрига шукроналар ўқийди, бутун ташвиш-надоматлари беҳад қувончга айланади!

Бу сулув қиз Жюэлдан хат олиб турди, албатта. Суэцдан жўнатган биринчи хатида у сафарлари қандай ўтгани, амакисининг кайфияти, унинг тобора сержаҳл бўлиб бораётгани, олдиндан келишиб қўйилган жойга ўз вақтида етиб келган Бинни Умар билан унинг гу-маштасига амакисининг қандай муносабатда бўлгани ҳақида батафсил ёзганди.

Маскатдан юборган иккинчи мактубида Ҳинд океани бўйлаб имомат пойтахти сари сузиб боришдаги қийинчиликларни, Антифер тоғанинг ҳаяжони ақлдан озиш даражасигача етиб қолганини, шунингдек, Сохорга қиладиган сафарлари ҳақида ёзган эди.

Эногат Жюэлнинг мактубларини қанчалик иштиёқ ва чанқоқлик билан ўқиганини тасаввур қилиш қийин эмас. Жюэль ўз хатларида саёҳатлари тафсилотлари ҳамда амакисининг кайфияти ҳақида ҳикоя қилибгина қолмай, эрта-индин тўйлари бўлай деб турганида севикли қайлиғидан айрилиб, ҳижрон ўтида қоврилаётгани ва қалби тилка-пора бўлиб ўртанаётганини тўкиб-соларди, бироқ ораларида шунчалик олис ҳижрон йўли ётганига қарамай, тез орада дийдор кўришишажаги ҳамда амакиси миллионлар билан қайтган тақдирда ҳам ундан розилик олишдан умидвор эканлиги ҳақида ёзарди. Эногат билан Нанон унинг мактубларини қайта-қайта ўқишарди-ю, лекин жавоб хати ёза олишмас, кўнгилларини бўшатиш имкониятидан бебахра эдилар. Шунинг учун ҳам улар бу мактубларни ўқишаркан, ўзларича турли тахмин, турли хаёлларга боришар, саёҳатчиларнинг олисдаги денгизларда яна неча кун бўлишларини бармоқ букиб санашар, девордаги календарни кунба-кун ўчиришарди. Ниҳоят охриги мактубни олгач, саёҳатнинг иккинчи босқичи тез кунда бошланади — саёҳатчилар уйга қайтишади деган умид бутун вужудларини қамраб олди.

Учинчи мактуб 29 апрелда, Жюэль сафарга жўнагандан кейин икки ой ўтгач келган эди. Конвертдаги Тунис

регентлигининг<sup>1</sup> муҳрини кўриб Эногатнинг юраги хурсандликдан гурс-гурс ура бошлади. Демак саёҳатчилар Маскатдан жўнашибди... улар аллақачон Европа сувларига келиб қолишибди... улар Францияга қайтишаётган экан... Марселга қанчада етиб келишаркин? Уч кундан ортиқ вақт кетмайди! У ердан экспрессга чиқишса Сен-Малога қанчада етиб келишади? Йўл йигирма олти соатдан ортмайди

Хат ташувчи кетгач, она-бола эшикни ичкаридан занжирлаб олиб, пастдаги хоналардан бирида ўтиришарди. Бу ерда уларнинг ўй суришларига ҳеч ким халал бермайди.

Эногат кўз ёшларини артди, конвертни очиб, ичидан хатни олди-да, ҳар бир сўзни дона-дона қилиб, баланд овоз билан ўқий бошлади:

**«ТУНИС РЕГЕНТЛИГИ, ЛА-ГУЛЛЕТ,**

1862 йил, 22 апрель.

Азизам Эногат!

Аввало онангга, кейин сенга алангали салом йўллайман. Ҳануз бир-биримиздан қанчалар олисдамиз, бу охири кўринмайдиган саёҳатимиз қачон тугаркин?!

Мен икки марта хат ёздим, бу хатларимни олган бўлсанг керак, албатта. Бу учинчи хатим анча муҳимроқ, чунки сен бундан мерос масаласи амакимнинг бахтига қарши кутилмаганда тамоман ўзгариб кетганини билиб оласан...»

Эногат қувонганидан қарсак чалиб, бундай хитоб қилди:

— Ойи, улар ҳеч нимани топишолмабди, энди мен шаҳзодага тегмайдиган бўлдим!..

— У ёғини ўқи, қизим,— деди Нанон.

Эногат давомини ўқишга киришди:

— «...шундай қилиб, минг карра афсус билан сенга шуни айтиб қўйишим керакки, энди биз бойликни олислардан... ҳа, жуда олисдан излашга мажбурмиз...»

Эногатнинг қўлидаги хат титрай бошлади.

— Излашни давом этдирамиз... жуда олисдан!— деб

---

<sup>1</sup> Тунис 1574 йилдан бошлаб Усмонли империясига тобе бўлиб қолган, Тунис ҳукмдори турк султонига итоат қилган. 1881 йилдан эса Франция протекторати бўлиб қолган. 1956 йилги битимдан кейин Тунис мустақил давлат ҳисобланади.

пичирлади у.— Ана энди сираям қайтишмайди улар, ойижон... сираям қайтишмайди!..

— Ўзингни бос, қизим, дадил бўл, давомини ўқи,— деди Нанон.

Эногат кўзига жиқ-жиқ ёш олиб, яна хатни ўқишга тушди. Жюэль Уммон кўрфазидаги оролда содир бўлган ишларни, кўрсатилган жойдан бойлик ўрнига фақат янги бир ҳужжат топишганини ва унда янги бир географик узунлик хабар қилинганини умумий тарзда ҳикоя этганди. Давомида Жюэль мана бундай деб ёзганди:

«Азизам Эногат, амакимнинг қандай умидсизликка тушганини, қанчалар дарғазаб бўлганини ҳамда — хазинани тополмаганимиз учун эмас, Сен-Малога жўнашимиз, сенинг ёнингга қайтишим яна ортга суриладиган бўлгани сабабли — нақадар хафа бўлиб кетганимни бир тасаввур қилсанг эди! Назаримда юрагим торс ёрилиб кетгудек бўлди...»

Ҳозир Эногатнинг юраги қинидан чиқиб кетай деб турар ва шу туфайли Жюэлнинг қанчалар изтироб чекканини яхши тушунарди.

— Шўрлик Жюэль!— деб шивирлади қиз.

— Бечора болагинам,— деди онаси.— Давомини ўқи, қизалоғим.

Эногат ҳаяжондан энтика-энтика давомини ўқий бошлади:

— «Комулк пошшо бу лаънати янги узунликни тунислик Замбуко деган банкчига етказишни буюрибди. Кенгликни, янги кенгликни кўрсатувчи рақамлар эса ўша банкчида экан. Бундан кўриниб турибдики, хазина бошқа бир оролга кўмилган. Афтидан пошшо бу одам олдида бир вақтлар унга катта хизмат кўрсатган бобомиз Антифер каби ўзини бир умр қарздор сезган бўлса керак, шу сабабли пошшо ўз бойликларини иккала меросхўрга бўлиб беришга аҳд қилган. Бундан кўриниб турибдики, иккала меросхўрнинг улуши икки ҳисса камаяди, албатта. Ана шунинг учун қанчалар дарғазаб бўлганини (кимлигини ўзинг яхши биласан) асти қўяверасан! Юз миллион ўрнига атиги эллик миллион тегадиган бўлди-да, энди!.. О, қани энди ўша танти мисрлик юз минггина мерос қолдирган бўлса, ана унда амаким арзимас бу бойликка эга бўлгач, бизнинг никоҳимизга тўсқинлик қилмасмиди!»

Шунда Эногат:

— Севишганларга пулнинг нима кераги боракан!— деб қўйди.

— Асло кераги йўқ, пул аксинча халақит беради!— деди Нанон қатъий ишонч билан.— Давом эт, жон болам!

Эногат онасининг сўзига итоат этиб, яна хатни ўқишга тутинди.

— «...Амаким бу ҳужжатни ўқишга тушаркан, каловлаб қолганидан сал бўлмаса янги географик узунликни билдирувчи рақамлар билан оролнинг қаердалигини аниқлаш масаласида учрашиши зарур бўлган одамнинг турар жойини ҳам овоз чиқариб айтиб юборай деди. Яхшиямки, ўз вақтида эси жойига келиб қолди.

Гап бошқа бир оролни излаш ҳақидалигини фаҳмлаган дўстимиз Трегоменнинг афти шундай бужмайиб кетдики, асти қўяверасан. Айтмоқчи, азизам Эногат, биз у билан тез-тез сени эслаб турамыз.

«Бўтам, ўша пошшо тушмагур бизни мазаҳ қилганми дейман? У бизни дунёнинг нариги чеккасига юбормоқчи бўлган бўлса-я тагин?»— деди у менга.

Борди-ю, чиндан ҳам бу орол дунёнинг бирор чеккасида бўлса-я? Ушбу хатни ёзиб турган чоғимда ҳам буни аниқ билмаймиз.

Гап шундаки, амаким Бинни Умарга ишонмайди, шунинг учун ҳам ҳужжатдаги ахборотни сир сақляпти. Бу доғули нотариус Сен-Малода фириб бериб, сирини билиб олмоқчи бўлганидан бери амаким унга ишонмай қўйган ва нотариусдан ҳар хил ҳийла-найранг ишлатади деб шубҳаланади. Балки, у янглишаётгандир, очигини айтганда, менга гумаштаси Нозим устозидан кўра шубҳалироқ кўрилади. Бу совуқ ва ваҳшиёна қиёфали Нозим на менга, на Трегоменга ёқади!

Шунга имонинг комил бўлсинким, Бей кўчасидаги бизнинг нотариусимиз жаноб Қаллош бунақа нусҳани икки дунёда маҳкамасига йўлатмаган бўларди. Шу нарсага аминманки, агар Бинни Умар билан Нозим ўша Замбуконинг қаерда яшашини билганларида биздан олдинроқ унинг ҳузурига етиб олишга ҳаракат қилишлари турган гап эди. Бироқ амаким бу ҳақда ҳатто бизларга ҳам оғиз очмади. Бинни Умар билан Нозим Тунисга кетаётганимизни ҳатто хаёлига ҳам келтиришмайди. Мана энди, Маскатдан йўлга чиқар эканмиз,



пошшонинг ҳавойи режалари бизни қайларга элитаркин, деб сўраймиз ўз-ўзимиздан».

Эногат бир оз жим қолди.

— Бу найранглар ёқмаяпти менга,— деб қўйди Нанон.

Кейин Жюэль орқага қайтишда содир бўлган воқеаларни — оролдан жўнашлари борми, тилмоч Селикнинг муҳожирлар икки қўлини бурнига тиқиб қайтганларини кўриб қанчалик ҳафсаласи пир бўлгани яққол кўриниб тургани борми (энди у кўрфазга қилган саёҳатлари шунчаки сайр эканига ишонган эди), карвон билан Маскатга қайтаётганларидаги чеккан азоблари борми, Бомбейдан келадиган алоқа кемасини жиғибийрон бўлиб икки кунгача кутганлари борми, барини ёзган эди.

«Маскатдан сенга бошқа хат ёзмадим,— деб қўшимча қилганди Жюэль,— чунки бирор янгиликни билиб, сенга ёзиб юбориш ниятида эдим. Бироқ, ҳозирча ҳеч қанақанги янгилик йўқ, фақат биргина нарсани биламан, холос: Суэцга қайтпмиз, у ердан эса Тунисга қараб йўл оламиз».

Эногат ўқишдан тўхтаб, норози қиёфада бош чайқаб ўтирган онасига қараб қўйди. Онаси шундай деб пичирларди:

— Ишқилиб, дунёнинг нариги чеккасига кетиб қолишмасинда! Ғайри дин кофирлардан ҳар нарсани кутиш мумкин!

Бу ажойиб аёл шарқ халқлари ҳақида салб юришлари давридагидек сўзларди. Бунинг устига, ҳалол, покиза художўй бретон аёли назарида бекордан-бекор келадиган бу миллионлар «хосиятсиз» бир нарсдай бўлиб туюларди. Бу ҳақда Антифер тоғанинг олдида бир гапириб кўрсин эди!

Мактуб давомида Жюэль Маскатдан чиқиб Суэцга қилган саёҳатларини, Ҳинд океанидан ҳамда Қизил денгиздан қандай сузиб ўтганларини, Бинни Умарнинг денгиз касаллигидан роса изтироб чекканини тасвирлаган эди.

— Бу кунидан баттар бўлсин!— деди Нанон.

Ниҳоят Пьер-Серван-Малонинг ғамга толгани ва бутун сафар давомида ундан бир оғиз ҳам гап ололмаганлари ҳақида ёзганди.

«Азизам Эногат, амакимнинг қай аҳволга тушишини билолмай қолдим, агар унинг кутгани, орзулари пучга

чиқадиган бўлса, у фақат ақлдан озиши мумкин. Шундай ақлли ва шундай дид-фаросатли одамдан буни ким ҳам кутгани дейсан! Оқибатда у миллионер бўлади-ми?.. Ана унда кимдан умид қиламиз?.. Бойлик васвасасига ким ҳам дош бера оларди?.. Бироқ, сен билан иккимиз, ҳар қалай, бу васвасага қарши дош бера оламиз, чунки бутун ҳаётимиз — орамиздаги севгимиздир!

Суэцдан Порт-Саидга қараб йўл олдик, у ерда Тунисга жўнайдиган савдо кемасини кутишимиз керак эди. Амаким анави лаънати ҳужжатни топшириши лозим бўлган банкчи Замбуко ўша ерда истиқомат қилади.

Бироқ, амакимга маълум узунликни билдирувчи рақамлар ва Замбукодаги кенгликни билдирувчи рақамларни қўшгандан кейин янги оролнинг географик ўрнини аниқлаб, уни қаерлардан изларкинмиз? Ҳамма гап ана шунда, бу ғоятда муҳим масала, чунки бизнинг Францияга қайтишимиз... ёнингга қайтишимиз шунга боғлиқ...»

Эногатнинг қўлидан хат тушиб кетди, Нанон уни ердан олди.

Қиз яқин кишиларининг минг льелаб олисларга кетишини, бегона юртларда изгиб, даҳшатли хавф-хатарларни бошдан кечиражакларини яққол тасаввур этиб турарди, балки улар умрбод қайтишмас... Қиз қалбидан беихтиёр алам нидоси отилиб чиқди.

— Эҳ, тоға... тоға, севган кишиларингиз бошига бунча қайғу-маломатлар солмасангиз!

— Уни айбситмайлик, ёмон отлиққа чиқармайлик, қизим, қўй, худо ўз паноҳида асрасин,— деди Нанон.

Она-бола бир неча дақиқа индамай қолишди, икковларни ҳам тангридан фақат бир нарсани илтижо қилишарди.

Кейин Эногат яна хатни ўқишга тутинди:

— «16 апрелда Порт-Саиддан чиқдик. Тунисга етгунимизча ҳеч ерда тўхташимизнинг ҳожати йўқ эди. Дастлабки кунлари Миср соҳиллари ёқалаб суздик, Искандария портини кўрганида Бинни Умарнинг кўзлари қандай чақнаб, илтижо билан тикилганини бир кўрсанг эди!.. Ўз улушидан ҳам кечиб қочиб қолса-я, деб ўйладим... Лекин ўша топда гумаштаси пайдо бўлиб қолди, улар ўз тилларида нималар ҳақидадир қизгин суҳбатга тушиб кетишди, гарчи биз бир оғиз ҳам сўзларини тушунмаган бўлсак-да, унинг хўжайинини

ақлини йиғиб олишга мажбур қилгани ошкора кўриниб турарди. Умуман, Бинни Умарнинг Нозимдан қўрқиши сезилиб туради, шу сабабли бу мисрлик ўзи айтгандек сира ҳам гумашта бўлмаса керак деган хулосага келдик. У қароқчиларга жуда-жуда ўхшаб кетади. Хуллас, Нозим ким бўлмасин, уни кузатиб боришга аҳд қилдим.

Искандариядан ўтгач, Триполи ва Габес кўрфазларини жануб томонда қолдириб, Бон буруни томон суза бошладик. Ниҳоят уфқда чўққиларида бир неча ташландиқ қалъалар қад кутариб турган, ям-яшил дарактлар оғушига чўмган, икки-уч маробути<sup>1</sup> бўлган кимсасиз Тунис тоғлари кўзга ташланди. 21 апрель куни кечқурун Тунис соҳилларига етиб келдик ва эртасига биз тушган кема Ла-Гулетт тўлқин тўсари ёнида лангар ташлади.

Азизам Эногат, гарчи Тунисда Уммон кўрфазига оролдагига қараганда сенга анчагина яқин бўлсам-да, бари бир мендан қанчалар олисдасан. Яна ким билади, бир-биримиздан бундан ҳам олислашиб кетамизми ҳали... Очигини айтганда, бир-бировингдан беш лье наридамасан ёки беш минг льеми, бари бир қўмсаш, соғиниш ич-этингни бир хилда кемираркан! Лекин ноумид бўлма ва ёдингга сақла: бу сафаримиз қандай оқибат билан тугамасин, кўпга чўзилмайди.

Ушбу хатни Ла-Гулеттга тушишимиз биланоқ алоқа бўлимига топшириш учун ҳозир каютада ёзиб ўтирибман. Бир неча кундан кейин у сенинг қўлингга бориб тегади. Албатта, у сени энг муҳим нарсадан — пешонамизга яна қайси юртларда кезиш ёзилганидан хабардор этолмайди. Аммо-лекин ҳозирча буни амакимнинг ўзи ҳам билмайди. Буни бизнинг Тунисга келишимиз ҳаяжонга солиши мумкин бўлган ўша банкчи билан учрашиб, ахборот алмашганларидан кейин билса керак. Катта бойликнинг ярми осмондан тушгандек қўлига тушажанини кўргач ўз улушидан кечмаслиги ва биз билан биргалашиб оролни излагани йўлга отланажаги турган гап. Эҳтимол, амакимга ўхшаб у ҳам васвасага туриб қолар...

Ҳар қалай иккинчи оролнинг координатларини билишим биланоқ — уни албатта билиб оламан, чунки орол

---

<sup>1</sup> Маробут — кичкинагина масжид.

нинг қаерга жойлашганини географик харитадан аниқлашим керак-ку — сира ҳаялламай сенга хабар қиламан. Балки, тўртинчи хатим учинчиси ортидан тез бориб қолар.

Олдинги ёзган ҳамма хатларим каби у ҳам ойингга ва сенга дўстимиз Трегоменнинг чин юракдан чиққан саломини, менинг ҳамда амакимнинг оташин саломини етказажак. Амакимга қараб туриб, унинг оламдаги ҳамма нарсани — Сен-Малони ҳам, ўзининг қўҳна қадрдон уйини ҳам, бу уйда истиқомат қилувчи азиз кимсаларини ҳам унутиб юборган, деб ўйлаш мумкин.

Менга келсак, сеvimли ёрим, сенга қалбимдаги бутун муҳаббатимни йўллайман! Агар жавоб хати ёза олганингда сен ҳам худди шундай қилган бўлардинг-ку, ахир!

Умри борича сенга вафодор ва сени жондан севувчи

Жюэль Антиферинг».

## ИККИНЧИ БОБ

*Китобхон бу бобда Антифер тоғанинг ворисдоши билан танишини шарафига мушарраф бўлади*

Тунис соҳилларига етиб келаркансиз, бу Тунисдаман деган гап эмас. Ерликларнинг қайиғига тушиб, Ла-Гулетт қирғоғига сузиб ўтишингиз керак ҳали.

Аслини олганда бу гаванни гавань ҳам деб бўлмайди, чунки катта ҳажмдаги кемалар у ёқда турсин, ҳатто ўртача ҳажмдаги кемалар ҳам соҳилга яқинлашолмайди, у ерга фақат кичик-кичик яқинга қатнайдиган кемалар ва балиқчилар баркасларигина тақалиб бора олади. Елканли ва савдо-алоқа кемалари очиқ денгизда лангар ташлайдилар; бу ерда кемаларни шарқий шамоллардан тоғ тизмалари тўсиб турса, гарб ёки шимолдан келадиган даҳшатли бўрон ҳамда пўртаналардан уларни ҳеч нарса асролмайди. Бу ерда ҳар қандай кема, ҳатто ҳарбий кемалар ҳам кира оладиган чинакам порт қуришининг аллақачон вақти етган; бунинг учун регентликнинг шимолидаги Бизерта портини кенгайтириш, ё бўлмаса Баир кўлини денгиздан ажратиб турган тилни кесиб, ўн километр узунликда канал қазиш лозим.

Яна шуни айтиб ўтиш зарурки, Антифер тоға ва унинг ҳамроҳлари Ла-Гулстга ўтганларидан кейин ҳам ҳали Тунисга етганларича йўқ эди. Улар италян компанияси томонидан қурилган кичиккина Рубаттино темир йўл шохобчасида қатнайдиган поездга чиқишлари керак эди. Бу темир йўл шохобчаси Баир кўлини айланиб ўтиб, чўққисида французларнинг авлиё Людовик<sup>1</sup> бутхоначаси чўққайиб турган Карфаген тепалиги этагидан ўтарди.

Саёҳатчиларимиз соҳилбўйи кўчасидан ўтгач, Ла-Гулстнинг яккаю ягона кенг кўчасига чиқиб қолишди. Губернаторнинг ҳашамдор уйи, католиклар ибодатхонаси, қаҳвахона, хусусий уйлар — буларнинг ҳаммаси яхлитига қаралганда замонавий Европа шаҳарининг бир даҳасини эслатарди. Шарққа хос колоритнинг дастлабки белгиларини кўриш учун соҳил томонга ўтиб, баъзан бей (Тунис ҳукмдори) денгизда чўмилиш палласини ўтказадиган қасрни томоша қилиш керак эди.

Бироқ Пьер-Серван-Малони шарқ колорити ва Регул, Сципион, Цезарь, Катон, Мария ҳамда Ганнибаллар<sup>2</sup> ҳақидаги афсоналар асло қизиқтирмасди. У умуман бу машҳур одамларнинг номини билармиди? Билганида ҳам она шаҳрининг шон-шуҳрати билангина қаноатланиб қолаверган оқ кўнгил Трегомен сингари одамлардан эшитганди, холос. Бутун фикри-ёди бугунги куннинг ғам-ташвиши билан бўлмаганида, фақат Жюэлга на тарихий хотиротларга берилиши мумкин эди. Яқин Шарқда одатда фаромуш одамлар ҳақида: «Бу елкасига опичлаб олган ўглини излаб юрган одамлардан экан», дейишади. Бугунги кунда бу нақл Жюэлга жуда ҳам ёпишиб тушарди. У эса қайлигини «изларди» ва Эногатдан яна ҳам олислаб кетаман деб ғам-андуҳга ботганди.

Енгилгина чамадонларини ликиллатиб кўтариб олган Антифер тоға, Жильдас Трегомен ва Жюэллар бу-

---

<sup>1</sup> Бу ерда француз қироли Людовик IX بازارда тutilган, у Тунисга қарши салб юриши уюштирган ва 1270 йили қамал қилинган шаҳар девори ёнида вафот этган. Христиан черкови Людовик IX ни авлиёлар қаторига киритиб, уни жафокаш сифатида қайд этган.

<sup>2</sup> Бу ерда номлари Тунис территориясида жойлашган Қадимги Рим ва Карфаген давлатларининг тарихи билан боғлиқ бўлган машҳур саркардалари ҳамда давлат арбоблари санаб ўтилган.

тун шаҳарни босиб ўтиб (улар Тунисдан янги буюмлар сотиб олиш ниятида эдилар), вокзалга етиб келишди-да, биринчи йўлга чиқадиغان поездни кута бошлашди. Бинни Умар билан Нозим, ораларида маълум масофа қолдириб, орқаларидан эргашиб келишарди. Антифер тоға Комулк пошшонинг инжиқлиги ҳозир ҳаммаларининг тақдирини олиб келиб тақаб қўйган киши — банкчи Замбуконинг қаерда истиқомат қилишини уларга айтмаганди, албатта. Бу ҳол, табиийки, Соукни янги мушкулликларга солиб қўйганди. Нотариуснинг аҳволи эса бир оз енгилроқ эди, чунки меросни бўлишда у ўз улушини албатта оларди. Соук энди битта эмас, икки меросхўр билан курашиши лозим эди. Бу янги ворис қанақа одамкин?..

Ярим соат кутганларидан кейин, саёҳатчиларимиз поездга чиқиб, ўз жойларини эгаллашди. Йўлда кетиб борарканлар, бир неча минут давомида Қарфаген тепалиги ҳамда ўзининг археологик музейи билан машҳур бўлган «Оқ ота» монастири кўзга ташланиб турди. Қирқ минут йўл босиб, поезд Тунисга етиб келди, малуинлар Денгиз флоти хиёбонини босиб ўтиб, европаликлар даҳасининг қоқ марказидаги «Франция» меҳмонхонасида тўхташди. Деярли жиҳозланмаган, шифти баланд учта хона уларнинг ихтиёрига берилди, чивиндан сақланиш учун каравотларга дока пашшахона тутиб қўйилганди. Пастки қаватдаги ҳашамдор каттакон ресторанда истаган вақтингизда овқат топиларди. Хулласи калом, Тунисдаги «Франция» меҳмонхонаси Париждаги ёки бошқа катта шаҳарлардаги олди меҳмонхоналардан қолишмасди. Дарвоқе, бизнинг саёҳатчиларимиз учун бунинг аҳамияти йўқ эди, зероки улар бу ерда ушланиб қолмоқчи эмасдилар.

Антифер тоға энлигина пиллапоядан ўз хонасига чиқишни ҳатто истамади ҳам.

— Кейинроқ шу ерда учрашамиз,— деди у ўз ҳамроҳларига.

— Бор, боравер, қария,— деб жавоб берди Жильдас Трегомен.— Тўппа-тўғри бостириб боравер.

Ростига кўчганда, Антифер тоғани ана шу «тўппа-тўғри бостириб бориш» безовта қиларди. Бинни Умар тоғани алдамоқчи бўлганидек, ворисдошига ҳийла ишлатиш нияти йўқ эди, албатта. Ғалати феълига қарамай, ростгўй, ҳалол, ғоятда тўғри одам бўлган малунин ҳеч

қанақанги ҳийла-найрангсиз иш кўришга аҳд қилганди. Тўғри банкчининг ҳузурига боради-да, бундай дейди:

«Манавини сизга олиб келдим... Қани кўрайлик-чи, бунинг эвазига сиз нимани таклиф этаркинсиз?» Ундан кейин шартта йўлга тушилади.

Айтгандай, оролдан топилган ҳужжатнинг мазмунига қараганда юқорида номи зикр этилган Замбуко ўз ҳузурига бир кун эмас, бир кун Антифер деган кимсанинг ташриф буюриши ва унинг хазина сақланаётган оролнинг қаердалигини аниқлаш учун зарур бўлган узунлик рақамларини олиб келажаги ҳақида огоҳлантирувчи хат олган бўлиши керак. Бинобарин, унинг ташрифи банкчини асло таажжублантирмас.

Антифер тоға фақат биргина нарсадан чўчирди, холос: бордию ворисдоши французчани билмаса, унда нима бўлади? Замбуко ақалли инглизчани билса ҳам майли, ёш капитаннинг ёрдамида бу мушкул аҳволдан қутулса бўлади. Лекин банкчи у тилни ҳам, бунисини ҳам билмаса-чи? Унда, ноилож тилмоч орқали муомала қилишга тўғри келади. Бу ҳолда юз миллион ҳақидаги сирдан учинчи киши ҳам воқиф бўлади...

Антифер тоға қаёққа кетаётганини ҳамроҳларига ҳам айтмай, меҳмонхонадан чиқаркан, йўл бошловчини оливолди. Икковлари ҳам денгиз флоти хиёбонига бориб туташадиган кўча муюлишида кўздан ғойиб бўлишди.

— Агар унга керагимиз бўлмаса...— деб гап бошлади Жильдас Трегомен тоға кетгач.

— ...унда сайр қилгани жўнаймиз ва даставвал ёзган хатимни алоқа бўлимига топширамиз,— деб унинг гапини тугатди Жюэль.

Аввал шундоққина меҳмонхона ёнидаги алоқа бўлимига кириб чиққач, Жюэль билан Трегомен Бобул-Бахра — Денгиз Дарвозаси томон юришди ва Оқ Тунисни ўраб турган кунгурадор девор тошини айланиб чиқишди. Бу девор бемалол французларнинг икки льесича масофага чўзилганди.

Антифер тоға меҳмонхонадан юз одимлар чамаси олислашгач, йўл бошловчи тилмочдан сўради:

— Банкчи Замбукони танийсизми?

— Уни бу ерда ҳамма танийди.

— Қаерда туради у?

— Шаҳарнинг қуйи тарафида, мальталиклар даҳасида.

— Мени ўша ёққа бошлаб боринг.

— Бош устига, жаноб олийлари.

Францияда «мсье»<sup>1</sup> сўзи қанчалик кўп ишлатилса, шарқ мамлакатларида «жаноб олийлари» деган ибора шунчалик кўп ишлатилади.

Шундай қилиб, Антифер тоға қуйи шаҳар томон йўл олди. Ишонинг, у ҳар қадамда учраб турган диққатга сазовор жойларга — хоҳ у қошинкор, баланд, ҳашаматли миноралари осмон кўксига тиралган ажойиб масжид бўлсин, хоҳ қадимги римликлар ёки сарацинлардан қолган харобалар бўлсин, хоҳ хурмо ҳамда анжир дарахтлари соясига чўмган сўлим хиёбон, хоҳ уйлари бир-бирови билан кўз уриштираётгандек, икки бетига тизилиб кетган тор кўчалар бўлсин қиё ҳам боқмас, назар-этибор ҳам бермасди. Бу баланд-паст кўчаларнинг икки томонида ярим қоронги дўконлар тизилиб кетган, уларга анвойи тур буюмлар уйиб ташланган: озиқ-овқатлар, газмоллар, хилма-хил безагу тақинчоқлар қалашиб ётибди. Ҳар даҳада — французларникими, италянларникими ёки яҳудийларникими, ёхуд мальталикларникими, шунга қараб савдогарлар ҳам ўшалардан эди... Буларнинг бари Пьер-Серван-Малонинг кўзига кўринмас, унинг бутун фикри-ёди Замбукода, ўзини қандай кутиб олишида эди... Яхши кутиб олади! Ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас!.. Башарти бировга эллик миллионни қўшқўллаб кўтариб келадиган бўлсанг, имонинг комил бўлсинким, у сени қулоч очиб кутиб олиши турган гап...

Ярим соатларда мальталиклар даҳасига етиб боришди. Туниснинг бу қисми юз эллик минг аҳолиси бор шаҳарнинг озода қисмига ўхшамасди, албатта. Умуман, аслида Тунис озода шаҳарлардан эмасди ҳам, бунинг устига ўша пайтларда Францияга қарамасди ҳам.

Тилмоч кўчанинг ёки, аниқроғи, бу савдо даҳасининг охиридаги энг кўримсиз уйлардан бирининг олдида тўхтади. Тунис кулбалари усулида қурилган бу уй ҳам чор бурчак бостирмали бўлиб, барча араб мамлакатларидагидек ички ҳовлили, ҳамма хоналари-

---

<sup>1</sup> М с ь е — французчасига жаноб дегани.



нинг дарича ҳамда деразалари ана шу ҳовлига қараганди.

Бу уйни кўрган Антифер тоға, соҳиби хонадон олтинларининг ҳисобига етолмаётган бадавлат одамга ўхшамайди асло, деган хулосага келди ва бу ҳол ишнинг муваффақиятли тугашига ёрдам берса керак, деб ўйлади ичида.

— Банкчи Замбуко ростданам шу ерда турадимми ўзи?..— деб сўради у йўл бошловчидан.

— Худди шу ерда, жаноб олийлари.

— Шу банкми?

— Ҳа.

— Балки бу банкчининг бошқа уйлари бордир?

— Йўқ, жаноб олийлари.

— Хўш, у жуда бадавлат одамми?

— Миллионер-ку, у!

— Жин урсин!— деб юборди Антифер тоға.

— Лекин шунчалик бадавлатлигига қарамай, ўлгудек зикна, хасис одам!— деб қўшиб қўйди йўл бошловчи.

— Минг лаънат!— хитоб қилди Антифер тоға.

Шу ерда у ўзини ҳадеб «жаноб олийлари» деб улуглаётган йўл бошловчини жўнатиб юборди.

Ўз-ўзидан маълумки, Соук сездирмасдан Антифер тоға орқасидан қорама-қора борди. Шундай қилиб у Замбуконинг қаерда туришини билиб олди. Бироқ у банкчи билан учрашиб, ишни ўз фойдасига буриб юбора олармикин? Замбуко билан тил бириктириб, Антифер тоғани орадан сиқиб чиқара олармикин? Мабодо Комулк пошшонинг ворислари орасида келишмовчилик чиқиб қолса, бундан бирон нш чиқарса бўлармикин? Дарҳақиқат, Антифер тоға бирдан хатосини пайқаб қолиб, Замбуконинг исмидан кейин географик узунликин билдирувчи рақамларни ўқимаганида омади юришмай қолган эди-да! Агар ўшанда бу рақамларни билиб олганида, Соук Тунисга олдинроқ келиб, банкчига катта мукофот ваъда қилиб, уни ўз томонига оғдириб оларди... Эҳтимол ҳамёнини ковламай ҳам, алдаб-сулдаб сирилан воқиф бўлармиди... Шунда ҳужжатда Антифернинг, фақат унинг номи қайд этилгани, эсига тушиб қолди... Қайд этилса этилавермайдими!.. Соук бари бир ўз режаларини ўзгартирмайди, қандай бўлмасин ниҳоясига етказди. Мальталиқ ва малуин меросни қўлга кири-

тишлари биланоқ ҳар икковини ҳам доғда қолдириб, бойликни ўмариб кетади.

Пьер-Серван-Мало банкчиникига кириб кетди, Соук эса кўчада пойлаб қолди.

Ҳовлига кириб чапга бурилиш биланоқ идора хизматини ўтовчи бино жойлашган эди. Ичкари ҳовлида жон зоти кўринмасди. Бу ерда худди шу бугун эрталаб тўловлар тугаб, банк ёпилгандек осойишталик ҳукм сурарди.

Бироқ шуни билиб қўйингки — банкчи Замбуко ҳеч қачон сипмаган.

Бу тунислик банкчини бир кўз олдингизга келтириб кўринг-а: ёши олтмишлар чамасида, ўрта бўй, қотма, асабий, қадди букчайганроқ, нурсиз совуқ кўзлари олмакесак териб ўйнаб туради, кўса, туси сурранг, наमतдай патила-патила оппоқ сочлари бош суягига елимлаб ёпиштириб қўйилган тақияга ўхшайди, узун-узун, қинғир-қийшиқ бармоқли қўлларини ажин босган. Юпқа лабларини очганда шартта узишга ўрганиб қолган ўткир тишларининг ҳали бус-бутунлигига қаноат ҳосил қиласиз.

Антифер тоға унчалик зийрак одам бўлмаса-да, Замбуконинг совуқ, ёқимсиз кимса эканини, бунақанги нусхалардан яхшилик чиқмаслигини, бунақалар билан суҳбат қуриб киши ҳузур қила олмаслигини дарров пайқади.

Аслида бу банкчи оддий судхўр бўлиб, Тунисда яшовчи, гаров эвазига қарз берадиган беш ёки олти минг мальталиклардан бири эди.

Айтишларича, Замбуко олтин сувдай оқиб келадиган аллақандай шубҳали олди-берди йўллар билан жуда катта бойлик орттирган эмиш. У чиндан ҳам ғоятда бадавлат бўлиб, бу билан ғурурланарди. Бироқ, унинг фикрича, киши бой бўлган сари яна бойисам дейди. Антифер тоғани чалғитган кўримсиз уйи ва нурсиз уй жиҳозларига қарамай, уни мультимиллионер деб ҳисоблаганлари тўғри эди. Унинг фақирона ҳаёт кечириши — рўзғор эҳтиёжлари борасида ниҳоятда хасис ва зиқналигидан далолат берарди. Наҳотки унинг ҳеч қандай тирикчилик эҳтиёжлари бўлмаса? Бор эди, лекин бутун эҳтиёж-харажатларини ниҳоятда чеклаб қўйган, бойлик орттириш ҳирсига қурбон қилганди. У бутун умрини пулларни қоп-қоп қилиб тахлаб қўйиш, пулга тузоқ

қўйиш, чор-атрофдаги олтинларни хазинасига жамлаш, заррача қийматга эга бўлган нарсани қўлга киритиш, бу борада ҳар қандай ҳийла-найрангу ёвузликлардан тап тортмасликка бағишлаган эди. Оқибатда у бир неча миллион бойлик тўплаб, сандиқларга яширди, лекин бу бойликларни ишга солишни хаёлига ҳам келтирмасди.

Бунақанги одам уйланиб, бола-чақа орттирмаслиги, бир умр бўйдоқ ўтиши турган гап. Бунақанги одамларнинг бўйдоқ ўтиши тақдири азалданмасмикин? Уйланиш Замбуконинг ҳатто етти ўхлаб тушига ҳам кирган эмас — «бу ҳам бўлса хотинининг бахти», деб аския қилишарди мальталиклар даҳасидаги ҳазилкаш одамлар бундайлар ҳақида гап кетганда.

Унинг яккаю ёлғиз синглисидан бўлак ҳеч қандай уруғ-аймоғи йўқ эди. Бутун Замбуколар авлод-аждодининг тимсоли ёлғиз ўзи эди. Уйда, аниқроғи, идорасида, яна ҳам тўғрироғи, пул омборида бир ўзи яшарди, хизматларини кекса бир тунислик аёл бажарар, унинг еганичгани ва маоши хўжайинга арзимаган нарсага тушарди. Бу қурдумга нима тушса ҳам қайтиб чиқмасди. Ана энди Антифер тоғанинг қандай рақиб билан тўқнашиши аён бўлди чоғи. Бу совуқ одам бир вақтлар кўрсатган қандай хизматлари учун Комулк пошшонинг миннатдорчилигига сазовор бўлдийкин, эндиликда шуни сўрамоқлик жоиздир.

У чиндан ҳам бир вақтлар хизмат кўрсатган эди. Бор гапни китобхонга бир неча оғиз сўз билан тушунтириб беришимиз мумкин.

Йигирма етти яшар, етим Замбуко ўша пайтларда Искандарияда яшарди. Унга ота-онанинг кераги ҳам йўқ эди. Чунки, уларга бари бир қарамасди. У гоятда сабр-тоқат ва қунт-шижоат билан турли даллоллик йўллларини ўрганарди. Даллоллик қиларкан, сотгандан ҳам, олгандан ҳам бай ҳақи олишга, савдо пулидан мўмайгина қилиб қайириб қолишга устаси фаранг бўлиб кетди; аввал даллоллик, кейин олиб сотарлик, ниҳоят сарроф ва судхўрлик қилди, хуллас инсон ақли-заковати стадиған ҳунарлар ичида энг кўп фойда келтирадиган касб билан шуғуллана бошлади.

1829 йили (ҳали буни унутганимизча йўқ) қариндоши Мурод ва Муроднинг гиж-гижлаши билан ҳокимият-параст Муҳаммад Алининг ўз бойлигига кўз олайтираётганларидан ташвишга тушиб қолган Комулк пошшо

мол-дунёсини Сурияга олиб бориб ташлашга қарор берганди. Пошшо ўшанда Мисрдаги ҳар қандай шаҳарга қараганда у ерда бойлигим бежавотирроқ сақланади деб ўйлаган эди.

Бундай катта ишни бажариш учун унга жуда уста ва уддабурро хизматчилар керак эди. Лекин у ўз ишончини қозонган муҳожирларнигина ёллашни истарди. Ҳукмдорнинг манфаатларига зид ўлароқ мисрлик бадавлат пошшога ёрдам берарканлар, бу одамлар кўп нарсадан, кам деганда озодликларидан маҳрум бўлишлари мумкин эди. Уша махфий ёлланма хизматчилар орасида ёш Замбуко ҳам бор эди. Башарти у жонбозлик кўрсатиб ишлаган экан, бу хизматлари эвазига ўз вақтида мўмайгина ҳақ ҳам олган эди; у Алеппога кўп марта қатнаган; ниҳоят ўз муштарийсининг мол-мулкани пуллаш ва бойликларини ишончли жойга олиб боришда фаол қатнашган эди.

Бундай ишлар қийинчилик ҳамда хавф-хатарлардан холи эмасди; Комулк пошшо жўнаб кетгандан кейин, унинг топшириқларини бажарган хизматчилардан Муҳаммад Али миршабларида шубҳа туғдирган баъзилари ҳибсга олинганди. Шулар орасида Замбуко ҳам бор эди. Рост, далиллар етарли бўлмагани сабабли уларни бўшатиб юборишга қарор беришганди. Лекин, ҳар қалай, улар ўз садоқатлари учун жазо тортгандилар.

Ана шундай қилиб, 1799 йили Яффа қояларида чалажон бўлиб ётган Комулк пошшонини олиб бориб парварниш қилиб бебаҳо хизмат кўрсатган Антифер тоғанининг отаси сингари Замбуко ҳам орадан ўттиз йил ўтгач бадавлат мисрликнинг миннатдорчилигига эришиш ҳуқуқига мушарраф бўлганди.

Комулк пошшо уни ёдидан чиқармаган эди.

1842 йилда сеп-малолик Томас Антифер билан Тунида истиқомат қилаётган банкчи Замбуколарга, бир кун келиб улар юз миллионлик меросдан ўз улушларини олишлари, бу бойликлар қимматбаҳо буюмларга айлантирилиб номаълум оролга кўмилгани, ана шу оролнинг қайси кенгликда жойлашганини билдирувчи рақамлар икковларига юборилаётгани, узунликни кўрсатувчи рақамларни вақти келиб унис ҳам, буниси ҳам олажаги ҳақидаги мактуб келиб текканди.

Бу мактубнинг Томас Антиферга, кейинчалик эса унинг ўғлига қанчалик таъсир этганини юқорида айтиб

Ўтгандик; бундай хабарнинг банкчи Замбукодек одамга қандай таъсир этажагини фаҳмлаш қийин иш эмас. Турган гапки, бу мактуб ҳақида бирор кимсага оғиз очмаганди. Банкчи орол жойлашган кенгликни билдирувчи рақамлар битлиган мактубни пўлат сандигининг қулф-калитли хуфия бир хонасига солиб, қулфлаб қўйди. Шундан бошлаб Комулк пошшо ўз вақтида номини эслатиб ўтган Антифер деган кимсанинг ташриф буюришини ҳар дақиқада кута бошлади. У жон-жаҳди билан мисрликнинг кейинги тақдири нима бўлганини билишга интиларди. Комулк пошшонинг 1834 йили ўз шхунасида қўлга туширилганини ҳам, кейин унинг Қоҳирага олиб келинганини ҳам, қалъада ўн саккиз йил қамалиб ётганини ҳам ва, ниҳоят, 1852 йилда оламдан ўтганини ҳам ҳеч зор билмасди.

Шундай қилиб, 1862 йил етиб келди. Мактуб келиб текканди бери йигирма йил ўтса ҳамки, малуиндан ҳамон дарак йўқ, кўпдан орзиқиб кутилган узунликни билдирувчи рақамлар кенглик рақамларини интизор қилиб бекор ётарди... Лекин Замбуко сира тушкунликка тушмади. Комулк пошшонинг ваъдаси эртами-кечми амалга ошишига заррача шубҳаланмасди. Кўҳна ва Янги Дунё мунажжимлари башорат қилиб айтиб кетган сайёраларнинг самода пайдо бўлишига қанчалик ишонса, мальталиклар кўчасига Антифер исмли кимсанинг ташриф буюришига ҳам шунчалик имони комил эди. У афсусланадиган биргина нарса (бунақанги одам учун бу ҳол табиийдир) бойликни бошқа бир меросхўр билан бўлашиш эди. Шунинг учун ҳам у малуинга хаёлан такрор-такрор лаънатлар ўқирди. Бироқ олижаноб мисрликнинг амрини ўзгартишнинг ҳеч иложи йўқ эди. Шунга қарамай, юз миллионлик бойликни бўлашиб олиш унинг назарида даҳшатли жиноятдек бўлиб туюларди... Шу боисдан у талай йиллардан бери ўйлаб-ўйига етолмас, минг бир хил режалар тузиб кўраркан, бундан мақсади битта эди: қандай қилса бутун бойлик яхлитлигича қўлига кираркин... Бунинг уддасидан чиқа олармикин?.. Ҳар қалай, узунликни билдирувчи рақамларни келтириши зарур бўлган Антифер деган кимса қандай одам бўлмасин, банкчи уни кутиб олишга пухта тайёргарлик кўриб қўйган эди.

Денгизчилик илмидан беҳабар банкчи Замбуконинг алламаҳалларгача бу узунлик ва кенгликни билдирув-

чи рақамларга қараб, яъни таҳмин қилинган икки чизиқ кесишадиган жойга қараб, ер куррасининг бирон нуқта-сининг географик ўрнини қандай аниқланишига ақли етмай юрганини таърифлаб ўтириш ортиқча бўлса керак. Бироқ, гарчи бу нарсани тушуниб етолмаган бўлса-да, лекин ворисдошларнинг учрашиши муқаррар эканини, Антиферсиз ҳеч нарсa қила олмаслигини, шунинг-дек Антифернинг унингсиз бирон нима қила олмаслигини жуда яхши тушунарди.

### У Ч И Н Ч И Б О Б

*Антифер тоғанинг антиқа таклифга жавоб бериш ўрнига  
жуфтакни ростлаб қочиб қолгани*

- Банкчи Замбукони кўрсак бўладими?
- Иш билан келган бўлсангиз, марҳамат.
- Ҳа, иш билан.
- Исми-шарифингиз?
- Муҳожир деяверинг, шунинг ўзи кифоя.

Бу суҳбат Антифер тоға билан француз тилини бузиб гапираётган тўнг, кекса ерлик ўртасида борарди. Чол сим тўр билан иккига ажратилган, ўртасида дарчаси бор энсизгина хонанинг ичкарасига қўйилган стол ортида ўтирарди.

Малуин отини айтиб ўтиришни лозим кўрмади, у бетма-бет туриб:

«Мен сен-малолик Томас Антифернинг ўғли бўлман!..»— деса банкчига қандай таъсир қилишини кўрмоқчийди.

Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас уни оҳак билан оқланган, шифти қурум босиб қорайиб кетган, бор жиҳози бир бурчагида вазмин пўлат сандиғу иккинчи бурчагида баланд иш столи, икки курси ва яна бир столдан иборат хонага бошлаб киришди.

Замбуко ҳамон стол ортида ўтирарди. Комулк пошшонинг иккала вориси бетма-бет учрашишди.

Замбуко бош ва ўрта бармоғи билан тўтиқушнинг! тумшугига ўхшаган бурни устидаги каттакон думалоқ кўзойнагини тўғрилаб, сал бошини кўтарди-да, ўтирган жойида сўради:

- Қим билан сўзлашиш шарафига муяссарман?

У французчани Лангедок ёки қишлоқиларга хос лаҳжада сўзларди.

— Яқинга сузадиган кема капитани Антифер билан,— деб жавоб берди малуин, бу олти иборани эшитган Замбуконинг ўрнидан сапчиб туриб, қувонч билан: «Сизмисиз!.. Ниҳоят келибсиз-да!..»— деб қичқириб юборишига мутлақо ишонган ҳолда.

Иўқ, банкчи курсисидан ирғиб турмади ҳам, лабла-ри маҳкам қимтилган оғзидан у кутган сўзлар чиқмади ҳам, хурсандлигидан қичқириб юбормади ҳам. Бироқ диққат билан кузатган одам кўзойнак остидаги кўзлар чақнаб кетганини, ўша ондаёқ буни юмилган мижжалари яширганини пайқаб оларди.

— Мен сизга капитан Антиферман деяпман..

— Эшитдим.

— Антифер Пьер-Серван-Мало, сен-малолик Томас Антифернинг ўғли.. Иль ва Вилен.. Бретань.. Франция..

— Менинг банкимга тегишли аккредитив қоғозингиз бормиди?— деб сўради банкчи, унинг овозида ҳеч қандай ҳаяжон аломати сезилмасди

— Ҳа.. Аккредитив қоғозим борийди!— деди Антифер тоға бундай совуқ қабулдан гангиб.— Ҳа, юз миллионлик аккредитив қоғози!..

— Қани, беринг-чи...— Одднйгина деди Замбуко, гўё гап бир неча пиастр ҳақида бораётгандек.

Малуин бир зарба билан эгардан қоқиб туширилганди. Бу қанақаси бўлди! Наҳотки бу боқи беғам, лоқайд банкчи бундан йигирма йил муқаддам катта бойлик олиши, кунлардан бир кун Антифер деган кимса унинг улушини лаганга солиб кўтариб келиши, лозимлиги ҳақида огоҳлантириб қўйилмаган бўлса... У Комулк пошшонинг айтган одамани кўриб ҳатто пинагини бузмади, заррача таажжубланмади, тирноқча қувонмади ҳам-ку?.. Биринчи оролдан топилган ҳужжат чалғитиб юбормадимикин ҳамма ишни? Эҳтимол бу мальталикка эмас, бошқа одамга мурожаат қилиш керакмиди?.. Балки банкчи Замбуко географик кенгликни билдирадиган рақамлардан мутлақо хабарсиздир?.. Бу рақамларсиз эса иккинчи оролни топиш мумкин эмас-ку?..

Умидлари пучга чиққанини кўрган ворисдошнинг аъзойи бадани жимираб кетди. Оёқлари бўшашиб,

юраги ўйнай бошлади; у шилқ этиб курсига ўтириб қолди.

Банкчи унга ёрдам бериш учун ҳатто қимирлаб ҳам қўймади. У мусофирни кўзойнаклари остидан кузатарди — лабларининг бурчи сал очилиб, тишлари билинар-билинимас ғижирлаб турарди. Шу топда у ўзини босиб туришга мажбур бўлмаса, ҳаяжонидан: «Бу матрос сал заифроқ экан!»— дея хитоб қилиб юборай деяётгандек туюларди. Бу эса: «Буни бир ёқлик қилиш мушкул эмас экан», деган маънони англагучи эди.

Бу орада Антифер тоға аста-секин ўзини қўлга ола бошлади. Афтини дастрўмол билан артди-да, трубкасини оғзида у ёқдан-бу ёққа ўйнатганча ўрнидан турди.

— Сиз чиндан ҳам банкчи Замбукомисиз ўзи?..— деб сўради у столга мушт тушириб.

— Ҳа... Тунисда фақат менинг фамилиямгина шундай.

— Сиз мени кутмаганмидингиз?..

— Йўқ.

— Менинг келишим ҳақида сизни огоҳлантиришмаганмиди?

— Сизнинг келишингиз ҳақида? Қандай йўл билан?

— Бир пошшонинг мактуби орқали...

— Пошшо дейсизми?..— дея қайтариб сўради банкчи.— Пошшонинг мактуби орқали дейсизми?.. Мен ахир унақа хатларни юзлаб оламан...

— Қомулк пошшодан... Қоҳирадан?..

— Ёдимда йўқ.

Замбуко ўзи географик кенглик ёзилган хатни кўрсатмасидан бурун Антифер мажбур бўлиб қўлидаги орол жойлашган узунликни билдирадиган рақамли ҳужжатни кўрсатсин деб шундай устомонлик қилаётган эди.

Бироқ Қомулк пошшонинг исми тилга олингач, ўзини бу номни илгари ҳам эшитганга солди. Шу топда у хотира дафтарини варақлаётганга ўхшарди...

— Шошманг...— деди у кўзойнагини тўғриларкан.— Қоҳиралик Қомулк пошшо дедингизми?..

— Ҳа, ҳа, худди ўша...— деб гапни илиб кетди Антифер тоға.— Мисрлик Ротшильд деса ҳам бўлади... унинг олтин, олмос, дур, жавоҳирлардан иборат жуда катта бойлиги бўлган...

— Сал ёдимга тушгандай бўлди... дарҳақиқат...

— Вақти-соати келиб бу бойликнинг ярми ихтиёри-



нигизга ўтиши ҳақида сизни огоҳлантириб қўйган бўлиши лозим.

— Сиз ҳақсиз, жаноби Антифер, ўша хат қаердадир ётган бўлиши керак.

— Қаердадир ётган бўлиши керак деганингиз қанақаси! Унинг қаердалигини билмайсизми?

— Ой Меникида ҳеч нарса йўқолмайди. Топилиб қолар.

Бу жавобни эшитиб, Антифер тоғанинг важоҳати даҳшатли тус олди ва бармоқлари мушт бўлиб тугилди... Агар хат топилмаса, банкчининг бўйинини қайириб ташлашга тайёрлиги яққол кўриниб турарди. Шу топда Антифер тоғанинг ўзини босиб туриши амри маҳол эди, албатта..

— Биласизми, жаноб Замбуко,— деб яна гап бошлади у бир оз жим тургач,— сизнинг бунчалик хотиржамлигингизга ҳайрон қоляпман! Бу иш ҳақида шундай бепарволик билан гапиряпсизки...

— Фу-у!— деб қўйди банкчи.

— Ия... «фу-у»си нимаси!.. Ахир гап юз миллион франк ҳақида боряпти-я!..

Замбуко мийиғида нафратомуз жилмайиб қўйгандек бўлди. Гўё бу одам учун юз миллионнинг лимон ёки апельсин пўчоғичалик қадри йўқдек эди.

«Ҳа, аблаҳ!.. Унинг ҳамёнида шундоқ ҳам юз миллиони борга ўхшайди!»— деб ўйлади Антифер тоға.

Бироқ банкчи гапни бошқа изга буриб юборди. У баъзи нарсаларни, аввало малуиннинг ҳузурига қандай мақсадда келганини аниқлаб олмоқчи эди.

— Менга қаранг, наҳотки, бу хазина ҳақидаги афсонага чинданам ишонсангиз?— деб сўради у рўмолчасининг учи билан кўзойнагини артаркан. Унинг сўзларида шубҳаланиш оҳанглари сезилиб турарди.

— Ишонасизми дейсизми? Худоларга ишонгандай ишонаман!

Антифер тоға бу сўзларни ҳақиқий бретонлардай ишонч ва қатъий эътиқод билан айтди.

Кейин у отасининг 1799 йили пошшони ўлимдан қандай асраб қолганини, 1842 йили Сен-Малога номаълум оролга кўмилган хазина ҳақидаги сирли мактуб келганини, бу сирни жон бераётган отаси оғзидан қандай эшитганини; оролнинг қаерда жойлашганини зинқлаш учун зарур бўлган рақамларни олиб келиши лозим бўл-

ган одам — хабарчини йигирма йил зориқиб кутганини, искандариялик нотариус Бинни Умарнинг, яъни Комулк пошшо васийсининг кўпдан кутилган географик узунликни билдирувчи рақамлар кўрсатилган васиятномани келтирганини; бу рақамларнинг Маскат кенглигида, Уммон кўрфазида жойлашган оролнинг координатларини харитадан аниқлашда қандай иш берганини; ўз жияни Жюэль, дўсти Трегомен ҳамда Бинни Умар ва унинг гумаштаси Нозимлар билан биргаликда Сен-Малодаи Маскатга йўл олганларини, кўрфазининг Сохор яқинидаги еридан ўша оролчани қандай топганларини; ниҳоят остма-уст қилиб икки «К» ҳарфи билан белги қўйилган жойдан хазина ўрнига иккинчи оролнинг қайси узунликда эканлиги кўрсатилган хат солинган темир қутича топилганини ва бу хатда битилган рақамларни у, яъни капитан Антифер, Тунисда истиқомат қилувчи банкчи Замбукога етказиши лозим эканлигини; банкчидаги кенгликни англатувчи рақамларга хатдаги рақамлар қўшилса янги оролнинг географик ўрни аниқланажагини, хуллас, бор гапни бир бошдан ҳикоя қилиб берди...

Ўзини мутлақо бепарво қилиб кўрсатишга тиришган банкчи Антифер тоғанинг ҳикоясини бутун вужуди билан тинглади. Узун-узун қийшиқ бармоқларининг билинар-билимас титраб туриши унинг ғоятда ҳаяжонланаётганидан далолат бериб турарди. Фарқ терга ботган малуин ҳикоясини тугатгач, Замбуко:

— Ҳа, дарҳақиқат... хазинанинг борлиги шубҳасизга ўхшайди афтидан... Лекин Комулк пошшо нима сабабдан бундай йўл тутдйкин?— деди гижиниб.

Дарҳақиқат, бу нарса муаммо эди.

— Нима сабабдан дейсизми?— такрорлади Антифер тоға.— Менимча, шунинг учунки... Жаноб Замбуко, аввало шуни айтишг-чи, бир вақтлар бирон вайдан Комулк пошшо ҳаётинга алоқадор иш қилганмисиз?.. Хўш, айтайлик, бирор ёрдамнингиз текканми унга?..

— Шубҳасиз... жуда катта ёрдамим теккан.

— Қачон ва қай вайдан?

— У Қоҳирада турган пайтларда, мол-мулкни пуллашга аҳд қилганди. Ўша пайтларда мен Қоҳирада яшардим...

— Шундай денг... Тушунарли... У хазинани ковлаб олишда ўзи мукофотламоқчи бўлган икки кимсанинг

учрашишини истаган экан-да... яъни сиз билан менинг учрашишимни, негаки менинг отам аллақачон оламдан ўтган...

— Нега сиз яна бошқалар ҳам бордир деб ўйламайсиз?— дея ичиқоралик билан савол берди банкчи.

— Бунақа гапларни йиғиштириб қўйинг!— деб қичқирди Антифер тоға ва шундай зарб билан мушт туширдики, стол лапанглаб кетди.— Бас!.. Икки киши бўлганимиз ҳам етар!..

— Сиз ҳақсиз,— деб тасдиқлади Замбуко.— Лекин бир нарсани тушунтириб берсангиз, анави искандариялик нотариус нега сизга эргашиб юрибди?

— Васиятноманинг бандларидан бирида таъкидланишича бойликни ердан қазиб олиб, бўлашиладиган пайтда устида туриши шарт. Унга ҳам мукофот тегиши зарур.

— Хўш, қанча мукофот тегиши керак экан унга?

— Юздан бир улуши.

— Юздан бири-я!.. Вой, фирибгар-э!

— Ҳа, фирибгар! Нақ фирибгарнинг ўзгинаси!— хитоб қилди Антифер тоға.— Имонингиз комил бўлсин— мен буни аллақачон шартта бетига айтганман!

Бинни Умарга баҳо беришда иккала ворисдошнинг қарашлари мутлақо бир жойдан чиқди, Замбуко ўзини қанчалар бепарво қилиб кўрсатмасин, бари бир қалб фарёдини босиб туролмади.

— Ана энди,— деди малуин,— ҳамма ишдан хабардорсиз, ўйлайманки, ҳеч қанақанги айёрлик ва ҳийланайранг ишлатиб ўтирмасак оқилона иш тутган бўламиз.

Банкчининг қиёфасидан ҳеч нимани ўқиб бўлмасди, бир туки ҳам қилт этмади.

— Биринчи оролдан топилган, янги узунликни билдирадиган рақамлар менда,— деб сўзида давом этди Антифер тоға,— иккинчи орол жойлашган кенгликни билдирадиган рақамлар эса сизда.

— Шундай,— истар-истамас тан олди Замбуко.

— Унда ҳузурингизга келиб, исмиمنى айтганимда, нега ўзингизни бу воқеа ҳақида ҳеч нимани билмайдиганга солдингиз?

— Буни тушуниш жуда жўн: биринчи учраган одамга юрагимдаги гапларни тўкиб сололмайман-ку, ахир... Мени афв этасиз-у, жаноб Антифер, иттифоқо сиз қал-

лоб бўлиб чиққанингизда нима бўларди?! Аввал ишонч ҳосил қилмоқчи эдим... бироқ қўлингизда мен билан келишиш, музокара олиб бориш учун ҳужжат бор экан...

— Ҳа, бор.

— Қани, кўрсатинг.

— Ошиқманг, жаноб Замбуко! Мушук ҳам текинга офтобга чиқмайди-я!.. Қўлингизда Комулк пошшонинг мактуби борми ўзи?

— Бор.

— Жуда соз. Мактуб билан ҳужжатни алмашамиз... Алмашиш виждонан, ҳалол, сиздан угина, биздан бугина қабилида бўлиши керак.

— Розиман!— жавоб берди банкчи.

Шундай деб, у пўлат сандиқ олдига борди-да, махфий қулфларни оча бошлади, бироқ шундай имиллардики, буни кўрган Антифер тоға ғазабдан ўзини аранг босиб турарди.

Банкчининг бу хатти-ҳаракатини қандай тушунса бўлади? Бу ҳам худди Бишни Умарга ўхшаб малунининг сирини ҳийла билан билиб олиш ниятида эмасмикин?

Овора бўлади! Ўз молини нақдига пулламоққа қатъий қарор берган одам билан муомала қилар экансан, бунинг асло иложи йўқ. Банкчининг ҳар томонлама пухта ўйланган ва кўпдан кўксиде ардоқлаб юрган ўз режаси бор эди. Омади келиб режаси амалга ошгудек бўлса, Комулк пошшонинг миллионлари Замбуко оиласи ихтиёрида, бошқачароқ айтганда банкчининг ўз қўлида бўлади. Бу режаниннг амалга ошиши учун фақат бир шарт бор эди: ворисдоши бева ёки бўйдоқ бўлиши керак.

Мана, охириги қулфни очишгина қолганда банкчи ўгирилиб сал титроқ овоз билан сўради:

— Уйланганмисиз?

— Йўқ, жаноб Замбуко, уйланмаганман, бунинг учун эса ҳар куни тонгда ва ҳар куни кечқурун ўз-ўзимни кутлайман, худога ҳамду санолар ўқийман.

Унинг кейинги сўзларидан банкчининг афти бужмайиб кетди, шундай бўлса-да, яна узилиб қолган ишига тутинди.

Наҳотки Замбуконинг оиласи бўлса? Ҳа, лекин Тунисда ҳеч кимнинг хабари ҳам йўқ эди бундан. Рост, унинг оиласи юқорида зикр этилганидек ёлғизгина синг-

лисидан иборат эди. Мадемуазель Талисма Замбуко Мальтада яшар, акаси юбориб турадиган арзимаган нафақа билан тирикчилик ўтказарди. Яна шуни ҳам айтиб қўяйликки, у ўша ерда қирқ етти йил — салкам ярим асрдан бери истиқомат қиларди. Умрида ҳеч қачон унинг қўлини сўраб совчи келганамас, бунинг сабаби, биринчидан ҳусн, ақл, хулқ-атвор ва бойлик бобида уни табиат кўп нарсадан бебаҳра этганди, иккинчидан, акаси ҳеч қачон куёв топиш ғамини емаганди, куёвлар эса ўз оёқлари билан келишни ҳатто хаёлларига ҳам келтирмасдилар чоғи.

Шунга қарамай, Замбуко синглизининг қачон бўлмасин эрга тегишига умид боғлаган эди. Ё худо, кимга тегаркан?.. Масалан, лоақал келишини йигирма йил кутган Антиферга бўлса ҳам майли, мабодо у бева ёки бўйдоқ бўлса, қари қизнинг эрга тегиш истаги рўёбга чиқади. Борди-ю бу никоҳ амалга ошса миллионлар онла ихтиёрида қолади, мадемуазель Талисма Замбуко шунча йил кутгани эвазига ҳеч нарсани ютқазмайди. Шу нарса ўз-ўзидан аёнким, у тамоман акасига қарам экан, акаси танлаган ҳар қандай одамга кўзини чиппа юмиб тегаверади.

Бироқ малуин кўзини чиппа юмиб, ўша мальталиқ қари қизга уйланишга рози бўлармикин? Банкчи бунга асло шубҳа қилмасди, зероки у ҳозирги вазиятда ўзини хўжайин деб ҳисобларди: у ворисдошига ўзини, яъни Замбукони қаноатлантирадиган шарт-шароитни таклиф этади. Бунинг устига денгизчиларнинг танлаб ўтиришга, дид-фаросатли бўлишга ҳадлари йўқ — банкчи ўзича шундай деб ўйларди.

Эҳ, бахти қаро Пьер-Серван-Мало, кимнинг аравасига тушиб қолдинг-а!.. Бу гапларни илгарироқ билганингда дўстинг Трегоменнинг аллақачон ўтинга айланган габараси «Гўзал Амелия»га ўтириб, Ранс бўйлаб саёҳат қилишни афзал кўрмасмидинг!

Банкчининг бундай масхарабозлик қилаётганининг сабаби энди тушунарли бўлгандир? Бундан жўнроқ ва айни вақтда бундан ақллироқ бирон режани ўйлаб тониш амри маҳол эди. У орол жойлашган кенгликни билдирувчи рақамларни фақат Антифер тоғанинг ҳаётигагина алмаштиради — биз унинг мадемуазель Талисма Замбуко билан никоҳнинг узилмас занжирлари-ла Антифер-

нинг қўл-оёғини кишаплаб қўймоқ ниятида эканини айтмоқчимиз.

Қалитни охириги марта бураш ва Қомулк пошшоннинг хатини пўлат сандиқдан олишгина колганда банкчи тўсатдан фикридан қайтиб, яна стол ёнига қайтиб ўтирди.

Ҳаво электр қувватига ўта тўйинган пайтларда чақин чақнагандек, Антифер тоғанинг кўзлари чақнай бошлади.

— Яна нимани қутяпсиз?— деб сўради у.

— Бир нарсани ўйлаб қолдим,— деб жавоб берди банкчи.

— Нима эканини билсак бўладими?

— Сизнингча қандай, бу ишда иккаламиз ҳам теппа-тенг ҳуқуққа эгамизми?

— Албатта, теппа-тенг!

— Мен... менимча бундай бўлмаса керак.

— Сабаб?

— Чунки пошшога сиз эмас, отангиз ёрдам берган, мен эса... мен шахсан ёрдам берганман...

Антифер тоға унинг гапини бўлди ва боя кўзларидан отилган қўша-қўша яшин ниҳоят гумбурлади.

— Ҳали шунақа денг! Нима, жаноб Замбуко, яқинга сузадиган кема капитанини мазах қилмоқчимисиз дейман? Модомики отамнинг бирдан-бир меросхўри эканман, унинг ҳақ-ҳуқуқи меники ҳам эмасми, ахир?.. Қани айтинг-чи: васият қолдирувчининг иродасига итоат этишни истайсизми ўзи? Шундайми ё йўқми?

— Ўз билганимча иш кўраман!— деб жавоб берди банкчи очиқ-ойдин ва қуруққина қилиб.

Антифер тоға курсини тепиб юборди ва банкчига ташланиб қолмаслик учун столни жон-жаҳди билан чангаллаб олди.

— Менсиз ҳеч нима қила олмаслигингизни жуда яхши биласиз!— деди мальталиқ.

— Менсиз сиз ҳам ҳеч нарса қилолмайсиз!— шу ондаёқ оғзига урди малуин ҳам.

Вазият кескинлашиб борарди. Рақиблардан бири ғазабдан шолғомдек қизариб кетди, иккинчиси эса гарчи туси одатдагисидан ҳам бешбаттар оқариб кетган бўлса-да, ҳамон ўзини хотиржам тутарди.

— Қўлингиздаги кенгликни билдирадиган рақам-

ларни берасизми, йўқми?— деб қичқирди Антифер тоға газаби қайнаб.

— Олдин сиз узунликни билдирадиган рақамларни беринг,— жавоб берди банкчи.

— Хомтама бўлманг!

— Жуда соз, майли, шундай бўла қолсин.

— Мана мендаги ҳужжат,— деб бўкирди Антифер тоға чўнтагидан картмонини чиқараркан.

— Ёнингизга солиб қўйинг... менга унинг кераги йўқ!

— Сизга керагамасми бу ҳали? Гап юз миллион франк ҳақида бораётганини унутиб қўйибсиз...

— Дарҳақиқат, юз миллион ҳақида...

— ...уларнинг қайси оролга кўмилганини билолмасак қўлга киритолмаймиз-ку!..

— Фу-у!— деб қўйди банкчи.

Шундай деб у писанд қилмагандек оғзини қийшайтириб қўйди, буни кўрган суҳбатдоши ўзини йўқотиб, тегмаса ҳеч кимга тегмай қўяқолсин деган мақсадда юз миллиондан кечишга журъат этган бу аблаҳга ташланиб, ғиппа томоғидан олишга шайланиб энгашди.

Кўп йиллик судхўрлик ҳаётида аллақанча камбағал бечораларни эзган Замбуко эҳтимол ҳеч қачон ўз томоғини бунчалик ўлим сиртмоғи яқинида кўрмаган бўлса керак. Шубҳасиз буни тушунган эди у, шунинг учун ҳам лаҳзада мулойим тортиб, бундай деди:

— Келишиб олишнинг бирон чорасини топармиз деб ўйлайман.

Антифер тоға шундан кейин муштини ишга солиб қолмаслик учун қўлларини чўнтагига тикди.

— Жаноб Антифер,— деб гап бошлади банкчи яна,— мен бадавлат одамман, дабдабали ҳаётга унчалик ишқивозлигим йўқ, менинг ҳаёт йўсинимни на эллик, на ҳатто юз миллион ўзгарта олади. Мен бир нарсага — қоп-қоп олтин жамғаришга ҳирс қўйганман. Қомулк пошшонинг бойликлари менинг сандиқларимни жуда бежайди-да ўзиям... Шу боисдан бу бойликларнинг чиндан ҳам мавжуд эканини билганимдан бери менга бир фикр — бойликни яхлитлигича ўзимники қилиб олиш фикри сира тинчлик бермайди.

— Манавини ҳеч кўрганмисиз умрингизда, жаноб Замбуко?..

— Шошманг!

— Менинг улушим-чи?

— Сизнинг улушингизми?.. Бир томондан сиз уни олсангиз-у, айни вақтда менинг оилам ихтиёрида қолса, шундай қилишнинг иложи йўқмикин?

— Унақада меники бўлмай қолади-ку...

— Хоҳласангиз рози бўлинг, хоҳламасангиз — кераги йўқ.

— Майнавозчиликни бас қилинг, жаноб Замбуко, шунча найрангбозлик етар, очиқчасига гапираверинг!

— Менинг Талисма деган синглим бор...

— Табриклайман бу билан!

— У Мальта оролида туради.

— Агар об-ҳавоси ёққан бўлса, унинг фойдаси бу.

— Ёши қирқ еттида, лекин ёшига нисбатан кўхликкина.

— Агар у сизга ўхшаса, бунинг сира ажабланидиган ери йўқ!

— Хўш, шундай қилиб, сиз бўйдоқ одамсиз... инчунун, синглимга уйланишни истамайсизми?

— Сизнинг синглингизни оламанми?— деб қичқириб юборди Пьер-Серван-Мало ва унинг юзи хўрознинг тожисидай хол-хол қизариб кетди.

— Ҳа, уйланасиз,— деди банкчи эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда.— Ана шу никоҳ туфайли бир томондан сизнинг эллик миллионингиз, иккинчи томондан менинг эллик миллионим оиламиз ихтиёрида қолади.

— Жаноб Замбуко,— деди Антифер тоға, тўлқин соҳилдаги шағал тошларни у ёқдан-бу ёққа юмалатгандай, трубкасини лабларининг у бурчидан бунисига ўтказиб,— жаноб Замбуко...

— Жаноб Антифер...

— Бу таклифингиз... жиддийми?..

— Бундан жиддийроқ гап бўлиши мумкин эмас, башарти менинг синглимга уйланишдан бош тортсангиз, олт ичаманки, орамиздаги ҳамма гап тамом-вассалом, бемалол Францияга кетаверишингиз мумкин.

Бўғиқ инграш эшитилди. Антифер тоға нафаси оғзига тикилиб энтикар, ўпкаси ғижирларди. У галстугини юлқиб ечиб, шартта шляпасини қўлига олди-да, хона эшигини ланг очганча ҳовлидан югуриб ўтиб кўчага отилди. У тез, жон-жаҳди билан югураркан, телбаларга ўхшарди.



Кўчада пойлаб турган Соук унинг ортидан эргашди. Антифер тоғанинг бунчалик ҳаяжонланганини кўриб, ҳатто у ҳам хавотирга тушиб қолди.

Малуин меҳмонхонага чопиб келиб, югурганича ичкарига кириб кетди. У дўсти билан жиянига кўзи тушиши билан қичқирди:

— Вой, аблаҳ-э!.. Унинг нимани хоҳлаб қолганини биласизларми?

— Сени ўлдиришними?— деб сўради Жильдас Трегомен.

— Йўқ, ундан ҳам баттарроғини! Сингилларига уйланишимни хоҳлаб қоптилар!

### Т У Р Т И Н Ч И Б О Б

*Ғарб ва Шарқ ўртасидаги шиддатли яккама-якка олишувнинг Шарқнинг ғалабаси билан тугагани*

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, сўнгги пайтларда турмушда тез-тез учрайдиган, ақл бовар этмайдиган мушкilotларга кўникиб қолган Жильдас Трегоменнинг ҳам, Жюэлнинг ҳам бундай аҳволга учраши хаёлига келмаганди!

Бўйдоқлик суяк-суягигача сингиб кетган Антифер тоға шундай баланд деворга тақаб қўйилган эдики, у кўз кўриб, қулоқ эшитмаган катта меросдан ўз улушига эга бўлиш учун ана шу никоҳ деворидан ошиб ўтишга мажбур эди.

Жюэль амакисидан нима бўлганини бир бошдан ҳикоя қилиб беришни сўради. Антифер тоға бор гапни ҳикоя қиларкан, сўз орасида банкчига нисбатан шундай лаънат тошларини ёғдирардики, бу тошлар бахтга қарши мальталиклар даҳасидаги ўз уйи деворлари паноҳидаги Замбукога зарар етказолмасди.

Бу кекса бўйдоқни қирқ олти ёшигача уйланмай, эндиликда қирқ етти яшар қари қиз билан турмуш қуриб, шарқ кишиси — Антифер пошшога айланган қиёфада кўз олдингизга келтириб кўринг-а?

Ҳайратдан довдираб қолган Жильдас Трегомен билан Жюэль миқ этмай бир-бировларига қараб-қараб қўйишарди, шу топда икковларининг ҳам хаёлларига бир фикр келганди.

«Миллионлар қўлдан кетибди!»— деб ўйлади Жильдас Трегомен.

«Мана энди севикли Эногатимга бемалол уйланадиган бўлдим!»— хаёлидан ўтказди Жюэль.

Дарҳақиқат, Антифер тоғанинг Замбуконинг талабига кўниши ва унга куёв бўлишга розилик бериши мумкинмиди?! Асло! Гап ҳатто миллиард ҳақида борганида ҳам у ҳеч қачон банкчининг бу истагига бўйин эгмайди.

Малуин бу орада хонада у ёқдан-бу ёққа бориб-келарди. Кейин тўхтади, ўтирди ва бирдан сакраб туриб, Жюэль билан Трегоменнинг ёнига келди, уларнинг бетига қаради, бироқ дош беролмай ўша заҳотиёқ кўзларини олиб қочди.

Унга қараган кишининг раҳми келарди. Башарти Жильдас Трегомен илгарилари ҳам дўстининг ақлдан озиб қолаёзганини таъкидлаб юрган экан, ҳозир унинг бу фикри ҳақиқатдан олис эмасдек туюларди. Шунинг учун ҳам Жюэль билан Трегомен Антифер тоғага ҳеч қандай эътироз билдирмасликка унсизгина аҳд қилгандилар. Бир оз фурсат ўтгач, чуваллашиб кетган фикрларини тўплаб, ўзини ўнглаб олади ва юзага келган вазиятни оқилона баҳолай олади, деб ўйлашарди улар.

Мана, тоға ниҳоят тилга кирди, у тўхтаб-тўхтаб, ҳар бир иборани кесиб-кесиб, ғазаб билан сўзлай бошлади:

— Юз миллион... анави аблаҳнинг қайсарлиги туйфайли қўлдан кетадиган бўлди-я... Бошини чўрт узиш керагамасми бу ярамаснинг? Осиш керак!.. Отиш керак!.. Ханжар билан қорнини ёриб ташлаш керак!.. Заҳар бериш керак!.. Қозиққа ўтқазиш лозим! Агар уйланмасам, қўлидаги кенгликни билдирувчи рақамларни бермасмиш... Сенегаль маймунларининг биронтаси ҳам олмайдиган ўша тавия малъталик ойимпошшага уйланармишман-а!.. Сизлар нима дейсизлар, ўша мадемуазель Талисмага уйлансам бўладими?!

Албатта, йўқ-да! Дўстлари буни ҳатто тасаввур этишолмасди... Бундай келин ва холани Антифер тоғанинг ҳурматга лойиқ оиласига олиб киришни фараз қилишнинг ўзи қанчалар даҳшатли ва қабиҳликдек бўлиб туюларди!

— Хўш, гапирмайсанми, қайиқчи!

— Нимани гапирай, қария?

— Ниятига етишига бир одим қолганда юз милли-

ошни кўмилган жойида ташлаб кетишга бирор кимсанинг ҳадди борми, ахир?

— Бу саволга дарров жавоб беролмайман,— деди оқ кўнгил Трегомен тўғри жавобдан қочиб.

— Ҳа-а! Жавоб беролмайсан-а!— деб ўдағайлади Антифер тоға шляпасини хонанинг бурчагига улоқтираркан.— Жуда соз. Бўлмаса, балки бошқа бир саволимга жавоб берарсан?

— Қанақа савол экан?

— Борди-ю бирор аҳмоқ бир кемага юк ортса... айтилик габарага... анави «Гўзал Амелия» нгга дей қолайлик...

Шунда Жильдас Трегомен «Гўзал Амелия» маломатларга қолажагини фаҳмлади.

— ...Борди-ю у ўша шалағи чиққан тоғорангга юз миллионлик олтин ортса-да, бутун халойиқ олдида кема тағхонасини тешиб, бу миллионларни денгизга чўктириб юбораман деса... сен нима деб ўйлайсан, ҳукумат унинг бундай қилишига йўл қўйиб берармиди?.. Хўш! Қани гапир!..

— Йўл қўймаса керак, қария.

— Бу махлуқ, анави Замбуко бўлса худди шундай қиламан деб ўтирибди-я! У бир оғиз сўз айтса — ўзининг миллионлари ҳам, менинг миллионларим ҳам топилади-я! У бўлса қайсарлик қилиб, даммини ичига ютиб ўтирибди!

— Умрим бино бўлиб бунақанги қаллобни кўрмаганман!— хитоб қилди Жильдас Трегомен, ўзини газабла наётганга солиб.

— Сен нима дейсан, Жюэль?

— Нима ҳақда, амаки?..

— Агар бу гапни маъмурларга хабар қилсак, нима дейсан?

— Бу энг сўнгги чора, албатта...

— Ҳа... чунки маъмурлар шахсий кимсага нисбатан ман этилган чорани қўллай оладилар... Маъмурлар уни қийноққа солишлари мумкин... кўкрагини ўтда қиздирилган омбур билан пора-пора қилишлари... оёқларини паст оловда куйдиришлари мумкин... шунда бўйин эгишдан ўзга иложи қолмайди унинг...

— Емон фикр эмас бу, амаки.

— Ажойиб фикр, Жюэль, бу мурдор, нокас садогар-

дан устун келиш учун ўз улушимни қурбон қилишга ва жамоатчилик фойдасига беришга ҳам тайёрман...

— Эҳ! Қани энди шундай қилсанг, бу жуда ажойиб, олижаноб иш бўларди-да!— хитоб қилди Жильдас Трегомен.— Ана унда асл французга, ҳақиқий малуинга... қолаверса чинакам Антиферга муносиб иш бўларди.

Шубҳасиз, тоға бу тахминни баён этаркан, ўйлагани ва истаганидан кўра хийла ортиқчароқ гапириб юборганди, чунки у Жильдас Трегоменга шундай ёв қараш қилдики, завқ-шавқ билан дилидагини тўкиб-солаётган бечора оқ кўнгил дўстининг ўша заҳотиёқ нафаси ичига тушиб кетди.

— Юз миллион-а!.. Юз миллион!— такрорларди Антифер тоға.— Мен уни, ўша лаънати Замбукони жаҳаннамга жўнатаман...

— Амаки!

— Дўстим!

Ҳақиқатан ҳам малуиннинг ҳаяжондан асаблари жунбушга келиб, шундай қилиб қўйиши ҳеч гап эмасди, бироқ бу жиноят руҳий изтироб туғён урган пайтида содир бўлгани учун у жавобгарликка тортилмаслиги мумкин эди.

Жильдас Трегомен билан Жюэль уни тинчлантиришга уринишарди, лекин тоға уларни итариб ташлади ва менинг душманларим билан тилларинг бир сенларнинг, банкчининг томонидасанлар, шунинг учун Замбукони кема ошхонасига кириб қолган суваракдек мижиғлаб эзиб ташлашимга ёрдам беришдан бош тортиясанлар, деб таъна қилди.

— Уз ҳолимга қўйларинг!.. Қўйларинг ўз ҳолимга!— деб бақирди у депсиниб.

Кейин полда ётган шляпасини олди-да, эшикни тарақлатиб ёганича хонадан огилиб чиқиб кетди.

Жюэль билан Трегомен Антифер тоға Замбукони ўлдиргани чопиб кетди деб ўйлаб, бахтсизликнинг олдини олгани орқасидан югуриб чиқишди-ю, бироқ ўша заҳотиёқ тоғанинг ўз хонасига чиқиб, калитни икки марта бураб эшикни беркитиб олганини кўриб енгил тортишди.

— Унинг учун энг яхшиси шу ҳозир,— деб қўйди Жильдас Трегомен бош чайқаб.

— Тўғри... Эҳ, бечора амаким-а!— деб хўрсинди Жюэль.

Турган гапки, бу можародан иштаҳалари гиппа бўрилгани, номига тамадди қилган бўлишди.

Овқатланиб бўлгач, дўстлар тоза ҳавода айлангани Баир кўли томон йўл олишди. Меҳмонхонадан чиқибок Бинни Умар ва Нозим билан тўқнашиб қолишди. Содир бўлган гапларни нотариусга айтиш лозиммикин? Албатта шундай қилиш керак. Банкчининг Антифер тоға олдига қўйган шартларидан хабардор бўлиши биланоқ нотариус ўз фикрини айтишга шошилди:

— У мадемуазель Замбукога уйланишга мажбур! Буни рад этишга ҳаққи йўқ! Ҳа, ҳаққи йўқ! Асло!

Соук ҳам худди шу фикрда эди, зероки у шунча сеп оладиган бўлса, сира ўйлаб-нетиб ўтирмай, кимлигидан қатъий назар уйланган бўлурди.

Жильдас Трегомен билан Жюэль шартта ўгирилиб, чуқур ўйга толганча, Денгиз флоти кўчаси бўйлаб нари кетаверишди.

Ажойиб оқшом. Денгиз томондан эсаётган муздекки-на, майин шабада одамларни сайр этишга чорларди.

Еш капитан билан Жильдас Трегомен шаҳар деворлари томон юришди ва дарвозадан ўтиб, порт томонга, кўл бўйига чиқиб қолишди. Йўлда учраган биринчи қаҳвахонага кириб, бир шиша вино буюришди-да, кейинги воқеалар ҳақида суҳбатлаша бошлашди. Уларнинг назарида ҳаммаси жуда жўнгина кўринарди. Антифер тоға банкчи Замбуконинг талабига икки дунёда рози бўлмайди. Бинобарин, у иккинчи оролни излашдан бош тортади. Демак улар тез орада алоқа кемасида Тунистан жўнашади ва қандай бахтки — ҳаш-паш дегунча Францияга етиб олишади.

Ҳозирги мушкул аҳволдан қутулишнинг бирдан-бир чораси шу, албатта. Сен-Малога Комулк пошшо васият қилган олам-жаҳон пулсиз қайтганлари эса минг карра яхши. Бу пошшоси тушмагур нима қилиб шунчалик ҳийла-найранг ишлатиб юрибди-я!.. Унга нима кераги бор экан бунинг?..

Жильдас Трегомен билан Жюэль соат тўққизларда меҳмонхонага қайтишди. Улар ўз хоналарига кўтарилишаркан, Антифер тоға хонасининг эшиги олдида бир нафас туриб қолишди. Тоға ухлаш бир ёқда турсин, ҳатто ўрнига бирон дақиқа чўзилмади ҳам. Хонада шитоб билан у ёқдан-бу ёққа бориб-келаркан, ўз-ўзи билан гаплашар, бўғила-бўғила:

— Миллионлар... миллионлар... эссизгина миллионлар-а!..— деб такрорларди ҳадеб.

Жильдас Трегомен Антифер тоғанинг тамоман ақлдан озганини тушунтираётгандек, пешонасига тўқиллатиб уриб қўйди. Сўнгра улар бир-бировларига хайрли тун тилаб, чуқур ташвишга ботганларича ажралишди.

Эртасига Жильдас Трегомен билан Жюэль калла саҳарлаб туришди. Улар Антифер тоға билан кўришишлари, Замбуконинг рад жавобидан кейин вужудга келган вазиятни охириги марта муҳокама қилишлари ва тоғани зудлик билан қатъий қарорга келишга мажбур этишлари зарур эди. Нарсаларни чамадонларга жойлаб,— қанчалик тез бўлса шунчалик яхши,— Тунисдан жўнаб қолишдан бошқа яна қанақанги қарорга келиш мумкин? Ёш капитан аниқлаган хабарларга қараганда Ла-Галеттда турган алоқа кемаси ўша куни кечқурун Марселга жўнаши керак экан. Борди-ю, шу топда амакиси кемада, ўз каютасида бўлса-ю, Африка қирғоқларидан юз миляча нарида сузиб кетаётган бўлишса, Жюэль бунинг учун бутун борлигини ҳам беришга тайёр эди..

Жильдас Трегомен билан Жюэль коридордан ўтиб, Антифер тоғанинг эшигини тақиллатишди.

Ичкаридан ҳеч қандай жавоб бўлмади.

Жюэль қаттиқроқ тақиллатди.

Яна жавоб бўлмади.

Наҳотки амакиси йигирма тўрт дюмли тўпдан ўқ узилганида ҳам уйғонмайдиган денгизчидек донг қотиб ётган бўлса? Еки... балким... хафа бўлиб кетиб, жон аччиғида ўзини-ўзи бир ёқлик қилиб қўйганмикин?..

Жюэль пиллапоянинг тўрт поясини бир қилиб сакраб-сакраб, зинғиллаганча пастга тушаркан, кўз очиб юмгунча эшикбон олдига етиб келди, бу орада оёқлари чалишиб кетаётган Жильдас Трегомен зина панжарасини ушлаб қолганди.

— Жаноб Антифер қаёқда?

— Тонг ёришар-ёришмас чиқиб кетганди,— деб жавоб берди ёш капитаннинг саволига эшикбон.

— Қаёққа кетаётганини айтмадимиз?

— Йўқ, айтмади.

— Наҳотки яна ўша аблаҳ Замбуконинг олдига кетган бўлса?— хитоб қилди Жюэль, Жильдас Трегоменни эргаштириб Денгиз майдони томон бораркан,

— Агар у ўша ёқда бўлса... демак, рози бўлибди-да...— тўнғиллади Жильдас Трегомен.

— Бу мумкин эмас!— деб қичқириб юборди Жюэль.

— Йўқ, бўлиши мумкин! Узинг бир ўйлаб кўргин-а, Жюэль: у Сен-Малога, От-Салль кўчасидаги уйга мадемуазель Талисма Замбукони етаклаб кириб борса қандай бўлади-я? Жажжи Эногатимизнинг олдига маль-талик келинкойини бошлаб борса-я? Ўз оғзи билан уни маймун демабмиди, ахир!

Улар «Франция» меҳмонхонаси яқинидаги қаҳвахонада ана шундай ташвиш ва хавотирли ўйларга ботиб ўтиришарди. Антифер тоғанинг қайтишини шу ерда кутиш қулай эди.

Тунда ётиб ўйла, эрта туриб сўйла, анча ақлинг кириб қолади дейишарди, бироқ афтидан, бу нақл ҳамма вақт ҳам тўғри бўлиб чиқавермас экан. Бизга фақат биргина нарса аён эди: малуинимиз тонг саҳарда маль-таликлар даҳаси томонга йўл олган ва, худди орқасидан занжирдан ечиб юборилган бир тўда ит қувиб келаётгандек, бир неча минутда банкчининг уйига етиб олганди.

Замбуко қуёш билан баробар туриб, у билан баробар ётишни одат қилиб олганди. Банкчи билан нурафшон чироғ кундузги йўлларини биргаликда босиб ўтишар эди. Шу боисдан ҳам Антифер тоға кириб борганида банкчи гўё орқасидаги пўлат сандиғини қўриқлаётгандек, аллақачон иш столи ёнида ўтирарди.

— Салом,— деди Замбуко, кириб келувчининг юзини яхшироқ кўриш учун кўзойнагини тўғриларкан.

— Кечаги сўзингиз қатъиймиди?— деб тўғридан-тўғри ишга ўтди Антифер тоға.

— Ҳа, қатъий.

— Башарти синглингизга уйланмасам, менга Комулк пошшонинг хатини бермайсизми?

— Бермайман.

— Унда уйланганим бўлсин!

— Мен буни билардим! Ахир қайлиғингиз эллик миллион сеп олиб келади-я!.. Талисмага уйланишдан Ротшильднинг ўғли ҳам ўзини бахтиёр сезарди-я..

— Жуда соз... Демак, мен ҳам бахтиёр бўларканман,— деб жавоб берди Антифер тоға афтини бужмай-тириб, ҳатто буни яширишга ҳам уринмади.

— Ундай бўлса, бу ёққа юринг, куёв,— деди Замбуко.

Шундай деб у зинапоядан иккинчи қаватга чиқмоқчидек стол ёнидан турди.

— Синглингиз шу ердами?!— деб даҳшатдан қичқириб юборди Антифер тоға.

Унинг башараси ўлимга ҳукм этилган одамни турма қоровули: «Қани бўла қолинг... сал дадилроқ бўлинг!.. Ҳа, ҳукм бугун ижро этилади»,— деб уйғотаётган дақиқадагидек қиёфага кирганди.

— Сал ўпкангизни босиб олинг! Ошиқманг, ошиқ йигит!— деди банкчи.— Наҳотки Талисманнинг Мальтадалигини унутиб қўйган бўлсангиз?..

— Бўлмаса қаёққа борамиз?— деди Антифер тоға энгил тин олиб.

— Телеграфга.

— Унга бу хушxabарни етказганими?..

— Ҳа. Кейин уни чақиртиргани...

— Бу яшгиликни синглингизга хабар қилишингиз мумкин, жаноб Замбуко, илло сизни огоҳлантириб қўяйки... бўлажак қайлигимни Тунисда кутиш ниятида эмасман.

— Сабаб?

— Сабаб шуки, на сизнинг, на менинг вақтни бекор ўтказишга ҳақимиз бор!.. Оролнинг географик ўрни аниқланиши биланоқ уни излагани жўнаймиз. Бу ишни асло пайсалга солиб бўлмайди.

— Эй, куёв-эй, бир ҳафта олдин нима-ю, бир ҳафта кейин нима, бари бир эмасми, ахир!

— Йўқ, мутлақо барибир эмас! Сиз, шунингдек мен ҳам, Комулк пошшоннинг меросини тезроқ қўлга киритишимиз зарур!

Ҳа, ҳа, Антифер тоға қанчалик шошилаётган бўлса, у қуримсоқ ва нафси наҳанг банкчи ҳам шунчалик ошиқиши лозим. Гарчи Замбуко ўз тоқатсизлигини хотиржамлик ва бепарволик пардасига ўраб-чирмаб кўрсатишга тиришаётган бўлса-да, аслида бутун вужуди миллионлардан тегадиган улушини тезроқ пўлат сандиғига солиб қулфлаб қўйиш иштиёқи билан ёнарди. Шунинг учун ҳам суҳбатдошига эътироз билдириб ўтирмади.

— Яхши, мен розиман,— деди у.— Синглимни қайтиб келганимиздан кейин чақиртира қоларман... Аммо





синглимни уни кутаётган бахтдан огоҳлантириб қўйишим керак.

— Ҳа... уни кутаётган!— деб жавоб берди Пьер-Серван-Мало, шунча йиллар мобайнида эрга тегишни орзу қилиб ётган қари қизни қандай бахт кутаётганини аниқлаб ўтирмай.

— Лекин, аввало сиз менга расм-қоидаларини ўрнига қўйиб тилхат-битим беришингиз керак,— деди Замбуко.

— Уни ёзинг, қўл қўйиб бераман.

— Лафзни бузилса жарима тўлаш шарти биланми?

— Майли. Қанча бўлади... ҳалиги... жаримаси?..

— Айтилик, сизга тегадиган эллик миллион...

— Хўп, бўпти... шу билан бу гапни тугатдик!— деб жавоб берди Антифер тоға, чунки мадемуазель Талисмага уйланиш бахтидан қутулиш чорасини тополмаганидан кейин тақдирга тан беришга мажбур бўлган эди.

Банкчи бир варақ тоза қоғоз олди-да, ўзининг йирик-йирик дастхати билан ҳар бир бандини атрофлича ўйлаб, тарозуга солиб кўриб, тилхат-битим ёза бошлади. Унда, башарти хазина топилганидан ўн беш кун ўтгач куёв, яъни капитан Антифер мадемуазель Талисма Замбукога уйланишдан бош тортса, у чоғда бойликнинг Комулк пошшонинг меросхўри сифатида капитан Антиферга теккан бўлаги яхлитлигича қайлиқ Талисма Замбуко ихтиёрига ўтади, деган шарт қайд этилди.

Пьер-Серван-Мало ғазаб билан перони қитирлатиб тилхат-битимга имзо чекди ва банкчи бу қоғозни пўлат сандиғининг махфий ғаладонига яшириб қўйди.

Айни вақтда у ердан сарғайиб кетган қоғозни олди... Бу Комулк пошшонинг йигирма йил муқаддам банкчига келиб теккан хати эди.

Антифер тоға ҳам ўз навбатида чўнтагидан картмонини олиб, вақт ўтиши билан юқоридаги хатдан кам сарғаймаган қоғозни чиқарди... Бу биринчи оролдан топилган ҳужжат эди.

Ана, бу иккала меросхўрга бир қаранглар-а: улар қилич яланғочлаб яккама-якка олишаётган рақиблардай бир-бировларининг ҳар бир ҳаракатини кўз узмай, диққат билан кузатишяпти; мана уларнинг қўллари аста-секин олдинга узатиляпти, ушлаб турган ҳужжатдан ажралишга ачинаётгандек бармоқлар дағ-дағ қалтираяпти... Кузатиб турган одам учун қандай ҳузурбахш

томоша-я бу! Юз миллион-а! Яна сал силжиса — бунинг бари бир оила ихтиёрида бўлади-я!

— Қани хатингиз?— деди Антифер тоға.

— Қани хужжатингиз?— дея такрорлади банкчи.

Мана, алмаштириб ҳам бўлишди. Жуда вақтида алмаштириб олишибди-да ўзиям! Икковининг ҳам юраги шундай тенардик, ёрилиб кетишига бир баҳя қолганди.

Тунисда истиқомат қилувчи Замбуко исмли кимсага сен-малалик Антифер деган кимса олиб келиб бериши лозимлиги қайд этилган хужжатда географик узунликни билдирувчи қуйидаги рақамлар кўрсатилган эди. Париж меридианидан шарқ томондаги  $7^{\circ}23'$ .

Юқорида номи зикр этилган тунислик Замбуко ҳузурига вақти-соати билан сен-малалик Антифер деган кимсанинг келиши баён этилган мактубда эса жанубий кенгликни кўрсатувчи  $3^{\circ} 17'$  рақамлари ёзилган эди.

Эндиликда иккинчи оролнинг қаерда жойлашганини аниқлаш учун бу иккала чизиқнинг хаританинг қаерига кесишини белгилаш қолганди, холос.

— Атласингиз борми?— деб сўради банкчи.

— Атлас ва жияним ҳам бор,— жавоб берди Антифер.

— Жияним дейсизми?

— Ҳа. Олисга сузадиган кема капитани, бу ишни ўша бажаради.

— Жиянингиз қаерда ўзи?

— «Франция» меҳмонхонасида.—

— Қани кетдик ўша ёққа, куёв,— деди банкчи соябони кенг эски шляпасини кия туриб.

— Қани кетдик!— деди Антифер тоға ҳам.

Икковлон Денгиз флоти хиёбони томон йўл олишди. Улар алоқа бўлими рўпарасига етишганда, Замбуко ичкарига кириб, Мальтага телеграмма юборишни таклиф этди.

Антифер тоға эътироз билдирмади. Шундай қилиб, бир «француз флотининг офицери» қўлини сўраётгани, куёвнинг бадавлатлиги ва насл-насаби маъқул бўлгани туфайли акаси бунга розилик бергани ҳақида мадемуазель Талисма Замбуко огоҳлантириб қўйилди.

Телеграмма учун ҳақ тўланиб, у рўйхатдан ўтказилгач, ворисдошлар яна хиёбонга чиқишди. Жильдас Трегомен билан Жюэль уларнинг истиқболига югуришди.

Уларга кўзи тушиши биланоқ Антифер тоға тескари

қараб олди, бироқ бу кечириб бўлмас ожизликни енгиб, такаббуруна оҳангда уларга шеригини таништирди:

— Банкчи Замбуко.

Банкчи бўлажак куёвининг ҳамроҳларига адоват билан хўмрайиб қараб қўйди.

Сўнгра Антифер тоға Замбукога мурожаат этиб, қўшиб қўйди:

— Жияним Жюэль... Жильдас Трегомен, менинг дўстим.

Тоғанинг имоси билан ҳаммалари меҳмонхона томон юришди; йўлда Бинни Умар билан Нозим учраб қолди, бироқ малуинлар ўзларини уларни танимаганга солишди.

Тўртовлари зинапоядан юқорига чиқиб, Антифер тоғанинг хонасига киришди, у эшикни ичкаридан қулфлаб қўйди.

Тоға чамадондан Сен-Малода оливолган атласни чиқарди-да, ер ярим шарлари харитасини очиб, Жюэлга мурожаат қилди:

— Шарқий узунликнинг етти градусу йигирма уч минути ҳамда жанубий кенгликнинг уч градусу ўн етти минути.

Жюэль ранжиганини яширолмади. Жанубий кенглик дейдими?.. Демак, Комулк пошшо уларни энди экваторнинг нариги ёғига жўнатар экан-да?.. Эҳ, бечора, жажжи Эногат!.. Жильдас Трегоменнинг унинг юзига қарагани юраги дов бермади...

— Хўш! Нимани кутяпсан? — деб сўради Антифер тоға, у бу гапни шундай оҳангда айтдики, ёш капитаннинг итоат этишдан ўзга иложи қолмаганди.

У циркулни қўлига олиб, игнасини, еттинчи меридианга қўйиб, бунинг ёнига яна йигирма уч минутни қўшди-да, экватор чизигигача тушди.

Жанубий кенгликнинг  $3^{\circ}17'$  нуқтасини топгач, то меридиан билан кесишгунча параллель бўйлаб юргизди.

— Хўш, нима гап? — деб сўради яна Антифер тоға.

— Қаерга бориб қолдик?

— Гвинея қўлтиғига.

— Аниқроғи-чи?

— Лоанго давлати жойлашган кенгликка.

— Бунданам аниқроғи-чи?

— Маюмба қўлтиғига...

— Эртага эрталабоқ Бонга<sup>1</sup> қатнайдиған дилижонга ўтирамыз, у ердан эса темир йўл билан Оранга жўнаймиз... — деди Антифер тоға.

Бу сўзлар, каштан душман кўринганда: «Ҳамма юқорига!» — деб команда бергандек, қатый оҳангда янгради.

Сўнгра Антифер тоға банкчига юзланиб, бундай деб сўради:

— Сиз бизларга ҳамроҳ бўлсангиз керак, албатта?

— Шубҳасиз.

— Гвинея қўлтиғигача-я?

— Лозим бўлса, дунёнинг нариги чеккасигача бораман!

— Жуда соз. Сафарга ҳозир бўлиб тулинг.

— Ҳозир бўлиб тураман, куёв.

Жильдас Трегомен беихтиёр: «Воҳ!» — деб юборди. Бу қулоққа нотаниш бўлган сўз уни шунчалик эсанкиратиб қўйгандики, у ҳатто чиқиб кетаётган банкчининг истеҳзоли таъзимига жавоб қайтаришни ҳам унутиб қўйди.

Ниҳоят, учала малуни хонада ёлғиз қолишгач, Жильдас Трегомен:

— Демак... рози бўлибсан-да? — деб сўради.

— Ҳа, қайиқчи! Хўш, яна нима гапинг бор?

Яна нима гапинг бор, дейдими? Унга таъна қилишнинг нима ҳожати борийди?.. Шунинг учун Жильдас Трегомен билан Жюэль индамай қўя қолишни маъзур кўришди.

Орадан икки соатлар чамаси вақт ўтгач, банкчи Мальтадан телеграмма олди.

Унда мадемуазель Талисма Замбуко ўзини барча қизлар ичида энг бахтиёр деб ҳисоблашини, эндиликда эса аёллар орасида энг бахтиёри бўлажagini баён этганди.

## БЕШИНЧИ БОБ

*Бинни Умарнинг икки йўли — қуруқлик ҳамда денгизда юришни бир-бировига чоғиштириши учун имкон туғилгани*

У пайтларда ҳозирги кунда Жазоирга бориб туташган тунис темир йўл шохобчаси йўқ эди. Саёҳатчиларимиз Бонга бориб, Константин, Жазоир ва Оран прови-

<sup>1</sup> Бон — Жазоир шаҳри (Тунисдан ғарброқда жойлашган).

нцияларини туташтирган темир йўлдан фойдаланмоқчи эдилар.

Антифер тоға ва унинг ҳамроҳлари регентлик пойтахтини тонг пайти тарк этишди. Банкчи Замбуконинг улар билан биргалигини, шунингдек Бинни Умар ва Нозимларнинг дилижондан кеч қолмай етиб келганларини гапириб ўтирмаса ҳам бўлар.

Олти кишидан иборат чинакам карвоннинг ўзгинаси бўлди-қўйди! Бироқ бу сафар ҳаммалари миллионлар иштиёқи ўзларини қаерга чорлаётганини аниқ билишарди. Иккинчи оролни излаш учун Лоанго<sup>1</sup> музофоти соҳилларини ювиб турган бепоён Гвинея қўлтиғига кетаётганларини Бинни Умар билан Соукдан яшириб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди.

— Лекин жуда олис йўл босиш керак, — деди Жюэль Бинни Умарга, — йўл машаққатларидан чўчийдиган бўлсангиз, бормай қўя қолганингиз маъкул эмасмикин?!

Дарҳақиқат, Жазоирдан Лоангога борилгунча неча юз миль масофани сузиб ўтиш керак ахир!

Бироқ Бинни Умар йўлдан қолишни хаёлига ҳам келтирмади, бари бир Соук унинг бу ҳақда бош қотириб ўтиришига ҳам қўймасди. Энг муҳими — сеҳрли миллион жодудек нотариуснинг кўз ўнгидан ўтиб турарди...

Шундай қилиб, 24 апрель эрталаб Антифер тоға Жильдас Трегомен билан Жюэлли, Соук Бинни Умарни эргаштириб, Замбуко эса бир ўзи — хуллас ҳаммалари Тунис билан Бон ўртасида қатнайдиган дилижондан жой олишди. Эҳтимол улар йўлда ўзаро бир оғиз ҳам сўзлашишмас, лекин барибир бирга сафар қилишга мажбур эдилар.

Кеча кечқурун Жюэлнинг Эногатга яна бир хат жўнатганидан хабардормиз. Бир неча кундан кейин қизча ва унинг онаси Антифер тоғанинг эндиликда ярмига камайган ўша машҳур мероси ҳажрида ер куррасининг қайси нуқтаси томон ошиқиб бораётганидан хабардор бўладилар. Сафарнинг бу иккинчи қисми кам деганда бир ой вақтни олади, шундай экан, севишганлар, майнинг ўрталаридан олдинроқ кўришмайдилар. Бу мактубни олиб Эногат қанчалар диққат бўларкин!

<sup>1</sup> Лоанго музофоти Экваториаль Африкада, ўрта Конгода.

Жюэль қайтиб келганидан кейин ҳам барча тўсиқлар йўқолиб, тўй қилишлари учун янги ғовлар кўндаланг бўлмаслигига ишоналганида ҳам гўрга эди-я! Э-воҳ... Бунақанги тоғага ишониб бирон режа тузиш қанчалар мушкул-а!

Жильдас Трегомен хусусига келсак, фақат биргина гапни айтиб ўтса кифоя: собиқ габара эгаси, дарёда сузадиган кемачи пешонасига тақдир экваторни кечиб ўтиш ва Жанубий яримшар сувларида сузишни битиб қўйган экан. Қисмати шундай экан, нима ҳам қила оларди дейсиз! Ҳаёт баъзан ғоятда антиқа совғаларни эҳсон этади кишига. Шунинг учун ҳам оқ кўнгил Трегомен эндиликда ҳеч нарсадан таажжубланмасликка аҳд қилганди. Башарти иккинчи оролдан Комулк пошшонинг ўша машъум учта бочкаси ҳақиқатан топилганда ҳам ажабланмасди.

Шундай бўлса-да, бу мулоҳазалар унинг дилижон физиллаб бораётган ерларнинг Бретон ялангликларига мутлақо ўхшамайдиган манзарасини суқланиб томоша қилишига халал бера олмасди. Бироқ, афтидан, олти йўловчи орасида Тунис манзараларини хотирида сақлаб қолишни истаган бирдан-бир одам унинг ўзигина эди.

Дилижон сафар учун жуда ноқулай бўлиб, бунинг устига имиллаб борарди. Унга қўшилган уч от лўкиллаб бир бекатдан иккинчисига аранг етиб борарди. Жарларни ёқалаб, тўсатдан бурилиб кетадиган пасту баланд, илон изи йўл бағрини тоғдан тушадиган шўх, ўйноқи сою анҳорлар тилиб ўтган Межер водийсига етганда бағоят сўлим манзара касб этарди. Дилижон тошдан-тошга урилиб тушаётган шалолалардан кечиб ўтаётганда сув ғилдиракларни деярли кўмиб юборарди.

Ҳаво жуда яхши эди. Мовий, қатра губорсиз кўк гумбазидан қуёш алангали ўт пуркаётгандек.

Дилижоннинг чап томонида кўзга ташланган бир тўранинг оппоқ қасри ярақлаб кўзни қамаштириб юборди, унга ҳам, фикус ва мажнунтол сингари ерни ўпиб турувчи мурч дарахтлари қучоғига чўмган бошқа қасру саройларга ҳам фақат кўкимтир ойна билан қараш мумкин эди. Гоҳ у, гоҳ бу ерда зебраларга ўхшаган олачипор, сариқ чодирлар кўзга ташланиб қолар, бу чодирлардан жиддий, келишган чехралли араб аёллари ва оналариникидан қолишмайдиган жиддий қиёфали болалар

мўралаб туришарди. Олис-олис далалар, ён бағирлар, тоғ дараларида қўй сурувлари ўтлаб юрар, тоғ қояларида қузғундай қоп-қора эчкилар тошдан-тошга сакраб, ирғишларди.

Дилижон яқинлашганида қамчининг шарақлашидан чўчиб кетган қушлар гала-гала бўлиб, гуриллаб кўкка кўтарилишарди. Майда тўти қушлар ўзларининг ялтироқ, ранг-баранг пат-қанотлари билан айниқса ажралиб турардилар. Улар жуда кўп, минг-минглаб; она табиат уларни сайрашга ўргатганди-ю, лекин бахтимизга тил бермаганди. Шу сабабли саёҳатчиларимиз беҳуда валлақлашни эмас, қушлар навосини тинглаб боришарди.

Йўлда бот-бот тўхтаб туришарди. Жильдас Трегомен билан Жюэль бу қулай фурсатдан фойдаланиб, оёқларининг чигилини ёзгани дилижондан ўша заҳотиёқ тушишарди. Баъзан банкчи Замбуко ҳам улардан ибрат олиб паства тушарди, лекин ҳамроҳлари билан бир оғиз ҳам гаплашмасди.

— Бу ёқимтой чол,— деб қўйди Трегомен,— чоғимда, Комулк пошшонинг миллионларини қўлга киритиш ўтида дўстимиз Антифердан камроқ ўртанмаётган кўринадик-ку!

— Сиз ҳақсиз, жаноб Трегомен, ворисдошларнинг бирини олиб, иккинчисига урадиган экан.

Ҳар тўхтаганларида Соук дилижондан тушиб, гарчи ўзини французчани тушунмаётганга солса-да, уларнинг суҳбатидан ақалли бир неча оғиз сўзни илиб олишга уринарди. Нотариус эса дилижоннинг бурчагига тикилиб олганича, эндиликда денгизда қандай сузишни ўйлаб, ичидан зил кегиб, қимир этмай ўтирарди. Уртаер денгиздаги енгил-елпи тўлқинлардан кейин қутурган Атлантика тўлқинларида сузишни ўйлабоқ кўнгли беҳузур бўла бошларди.

Пьер-Серван-Мало ҳам ўтирган жойидан қимирламасди; бутун фикри-ёди иккинчи орол—офтоб, жазирама иссиқ уфуриб турган, Африка сувлари қўйнида қад кўтариб турган қоялар билан банд эди.

Шу куни, қуёш ботар чоғида, қўққисдан оппоқ гумбазли ва тигдор учли миноралари кўкка бўй чўзган каттаю кичик талайгина масжидлар тўдаси кўзга ташланди. Бу тунис услубига хос колоритни дахлсиз равишда сақлаб қолган, атрофи ям-яшил дов-дарахтлар билан қуршалган чоғроққина Табарка шаҳарчаси эди.



Дилижон Табаркада бир неча соатга тўхтади. Йўловчилар бир меҳмонхонага, тўғрироғи карвонсаройга киришди, бу ерда уларни яхшилаб овқатлантиришди. Шаҳарчани томоша қилиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмади. Олти кишидан фақат Трегоменгина бу ҳақда ўйлаган бўлиши ва, балки ўз дўстининг илтимосини рад этмаса, Жюэль ҳам унга қўшилиши мумкин эди. Аммо Антифер тоға бир нафасга бўлса-да, ушланиб қолмаслик учун уларнинг дилижондан узоқлашишини қатъиян ман этди. Дўстлар унга қаршилиқ билдириб ўтиришмади.

Кечки соат тўққизда яна йўлга чиқишди. Гарчи юлдузлар чарақлаб турган бўлса-да, ҳувиллаган ерлардан тунда юриш дилижон учун хатарли эди. Йўлнинг ниҳоятда ёмонлиги, қароқчилар, айниқса крумирлар<sup>1</sup> ёки ваҳший ҳайвонлар ҳамла қилиб қолиши хавфи саёҳатчиларни ҳамма вақт ҳушёр бўлиб ўтиришга мажбур этарди. Сокин ва зимзиё тун қўйнида дилижон қалин ўрмонни ёқалаб бораркан, баъзан шер ва қоплонларнинг ўкиргани аниқ эшитилиб қоларди. Шунда отлар талвасага тушиб хириллаб қолар, уларни тинчлантириш учун аравакаш ниҳоятда эпчиллик кўрсатиши керак эди. Қўрқоқ ва ваҳший мушук бўлмиш сиртлонларнинг миёвлаши эса ҳеч қайсиларини чўчитолмасди.

Ниҳоят соат тўртларга бориб тонг ёриша бошлади. Тун зулмати тонгги ғира-шира ёруғлик билан алмашишиб, атрофдаги манзарани кўз илғайдиган бўлиб қолди.

Ҳали торгина уфқда тўлқинсимон тизма тепалар ер елкасига ёпилган араб елкапўшларидай бўзариб турарди. Тепалар этагида толгул чакалакзорлари ва қийғос гуллаган эвкалиптзорларни оралаб буралиб-буралиб, гоҳ сокин, гоҳ қайнаб-қутуриб оқувчи, бўтана сувли дарёдан оби ҳаёт эмадиган Межерда водийси ястаниб ётарди.

Регентликнинг крумирлар ўлкасига бориб тақаладиган бу қисми айниқса ўзининг ажойиб манзараси билан ажралиб туради. Мабодо Трегомен қачон бўлмасин Тироль бўйлаб саёҳат қилганида эди, ҳозир у ўзини Альп тоғларининг энг хилват бир бурчагида юргандек сезар-

---

<sup>1</sup> Крумирлар — Жазоир ва Тунис чегарасида яшайдиган араб қабиласи.

миди. Бироқ у Тиролда бўлмаганди ва бунинг устига кун сайин Европадан тобора олислашиб борарди. Шу ҳақда ўйлади дегунча, оғзи қимтилар, чехраси ғамгин тус олар, қуюқ қошлари чимириларди — буларнинг бари кўнгли ғаш бўлиб, ташвишланаётганидан далолат берарди.

Баъзан ёш капитан билан Трегомен маънодор кўз уриштириб олишарди: улар бир-бировларини сўзсиз ҳам тушунишарди.

Шу кун и эрталаб Антифер тоға жиянидан сўради:

— Қош қорайгунча қасрга етиб борамиз?

— Гардимауга, амаки.

— Бонга қачон етамиз?

— Эртага кечқурун.

Ғамнок малуни яна одатдагидек индамас бўлиб қолди, бундай пайтларда хаёли ўзини Уммон кўрфазидан Гвинея қўлтиғига улоқтираётган ўша орзусида бўларди. Сўнгра унинг фикри-ёди ер шарининг ўзини қизиқтираётган биргина нуқтасига қадаларди. Шунда у ўз-ўзига, банкчи Замбуконинг ҳам бутун диққат-эътибори ўша нуқтада, деб қўярди. Дарҳақиқат, туриш-турмуши, хулқи-атвори, бутун табиати бошқа-бошқа олам бўлган, бу дунёда тақдир тақозоси билан тасодифан учрашиб қолган ана шу икки кимса шу топда бир-бировига сургундагилардек кишанлаб қўйилганга ўхшардилар, лекин улар боғланган занжир олтиндан ясалган эди.

Фикус ўрмони тобора қалинлашиб борарди. Қанакужунинг гул ва барглари сингари оч-яшил тусли барглар орасидан бир-бировидан олис-олисда жойлашган араб қишлоқлари кўзга чалиниб қоларди. Бундай ерларда олдин чайлалар кўринарди, яқинроқдаги сой ёки анҳор бўйида эса подалар ўтлаб юрарди. Кейин навбатдаги бекат, кўпинча одамлар ва ҳайвонлар аралашиб-қуралашиб ётган аянчли оғилхона намоён бўларди.

Кечқурун Гардимауда, аниқроғи, бир ёғоч кулбада тўхташди. Уйнинг атрофини бир неча кулба қуршаб турарди. (Орадан йигирма йил ўтгач бу ер Бон билан Тунис оралиғида ётқизилган темир йўл бекатларидан бирига айланди). Икки соат дам олганларидан сўнг дилижон (бу сўзсиз карвонсаройда енгилгина овқатланиб олиш учун жуда кўп вақт эди) яна йўлга тушди. Йўл Межерда водийсини ёқалаб илан-биланг буралиб бораркан, неча бор сою анҳорларни кечиб ўтилди (шунда кўпинча сув дилижоннинг ичига кириб кетар, ўтир-

ганларнинг оёқларини жиққа ивитарди); дилижон шундай тиккаликка кўтарилардики, отларнинг абзаллари дош беролмай узилиб кетадигандек бўлиб туюларди, кейин эса физиллаганича ён бағирдан пастга тушиб кетар, отлар сувлиқларини ғажирлатиб чайнаганича учиб борар, жиловидан тортиб тўхтатиб бўлмасди.

Гарчи бу зимзиё, туманли тунда бирон нимани кўз илғай олмаса-да, бу ерлар, айниқса Мухтор атрофи ажойиб, сўлим жойлар эди. Бунинг устига саёҳатчиларимизни қирқ уч соатлик йўл азобидан кейин маст уйқу элтиб борарди.

Антифер тоға ва унинг ҳамроҳлари ҳосилдор водийларни Сук-Ахрас<sup>1</sup> савдо шаҳри билан туташтирган, тепаю адирлар ён бағридан ўтган сон-саноксиз қайрилишу бурилишларга эга бўлган олис йўлни босиб ўтиб, шаҳарга етиб келганларида тонг ёриша бошлаган эди.

Боплаб жиҳозланган, Тагаст номли майдондаги шу номли меҳмонхонада ўлгудек тинка-мадорлари қуриган йўловчиларни жуда яхши кутиб олишди. Бу галги уч соатлик ҳордиқ чиқариш унчалик узоқ бўлиб туюлмади. Мабодо хушманзара Сук-Ахрасни томоша қилишни истаганларида бу уч соат вақт уларга камлик қиларди. Антифер тоға билан банкчи Замбуколарнинг шу мажбурий тўхташ учун ҳам вақт беҳуда кетаётганига тоқатлари тоқ бўлаётганини-ку асти қўяверасиз. Шунга қарамай дилижон соат олтидагина йўлга тушди.

— Тинчлан,— дерди Жильдас Трегомен ўзининг қизиққон ватандошига,— Бонга худди эрталабки поезд жўнайдиган пайтда етиб борамиз.

— Нега энди кечқурунги поездга етиб боришга шошилмас эканмиз?— деб эътироз билдирди Антифер тоға.

— Бугун поезд бўлмайди, амаки,— деб қўйди Жюэль.

— Йўқ бўлса нима қипти? Шунинг учун мана шу хилватгоҳда қимирламай ётаверишимиз керак эканми?..

— Манавини қара, қария, сенга қанақанги трубкани танлаб олганимни кўр... Сеникининг фақат оти қолипти, ҳаммасини ғажиб ташлабсан-а!

Шундай деб, Жильдас Трегомен дўстига Межердадан олган, катталиги кўк нўхат қўзоғидай келадиган трубкани тутди. Антифер уни олди-ю, оғзига солиб ғажий бошлади.

<sup>1</sup> С у к - А х р а с — Константиндан шарқроқда жойлашган Жазоир шаҳарларидан бири. Илгариги номи — Тагаст.

Трегомен Жюэль учовлари катта хиёбонгача сайр қилиб келишларини таклиф қилганди, аммо тоға қатъиян рад этди; чамадонидан атласни олиб, Африка харитасини очди-да, қолган ақлини ҳам фарқ қилиш тахликаси остида Гвинея қўлтиги сувларига шўнғиб кетди.

Жильдас Трегомен билан Жюэль Тагаст хиёбонини сайр қилгани жўнашди. Бу атрофи шарқ меъморчилиги услубида бино қилинган ҳашамдор уйлар қуршаган ва дов-дарахтлар ўтқазилган кенгиша тўрт бурчак майдон эди. Ҳали жуда барвақтлигига қарамай, ҳамма қаҳвахоналар очилган, улар маҳаллий аҳолига лиқ тўла эди.

Қуёшнинг илк нурлари тушгани ҳамоноқ, туман пардаси чок-чокидан сўкилиб, бир зумда тарқади-қўйди. Ҳамма нарса ажойиб кун қанот ёзаётганидан далолат бериб турарди.

Трегоменнинг бутун вужуди кўз ва қулоққа айланган эди. У гарчи тушунмаса-да ерликларнинг суҳбатларига қулоқ соларди; гарчи ҳеч нима олиш нияти бўлмаса-да, қаҳвахоналарда, дўконларда нима бўлаётганини, нималар борлигини кўргиси, ҳаммасини билгиси келарди. Инжиқ қисмат уни бу ақл бовар қилмайдиган саёҳат қучоғига улоқтирган экан, ҳеч бўлмаганда, иложи борича кўпроқ нарсани кўриб қолсин-да. Шу ҳақда ўйларкан, бундай деди у:

— Йўқ, Жюэль, бизга ўхшаб саёҳат қилиш ноинсофлик! Ҳеч қаерда тўхталмаса!.. Сук-Ахрасда уч соат... Бонда бир кеча бўлиса... Кейин эса темир йўлда, бекатларда қисқа-қисқа муддатга тўхтаб, икки кун юрилса, шу ҳам гапми!.. Тунида нимани кўра олдим ўзи? Жоззоирда<sup>1</sup> нимани кўраман?

— Гапингизга қўшиламан, жаноб Трегомен, албатта, бу мутлақо ақлга тўғри келмайди, лекин амакимга айтиб кўринг-чи буни, унинг: «Бу кўнгил ёзадиган саёҳат эмас, иш юзасидан қилинаётган саёҳат!»—деб ўдагайлаб беришини ўзингиз яхши биласиз! Бу саёҳатнинг оқибати нима билан тугашини ҳали ким билади дейсиз?

— Ишқилиб, охири фирибгарлик бўлиб чиқмасин-да!—деб жавоб берди Трегомен.

— Тўғри,—деб унинг гапига қўшилди Жюэль,—иккинчи оролдан ҳам бизни учинчи оролга йўллайдиган бир ҳужжат топишимиз эҳтимолдан холи эмас.

---

<sup>1</sup> Трегомен Жазоир сўзини нотўғри талаффуз этипти.

— Тўртинчисига, бешинчисига, хуллас беш қитъадаги барча оролларга жўнатиши мумкин,— деди Трегомен дилсиёҳлик билан, каттакон бошини силкиб.

— Сиз эса, жаноб Трегомен, амаким қаерга борман, у билан бирга бўласиз.

— Мен-а?

— Ҳа. Сиз... сиз унинг бир гапини ҳеч қачон икки қилолмайсиз-да!

— Бу тўғри. Бечорага жуда раҳмим келади, ишқилиб бутунлай ақлдан озмаса гўрга эди, деб хавотирданман.

— Гап бундай... Мен, жаноб Трегомен, иккинчи оролдан кейин ҳеч қаёққа бормайман деган қатъий қарорга келдим. Нима, Эногат шаҳзодага тегишга, мен эса маликага уйланишга орзумандамизми?

— Албатта йўқ! Дарвоқе, эндиликда бойликни анави тимсоҳга ўхшаган Замбуко иккови баб-баравар бўлиб олишадиган бўлса, гап фақат Эногатнинг герцогга тегиши, сенинг эса герцогиняга уйланишинг ҳақидагина бориши мумкин...

— Бунақа ҳазилнинг ҳожати йўқ, жаноб Трегомен!

— Афв эт мени, бўтам, бунинг ҳеч қанақанги қувонадиган жойи йўқ, мабодо излаш давом этадиган бўлса...

— Давом этадиган бўлса, дейсизми?— деб қичқириб юборди Жюэль.— Йўқ, йўқ! Лоанго қўлтиғига боришга, майли, розиман! Аммо, бошқа ҳеч қаёққа бормаймиз! Сен-Малога қайтишга мажбур қиламан!

— Борди-ю, бу қайсар бош тортса-чи?

— Агар у бош тортса-чи, дейсизми? Унда менсиз ўзи саёҳат қилаверсин. Мен Эногат ҳузурига қайтаман. Бир неча ойдан кейин у балоғат ёшига етиб, ихтиёри ўзида бўлади, ана шунда ҳар қанақанги тўсиқ-ғовларга қарамай унга уйланаман!

— Менга қара, бўталоғим, қўй, аччиғланма, жаҳл чиқса ақл кетади дейдилар, сабр-бардошли бўл! Ҳаммаси жойида бўлади, ишонавер менга. Жажжи Эногатга албатта уйланасан, тўйларингда ўзим ўйнаб бераман ҳали!.. Энди меҳмонхонага қайтайлик, тагин дилижондан кеч қолмайлик. Мен Бонга қош қораймасдан боришни истардим, ақалли шаҳарнинг бир қисмини томоша қилиб қолай-да, ахир! Бошқа шаҳарларни, Константинни ҳам, Филиппвилни ҳам поезд деразасидан кўраимиз, холос. Бунақада нимани ҳам кўриб бўларди? Агар Бон-

ни озгина томоша қилишга улгурсак, кейин Жоззоирда ҳиссасини чиқариб олардим... Менимча у ерда ақалли бир неча кун турсак керак-ку.

— Албатта,— жавоб берди Жюэль,— Африканинг гарбий соҳилларига ўша заҳотиёқ жўнайдиган бирон пароход топилмаса керагов, шунинг учун чор-ночор кутишга мажбур бўламиз.

— Кутамиз, бажонидил кутамиз!— деб такрорларди Трегомен, гўзал Жазоир пойтахтининг хушманзара жойларини сайр қилажагидан қувониб.— Жоззоирни биласанми сен, Жюэль.

— Ҳа, жаноб Трегомен.

— Менга денгизчилар ҳикоя қилиб беришганди, денгиз томон ярим доира шаклида поғона-поғона бўлиб тушиб борадиган бу шаҳар ниҳоятда чиройли экан. Биз унинг соҳил бўйи кўчаларини, хиёбонларини, масжиду қасрларини томоша қиламиз... айниқса Мустафо қасрини.

— Жазоир — ажойиб шаҳар, жаноб Трегомен,— жавоб берди Жюэль,— лекин мен ундан ҳам чиройлироқ жойни биламан... Бу Сен-Мало...

— ...ва От-Салль кўчасидаги уйни... биринчи қаватдаги шинамгина хонани ҳам... унда яшайдиган сулув қизни ҳам биласан-а! Бу гапингга қўшиламан, албатта, бўтам! Бироқ ҳозир биз бу ерда эканмиз, ақалли Жоззоирни томоша қилиш умидидан бебаҳра этма мени!..

Ана шу орзу-хаёл билан Трегомен ёш дўстини эргаштириб, Тагаст меҳмонхонаси томон жўнади. Йўлга чиқиладиган вақт ҳам етган экан: келганларида отларни қўшишмоқда эди. Антифер тоға катта-ката қадам ташлаб у ёқдан-бу ёққа бориб-келаркан, гарчи улар кеч қолишмаган бўлса-да, ҳаяллаб қолишди деб тўнғиллаб сўкарди.

Трегомен унинг еб юборгудек ўқрайганини кўриб, бошини қуйи солди. Бир неча дақиқадан кейин ҳамма жой-жойини эгаллади ва дилижон ўйдим-чуқур Сук-Ахрас қиямалигидан физиллаб кетди.

Афсуски, Трегоменга Туниснинг бу сўлим жойларини томоша қилишга рухсат этишмади. Бу ерлардан кўра хушманзара жой бўлмаса керак: келажакда темир йўл ўтқизувчиларни беҳисоб бурилишларни айланиб ўтишга мажбур этган, тоғ тизмаларига ўхшаган тепаю адирлар, кўкка бўй чўзган ям-яшил ўрмон билан қопланган

жирликлар кесиб ўтганди; ўралиб-чирмашиб кетган довдарахлар узра ер бағрини йиртиб чиққан қоялар посбондек қад кўтариб турарди; чор атрофда катта-кичик қишлоқлар, уларда ерлик аҳоли чумолидек ғимирлайди; тунда йиртқич ҳайвонлардан ўзларини ҳимоя қилиш учун ҳар бир кулба ёнида гулханлар ловиллайди.

Жильдас Трегомен қулай фурсат келди дегунча аравакашни гапга солар ва ундан билиб олган нарсаларини ҳамроҳлари билан бажонидил ўртоқлашарди.

Бир йил мобайнида бу чангалзорларда кам деганда қирқта шер, бир неча юз қоплон ўлдириларкан, нобуд қилинган гала-гала чиябўриларни гапирмаса ҳам бўларкан. Соук эса бу ҳайратда қолдирадиган ҳикояларни эшитиб, бепарвогина ўтирарди, чунки у ўзини французчани билмайдиган одам қилиб кўрсатган эди-да; Антифер тоғани тунис қоплонлари ва шерлари заррача қизиқтирмасди. Башарти иккинчи оролда бу йиртқич ҳайвонлар миллионлаб яшаганида ҳам у ўз йўлидан бир қадам орқага чекинмаган бўларди.

Бироқ банкчи ва нотариус икковлари Жильдас Трегоменнинг ҳикоясига диққат билан қулоқ солишарди. Замбуко баъзи-баъзида қошларини чимириб, дилижон эшигидан ташқарига кўзлари олайиб қараб-қараб қўярди. Бинни Умар эса аксинча эшикка қарамасликка тирришар, ғужанак бўлиб бурчакка тиқилар, йўл чеккаларидаги қалин чангаллар орасидан хириллаган ўкирик эшитилганида дағ-дағ қалтираб, ранги қув ўчиб кетарди.

— Чин сўзим,— деб ҳикоя қиларди ўша куни Трегомен,— ўтган гал дилижонга ваҳший ҳайвонлар ҳамла қилибди, буни аравакаш айтди. Йўловчилар йиртқичларни қўрқитмоқчи бўлиб ўқ ота бошлашибди... Кеча кечаси бўлса қоплонлар галасини нари ҳайдаш учун дилижонни ёқиб юборишга тўғри келибди.

— Йўловчиларга нима бўпти?— деб сўради Бинни Умар.

— Йўловчилар от алмаштириладиган бекатчага пиёда кетишга мажбур бўлишибди,— жавоб берди Жильдас Трегомен.

— Пиёда!— хитоб қилди титроқ товуш билан нотариус.— Мен... мен ҳеч қачон бундай қилолмасдим!..

— Унда орқада қолиб кетардингиз, жаноб Умар! Ишонинг, биз сизни кутиб ўтирмасдик.

Бундай шафқатсиз ҳамда тасалли бера олмайдиган

қўпол жавобнинг Антифер тоғадан чиққанини фаҳмлаш унчалик мушкул бўлмаса керак. Йўқса у суҳбатга аралашмаган ҳам бўларди. Шундан кейин Бинни Умар ўзининг на қуруқликда, на денгизда саёҳат қилишга мутлақо ноқобил эканлигига узил-кесил ишонч ҳосил қилди.

Бироқ, кун ўтиб борар, йиртқич ҳайвонларнинг ўкириши фақат узоқдан эшитиларди.

Жильдас Трегомен дилижоннинг Бонга кечасигина етиб боришига ишонч ҳосил қилгач, жуда хафа бўлиб кетди.

Дарҳақиқат, Бондан уч ёки тўрт километр беридаги, Авлиё Августиннинг<sup>1</sup> мақбараси туфайли оламга машҳур бўлган, қадимий нумидияликлар шаҳри Хипподан ўтишаётганда соат кечки етти бўлганди; бу шаҳарча кекса араб аёлларининг сеҳр ва жодулар билан шуғуллангани ва чуқур-чуқур ҳовузлари билан ҳам диққатга сазовор эди. Йигирма йилча кейин бу ерга келсалар, йўловчиларимиз бу ерда кардинал Лавижерининг<sup>2</sup> қудрати туфайли ер остидан чиққандек тўсатдан пайдо бўлиб қолган базилика<sup>3</sup> деворлари ва госпитални кўрган бўлардилар.

Бу орада Бон шаҳрини, қалъа деворлари бўйлаб кетган денгиз бўйи хиёбонини, ғарб томони қумлоқ тиф билан тугайдиган узундан-узоқ тўлқин тўсарни, соҳил бўйига соя ташлаб турадиган азим дарахтларни, шаҳарнинг Пьернинг бронза ҳайкали қад кўтариб турган катта майдонли янги бунёд этилган қисмини ва, ниҳоят, Трегоменнинг ақлини лол қолдириши мумкин бўлган Қасбани<sup>4</sup> зинистон тун ўз зулмат чодирига ўрай бошлаганди.

Шуни тан олиш керакки, бу ажойиб одамнинг сираши ўнгидан келмас, омади юришмасди. Иккинчи Франциянинг<sup>5</sup> пойтахтида ҳаммасининг ҳиссасини чиқараман, деб ўзига-ўзи таскин берарди.

<sup>1</sup> Аврелий Августин, лақаби Авлиё (354—430). — католик черкови асосчиларидан бири; Хиппода епископ бўлган; ундан бир неча ақонд асарлари қолган.

<sup>2</sup> Шарль Лавижери (1825—1892) — кардинал, Тунис архиепископи. Франция черковининг мустамлакачиликка хайрихоҳ машҳур арбобларидан бири.

<sup>3</sup> Базилика — қадимий римликларнинг жамоат бинолари қурилиши услубидаги қатор устунли, тўрт бурчак шаклида чўзиқ қилиб қурилган черков.

<sup>4</sup> Қасба — мавритан услубида қурилган сарой-қаср.

<sup>5</sup> Француз матбуотида Шимолий Африкадаги Франция мустамлакаси Жазоирни шундай деб ёзишарди.



Йўловчилар шаҳар майдонидаги меҳмонхонани танлашди, овқатланиб бўлгач, эрталабки поезддан кеч қолмай, барвақт туриш ниятида соат ўнда ухлагани ётишди. Уша кеча, дилижонда босилган олтмиш соатлик йўл азобидан ғоятда толиққан саёҳатчиларимизнинг ҳаммаси, ҳатто қайсар Антифер тоға ҳам тош қоғиб ухлашди.

## ОЛТИНЧИ БОБ

*Бондан Жазоирга ва Жазоирдан Дакарга сузиш пайтида содир бўлган энг муҳим воқеалар*

Боп билан Жазоир шаҳри ўртасида темир йўл ўтказилганига Антифер тоғанинг имони комил эди, бироқ у йнгирма йилга шошилган эди. Шунинг учун ҳам эртаси куни меҳмонхона эгасининг шу ҳақдаги саволга берган жавоби Антифер тоғани боши берк кўчага киритиб қўйганди.

— Бу қанақаси! Бондан Жазоирга борадиган темир йўл йўқми?— деб қичқариб юборди Антифер тоға.

— Йўқ, агар кутиб туришга майллари бўлса, бир неча йилдан кейин албатта ўтказилади-да!..— деб жавоб берди хушчақчақ хўжайин.

Шубҳасизки, Бинни Умарга бундан маъқули йўқ эди, чунки бу ерда ортиқ тутилиб қолмаслик учун яна денгизда сузишга тўғри келарди-да, ахир.

Бироқ Пьер-Серван-Мало амирона оҳангда сўраб қолди:

— Йўлга чиқишга тайёр турган бирорта алоқа кемаси йўқмикин?

— Бор, у бугун эрта билан йўлга тушади.

— Ушанда жўнаймиз бўлмаса.

Шу сабабли Антифер тоға беш нафар ҳамроҳи билан эрталаб соат олтида Бондан алоқа кемасида жўнаб кетди. У беш ҳамроҳидан икки кишини — Жильдас Трегомен билан Жюэлни — ўзи билан бирга оливолганди, қолган уч киши — Замбуко, Бинни Умар ва Нозим заруратдан унга ҳамроҳ бўлишган эди.

Бу бир неча юз километрлик сафар ҳақида ҳикоя қилиб ўтирмаса ҳам бўлади.

Жильдас Трегомен денгизда сузишдан кўра поездда сафар қилишларини маъқул кўрарди, зероки кўз

олдидан ғизиллаб ўтиб турса-да, у бир неча йилдан кейин темир йўл ўтказиладиган ерларни вагон ойнасидан томоша қилиб борган бўларди. Бироқ у Жазоирда ҳаммасининг ҳиссасини чиқараман, деган умидда эди. Агар Антифер тоға ўзича, Жазоирда Африканинг ғарбий соҳилларига борадиган кема тайёр турибди, унга ўтираману жўнайман, деб ўйлаётган бўлса, қаттиқ янглишади. Буни истайдими, йўқми, тоқат қилишга мажбур бўлади! Ана ўшанда Трегомен роса сайр қилади, шаҳар атрофларига чиқади, балки, ҳатто Маймунлар жилғасига саёҳат қилишар!

Комулк пошшонинг хазинаси топилган тақдирда ҳам Жильдас Трегоменга ҳеч қанақанги наф йўқ, келинг, бундан наф тегмаса тегмай қўяқолсин! Лекин у Жазоир пойтахтини сайр қилиб, қанчадан-қанча хотиротларни эслаб қолади.

Шитоб билан сузиб бораётган кема кечки соат саккизда Жазоир портига етиб келиб, лангар ташлади.

Март ойи охирларида бу кенгликда жойлашган ерларнинг туни, ҳатто осмон гумбазида чароғон юлдузлар порлаб турган кечалар ҳам зимистон бўлади. Шаҳарнинг шимол қисмидаги улкан бўлаги ғира-шира қорайиб турарди. Олдинда Қасба, Жильдас Трегомен кўришни кўпдан орзиқиб кутган ўша Қасба қоронғилик қўйнида кўкрак кериб турарди. Ҳаммалари пристандан тушиб, энли пиллапоядан юқорига кўтарилишди, кейин вазмин аркларни оралаб, соҳилбўйи кўчасига ўтишди. Чап томонда чироқлар нурига чўмган сайлгоҳ бор экан, Трегоменга қолса бу ерни жон-жон деб бирпас томоша қилган бўларди; лекин ҳаяллагани вақт қаёқда эди дейсиз. Мана, қаршисида баланд-баланд бинолар ансамбли намоён бўлди; «Европа» меҳмонхонаси шулардан бирида жойлашган эди.

Антифер тоға ва унинг ҳамроҳларини бу меҳмонхонада кучоқ очиб кутиб олишди. Саёҳатчилар хоналарни банд этиб, чамадонларини қолдиришди-да, ошхонага тушишди. Бемалол ўтириб соат тўққизгача овқатланишди, алоқа кемасини анча вақт кутишлари керак эди, шаҳарни томоша қилгани эрталаб тиниқиб, бардам бўлиб туриш учун, яхшиси, мириқиб ухлаб олганлари маъқул.

Жюэль бундай олис ва машаққатли йўлдан кейин дам олиб, ҳордиқ чиқаришдан олдин, жазирама ва чанг-

тўзонли Жазоир куни бошланишини кутиб ўтирмасдан, қайлиғига хат ёзишга қарор берди. Хатни эртага жўнагади, уч кундан сўнг эса Эногат ҳамма янгиликлардан хабардор бўлади. Аммо-лекин, бу хатда уни қизиқтирадиган бирон нима йўқ эди. Эногат Жюэлнинг ўзини қўярга жой тополмаётганини ва уни бутун қалби билан севиши ҳақидаги дил розини ўқийди, холос. Лекин бу қиз учун айниқса янгилик эмасди-да.

Хонаси келганда шуни айтиб ўтайликки, бир томондан Бинни Умар ва Соук, иккинчи томондан Жильдас Трегомен ҳамда Жюэллар хона-хоналарига тарқалишган бўлса, Антифер тоға билан Замбуко, яъни қайнаға-куёв — бутун қонун-қондасига амал қилган ҳолда тузилган шартномага биноан бир оила иплари билан боғланганлари учун уларни шундай деб атаб янглишмаган бўлсак керак?— нима иш юзасидан кетаётганлари ҳақида оғиз ҳам очмай, овқатдан сўнг меҳмонхонадан ғойиб бўлиб қолишган эди. Бу ҳол Трегомен билан ёш капитанни ҳайратга солганди, албатта. Соук билан Бинни Умар эса шубҳасиз ташвишга тушиб қолишганди. Бироқ, турган гапки, бу ҳақда сўраганларида ҳам малуин саволларига жавоб бермасди, албатта.

Хўш, бу икки меросхўр қаерга кетганди? Эҳтимол, Жазоирнинг хушманзара жойларини томоша қилишга ошиқишгандир? Ёки Боб-Азим ва бошқа кўчаларни ё ҳамон сайр қилиб юрганлар билан гавжум бўлган соҳил бўйида кезишни хаёл қилишдимикан? Йўқ, бунақанги тахминлар ақлга тўғри келмайди, буни ҳатто хаёлга ҳам келтириш мумкин эмас.

— Бўлмаса нима гап?— деди Трегомен.

Ёш капитан ва дилижонда ўтирган бошқа йўловчилар гапга аралашмай, индамай келаётган Антифер тоғанинг бу одатини бузиб бир неча бор банкчи билан шивирлашиб гаплашганини йўлдаёқ пайқашган эди. Ушанда Замбуко суҳбатдошининг таклифига рози бўлгандек кўринганди.

Нималар ҳақда маслаҳатлашишган экан-а улар? Тўсатдан ғойиб бўлиб қолишларини олдиндан келишиб қўйишмаганмики? Ё бирор махсус режалари бормикин? Бу икки бадфёъл қайнаға-куёвдан сира хаёлга келмаган найрангни кутиш мумкин-да, ахир...

Трегомен Жюэлга хайрли тун тилаб, ўз хонасига кетди. Ечинишдан аввал, ажойиб Жазоир ҳавосидан

тўйиб-тўйиб нафас олиш учун деразани лангиллатиб очиб қўйди. Кўз ўнгида милтиллаб турган юлдузлар хирагина шуъла сочаётган бепоён манзара. Лангар ташлаган ёки оқшом шабадаси кузатувида соҳилга яқинлашиб келаётган кемаларнинг огоҳлантирувчи чироқлари чарақлаб турган бутун рейд то Матифу бурунигача намоён бўлади. Балиқчилар ҳам машъалларини ёқишган эди; портнинг яна берирогиди эса тунд алоқа кемалари буғ йиғяпти; йўғон мўрилардан қопқора тутун бурқсиб, учқунлар сочилиб чиқяпти.

Матифу бурушнинг у ёғида бир учи уфққа бориб тақалган очиқ денгиз ястаниб ётибди, денгиз узра эса тўптўп ялтироқ мушаклардай гўзал юлдуз туркумлари чарақлаб турибди.

Бу сўлим тун роҳатбахш ажойиб куннинг даракчисига ўхшайди. Яна бир неча соатдан сўнг нурафшон қуёш тонгги юлдузлар шуъласини пуфлаб ўчиради.

«Бу ажойиб Жазоир шаҳрини бир маза қилиб сайр этай,— деб ўйларди Жильдас Трегомен,— лаънати Маскатга қилинган саёҳатдан кейин, иккинчи оролни излаш саргардончилиги бошлангунича ўтадиган бир неча кундан фойдаланиб боплаб дам оливолай... Пескаддаги Моисей ресторанини мақташгани менга. Ана ўша Моисейда нега энди яхшилаб овқатланиб олмас эканмиз?..»

Соат ўнга занг урди, худди шу лаҳзада эшик тақиллаб қолди.

— Сенмисан, Жюэль— деб сўради Жильдас Трегомен.

— Йўқ, бу менман, Антиферман.

— Ҳозир очаман, қария.

— Кераги йўқ. Тезроқ кийиниб, чамадонингни ҳозирла!

— Чамадонини дейсанми?

— Қирқ минутдан кейин жўнаймиз!

— Қирқ минутдан кейин?

— Тезроқ қимирла. Алоқа кемалари кутиб ўтирмайди! Мен бориб Жюэлни огоҳлантирай...

Буни эшитиб додираб қолган Трегомен, тушимми, ўнгимми, деб сўрарди ўз-ўзидан. Йўқ, ўнги экан! У қўшни эшикнинг тақиллаганини ва тоғанинг Жюэлга тур деб буюраётган овозини эшитди. Сўнгра зинапоянинг вазмин одимлардан гижирлагани эшитилди.

Шу пайтгача Эногатга хат ёзиб ўтирган Жюэль мактуб охирига ҳаммалари шу кун и кечкуруноқ Жазонрдан жўнаб кетаётганларини шоша-пиша ёзиб қўйди. Замбуко билан Антифер тоға шунинг учун гойиб бўлиб қолишган экан-да!.. Улар Африканинг ғарбий соҳилларига жўнай деб турган кема бор ёки йўқлигини билгани кетишган экан-да?.. Ҳа, шундай бўлганди, омадлари юришиб, энди лангар кўтарай деб турган кемани топишганди. Улар бу кемадан шоша-пиша жой банд қилиб, Антифер тоға, ўз ҳамроҳлари билан маслаҳатлашишни хаёлига ҳам келтирмай, ўша заҳотиёқ Трегомен билан Жюэлни огоҳлантиргани меҳмонхонага қайтганди. Банкчи эса шу топдаёқ жўнаб кетишларини Бинни Умар билан Нозимга хабар қилди.

Трегомен нарсаларини чамадонига жойларкан, алам билан умидлари саробдек пучга чиққанини ўйларди. Бироқ тоға билан баҳслашиб ўтириш бефойда эди. Бошлиқ буюргандан кейин итоат этмоқ керак.

У худди шундай деб ўйлаб турган онда хонага Жюэль кириб келди.

— Сиз бундай бўлишни кутмаганмидингиз?— сўради у.

— Асло, бўтам,— жавоб берди Жильдас Трегомен,— гарчи амакингдан ҳар нарсани кутшим керак бўлса-да, буни кутмагандим!.. Мен Жозонрда ақалли икки кун сайр қиламан деб умид қилиб ўтирибман-а!.. Портни айтмайсанми!.. Ботаника боғини-чи!.. Қабса-чи?

— На чора, нима ҳам қила олардик, жаноб Трегомен. Ҳақиқатан омадимиз юришмади-да. Жўнаб кетишга тайёр турган кеманинг бемавруд топила қолганини айтмайсизми?

— Шуни қара-я! Ниҳоят тоқатим-тоқ бўладиганга ўхшайди!— деб ўдағайлади Жильдас Трегомен, дарғазаб бўлиб.

— Афсуски, жаноб Трегомен, тоқатингиз-тоқ бўлиб, қаршилиқ кўрсатолмайсиз-да... Агар бунга журъат этган чоғингизда ҳам, амаким трубкасини ғажиб, бир ўқрайиб қўйса бас...

— Гапинг тўғри, Жюэль— деб жавоб берди Трегомен бошини ҳам қилиб,— унга итоат этаман-қўяман. Сен мени яхши биласан-ку!.. Ҳар қалай, жуда алам қилади-да... Анави Пескадаги Моисей ресторанининг лаззатли таомларидан ҳузур қилиб эмоқчи бўлганимни

айтмайсанми, эл-бурундан оғзимнинг суви келиб юрибди-я!..

Бу афсус-надоматдан ҳеч қандай наф йўқ эди. Бечора чуқур хўрсиниб қўйиб, нарсаларини йиғиштириб бўлди. Ун минутдан кейин икковлари ҳам пастга тушишди. Антифер тоға, банкчи Замбуко, Бинни Умар ва Нозимлар ўша ерда эканлар.

Агар келганларида иззат-икром билан кутиб олишган бўлса, бир кеча-кундузга тўлиқ ҳақ тўлаганларига қарамай, меҳмонхонадагилар улар билан жуда совуқ хайрлашишди. Жюэль мактубини алоқа яшигига ташлади. Сўнгра ҳаммалари соҳил бўйи томон йўл олишди, портга олиб борадиган зинапоядан пастга тушишаркан, Жильдас Трегомен чироқлар порлаб турган Губернатор хиёбонига сўнги бор ғамгин нигоҳ ташлади.

Қирғоқдан тўқсон-тўқсон беш метрча нарида бир алоқа кемаси лангар ташлаб турар, кучли буғ босими остида қозоннинг гулдураши эшитиларди. Мўрисида бурқсиб чиқаётган қоп-қора тутун юлдузли осмонга ўрлаб, ҳавони ифлослантитарди. Қаттиқ-қаттиқ чалинаётган ҳуштак овози кеманинг тезда лангар кўтаражагидан хабар берарди.

Пристанда йўловчиларни кутаётган қайиқ чайқалиб турарди. Антифер тоға ва унинг ҳамроҳлари қайиқдан жой олишди. Эшкаклар бир неча бор ишга солинди ва қайиқ дам ўтмай кема ёнига етиб борди.

Жильдас Трегомен ҳушини йиғиштириб олмасданоқ ўзини Жюэль билан бир каютада кўрди. Антифер тоға билан Замбуко бошқасини, нотариус билан Соук эса учинчи каютани эгаллашди.

«Каталан» юк ва йўловчилар ташувчи Марсель кемачилик компаниясига қарашли кема эди. У Африканинг ғарбий соҳиллари бўйлаб Сен-Луи ва Дакаргача мунтазам қатнар, зарур бўлиб қолган тақдирда, йўловчиларни олиш ёки қирғоққа тушириш, юк отириш ёки юк тушириш учун йўлдаги портларда тўхтаб ўтарди. Ғоятда яхши жиҳозланган бу кема ўндан ўн биргача узел<sup>1</sup> тезликда суза оларди—бу бундай қатнов учун мутлақо кифоя эди.

Антифер тоға ва унинг ҳамроҳлари етиб келгандан чорак соат ўтгач, қулоқни батанг қиладиган охириги

---

<sup>1</sup> Узел — 1,87 км келадиган узунлик ўлчови, пароходларнинг бир соатлик юриш тезлиги узел ҳисоби билан белгиланади.

хуштак чалиниб, лангар кўтарилди ва «Каталан»нинг бутун асоси бир силкиниб, олға интилди; атрофга оппоқ кўпик таратиб, парраклари шитоб билан айлана бошлади; «Каталан» лангар ташлаб турган кемаларни четлаб ўтиб, Уртаер денгизда қатнайдиган, уйқуга чўмгандек қимир этмай турган баҳайбат юк ташувчи пароходлар билан тенглашди, кейин тўлқинтўсар ва ҳарбий анжомлар омбори оралиғидан сузиб бориб очиқ денгизга чиқиб, ғарб томонга йўл олди.

Трегоменнинг кўз ўнгида, туман орасида кўрингандек, устма-уст қалашиб кетган аллақандай ҳашамдор бинолар намоён бўлди. Бу Трегоменга яқинидан томоша қилиш насиб этмаган ўша Қасба эди. Кейин соҳилда Пескад буруни кўзга ташланди. Фоятда лаззатли буйя-бес<sup>1</sup> тайёрланадиган машҳур Моисей ресторани ўша ерда жойлашган эди. Жильдас Трегоменнинг «Жоззоир»да кўрган-кечиргани шугина бўлди, холос...

Ўз-ўзидан аёнки, каютадаги юмшоқ, узун курсига ўзини гуппа ташлаган Бинни Умар портдан чиқа бошлаганларидаёқ денгиз касалининг барча лаззатларини татиб кўриш бахтига муяссар бўлганди. Яна шу йўлдан қайтишни ўйлашнинг ўзи кўнглини беҳузур қиларди... Бахтига, бу унинг денгизда энг охирги сузиши бўлади... Иккинчи оролда зориқиб кутган ўз улушини албатта қўлга киритади!.. Ёнида яна битта шу касалдан азоб чекаётган бирон одам бўлганда, икковлашиб дард тортишса анча енгил бўларди, албатта. Минг бора афсуски, ҳамроҳларидан ақалли биронтасининг кўнгли беҳузур бўлмаса-я! Ҳеч ким унга ҳамдард бўлишни истамасди. Бировнинг ўзига ўхшаб бу дарддан изтироб чекаётганини кўриб ўз кўнглига тасалли бериш насиб этмаганди унга...

«Каталан»дагиларнинг аксарияти соҳилдаги портларга қайтаётган денгизчилар, бир неча сенегаллик ва денгиз пиёда аскарлари бўлиб, улар денгиз тасодифларига ўрганиб кетгандилар. Ҳаммалари пароход юкини тушириш лозим бўлган Дакарга кетишмоқда эди. Шунинг учун ҳам йўлда ҳеч қаерда тўхтамасликлари керак эди. Антифер тоға «Каталан»га тез ва осонгина чиқиб олгани учун хаёлан ўз-ўзини мақтарди.

<sup>1</sup> Б у й я б е с — саримсоқ ва зираворлар солиб пишириладиган балиқ шўрва, Франциянинг жанубида яшовчиларнинг миллий овқати.

— Дакарга етиб бориш мақсадга эришдик деган гап эмас,— деди Замбуко.

— Тўғри,— унинг гапига қўшилди Антифер тоға,— мен Жазоирдан тўппа-тўғри Лоангога борадиган кемани топишни умид ҳам қилмагандим. Дакарга етиб борганимиздан кейин бироқ чорасини топармиз.

Дарҳақиқат, ўзгача йўл тутиш мумкин эмасди. Шубҳасизки, саёҳатнинг сўнгги қисмида талайгина мушкулликлар туғилади, бу нарса бўлажак қайнаға-куёвни ниҳоятда ташвишга солиб қўйганди.

«Каталан» тун бўйи икки-уч миль масофада соҳил ёқалаб сузиб борди. Тенес чироқлари кўринди, кейин Ал-Марс элас-элас кўзга ташланди. Эргасига эрталаб Оран тепаликлари ёнидан сузиб ўтишди. Орадан бир соат ўтгач Марсул-Қабир рейди ястанган баланд бурун кема ортида қолди.

Сўнгра чап томонда, олисда битмас-туганмас илвасинлар билан таъминловчи Риф вилоятининг баланд тоғ тизмалари кўкка бўй чўзган Марокаш соҳиллари намён бўлди. Орадан яна бир оз вақт ўтгач, уфқда қуёш нурларида ярақлаб кўзни қамаштирувчи Тетуан кўринди; ундан нарида, бир неча миль ғарбда, икки қўлтиқ ўртасида қад кўтарган қоя устига жойлашган испан қалъаси Сеута кўзга ташланди. Сеута Ўртаер денгизига кираверишдаги икки табақали дарвозанинг бир табақаси бўлиб, қарама-қарши соҳилдаги инглиз қалъаси сингари бўғозни назорат қилиб туради<sup>1</sup>. Ундан сўнг эса бу кенгбар бўғоз бепоён Атлантик океани билан қўшилиб кетади.

Марокаш соҳилларидаги ям-яшил ўрмонлар билан қопланган тоғ тизмалари яққолроқ кўзга ташлана бошлади. Қўлтиқ бурилиши ортига яширинган Танжернинг нариги ёғидаги яшил дов-дарахтлар орасидаги масжид ва кўркам, ҳашамдор бинолар кўзни қамаштирарди. Денгиз ғоятда гавжум: талайгина елканли кемалар Гибралтар бўғозига кириш учун мувофиқ шамолни кутиб, тўпланиб турарди.

Бироқ, «Каталан»нинг ноилож тўхташдан ҳеч қандай чўчийдиган жойи йўқ эди. Ўртаер денгизига кираверишда қутқу соладиган на шамол, на кучли оқим бу алоқа кемасининг қудратли паррагига қарши тура оларди, шунинг учун ҳам кечки соат тўққизларда у ўзининг учта пар-

<sup>1</sup> Бу ерда гап Гибралтар бўғози ҳақида кетяпти.



раги билан Атлантик океанининг сувларида жўяк тортиб борарди.

Трегомен билан Жюэль дам олишдан аввал палубага чиқиб, суҳбатга тушиб кетишди. «Каталан» жанубигарбдаги бурунни айланиб ўтиб, Африка қитъасининг энг чеккадаги нуқтасига етганда икковларининг ҳам кўнгилларига бир хил ғамгин фикр келгани мутлақо табиийдир.

— Ҳа, бўтам,— деди Жильдас Трегомен,— бўғоздан чиққач чапга эмас, ўнгга бурилганимизда қандай саз бўларди-я. Ақалли Францияга терс бурилиб, ундан олислашиб кетмасмидик...

— Унда... қаёққа борардик?— деди Жюэль.

— Жаҳаннамга равона бўлармидик деб чўчийман унда!— жавоб берди Трегомен.— Қўлимиздан нима ҳам келарди дейсан, Жюэль, сабр қилишга тўғри келади! Одамлар тупконни тагидан ҳам қайтишади, уларга жаҳаннам ҳам ҳеч гап эмас!.. Бир неча кундан кейин Дакарда бўламиз, Дакардан эса Гвинея қўлтигининг энг ичкарасига сузиб борамиз.

— Боришимиз биланоқ Дакардан яна йўлга чиқа оламизми, йўқми, бу ҳали номаълум. У ерларда мунтазам қатнайдиған кемалар йўқ. У ерда бир неча ҳафта-лаб қолиб кетишимиз ҳеч гап эмас, борди-ю, амаким ўзича иккинчи оролга етиб олиш осонгина иш деб хаёл қилаётган бўлса...

— Шубҳа қилмай қўяқол — албатта хаёл қилади!..

— ...қаттиқ янглишади!.. Ҳозир нимани ўйлаётганимни биласизми, жаноб Трегомен?

— Йўқ, бўтам, лекин сен...

— Гап бундай, менимча бобом Томас Антифер ўша лаънати Комулк пошшони Яффа қояларида ташлаб кетганида маъкул иш қилган бўларди-да...

— О Жюэль! Бу бахти қаро одам...

— Агар бобом уни ўша ерга ташлаб кетганида, бу мисрлик миллионларини халоскорига васият қилиб қолдирмасди, агар у бойлигини васият қилиб қолдирмаганда амаким хазинани излаб, адашиб-улоқиб юрмасди ва мен аллақачон Эногатга уйланган бўлардим!

— Ҳаммаси тўғрику-я,— деб жавоб берди Трегомен,— лекин ўрнида сен бўлганимизда ҳам, Жюэль, худди бобонгга ўхшаб бу бахтсиз пошшонинг ҳаётини сақлаб қолардинг, албатта. Анавини қара,— деб қўшиб қўйди

у чап томонда ярақлаб турган нуқтани кўрсатиб,—қанақа ўт бўлди бу?

— Бу Спартель<sup>1</sup> бурунидаги чироқлар,— жавоб берди ёш капитан.

Ҳақиқатан ҳам бу бир неча Европа давлатларининг маблағлари билан таъминланиб турадиган, Африка қитъасининг энг ғарбий нуқтасида жойлашган машҳур маёқ, Африка соҳилларини ювиб турган океанни ўз шуъласи билан ёритиб турувчи маёқлар занжирининг биринчи ҳалқаси эди.

«Каталан»нинг босиб ўтган йўлини бундай батафсил ҳикоя қиладиган бўлсак жуда кўп жойни банд этарди. Ҳаво сузиш учун жуда ҳулай эди. Шамол қитъа томондан эсар, шунинг учун бемалол соҳилга яқинлашиб сузаверса бўларди. Шундай ажойиб ҳавода оҳистагина мавжланиб турган осойишта денгизда сузиб бораётган кемада денгиз касалидан азоб чекадиган одам барча Умарлар ичида чинакамига энг сезгир, табиатан нозик кимса бўлиши керак-ку!..

Соҳил доим кўз ўнгларида эди. Мекнес, Могадор тепалари, денгиз сатҳидан минг метр баландликка эга бўлган Тезат тоғлари, Тарудант ва Марокаш чегарасининг сўнгги нуқтаси Жуби буруни бирин-кетин яққол кўз олдиларидан ўтиб борарди.

Жильдас Трегоменга Қанар ороллари кўриш насиб этмади, чунки «Каталан» шу ороллар гуруҳига кирган энг яқин Фуэртевентура оролидан эллиқ милча наридан ўтиб кетганди, лекин у Рака тропикасини кесиб ўтишдан олдин Баҳодир бурунини қутлаш бахтига мушарраф бўлди.

Иккинчи май кунини чошгоҳдан кейин Блан буруни кўринди. Эртасига эрталаб қуёш зар кокиллари энди ёя бошлаган паллада Портендик ёнидан сузиб ўтишди ва ниҳоят саёҳатчилар кўз ўнгида Сенегал соҳиллари намоен бўлди.

Бизга аёнки, ҳамма йўловчилар Дакарга кетишаётганди, шунинг учун ҳам «Каталан» бу француз мустамлакасининг пойтахти Сен-Луида тўхтамади.

Шуниси ҳам борки, Дакар денгизчилик борасида Сен-Луига қараганда муҳимроқ порт эди, афтидан. Брази-

---

<sup>1</sup> Спартель — Марокаш соҳилида, Танжер яқинидаги бурун.

лиянинг Рио-де-Жанейро ва Аргентина республикасининг Буэнос-Айрес шаҳарларига Атлантика океани орқали қатнайдиغان пароходлар сафарга чиқишдан олдин шу ерда тўхтаб ўтадилар. Антифер тоға учун эса Лоангога етиб олиш учун Дакардан бирон кемани топиш осонроқ бўлади, албатта.

Ниҳоят 5 май куни тонгги соат тўртларда «Каталан» машҳур Яшил Бурунини ортда қолдирди. Кейин қиялатиб ушланган байроқни эслатувчи уч бурчак шаклидаги ярим оролни айланиб ўтиб, кема Африка қитъасининг Атлантика океанидаги энг чекка нуқтасига етиб келди. Шу ерга етганда ярим оролниг ўнг бурчагига жойлашган Дакар кўзга ташланди. Шундай қилиб, кема Жильдас Трегомен томоша қилолмай догда қолган «Жозоир» дан бу ергача саккиз юз лье масофани босиб ўтганди.

Сенегал Францияга қарам бўлгани туфайли Дакарни Француз тупроғи деб ҳисоблаш мумкин эди, бироқ бу ердан Франция қанчалар олисда эди шу топда!

## ЕТТИНЧИ БОБ

*Дакарга қадам қўйилган дақиқадан бошлаб то Лоангога етиб боргунларича содир бўлган турли воқеалар*

Илгарилари биров, бир куни келиб Жюэль билан биргалашиб Дакарнинг соҳил бўйи кўчаларида сайр қиласан деса, Жильдас Трегомен ҳеч қачон ишонмаган бўларди. Мана ҳозир, Бинни Умар билан Соук доим бирга юрганидек, бир-бировидан ажралмайдиган Антифер тоға билан банкчи Замбуко француз пароходчилик агентлигига йўл олишган бир пайтда у қўшқават гранит тўлқинтўсар билан ўралган портни томоша қилиб юарди.

Айтарли диққатга сазовор жойи бўлмаган бу шаҳар билан танишиб чиқишга бир кун ҳам кифоя эди. Бу ерда чиройлигина жамоатчилик истироҳат боғи, шаҳар гарнизони истиқомат қиладиган қалъа, баланд тепаликка жойлашган Баль-Эр касалхонаси мавжуд бўлиб, маъмурлар сариқ безгак касали билан оғриган беморларни ана шу касалхонага ётқизарди. Мабодо саёҳатчиларимиз Дакарда кўпроқ туриб қолишадиган бўлса, ҳар бир кун уларга йил бўлиб туюлармиди.

«Бироқ тақдирдан нолимаслик керак»,— деб тасал-

ли беришарди Жильдас Трегомен билан Жюэль бир-бировалярига. Улар соҳил бўйида сайр қилишди, назоратчилар кузатувида ишлаётган маҳбуслар хизмати туфайлигина доим чип-чиннидай бўлиб турадиган қуёш нурига ғарқ кўчаларни кезишди.

Саёҳатчиларимизни ҳаммадан кўра кўпроқ Бордо билан Рио-де-Жанейро орасида қатнайдиган кемалар қизиқтирарди, албатта; 1862 йилда бу кемалар йўловчилар ва юк ташиш Империя бўлими ихтиёрида эди. Гарчи Сенегалнинг савдо муомаласидаги маблағ ўша пайтдаёқ йигирма беш миллион франкни ташкил этса-да (бунинг кўп қисми француз мустамлакачилариники эди), Дакар бу йилларда ҳали асосий юк ортиш ва тушириш пункти эмасди. Шаҳар аҳолиси тўққиз минг кишидан ошмасди, бироқ портни оёққа турғазини ва кенгайтириш борасида кўрилган тадбирлар натижасида вақт ўтиши билан аҳоли тобора кўпая борди.

Сенегаллик негрларни умрида кўрмаган Трегомен эндиликда улар билан Дакар кўчаларида танишди. Гавдаларининг бақувватлиги, бошларини қалпоқдек қоплаб олган қалин жингала сочлари жазирама қуёш нурида ҳам ўзларини яхши ҳис қилишларидан далолат бериб турарди.

Жильдас Трегомен жазирама иссиқдан азоб чекарди. У каттакон катак-катак рўмолини бошига ёпиб олганди, рўмолча оз бўлса-да соябонлик хизматини ўтарди.

— Е тангрим, қанақанги иссиқ-а бу!— деб хитоб қилди у.— Йўқ, мен тропикада яшаш учун яратилмаган эканман!

— Бу ҳали ҳолва, жаноб Трегомен,— жавоб берди Жюэль,— экватордан бир неча градус жануброққа, Гвинея қўлтигига борайлик, ана унда кўрасиз...

— У ёқда симобдек эриб кетсам керак,— деди у,— уйга эса фақат терим билан суякларим қайтади-да!.. Лекин бундан ҳам адойи тамом бўлиб қайтиш мумкин эмасдиров, шундай эмасми?— деб қўшиб қўйди у оқ кўнгиллик билан илжайиб, юз-кўзидан қуйилаётган маржон-маржон терини артаркан.

— Ҳа! Ҳозир ҳам анча-мунча озгансиз, жаноб Трегомен,— деб қўйди ёш капитан.

— Ростданми?.. Эҳ-ҳа! Мени скелетга айлантириш унчалик осон иш эмас! Менимча, одамлар инсон гўшти-ни ейдиган бунақа ўлкаларга келганда ҳатто озгинроқ

бўлган маъқулроқ... Сен нима деб ўйлайсан, Гвинея қўлтиғи соҳилларида одамхўрлар ҳали ҳам бормикан-а?

— Ҳозир улар айтарли кўп эмас... Менимча шундай бўлса керак,— жавоб берди Жюэль.

— Жуда соз, бўтам, гарчча мойлигимиз билан ерликларнинг ишгаҳасини қўзғаб, орзидан сўлакайини келтирмаганимиз бўлсин! Ким билади дейсан, иккинчи оролдан кейин учинчисини... ҳатто қариндош-уруғлар бир-бировини ейдиган ўлкалардан излашга тўғри келадими ҳали...

— Австралия ёки Тинч океан оролларидагига ўхшаб дейсиз-да, жаноб Трегомен!

— Худди шундай! Айтишларича, у ёқдаги ерликларнинг ҳаммаси одамхўрлар эмиш!

Трегомен қисман ҳақ эди, зероки бу ўлкаларда ҳақиқатан ҳам одам ейишдай даҳшатли одат тарқалган эди!

Бироқ, Антифер тоғанинг бунчалик ақлдан озиб, ўз миллионларини қидириб одамхўрлар яшайдиган мамлакатларга боради, деб ўйлаш ҳали-ҳозирча подадан олдинчанг чиқариш деган гап эди. Жюэль билан Трегомен тоғанинг бундай сафарга чиқишига, гарчи уни ҳатто жиннихонага жойлаб қўйишса ҳамки, бари бир тўсқинлик қилишарди.

Жильдас Трегомен ва Жюэль меҳмонхонага қайтишди, Антифер тоға билан Замбуко шу ерда экан.

Франция вакили ватандошини иззат-икром билан кутиб олди. Лекин шуниси ҳам борки, тоға Дакардан Лоангога жўнай деб турган биронта кема йўқми, деган саволига нохуш жавоб олди. У ёққа алоқа кемалари мунтазам қатнаб турмас экан, ҳар ҳолда, бир ойда бир мартадан ортиқ бўлмас экан. Тўғри, Сьерра-Леоне — Гран-Бассам оралиғида кема қатнаб тураркан, у бир ҳафта йўл босаркан, бироқ Лоанго у ердан-бу ерга қараганда ҳам олисда экан. Хуллас, у ёқдан Дакарга биринчи кема етти-саккиз кундан илгари етиб келмас экан. Эҳ, аттанг! Бу хилватгоҳда бир ҳафтагача сувлиқни ғажиб, бекор ётиларкан-да. Бунинг устига бу сувлиқ ҳар куни биттадан трубкини ғажиб-кемириб кела-

---

<sup>1</sup> Асосан диний маросимлардан келиб чиққан бу одат аллақачонлар барҳам топиб кетган.

ётган Пьер-Серван-Малонинг ўткир тишларига дош берадиган қора пўлатдан ясалган бўлиши керак.

Ростига кўчганда, Дакарнинг бир ҳафтаси йилга тенг эди. Портни томоша қилиш, шаҳарнинг шарқий чеккасидан ўтадиган дарёгача, аниқроғи унинг тармоғигача сайр этиш саёҳатчилар учун бир кунлик эрмак бўла оларди, холос. Шу сабабли саёҳатчиларимиз чор-ночор сабр-тоқатли бўлишга мажбур эдилар, файласуфона бардошга эга бўлмаган кишилар учун бу унчалик осон эмасди. Бироқ, бу борада лаёқати таҳсинга сазовор бўлган Жильдас Трегомендан бошқа биронталари на сабр-тоқатдан, на файласуфона мушоҳададан баҳраманд эди. Агар Антифер тоға билан Замбуко ўзларини меросхўр сифатида танлагани учун Комулк пошшони кечаю кундуз дуо қилаётган бўлсалар, айни вақтда худди шуларнинг ўзгинаси бойлигини бундай олис ерга келтириб кўмгани учун унга лаънатлар ўқиб, гўрига гишт қалардилар. Уммон кўрфази етмаган экан, энди буларни Гвинея қўлтигига йўллаб, сарсон-саргардон қилиб қўйди-я! Наҳотки бу мисрлик бойлигини яширгани бундан кўра тузукроқ ҳамда овлоқроқ оролчани Европа денгизларидан, айтайлик, Уртаер, Болтиқ, Шимол ёки Қора денгиздан, ҳеч бўлмаганда Атлантика океанининг соҳилга яқин жойларидан тополмаган бўлса? Балки пошшо ҳаддан зиёд эҳтиёткорлик чораларини кўриб шундай қилгандир. Утган ишга салават, энди ҳеч нимани ўзгартириб бўлмайди, фақат ўз улушларидан воз кечишларигина мумкин... воз кечиш? Қани, бу гапни Антифер тоғага, ёки банкчи Замбукога, ёки ҳатто Соук арқондай эшиб, буридан чизимча ўтказиб олган нотариусга айтиб кўринг-чи!

Бу одамлар орасидаги алоқа иплари тобора заифлашиб борарди. Улар ўртасида уч гуруҳ: Антифер—Замбуко, Умар—Соук, Жюэль—Трегомен гуруҳлари вужудга келганди. Улар алоҳида-алоҳида туришар, фақат овқат пайтида кўришишар, сайрга чиққанларида дуч келмасликка ҳаракат қилишар, учрашиб қолганларида ҳам асосий гапдан оғиз очмасликка тиришишарди. Ҳар ким ўз шериги билангина суҳбатлашарди...

Биринчи гуруҳдаги Жюэль билан Трегоменнинг суҳбати одатдагидек доим бир мавзуда: саёҳатнинг ниҳоятда чўзилиб кетаётгани; куёв-келиннинг жудолиги ва тўйларининг ортга сурилгани; шунча излаш ва заҳмат

чекишнинг оқибати фирибгарлик бўлиб чиқишидан хавфсираш; бири учун амаки, иккинчиси учун дўст бўлган кимсанинг рухий кайфияти, унинг кундан-кунга асабийлашиб бораётгани, агар авҳол шундай давом этаверса ақлдан озиб қолиши турган гап экани ҳақида борарди. Буларнинг бари иложи борича Антифер тоғанинг жигига тегиб, жаҳлини чиқармаслик ҳамда уни сафар давомида ёлғиз қолдирмасликка қатъий аҳд қилган Трегомен билан ёш капитанни қаттиқ қайғуга соларди.

Иккинчи гуруҳни Антифер тоға билан Замбуко ташкил этарди. Инсон хулқи-табиатини ўрганувчи олим, бу бўлажак қайнаға-куёвни кузатса қанчалар ажойиб маълумотлар олган бўларди. Бири — шу кунгача сокин вилоят шаҳрида осойишта яшаб келган истеъфодаги денгизчига хос оддийгина дидли, турмушга оқилона кўз билан қарайдиган, эндиликда эса олтин ва бойлик васвасасига мубтало бўлиб, бу олтинлар сароби шуъласидан кўзлари қамашиб, ақлдан айрилаётган оддий бир одам эди. Иккинчиси аллақачон беҳисоб бойлик тўплаган, аммо қалбида ўз бойлигини тинимсиз орттиришдан бўлак истак-иштиёқни йўқ, фақат пул-давлати янада кўпаядиган бўлса ҳар қандай қийинчилик, хавф-хатарга, ҳаттоки жондан кечишга ҳам тайёр бир қурумсоқ одам эди.

— Шундай бедаво жойда бир ҳафта пўпанак босиб ётамизми-я! — деб таъкидлади Антифер тоға. — Яна ким билади дейсиз, бу лаънати кема кечикиб қоладими ҳали?..

— Бундан ташқари, — жавоб берди банкчи, — бизни Лоангога ташлаб ўтишга кўнадими, йўқми, бу номаълум. Ундан у ёғига, Маюмба бўғозигача яна эллик лье йўл босиш кераг-а!

— Э! У ёғига ўйлаб, бош қотириб ўтирармидим! — деб қичқирди малуин тутоқиб.

— Эртами, кечми, бари бир бу ҳақда бош қотиришга тўғри келади, — деб қўйди Замбуко.

— Яхши... кейинроқ бўлса бўла қолсин, падарига лаънат! Тўхталадиган жойга етмасдан, чуқур ерда лангар ташлаб бўлмайдик-ку, ахир. Аввал Лоангога етиб олайлик, кейин у ёғи бир гап бўлар.

— Кема капитанини портга кириб ўтишга уната

олармиз балки... Ахир, у ерда тўхтаб ўтса, унчалик йў-  
лидан четга чиқиб кетмайди-ку?

— Билмадимов, бунга ҳаққим йўқ, деб кўнмаса  
керак.

— Бунинг учун унга каттагина мукофот ваъда қи-  
ламиз,— деб сўзида туриб олди банкчи.

— Кўрамиз, Замбуко... Сиз нуқул мени мутлақо ха-  
вотирга солмайдиган нарсалар ҳақида ташвишланасиз-а!  
Энг муҳими — Лоангога етиб олиш, у ердан Маюмбага  
ҳар қанақасига бора оламиз. Жин урсин! Ахир оёқла-  
римиз соппа-соғ, агар зарур бўлса, башарти Дакардан  
жўнашнинг бошқа чораси бўлмаса, мен сира иккиланиб  
ўтирмай, соҳилни ёқалаб кетавераман.

— Пиёдами?

— Ҳа, пиёда.

— Пьер-Серван-Мало, бу айтишга осон! Бундай йўл  
босишнинг хавф-хатари, турли тўсқинликлар ва қийин-  
чиликларни нима қиласиз? Либерия, Фил Суяги Соҳили,  
Ашанта, Дагомея, Гран-Бассам мамлакатлари бўйлаб  
саккиз юз лье йўл юриш кераг-а!

Йўқ, бу йўлни кемада босиб ўтгани унинг учун бир  
бахт-ку, шундай бўлса пиёда юришнинг хавф-хатарлари-  
дан қутулади-да! Башарти сафарда қатнашишни истай-  
диганлар топилган чоғда ҳам биронталари соғ-омон  
қайтмаслиги мумкин эди. Унда мадемуазель Талисма  
Замбуко Мальтадаги ўз уйида ғоятда довиорак куёвни  
беҳуда кутган бўларди.

Шундай қилиб, бир ҳафтада етиб келиши кутилаёт-  
ган алоқа кемасида жўнашга рози бўлишдан ўзга илож  
қолмаган эди. Аммо Дакарда вақтнинг қанчалар имил-  
лаб ўтишини айтмайсизми!

Учинчи гуруҳ, Соук билан Умар, тамоман бошқа ху-  
сусда суҳбат қуради. Муроднинг ўғли оролга етиб  
олишга ва Комулк пошшонинг бойлигини қўлга кири-  
тишга ошиқмаётгани сабаб эмасди бунга! Бинни Умар-  
нинг ўтакасани ёриб, у фақат биргина нарса: иккала ме-  
росхўрни қандай йўл билан талаш қулайлиги ҳақида  
бош қотирарди. Агар у илгари бир тўда каллакесарни  
ёллаб, Сохордан Маскатга қайтишда ҳамла қилишни  
ўйлаб қўйган бўлса, эндиликда ҳам худди шу ниятини  
Маюмбадан Лоангога қайтаётганларида амалга оши-  
ришга қарор берди. Ерликлар ва яқин атрофдаги мус-  
тамлакачилар савдо-сотик олиб борадиган жойлардаги



контрабандачилар орасидан ҳар қандай ишга тайёр, ҳатто одам ўлдиришдан ҳам тоймайдиган, мўмайгина ҳақ тўланса ҳар қанақанги жиноий ишларда бажонидил қатнашадиган одамларни ёллай оларди.

Соукнинг ана шу режалари, гарчи олижаноблик вазидан бўлмаса ҳамки, бунақанги ифлос ишга аралашиб қолишдан чўчиганидан қуён юрак Бинни Умарнинг ўта-касини ёрарди. Қўрқинч ва даҳшат ҳисси уни бирон дақиқа ҳам тарк этмасди.

У ҳатто чўчинқираб бўлса-да, Соукка эътироз билдирмоққа журъат этди. У, Антифер тоға ва унинг ҳамроҳлари осонликча жон бериб қўя қоладиган одамлардан эмас, даб таъкидлади. Яна у, Соукка ёлланадиган одамларга ҳар қанча катта ҳақ тўланганда ҳам, барибир бу разилларга асло ишониб бўлмайди, деб уқтиришга ҳаракат қилди. Эртами, кечми, барибир бир кун келиб улар огизларидан гуллаб қўйишади, ана унда бу жиноят ҳақидаги миш-миш бутун мамлакатларга тарқалади. Қинғир ишнинг қирқ йилда қийғи чиқади, деганларидек, ниҳоят ҳақиқат юзага қалқиб чиқади. Сирнинг сирлигича қолишига ҳеч қачон, ҳатто мана шу ваҳший ўлкаларда ҳам ишониб бўлмайди, чунки бу иш Африканинг энг қолоқ вилоятларида йўқ қилинган тадқиқотчиларга алоқадор бўлади...

Бундан шу нарса, яъни нотариус келтирган далилларнинг бу хатти-ҳаракатнинг жиноятли экани эмас, балки қачон бўлмасин жиноят ошкора бўлишидан қўрқаётгани ўз-ўзидан кўриниб турибди. Ҳар қалай, Соукка ўхшаган одамга таъсир қилиши мумкин бўлган бирдан-бир далил шу эди.

Бироқ ҳақиқатда эса бу нарса унга заррача таъсир этмади. У ҳаётида бунақа ишларнинг кўпини кўрган эди-да! Шунинг учун ҳам Соук одатдагидай нотариусга тешиб юборгудек ўқрайиб қўйди-да, бундай деб жавоб қилди:

— Мени сотиш фақат биргина аҳмоқнинг қўлидан келиши мумкин!

— Ким экан у, жаноби олийлари?

— Бу сен, Бинни Умар.

— Мен?

— Ҳа. Лекин эҳтиёт бўл! Одамларни мум тишлатиб қўядиган шунақанги йўлларим борки!

Бинни Умар бутун аъзойи бадани қалтираб, бошини

қуйи солди. Маюмба ва Лоанго йўлида битта ортиқча одамни асфаласофилинг жўнатиш Соук учун ҳеч гап эмаслигини у жуда яхши тушунарди.

Орзиқиб кутилган кема 12 май куни эрталаб Дакарда лангар ташлади.

Бу Лузитаниянинг<sup>1</sup> тропик Африкадаги каттагина мустамлакасининг асосий порти Сен-Поль-де-Луандога йўловчи ва юк ташийдиган «Цинтра» номли Португалия кемаси эди. Бу кема ҳамиша Лоангода тўхтаб ўтарди. Кема эртасига тонг чоғида йўлга чиқиши кераклиги сабабли саёҳатчиларимиз ундан жой олишга шошилдилар. Кема ўртача ҳисобда соатига тўққиз-ўн миль тезликда йўл босса бир ҳафта сузишлари керак эди. Бинни Умар денгиз касалининг барча азобларига олдиндан тайёргарлик кўра бошлаганди.

Эртасига эрталаб, Дакарга бир неча йўловчини туширган «Цинтра» портни тарк этганда ҳаво жуда ажойиб эди, қирғоқдан майин шамол эсиб турарди.

Антифер тоға билан банкчи, гўё бир ҳафтадан бери сира нафас олмагандек, кўкракларини тўлдириб енгилтин олишди. Бу охирги доvon. Иккинчи орол тупроғига қадам қўйиладиган ва орол ўз бағрида садоқат билан сақлаётган бойликларини бағирларига босадиган оиға оз қолди.

Бу оролнинг тортиш кучи табиат қонунларига мутаносиб равишда оралиқдаги масофа квадратига яқинлашганлари сайин тобора ортиб, «Цинтра»нинг парраги ҳар бир айланганида бунинг аксича оралиқдаги масофа тобора қисқариб борарди...

Минг бора афсуски, Жюэль учун эса аксинча бу масофа борган сайин олислашарди. У ўзини Эногат интизорлик билан кутаётган Франциядан, Британдан тобора узоқлашиб борарди. У қайлиғига Дакарга етиб келишлари биланоқ, кейин эса эртага йўлга тушамиз деганларида хат ёзиб юборди, бечора қиз тез кунда ёрининг яна олислашиб кетганидан хабардор бўлади. Йигит қачон қайтишини тахминан бўлса-да, хабар қила олмади.

Соук биринчи навбатда «Цинтра»да Лоангога кетаётган йўловчилар бор-йўқлигини билишга ҳаракат қилди. Бу ўлкани биладиган, узоқ ўлкаларга омад излаб

<sup>1</sup> Лузитания — Португалиянинг қадимий номи. Бу ерда гап Португалия мустамлакаси Ангола ҳақида борапти.

кетаётган одамлар орасида ўзига шерик бўлишга рози, виждони на шубҳа-гумон, на таъна-маломат ҳиссиётларига бериладиган муттаҳамлар йўқмикин? Бироқ бу борада жаноби олийларининг омадлари юришмади. Аҳвол шундай экан, у муттаҳамларни Лоангодан излаб топади, албатта! Бахтлари чопмаганини қарангки, на у, на Бинни Умар португалчани биларди. Бу қалтис иш хусусида музокара олиб бориш ва очиқчасига, аниқ-тиниқ гаплашиб олиш учун ниҳоятда мушкуллик туғдирарди. Бинобарин, Антифер тоға, Замбуко, Жильдас Трегомен ва Жюэллар ҳам худди шунингдек ўзаро гаплашиш билангина кифояланишга мажбур эдилар, чунки кемадагилардан бирон кимса француз тилини билмасди.

Бироқ «Цинтра»да фақат бургина кимса ҳам қуво-нар, ҳам таажжубланарди, бу нотариус Бинни Умар эди. Бу галги сафар давомида у ўзини жуда яхши ҳис этди десак, сал лоф қилган бўламиз. Лекин у илгаригидек қаттиқ азоб чекмади. Қитъа томондан майингина шаба-да эсар, денгиз осойишта эди, «Цинтра» соҳилдан икки ёки уч миль масофада деярли чайқалмай, сокингина су-зиб борарди.

Бутун сафар, ҳатто кема Гвинея қўлтиғига кириб Пальмас бурунини айланиб ўтганида ҳам, ана шундай осойишта давом этди.

Дарҳақиқат, соҳилдан бетиним шабада эсар, одат-да тез-тез шундай бўлиб турарди. Қўлтиқ ҳам худди океан сингари осойишта, кема сузиши учун жуда қулай эди. Бу орада «Цинтра» Лоанго томон йўл олди ва қитъадаги тепалар кўздан йўқолди. Ашанта, Дагомея ерлари ва ҳатто денгиз сатҳидан уч минг тўққиз юз ол-миш метр баланд бўлган Камерун тоғлари чўққиси ҳам кўринмай қолди<sup>1</sup>.

19 май куни, чошгоҳдан кейин Жильдас Трегомени сал ҳаяжон босди. Жюэль экваторни кесиб ўтаётганла-рини унга айтганди. Шундай қилиб, «Гўзал Амелия»нинг собиқ эгаси ҳаётида биринчи марта — шубҳасизки, сўнг-ги марта — Жанубий яримшарга қадам қўяётганди-да, ахир! Ранс дарёсидагина сузиб юрган денгизчи учун бу қанчалар романтик воқеа эди! Шунинг учун ҳам у, бош-

---

<sup>1</sup> Бу ерда Камерун ҳақида гап кетяпти. Аниқ ҳисобларга қараганда унинг баландлиги 4070 метр.

қа йўловчилар сингари, экватор чизигини кесиб ўтишлари шарафига «Цинтра» матросларига бир пиастрни сидқидилдан эҳсон этди.

Эртасига кун чиқар пайтида «Цинтра» Маюмба жойлашган кенгликда, ундан тахминан юз милча бериди сузиб борарди. Капитан агар Лоанго давлатига қарашли бу гаванда тўхташга кўнганида Антифер тоға билан унинг ҳамроҳларини озмунча қийинчилик, озмунча хавф-хатарлардан халос этган бўлармиди-я! Агар капитан шундай қилганида улар соҳил бўйлаб қилинажак оғир саёҳатдан қутулган бўлардилар.

Тоғанинг қистови билан Жюэль «Цинтра» нинг капитанидан бу ҳақдаги фикрини билишга уриниб кўрди. Португалиялик инглизчани сал-пал биларкан, инглиз денгизчилари лаҳжасини озгина бўлса-да, билмайдиган биронта денгизчи бормикан ўзи? Жюэльга келсаг-у, бизга аёнки, бу тилда қийналмай гапирарди, маскатлик сохта тилмоч билан гаплашишда, бошқа пайтларда ҳам шу тилдан бемалол фойдаланган эди. У капитанга Маюмбада тўхтаб ўтишни таклиф этди. Бу сал бурилиб ўтиш кема сафарини атиги қирқ саккиз соатгина узайтириши мумкин... Албатта, бу кутилмаган ушланиб қолиш, ортиқча сарф қилинган кўмир ва экипаж истеъмол қиладиган озиқ-овқат эвазига каттагина ҳақ тўлашларини айтди. Кема эгасининг кўрадиган зарарини қоплашларини гапириб ўтирмаса ҳам бўлади, деди.

Капитан Жюэлни таклифини тушунганмикин ўзи? Ҳа, бунга шубҳаланмаса ҳам бўлади, бунинг устига Жюэль географик харитани ёзиб қўйиб тушутирган эди. Денгизчилар бир-бирларининг гапи тугамасданоқ тушуниб олишади. Дарҳақиқат, мўмайгина мукофот ваъда қилаётган олти нафаргина йўловчини Маюмбага ташлаб ўтиш учун, кетаётган йўлидан салгина шарқ томонга бурилишдан кўра осонроқ иш бораканми? Бироқ капитан бу таклифни рад этди. Кемачилик уставини бузолмас экан! Моломики пароход Лоангога юк ташиш учун ёлланга эканми, бас у тўппа-тўғри Лоангога боради. Лоангодан эса Сен-Поль-де-Луандога бориш керакми — ҳеч ёққа оғишмай, тўғри Сен-Поль-де-Луандога боради. Ҳатто кемасини олтин баробарига сотиб олганларида ҳам бошқа жойга бормапти! Капитаннинг айтган гапи шу бўлди, Жюэль бунга яхши тушунди ва амакисига таржима қилиб берди.

Литифер тоганинг ғазаби қўзиб кетди ва капитани бұралаб сўкиб, ҳақоратларга кўмиб ташлади. Бироқ унга ҳеч нима таъсир қилмади, агар Жюэль билан Трегомен ўртага тушмаганида тутоқиб ўзини йўқотиб қўйган тогани манзилга етгунларича трюмга қамаб қўйишлари ҳам эҳтимолдан ҳоли эмасди.

Шу воқеадан кейин икки кун ўтгач, 21 май кунн кенқурун «Цинтра» Лоанго соҳилларини тўсиб турган узундан-узун қумлоқ тил ёнида тўхтаб, бетоқат йўловчиларни туширди ва бир неча соатдан кейин Португалия мустамлакасининг пойтахти Сен-Поль-де-Луандо томон жўнаб кетди.

### САККИЗИНЧИ БОБ

*Антиқа юк ортилган кема ва унинг ҳалокати*

Эртасига икки киши жазирама қуёш нуридан қочиб, баобаб дарахти соясида қизғин суҳбат қилишарди. Улар Лоангонинг асосий кўчасидан кетаётиб тасодифан учрашиб қолишди, бир-бировига кўзи тушиб ғоятда тааж-жубландилар.

— Бу сенмисан! Бу ерда нима қилиб юрибсан? — хитоб қилди биринчиси.

— Ҳа... менман! — деб жавоб берди иккинчиси.

Биринчиси Соук эди; у иккинчисига, Баррозо деган португалияликка имо қилди ва икковлари шаҳардан чиқиб кетишди.

Соук Баррозонинг тилини билмасди, лекин Баррозо мисрда кўп йиллар яшаган ва жаноби олийларининг тилида бемалол гаплашарди. Уларнинг эски қадрдон эканини бир кўришдаёқ фаҳмлаб олиш мумкин эди. Баррозо бир вақтлар қаллоблик ва қароқчилик билан шуғулланадиган Соукнинг ҳисобига яшаган муттаҳамгаззоблар тўдасидан эди. Ҳукмдорнинг миршабхонаси Соукнинг ҳамма ишларидан хабардор бўлса-да, маълум ва машҳур Муроднинг ўғли эканини билганидан уни безовта қилмасди. Аммо бир неча шов-шувга сабаб бўлган ишдан кейин жазосиз қолишлари мумкин эмаслигини билиб бутун тўда тўзиб кетди. Баррозо ҳам ғойиб бўлиб қолди. У Португалияга қайтганди, бироқ ватанида бу табиий истеъдоди иш бермади. Шу туфайли Лиссабонни ташлаб, Лоангодаги савдо ташкилотла-

ридан бирида<sup>1</sup> ишлагани жўнади. Уша пайтларда мустамлака савдоси бир қатор товарларни олиб чиқиб кетиш ман қилингани сабабли йўқ даражага келиб қолганди, четга фил суяги, хурмо мойи, ер ёнгоқ ва қизил дарахт ёғочи чиқариш билангина чегараланиб қолганди, холос.

Эллик ёшларга бориб қолган бу португалиялик ҳозир «Порталегри»<sup>1</sup> номли каттагина кемани бошқарарди. Бу кема соҳил бўйлаб қатнар ва ерлик савдогарларга қарам эди.

Ўтмиши аён, виждон деган нарсадан асар қолмаган, айни вақтда илгариги қароқчилик ҳунари оқибатида ғоятда довурак бўлиб кетган Баррозо ўйлаган жиноий режаларини муваффақиятли амалга оширишида Соук муҳтож бўлган одамнинг худди ўзгинаси эди.

Улар Маскатдаги баняга тенглаштириб бўлмайдиган, бироқ танасига ҳатто йигирма кишининг қучоғи етмайдиган баобаб остида тўхтаб, гаплаша бошладилар. Антифер тоға ва унинг ҳамроҳлари ҳаётига таҳдид солувчи ўз режалари ҳақидаги гапларни бу ерда биров эшитиб қолади деб чўчимасалар бўларди.

Улар бир-бировларига португалиялик Мисрдан келиб қолган пайтдан бери бошдан кечирганларини ҳикоя қилиб беришди, кейин жаноби олийлари тўғридан-тўғри ишга ўтди. Соук эҳтиёткорлик қилиб суҳбатдошидан қўлга киритмоқчи бўлган бойликнинг ҳақиқий қийматини яширди-ю, лекин очкўз Баррозонинг иштаҳасини қўзғаб қўйишга тиришиб, мўмайгина пул ишлаб олиши мумкинлигини айтди.

— Шундай қилиб, — деди у, — менга довурак, мард бир ёрдамчи керак...

— Мени яхши биласиз, жаноби олийлари, — деб жавоб берди португалиялик, — ўзингизга аёнки, мен ҳеч қанақанги ишдан тап тортмайман...

— Агар ўзгариб кетган бўлмасанг, Баррозо!

— Қандай бўлсам, ўшандайлигимча қолганман.

— Шунини билиб қўй: тўрт киши асфаласофилинга жўнаши керак... эҳтимол, Бишн Умар деган кимсадан ҳам халос бўлишни лозим топсам, бешинчиси ҳам... Мен ҳозир унинг гумаштаси ҳисобланаман, отим эса Нозим.

---

<sup>1</sup> «Порталегри» — Португалиядаги бир шаҳарнинг номи.

— Битта ортиғу битта кам — барибир, — жавоб берди Баррозо.

— Ишнинг миси чиқиб қолмаслиги учун унисини ҳам даф қилган маъқул, бу ҳеч гап эмас.

— Сизнинг аҳдингиз...

— Менинг режам мана бундай, — деди Соук, гапларини ҳеч ким эшитмаётганига қаноат ҳосил қилиб. — Мен айтаётган одамларнинг учтаси француз: малуш Антифер, унинг ошnasi ва жияни, иннайкеин Замбуко деган тунислик банкчи, ҳозир улар Лоангода, бу ердан Гвинея қўлтигидаги ороллардан бирига кўмилган хазинани қўлга киритгани жўнашади...

— Қўлтиқнинг қаеридайкин? — деб сўради Баррозо шошилиб.

— Маюмба бўғозидаги ороллардан бирида, — жавоб берди мисрлик. — Улар у ёққа қуруқликдан боришмоқчи, мен бойликларни олиб Лоангога қайтаётганларида ҳамла қилсак маъқул бўлармиди, деб ўйлаб қўйдим. Улар Лоангода, ўзларини Дакарга элтиб қўядиган Сен-Поль-де-Луандодан келадиган кемани кутиш ниятидадир.

— Бундан осон иш йўқ, жаноби олийлари! — деб унинг гапини тасдиқлади Баррозо. — Бунақанги қулай ишга доим тайёр ўн-ўн икки содиқ йигитни топишга кафолот бераман. Агар муносиб ҳақ тўланса, улар сизга албатта, жон-жон деб ёрдам беришади...

— Бундан ҳеч қачон шубҳаланган эмасман, Баррозо. Омадимиз келишига ишонаман: бу кимсасиз, хилват жойларда ҳамламиз ими-жимиди бўлиб, ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолиб кетади.

— Шубҳасиз, жаноби олийлари. Бироқ мен сизга бундан кўра қулайроқ йўлни тавсия этишим мумкин.

— Хўш, гапир!

— Мен ҳажми юз эллик тонналик соҳил бўйлаб қатнайдиған «Порталегри» кемасини бошқараман. Унда соҳил бўйлаб қатнаб бир портдан иккинчисига юк ташилади. Ана шу кема икки кундан кейин Маюмбадан сал шимолроқда жойлашган Барака дю Габонга жўнаши керак.

— Э-ҳа! — деб қичқириб юборди Соук. — Бу қулай фурсатдан фойдаланиб қолиш керак! Антифер пиёда юриш хавф-хатарлари ва машаққатларидан қутулиш учун сенинг кемаңга чиқишга албатта кўнади. Сен

бизларни Маюмбада қолдириб, юкларингни Габонга элтиб ташлайсан-да, қайтишда бизни кеманга оливола-сан. Лоангога қайтаётганимизда эса...

— Тушундим, жаноби олийлари.

— Кемангда қанча одам бор?

— Ун икки киши.

— Сен уларга ишонасанми?

— Узимга ишонгандай ишонаман.

— Габонга қандай юк олиб борасан?

— Ер ёнгоқ ва бундан ташқари олтига филни олиб бораман; уларни Баракадаги бир савдо ташкилоти сотиб олган, Голландияга, циркка жўнатади.

— Сен французчани билмайсанми?

— Йўқ, жаноби олийлари.

— Шу нарса ёдингда бўлсин, бошқалар учун мен французчани билмайман ҳам, тушунмайман ҳам... Сен билан гаплашишни Бинни Умарга юклайман, Малуин бу таклифга кўнади, албатта.

Ҳа, иккала меросхўрнинг Гвинея қўлтиғидан қайтишда таланиб, хонавайрон бўлиб, ўз ҳамроҳлари билан биргаликда ҳалок бўлишларига ҳеч қандай шубҳа қолмагани.

Бу жиноятнинг содир бўлишига ким ҳалал бера оларди? Жиноятчиларни ким излаб топа оларди?

Лоангонинг Ангола ва Бенгеладан<sup>1</sup> фарқи. Португалия ҳукмдорларига муте эди. Бу шимол томондан Габон, жанубдан Заир дарёлари билан чегараланган майдонда жойлашган, кўп ўтмай Франция асоратига тушадиган Конго қиролликларидан бири эди. Бироқ ўша пайтларда Лопес буруни ва Заир оралигидаги майда-чуйда қироллар Лоангога тобе бўлиб, унга асосан қуллар билан бож тўлаб турарди: Кассанж, Томба-Либало ва бир неча бошқа кичик-кичик, тарқоқ ўлкалар ана шундай муте қиролликлардан эди. Негрларнинг жамоат тузуми қуйидагича эди: энг тепада подшоча ва унинг хонадони, кейин олий насаб кимсалар, яъни маликаларнинг фарзандлари, маликаларнинг эрлари, улардан кейин эса коҳинлар, маъбудлар, ёки янга; уларнинг раҳнамоси Шитома — муқаддас шахс ва ниҳоят даллоллар, савдогарлар, муштарайлар, хулласи оддий халқ турарди.

<sup>1</sup> Бенгела — Португалиянинг Ангола мустамлакасидаги бир вилоят.



Қулларга келсак, улар ғоятда беҳисоб эди. Тўғри, негрларни эндиликда четга чиқариб сотилмасди, қулфурушликнинг манъ этилиши Европа давлатлари аралашу-вининг самараси эди. Қулфурушликнинг манъ этилишига балки инсон эркинлиги ва қадр-қиммати йўлида ғамхўр-лик кўрсатиш туйғуси даъват этгандир? Асло! Жильдас Трегомен бундай деб ҳисобламасди ва у Жюэльга:

— Башарти қанд лавлагидан шакар олишни кашф этмай, ҳамон қаҳвага шакарқамиш қандини солиб ичишда давом этаверганларида, негрларни қул қилиб сотиш шу кунгача давом этган бўларди ва абадил-абад шундай бўлиб қолаверарди!— деркан, шубҳасиз инсон табиати ва ҳаётини жуда яхши билишини кўрсатганди.

Бироқ, гарчи қирол Лоангонинг мутлақ ҳукмдори бўлса-да, Лоанго давлатидаги барча йўллар ҳушёрлик билан қўриқланади, йўловчилар эса ҳар қандай хавф-хатардан ҳимоя қилинади, деган гап эмасди бу. Шунинг учун ҳам қуруқликдами, денгиздами, бирор жинойи иш-ни бажариш борасида бу ерлардан кўра қулайроқ жой-ни топиш амри-маҳол эди.

Худди ана шу фикр Жюэль кўнглига қутқу солар, айниқса қуруқлик бўйлаб боришдан хавотирда эди. Башарти руҳий осойишталиги бузилган амакиси бу ҳақда ташвиш тортмаётган экан, ёш капитан Маюмба бўғозигача соҳил бўйлаб икки юз километрлик масо-фани пиёда босиб ўтиш ҳақида хотиржамгина, ваҳи-масиз ўйлай олмасди. У бу ҳақда Жильдас Трегомен билан суҳбатлашишни ўзининг бурчи деб билди.

— Хўш, сен нимани истайсан ўзи, бўтам?— деди Трегомен унга.— Қадаҳга май лиммо-лим қилиб қўйиб қўйилган, энди уни ичишгина қолган-ку!

— Бир ўйлаб кўринг-а,— давом этди Жюэль,— Маскатдан Сохоргача босиб ўтилган йўл бу ердагиси билан солиштирилганда шунчаки бир кўнгил ёзар саё-ҳат эди-ку ахир, бундан ташқари шерикларимиз ҳам ажойиб одамлар эди унда!

— Айтганча, Жюэль, Лоангода ерликлардан карвон ёллаш мумкин эмасмикин?..

— Мен бу ерлик негрларга уларнинг қоплон, сирт-лон, шеру йўлбарсларига ишонганимчалик ишонаман!

— Эҳ-а! Бу ерда ҳали шунақа ҳайвонлар ҳам бор де?

— Тўлиб-тошиб ётибди, заҳарли қора илонлар, заҳ-

рини тўппа-тўғри бетга сочадиган кўзойнакли илонлар, ўн метрлик боа бўғма илонларга ўхшаган ўрмаловчи маразларни гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

— Жуда ажойиб жой экан, бўтам! Рост, пошшо жанооби олийлари бошқа бирорта бундан кўра ажойиброқ жойни танласалар ҳам бўларди-ку! Сенингча ерликлар...

— ...ниҳоятда ақлий жиҳатдан кам тараққий этган, умуман Конго аҳолиси шунақа, бироқ бу даҳшатли ўлкага келишга журъат этган тентакларни гумдон қилиш ва талаш борасида фаросатлари етарли...

Бу суҳбатнинг ниҳояси Жюэлнинг қанчалик хавотирланаётганини ва Жильдас Трегоменнинг бунга батамом қўшилганини аниқ-таниқ кўрсатиб турарди. Шу сабабли Соук тилмочликни ўз зиммасига олган Бинни Умар кўмагида, Антифер тоға ҳамда тунислик банкчини португалиялик Баррозо билан таништирганида худди елкаларидан тоғ қулагандек икковлари ҳам ўзларини енгил ҳис этишди. Демак, бу хатарли жойлардан пиёда юришмас экан, бундай чилаб бўлмас иссиқда машаққатли олис йўлни босиб ўтишдан қутуладиган бўлишибди-да! Соук илгаритдан Баррозо билан таниш эканини айтмади. Жюэль бу икки ярамасни олдинроқ учрашганини хаёлига келтирмаганди, шу туфайли у ҳеч нарсадан шубҳаланмади ҳам, энг муҳими, Маюмбага денгиз орқали етиб олишади. Ҳаво жуда ажойиб... У ерга қирқ саккиз соатда етиб боришади. Кема уларни портда қолдириб, Баракага қараб жўнайди, орқага қайтишда уларни бойликлари билан қўшиб олиб қайтади... Кейин улар Лоангога боришди, у ердан эса яқин орада жўнайдиган алоқа кемаси Марселга элтиб қўяди... Йўқ-йўқ! Ҳеч қачон омад Пьер-Серван-Малога бунчалик кулиб боқмаганди! Албатта, олиб бориб қўйгани эвазига ҳақ тўлаш, ҳа-ҳа, каттагина ҳақ тўлаши керак! Бироқ, бунинг нима аҳамияти бор!..

То мамлакатнинг ичкарасидан келтириладиган олти-та фил «Порталегри»га юклангунича Лоангода икки кун кутиб туриш керак эди. Шунинг учун ҳам одатдагидек янги таассуротларга чанқоқ бўлган Жильдас Трегомен ва ёш капитан конголиклар ўз тилларида «банза» деб атайдиган бу мўъжазгина шаҳарчани зўр қизиқиш билан томоша қилишди.

Теграси тўрт минг беш юз метрлик бу кўҳна Лоанго, ёки Буала, шаҳри пальма ўрмони оралиғига қурилган-

ди. Шаҳар рафия<sup>1</sup> ёғочларидан қурилиб, усти папирус барглари билан ёпилган кулбалар қуршовидаги талайгина савдо факторийларидан иборат эди. Португалияликлар, испанлар, французлар, инглизлар, голландлар, немисларнинг савдо идоралари бор эди бу ерда. Кўриб турибсизки, ҳаммалари аралаш-қуралаш бўлиб кетган. Буларнинг бари Трегомен учун қанчалик янгилик эди-я! Ранс соҳилларида яшовчи бретонлар ярим яланғоч, ўқ ёй, ёғоч қилич, юмалоқ болталар билан қуроолланган ерликларга мутлақо ўхшамайди. Кулгини қистатадиган эски мундир кийиб олган Лоанго қироли олисдан қарагандагина Иль ва Вилен префектига<sup>2</sup> ўхшайди. Сен-Мало ва Динан сралигидаги порт шаҳарларида баҳайбат кокос пальмалари соясига кўмилган бунақанги кулбалар йўқ. Ниҳоят, малуинлар манави конголик ялқовларга ўхшаб кўп хотинли эмас. Бу танбаллар ҳамма оғир ишни хотинлар зиммасига юклаб, хотинлари бетоб пайтларда ҳам бамайлихотир донг қотиб ухлаб ётаверадилар. Лекин Бретаннинг тупроғи Лоанго тупроғи олдида сариқ чақага арзимас экан! Бу ерда тупроқни сал чуқулаб қўйилса бас, мўл-кўл ҳосил олиनावеради. Бу ерларда баъзан бошоғи бир килограммга етадиган тариқ, ҳеч қандай қаровсиз ўсадиган ғалла, йилига уч марта ҳосил берадиган жўхори, маниок<sup>3</sup>, гуруч, картошка, зиравор, ёсмиқ, тамаки экилади, ботқоқлик ерларда шакарқамиш ўсади, Заир яқинида Қанар ороллари ва Мадейрадан келтирилган ток мева беради, анжир, банан, апельсин, лимон, анор, негрлар жуда ёқтирадиган турли ёнғоқлар, ялангликларда ўз-ўзидан ўсиб етадиган ананаслар, хуллас жондан бошқа ҳамма нарса битади бу жойларда.

Баҳайбат дарахтларни айтмайсизми — мангра<sup>4</sup>, сандал, кедр, тамаринд<sup>5</sup> пальма ва ўсимлик совуни олинадиган ҳамда мевасининг шарбатини негрлар жуда

<sup>1</sup> Рафия — патсимон баргларида тола олиннадиган африка пальмаси.

<sup>2</sup> Префект — Францияда департаментнинг олий мансабдори.

<sup>3</sup> Маниок ёки маниока — бута бўлиб ўсадиган, илдири овуқат ўрнида истеъмол қилинадиган тропика ўсимлиги.

<sup>4</sup> Мангра — тропика мамлакатларида ботқоқлик жойларда ўтиб бўлмас чангалзорлар ҳосил қилиб ўсадиган ўсимлик.

<sup>5</sup> Тамаринд — баобаблар оиласига кирувчи, йил бўйи ям-яшил бўлиб турадиган тропика дарахти.

қадрлайдиган беҳисоб баобаб дарахти қоплаб ётибди чор атрофни.

Ҳайвонот оламини асти қўяверасиз: чўчқалар, қобонлар, зебралар, қўтослар, чиябўрилар, жайронлар, кийиклар, филлар, учар олмахонлар, ёввойи мушуклар гужғон ўйнайди. Сон-саноксиз маймунларни: шимпанзе ва думи узун, тумшуғи кўкимтир мартишкаларни гапириб ўтирмаса ҳам бўлади; товус, туяқуш, қизғиш ва кул ранг какликлар, сайроқи ўрмон қушлари, майналар беҳисоб, асалари, искабтопарлар гуж-гуж, чивинлар гала-гала бўлиб ёпирилади.

Ажойиб ўлка! Табиёт тарихини ўрганиш учун вақти бўлганида Жильдас Трегомен қандайин битмас-туганмас табиат булоғидан қониб-қониб билим шимирган бўларди-я!

Имонингиз комил бўлсинким, Лоангонинг аҳолиси оқ танлиларми ёки қора танлиларми деб сўралса, на Антифер тоға, на банкчи Замбуко айтиб бера оларди буни. Йўқ! Уларнинг кўзи бошқа жойга термилганди — улар сал шимолроқда жойлашган, деярли назарга илинмас, юз миллион франк қимматга эга бўлган, кўз нурини оладиган дуру жавоҳирлар кўмилган, оламдаги яккаю ягона нуқтани излашарди. Бу фаройиб саёҳатнинг сўнгги нуқтаси бўлган иккинчи оролга тезроқ қадам ранжида қилишга улар қанчалар ошиқишарди.

22 май куни кун чиқар пайтида кема йўлга чиқишга шай бўлди. Кун кеча келтирилган филлар барча эҳтиёт чораларига амал қилинган ҳолда кемага юкланиб бўлинган эди. Африка ҳайвонот дунёсининг бу ажойиб вакиллари Сэм-Локартдаги цирк томошаларига файз киритиб, чирой қўшишлари турган гап эди:

Ҳажми атиги юз эллик тоннали кемага бунақа баҳайбат ҳайвонларни юклаб ўйламай иш қилиб қўйишган эди, афтидан. Ахир бу кема мувозанатини бузиши мумкин-ку! Жюэль ўша заҳотиёқ бу фикрни Трегоменга айтди. Тўғри, кеманинг бимслари<sup>1</sup> етарли даражада кенг, сербар бўлиб, озгинагина сувни сиқиб чиқарар, бу ҳол саёзроқ жойларда сузишни енгиллаштирарди. Елканлари тўрт бурчакли иккала мачта бир-бирдан анчагина олисга ўрнатилганди, шу туфайли бу хилдаги

<sup>1</sup> Бимслар — кеманинг қўндалангига мустақкам бўлиши учун ишлатиладиган металл ёки ёғоч маҳкамлагичлар.

кемалар фақат қўйруқ томондан эсан, шамолдагина яхши суза оларди; гарчи бундай кема тез суза олмасад, ҳар қалай, соҳил панасида хавф-хатарсиз сузишга мослаб қуриларди.

Бунинг устига сафарга чиқиш учун ҳаво ҳам жуда қулай эди. Гвинея қўлтигини қуршаб турган ҳамма ўлкаларда, шу қаторда Лоангода ҳам, ёгингарчилик мавсуми сентябрда бошланиб, шимол-ғарб томондан эсадиган шамоллар таъсирида май ойига бориб тугайди. Бироқ ёмғир палласи тугагач май ойдан сентябргача шундай жазирама бўладики, фақат тунги шудрингда сал жон сақлаш мумкин бўлади. Бу ерга келиб тушган кунларидан бошлаб саёҳатчиларимиз озиб-тўзиб, симобдек эриб борардилар. Симоб устунни сояда ўттиз тўрт градусни кўрсатиб турса-я! Унчалик ишончли бўлмаган баъзи тадқиқотчиларнинг ахборот беришича (буларни Буш-дю-ронлик ёки гасконликлар деб тасаввур этиш лозим<sup>1</sup>), бу ўлкалардаги итлар бир жойда тек туrolмай, оёқлари тошдай қизиб кетган тупроқда куймаслиги учун ҳамиша ирғишлаб ўйноқлармиш, қобонлар эса уяларида ётган жойида ўз-ўзидан пишиб қолармиш-а!.. Жильдас Трегомен ёлгон-яшиқ гапларга ишонадиган содда одамлардан эди.

«Порталегри» эрталаб соат саккизларда елкаларини кўтарди. Ҳамма йўловчилар — одамлар ва филлар кемада жамул-жам эдилар. Саёҳатчиларимиз яна илгаригидек гуруҳ-гуруҳ бўлиб олишди: хаёлларини иккинчи орол тамоман банд этганди. Антифер тоға била Замбукови (мачтадаги кузатувчи уфқда бу оролнинг кўзга ташланганини айтганда елкаларидан босиб турган тоғ қулагандек ўзларини енгил сезишларини бир кўз олдингизга келтириб кўринг-а!); Жильдас Трегомен майин денгиз шабадасидан тўйиб-тўйиб нафас олар, Жюэль эса бутун Африка денгизчиларини унутиб, Бретон Ла-Манши ва Сен-Мало порти ҳақидаги хотираларга берилганди; Соук билан Баррозо ҳеч ажралишмас, бу ҳеч кимни ажаблантирмас, зероки улар бир тилда сўзлашишарди. Бунинг устига улар учрашиб қолганлари туфайлигина

<sup>1</sup> Буш-дю-Рон — Франциянинг жанубдаги бир департаменти, Гасконь — шу музофотнинг аввалги номи. Гасконлар француз адабиётида кўпинча лофчи ва мақтанчоқ кишилар сифатида тилга олиниб туради.

<sup>2</sup> Бу ерда Сен-Мало кўрфази назарда тутилган.

кема Антифер тоға ихтиёрига толширилган эди-да, ахир.

«Порталегри»нинг экипажи ўн икки турқи совуқ йигитдан иборат бўлиб, уларнинг аксарияти португалияликлар эди. Башарти хаёллари билан банд амакиси ҳеч нимани пайқамаетган бўлса, кема экипажини диққат билан кузатаётган жияни ўз таассуротларини Трегомен билан ўртоқлашди. Трегомен эса бунақанги жазирама иссиқда ташқи қиёфасига қараб одамларга баҳо бериб бўлмайди, деди. Хулласи калом, бу Африка кемаси экипажи олдига алоҳида талабларни қўйиб бўлмайди-ку, ахир.

Мувофиқ шамол соҳил ёқалаб сузиш жуда мароқли бўлишидан далолат бериб турарди. „Portentosa Africa“<sup>1</sup> — деб хитоб қилган бўларди Жильдас Трегомен шу топда, римликлар бу қитъани мақтаган шу дабдабали иборадан хабардор бўлганида. Дарҳақиқат, Антифер тоға ва унинг ҳамроҳлари ўз хаёллари билан банд бўлмаганларида Шилль факторийси ёнидан ўтиб боришаркан, ҳайратда қолишлари турган гап эди. Зотан бу соҳилнинг гўзаллигидан ҳайратда қолмаслик мумкин эмасди. Ўз саёҳатида иложи борича кўпроқ нарсани хотирлаб қолишга уринаётган Жильдас Трегоменгина ҳеч нимани кўздан қочирмасди, холос. Пиллапоядек юқорига кўтарилиб борадиган соҳилни, чўққиси буғ ва туманга чулғанган абадий яшил, чексиз ўрмонзорлардан кўра сўлимроқ манзарани кўз олдига келтириб бўлармиди! Қумлоқ соҳил бағрини бир неча ерда қалин ўрмонлар орасидан ўйноқлаб оқаётган, ҳатто тропика иссигидан ҳам суви қуримайдиган шўх тоғ шалолалари тилиб ўтарди. Тўғри, уларнинг ҳаммаси ҳам денгизга қўйлавермайди; бу сувларнинг бир қисми қушлар олами учун ҳам хизмат қилади.

Бу сўлим манзарага товуслар, туяқушлар, соқоқушлар, ботқолдоқлар жон бахш этади. Бу ерларда хушқад оху подалари кўзга ташланади. У ерлардаги кўлларда Трегомен стаканда ичгандек бир ҳўплашда бу зилол сувнинг лиммо-лим бир бочкасини ичиб юборадиган баҳайбат сутэмизувчи ҳайвонлар ҳузур қилиб чўмилишади. Булар — олисдан оч қизғиш тусли чўчқаларга ўхшаб кетадиган бегемотлар; чамаси ерликлар уларнинг гўшtidан ҳазар қилишмаса керак.

<sup>1</sup> Гўзал Африка (лотинча).

Бироқ, Жильдас Трегомен кема тумшугида турган Антифер тоғага: «Менга қара, қария, агар бегемотнинг дудланган оёғи бўлса ермидинг?»— деган эди, Пьер-Серван-Мало тунд, маъносиз нигоҳ ташлаб, елкасини учириб қўя қолди.

— У ҳеч нимани фаҳхламаяпти!— деб тўнғиллади Трегомен рўмолчаси билан елпинаркан.

«Порталегри» қумлоқ соҳилга яқинлашаркан, ўрмон чеккасида бир гала маймун чирқиллашиб, чинқиритиб, қийшанглашиб, дарахтдан-дарахтга сакрашар, қувлашиб ўйнашарди.

Шу нарсани айтиб қўяйликки, башарти саёҳатчиларимиз Лоангодан Маюмбага чиндан ҳам пиёда йўлга чиққанларида на паррандалар, на маймунлар, на бегемотлар қўрқита оларди уларни. Лекин ҳақиқатан хавфли ҳайвон чаққон ва тез югурадиган қоплон ҳамда арслонлар эди, улар билан дуч келиб қолиш айниқса даҳшатлидир. Қош қорайиши биланоқ хирилдоқ ўкириш ва мунгли, ҳазин хуруш хавотирли сукунатга раҳна сола бошлади. Бу даҳшатли концерт садолари кемадагилар қулоғига гўё бўроннинг улишидай келиб уриларди. Кема тағхонасидаги безовталаниб, ҳаяжонга келган филлар пишқириб, хириллаб, шундай депсина бошладиларки, «Порталегри»нинг бутун асоси қасирақусур қилиб кетди. Очигини айтганда, бу жонли юклар йўловчиларни хавотирга солиб қўйди.

Орадан тўрт кун ўтди. Кемада кечаётган бир зайлдаги ҳаёт оқимини ҳеч нима бузмади. Ажойиб ҳаво ҳамон бирдай эди. Денгиз шундай осойишта эдики, ҳатто Бинни Умардек одам денгиз касаллигининг бирон аломатини ҳис этмади. Тағхонасига оғир юк ортилган «Порталегри»га қумлоқ соҳилларга бош уриб, оқиста узала тушаётган тўлқинлар заррача таъсир кўрсата олмас, кема осойишта илгарилаб борарди.

Жильдас Трегомен денгизда сузишнинг бунчалик осойишта бўлишини ҳатто хаёлига ҳам келтирмаганди.

— Худди «Гўзал Амелия»да Ранс бўйлаб сузиб кетаётганга ўхшайман-а,— деди у ўзининг ёш дўстига.

— Шундай,— қўшилди унинг гапига Жюэль,— лекин битта фарқи бор, «Гўзал Амелия»нинг Баррозога ўхшаган капитани ва анави Нозимга ўхшаган йўловчиси бўлмаган! Уларнинг бунчалик қалинлиги борган сайин шубҳамни оширяпти.

— Кўзлаган манзилимизга етай деб қолганимизда бизга қарши нимани ҳам ўйлай оларди булар, бўтам?

Дарҳақиқат, 27 май куни кун чиқар пайтида кема Банда бурунини айланиб ўтганида, Маюмбага етишларига йигирма миль масофа қолганди. Жюэль буни Бинни Умардан билиб олди, у ўз навбатида Соукдан, Соук эса Баррозодан билган эди.

Демак, кечқурун Лоанго музофотига қарашли бу мўъжазгина портда бўлишаркан.

Кўп ўтмай, Матути буруни ортидаги қўлтиқ кўзга ташланди, шаҳарча унинг ичкарисида жойлашганди. Агар иккинчи орол ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлса, агар у аниқ сўнгги ҳужжатда кўрсатилган ерда жойлашган бўлса, у чоғда оролни худди мана шу қўлтиқдан излаш керак эди.

Шу боисдан Антифер тоға ва Замбуко дурбинининг шишасини дам-бадам артиб ўша томонга тикилишарди.

Бахтга қарши шамол пасайиб, деярли тўхтади. Кема ўртача олганда икки узель тезликда, жуда имиллаб борарди.

Тушки соат бирларда Матути бурунини айланиб ўтишди. Қўққисдан қувончли қичқириқ эшитилди. Бўлажак қайнаға-куёв қўлтиқнинг ичкарисига жойлашган бир тўда оролчаларни бараварига кўриб қолишган эди. Шубҳасизки, улар излаётган орол шу ороллардан бири бўлиши керак. Лекин қайси бирийкин? Буни эртасига қуёшга қараб аниқлаш мумкин, холос.

Беш ёки олти миль шарқ томонда, денгиз билан ботқоқ дарё ораллигида, гўё қумлоқ тиг узра қад кўтаргандек, савдо факториялари ҳамда ям-яшил дарахтлар орасидаги оппоқ уйлари ярқираб турган Маюмба кўзга ташланди. Шундоққина соҳил ёқасида улкан, оппоқ қушларга ўхшаган балиқчилар қайиқлари у ёқдан-бу ёққа қатнаб турибди.

Бу қўлтиқнинг суви шу топда қанчалар осойишта, қанчалар сокин эди. Шхуналар ҳатто кўл бетида... йўқ-йўқ, кўл бетида эмас, ҳатто ҳовузда, боринги ҳовуздагина эмас, ёғ билан лиммо-лим улкан косада ҳам бунчалик осойишта суза олмасди. Бу сувларга тиг каби қадалаётган қучоқ-қучоқ қуёш нурлари ҳавони тандирдек қиздириб юборганди. Жильдас Трегомен сувга тушган мушукдек ғарққа терга ботганди.

Ҳар қалай, «Порталегри» дам-бадам ғарб томондан



хуруж қилиб турган енгилгина шамол эпкинида илгарилаб борарди. Мана, қўлтиқдаги оролчаларнинг тахлити аниқроқ кўрина бошлади. Бу оролчалар олти-етти-тача бўлиб, кўкатлар солинган саватга ўхшарди.

Оқшомги соат олтиларда кема бу ороллар тўдаси билан тенглашди. Антифер тоға билан Замбуко ҳаммадан олдинда, кема тумшуғида туришарди. Сал бўлса-да ўзини йўқотаёзган Соук тоқатсизланаётганини яшира олмади, бу ҳол Жюэлнинг шубҳасини янада оширди. Иккала меросхўр ва Соук ороллардан биринчисига, худди уни кўзлари билан еб юборгудек бўлиб тикилиб қолишган эди. Шу топда улар, олтин конидагидек орол ён бағридан миллионлар отилиб чиқади деган умидда эмасмиканлар?

Борди-ю улар, Комулк пошшо ўз бойликларини кўмган орол на бирор гиёҳ, на бирор дарахт ўсмайдиган яланғоч тошлардан иборат эканини билганларида, тарвузлари қўлтиқларидан тушиб:

«Йўқ, бу у эмас! Асло у эмас!»— деб қичқириб юборган бўлармидилар.

Тўғри, 1831 йилдан буён, яъни ўттиз бир йил мобайнида табиат оролчани ям-яшил гиёҳу дарахтлар билан ўраб-чирмаб ташлаши мумкин.

Айни вақтда «Порталегри» оролчани шимол томонидан айланиб ўтмоқ ниятида унга оҳистагина яқинлашиб борарди; астагина эсаётган кечки шамол елканларни қаппайтириб турарди. Мабодо шамол бутунлай тиниб қолгудек бўлса, кема лангар ташлаб, тонг отишини кутишга тўғри келарди.

Бироқ, ўнг бортга тирсақларини тираб турган Трегоменнинг шундоқ ёнгинасида аллаким қўққисдан аянчли инграб юборди.

Жильдас Трегомен ўгирилиб қаради.

Унинг ёнида Бинни Умар турарди.

Нотариуснинг ранги ўчиб, кўрғошн тусига кирганди... яна денгиз касали тутиб қолибди-да...

Бу қанақаси! Шундай ажойиб ҳавода-я, ахир қўлтиқ мудроқ босгандек осойишта, ойнадек ярақлаётган сув сатҳи қилт этмай турган бир пайтда-я?

Ҳа, худди ана шундай осойишта бир пайтда! Унинг ўзини жуда ёмон ҳис этаётганининг ажабланидиган жойи йўқ эди.

Чиндан ҳам кема қандайдир мавҳум сабабдан ён

томонламасига беўхшов чайқала бошлаган эди. У бир меъёрда дам чап, дам ўнг томонга оға бошлади.

Кема экипажи олд томонга ташланди, кейин яна орқага қараб югурди. Капитан Баррозо югуриб келди.

— Нима гап ўзи?— деб сўради Жюэль ундан.

— Нима бўляпти?— деб сўради Трегомен.

— Балки сув остидаги вулқон ишга тушиб, «Порт-алегри» хавф остида қолгандир?

Шунга қарамай, на Антифер тоға ва на Замбуко, на Соук ҳеч нарса ни сезишмасди.

— Э-э! Филлар!— деб қичқириб юборди Жюэль.

Ҳа, тўғри! Кемани филлар чайқата бошлаган эди. Қандайдир номаълум сабабга кўра инжиқликлари тутиб, улар бараварига дам орқа, дам олдинги оёқларини кўтариб боса бошлашганди. Кема тобора ваҳимали тарзда қаттиқроқ чайқала бошлади, бу эса филларга худди аргимчоқ учгандек жуда ёқарди. Туя ҳаммомни ҳавас қилгандай, бу баҳайбат ҳайвонларнинг аргимчоқ учишни хоҳлаганларини қаранг-а!

Чайқалиш кучайгандан-кучайиб борарди, кема қирғогидаги тўрлар энди сувга тега бошлади, ё чап биқиндан, ё ўнг биқиндан кемани сув босиш хавфи туғилди...


Баррозо билан бир неча матрос кема тағхонасига отилди. Улар бу баҳайбат маҳлуқларни тинчлатишга уринишди. Лекин уларга ҳеч нарса: на чақириқ-бақириқ, на тепки-мушт таъсир қиларди. Филлар хартумларини солоқлатиб, қулоқларини тиккайтириб, думларини силкиб, тобора жазавога тушишарди. «Порталегри» айланиб-чайқалаверди ва кема бортидан шовиллаб сув тушаверди.

Бу ҳол кўп давом этмади. Орадан ўн дақиқа ўтмаёқ кема тағхонаси сувга тўлди. Шундан кейин кема сув тубига томон чўка бошлади, сув қаъридан эса эҳтиётсиз жониворларнинг ўкириги эшитиларди.

### Т У Қ Қ И З И Н Ч И Б О В

*Антифер тоға билан Замбуконинг ўзларига паногоҳ бўлган оролни кўздан кечириб чиқмагунларича ҳеч қайққа жилмасликларини айтганлари*

«Ниҳоят мен ҳам кема ҳалокатига учрадим-а!»— деб бемалол айтса бўларди «Гўзал Амелия»нинг собиқ эгаси.



Дарҳақиқат, кеча кечқурун кема ўттиз-қирқ метрча сувга ботиб кетганди. Маюмба қўлтиғидаги оролчалардан бирида кема ҳалокатига учраганлар жон сақлаб қолишган эди. Бу гаройиб ҳалокатда ҳеч ким ҳалок бўлгани йўқ. Кўздан кечирилган пайтда ҳамма йўловчилар ҳам, кема экипажи ҳам бут эди. Антифер тоға банкчи Замбукога, Соук Бинни Умарга кўмаклашганча бир неча қулоч отишда орол қояларидан бирига етиб олишди. Табиат сув фалокатига лаёқатли қилиб яратмаган филлар эса денгиз қаърига гарқ бўлганди. Чўкиб кетишларига уларнинг ўзлари айбдор эди. Ахир кема ни аргимчоқ қилиб бўлармиди!

Антифер тоға оролчага қадам қўяр-қўймас қичқириб юборди:

— Асбобларимиз нима бўлади?! Хариталаримиз-чи!..

Бахтга қарши бу тузатиб бўлмас йўқотиш эди, улар на секстантни, на хронометрни, на атласни, на «Вақт ҳисоби жадвалини» қутқариб қола олишди. Фалокат кўз очиб-юмгунча содир бўлганди-да, ахир. Фақат бир томондан омадлари келиб қолган экан: банкчи ва нотариус, шунингдек Трегомен ҳам, пулларини белларига тугиб юришарди, шунинг учун ҳам кема ҳалокатига учраганлар ақалли шу борада мушкул аҳволда қолмайдиган бўлдилар.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтайлик, Жильдас Трегомен сув бетида осонгина сузиб борарди: у сиқиб чиқарган сув вазни гавдаси оғирлигидан деярли ортиқ эмасди, шу боисдан у тўлқинлар эпкинни кўмагида саёз ерга келиб қолган китдай саргимтир қумлоқ қирғоққа астагина сузиб чиқди.

Аввало уст-бошларини қуритишлари лозим эди. Жазирама офтобда кийимлари ярим соатга қолмай қуриди.

Олдинда дарахтлар панасида, ҳар қайсилари ўз кўнгилсиз хаёлларига берилиб, ёқимсиз тунни ўтказишдек бир машаққат турарди. Уларнинг худди иккинчи орол жойлашган ерларга бориб қолганларига ҳеч қандай шубҳа-гумон қолмаган эди — бу энг кейинги ҳужжатда аниқ кўрсатилганди.

Бироқ жанубий параллелнинг  $3^{\circ}17'$  билан шарқий меридианнинг  $7^{\circ}23'$  кесишган нуқтанинг қаердалигини Жюэль секстант ва хронометрсиз аниқлаёлмайди-ку?

Шу сабабдан ҳар қайсилари ўз табиати ва мойиллигидан келиб чиқиб, ўзича хаёл қилишарди.

Замбуко:

«Гаванга кириш биланоқ ҳалокатга учраб ўтирсанг-а!»— деб ўтказди хаёлидан.

Антифер тоға бўлса:

«Маюмба қўлтиғидаги оролчаларнинг барини ағдар-тўнтар қилиб ковлаб кўрмагунча бу ердан кетмайман, бунинг учун ҳатто ўн йиллик умрим кетса ҳам майли!»— деб қўйди ичида.

«Ҳамла қилишга боплаб режа тузиб қўйилганди, мана шу аҳмоқона ҳалокат ҳамма ишни чиппакка чиқариб ўтирса-я!»— деб гижинарди Соук.

Баррозо эса:

«Эсиз филларим, ҳатто суғурта ҳам қилдирилмаганди-я улар»,—деб жигибийрон бўларди.

«Олло таолонинг марҳамати бепоён, эгамнинг муруввати беадад, илло мукофот менга бағоят қимматга тушиши мумкин эди... мабодо у бирон кун қўлга кирадиган бўлса умуман!»—деб минғирларди ўзича Бинни Умар.

Жюэлнинг хаёлидан эса:

«Ана энди Европага, азизим Эногатнинг олдига қайтишимга ҳеч нарса тўсқинлик қилолмайди!»—деган фикр йилт этиб ўтди.

Жильдас Трегомен:

«Йўқ-йўқ, шу филлар юкланган кемага ҳеч қачон тушиш керагамас экан!»—деб қўйди ўзича.

Шу кеча ҳеч ким ухлаёлмади. Башарти ҳозир кема ҳалокатига учраганлар очликдан изтироб чекмаётган бўлсалар-да, эртага эрталаб қоринлари гулгула қилиб қолганда аҳволлари нима кечади? Балки оролда кокос пальмалари топилиб қолар. Тузукроқ егуликлари бўлмагани туфайли, то Маюмбага бориш учун қулай фурсат келгунига қадар кокос меваси билан қаноатланишларига тўғри келармиди. Бу ердан беш ёки олти милча нарида, қўлтиқнинг ичкарисида жойлашган қишлоққа қандай бориб бўларкин. Сигнал бериш керакмикин? «Порталегри» экипажи орасида бундай олис масофага суза оладиган бирон кимса топилармикин? Келинг, эрталаб бирон чораси топилиб қолар.

Бу оролда одам яшамаслиги кўриниб турарди. Бу ерда тиниб-тинчимас, шовқин солиб оролни бошига кў-

тарадиган, бадбин, ҳатто ўзларининг сон-саноксизлиги билан хавф туғдирадиган жониворлар гужгон ўйнаб ётарди. Етти иқлимдаги жамики маймунлар бир-бировига худди шу ерда учрашишга ваъда берганми, деб ўйларди Жильдас Трегомен беихтиёр. Дарҳақиқат улар маймунлар салтанатига, Маймунистон пойтахтига келиб қолганмиди денг!..

Шу сабабли, гарчи ҳаво ажойиб, тўлқинлар эшитилар-эшитилмас шовиллаётган бўлса-да, кема ҳалокати қурбонлари бу оролчада ҳатто бир соат ҳам тинчгина ором ололмадилар. Сукунат дам-бадам бузилиб турар — ухлашни хаёлга ҳам келтиришмаса бўларди.

Ҳақиқатан ҳам чангалзорда муттасил аллақандай ваҳимали тараддуд, шовқин-сурон ҳукм сурарди; худди бутун бошли конголиклар лашкари ноғораларининг гумбурлаши эшитилаётгандек бўларди. Дарахтзорларда шох-шаббаларни шитирлатиб, кимлардир нари бориб-бери келар, у ёқдан-бу ёққа изгиб, бўғиқ овозда алланималар деб қичқирарди. Зимзиё тун пардаси ортида эса ҳеч нимани кўриб, англаб бўлмасди.

Бу сир эрталабга борибгина ошкор бўлди. Бу оролча бир вақтлар Гвинеянинг ичкари ўлкаларидан маймун овлаган француз Шайю довюраклиги ва айёрлигини таърифлаган тўрт қўлли, баҳайбат шимпанзелар қабиласининг паногоҳи экан.

Гарчи уйқусига шу шимпанзелар ҳалал берган бўлса-да, одамсимон маймунларнинг бу ажойиб вакиллариини кўрган Жильдас Трегомен ҳайратда қолди. Булар Бюффон<sup>1</sup> ўз асарларида тасвирлаган, инсон ақли ва кучига чамаланган ишларни бажара оладиган, гавдаси баҳайбат, бақувват, чайир, жағи салгина олдга туртиб чиққан, пешона тузилиши одамникидан деярли фарқ қилмайдиган худди ўша шимпанзеларнинг ўзгинаси эди. Кўкрак қафасини тўлатиб нафас олиб, жонжаҳдлари билан ана шу кўкракларини дўмбирага ўхшатиб чалиб, ғалати шовқин солаётган ўшалар экан.

Бироқ бу маймунлар галасининг — улар элликдан кам эмасди — нима учун айнан шу оролчани паногоҳ тутганини, қитъадан бу ерга қандай қилиб келиб қол-

<sup>1</sup> Б ю ф ф о н Ж о р ж-Луи-Леклерк (1707—1788)— машҳур француз ботаниги ва зоологи, ҳайвонот дунёси ҳақидаги ўттиз олти жилдли асарларнинг муаллифи.

ганини, қандай қилиб етарли даражада егулик озуқа топа олишларини ўзгалар муҳокамасига ҳавола қила қолайлик. Ҳар қалай, Жюэлнинг тезгина чамалаб аниқлашича узунлиги икки миль ва кенглиги бир миль келадиган бу оролча анвойи тур тропик дов-дарахтлари билан қопланган эди. Бу ерда тўрт қўлларга озуқа бўладиган мевали дарахтларнинг ўсишига шак-шубҳа йўқ. Маймунлар танавул қиладиган мева, егулик илдиз ва кўкатлар одамлар учун ҳам бемалол овқат ўрнига ўтиши мумкин. Жюэль, Трегомен ва «Порт-алегри» матрослари аввало бунга қаноат ҳосил қилишни истардилар. Кема ҳалокати, бедор ўтган тундан кейин қоринлари очиши ва иложи борича бирон нима тамадди қилишга интилишлари тургангап эди-да, ахир.

Тахминлари тўғри чиқди. Оролчада меваси ва илдизларини еса бўладиган ёввойи дарахт ҳамда гиёҳлар кўплаб ўсиб ётарди. Агар ошқозонингиз маймунларникидақа бўлмаса, бу меваларни хомлигича ейиш унчалик кўнгилли эмасди. Уларни пишириб еса бўлади-ку, ахир! Лекин ўтни қандай ёқишади?

Қўлларида гугурт бўлгач бундан осон иш борақанми. Бахтларига Нозимда гугурт бор экан (Лоангода оливолган экан), буни қарангки, салгина намиқмабдч ҳам, чунки у мис қутичанинг ичида экан. Бундай фойдаланиб, қуёш зар кокилларини эндигина ёя бошлаган чоғда дарахтлар остида каттакон гулхан гуриллай бошлади.

Кема ҳалокатига учраган жабрдийдалар гулхан атрофига тўпланишганди. Антифер тоға билан Замбуко ҳамон жаҳл тулпоридан тушмаганди. Афтидан, ғазаб қоринни тўлдирадиган нарсага ўхшайди, зероки улар бу камтарона нонуштани бошқалар билан баҳам кўришни рад этгандилар; дастурхонни мева ҳамда егулик илдизлардан ташқари Гвинея аҳолиси ҳузур қилиб ейдиган бир неча ҳовуч ёввойи ёнғоқ ҳам безаб турарди. Бу ёнғоқларни шимпанзелар ҳам мазза қилиб ейди, шунинг учун бўлса керак, улар фақат оролчаларини эгаллаб олибгина қолмай, ризқларини қияётган номатлуб меҳмонларга адоват билан тикилиб туришарди. Кўп ўтмай маймунлар Антифер тоға билан унинг ҳамроҳларини чор атрофдан қуршаб олишди, уларнинг баъзилари қимир этмай ўтирар, бир хиллари ирғиш-

лар, лекин ҳаммаси бирон дақиқа ҳам афтини бужмайтиб, қийшанглашдан тийилмасди.

— Эҳтиёт бўлинг, амаки,— деди Жюэль,— шимпанзелар жуда бақувват бўлади; улар бизга қараганда ўн марта кўп, бунинг устига ҳеч қанақа қуролимиз ҳам йўқ...

Бироқ малуин маймунларга парво ҳам қилмасди.

— Сен ҳақсан, бўтам,— деди Трегомен.— Наздимда бу жаноблар меҳмондўстлик қоидаларидан мутлақо беҳабар кўринади... Уларнинг ваҳимали важоҳатлари ҳам...

— Нима, бирон хавф таҳдид қиляптими?— деб сўради Бинни Умар унинг гапини бўлиб.

— Фақат абжағимиз чиқиб, майиб бўлиш хавфи таҳдид қиляпти, холос,— деб жавоб берди Жюэль жиддий.

Бу гапни эшитиб ўтақаси ёрилган нотариуснинг ўша заҳотиёқ бу ердан жуфтакни ростлаб қолгиси келиб кетди. Афсуски бунинг иложи йўқ эди!

Бу орада Баррозо ўз одамларини шундай жойлаштирадики, улар истаган пайтда тўсатдан қилинган ҳамлани даф этишга шай бўлиб турардилар; сўнгра Соук билан бир чеккага ўтиб, маслаҳатлаша бошлашди. Жюэль уларни диққат билан кузатарди.

Уларнинг нима ҳақда суҳбатлашаётганларини фаҳмлаш осон эди. Кутилмаган кема ҳалокати ўйлаб қўйган режасини чиппакка чиқарганидан бўғилаётганини яшира олмаётганди Соук. Демак, энди бошқача режа тузишлари керак эди. Шу топда улар иккинчи оролга яқингина жойда туришибди. Комулк пошшонинг бойликлари Маюмба қўлтигидаги оролчалардан бирига: ҳозир улар турган оролчага ёки бошқасига кўмилган, бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Соук ҳамон Баррозо билан унинг одамлари кўмагида анави француз ва ҳамроҳларини гумдон қилиш фикрида эди. Лекин бу ишни ҳозир эмас, кейинроқ қилади... Гарчи эндиликда ёш капитаннинг қўлида асбоблар бўлмаса-да, ҳар қалай излашга тутинса, кейинги ҳужжатдаги кўрсатмалар ёрдамида бойлик кўмилган оролни Соукдан кўра тезроқ топа олади у.

Бир-бировининг гапини оғзидан чиқмасидан тушуниб оладиган бу икки муттаҳам ана шу гапларни ипидан-иғнасиғача муҳокама қилиб, фикрлашиб олиш-



ди. Уз-ўзидан аёнки, Баррозо каттагина мукофот олади, бундан ташқари, кўрган зарари — гарқ бўлган кеманинг, ҳамма юклари, филларининг қиммати тўланади унга.

Энг муҳими — Маюмбага тезроқ етиб олиш. Бир неча балиқчилар қайиқларининг қирғоқдан олислашган ётгани оролчадан кўриниб турарди. Улардан энг яқини оролдан тахминан уч милча нарида сузиб юрарди. Енгил шабадада уч-тўрт соатсиз етиб келолмайди: у яқинлашиб келганда сигнал беришади-ю, кема ҳалока-тига учраганлар шу бугуноқ Маюмбада бўлишади ва бирорта факторийга жойлашишади, шубҳасиз уларни қучоқ очиб кутиб олишади.

— Жюэль!.. Жюэль!..

Бу кутилмаган қичқирди, Соук билан португалияликнинг суҳбатини бўлиб юборди.

Антифер тоға яна қичқирди:

— Жильдас! Ҳой Жильдас!

Қирғоқдан балиқчиларнинг қайиқларини кузатиб турган ёш капитан билан Трегомен Антифер тоғанинг опози келган томонга шошилишди.

Замбуко ҳам унинг ёнида эди; тоғанинг имоси билан Бинни Умар ҳам ёнларига борди.

Соук Баррозони қолдириб, суҳбатга қулоқ солиш ниятида шоша-пиша уларга яқинроқ борди. Соукни французчани билмайди деб ҳисоблаганлари сабабли, унинг бу ерга келганига ҳеч ким парво ҳам қилмади.

— Жюэль,— деди Антифер тоға,— сўзимга диққат билан қулоқ сол, ҳозир бир қарорга келиш пайти етди.

У ғоятда ҳаяжонга келган одамдек, энтика-энтика сўзларди.

— Энг кейинги ҳужжатда иккинчи орол Маюмба қўлтиғига жойлашган дейилганди, мана... биз ҳозир Маюмба қўлтиғида турибмиз... Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлмаса керак, а?

— Ҳеч қандай шубҳа йўқ, амаки.

— Илло, ҳозир қўлимизда на секстантимиз, на хронометримиз бор... Уларни манави лавашанг Трегоменга ишониб аҳмоқлик қилган эканман, бу кишим бўлса асбобларни йўқотиб ўтирибдилар...

— Аммо-лекин, ошнам...— деб гап бошлади Трегомен.

— Узим сувга чўксам чўкардим-у, лекин асбобларни йўқотмасдим!— деб шартта унинг гапини бўлди Пьер-Серван-Мало.

— Мен ҳам худди шундай қилган бўлардим!— қўшиб қўйди банкчи Замбуко.

— Бунга имонингиз комилми, жаноби Замбуко?— деб сўради Трегомен ғазаб билан.

— Хулласи калом... асбоблардан айрилдик,— деб давом этди гапида Антифер тоға,— энди уларсиз иккинчи оролнинг қаерга жойлашганини аниқ белгилай олмайсан, Жюэль...

— Ҳа, белгилаёлмайман, амаки. Менимча, анави қайиқлардан бирига ўтириб Маюмбага ўтиб олиш, кейин қуруқлик бўйлаб Лоангога қайтиш ва у ерда тўхтаб ўтадиган биринчи кемага тушиб уйга жўнашдан кўра оқилона қарор бўлмаса керак...

— Ҳеч қачон!— хитоб қилди Антифер тоға.

Шунда банкчи Замбуко ҳам худди акси садодей такрорлади:

— Ҳеч қачон!

Бинни Умар бошини сарак-сарак қилиб, суҳбатлашаётганларнинг гоҳ унисига, гоҳ бунисига тентакнамо жавдираб тикиларди, Соук эса ўзини ҳеч нимага тушунмаётганга соларди-ю, бироқ ҳар бир сўзни жон қулоғи билан илиб оларди.

— Тўғри, Жюэль, Маюмбага ўтиб оламиз... илло Лоангода қиладиган ишимиз йўқ... Қўлтиқдаги ҳамма оролчаларни бир бошдан кўздан кечириб чиқиш учун қанча вақт зарур бўлса шунча вақт бўламиз Маюмбада... энгитясанми бунга? Ҳа, шундай, ҳаммасини!..

— Нимани, амаки?!

— Улар кўп эмас... беш ёки олтига, борди-ю юзга, мингга бўлганида ҳам, бари бир ҳаммасини бир бошдан кўздан кечириб чиққан бўлардим!

— Амаки! Бу ақлга тўғри келмайди-ку, ахир...

— Ақлга жуда тўғри келади-да, Жюэль! Бойликлар улардан биттасида... Хужжатда Комулк пошшонинг хазинани ҳатто қаерга кўмгани кўрсатилган...

— Жин урсин ўшани!— тўнғиллаб қўйди Жильдас Трегомен.

— Агар астойдил истасак ва бардошли бўлсак,— деб гапида давом этди Антифер тоға,— икки «К»ни

остма-уст қилиб белгилаб қўйилган жойни топамиз албатта...

— Борди-ю, ўша жойни тополмасак-чи?— деб сўради Жюэль.

— Бас қил бунақа гапни, Жюэль!— деб ўдағайлади Антифер тоға.— Худо ҳаққи, бундай дея кўрма-я!

Ғазабидан бўғилаёзган тоға жон-жаҳди билан трубкасини ғажиганича, оғзининг у бурчидан-бу бурчига юмалатарди. Ҳеч қачон бунчалик жунбушга келмаганди тоға, шу топда унинг кўзлари ва миясига қон қуюлай деб турарди.

Жюэль бунақанги саркашликка эътироз билдириб ўтиришдан ҳеч қандай маъни чиқмаслигини англади. Иккинчи оролни излаш учун ўн беш кундан ортиқ вақт кетмайди, лекин у, бу излашдан бари бир ҳеч қандай наф чиқмайди, деб ўйларди. Ана унда Антифер тоға бошқа умид қиладиган жойи қолмаганига қаноат ҳосил этгач, ноилож Европага қайтишга мажбур бўлади. Шунинг учун ҳам Жюэль қуйидагича жавоб берди:

— Ундай бўлса, қирғоққа яқинлашганида анави балиқчиларнинг қайиқларидан бирортасига ўтириб, йўлга тушиш керак...

— Оролчани кўздан кечириб чиққанзимздан кейингина,— жавоб берди Антифер тоға,— зероки... хулласи калом... излаётган оролимиз шунинг ўзидир балки?

Бу гап мутлақо мантиққа мувофиқ келарди. Ким билсин, хазина изловчилар шу топда тақдирнинг тақозоси билан иттифоқо чиндан ҳам кўзлаган манзилларида, секстант ҳамда хронометр ёрдамида етиб боришлари зарур бўлган ерда турган бўлсалар-чи? Бахтнинг бундай осонгина қўлга кириши мумкин эмас, деб бизга эътироз билдирарсиз балки? Бош устига! Аммо-лекин, шунча гов-тўсиқ, азоб-уқубат ва мусибатлардан кейин омад ўзининг тиришқоқ ҳамда содиқ мухлисларига юз тутиши мумкин эмасми, ахир?

Жюэль амакисига эътироз билдиришга ботинолмади, шундай экан, вақтни беҳуда ўтказмаган маъқул. Бирорта балиқчи қайиғи яқинлашиб келгунича бутуч оролчани кўздан кечириб чиқиш керак. Қайиқ қояларга яқинлашди дегунча матрослар ўша заҳотиёқ унга ўтириб, қоринларини бошлаб тўйдириш ва мириқиб дам олиш мумкин бўлган бирорта савдо факторийси томон сузиб кетишлари турган гап эди, албатта. Саба-

бини тушунтирмай туриб уларни бу ерда ушлаб қолиб бўлармиди, ахир? Иккинчи томондан қараганда, уларни Комулк пошшонинг сиридан воқиф этиш ва бойликлар ҳақида гапириб бўлармиди?

Масаланинг яна иккинчи жиҳати бор. Антифер тоға ва Замбуколар Жюэль ҳамда Жильдас Трегомен, нотариус ва Нозимлар билан биргаликда қўққисдан қароргоҳдан ғойиб бўлиб қолишса, Баррозо билан унинг одамлари нима деб ўйлашади?..

Бу ғоятда жиддий тўсиқ эди. Ким билади дейсиз, борди-ю, бойлик топилиб, ҳаммаларининг шундоққина кўзи олдида ердан олтин, олмос ва дуру жавоҳирлар билан лиқ тўла учта бочкани ковлаб олинганда кема экипажи ўзини қандай тутадн. Бунн кўрганларидан кейин зўравонлик ва қароқчилик кўчасига тушиб қолмасмикинлар? Ўзларини осадиган бир қулоч арғамчига ҳам арзимайдиган бу муттаҳамларни маҳлиё қияб қўяди-ку, бу бойликлар! Улар сон жиҳатидан икки қарра ортиқлар, малуин ва унинг ҳамроҳларини ҳаш-паш дегунча бир ёқлик қилиб қўядилар-ку, роса дўппослаб, бўғизлаб ташлайдилар-ку! Қалитанлари бўлса уларни бу йўлдан қайтаришни ҳатто хаёлига ҳам келтирмас. Аксинча, уларни гиж-гижлаб, ўлжани бўлишда эса кўп қисмини ўзи тортиб олар...

Бироқ Антифер тоғани ғоятда эҳтиётлик билан, ҳар томонлама ўйлаб иш тутишга унатиш осон гап эмасди; қайтага ишнинг муваффақияти йўлида бир неча кун бекор кетгани маъқул эканига уни ишонтириш, «Порталегри»нинг экипажи билан Маюмбага етиб олиш ва бу одамлардан қутулиб, эргасига бирорга қайқири ёллаб, кейин оролга қайтишга кўндириш амри маҳол эди... Антифер тоға ҳеч қандай исбот-далиллар билан ҳисоблашмасди. Унга ҳеч қанақанги сабаб таъсир этмасди. Токи оролни кўздан кечириб бўлмагунча ҳеч қандай илтижо-унатишлар ёрдам беролмайди...

Ўз-ўзидан маълумки, Трегомен қайсар дўстига ана шу мулоҳазаларини айтишга уриниб кўраркан, яхшигина сўкиш эшитиб олди. Кейин ошнаси фақат биригина оғиз сўз айтди:

— Кетдик!

— Илтимос қиламан сендан...

— Қолгинг келаётган бўлса қолавер. Сенсиз ҳам бир амалларман!

— Ахир ақлингни йиғиб олсанг-чи...

— Кетдик, Жюэль!

Итоат этишдан ўзга чора қолмади.

Антифер тоға билан Замбуко йўлга тушишди. Жильдас Трегомен билан Жюэль ҳам уларга эргашишди. Бироқ, афтидан матрослар уларга эргашишни хаёлларига ҳам келтирмадилар. Ҳатто Баррозо ҳам ўз йўловчиларининг нима сабабдан қароргоҳни тарк этаётганларига ақалли қизиқсинмади ҳам.

Бундай босиқлигининг боиси нимада эди?

Чунки суҳбатни ипидан-игнасиғача эшитиб олган Соук уларга халал беришни ва излашни ортга суришни истамаган ва бу ҳақда португалчилик капитанга шипшитиб қўйганди.

Баррозо ўз одамлари ёнига қайтди-да, уларга балиқчи қайиқларини яқинлашиб келишини кутишларини ва қароргоҳдан ҳеч ёққа силжимасликларини буюрди.

Бинни Умар Соукнинг ишорасига биноан шоша-пиша Антифер тоға орқасидан кетди, унинг пайдо бўлгани тоғани тирноқча бўлса-да таажжубга солмади.

## УНИНЧИ БОБ

*Антифер тоға билан банкчи Замбуконинг доғда қолгани*

Эрталабки соат саккизлар чамаси эди. «Чамаси» деётганимизнинг сабаби, саёхатчиларимиз вақтни фақат қуёшнинг баландлигига қараб била олишлари мумкин эди, чунки кема ҳалокатидан кейин ҳаммаларининг соатлари тўхтаб қолганди.

Гарчи капитан Баррозонинг матрослари йўловчилари ортидан эргашишмаган бўлса-да, маймунлар ўзларини тамоман бошқача тутди.

Ўнтача шимпанзе оролда хўжайинлик қилиш ва ўзгалар мулкани томоша қилишга журъат этган келгиндиларни соқчилардек кузатиб бориш ниятида галадан ажралиб чиқди.

Галанинг катта қисми қароргоҳ ёнида қолди.

Жильдас Трегомен дарғазаб соқчиларга ўқрайиб қараб-қараб қўяр, улар эса ўз навбатида афтларини бужмайтириб, дағдағали имо-ишоралар ва бўғиқ чирқиллаш билан жавоб қайтаришарди.

«Шубҳасизки, бу махлуқлар бирор йўл билан ўзаро

тиллашадилар...— деб ўйларди у шу топда.— Эсиз, буни мен тушунолмайман-да... Улар билан ўз тилларида суҳбат қилсам жуда антиқа иш бўларди-да».

Дарҳақиқат, филологик кузатиш олиб бориш ва Гвинея ўрмонларида бир неча ой яшаб, гўё маймунлар турли тушунчаларини маълум бўғиз товушлари ёрдамида баён этадилар деб таъкидлашга уринган америкалик табиатшунос Гарнернинг<sup>1</sup> ҳикояларининг тўғри-нотўғрилигини текшириб кўриш учун гоятда қулай фурсат келганди...

Уммон кўрфазидаги оролчадан координатлари кўрсатилган ва хазинанинг қаерга кўмилганини англатувчи остма-уст қилиб икки «К» билан белгилаб қўйилган жойни қаердан излаш кераклиги ёзилган ҳужжат топилгани китобхоннинг ёдида бўлса керак, албатта.

Биринчи гал Комулк пошшонинг Антифер тоғанинг отасига юборган мактубидаги кўрсатмага мувофиқ бойликни оролнинг жанубий қисмидан изланган эди.

Кейинги ҳужжатда эса икки «К» билан белгиланган қоя иккинчи оролнинг шимолий қисмида экани айтилган эди.

Кема ҳалокатига учраганлар оролнинг жанубий қисмига чиқиб жон сақлаганлари туфайли шимолга қараб тахминан икки милча йўл босишларига тўғри келарди.

Шунинг учун ҳам ҳаммалари: Антифер тоға билан Замбуко — олдинда, Бинни Умар билан Нозим — ўртада, Жильдас билан Жюэль орқада шимол томонга боришарди.

Иккала меросхўрнинг олдинда бораётганидан ҳеч ким ажабланмади. Улар кўзлаган манзиллари томон шитоб билан чурқ этмай боришарди ва ҳеч кимнинг олдинга ўтиб олишига йўл қўйишмасди ҳам.

Нотариус дам-бадам Соукка безовталаниб қараб кўярди. Соукнинг португалиялик капитан билан биргаликда бирон ёвуз ниятни ўйлаб қўйганларига имони комил эди унинг. Уни қўйидаги фикр ташвишга солиб қўйганди: борди-ю хазина малуиннинг қўлидан кетгудек бўлса, у ўзига тегадиган мукофотдан, ўз улишидан

<sup>1</sup> Гарнер — америкалик табиатшунос; у маймунларнинг тилини жойида ўрганиш ниятида Гвинея ўрмонларига бориб, бир неча ой мобайнида маймунлар билан яшаган. (Муаллиф изоҳи).

айрилиб қолмасмикин? У қош-қовоғи янада уйилиб кетган, қиёфаси одатдагидан ҳам баттар ваҳшиёна тус олган Соукдан бир нимани билиб олишга тиришар, бироқ сохта гумашта ўзини Жюэль кузатаётганини ҳис этиб, чурқ этиб жавоб бермасди.

Чиндан ҳам Жюэль Нозимнинг Бинни Умарга қандай муомила қилаётганини кузатаркан, кўнглидаги шубҳаси тобора ортиб борарди. Гумаштанинг ўз хўжайини бўлмиш нотариусга буйруқ бериши, хўжайиннинг бунга итоат этиши, ҳатто Искандариядаги нотариус идораларидагиларнинг ҳам асло ақлига тўғри келмасди; бу икки шахснинг ўзаро муносабати худди ана шу тарзда эди.

Шу топда Трегоменнинг фикри-хаёли фақат маймуларда эди. Баъзан унинг соддадил, саҳий чеҳрасида тўрт қўлларнинг қилиқлари акс этиб қоларди — кўзларини қисар, бурнини қийшайтирар, лабларини чўччайтирарди. Борди-ю шу топда маймуларга тақлидан бундай қилиқ қилаётганини Нанон билан Эногат кўриб қолишса, кўзларига ишонишмасди.

Эногат!.. Шўрлик қизалоқ! Ҳозир у албатта ўз қайлиғини ўйлаётгандир, чунки унинг хаёли ҳамиша йигит билан банд. Лекин у Жюэлнинг кема ҳалокатига учраганини, бахтига бир ўлимдан қолиб, яна ўша заҳотиёқ шимпанзелар қуршовига тушганини ҳеч қачон кўз олдига келтиролмас!

«Анави масхарабозларга иссиқ таъсир қилмаяпти чоғи. Уларга қараб туриб, беихтиёр маймунга айланиб қолгинг келади-я», деб фикр юритарди ўзича Трегомен, кичиккина тўдани ҳар икки қанотда кузатиб, ирғишлашиб бораётган тўрт қўлларга тикиларкан.

Эҳтимол саёҳатчиларимиз жазирама офтобдан қошиб, соя-салқин дарахтлар остидан борганлари маъқулмиди? Асло, у ердан то қир учигача шох-шаббалар билан қопланган бу баҳайбат, азим дарахтлар йўлни девордек тўсиб турарди. Башарти одам Трегомен хаёл қилганидек маймунга айланиб қолган чоғда ҳам бу чакалакзорлардан йўл очиб юриши мушкул эди. Шу сабабли Антифер тоға ва унинг ҳамроҳлари кичик-кичик қўлтиқчаларни, ҳамма ёқда тош устундек шўппайиб турган баланд қояларни эҳтиётлик билан айланиб ўтганча, қиғоқ ёқалаб боришарди. Кўлоблаб сув босган қумлоқ соҳилдан ўтиб бўлмай қолганда, уюлиб-қала-

шиб ётган баҳайбат тошлар уюмидан қоқилиб-туртиниб ошиб ўтишарди. Бойлик томон олиб борадиган йўл машаққатли ва нотекис бўлиши чиндан ҳам ҳақ гап эмасми, ахир!.. Бор кучларини ишга солиб, терлаб-пишиб боришаркан, башарти мақсадлари томон яқинроқ олиб бораётган ҳар бир одимлари учун минг франкдан ҳақ тўлаганида ҳам бу баҳо асло қиммат кўринмасди, албатта!

Бир соатда фақат бир миль — йўлнинг ярминигина босиб ўтишди. Бу ердан оролнинг шимолий чегаралари кўриниб турарди. У ердаги уч ёки тўртта буруннинг тахлити кўзга яққол ташланарди. Улардан қайси бири кўпдан орзиқиб кутилган манзиллари экан? Тезгина изни топишга ва тропика қуёшининг жазирама нурлари остида ўгаётган бу машаққатли излашга бирон тасодифий ҳодиса кўмак берса қани эди-я!

Жильдас Трегомен тамоман ҳолдан тойди.

— Бир дақиқагина нафасни ростлаб олайлик, ахир! — илтижо қилди у.

— Бир секундга ҳам тўхташ йўқ! — деб жавоб берди Антифер тоға.

— Амаки, — деди Жюэль, — бунақада жаноб Трегомен сув бўлиб эриб кетади-ку...

— Нима бўпти, эриса эриб кетавермайдими!

— Каттакон раҳмат, дўстим.

Жильдас Трегомен шундай деб, орқада қолиб кетишни истамай, олға қараб юраверди. Бироқ у кўзланган манзилга энг юксак чўққидан отилиб тушаётган шалладайдан бир дарё сув бўлиб етиб борса керагов.

Тўртта қия қоя кўзга ташланиб турган ерга ордан яна ярим соат ўтгачгина етиб боришди. Йўл борган сайин оғирлашарди, олдиларидан ўтиб бўлмас тўсиқ чиқиб қолиши ҳам ҳеч гап эмасди. Ҳамма ёқда тигдай ўткир қиррали баҳайбат тошлар, катта-катта харсанглар тоғдай қалашиб ётарди. Қоқилиб-нетиб йиқилган одамнинг абжағи чиқиши турган гап эди. Ҳа, Комулк пошшо ўз бойлигини яшириш учун Басра, Бағдод ва Самарқанд ҳукмдорлари ҳавас қилса арзигудек жуда бопта жойни топишдек бахтга муяссар бўлган.

Мана, оролнинг ўрмон билан қопланган қисми ҳам тугади. Шу ерга етганда жаноб шимпанзеларнинг нарига бориш нияти йўқлиги аён бўлди. Бу маҳлуқлар-



нинг паногоҳлари бўлиши ўрмонни тарк этишга унчалик раъйлари йўқ. Бўроннинг увиллашию тўлқинларнинг шовқини уларни қизиқтирмайди. Америкалик табиатшунос Гарнер учун бу маҳлуқларнинг калтаи кўтоҳ тилида «поэзия» деган иборани билдирадиган товушни топиш унчалик осон бўлмаган бўлса керак.

Тўрт қўлликлардан иборат соқчилар ўрмон чеккасида тўхташар экан, кузатиш ишларини давом эттириб оролнинг чеккасидаги қояларгача бормоқчи бўлаётган бу ёт ўлкаликларга нисбаган маймунларнинг дўстона муносабатда эмас, ҳатто адоватли ниятда эканликлари аён бўлиб қолди. Маймунларнинг қанчалик ваҳшиёна қичқириб қолганларини асти қўяверасиз! Ғазабдан қутуриб, жон-жаҳдлари билан ўз кўкракларини қашлаб-юмдалаб ташлаганларинию гапириб ўтирмаса ҳам бўлади! Улардан биттаси қўлига тош олди-да, саёҳатчиларимизга қараб зарб билан отди. Бунақа қилиқ жуда юқумли бўлади, айниқса маймунлар орасида. Агар иш шундай тус оладиган бўлса Антифер тоға ва унинг ҳамроҳларига тошбўронда қолиш хавфи таҳдид сола бошлаганди. Борди-ю, эҳтиётсизлик қилиб улар ҳам тош отиш билан жавоб қайтарганларида борми, чиндан ҳам абжағлари чиқарди, зероки на куч жиҳатдан, на сон жиҳатдан улар ҳамла қилувчи томонга тенг эди.

— Отманг... асло ота кўрманг!— деб қичқирди Жюэль, Жильдас Трегомен билан Соукнинг тош олаётганларини кўриб.

— Аммо-лекин...— деди тош тегиб бошидаги шляпаси аллақачон учиб кетган Трегомен.

— Кераги йўқ, жаноб Трегомен, тезроқ нарироққа бориб олсак, хавфдан қутуламиз! Маймунлар энди нарига боришмайди.

Бу энг оқилона фикр эди. Эллик қадамча юришгач, отилаётган тошлар уларга етмай қолди.

Соат ўн яримлар чамаси эди. Соҳил бўйлаб босиб ўтилган бу икки милялик йўл қанча вақтни олганини қаранг-а! Оролчанинг шимолий чеккасидаги қоялар юз эллик-икки юз метрча денгиз ичкарасига ёриб кирганди. Антифер тоға билан Замбуко шимоли-ғарб томонга қараб чўзилиб кетган энг узун қояни танлаб, биринчи навбатда ўшани кўздан кечириб чиқишга аҳд қилишди.

Бир-бирови устига мингашиб, қалашиб ётган бу қат-қат харсанглар нақадар фэйзсиз ҳамда мунгли манзара касб этарди! Улардан бир хиллари қумлоқ соҳилни пастдан ёриб чиққан, бир хиллари бўрон ва шиддатли тўлқинлар ҳамласига дош беролмай гуппа кулаб, чор-атрофда бўлак-бўлак бўлиб сочилиб ётарди. Бу ерда бирон бир гиёҳ зотидан асар ҳам йўқ, ҳатто зах қояларни ипак гиламдай қоплаб оладиган замбуруғлар ҳам кўринмайди. Одатда мўътадил минтақаларда соҳилларни тутиб кетадиган йўсундан ҳам ном-нишон йўқ. Шу сабабдан Комулк пошшо қўйган белгининг ўчиб-йўқолиб кетишидан асло хавотирланмаса ҳам бўларди. Оролчанинг шимолий чеккасидаги қоялардан бирига бундан ўттиз бир йил муқаддам ўйиб туширилган белги қандай бўлса ўшандайлигича сақланиб қолган бўлиши керак.

Мана, саёҳатчиларимиз Уммон кўрфазидаги оролдагидек яна хазинани излашга тушишди. Иккала меросхўр сабрсизлик ёғида қовриларкан, бунчалик машаққатли йўлдан кейин ҳам мутлақо чарчамаганга, жазирама иссиқдан ҳам қатрача изтироб чекмаётганга ўхшарди ва бу ҳол кишини тонг қолдирарди. Соук ҳам, афтидан хўжайиннинг манфаати йўлида — бошқача ниятда эканини ким ҳам хаёлига келтирарди дейсиз? — жонини жабборга бериб ишларди.

Қоялар орасига ўтириб олган нотариус қимир эмас, на бир оғиз гапирарди. Агар бойлик топилса ишга ўз вақтида аралашишга ва хазинани қовлаб олиш пайтида ҳозир бўлгани учун унга васий сифатида тегиши лозим бўлган ўз улушини талаб қилишга ҳамма вақт улгуради. Тангри-таолонинг ўзи шоҳидким, агар уч ой мобайнида бошдан кечирган азоб-уқубатлар ҳамда минг машаққат билан халос бўлган хавф-хатарларни эътиборга олинса, бу айтарли катта мукофот эмасди.

Ўз-ўзидан аёнки, Жюэль ёнида турган Пьер-Серван-Малонинг буйруғига биноан қояларни диққат билан синчиклаб кўздан кечири бошлади.

«Миллионларнинг бошқа ерга эмас, худди ана шу оролчага яширилгани даргумонов, — деб хаёлидан ўтказди у. — Чунки, биринчидан, бойликнинг қўлтиқнинг бошқа биронта оролига эмас, балки худди ана шу оролчага кўмилиши шарт эканига; иккинчидан, унинг орол-

чанинг айнан шу чеккасида бўлишига ишониш қийин; учинчидан, ҳали тошлар қалашиб-уйқашиб ётган қоялар орасидан остма-уст қилиб икки «К» билан белги қўйилган жойни излаб топиш керак... Бироқ, борингки омадлари келиб ҳатто ҳамма шартлари тўғри келди ва бу жирканч пошшонинг ҳазили эмас, чини экан дейлик, унинг белги қўйган жойини борди-ю бошқа биров эмас, мен кўриб қолсам, унда бу ҳақда индамай қўя қолсам оқилона иш қилган бўлмайманми?.. Ана унда амаким ноилож мени герцогиняга уйлантириш, азиз Эногатимни эса герцогга узатишдек бемаъни фикрдан қайтишга мажбур бўлади... Йўқ, йўқ, амаким бундай мусибатга дош беролмайди! У ақлдан озади... Унда жинойт қилган бўлман, виждон азобида қоламан... Ишни охирига етказиш керак!»

Жюэль ана шундай ҳаёлларга берилган пайтда Трегомен қоядан қулаб тушган каттакон тошда қўллари солинтириб, оёқларини узатганча худди сув остида узоқ сузиб чиқиб, оғир-оғир нафас олаётган тюленга ўхшаб ҳансираб ўтирарди... Аъзойи баданидан шаррос тер қуярди.

Бу орада қидирув қизгин давом этар, аммо ҳали бундан бирон натижа чиққанча йўқ эди. Антифер тоға, Замбуко, Жюэль ва Соуклар назарларида белги қўйиш учун қулай кўринган ҳар бир тошни синчиклаб кўздан кечиришар ва пайпаслаб кўришарди. Икки соатча вақт ана шундай машаққатлар билан беҳуда ўтди. Ҳамма қояларни, энг чеккадаги дўнгликкача титпит қилиб чиқишди, бироқ барча уринишлари зое кетди. Ҳеч вақо йўқ! Ҳа, ҳеч қандай ном-нишон йўқ эди! Дарҳақиқат, Комулқ пошшо тўрт томондан тўлқинлар қутуриб ҳамла қилиб турган яланғоч бир жойни танлаши мумкинмиди? Асло!.. Ана шу охириги бурунни кўздан кечириб чиқилгач, наҳотки излаш янгитдан бошланса? Албатта! Эртасигаёқ... Борди-ю Антифер тоганинг бу ерда омади чопмаса, у бошқа оролни кўздан кечиришга тушади ва шу нарсага имонингиз комил бўлсинким, бор куч-қувватини аямайди, ҳа-ҳа, асло аямайди деяверинг! У бу борада бутун исми-шарифи ва барча азиз-авлиёлар ҳаққига қасамёд қилиши мумкин!

Шундай қилиб, исталган белгини топа олмаган ҳазина изловчилар, қумлоқ соҳилда сочилиб ётган қоя

бўлақларининг ҳар бирини диққат билан кўздан кечира-кечира камон ўқсимон бурундан орқага қайта бошладилар.

Ҳеч вақо йўқ!..

Эндиликда орқага қайтиб, балки ҳозир қароргоҳга яқинлашиб қолган қайиққа ўтириб, Маюмбага жўнаш ва кейин бошқа оролчани кўздан кечиришдан ўзга илож қолмаганди.

Антифер тоға, банкчи Замбуко, Жюэль ва Соуклар буруннинг асосига кўтарилганларида Трегомен билан нотариус ҳамон бояги жойларида қимир этмай ўтиришарди.

Антифер тоға билан Замбуко индамай, шимпанзелар ўзларининг душманона ҳаракатларини янгитдан бошлаш учун қулай фурсатни кутиб турган ўрмон томонга юраверишди.

Жюэль Трегоменнинг олдига борди.

— Нима гап?— деб сўради Трегомен.

— На оддий, на остма-уст қилиб қўйилган «К» дан ном-нишон бор.

— Демак, бошқа ерда яна бошидан бошларканмиз-да?

— Шундай, жаноб Трегомен. Туринг, қароргоҳга кетяпмиз.

— Туринг дейсанми? Яхши, уришиб кўраман!.. Барака топ, менга ёрдамлашиб юбор, бўтам.

Жюэль забардаст қўлини узатиб, тинка-мадори қуриган семиз дўстининг ўрнидан туришига ёрдамлашиб юборди.

Бинни Умар бу чоғ Соукнинг ёнида турарди.

Антифер тоға билан Замбуко улардан йигирма одимча илгарилаб кетишганди. Маймунлар ваҳшиёна қичқириқ ва дағдағали имо-ишорадан ҳамлага ўтишди. Одамларга қарата яна дўлдай тош парчалари ёғила бошлади. Ниҳоятда эҳтиёт бўлиш зарур эди.

Наҳотки бу лаънати маймунлар Антифер тоға ва унинг ҳамроҳларининг қароргоҳда қолган Баррозо ҳамда матрослар ёнига қайтишларига тўсқинлик қилиш ниятида бўлсалар?

Қўққисдан аллаким қичқириб юборди. Бу Бинни Умар эди. Унинг бирон нозик жойига тош текканмикин?.. Йўқ, бундай эмас. Бу оғриқдан эмас... таажжубдан, ҳатто қувончдан дарак берувчи қичқириқ эди.

Ҳаммалари таққа тўхташди. Нотариус оғзи очилиб, кўзлари бир нуқтага тикилган кўйи кўли билан Жильдас Трегоменни кўрсатарди.

— Ана... ана!— деб такрорларди у.

— Бу нима қилиқ?— деб сўради Жюэль.— Ақлдан озибсизми дейман, жаноб Бинни Умар.

— Йўқ... апа... «К», остма-уст қўйилган «К»!— деб жавоб берди нотариус, ҳаяжонидан нафаси бўғзига тикилиб.

Бу сўзларни эшитишлари биланоқ Антифер тоға билан Замбуко шартта ўгирилишди.

— «К»... остма-уст қилиб ёзилган «К» дейсизми?..— деб қичқириб юборишди улар бараварига.

— Ҳа! ҳа!

— Қани?

Шундай деб, икковлари кўзлари билан Бинни Умар кўриб қолган, Комулк пошшо белги қўйган қояни излай бошладилар. Аммо ҳеч нимани кўрмадилар.

— Қани ахир у, эй эшаксифат одам?— деб сўради малуин ғазаб билан, ташвишли оҳангда.

— Ана!— сўнгги бор такрорлади нотариус.

Шундай дея елкаларини қисиб, унга нисбатан ёнла-масига қиялаб турган Трегоменни кўрсатди.

— Қаранглар... Манавининг елкасида!— деб қичқирди Бинни Умар.

Ҳақиқатан ҳам, Жильдас Трегоменнинг курткасига остма-уст қилиб ёзилган «К»нинг изи тушиб қолган эди. У суянган қояга ўйиб белги қўйилган ва муҳтарам қайиқчи суянганида елкасига бу белгининг изи тушиб қолгани шубҳасиз эди.

Антифер тоға унинг ёнига югуриб келди-ю, қўлидан маҳкам чангаллаб, қаерда ўтирганингни кўрсат, деб судраб кетди.

Ҳаммалари уларнинг орқасидан эргашдилар, ордан бир дақиқа ўтмаёқ кўпдан орзиқиб кутилган белги яққол кўзга ташланиб турган қоя ёнига етиб боришди.

Жильдас Трегомен икки «К» билан белги қўйилган қояга суянибгина қолмай, бунинг устига худди бойлик кўмилган жойда ўтирган экан.

Ҳеч ким чурқ этиб оғиз очмади. Ҳаммалари ишга тушиб кетишди. На белкурак, на чўкич бўлмагани туфайли олдиларида турган иш ниҳоятда машаққатли

эди. Бу тошлоқ заминни оддий пичоқлар билан ковлаб бўлармикин? Ҳа, тирноқлар кўчиб, қўллар қонаб кетганда ҳам жонни аямай ишланса, оддий пичоқлар ҳам иш беради!..

Бахтларига, вақт ўтиши билан шамол таъсирида нурай бошлаган тошлар осонгина кўча бошлади. Бир соатгина тер тўкилса — бочкачалар очилиб қолади... Ана унда бочкачаларни қароргоҳга ташиб бориш, кейин эса Маюмбага олиб ўтишига қолади, холос... Албатта уларни ташиш машаққатсиз бўлмайди. Энг муҳими шубҳа уйғотилмаса бўлгани...

Бироқ ҳозир буни ўйлаб ўтирадиган вақт эмасди. Аввало бойликни ковлаб олишни ўйлаш керак! Қана, учдан бир аср мобайнида ором олиб ётган бойликни лаҳаддан чиқариб олсинлар-чи, кейин у ёғи бир гап бўлар...

Антифер тоға жон-жаҳди билан ишларкан, қўллари шилиниб, қонаб кетганди. Дуру жавоҳирлар солинган бочкачаларнинг чамбарагига биринчи бўлиб қўли тегишдек қувончни ҳеч кимга раво кўрмасди ҳам!

— Ниҳоят-е! — хитоб қилди у пичоғи аллақандай маъданга тиқ этиб уриларкан.

Ё тангрим! Бу хитоб ортидан шундай ўкириб юбордики, асти қўяверасиз! Бу қувонч нидоси эмасди асло; унинг бирдан паға бўлиб оқариб кетган чеҳрасига қўрқинч, эсанкираш, ҳайратдан тонг қолиш аломатлари қалққанди..

Ковланган чуқурда Комулк пошишонинг васиятно-масида кўрсатиб ўтилган бочкачалар ўрнига биринчи оролдан тошилган худди ўшандай темир қути турарди.

— Яна-я! — деб юборди Жюэль ўзини тутиб туролмай.

— Бу шунчаки бир қаллобликдан бошқа нарса эмас! — деб гўлдираб қўйди Жильдас Трегомен.

Антифер тоға қутичани чуқурдан чиқариб олди-да, уни ғазаб билан очди...

Ичида вақт ўтиши билан сарғайиб кетган хат бэр экан; Антифер тоға овозини баралла қўйиб қуйидаги сатрларни ўқишга тушди:

— «Учинчи орол — шарқий узунликнинг ўн беш градусу ўн биринчи минутида жойлашган. Меросхўрлар — Антифер ва Замбуколар нотариус Бинни Умар ҳозирлигида бу узунликни билдирувчи рақамларни

Шотландиянинг Эдинбург шаҳрида истиқомат қилувчи эсквайр<sup>1</sup> Тиркомелга етказишлари лозим, зероки учинчи оролнинг қайси кенгликка жойлашганини билдирувчи рақамлар унга аёндыр».

Демак, Маюмба қўлтиғидаги бу оролчалардан бирортасига кўмилмаган экан-да дуру жавоҳирлар!.. Демак, узунликни билдирувчи бу янги рақамларни юқорида номи зикр этилган Эдинбурглик Тиркомель қўлида сақланаётган кенгликни билдирувчи рақамлар билан қўшиб, хазинани ер куррасининг бўлак бир нуқтасидан излаш керак экан-да яна!.. Демак, Комулк пошшонинг меросини эндиликда икковлашиб эмас, уч кишилашиб бўлиб олишаркан-да!

— Ким билади дейсиз,— хитоб қилди Жюэль,— бу оролдан яна... юзлаб бошқа оролларга жўнатиб сарсон-саргардон қилмасмикинлар?.. Эҳ, амаки, наҳотки етти иқлимни кезиб чиқишга тайёр шунчалик қайсар... шунчалик... гўл бўлмасангиз-а!..

— Буниси ҳам гўрга-я,— қўшиб қўйди Жильдас Трегомен,— борди-ю Комулк пошшо ўз меросхўрларини юз киши деб ҳисоблаган бўлса, ана унда унинг мероси шунчалик азоб-уқубат ва шунчалик саргардонликларга арзирмикин ўзи?

Антифер дўсти ва жиянига олайиб қараб қўяр экан, тишларини шундай гижирлатдики, оғзидаги трубкаси қисирлаб синиб кетди.

— Нафасларингни ўчирларинг!.. Бу ҳамма иш барбод бўлди деган гап эмас!— деб қўйди у гижиниб.

Шундан кейин у ҳужжатнинг давомидаги сатрларни ўқиди:

— «Ҳозир эса ҳар қайси меросхўр чеккан азияти ва кўрган зарари эвазига шу қўтидаги олмосни битгидан бўлиб оладилар; бу икки қимматбаҳо тошнинг қиймати улар кейинчалик эга бўладиган дуру жавоҳирлар олдида сариқ чақага ҳам арзимайди».

Замбуко ўзини қутичага отди ва Антифер тоғанинг қўлидан қутичани юлқиб олди.

— Олмос!— деб қичқириб юборди у.

Дарҳақиқат, қутичада икки дона ишлов берилмаган ажойиб олмос бўлиб, ҳар қайсисининг баҳоси юз минг

<sup>1</sup> Эсквайр — Англияда қуйи табақадаги дворянлар унвони.

франкдан кам эмасди — банкчи бунақа нарсаларнинг қиймагини жуда яхши биларди.

— Хамир учидан пагир бўлди-да! — деб қўйди банкчи олмослардан бирини ворисдошига қолдириб, бирини ўзи оларкан.

— Денгиздан бир томчи! — жавоб берди Антифер тоға олмосни нимчаси чўнтагига, ҳужжатни эса курт-каси киссасига соларкан.

— Ие!.. — деди Трегомен бошини сарак-сарак қилиб. — Бу мен ўйлагандан кўра жиддийроқ гап чиқиб қолди-ку!.. Қани, кўрамиз, кўрамиз бу ёгини!..

Жюэль елкаларини қисиб қўя қолди, холос. Хўш Соук-чи? Энди ҳеч қачон бунақанги қулай фурсат келмаса керагов, деб ўйларкан, дамини ичига ютиб, муштини тишларди.

Бечора Бинни Умарга келсак, гарчи бу энг сўнгги хатда унинг зиммасига яна воситачилик юкланганига қарамай, тариқдеккина бриллиант ҳам тегмади унга. Шу топда у деярли бўшатишган, ён томонга қулай-қулай деб турган қопдай, қўллари шалвираб, тиззалари букилмай, олдинга энкайган кўйи донг қотиб қолганди.

Рост, Соук билан нотариус учун эндиликда шароит илгаригидан анча яхшиланиб қолган эди: биринчидан, Сен-Малодан йўлга чиқаётганларида Маскатга боришлари лозим эканини билмагандилар; иккинчидан, Маскатни тарк этишаркан, Лоангога томон йўл олишларидан беҳабар эдилар. Антифер тоға ўзини тута олмай, эҳтиётсизлик қилиб зинҳор-базинҳор махфий тутулиши лозим бўлган сирни ошкор қилиб қўйганди. Янги рақамларни ҳаммалари очиқ-ойдин эшитишди: шарқий узунликнинг ўн беш градусу ўн бир минути... Шотландиядаги Эдинбургда истиқомат қилувчи эсквайр Тиркомелнинг номини ҳам ҳаммалари аниқ-таниқ эшитишганди...

Соукнинг Бинни Умарга ишонмай, юқоридаги рақамлар ҳамда номи зикр этилган кимсанинг турар жойини фурсат келди дегунча ён дафтарчасига ёзиб олиш учун яхшилаб эслаб қолганига асло шубҳаланмасак ҳам бўлади. Шу боисдан Антифер тоға билан банкчи Замбуконинг нотариусни ҳам, шопмўйлов гумашгани ҳам кўздан қочиришлари мумкин эмасди;



йўқса улар меросхўрлардан илгарироқ Буюкбританиянинг иккинчи пойтахтига етиб олишлари турган гап.

Тўғри, Соукни французчани билмаслиги туфайли ҳеч нимага тушунмади деб ўйлашлари мумкин эди, бироқ, ҳатто шундай бўлган чоқда ҳам бари бир Би-ни Умар уни албатта сирдан воқиф этади.

Жюэль узунликни билдирувчи рақамлар ва Тиркомелнинг исмини Антифер тоға эҳтиётсизлик қилиб ўқиб юборганида Нозимнинг бундан мамнун бўлганини ҳатто яширишга ҳам уринмаганини пайқаб олганди, ҳар қалай.

Бироқ бунинг нима аҳамияти бор, бари бир эмасми энди, ахир! Қомулк пошшонинг мерос қилиб қолдирган уйдирмаларига учинчи бор лақиллаб учиниш учун ҳожат бормикин ўзи?.. Жюэлнинг фикрича, бундай қилиш бемаънилик бўлурди. Эндиликда Лоангога қайтиш ва ажойиб шаҳар Сен-Малога тезроқ етиб олиш учун дастлабки учраган кемага ўтиришларигина лозим эди, холос.

Жюэль ана шундай оқилона ва мантиқий таклифни айтди амакисига.

— Ҳеч қачон!— деб жавоб берди Антифер тоға.— Пошшо бизни Шотландияга йўллаётган экан — бас, Шотландияга жўнаймиз! Башарти қолган умримни хазинани излашга бағишлашим лозим бўлганида ҳам...

— Синглим Талисма сизни шундай севадики, ўн йил бўлса ҳамки... қутишга рози бўлади!— деб қўшиб қўйди банкчи.

«Жин урсин!— хаёлидан ўтказди Жильдас Трегомен.— Унда хоним олтмиш ёшга бориб қоладиларку!»

Бироқ Антифер тоғанинг бунақанги бетайин гапларга тоқати йўқ эди. У аллақачон бир қарорга келганди. Хазинани излашни ҳеч қачон бас қилмайди. Бадавлат мисрликнинг мероси жаноб Тиркомелнинг майдонга чиқиши туфайли эндиликда уч қисмга тақсимланиши керак эди... Ҳар қайси меросхўрнинг улушига бойликнинг учдан бир бўлаги тегиши лозим... Хўш, нима бўпти, Эногат графга тегиб, Жюэль эса графияга уйлана қолар, шунга ҳам ота гўри қозихонами!

## УН БИРИНЧИ БОБ

*Антифер тоға ва ҳамроҳларининг Тиркомель ҳазратларининг ваъзини ҳеч қандай иштиёқсиз тинглаганлари*

— Ҳа, биродарларим, эгачи-сингилларим, бадавлатлик инсон боласини ёвузлик ва жиноятга ундаши муқаррардир! Бойлик — бу фоний дунёдаги барча ёвузликларни яккаю ягонагина эмас, балки асосий сабабчисидир! Олтинга бўлган ҳирс тўғри йўлдан оздиради, инсон қалбидаги инсофга раҳна солади! На бойлар, на қашшоқлар бўлмаган жамиятни бир тасаввур қилиб кўринг-а!.. Бундай жамиятда инсоният бахтсизлик, изтироб, жанжал-ихтилоф, офат, ташвиш-надомат, дард-алам, бетоблик, қайғу-алам, азоб-уқубат, хонавайронлик, вайронагарчилик, ҳалокат, мусибат, ваҳима, хулласи калом ҳар қандай фалокатлардан халос бўлурди-я!

Бу сўзамол руҳоний синонимларни тасбеҳга тергандек бири устига иккинчисини қалаштириб ташларкан, нотиклик чўққисига кўтарилди, лекин бари бир булар ҳам унинг ер юзидаги барча ғам-ташвишларни санаб ўтиши учун камлик қиларди. Минбар юксаклигидан тингловчилар боши узра шалолодай қуйилиб тушаётган сўз ҳамда иборалар устига яна аллақанча синонимларни қалаштириб ташлаши мумкин эди унинг. Лекин унга тан бериш керак — зероки у ўз истеъдодини равон ҳамда узоқ сўзлаш қолипига сола оларди.

Бу ҳодиса 25 июнь кечқурун, кейинчалик Гай-стритга чиқиладиган чорраҳани кенгайтириш мақсадида бир қисми бузилган Арши Аъло ибодатхонасида содир бўлаётган эди: «Эркин шотланд черкови»нинг намояндаси бўлган Тиркомель ҳазратлари ўз мухлисларига ваъз айтаётган эди, тингловчилар бу ваъз таъсири остида тушқунлик гирдобига гарқ бўлиб ўтирардилар. Бундай ваъздан кейин барча художўйлар ҳозироқ ўринларидан сапчиб туриб, ўз пўлат сандиқлари ёнига отилардилар-у, уни ичидаги қимматбаҳо буюмлари билан бирга ҳақли равишда Шимолдаги Афина<sup>1</sup> деб атал-

<sup>1</sup> Афина — Қадимий Юнонистоннинг илм-фан, санъат ва ҳунармандчилик тараққий этган шаҳри. Эдинбург эса Шотландиянинг маданий маркази бўлиб, уни шимолдаги Афина деб аташади.

гувчи Эдинбург шаҳри пойтахтлик қилиш шарафига муяссар бўлган машҳур Мидлотиан графлигининг шимолий чегараларини қучиб турган Фёрт-оф-Форт кўр-фазига улоқтирадилар, деб ўйлаш мумкин эди.

Мана неча соатдирким, муътабар руҳоний ўз қавмларига чарчамай панд-насиҳат қилиб ваъз айтяпти. Гўё у гапиришдан, қавмлар эса тинглашдан чарчамайдиганга ўхшардилар. Бу ваъз-насиҳат ҳали-вери тугамайдигандек кўринарди.

— Биродарлар, опа-сингиллар,— давом этарди Тиркомель,— муқаддас тавротда бундай дейилган: «Руҳан қашшоқлар жаннатидирлар». Бу теран ҳақиқатдир, бу ҳақиқатнинг асл маъносини баъзи найрангбозлар, осий ва жоҳил бандалар турли йўллар билан бузиб кўрсатишга уринадилар. Йўқ, йўқ! Бу ерда гап «ақлан қашшоқ», яъни аҳмоқлар ҳақида эмас, балки ўзини ўзи қалбан қашшоқ тутадиган ҳамда ҳозирги жамиятдаги офату ёвузликларнинг манбаи бўлмиш манфур бойликдан жирканадиган бандалар ҳақида бораётир. Шу боисданким таврот сизларни бойликка ҳирс қўймаслик ҳамда ундан ҳазар қилишга даъват этади. Модомики, бахтга қарши, бу фойий дунёнинг айши-ишратига гирифтор бўлган экансиз, модомики сандиқларингизни пулга тўлатган бўлсангиз, модомики ҳамёнингизга ҳовуч-ҳовуч олтинлар оқиб келаётган бўлса, эй эгачи-сингилларим...

Унинг шу тарздаги таъсирли даъвати ва ҳатти-ҳаракатидан қулоқ қоқмай ўлтирган қавмларнинг ярмини ташкил этган аёллар титраб кетдилар.

— ...Модомики бриллиант, дуру жавоҳирлар покиза бўйинларингизни, билак ва бармоқларингизни зарарли тошма ярадай қоплаб олган экан, модомики сиз одамлар бахтли деб атайдиганлардан экансиз, мен сизга айтиб қўяй — сиз бахти қаросиз, инчунун шуни ҳам қўшиб қўяйким: ўткир дори-дармонлар билан, ҳаттоки ўту темир ёрдами-ла сиз чалинган дарднинг илдизларини қуритмоқ даркор!

Тингловчилар дағ-дағ қалтирай бошлади; баъзиларнинг назарида ваъзхон ўзининг жарроҳлик тиғи билан уларнинг яраларини тилаётгандек бўлиб туюлди.

Бу бахти қаро одамларга Тиркомель ҳазратлари тавсия этаётган бирдан-бир чинакам даволаниш усули — бу дарддан жисман қутулиш, яъни ҳамма бойлик-

ларини йўқотишгина эди. У: «Бойликларингизни камбағалларга эҳсон этинг! Бойлигингизни ҳеч вақоси йўқларга бўлашиб бериинг!» деяётгани йўқ. Аксинча! У олтин, олмос, пул, саноатчи ҳамда савдо ташкилотларининг қимматбаҳо қоғозларини бутунлай йўқотиб юборишларини истарди. У, ёқибми ёки денгизга улоқтирибми, ишқилиб бойликни тамоман йўқотишни талаб қилаётган эди.

Бу таълимотнинг бунчалик муросасизлик руҳида эканини англаш учун газабнок эсквайр Тиркомелнинг қайси диний мазҳабга мансублигини билиш даркор эди.

Минглаб қавмларга бўлиниб кетган Шотландия маъмурий ва диний жиҳатдан черков сессиялари, синод<sup>1</sup> ва олий судлар атрофига жипслашарди. Бутун Бирлашган Қиролликдаги каби Шотландияда ҳам турли мазҳаблар мавжуд эди. У мазҳаблардан ташқари, католиклар, баптистлар, методистлар ва ҳоказо исмдаги диндорларга қарашли бир ярим минг ибодатхона бор эди. Ана шу бир ярим минг ибодатхонанинг ярмидан кўпроғи «Эркин шотланд черковига» қарашли бўлиб, йигирма йил муқаддам<sup>2</sup> Буюкбританиянинг пресвитериан черковидан алоқани узганди. Бунинг сабаби нима эди? Бирдан бир сабаб, Буюкбритания черковини пуританлар<sup>3</sup> руҳига тўла содиқ эмас деб топилгани эди.

Шундай қилиб, Тиркомель ҳазратлари моддий ва маънавий бойликларга асло тоқат қила олмайдиган ашаддий мазҳабнинг тарғиботчиси эди. У, худо ер юзасига чақин ва момақалдироқ гурзисини қўлимга ишониб топшириб, мени бутун бойларни ёки, ҳеч бўлмаганда, уларнинг бойлигини яқсон қилиш учун юборган, деб ҳисобларди. Дарҳақиқат ҳазрат бу борада катта муваффақият қозонишга жон-жаҳди билан тиришарди.

Бу ўзига нисбатан ҳам, ўзгаларга нисбатан ҳам бағоят талабчан, бутун вужуди билан ўз эътиқодига берилган одам эди. Эсквайр Тиркомель ёши элликларда,

<sup>1</sup> Синод — черков ишларини бошқарувчи ташкилот.

<sup>2</sup> Яъни ўтган асрнинг 70 йилларида.

<sup>3</sup> Пуританлар — инглиз протестант черкови мазҳабларидан бирининг давомчилари. Пуританлар ҳаётдаги ҳашамкорликка қарши курашганлар, театр томошаларига қарши чиққанлар, диний удумларга тўла роя қилишнинг тарафдори бўлганлар.

баланд бўйли, қотма, бир туки йўқ юзлари чакак-чакак, кўзлари чақнаб турадиган, пайғамбарона қиёфали, хушовоз бир дин тарғиботчиси эди. Атрофдагилар уни беихтиёр юқоридагилар продасини, амри маъруфини амалга оширувчи бир жонкуяр воситачи деб ҳисоблардилар. Бироқ, башарти художўйлар унинг ваъзини тинглашга ошиқсалар-да, унинг сўзларини ҳаяжон билан тингласалар-да, ҳар қалай, у амалда бу фоний олам майшатларидан, мол-давлатдан тамоман воз кечган озгинагина бўлса-да мурид орғтира олмаганди.

Ана шунинг учун ҳам Тиркомель ҳазратлари ғайрати жўшиб, ихлос билан панд-насиҳатни давом эттирарди...

Шубҳасизки Арши Льо ибодатхонасини тўлдириб ўтирган қавмдошлар бу жангари мугаассибнинг ваъзини чурқ этмай эшитиб ўтиришарди, башарти улар ўз қилмишларини ҳазратнинг таълимотига мувофиқлаштиришга ошиқмаётган эканлар, бу ҳолга уларнинг онгсизлиги ёки фаросатсизликлари сабабчи эмасди, албатта. Тингловчилар орасида ўтирган беш кишини ҳисобга қўшмаса ҳам бўлади, чунки улар инглиз тилига тушунишмасди. Мабодо улардан олтинчиси кейинроқ минбар юксаклигидан тингловчилар боши узра инжил осмонидан жала бўлиб қўйилган даҳшатли ҳақиқатларни француз тилига таржима қилиб бермаганида, ваъзининг қайси мавзуда борганидан ҳам беҳабар қолган бўлардилар.

Буларнинг Антифер тоға ва банкчи Замбуко, нотариус Бинни Умар ва Соук, Жильдас Трегомен билан ёш капитан Жюэллар эканини айтиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Биз уларни 28 май куни Маюмба қўлтиғидаги оролчада қолдириб келгандик, мапа энди улар билан қайтадан 25 июнь куни Эдинбургда учрашдик.

Бу муддат орасида қандай ҳодисалар бўлиб ўтганди?

Умуман олганда қуйидагича бўлганди.

Иккинчи ҳужжатни топганларидан сўнг, маймунлар оролчасини ташлаб, матросларнинг сигнали билан қирғоққа сузиб келган қайиққа тушиб жўнашдан бўлак иш қолмаганди. Бу орада Антифер тоға ва ҳамроҳлари шимпанзелар соқчилигида қароргоҳ томон юришди. Маймунлар бу ёт ўлкаликларни иложи борича ва ҳар

қандай чоралар билан: қичқириб, ўкириб, дағдаға қилиб, тошбўрон қилиб, хуллас душманлик билан кузатиб бордилар.

Ҳар қалай саёҳатчиларимиз қароргоҳга эсон-омон етиб олдилар. Соук Баррозога икки оғиз сўз билан ишнинг чиппакка чиққанини тушунтириб берди. Ҳеч вақоси йўқ одамларнинг нимасини талаш мумкин ахир.

Муъжазгина қўлтиқчага кириб келган қайиққа кема ҳалокатига учраганларнинг ҳаммаси жойлашди, тўғри, улар бочкага солинган балиқдай тикилишиб ўтиришарди. Бироқ атиги олти милгина масофани сузиб ўтишлари лозим бўлгани учун, бунга эътибор бериб ўтирмаса ҳам бўлади. Икки соатлардан кейин қайиқ соҳил бўйлаб чўзилиб кетган тил ёнига етиб борганди, бу тил бўйлаб эса чоғроққина Маюмба қишлоғи ястаниб ётарди. Саёҳатчиларимизни, қайси миллатга мансубликларидан қатъи назар, француз факторийсида меҳмондўстлик билан кутиб олишди. У ердагилар ўша заҳотиёқ уларга ёрдам қўлини чўзиб, Лоангога етиб олишлари учун транспорт ахтаришга тушиб кетишди. Излаш натижасида бир тўда европаликларнинг ўша ёққа қайтаётганлари маълум бўлди. Ана шулар саёҳатчиларимизни ўз давраларига қўшишга бажонидил рози бўлдилар. Эндиликда йиртқич ҳайвонлар билан ваҳшийларнинг ҳамласидан хавотирланмасалар ҳам бўларди. Бироқ бу ернинг об-ҳавоси нақадар оғир, жазирама иссиққа эса асти чидаб бўлмаслигини айтмайсизми! Лоангога етиб борганларида Трегомен Жюэль нотўғри деб харчанд уринмасин, барибир, скелетга айланиб қолдим деб ҳамроҳини ишонтирмоқчи бўларди. Шунини таъмин олайликки, бу оқ қўнғил одам саллоф қилаётган эди.

Тасодифан омадлари юришиб — тақдир Антифер тоғага ҳамиша ҳам кулиб боқавермасди-да, ахир — на у, на унинг ҳамроҳлари Лоангода узоқ кутиб қолишмади. Етиб борганларидан икки кун ўтгач Сен-Польде-Луандодан Марселга кетаётган испан пароходи келиб тўхтади. Кема машинасини тузатиш зарурати туғилиб қолгани сабабли мажбуран тўхташган эди. Машинани тузатиш бир кеча кундузда тугади. Кема ҳалокати вақтида пуллари омон қолгани туфайли дарров ана шу пароходга билет олишди. Гапнинг қисқаси, 15 июнда Антифер тоға ва ҳамроҳлари иккита қим-

матбаҳо олмос билан янги ҳужжатни қўлга киритган ҳамда яна умидлари пучга чиққан ҳолда Фарбий Африкадан ниҳоят жўнаб кетишди. Капитан Баррозо хусусига келганимизда, Соук кейинроқ, Комулк пошшонинг миллионларига эга бўлгач уни мукофотлашга ваъда берди ва португалиялик ана шу ваъда билан қаноатланиб қолаверди.

Жюэль гарчи бу ҳангомаларнинг оқибати бирон қаллоблик билан туғашига кўзи етиб турган ва шундай деб ўйлашга асослари бўлса-да, амакисини унинг миясига уя қуриб олган шилқим фикридан қайтаришга ҳатто уриниб ҳам кўрмади. Бироқ Трегоменга келсак — у ҳозир мутлақо бошқача фикрда эди. Иккинчи оролчадан топилган қутичадаги ҳар бири юз минг франк қийматга эга бўлган икки дона олмос уни ҳазилакамига ўйлатиб қўймаганди.

«Башарти пошшо,— ўзича ўйларди Трегомен,— бизга шунақа иккита бебаҳо тошни ҳады этган экан, нега энди қолганлари учинчи оролдан топилмас экан?»

У шу ҳақда гап очганди, Жюэль елкасини учириб қўя қолди.

— Кўрармиз... Кўрармиз!— деб такрорлади ёш капитан.

Пьер-Серван-Мало эса мана бундай мулоҳаза юртарди. Демак учинчи оролнинг қайси кенгликда жойлашганини билдирувчи рақамлар учинчи меросхўрда экан ва у Эдинбургда истиқомат қиларкан, Эдинбургга жўнаш лозим. Замбуко ёки Бинни Умарнинг у ерга олдинроқ боришига асло йўл қўймаслик даркор. Ахир жаноб Тиркомелга хабар қилиниши зарур бўлган шарқий узунликни билдирувчи рақамлар маълум-ку уларга! Шундай экан, улардан ажралиш асло мумкин эмас. Ҳаммалари биргаликда Шотландиянинг пойтахтига етиб боришади, ҳаммалари Тиркомель ҳузурига биргаликда ташриф буюришади, бу қанча тез бўлса шунча яхши. Турган гапки, бу Соукни қаноатлантирмасди. Эндиликда сир унинг учун сир бўлмай қолган бир пайтда у якка ўзи мустақил иш кўришни, яъни ҳамроҳларидан илгарироқ етиб бориш, сўнгги ҳужжатда номикр этилган одам билан бетма-бет учрашишни, янги оролнинг жойлашган ерини аниқлаш, ўша ёққа жўнаб, Комулк пошшонинг хазинасини қовлаб олишни маъқул кўрарди. Аммо ҳеч кимда шубҳа ўйготмай, ёлғиз ўзи

жўнаб кегининг иложи йўқ эди, у ўзини Жюэль диққат билан кузатиб юрганини сезганди. Бунинг устига, Марселгача улар билан бирга бормасликка иложи ҳам йўқ эди. Йўлнинг сўнгги босқичида Антифер тоға Франция ва Англиянинг темир йўлларида фойдаланишга аҳд қилган эди, бу анчагина вақтни тежарди, шу тўфайли Соукнинг ундан кўра илгарироқ етиб олишга умиди қолмади. Шаронгга нтоат этишдан ўзга илож қолмаганди. Эндиликда Тиркомель билан учрашиб, иш-ни ойдинлаштиришга умид боғлаши мумкин эди, холос: Маскат ва Лоангода барбод бўлган режасини балки Эдинбургда амалга ошира олар.

Марселга тез етиб келдилар, чунки португал кемаси йўлдаги бирорта портда тўхтамади. Ўз-ўзидан аён-ки, ўз одатига содиқ қолган Бинни Умар бир кечакундуз йигирма тўрт соат бўлса, ана шу йигирма тўрт соат мобайнида дард чекиб чиқди. Жюлиэт соҳилга уни ҳусисиз ҳолда, худди пахта тейдек кўтариб туширишди.

Жюэль Эногатга узундан-узоқ хат ёзди. У қизга Лоангода бошидан кечирган саргузаштларини ипидан-игнасигача батафсил ҳикоя қиларкан, ёрини амакисининг бетимсол қайсарлиги оқибатида янги саёҳатга йўл олганларидан, ҳозирча яна қанақанги янги хавф-хатар тақдид қилаётгани, яъни пошшонинг уйдирмаси ўзларини қаёқларга йўллаши номаълум эканлигидан хабардор этди... у яна Антифер тоғанинг, худди Абадий Жидга<sup>1</sup> ўхшаб, афтидан бутун оламни кезиб чиқмоқ ниятида экани ва бу дарбадарлик у ақлдан озмасидан илгари тугамайдиган кўринаётгани, кейинги пайтдаги муваффақиятсизликлардан тобора асаби бузилиб, телбалик хавфи тақдид солаётгани ҳақида ҳам ёзди.

Буларнинг бари гоятда қайғули эди: тўйларининг номаълум муддатга кечиктирилгани... уларнинг бахт-саодати... муҳаббатлари поймол бўлаётгани... ва ҳоказолар.

Жюэль ўзининг бу тасалли бера олмайдиган мактубини алоқа бўлимига топширишга улгуриш учун тез-

<sup>1</sup> Абадий Жид ёни Агасфер — ўрта аср афсоналари қаҳрамони, гуноҳлари учун худонинг қаҳрига учраб, абадунтабад санқиб-улоқиб юришга маҳкум этилган. Дунё адабиётида Агасфер ҳақидаги афсона кўплаб асарларга асос бўлган.



роқ тугатишга шошилди. Ҳаммалари асло ҳаялламай Марселдан Парижга борадиган экспресс поездга оти-лишди, кейин Париждан Калегга борадиган экспрессга, сўнгра Каледан Дуврга қатнайдиغان пароходга, Дувр-дан Лондон поездига, Лондондан ҳеч тўхтамай Эдин-бургга йўл олишаркан, гўё олговлари ҳам бир занжир-га боғлаб қўйилгандек бараварига ҳаракат қилишар, бир-бировларидан бир одим ҳам нари силжишмасди. Мана ниҳоят 25 июнь куни кечқурун «Қирол меҳмон-хонаси»дан хона банд қилишлари биланоқ жаноб Тир-комелни излашга тушдилар. Ана шунда мутлақо ку-тилмаган гапни эшитдилар, Тиркомель руҳоний бўлиб чиқди. Шу туфайли Норс-Бирдж-стрит кўчасидаги 17-уйнинг квартирасига қадам ранжида қилар эканлар, саёҳатчиларимиз руҳоний жанобларнинг шу топда қа-ерда эканликларини осонгина билиб олишди, чунки бу фоний дунё ҳузур-ҳаловатини инкор этувчи бу киши Эдинбургда маълум ва машҳур бир шахс эди. Саёҳат-чиларимиз у юксак минбардан ваъз айтаётганда Арши Аъло ибодатхонасига кириб келишган эди.

Саёҳатчиларимиз ваъз тугагандан кейин Тирко-мелга йўлиқиб, уйигача кузатиб бориш ва уни ҳамма гапдан хабардор этиб, энг сўнгги ҳужжатнинг мазму-ни билан таништиришга қарор қилишди... Жин ур-син!.. Башарти бирор кимсага миллионлаб бойлик ҳа-қида хабар олиб келинса, у мени бевақт безовта қил-динглар, деб ранжимаса керак-ку, албатта!

Бироқ, бу ҳангомаларнинг бир ғалати томони бор эди. Комулк пошшо билан бу шотланд руҳонийси ора-сида қанақанги алоқа бўлиши мумкин? Қизиқ, Анти-фер тоғанинг отаси мисрликнинг ҳаётини сақлаб қол-ган экан... бу тушунарли. Банкчи Замбуко эса унга бойликларини сақлаб қолишга ёрдам берган экан... бу ҳам тушунарли. Бу хизматлари эвазига Комулк пош-шо икковларини ўз меросхўрлари қилиб қолдирган экан. Бу ҳам тушунарли. Бироқ, наҳотки Тиркомель ҳазратлари ҳам худди ўшалардек Комулк пошшонинг миннатдорчилигига ва улар билан баб-баравар ҳақ-ҳуқуққа эга бўлса? Ҳа, бу шубҳасиз эди. Шунга қа-рамай, Комулк пошшонинг Тиркомелга миннатдорчи-лик билдириши лозимлиги ҳақидаги фикри асло ақлга тўғри келмайдигандек туюларди. Лекин бу ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмасди, ростки учинчи оролнинг қайси

кенгликда жойлашганини аниқлаш учун зарур бўлган рақамлар шу руҳонийнинг қўлида экан бошқача гап бўлиши мумкин эмасди.

— У энг сўнггиси бўлиши керак!— деб такрорларди Антифер тоға ҳадеб, эндиликда унинг бу умиди ёки, эҳтимол, хаёлотига Трегомен ҳам шерик бўлиб қолганди.

Бироқ хазина изловчиларимиз минбарда ваъз айтаётган кишининг ёши элликлардан ошмаганини кўргач, ўз фикрларини ўзгартишларига тўғри келди. Ҳақиқатан, Комулк пошшо Муҳаммад Алининг фармони билан Қоҳирадаги турмага банди қилинган чоғда Тиркомелнинг ёши йигирма бешдан ошмаган бўлиши керак. Шунинг учун ҳам Тиркомелнинг ўша пайтларда пошшога бирор хизмат важидан ёрдам берганини тахмин қилиш мушкул эди. Эҳтимол, мисрлик пошшо Тиркомелнинг отаси, бобоси ёки амакиси олдида бурчлидир?..

Айтганча, бунинг аҳамияти йўқ. Энг муҳими, Маюмба қўлтигидаги оролчадан топилган ҳужжатда кўрсатилишича, янги орол жойлашган кенгликни билдирувчи қимматли рақамлар Тиркомелнинг қўлида, шундай экан, бундан кейинги ҳаракат режалари шу бугуноқ аён бўлади.

Шундай қилиб, улар ибодатхонада, шундоқ минбарнинг ёнгинасида ўтиришарди. Антифер тоға, Замбуко ва Соуклар гарчи бир оғиз сўзига ҳам тушунмаётган бўлсалар-да, эҳтиросли ваъзхонга кўзлари билан тешиб юборгудек тикилиб ўтиришарди. Жюэль эса уни тингларкан, ўз қулоқларига ишонгуси келмасди.

Ваъз эса ҳамон бир мавзу устида борар, ваъзхон жазавага тушиб, чиройли ва дабдабали сўзлар билан панд-насиҳатини давом этдирарди. У қиролларни давлат ҳисобидан шахсий ҳамда сарой эҳтиёжлари учун ажратиладиган махсус пулни денгизга ташлаб юборишга, қироличаларни барча дуру жавоҳир тақинчоқларини улоқтириб юборишга, бойларни ўз бойликларини йўқ қилиб ташлашга даъват этарди! Мазҳабдош янги муридларни ўзингизга ром этишни астойдил истар экансиз, бундай беъмани гаплар билан бирор иш чиқариб бўлмайди, ҳа-ҳа, бунга ишонаверинг!

Ҳайратда қолган Жюэль ўзича хаёл қиларди: «Аҳвол чинакамига мушкуллашиб кетадиган бўлди-ку! Ама-

кимни омади юришмади-юришмади-да, сира!.. Бизни мутаассибнинг ҳузурига йўллаш жин ургур пошшо учун нимага зарур бўлиб қолган экан-а!.. Шунақанги телбанамо руҳонийдан мадад иташ учунми? Бойлик қўлига тушди дегунча, сира иккиланиб ўтирмай, уни шартта йўқ қилиб юборадиган одамдан мадад кутиб бўларканми-я!.. Ҳа, бунақанги говни, мутлақо ўтиб бўлмайдиган бу галгидақа тўсиқни асло кутмагандик! Ҳамма сафару саргузаштларимиз худди шу ерда тугайдиган бўлди. Шу нарса аёнки, биз қатъий, узил-кесил рад жавобини оламиз, бундан эса Тиркомель ҳазратларининг овозаси оламни тутиб кетади. Бу одам амакимни хароб қилади, у бундай зарбага дош беролмайди, албатта! Замбуко билан амаким, балки анави Нозим ҳам, Тиркомелдан сирни билиб олиш йўлида ҳеч нарсадан тоймайдилар... Улар руҳонийга азоб бериш, қийнашдан ҳам қайтмайдилар... эҳтимол, ҳатто...— Йўқ, йўқ, бу ердан тезроқ жўнаб қолиш керак!.. Майли, ҳазратлари сирни ўз қалбида сақлаб қолаверсин! Барча бахтсизликларни у айтгандек миллионлар келтириб чиқарадим, йўқми, буни билмадим-у, лекин менга шуниси аён: амаким билан бирга мисрликнинг бойлиги ортидан қувиб юрарканман, тобора ўз бахтимдан узоқлашиб боряпман... Тиркомель қўлидаги кенгликни билдирувчи рақамларни шунча сарсон-саргардонликлардан кейин қўлга киритганимиз узунликни кўрсатувчи рақамлар билан қўшишга ҳеч қачон рози бўлмайти, шундай экан, тинчгина Францияга қайтишдан бошқа иложимиз қолмайди...»

— Тангрининг иродасига итоат этмоқ лозим!— деяётган эди воиз шу топда.

«Мен ҳам шундай деб ўйлайман,— ўйлади Жюэль,— амаким тақдирга тан бериши керак».

Аммо ваъзхонлиқнинг ниҳояси кўринмас, руҳонийнинг сўзамоллик хазинаси битмас-туганмасга ўхшарди. Антифер тоға билан банкчининг тоқатлари-тоқ бўлаётгани ошқора кўриниб турарди. Соук мўйловини қимтий бошлади. Нотариус эса кема палубасидан тушганидан бери ўзини ғоятда хотиржам сезарди. Жильдас Трегомен бошини бир томонга қийшайтирганча оғзини очиб, қулоқларини динг қилиб ақалли бир неча таниш иборани илиб олишга тиришарди. Ҳаммалари:

«Бу лаънати руҳоний жонини жабборга бериб, шун-

ча маҳалгача нймалар деб валақлаяпти ўзи?»—деган маънода ёш капитанга саволомуз тикилишарди.

Улар ўзларича ваъз мана ҳозир тугайди деб турган пайтларида ҳаммаси яна бошқатдан бошланиб кетарди.

Антифер тоға хит бўлиб:

— Сира ақлга сигмайди-ку бу! Нймалар ҳақида гапиряпти у, Жюэль,— деганди, атрофдаги тингловчлар бараварига «жим-жимлаб» қолишди.

— Кейин гапириб бераман, амаки.

— Агар бу огзи тинмайдиган вайсақи қандай янги хабар олиб келганимни хиёл сезганида, ўша заҳотиёқ минбар ёнидан отилиб тушиб, олдимишга югуриб келарди-я!

— Ҳм!.. Ҳм!..— деди Жюэль шундай бир ғалати оҳангда, Антифер тоғанинг қошлари чимирилиб кетди.

Оламдаги ҳар бир нарсанинг, ҳатто «Эркин шотланд черкови» руҳонийси ваъзхонлигининг ҳам ниҳояси бўлади барибир. Мана, Тиркомель ҳазратларининг идҳомбахш нутқининг ниҳоясига етиб қолгани сезилиб турарди. У энтикиб-энтикиб нафас оларкан, тобора бетартиб имо-ишоралар қила бошлади, истиоралари борган сайин кескин, огоҳлантиришлари ваҳимали тус ола бошлади. Ва ниҳоят, жирканч маъдан эгаларига қарши сўнгги қақшатқич зарба берувчи даъвати янгради— у дунёда дўзах ўтида куймаслик учун, бу фоний дунёда қўлларидаги олтинларни лағча чўғ бўлиб турган ўчоққа ташлашларини қатъиян талаб қилди. Шундан кейин жазавага тушиб, гумбазлари остида сўзлари момагуллирақдай янграётган ибодатхонага шама қилиб, бундай дея хитоб қилди:

— Худди бир вақтлар шу ердаги судда айёр нота-риуслар ҳамда бўлак попок бандаларнинг қулоқларини миҳ билан тешганларидек, тонгла маҳшаргоҳда сизни бемуруват суд кутади, ана ўшанда қўлингиздаги олтинларингиз елкангиздан тегирмон тошидай босиб, сизни ўзи билан бирга дўзах ўтида абадий қоврилиш учун жаҳаннам қаърига тортиб кетажак!..

Ўз ваъзини ана шундай даҳшатли сўзлар билан тугатаркан, Тиркомель ҳазратлари хайрлашаётгандек ва айни пайтда атрофдагиларни дуо қилаётгандек ишора қилди-ю, ўша заҳотиёқ ғойиб бўлди.

Антифер тоға, Замбуко ва Соуклар уни ибодатхона

кираверишида кутишга, йўлдаёқ учрашиб, ўша ердаёқ ундан керакли маълумотларни олишга аҳд қилишди. Эрталабгача чидашга, яна етти ёки саккиз соат кутишга уларнинг сабрлари чидармиди, ахир?.. Тун бўйи кутиб, тонггача ич-этларини еб чиқишдек азобга тоқат қила олармидилар? Йўқ, улар художўйларни туртиб-итариб марказий эшик томон боришаркан, атрофдагилар уларнинг бундай муқаддас жойга сира ярашиб тушмайдиган қўполликларидан ғазабланардилар.

Жильдас Трегомен, Жюэль ва нотариус уларнинг орқасидан хотиржамгина, сиполик билан эргашиб юришарди. Бироқ барча уринишлари беҳуда кетди. Турган гапки, бу фоний дунёдаги барча бойликлардан воз кечиш ҳақидаги ўз ваъзининг бирдан-бир натижаси бўлмиш муқаррар олқишлардан қочиб, Тиркомель ҳазратлари Арши Аъло ибодатхонасининг ён томондаги эшигидан жўнаб қолган эди.

Пьер-Серван-Мало ва унинг ҳамроҳлари Тиркомелни марказий эшик олдида беҳуда кутишар, ўтиб кетаётганлар орасидан уни бекор излашар ва руҳонийни дам у, дам бу художўйдан бекорга сўраб-суриштиришарди... Балиқ сувда, қуш ҳавода қандай из қолдирса, ваъзхон ҳам оломон орасида худди ўшандай из қолдирган эди.

Ҳаммалари бир ерда жам бўлишди, гўё бирон иблис тўсатдан қўлларидаги ўлжани тортиб олиб қўйгандек, ҳаммалари дарғазаб ва ранжиган қиёфада эдилар.

— Хўп, жуда соз!.. Норс-Бридж-стрит, ўн еттинчи уйга жўнадик!— деб қичқирди Антифер тоға.

— Лекин, амаки...

— Уринга кирмасидан билиб оламиз ундан...— қўшиб қўйди банкчи.

— Лекин, жаноб Замбуко...

— Ҳеч қанақа лекин-пекини кетмайди, Жюэль!

— Яхши. Лекин битта гапим бор, амаки.

— Қайси борада?— деб сўради Антифер тоға, ғазабдан жони халқумига келиб.

— Анави Тиркомелнинг панд-насиҳати борасида.

— Унинг панд-насиҳатининг бизга неча пуллик алоқаси бор?

— Жуда катта алоқаси бор, амаки.

— Нима, менадан куляпсанми, Жюэль?

— Аксинча, амаки, бу жуда жиддий гап, яна шуни айтиб қўяйки, сиз учун ғоятда кўнгилсиз гап!

— Мен учун дейсанми?

— Ҳа... Мана, қулоқ солинг!

Шундан кейин Жюэль Тиркомель ҳазратларининг аҳволи руҳиясини бир неча оғиз сўз билан таърифлаб берди, унинг узундан-узоқ ваъзхонлигининг асосида фақат биргина фикр ётганини тушунтирди ва, ниҳоят, борди-ю бу нарса Тиркомелнинг ихтиёрида бўлса дунёдаги миллиард-миллиард бойликларнинг ҳаммаси аллақачаноқ океан тубидан жой олган бўлиши турган гаплигига имони комил эканини айтди.

Банкчи адоийи тамом бўлди, гарчи ўзини ҳеч нимани тушунмаётган қилиб кўрсатишга мажбур бўлса-да, Соук ҳам тонг қолганди. Ҳатто Жильдас Трегоменнинг ҳам турқи ўзгариб, афти бужмайиб кетди. Ҳа, тан олмақ керак, аҳволлари танг бўлиб қолганди.

Бироқ, Антифер тоға пинагини ҳам бузмаганди, унинг қиёфасида ҳеч қандай довдираш аломати кўрилмади ҳам. У Жюэлга айёрона оҳангда жавоб берди:

— Аҳмоқ... аҳмоқ... аҳмоқсан!.. Бунақа панд-насихат қиладиганларнинг ҳамёнида сариқ чақаси ҳам йўқ мулла қуруқ бўлади!.. Унақаларга ўттиз миллионнинг қорасини кўрсатиб кўр-чи, уни сувга ташлаб юборадими, йўқми, ана ўшанда биласан!

Шубҳасизки, бу жавоб унинг инсон қалбини ғоятда яхши билишидан далолат эди!..

Бироқ, ҳар қалай, Тиркомель ҳазратларининг Норс-Бридж-стритдаги уйига шу куни кечқуруноқ ташриф буюриш ниятидан қайтишди.

Олтовлари ҳам одатдагидек тартибда, «Қирол меҳмонхонаси» томон йўл олишди.

## УН ИККИНЧИ БОБ

*Сукут сақламоққа аҳд қилган руҳонийни мажбуран тилга киритмоқнинг осон иш эмаслиги*

Тиркомель ҳазратларининг уйи эски шаҳарнинг Кенонгет даҳасидаги энг машҳур, қадимий қўлёмаларда «Қўҳна қора чироғ» деб аталган кўчада жойлашган

эди. Бу бино Жон Ноксинг<sup>1</sup> уйига бориб тақаларди, XVI асрнинг ўрталарида Ноксинг бу уйининг деразалари тез-тез очилиб, машҳур шотланд реформатори оломонга қарата ваъз айтиб турарди. Бу қўшничилик Гиркомель ҳазратларига ёқарди, у ҳам ўз реформасини ҳаётга татбиқ этиш ҳаракатида эди. Тўғри, у деразадан туриб панд-насиҳат қилмасди, зероки бунинг алоҳида сабаби бор эди.

Гап шундаки, у истиқомат қиладиган хонанинг деразалари кўчага эмас, балки ҳозирги кунда темир излар билан тилимлаб ташланган ва жамоатчилик дам оладиган боққа айлантирилган жарлик томонга қараган эди. Олд томондан мўлжаллаб қараганда бу дераза учинчи қават баландлигига тўғри келса, жарлик томондан саккизинчи қаватга баравар келарди. Ана шундай баландликдан туриб панд-насиҳат қилиб, ваъз айтиб бўлармиди?

Умуман бу жуда кўримсиз ва бефайз уйнинг чор атрофи ифлос тор кўча ҳамда жин кўчалар билан қуршалган бўлиб, бу ернинг ҳавоси қўланса, сассиқ эди. Шаҳарнинг бу қисми қадимдан «Тузоқ» деб аталарди. Шунга ўхшаган кварталлар тарихий Кенонгет кўчасига келиб туташарди. Бу кўчанинг турли қисми турли номлар билан аталиб, Холируд қалъасидан то Эдинбург қалъасигача чўзилиб борарди. Бу қалъа эса Шотландиянинг иттифоқ шартномасига кўра ҳамма вақт мудофаага ўтишга шай туришга мажбур бўлган тўрт қалъасидан бири эди.

Шундай қилиб, эртасига эрталаб, яъни 26 июнь кун, худди қўшни ибодатхона қўнғироғининг охириги, саккизинчи бонги янграган пайтда Антифер тоға, банкчи Замбуко ва Жюэллар юқорида зикр этилган уйнинг эшиги олдига келиб гўхташди. Бу дастлабки учрашув пайтида ҳозир бўлиши шарт ҳисобланмагани сабабли Бинни Умарни таклиф этишмаганди, бинобарин Соук ҳам, унга қанчалик алам қилмасин, зиёратчилар сафига қўшила олмаганди. Башарти руҳоний кенгликни билдирувчи рақамларни айтадиган бўлса, унда Соук ҳеч нарсани била олмайди ва учинчи оролни малуиндан олдинроқ излашга тушолмайди.

---

<sup>1</sup> Жон Нокс (1505—1572) — шотланд реформатори, пресвитериан черковининг асосчиси.

Трегомен ҳам меҳмонхонада қолди. У ўз ҳамроҳларини кутаркан. Шаҳзода кўчасидаги ажойиботларни ҳамда Вальтер Скоттнинг<sup>1</sup> ҳашамдор ҳайкалини томоша қилиб юрди.

Жюэль, амакиси билан биргалашиб боришдан бош тортолмасди, албатта, у амакисига таржимон сифатида керак эди. Бундан ташқари, янги оролча қаердайкин, бу сафар Комулк пошшонинг хом хаёли Янги Дунё денгизларида саёҳат қилишга мажбур этмасмикин, у сабри чидамай, ана шуларни билишга ошиқарди.

Соук эса Тиркомель ҳузурига ташриф буюришдан четлатилганини тушуниб, жуда дарғазаб бўлди ва, одатдагидек, аламини Бинни Умардан олиб, у бечорага бутун заҳрини соча бошлади. Меросхўрлар чиқиб кетишгач, бечора нотариусни болохонадор қилиб сўкиб, дағдағали дўқ-пўписаларга кўмиб ташлади.

— Ҳа, ҳаммасига сен айбдорсан!— деб бақирди у стулларни ҳар томонга улоқтираркан.— Бу аҳмоқчилигинг учун каллангга таёқ ёғдириб, абжағингни чиқаргим келиб, қўлим қичиб турибди-да...

— Жаноби олийлари, қўлимдан келган ҳамма ишни қилдим-ку, ахир...

— Йўқ, ҳамма ишни қилмадинг! Матросга айитининг керак эди, у ерда бўлишинг зарур, шарт эканини уқтиришинг керакиди... ана унда ақалли сени ўзлари билан олиб кетишлари мумкин эди, сен учинчи оролнинг қайси кенгликда эканини билиб олиб, кейин менга айтардинг... Ана ўшанда у ерга балки... бошқалардан олдинроқ етиб олармидим!.. Эҳ, Муҳаммад алай-хуссаломнинг қаҳрига учрагур! Биринчи гал режаларим Маскатда, иккинчи сафар Маюмбада чиппакка чиқди, учинчи гал ҳам барбод бўлай деб турибди, бу қанақа кўргилиг-а! Бунинг ҳаммасига сен айбдорсан, чунки боққа қўйилган қўриқчидай жойингдан жилломай, қанқайиб ўтирибсан...

— Угинаман, жаноби олийлари...

— Онг ичиб айтаманки, мабодо омадим юришмай, муваффақиятсизликка учрайдиган бўлсам, бунга бошинг билан жавоб берасан, худди жонингни суғуриб оламан!

---

<sup>1</sup> Вальтер Скотт (1771—1832)— улуғ шотланд адиби, талайгина машҳур тарихий романларнинг муаллифи.



Бу мажаро охири шундай даҳшатли тус олдики, шовқин-суронни эшитган Трегомен улар турган хона эшиги олдига келди, бахтига Соук газабини ўз тилида тўкиб-солаётган эди. Агар у Бинни Умарни французчалаб ҳақорат қилганида Трегомен унинг машъум режаларини, сохта Нозим исми билан юрган бу шахснинг аслида ким эканини билиб олган ва шахс ўз қилмишларига яраша жазосини тортган бўларди.

Ҳар қалай, гарчи Трегомен гапнинг асли моҳиятини тушунмаган бўлса-да, гумаштанинг Бинни Умарга бундай қўпол муомила қилаётгани уни ҳайратда қолдирди. Еш капитаннинг гумон-шубҳалари тамоман тасдиқланди.

Антифер тоға, Замбуко ва Жюэллар руҳоний уйининг остонасидан ўтишлари биланоқ деворга тортилган, кирлаб ёғи чиқиб кетган арқонни ушлаганларича тахта пиллапоядан юқорига кўтарила бошлашди. Трегомен бу вақт ичида жуда озиб қолганига қарамай бунақанги камбар ва қоп-қоронғи айланма пиллапоядан ҳеч қачон юқорига чиқа олмаган бўларди.

Ташриф буюрувчилар бинонинг шу томонидаги сўнгги учинчи қават йўлагигача чиқишди. Йўлакнинг ичкарироғида мўъжазгина эшик бўлиб, унга қоқилган лавҳага Тиркомель ҳазратларининг исми-шарифлари ёзиб қўйилган эди.

Антифер тоға «уф!» дея чуқур тин олди. Кейин у эшикни тиқиллатди. Ҳеч қандай жавоб бўлмади. Наҳотки, руҳоний уйда бўлмаса? Нима ҳаққи бор бунга, қани айтинг-чи! Бир одамга миллионлаб бойлик олиб келинса-ю, у...

Антифер тоға яна, сал қаттиқроқ тақиллатди.

Бу гал ичкаридан оҳистагина шовқин эшитилди. Тўғри, эшик қулфлогича тураверди-ю, бироқ Тиркомель ҳазратларининг исми-шарифлари ёзилган тахтача остидаги туйнукча очилди.

Туйнукчада руҳонийнинг уларга таниш боши пайдо бўлди.

— Хизмат?— деди Тиркомель, безовта қилганлари ёқмайдиган одамдек бир оҳангда.

— Сиз билан суҳбатлашмоқчи эдик... бир-икки оғизгина,— жавоб берди Жюэль инглизчалаб.

— Нима ҳақда?

— Ҳоятда муҳим бир иш ҳақида.

— На муҳим, на номуҳим ишим йўқ менинг.

— Эшигини очадими-йўқми ўзи бу ҳазрат?— деб ўдағайлади Ангифер тоға тоқати тоқ бўлиб.

Буни эшитиб, руҳоний соф француз тилида:

— Французлармисиз?— деб сўради. У француз тилини мукамал билар экан.

— Ҳа, французлармиз,— жавоб берди Жюэль. Бу ҳол Тиркомелнинг кўнглини юмшатишга ёрдам беради деб ўйлаб, қўшиб қўйди:— Кеча Арши Аъло ибодатхонасида сизнинг панд-насиҳатларингизни тинглаган французлармиз...

— ...ва менинг таълимотимни қабул этиш иштиёқидаги кимсалармисиз?— деб сўради руҳоний шоша-пиша.

— Балким, ҳазрат.

— Бизларникини қабул қилар жон-жон деб,— тўнғиллади Ангифер тоға.— Борди-ю, ўз улушини бизга эҳсон этишни маъзур кўрса, бемалол...

Эшик очилди ва сохта муридлар Тиркомель ҳазратларининг уйига киришди.

Хонага шимол томондаги жарликка қараган яккаю ягона деразадан ёруғлик тушиб турарди. Хонанинг бир бурчагида похол тўшак ва адёл ташланган темир каравот, иккинчисида пардоз анжомлари қўйилган стол турарди. Стол ёнида битта курси. Мебель ўрнида биттагина шкаф, афтидан унда кийим-бош сақланса керак. Жовонда бир неча китоб, улар орасида албатта одатдагидек бурчаклари титилиб кетган забур, қоғозлар, патқаламлар, сиёҳдон турарди. Хонада ҳеч қандай пардаю дарпардадан ном-нишон кўринмасди. Яп-ялангоч деворлари оҳак билан оқланган. Мўъжазгина столда қалпоқчаси пастга қаратилган лампа турибди. Бу ер руҳонийнинг ҳам ётоғи, ҳам иш хонаси эди; афтидан унинг турмуш учун энг зарур бўлган нарсалар билангина қаноатлангани яққол кўзга ташланиб турарди. У қўшни қовоқхонада овқатланарди, бу дабдабали ресторанлардан эмасди, албатта.

Бошдан-оёқ қора либосга бурканган, устидаги узун ридоси ёқаси остидан ингичка оппоқ галстук кўриниб турган Тиркомель ҳазратлари муҳожирлар хонага кириши биланоқ бошидан цилиндрини олди. Зотан у меҳмонларни ўтиришга таклиф этмаган экан, бунинг сабаби уйда юқорида айтиб ўтганимиздек биргина курси борлигида эди, холос.

Ҳақиқа кўчилганда, бор буд-шудини йиғиштириб сотганда ўттиз шиллингга ҳам бормайдиган шу зоҳидона ҳужрадан бўлак миллионларга ташнароқ бирон бир хонадон бўлмаса керак...

Антифер тоға билан банкчи Замбуко бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди. Ут очишнинг фурсати етганди. Ростки ворисдошлари француз тилини билар экан, уларнинг Жюэлнинг воситачилигига эҳтиёжлари қолмаганди, шу сабабли ёш капитан оддий бир томошабиндай бўлиб қолган эди. Ишнинг бундай тус олишидан у тамоман мамнун эди, шунинг учун бу можарони қизиқиш билан томоша қилишга тайёрланиб турди. Ким ғолиб чиқаркин? Биров шу борада баслашмоқчи бўлса, шу топда амакисининг томонида туриб гаров ўйнаши амри маҳол эди...

Даставвал Антифер тоға ийманиб турди, шундай аҳволга тушишига ўзи ҳам ҳеч қачон ишонмаган бўлурди. Бу муросасиз ваъзгўйнинг ердаги фароғат ва фаровонликка нисбатан бўлган қарашларидан хабардор бўлгач, у айёрона ва эҳтиёткорлик билан иш олиб бориш ҳамда ҳазратларини Комулк пошшонинг, шубҳасизки янги, энг сўнги кенгликни билдирувчи рақамлар ёзилган мактубини беихтиёр кўрсатишга зимдан тайёрлаб боришга аҳд қилганди.

Замбуко ҳам худди шундай фикрда бўлиб, бўлажак куёвига қандай иш тутиш кераклигини қўлоғига қуйишдан асло зерикмаганди. Бироқ бу жазавага тушган малуин ғазабини босиб тура олармикин, чунки унинг асаб торлари ҳаммиша таранг тортилиб турса, биринчи эътирозга рўбарў келиши билан ғазабни жунбушга келиб, ойналарни чил-парчин қилиб синдириб ташламасмикин?

Ҳар қалай биринчи бўлиб у сўз бошлагани йўқ. Учала меҳмон оғирлигини дам у, дам бу оёғига солиб туришаркан, улар рўпарасида турган Тиркомель ҳазратлари панд-насиҳатларини бошлашга ҳозирланган ваъзхон қиёфасини олганди. Бу одамларнинг унинг таълимотига эргashiш иштиёқида келганига имони комил эди руҳонийнинг, шунинг учун ҳам у буларга ўз нуқтаи назарини қандай қилиб чиройлироқ баён этишинигина ўйларди, холос.

— Биродарларим,— деди у, миннатдорлик билан қўлларини кўксига қўйиб,— ганрига минг қатла шу-

курким, у менга бандаларни сўзларимга ишонтира олиш қувватини берган, сиздек иниларимнинг қалбида бойликка нисбатан нафрат қўзғата олишим ҳамда бу фоний дунёнинг ҳузур-ҳаловатидан воз кечиш туйғусини уйғота олишимга имкон бергани учун қодир эгам шаънига ҳамду санолар ўқийман...

Қани энди, бу сўзлардан кейин у иккала меросхўрнинг бетига бир қиё боқиб қўйса.

— Иниларим,— давом этди ваъзхон,— ихтиёрларингиздаги бойликларни йўқ қилиш билан...

«Ҳали ихтиёримизда бўлмаган!»— деб қичқириб юборай деди Антифер тоға.

— ...ҳайратда қоларли ўрناق кўрсатасизлар, бу фоний дунё фароғатидан охиратини афзал кўришга қобил бўлган барча бандалар сизларга эргашажаклар...

Антифер тоға кескин бир ҳаракат билан трубкасини оғзининг бир бурчидан иккинчисига ўтказди, шу пайт Замбуко унинг қулоғига бундай деб шивирлади:

— Келишдан мақсадимизни бу вайсақига тушунтириб қўймайсизми?

Малуин маъқул дегандек бош ирғаркан, ўзича ўйлади:

«Йўқ, йўқ, бу панд-насиҳатлари билан кечагидақа хит қилиб юборишига йўл қўймайман!..»

Тиркомель ҳазратлари бу тавба қилган гуноҳкори азимларни гўё оғушига олмоқчи бўлгандек қучоғини очаркан, меҳрибонона овоз билан деди:

— Исми-шарифларингиз, иниларим, токи...

— Бизнинг исми-шарифларимиз, жаноб Тиркомель,— дея унинг гапини бўлди Антифер тоға,— мана бизнинг исми-шарифларимиз ва уивонимиз мана бундай: каминалари Антифер Пьер-Серван-Мало бўламан, соҳил бўйлаб сузувчи кеманинг истеъфодаги капитаниман. Бу киши Жюэль Антифер, менинг жияним, олисга сузувчи кема капитани, бу киши эса жаноб Замбуко, тунислик банкчи бўладилар...

Тиркомель бу исмларни ёзиб олиш ниятида стол ёнига борди.

— Бинобарин, шубҳасизки,— деди у,— бу фоний дунё ҳузур-ҳаловатидан воз кечиш билан бир пайтда инсон учун оғу бўлмиш бойликларингизни олиб келгансизлар... балки келтирган бойликларингиз миллионлабдир.

— Жуда тўғри, жаноб Тиркомель, гап миллионлар ҳақида боряпти, ўз улушингизни олганингиздан кейин, уларни йўқ қилиб юборасизми, ўтга ташлайсизми, ихтиёрингиз бу... Илло, бизга келганда уни нима қилишимиз кераклигини ўзимиз ўйлашиб кўрамиз...

Антифер тоға шошма-шошарлик қилиб қўйган эди. Жюэль билан Замбуко буни Тиркомелнинг қиёфаси ўзгаришидан ўша заҳотиёқ пайқаб қолишганди. Унинг пешонаси тиришиб, кўзлари қисилиб кетди, оғушига олиш учун ёзилган қўллари пўлат сандиқнинг қопқоғи тарақлаб ёпилгандек кўксида чалишди.

— Гап нимада ўзи, жаноблар?— деб сўради у бир одим тисариларкан.

— Гап нимада?— такрорлади Антифер тоға.— Жюэль, барака топгур, ҳаммасини бир бошдан ўзинг гапириб бер, чунки мен оғзимга кучим етмай, алжиб юбораман!

Шундан кейин Жюэль бор гапни ипидан-игнасиғача оқизмай-томизмай гапириб берди. У Комулк пошшо ҳақида билган-эшитганларининг ҳаммасини, Томас Антифер билан банкчи Замбуколарнинг унга кўрсатган ёрдамлари ҳақида, пошшонинг васийси исқандариялик нотариус Бинни Умарнинг Сен-Малога келгани, биринчи оролни излаб Уммон кўрфазига қилган сафарлари, иккинчи орол жойлашган Маюмба қўлтиғига борганлари ҳамда у ердан топилган ҳужжатга биноан иккала меросхўрнинг учинчи меросхўр — эдишбурглик эсквайр Тиркомель ҳазратларининг ҳузурига келганлари ҳақидаги саргузаштларни сўзлаб берди.

Жюэль ҳикоя қилар экан, ваъзгўй ҳатто қилт этиб қимирлаб ҳам қўймади; на кўзларида йилт этган учқун кўринди, на юзидаги бирон мушак «лип» этди. Мармар ёҳуд бронзадан ясалган ҳайкал ҳам унинг олдида ҳеч гап бўлмади қолди. Еш капитан ҳикоясини тугатиб, Тиркомелдан бирон вақт Комулк пошшога бирон вайдан ёрдам берган-бермаганини сўраганда, у:

— Йўқ,— деб жавоб берди.

— Отангизчи?

— Эҳтимол.

— Эҳтимол жавоб бўлолмайди,— деди Жюэль, худди қорақурт чақиб олгандек бир жойда гирдикапалак бўлиб айланаётган амакисини тинчлантириш ниятида.

— Мен беришим мумкин бўлган бирдан-бир жавоб шу,— дея қуруққина эътироз билдирди Тиркомель.

— Бўш келманг, жаноб Жюэль, бўшашманг...— деб шивирлади банкчи.

— Қўлимдан келганича уришиб кўраман, жаноб Замбуко,— деб жавоб берди Жюэль.

Жюэль яна бутун важоҳатидан сўйсанг ҳам миқ этмайман деган маъно англашилиб турган Тиркомелга мурожаат этди:

— Биттагина савол беришга ижозат этасизми?

— Майли, зотан мен бунга жавоб бермаслигим ҳам мумкин.

— Биласизми, отангиз Мисрда бўлганми?

— Йўқ.

— Майли, башарти Мисрда бўлмаса, ақалли Сурияда, аниқроғи Алеппода бўлганми?

Комулк пошшонинг Қоҳирага қайтишдан аввал бу шаҳарда бир неча йил истиқомат қилганини унутмаслик керак.

Бир оз иккиланиб тургач, Тиркомель ҳазратлари отасининг чиндан ҳам Алеппода турганини ҳамда Комулк пошшо билан алоқаси бор эканлигини тан олди. Демак, Комулк пошшонинг Томас Антифер ва банкчи Замбуко каби Тиркомелнинг отаси олдида ҳам бурчли эканига ҳеч қандай шубҳа қолмади.

— Ундай бўлса, яна бир нарсани сўрашга изн берсангиз,— давом этди Жюэль,— отангиз Комулк пошшодан хат олиб турармиди?

— Ҳа.

— Хазинаси кўмилган оролнинг қаерда жойлашгани ҳақида ёзилган хатни ҳам олганмиди?

— Ҳа.

— Уша хатда бойлик кўмилган оролнинг қайси кенгликка жойлашганини билдирувчи рақамлар кўрсатилганмиди?

— Ҳа.

— Уша хатда яна кунлардан бир кун шу масала бўйича отангизнинг ҳузурига Антифер ҳамда Замбуко исмли кимсаларнинг ташриф буюражаклари ҳам ёзилганмиди?

— Ҳа.

Тиркомелнинг «ҳа» деб жавоб бериши худди болға зарбасидай тобора кескинроқ янграрди.

— Хўш, гап шундай экан,— деди Жюэль,— капитан Антифер билан банкчи Замбуко мана қаршингизда туришибди, мабодо пошшонинг ўша хатини кўрсатишни лозим кўрсангиз, улар васият қилувчининг иродасини бажариш учун шу ондаёқ йўлга тушадилар, бу васият-номага биноан уювларингиз унинг меросхўрлари бўласизлар.

Жюэль уни саволга тутаркан, Антифер тоға дам лақизғалдоқдек қизариб, дам бўздек бўзариб, ўзини аранг босиб турарди.

Тиркомель бир нафас жим турди-да, кейин лабларини қимтиб деди:

— Хазина кўмилган ерга етиб олганларингдан кейин нима қилмоқчисизлар?..

— Уни албатта ковлаб оламиз!— деди Антифер тоға қичқариб.

— Ковлаб олганларингдан кейин-чи?

— Уч қисмга бўламиз!

— Ўз улушларингизни нима қилмоқчисизлар?

— Кўнглимиз тусаганини қиламиз, ҳазратим!

Малуин яна бир қўпол хатога йўл қўйдиким, бунинг оқибатида Тиркомель тўнини тескари кийиб, эгига қамчи босди.

— Шунақа денг. Жуда соз, жаноблар!— дея хитоб қиларкан, кўзлари чақнаб кетди.— Сизлар бу бойликдан ўз ҳирсингизни, ўз иштаҳангизни қондирмоқ ниятдасизлар, бошқача айтганда, бу фоний оламдаги адолатсизлик уруғини янада кўпайтирмоқчисизлар...

— Ижозат этсалар...— деб унинг гапини бўлди Замбуко.

— Йўқ, ижозат этмайман! Мен сизлардан қуйидаги саволга жавоб беришларингизни талаб қиламан: борди-ю, бу бойликлар қўлларингизга киргудек бўлса, уни йўқ қилиб ташлашга сўз берасизларми?

— Ҳар кимнинг ихтиёри ўзида, меросдан теккан ўз улушини нима қилса қилаверади,— деб мужмал жавоб берди банкчи.

Пьер-Серван-Мало тутоқиб кетди.

— Гап бунда эмас!— деб қичқариб юборди у.— Бу хазинанинг қиймати қанчалигини тасаввур қиляпсизми ўзи, ҳазратим?

— Барибир эмасми бу ахир?

— Юз миллион франк-а!.. Юз миллион!.. Учдан бири — ўттиз уч миллиони — сизнинг улушингиз...

Тиркомель елкаларини қисиб қўйди.

— Ҳазратим, — сўзида давом этди Антифер тоға, — васиятнома қўлингиздаги ахборотни бизга етказишни тақозо этади, шу нарсдан хабарингиз борми?

— Наҳотки?

— Сиз бу юз миллионнинг бекор ётишига қанчалик ҳаққингиз бўлмаса, айни вақтда уни тамоман ўзингизники қилиб олишга шунчалик ҳаққингиз йўқ, ана шундан хабарингиз борми?

— Мен бу фикрга қўшилолмайман.

— Яна шу нарсани биласизми, башарти сиз оёқ тираб туриб олсангиз, биз қараб турмаймиз, адолат судига мурожаат этишдан... сизга қарши иш қўзғашдан... сизни жиноятчи деб эълон қилишдан тоймаймиз!.. — деб бақирди сабр косаси тўлиб-тошган Антифер тоға ғазабини босолмай.

— Жиноятчи дейсизми!.. — деб такрорлади Тиркомель ғазаб билан, аммо ўзини тутиб. — Дарҳақиқат, жаноблар, журъатларингизга мувофиқ даражада аҳмоқ экансизлар! Наҳотки мени бу юз миллионни ер юзига сочиб, инсонларнинг фоний дунёдаги гуноҳи юз миллион карра ортишига рози бўлади деб ўйлайсизлар? Сизларча мен ўз таълимотим ва эътиқодимга хилоф иш тутиб, эркин шотланд черкови художўйлари, ўз эътиқодига содиқ, қалби пок одамларнинг бу юз миллионни деб бетимга туфуришларига қўйиб қўярмидим?

Шуни тан олиш керакки, ҳазрат бундай дабдаба билан оқилона, чиройли сўзларкан, қиёфаси виқорли ва улугвор тус олганди. Жюэль бу шиддаткор мутассибнинг ўзини тутишига қойил қолган бўлса, Антифер тоға ғазабдан жони ҳалқумига келиб, уни ғиппа бўғиб ташлашга ҳам тайёр эди.

— Ҳами ё йўқми? — деб ўдағайлади у муштларини тутиб. — Ҳами ё йўқми? Бизга пошшонинг хатини кўрсатасизми ўзи?

— Йўқ!

Антифер тоға ғазабдан ўзини йўқотиб қўйди.

— Йўқ? — дея такрорлади оғзидан тупуклари сачраб.

— Йўқ!

— Ҳа-а! Шунақами ҳали!.. Ҳа фрибгар!.. Бу хатни зўрлик билан тортиб оламан!



Жюэль амакисининг оғзаки сўздан амалий ишга ўтишига йўл қўймаслик учун ораларига туриб олганди, амакиси уни силтаб итариб юборди. Антифер тоға қаршида илгаригидек совуққина ва бепарво боқиб турган руҳонийнинг томоғидан гиппа олмоқчи эди. Унинг бутун вужудини хонани, шкафни остин-устин қилиб тинтиш, қоғозларни титиш истаги қамраб олган эди (шунини ҳам айтиб қўяйликки, бу титкилаш кўпга чўзилмасди). Бироқ Тиркомель ҳазратларининг жўнгина, аммо эътирозга ўрин қолдирмайдиган бир оҳангда айтган қуйидаги сўзлари уни бу ишга киришишдан қайтариб қолди:

— У хатни излашнинг фойдаси йўқ...

— Сабаб?— сўради банкчи Замбуко.

— Чунки у йўқ энди.

— Нима қилгансиз уни ахир?

— Ёқиб юборганман.

— Ўтга ташлаган... У хатни ўтга ташлаган!— ўкириб юборди Антифер тоға.— Аблах!.. Юз миллионни қандай топишнинг сир-асрори ёзилган хатни-я... энди бу сирни ҳеч қачон билиб бўлмайди!..

Чиндан ҳам бу ҳақ гап эди. Яна бойлик васвасасига берилмаслик ва ҳар қандай шароитда ҳам бу бойликдан фойдаланиб ўз маслак-эътиқодига зид бўлиб тушадиган иш қилиб қўймаслик мақсадида Тиркомель ҳазратлари ўша хатни бундан бир неча йил муқаддам ёқиб юборган эди.

— Ана энди боринглар,— деди у меҳмонларга эшикни кўрсатиб.

Тоға адоий тамом бўлганди. Хужжат ёқиб юборилган... Эндиликда оролнинг қаерга жойлашганини ҳеч қачон, ҳа-ҳа, ҳеч қачон аниқлаб бўлмайди!.. Банкчи Замбуконинг ҳам юрак-бағри эзилиб тамом бўлган эди. У худди биров ўйинчоғини қўлидан тортиб олиб қўйган ёш гўдакдек «ҳўнг-ҳўнг» йиғларди.

Жюэль ҳар иккала меросхўрни аввал пиллапояга, кейин эса кўчага итариб-суриб чиқди-да, учовлари «Қирол меҳмонхонаси» томон жўнашди.

Улар кетгач Тиркомель ҳазратлари қўлларини кўкка чўзиб, бу юз миллион олиб келиши мумкин бўлган беҳисоб гуноҳларнинг олдини олишда ўзига мададкор бўлган тангри ҳақиға шукроналар ўқиди.

## Ў Н У Ч И Н Ч И Б О Б

*Бу фожиавий-комедик қиссадаги иккинчи даражали шахс,  
бўлакча айтганда „дсуман“нинг ғойиб бўлиб қолиши*

Антифер тоға бу ташвишлар, сарсон-саргардонлик, изтироб-ҳаяжон, узлуксиз алмашилиб турган умид ва тушқунликларга бардош бера олмади. Ҳа, ҳатто каботаж кема капитанининг ҳам жисмоний ҳамда маънавий қувватининг чегараси бор, ана шу чегарани босиб ўтиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Антифер меҳмонхонага етиб келгани ҳаманоқ ётиб қолди. Асаблари қақшаб, аъзойи бадани алангаи оташ бўлиб ёнар, алахсирарди. Бу ҳол хунук оқибатларга олиб бориши мумкин эди. Унинг жунбушга келган миясини васваса заҳарлаб қўйганди. Мақсадга етай деганда узилиб қолган муваффақиятсиз ўтган саёҳатнинг айрим манзаралари, номаълум ерга кўмилган битмас-туганмас бойлик — дуру жавоҳирлар, аллақайси номаълум сувларда қолиб кетган учинчи оролча, анави даҳшатли руҳоний ўтга улоқтирган мактуб, ҳатто қийноққа солганларида ҳам руҳоний айтиб бермайдиган муқаддас рақамлар унинг хаёл кўзгусидан тасбеҳ доналаридай тизилишиб ўтарди. Малуининг шундоқ ҳам ақлдан озай деб турган мияси бу сўнгги зарбага дош беролмайди деб хавотирланиш учун етарлича асос бор эди. Ошиғич суръатда чақиртирилган врач беморнинг ақлдан озишига оз қолганини таъкидлади.

Турган гапки, тоғага жуда катта ғамхўрлик кўрсатилди. Жильдас Трегомен билан Жюэль уни бирон дақиқа ҳам ёлғиз қолдиришмади, бошида парвона бўлишди, башарти у соғайиб кетган экан, фақат шуларнинг ғамхўрлиги ва парвариши сабаб бўлди.

Меҳмонхонага қайтгач, Жюэль Бинни Умарни бор гапдан хабардор этди, у эса ўз навбатида Тиркомель ҳазратларининг учинчи орол жойлашган кенгликни билдирувчи рақамларни айтишдан қатъиян бош торганини Соукка етказди. Сохта Нозимнинг буни эшитиб қанчалар дарғазаб бўлганини асти қўяверасиз. Бироқ, у бу гал бахти қаро нотариусга захрини тўкиб-солмади, дарғазаб бўлганини сездирмади ҳам. У миқ этмай тураркан, афтидан Антифер тоғанинг қўлидан чиқиб кетган бахт қушини қандай қилиб ўз бошига қўндириш ва қандай қилиб бу сирни билиб олиш, ҳамда ундан ёлғиз

ўзи фойдаланиш режасини тузарди. Афтидан, у ўзининг бутун куч-қувватини шу мақсадни амалга оширишга бағишлаган бўлса керак. Ҳар қалай, ўша куни, эртасига ҳам меҳмонхонада унинг қораси кўринмади.

Руҳонийнинг ўзини қандай тутганини Жюэлдан билиб олган Трегомен бундай деди:

— Менимча, бу ишни бас қилиб, ҳаммасидан воз кечиб қўя қолиш керак. Сен нима дейсан, бўтам?

— Менимча ҳам шундай, жаноб Трегомен. Лекин бунақанги қайсар одамларни ўз фикридан қайтариш амри маҳол...

— Ҳар қалай, жуда аҳмоқ экан-а, бу руҳоний! Унга бир неча миллионни қўшқўллаб кўтариб келсалар-у, у бўлса ундан юз ўгириб ўтирса-я!

— Бир неча миллионни қўшқўллаб кўтариб келсалармиш-а!— деди ёш капитан шубҳалангандек оҳангда.

— Сен унинг мавжудлигига ишонмайсанми, Жюэль?.. Сен янглишмаётганмикансан?..

— Қандай ўзгариб кетибсиз-а, жаноб Трегомен!

— Бўлмасам-чи! Анави олмослар топилганидан кейин ўзгармай бўлар эканми-я!.. Турган гапки, миллионлар албатта учинчи оролда деб ишонтирмоқчи эмасман, лекин, бойлик ўша ерда бўлиши ҳам мумкин-ку, ахир... Афсуски, анави руҳоний ҳеч нимани эшитишни ҳам истамаётган экан, учинчи оролни қасрда эканини ҳеч қачон билолмаймиз.

— Ҳар қалай, жаноб Трегомен, ҳатто Маюмбадан топилган ўша икки дона олмос ҳам мени, пошшо бизни лақиллатмоқчи бўлиб, аҳмоқона ҳазил қилган деган фикримдан қайтара олгани йўқ...

— Қандай бўлмасин, бечора амакингга бу нарса жуда қимматга тушиши мумкин, Жюэль. Ҳозир энг муҳими — уни тезроқ оёққа бостириш. Ишқилиб, мияси бу зарбага дош берса бас! Уни худди шафқатли ҳамширалардай парвариш қиламиз, ўриндан турса поездга ўтиришга қуввати етади, Францияга тезроқ қайтишни ўзи ҳам истаб қолади... Яна ҳеч нарса кўрмагандай хотиржамгина яшайверади...

— Эҳ, жаноб Трегомен, қани энди у ҳозир От-Салль кўчасида бўлиб қолса-я!

— Сен-чи, сен жажжи Эногатнинг ёнида бўлиб қолсанг-а, бўталоғим!.. Айтгандай, унга хат-пат ёзмоқчимисан?..

— Шу бугуноқ унга хат ёзаман, ўйлайманки, бу сафар қайтсак керак, унга худди шундай деб ёзиб юбораман.

Орадан бир неча кун ўтди. Беморнинг аҳволи оғирлашгани йўқ. Балки дастлаб жуда кўтарилиб кетган иситма аста пасая борди. Бироқ доктор ҳамон бечора тоға ақлдан озиб қолмаса, деган хавотирда эди. Тамоман ақли-ҳуши жойида эмасди унинг, лекин, рост, у дўсти Трегоменни, жияни Жюэлни, бўлажак қайнағасини таниётганди... Тўхтанг, қайнағасини дейсизми?.. Гап орамизда қолсин-у, ажойиб жинс вакили бўлмиш ва ваъда қилинган куёвни ўзининг Мальтадаги хонадонида сабрсизлик билан кутиб ётган эллик яшар мадемуазель Талисма Замбуконинг умрбод қизлигича қолиб кетиш хавфи туғилганди. Минг бора афсуски, бойликлар қўлга кирмаган экан, эр ҳам қўлдан кетадиган бўлди, зероки бу икки нарса бир-бировини тўлдириши, умр қуришлари учун восита бўлиши лозим эди-да.

Бир нафасга бўлса-да на Трегомен, на Жюэль меҳмонхонани тарқ этишди. Бемор доим уларни чақирар, чеки-чегараси кўринмайдиган нолиш-шикоятларини, манфур руҳоний шаънига ёғдирадиган айбномасию дағдғаларини эшитиб, кечасию кундузи унинг хонасидан жилмай ўлтиришларини талаб қиларди. Тоға Тиркомелни судга бермоқчи бўларди, унинг устидан майда дунёвий ишлар судьясига ёки олий суд мансабдорига шикоят қилмоқчи, кейин ишни олий жинорий ишлар судига, ҳатто адлия министрлиги ихтиёрига оширмоқчи бўларди. Судьялар уни тезгина тилга киритишади... Юз миллион франк бойлик муомалага киритилади деган бир оғиз иборанинг ўзи тилга киритишларига мажбур этади... Ахир, бу тариқа жиноятга қарши бирон жазо мавжуд бўлиши керак-ку, бунақаларга ҳатто энг даҳшатли ва энг қаттиқ жазо берилиши керак, дорга худди мана шунақанги жиноятчи тортилмаса, ким тортилади унда?! Ва ҳоказолар.

Антифер тоғанинг эртадан-кечгача чакаги тинмасди. Жильдас Трегомен билан Жюэль навбатма-навбат тоғанинг тўшаги ёнида ўтиришарди, борди-ю тоға ўзини йўқотиб қўядиган бўлса, икковлари ҳам унинг тепасида бўлишарди. Бундай пайтларда бемор ўрнидан туриб кетмоқчи, хонадан отилиб чиқиб, Тиркомель ҳазратларининг ҳузурига югуриб бормоқчи, уни қоқ миясидан отиб

ташламоқчи бўлар, ана шундай онларда Трегоменнинг чабардаст қўллари уни ўрнига парчинлаб, маҳкам босиб турарди.

Ана шунинг учун ҳам Трегомен тош ва мрамардан бунёд этилган ажойиб Эдинбург шаҳрини томоша қилишни қанчалар истамасин, бу истагидан воз кечишга мажбур эди. Кейинроқ, дўсти соғая бошлаб, сал ўзини ўнглаб олгач, бунинг ҳиссасини чиқариб олади. Даставвал у Шотландия ҳукмдорларининг қадимий қароргоҳи Холируд қасрини томоша қилади, қиролларнинг ҳашамдор саройларини, Мария Стюартнинг<sup>1</sup>, бахтсиз қиролича ҳаётлигида қандай бўлса, ўшандайлигича сақланиб қолган оромгоҳини бориб кўради... У Кенонгет бўйлаб бориб базальт жинсли қоя чуққисидан виқор билан қад кўтариб турган Кэстлгача кўтарилади: у ерда бўлажак шотландиялик Иаков VI ҳамда англиялик Иаков<sup>2</sup> оламга келган мўъжазгина хона ҳамон сақланиб қолган. Трегомен ғарб томондан қаралса ухлаб ётган арслонга ўхшаб кетадиган «Артур тахти»гача кўтарилади; у ердан, денгиз юзасидан икки юз қирқ етти метр баландликдан қаралса, бутун шаҳарнинг, қадимий Рим шаҳрига ўхшаган тепаликларга жойлашган қисми, Эдинбургнинг фёрт-оф-форт қўлтиғидаги чинакам порти бўлган Литгача<sup>3</sup>, Файф графлиги соҳилларигача, Бен-Ломонд, Бен-Леди, Ламмермур-Хилс ва бепоён денгиз ялангликларигача кўз ўнгингизда намоён бўлади...

Она табиат қанчалар сўлим манзараларни, инсон қўли эса қанчалар мўъжизаларни яратган-а! Трегомен ҳамон руҳонийнинг саркашлиги туфайли бой берилган хазина ҳақида қайғураркан, бу ажойиб манзарани томоша қилиш иштиёқида қанчалик ёнмасин, бироқ бурч ҳисси уни ўзининг зolim дўсти тўшаги ёнида ўлтиришга мажбур этарди.

---

<sup>1</sup> Мария Стюарт (1542—1587)—шотланд қироличаси; инглиз баронларининг реакцион католик партиясини қувватлаган, инглиз қироличаси Елизаветанинг фармони билан қатл қилинган.

<sup>2</sup> Иаков I, шунингдек шотландиялик Иаков VI ҳам деб аталган (1566—1625)—Англия қироли; унинг мутлақ ҳукмдорликка интилиши буржуазия ва парламент томонидан кескин қаршиликка учраб, оппозицияни вужудга келтирган.

<sup>3</sup> Лит — Эдинбургга жуда яқин ерда жойлашган, Фёрт-оф-форт қўлтиғи соҳилидаги порт шаҳар.

Шу боисдан бу оқ кўнгил, сахий одамнинг ланг очиқ турган меҳмонхона деразасидан Вальтер Скоттнинг машҳур ҳайкалини, готик услубида қурилган тоқчалари гўё буюк шотланд романнависининг тасаввури яратган эллик олти паҳлавонни кутиб турган, деярли икки юз фут баландликка бўй чўзган пиластирларни томоша қилишдан ўзга иложи қолмаган эди.

Кейин Жильдас Трегомен нигоҳини Қолтон-Хилл томон чўзилиб кетган Шаҳзода кўчасига бурарди, чошгоҳга бир неча дақиқа қолганда эса обсерваториянинг минорасидаги олтин шарни кузата бошларди, бу шар қуёш худди пойтахт меридианидан ўтаётган дамда пастга туша бошларди.

Бу орада Кенонгет даҳасига, сўнгра эса бутун шаҳарга шундоқ ҳам машҳур бўлган Тиркомелнинг шуҳратини оширадиган миш-мишлар таралди. Маълум ва машҳур ваъзлари, сўзи билан иши бир одамга хос иш тугиб, жуда катта, ақл бовар қилмайдиган бойликдан воз кечгани оғиздан-оғизга ўтарди. Одамлар унинг бир неча миллион, ҳатто бир неча юз миллион бойликни инсон ҳарислигидан яширмоқ ниятида экани ҳақида гапиришарди. Эҳтимол, ўз обрўсини ошишига хизмат қиладиган бу миш-мишларнинг ёйилишига руҳонийнинг ўзи ёрдам қилгандир, чунки буни сир сақлашдан унинг учун ҳеч фойда йўқ эди. Газеталар ҳам бу миш-мишларни ёритиб, Комулк пошшонинг аллақайси номаълум оролдаги қоялар остида кўмилган бойлиги ҳақидаги хабарларни босиб чиқара бошлади. Оролнинг қаерда жойлашганига келсак, зотан газеталарга ишонилса — руҳоний эса бунга раддия беришни ҳаёлига ҳам келтирмади — бу Тиркомель ҳазратларига маълум эмнш, фақат угина бу саволга аниқ жавоб беришга қодир эмиш. Аслида эса қолган икки меросхўрсиз ҳеч иш чиқариб бўлмасди. Ҳар қалай, бу ишнинг аниқ-таниқ тафсилотларини ҳеч зор билмас, Антифернинг номи эса бирон марта тилга олинмаганди. Ўз-ўзидан аёнки, бир хил газеталар эркин шотланд черкови руҳонийлари энг ажойиб намоюдасининг бу жасурона ҳатти-ҳаракатини маъқулласа, бошқалари бу миллионлар аллақандай чуқурда беҳуда ётгандан кўра Эдинбургдаги ғарибу ғураборларга бўлашиб берилса, қанча-қанча бечора қашшоқларнинг ярасига малҳам бўларди, деб уни қораларди. Бироқ Тиркомель ҳазратлари қоралашларга ҳам, мақтовларга ҳам қатрача эъ-

тибор бермасди — чунки унинг учун ҳар иккаласи ҳам бари бир эди.

Бу тонг қолдирарли воқеа содир бўлган куннинг эртасига Арши Аъло ибодатхонасидаги ваъзхонликнинг қанчалар муваффақиятли ўтганини кўз олдига келтириш мушкул эмасди. 30 июнь кунни кечқурун художўйлар ибодатхонани қамал қилиб олганди десак лоф бўлмас. Ибодатхона ичкарасига сифмаган одамлар оломони теварак-атрофдаги кўча ва чорраҳаларда тирбанд бўлиб туриб қолганди. Минбар ёнига чиқиб келган воизни гулдурос олқишлар билан кутиб олишди. Шу топда театрда ўтирибману, томошабинлар ҳаяжонланиб «ура» садолари остида ўз севикли актёрини саҳнага даъват этиб, уни олқишлар билан кутиб оляпти, деб ўйлаш мумкин эди. Бу дунёвий фароғатни инкор этувчи Тиркомелга юз миллион, икки юз миллион, йўқ-йўқ, бир миллиард таклиф этишибди-ю, аммо у бу бойликларни писанд қилмабди-я! У ўзининг одатдаги ваъзини ҳаммани ларзага келтирувчи қўйидаги иборалар билан бошлади:

— Оламда шундай бир инсон борки, у бир калима сўзи билан ер остида кўмилиб ётган юзлаб миллионларни юзага чиқариш қўлидан келади, илло у ана шу калимани ҳеч қачон айтмайди.

Художўйлар орасида Антифер тоға ва унинг ҳамроҳлари йўқ эди, албатта. Бироқ ибодатхона устунларидан бирининг орқасида ҳеч ким танимайдиган, ўттиз-ўттиз беш ёшлар чамасидаги қорачадан келган, қорасоқол, дағал чеҳрали, турқи совуқ, ғалати қиёфали бир муҳожир пусибгина турарди. Тиркомель сўзлаётган тилни билармиди у? Бу бизга қоронғи. Ҳар қалай ним қоронғиликда воиздан чақнаётган кўзларини узмай тикилиб турарди.

Бу нотаниш одам ваъзхонлик ниҳоясига етгунича шу куйи кутиб турди, воизнинг сўнгги сўзларидан гулдурос олқишлар кўтарилганида эса одамлар оломонини ёриб воизга яқинлаша бошлади. Эҳтимол, у руҳонийнинг орқасидан Кенонгет кўчасига эргашиб бормоқчидир? Афтидан, шундай қилмоқчи эди, чунки у ибодатхона эшиги олдидаги зинадан оломонни зўр бериб тирсақлари билан итариб-суриб илгарилаб борарди.

Уша оқшом Тиркомель ҳазратлари уйга ёлғиз қайтмади. Минглаб одамлар уни тантана билан кузатиб бо-

рарди. Бояги ғалати муҳожир ҳаяжонга тўлган оломоннинг ҳайқириқларига қўшилмай, орқароқда борарди.

Маълум ва машҳур нотик уйига етгач, кираверишдаги зинанинг юқори поясига кўтарилди-да, ўз муридларига бир неча огиз сўз билан мурожаат этди, яна қудратли «ура» ва «гип», «гип» садолари янгради. Кейин у қоронғи йўлакка ўтаркан, орқасидан бир бегона кимса эргшиб кирганини пайқамади.

Оломон кўчаларни шовқин-суронга тўлатиб, аста-секин тарқала бошлади.

Тиркомель ҳазратлари учинчи қаватга олиб чиқадиган энсизгина пиллапоядан юқорига кўтарилди. Нотаниш одам шарпа чиқармай худди ўғри мушукдек орқасидан чиқиб бораверди.

Руҳоний ўз хонасига кирди-ю, эшикни қулфлади.

Нотаниш одам пиллапоя юқорисидаги майдончада тўхтаб, қоронғи бурчакка яшириниб, кута бошлади...

Кейин нима бўлдийкин?..

Эртасига қўшнилари ҳар кун эрталаб бир вақтда уйдан чиқадиган руҳонийнинг бу одатини тарк этганини кўриб ҳайратда қолдилар. У кундузи ҳам кўринмади. Уни зиёрат қилгани келган бир неча киши эшигини қанча тақиллатмасин, бари уринишлари беҳуда кетди.

Руҳонийнинг ғойиб бўлиб қолгани қўшниларни шубҳага солиб қўйди, чошгоҳдан кейин улардан бири бу ҳақда полиция идорасига хабар берди. Қонстебль ва унинг ёрдамчилари руҳонийнинг уйига келиб, пиллапоядан юқорига кўтарилишди-да, эшикни тақиллатишди. Ичкаридан жавоб бўлмагач, полициячиларгагина маълум бўлган усулда елкалари билан эшикни кўчириб хонага киришди.

Ё таңрим, қандай манзара! Кўриниб турибди, кимдир қулфни синдирибди... ичкарига кириб ҳамма ёқни остин-устин қилиб ташлабди... Шкаф ланг очиқ... полда кийим-бошлар сочилиб ётибди... Ҳамма ёққа китоб ва қоғозлар сочилган... Синиб, ағдар-тўнтар бўлиб кетган каравот ёнида оёқ-қўли чандиб боғланган, оғзига латта тиқилган Тиркомель ҳазратлари чўзилиб ётибди...

Хонага киришлари биланоқ унга дастлабки ёрдам беришга шошилдилар. Руҳоний ҳушсиз, сезилар-сезилмас нафас оларди... Унга қачон ҳамла қилинганийкин?.. Қай вақтдан бери шу аҳволда ётганикин?.. Агар ҳушига кел-



тириб бўлса, бу саволларга ёлғиз унинг ўзигина жавоб бера олиши мумкин эди...

Руҳонийни ечинтириб ўтирмай, ўша заҳотиёқ ҳушига келтиришга киришишди, чунки шундоқ ҳам у ярим яланғоч эди; эгнидаги кўйлаги тилка-пора қилиб йиртиб ташланган, елкалари ва кўкраги очилиб ётарди.

Полициячилардан бирови ҳамма қондаларни ўрнига қўйиб руҳонийни ишқаларкан, констебль ҳайратдан қичқириб юборди. Тиркомель ҳазратларининг чап елкасидаги ҳарф ва рақамларни кўриб қолган эди у.

Дарҳақиқат, ваъзхоннинг оппоқ терисидаги аллақандай жигар ранг ёзув яққол кўзга ташланиб турарди... У ерда қуйидагилар ёзилганди:

77° 19' N

Бунинг ўша номаълум кенглик эканлигини англаш қийин эмасди. Турган гапки, бу мўътабар хабарни эҳтиётлик билан сақлаш мақсадида руҳонийнинг отаси ўзининг мурғак ўғлининг елкасига (худди хотира дафтарига битиб қўйгандек) қиздирилган темир билан ёзиб қўйган. Ён дафтарча йўқолиб қолиши мумкин, аммо елка ҳеч қачон йўқолмайди-да, ахир! Шу сабабли Тиркомель, гарчи отаси номига ёзилган Қомулк пошшонинг мактубини чиндан ҳам ёқиб юборган бўлса-да, бари бир бу фаройиб ёзувни сақлаб қолганди, дарвоқе у бу ёзувни кўзгуга солиб ўқиб кўришга ҳатто қизиқмаган ҳам эди.

Руҳоний ухлаб ётганда хонага бостириб кирган жинояткор бу ёзувни албатта ўқиган!.. У бечора руҳонийни гафлатда қолдирган, шкафни остин-устин қилган, қоғозларни титган... Тиркомель беҳуда қаршилик кўрсатган... У муттаҳам унинг қўл-оёғини чирмаб, оғзига латта тикиб, ғойиб бўлган...

Ошиғич чақиртирилган врач ҳушига келтиргандан сўнг Тиркомель ўз оғзи билан ана шуларни айтиб берди. Руҳонийнинг фикрича, бу босқинчиликдан яккаю ягона мақсад — у айтишдан бош тортган, миллионлар кўмилган оролнинг сирини билиб олиш эди.

Жиноятчини жуда яхши кўриб олган, чунки у билан олишишга мажбур бўлганди. У ҳатто жиноятчининг барча белгиларини аниқ-таниқ айтиб берди. Бундан ташқари, Қомулк пошшо васиятномаси хусусида сўраб-суриш-

тиргани Эдинбургга келган ва шу мақсадда унинг ҳузуруга ташриф буюрган икки француз ҳамда бир мальталик шахс ҳақида гапириб беришни ҳам унутмади.

Бу констебль учун бир кўрсатма бўлди, у ўша заҳотиёқ тергов ишларини бошлаб юборди: икки соат ўтмаёқ полиция юқорида айтиб ўтилган муҳожирларнинг бир неча кун муқаддам «Қирол меҳмонхонаси»га келиб тушганларидан хабардор бўлди.

Ростини айтганда, Антифер тоға, банкчи Замбуко, Жильдас Трегомен, Жюэль ва Бинни Умарлар бахтлари чошиб, ўзларининг бу жинойи ишга мутлақо даҳллари йўқ эканлигини исбот этдилар. Зероки, бемор малуин бу орада ҳали оёққа босиб ўрнидан турмаган, ёш капитан билан Трегомен унинг хонасидан бир қадам ҳам силжишмаган, банкчи Замбуко билан нотариус эса меҳмонхонани бирон дақиқага бўлса-да, тарк этишмаган эди. Бунинг устига улардан бирортаси ваъзхон тасвири-лаб берган кимсага сира ўхшамасди.

Шундай қилиб, бизнинг хазина изловчиларимиз қамоққа олинмадилар. Бирлашган қироллик турмалари эса ўз паноҳига олган меҳмонларини нохушлик билан халос этишини ҳамма билади.

Лекин улардан ташқари Соук ҳам бор эди-ку...

Ҳа, бу жиноятни Соукдан бўлак ҳеч ким қилмаган эди... Тиркомель ҳазратларининг хонасига бостириб кириб, сирни билиб олиш фикри худди шу Соукнинг хаёлига келганди... Ваъзхоннинг елкасидаги ёзувни ўқиб, ўша рақамларни билиб олгач, ҳамма иш энди унинг қўлида эди. Ахир Маюмба қўлтигидаги оролчадан топилган ҳужжатда кўрсатилган узунлик маълум эди-да унга. Шундай экан эндиликда учинчи оролчанинг қаерда жойлашганини аниқлаш учун атласга қарашдан бўлак иш қолмаганди.

Бечора Антифер! Сенга ана шу сўнгги зарба камлик қилиб турган эди-да, ўзиям!

Дарҳақиқат, газетларда тасвирланган жиноятчининг ташқи қиёфаси ва белгиларидан Антифер тоға, Замбуко, Жильдас Трегомен ва Жюэллар Тиркомель ҳазратлари Бинни Умарнинг гумаштаси Нозимнинг қўлига тушганини дарров аниқлашди. Нозимнинг меҳмонхонадан ғойиб бўлганидан хабардор бўлишлари биланоқ, улар, биринчидан, гумашта Тиркомелнинг елкасидаги рақамларни ўқиган, иккинчидан, битмас-туганмас бой-

ликни қўлга киритгани янги оролга жўнаган, деган хулосага келишга мажбур бўлишди.

Бу ҳолдан ҳаммаларига қараганда Жюэль камроқ таажжубланди, чунки у Нозимдан кўпдан бери шубҳаланиб юрарди. Шунингдек, ёш капитан бу шубҳа-гумонларини ўртоқлашган Жильдас Трегомен ҳам унчалик ажабланмади. Тасвирлашга тил лол қоладиган даражада ғазабланган Антифер тоға билан Замбукога келганда, яхшиямки икковларининг бахтига Бинни Умар бор экан, улар бутун қаҳри-ғазабларини шўрлик нотариусга сочиб, аламдан чиқишди.

Ўз-ўзидан аёнким, бу жиноятни Соук қилганига ҳаммаларига қараганда Бинни Умарнинг имони комил эди. Зероки нотариус бу одамнинг қора ниятларидан ҳабардор бўла туриб, унинг ҳеч нарсадан, ҳатто жиноят қилишдан ҳам тоймаслигини била туриб, шубҳаланиши мумкинмиди, ахир?

Нотариуснинг қанчалар маломату дашномларга бардош беришга мажбур бўлганини асти қўяверасиз! Бечоранинг қисматига бусиз ҳам озмунча кўнгилисиз мажоролар тушганмиди денг... Антифер тоғанинг буйруғи билан Жюэль Бинни Умарни беморнинг хонасига бошлаб келди. Бемор дейсизми? Наҳотки шундай пайтда оғриб ётса? Иш шундай чапарасидан кетган бир пайтда касал бўлиб бўладими ахир? Бунинг устига, Антифер тоға чакка зарб дардига чалиниб, сафроси ўйнаб кетган (врачнинг диагнози шундай эди) бўлиб, эндиликда ана ўша тўпланиб қолган захрини тўкиб-солиб касалдан мусаффо бўлиши учун қулай фурсат келганди.

Китобхон кўз олдида жонлантириш учун шўрлик Бинни Умарни қандай қарши олганларини тасвирлашдан ожизмиз. Аввало нотариусга, ваъзхоннинг жонига қасд қилиб, талаш мақсадида, унинг хонасига бостириб кирган — ҳа, ҳа, талаш мақсадида, эй манфур Умар! — айнан Нозим эканини айтишди... ўз маҳкаманда ишлатгани шунақа гумашталарни танларкансанда! Бойликларни қонуний меросхўрларга топшириш пайтида ҳозир бўлиш учун шунақа ярамас, муттаҳам, фирибгар, доғули одамни менга ва ҳамроҳларимга рўпара қилишга журъат этдингми!.. Мана энди бу жирканч босқинчи... ҳам, ҳа, босқинчи... жуфтакни ростлаб қолибди... Учинчи оролчанинг қаерда жойлашганини билиб олибди, Комулк пошшонинг миллионларини эгал-

лаб оладиган бўлди энди... Қани энди уни ушлаб кўринг-чи, думини тутқизмас... Бу мисрлик қароқчини қувиб етиб кўринг-чи, ўзининг хавотирсизлиги, жазодан қутулиши учун олам-жаҳон пулни совуришдан ҳам қайтмайди у!..

— Эҳ, Соук...Соук!..— деган сўз оғзидан чиқиб кетди эсанкираб қолган нотариуснинг.

Жюэлнинг гумони тўғри чиқди.... Нозим чиндан ҳам Нозим эмасди... Комулк пошшо меросхўрларининг фойдасига меросдан маҳрум этган Муроднинг ўғли Соук экан...

— Нима, Соукмиди у?..— деб қичқириб юборди Жюэль.

Нотариус, йўқ, бундай эмас, бу ном оғзимдан тасодифан чиқиб кетди деб ишонтирмоқчи бўлди... Бироқ унинг шикаста қиёфаси ва кўзларида зуҳр этган даҳшат Жюэлнинг янглишмаганини исботларди.

— Соук!— деб такрорларкан Антифер тоға сапчиб каравотдан туриб кетди.

У бу исмни шундай ғазаб билан ўшқириб айтдиким, тишлаб турган трубкаси оғзидан отилиб чиқиб, нотариуснинг кўкрагига тегди.

Гарчи кўкрагига бориб теккан бу снаряд Бинни Умарни қулатмаган эсада, белидан пастроғига тушган даҳшатли тепкидан ер тишлаб қолди, бунақанги тепкини на Мисрдаги, на бирон бошқа мамлакатлардаги биронта нотариус ҳеч қачон емаган бўлса керак! Бинни Умар бошини кўтаришга юраги дов бермай, узала тушганича юз тубан чўзилиб ётарди.

Шундай қилиб, бу одам Нозим эмас, балки Соук, яъни қандай бўлмасин бойликларни қўлга киритиш учун қасамёд этган ва унинг бу ишга жинояткорона равишда аралашшидани Антифер тоға чўчиши зарур бўлган ўша Соук эди...

Қатта каботаж кемаси капитани бисотида бор денгизча ҳақоратли сўзларни ишлатиб бўралаб сўкиб бўлгач, Антифер тоғанинг юраги бўшаб, чиндан ҳам енгил тортиб қолганди. Бинни Умар қоринини чангаллаганича икки букчайиб, ўз хонасига томон сургалиб бораркан, Антифер тоға ўзини жуда яхши ҳис эта бошлади. Яна шу нарсани илгаритдан айтиб қўяйликки, орадан бир неча кун ўтгач, Эдинбург газеталаридан бирида босилган янгилик уни тамоман оёққа босишига сабаб бўлди.

Мухбир ҳамда газета ходимларининг нималарга қодир эканликлари ҳаммага аён. Тўппа-тўғриси айтганда, улар ҳамма нарсага қодирлар! Уша даврга келиб улар жамоатчилик ва шахсий ишларга шунчалик шижоат, шунчалар сезгирлик, шунчалар сурбетлик билан аралаша бошлаган эдиларким, уларни янги ҳокимиятнинг ижроия агентлари деса ҳам бўларди.

Ана шундай мухбирлардан бири ўта эпчиллик кўрсатиб, бўлажак ваъзхоннинг чап елкасига отаси ёзган ёзув ҳақида ахборот олибгина қолмай, балки унинг аниқ суратини олиб, маҳаллий кундалик варақада бостириб чиқаришга муваффақ бўлганди. Дарвоқе, бу варақа ўша куни ўн минг ўрнига юз минг нусха босилди.

Шундай қилиб, бутун Шотландия, кейин бутун Буюк-Британия, ундан кейин Бирлашган қироллик, ҳамда Европа, ниҳоят бутун дунё учинчи орол жойлашган машҳур кенгликдан хабардор бўлди, бу экватордан шимолдаги етмиш етти градусу ўн тўққизинчи минут эди.

Аслини олганда, бу рақамларнинг ўзи қаноатланурли эмасди, чунки, «бойликлар масаласини» (бу иборани ишлатиш шу кунларда таомилга кириб қолган эди) ҳал этиш учун етарли эмасди. Бу масалани ечиш учун икки зарурий элементдан бири... Фақат биттаси — узунликни билдирувчи рақамлар етишмасди...

Бироқ, бу узунлик Антифер тогага аён эди-ку, ахир! (Дарвоқе, бу рақамлар Соукка ҳам маълум эди-ку). Жюэль ўша газетани амакисига олиб келиб берди, у газетада босилган рақамлар суратига кўзи тушиши биланок аёлни улоқтириб юбориб, ўрнидан даст туриб кетди-ю... соғайди-қолди... Эдинбург университети тиббиётчилари даволаган бирсрта ҳам бемор шу чоққача бундай даво топа олмаганди.

Банкчи Замбуко, Жильдас Трегомен ва ёш капитан Антифер тоғани ушлаб қолиш учун беҳуда уриндилар. Динга эътиқод, руҳий ишонч киши дардига даво бўлади дейдилар... Шундай экан, нега энди олтинга бўлган эътиқод бундай мўъжиза кўрсата олмас экан?..

— Жюэлы! Атлас сотиб олганмисан?

— Ҳа, амаки.

— Агар янглишмасам, охирги ҳужжатда айтилишича, учинчи орол шарқий узунликнинг ўн беш градусу ўн биринчи минутида жойлашган-а?

— Шундай, амаки.

— Ваъзхоннинг елкасидаги ёзувда — шимолий кенгликнинг етмиш етти градусу ўн тўққизинчи минути кўрсатилганми?

— Шундай, амаки.

— Хўш, шундай экан... қани, учинчи оролчани қидиришни бошла!

Жюэль атласни олиб, шимолий денгизлар харитасини очди ва паргар билан ҳар иккала координат кесишган нуқтани ашиқлади-да:

— Шпицберген, бу катта оролнинг жанубий чегарасида экан,— деди.

Шпицберген дейдими?.. Демак, Комулк пошшо ўзининг олмос, олтин ҳамда дуру жавоҳирларини шимол сувларидаги оролчага кўмган экан-да! Бироқ, бу охириги оролчамикин ўзи?..

— Қани, йўлга!— деб қичқирди Антифер тоға.— Агар сузишга тайёр турган пароходни топа олсак, шу бугуноқ йўлга тушамиз!

— Амаки!— хитоб қилди Жюэль.

— Анави ярамас Соукнинг фурсатдан ютишига йўл қўйиш мумкин эмас!

— Сен ҳақсан, қария,— деди Трегомен.

— Қани, йўлга!— дея амирона такрорлади Пьер-Серван-Мало. Кейин яна қўшиб қўйди:— Ростки Комулк пошшо бойликни ковлаб олаётганда тепасида ҳозир бўлишини талаб қилган экан, анави каллаварам нотариусни ҳам огоҳлантириб қўйиш даркор.

Антифер тоғанинг саркаш иродасига бўйсинишдан ўзга чора қолмагани, бунинг устига банкчи Замбуко ҳам унинг гапини қувватлаб турарди.

— Тагинам омадимиз бор экан,— деди ёш капитан,— яхшиямки бу ҳазилкаш пошшо бизни икки қарама-қарши қутбга жўнатмагани-я!

## УН ТҲРТИНЧИ БОБ

*Антифер тоғанинг Комулк пошшо имзо чеккан яна бир ҳужжатни топгани*

Антифер тоға ва, Бинни Умарни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, тўрттала ҳамроҳининг ғарбий Норвегиянинг ғоссий портларидан бири бўлган Бергенга йўл олишдан бўлак иложи қолмаган эди.

Уша ондаёқ шундай қарорга келинган ва бу қарор шу лаҳзадаёқ амалга оширила бошланган эди. Зероки Нозим, яъни Соук, тўрт ёки беш кун улардан илгарироқ отини қамчилаб қолган экан, энди бирон соатни ҳам бой бермаслик зарур эди. Эдинбург расадхонасидаги чошгоҳда пастга тушгувчи шар ҳали қуйига тушиб улгурмасидан трамвай<sup>1</sup> беш нафар саёҳатчини Литга элтиб қўйганди, бу ердан улар Шпицбергенгача бўлган йўлнинг биринчи босқичи — Бергенга жўнайдиган биронта пароходни топиш ниятида эдилар.

Эдинбург билан Норвегиянинг бу порти оралигидаги масофа тўрт юз милядан ошмасди. У ердан Норвегиянинг энг шимолидаги порт — Гаммерфестга тез ва осонгина етиб олинади.

Шу йўлда қатнайдиган пароход йилнинг илиқ фасларида туристларни то Нордкап<sup>2</sup> бурунигача элтади.

Берген билан Гаммерфестнинг оралиғи саккиз юз милядан ошмайди. Гаммерфестдан Тиркомель ҳазратларининг елкасидаги ёзув туфайли аниқланган Шпицбергеннинг жанубий нуқтасигача эса олти юз миля атрофидаги масофани босиб ўтилади. Йўлнинг ана шу сўнгги босқичида ҳар қандай об-ҳавога ҳам дош бера оладиган мустаҳкам кемани ёллашга тўғри келади. Тўғри, ҳозирча ёз, ёз пайтида эса Шимолий Муз океани узра кучли бўронлар эсмайди.

Лекин пул ҳақида ҳам ўйлаш лозим эди. Бу учинчи саёҳат жуда қимматга тушади, албатта, чунки йўлнинг сўнгги — Гаммерфестдан Шпицбергенгача бўлган қисмини фақат махсус ёлланган кемадагина босиб ўтиш мумкин. Жильдас Трегоменнинг ҳамёни эса Сен-Малодан чиққанларидан бери хийла бўшаб қолган эди. Бахтларига, банкчи Замбуконинг имзоси олтинга ўтарди. Тақдири азалнинг шундай эркатойлари ҳам борки, Европада уларнинг қўли етмайдиган биронта касса йўқи Замбуко ана шундайлар жумласидан эди. У ўз ҳамёнини ворисдоши қўлига тутқазди. Бу қайнаға-куёвлар

---

<sup>1</sup> То электр токи билан юрадиган трамвай пайдо бўлгунча ҳам Англиядаги вагонларни темир издан отлар тортиб юрган, у ерда уни ҳам трамвай деб аталган.

<sup>2</sup> Н о р д к а п — Европанинг энг шимолий чеккасида жойлашган Норвегиядаги бурун. Бу қоянинг баландлиги уч юз метрча келади. Таржима қилиб айтилгандаги маъноси — Шимолий бурун.

кейинроқ, ўз хазиналарини топишгач ҳисоблашадиган бўлишди. Ҳозирчалик эса Антифер тоғанинг олмоси ақалли қарзини тўлаш учун етарлича кафолот ўрнига ўта олмайдими, ахир?

Шу боисдан банкчи Эдинбургни тарк этишдан аввал Шотландия банкига бир неча дақиқагагина кириб чиқди, у ерда уни жуда яхши кутиб олишди. Қўшимча маблағ билан белларини бақувват қилиб олган саёҳатчиларимиз эндиликда дунёнинг нариги чеккасига бўлса ҳам боришга қодир эдилар.

Ким билади дейсиз, ишлар қай тарафга юз тутиб, тақдир уларни яна қай томонларга улоқтиради!

Фёрт-оф-форт қўлтиғининг соҳилига жойлашган Лит портида доим талайгина кемалар лангар ташлаб туради. Ана шулар орасида, Норвегия соҳиллари томон йўлга чиқай деб турган бирорта кема топилмасмикин?

Бундай кема топилди. Бу гал, афтидан, тақдир Пьер-Серван-Малога қулиб боқаётгандай эди.

Рост, юқорида зикр этилган кема ўша куни эмас, эртасига йўлга чиқар экан. Бу «Викен» деб ағаладиган оддий савдо кемаси эди. Тузуккина ҳақ эвазига кема капитани йўловчиларни Бергенга элтиб қўйишга рози бўлди. Йўлга чиқилгунича ўттиз олти соат кутишлари керак эди. Бу фурсат мобайнида Антифер тоға ўз «сўлиғини» шундай чайнадики, у охири майда-майда бўлиб кетди. У ҳатто Жильдас Трегомен билан Жюэлнинг Эдинбургни айланиб чиқишига ҳам изн бермади. Бу ҳол Трегомени, гарчи пошшонинг миллионлари уни ҳам ром этган бўлса-да, қаттиқ ранжитди.

Ниҳоят, Антифер тоға ва унинг ҳамроҳларини ўз оғушига олган «Викен» 7 июль куни эрталаб йўлга тушди. Тоғанинг ҳамроҳларидан бирови кема рули биринчи бурлгандаёқ мадори қуриб, гуппа қулади, унинг кимлигини фаҳмлаб олгандирсизлар...

Икки кунлик осойишта сафардан кейин уфқда Норвегиянинг тик соҳиллари намоён бўлди, пешин пайти, соат учларда пароход Берген портида лангар ташлади.

Ўз-ўзидан аёнки, Маюмба қўлтиғида «Порталегри» кемаси ҳалокатга учраган пайтда йўқотилган китоб ва асбоблар ўрнига Жюэль Эдинбургдан секстант, хронометр ва «Вақтни ҳисоблаш жадвали»ни сотиб олган эди.

Башарти Литда тўппа-тўғри Шпицбергенга боради-



ган кема ёллай олганларида вақтдан анча ютган бўлардилар, албатта, лекин бунга муваффақ бўлолмадилар.

Ҳар қалай, Соукнинг шарпаси кўз олдидан сира нари кетмаётган Антифер тоға айтарли узоқ кутиб қолмади. Нордкапга қатнайдиган алоқа кемаси бир кундан кейин йўлга чиқиши керак эди. Яна ўттиз олти соат кутишга тўғри келди, бу муддат Антифер тоға ва худди шунингдек банкчи Замбуко учун ҳаддан зиёд бўлиб туюлганини асти қўяверасиз! На униси, на буниси «Скандинавия» меҳмонхонасидаги ўз хонасидан ташқари чиқишни истади. Бунинг устига ёмғир ёғарди, ёмғир эса бу ерда ҳар куни ёғса керак. Берген теварак-атрофи тоғлар билан қуршалган кенгина воҳада жойлашган бўлиб, унинг осмонида ҳамма вақт булут сузиб юрса ажаб эмас.

Бироқ ёмғир Трегомен билан Жюэлнинг бўш вақтларида шаҳарни тамоша қилишларига халал беролмади. Иситма-алаҳлаш дардидан батамом халос бўлгани туйғайди Антифер тоға уларни ёнида ушлаб қолмади. Бундай қилишнинг нима кераги борийди? Меросхўрларни доғда қолдириб, илгарироқ отини қамчилаб қолган муттаҳам Соукка икковлари уларсиз ҳам бемалол тоқи лаънат ёғдираверадилар-ку.

Башарти сиз ҳашамдор ва гўзал Эдинбургни томоша қила олмаган бўлсангиз, Бергеннинг кўчаларини сайр этиб (гарчи у Ганзей иттифоқининг<sup>1</sup> асосий шаҳарларидан бири бўлса-да) бунинг ҳиссасини чиқаролмайсиз, ҳа-ҳа, ишонаверинг сўзимга. Бу шаҳар каттақон балиқ бозорига ўхшайди, унинг кишини жалб этадиган ҳеч қандай қизиқарли томони йўқ. Тўғри, Жильдас Трегомен сельд балиғи солинган бунақанги сон-саноксиз бочкаларни, Лофотен ороллари яқинида овланган оламжаҳон трескаларни, Норвегияда кўплаб истеъмол қилинадиган тоғ-тоғ бўлиб уюлиб ётган сулаймонбалиқларни умрида кўрмаган эди.

Шу сабабли, юзлаб балиқчилар қайиқлари тизилишиб турган соҳил бўйи яқинидан, оппоқ чодирлар ости-

---

<sup>1</sup> Ганзей иттифоқи — савдо-сотиқ билан шуғулланувчи буржуазия манфаатларини ҳимоя қилиш учун, шимолий герман шаҳарлари савдогарларининг XIII—XVII асрлардаги бирлашмаси. Ганзей иттифоқи фақат Германиядагина эмас, балки ғарбий Европадаги бошқа мамлакатлардаги савдо-сотиқ муомалаларини назорат қилган. Норвегияда ҳам, хусусан Бергенда ана шу Ганзей иттифоқининг бўлимлари мавжуд эди.

да ичак-чавоғини ағдариб, балиқ тозаланадиган жойлар яқинидан ўтган баланд-баланд иморатли кўчаларда, балки қадимий гиламлар, айиқларнинг оқ ва қора терилари каби ноёб буюмлар билан савдо қиладиган дўконларда, ҳатто музейларда, ҳатто бежирим-бежирим қишлоқ уйлари қад кўтарган чучук сувли каттакон кўлдан камбаргина тил ажратиб турган торгина қўлтиқнинг икки қирғоғига сочилган боғ-роғлардан ҳам димоқни ёргудек ўзига хос бир қўланса ҳид анқиб турарди.

Хулласи калом, Жильдас Трегомен билан Жюэль шаҳарни ва унинг атрофларини кўнгиллари тусганича томоша қилишга улгурдилар. Ниҳоят «Викен» Нордкап уфқида ярим тунда ҳам қуёшнинг жамол кўрсатиб туришини томоша қилишни истаган саёҳатчиларни олиб, 11 июль куни йўлга тушди.

Табиатнинг ана шундай ажойиб-ғаройиб ҳодисасига Антифер тоға билан банкчи Замбуко мутлақо бепарволик билан қарадилар, Бинни Умарнию гапириб ўтирма-самиз ҳам бўлади. Бечора нотариус ичак-чавоғи ағдариб ташланган трескадай ўз каравотида узала тушиб ётарди.

Арранинг тиши каби ичкарига ёриб кирган қўлтиқ ва қўлтиқчаларга бой Норвегия соҳили бўйлаб қилаётган саёҳатлари ғоятда ажойиб эди. Денгизга ёриб кирган қоялардаги музлар офтобда ярқираб кўзнинг нурини оларди, бу музлар баъзи ерларда сув бетидан бўса олгудек жуда пастгача тушиб келганди. Саёҳатчилар чўққилари шимол туманлари сийнасига ботиб кўздан йўқолган сервиқор тоғ тизмалари ёнидан сузиб боришарди.

Кеманинг тез-тез тўхташи, ҳаммасидан ҳам Антифер тоғанинг ғазабини қўзғатарди. Алоқа кемаси саёҳатчилар қизиқсинишини қондириш учун саёҳатномаларда ва тавсия этилган ерларда тўхтаб ўтарди. Соукнинг бир неча кун илгарироқ отини қамчилаб қолганини ўйларкан, Антифер тоғанинг шундай фигони фалакка чиқардики, бунга атрофдагиларнинг дош бериши амри маҳол эди. У Жильдас Трегомен билан Жюэлнинг танбеҳларига асло парво ҳам қилмасди; тоғани фақат капитаннинг, агар ҳар тўхталганда бунақанги тўнғиллашини қўймаса ва саёҳатчиларнинг оромини бузадиган бўлса, дастлабки портда кемадан тушириб юбораман, деган пўписасигина сал тинчитиб қўйди.

Шу боисдан у Торнхеймда, Бергендан кўра кичик-

роқ, аммо ундан кўра чиройлироқ қадимий Авлиё Олаф-да<sup>1</sup> тўхталганида чурқ этмасликка мажбур бўлди.

Иккала меросхўрнинг ҳам соҳилга тушишдан бош тортганлари ҳеч кимни ажаблантирмади. Бироқ Жильдас Трегомен ва Жюэль янги шаҳарни кўриш имкониятидан фойдаланиб қолдилар.

Агар, умуман, Торнхеймни томоша қилишдан саёҳатчиларнинг кўзлари роҳат қилган бўлса, шаҳар кўчаларига ётқизилган худди шишадай ўткир қиррали тошлардан оёқларининг абжағи чиқаёзди.

— Бу мамлакатда этикдўзлар тез бойиб кетса керак,— деб қўйди Трегомен, оёқ кийими тағчармини авайлашга беҳуда уринаркан.

Иккала дўст ҳам швед қироли Стокгольмда тахтга ўтиргандан кейин Норвегия тожини киядиган<sup>2</sup> ибодатхона гумбазлари остига кирганларидагина ўзларини текис ерда тургандек ҳис этдилар. Жюэль, гарчи бу бино романо-готик меъморчилигининг бир ёдгорлиги бўлиб, жиддий тузатишларга муҳтож бўлса-да, бироқ бу нуқсон унинг тарихий қимматига пуғур етказа олмаслигини фаҳмлади.

Трегомен билан Жюэль ибодатхонани ва унинг атрофини ўраб турган қабристонни бир бошдан, шошилмай томоша қилишгач, сув кўтарилиши ва қайтишига қараб гоҳ тўлиб, гоҳ паст тушиб, бутун шаҳарни сув билан таъмин этувчи кенгбар Нид қиргоқларида сайр этишди. Балиқфурушлик бозоридаги ўткир туз бўйидан тўйиб-тўйиб нафас олишди, дарвоқе бу ернинг ҳавоси Бергенникидан қолишмасди, кўк растасини айланиб чиқишди (бу ерга сабзавот асосан Англиядан келтирилади), ниҳоят, Ниднинг нариги қирғоғидаги қадимий қалъа қад кўтарган шаҳар чеккасига етиб боришди-да, пароходга батамом ҳолдан толиб қайтишди. Уша куни кечқуруноқ, Сен-Малога, Эногатнинг номига ёзилган хат алоқа бўлимига топширилди. Бу мактуб ёнига Трегоменнинг баҳайбат қўллари билан битилган катта-катта ҳарфли икки энликкина хат ҳам қўшиб жўнатишган эди.

Эртасига тонготар пайтида, бир неча янги саёҳатчи-

<sup>1</sup> Авлиё Олаф, ҳаётлигида Бақалоқ лақабини олган (XI аср) Норвегия қироли; маъжусийларни таъқиб остига олиб, христиан динини мажбуран қабул қилдирган. Вафотидан кейин Авлиё деб атала бошлаган. Торнхеймга дафн этилган.

<sup>2</sup> Норвегия 1905 йилгача Швецияга қарам бўлган.

ларни оливолган «Викен» лангар кўтариб, шимолий кенгликлар томон йўлга тушди. Ҳадеб йўлдаги портларга кириш ҳамда сон-саноксиз тўхтаб ўтишлар Антифер тоғанинг асабини бутунлай ишдан чиқариб қўйди. Қутб доирасини босиб ўтишда, денгизчилар удумига хилоф иш тутиб, палубада таранг тортилган арқондан сакрашни рад этди (Қутб доирасининг рамзий тимсоли эди бу), Жильдас Трегомен эса анъанавий удумни бажонидил бажарди. Пароход шимол томон илгарилаб бораркан, баҳайбат гирдобда шовқин солиб ҳайқариб, қайнаб-кўпираётган машҳур Мальстримдан<sup>1</sup> четлаб ўтди. Ниҳоят ғарб томонда Лофотен ороллари — норвеж балиқчилари тез-тез бориб турадиган архипелаги кўзга ташланди ва «Викен» 17 июль куни Тромсё портида лангар ташлади.

Сафар давомида бир кеча-кундуз йигирма тўрт соат бўлса, шундан ўн олти соат ёмғир ёғиб турди, десак сон жиҳатидан тўғри бўлиб чиқади. Сурункасига шаррос қуйиб турган ёмғирни тасаввур этиш учун «ёғди» деган ибора бу манзарани тўла ифодамайди. Шунга қарамай, бу ёғингарчилик йўловчиларимизга ёқарди. Ахир бу ҳароратнинг айтарли даражада юқори эканидан далолат бериб турарди-да. Етмиш еттинчи параллель томон илгарилаб бораётган одамлар ҳаммадан кўра кўпроқ, арктика совуғидан қўрқиши керак, зероки бу совуқ сафарларини бағоят мушкуллаштириб ва ҳатто Шпицбергенга яқинлашишларига йўл бермаслиги мумкин. Йилнинг шу палласида, яъни июль ойларида шимол кенгликларига сузишнинг вақти ўтиб қолган бўлади. Шамолнинг ўз йўлини қўққисдан ўзгартириши оқибатида денгиз бети тезда муз қатлами билан қопланиб қолиши мумкин. Башарти, Антифер тоға Гаммерфестда дастлабки муз тоғлари жанубга томон суза бошлайдиган паллагача тутилиб қолса, балиқчилар кемасида бу муз тоғларига қарама-қарши сузиш ақлга тўғри келмасди.

Бу ҳол ёш капитанни ташвишга солиб қўйганди.

— Борди-ю денгиз бирдан музлаб қолса нима бўлади? — деб сўради бир куни Жильдас Трегомен ундан.

— Агар денгиз музлаб қолса, Антифер амаким баҳорни кутиб Нордкапда қишлаб қолади.

<sup>1</sup> Мальстрим — Лофотен ороллари районидаги кема қатнови учун ғоятда хавотирли гирдоб. Асли таржимаси: «Телба оқим» демакдир.

— Лекин, чироғим, миллионларни ташлаб кетиб бўлмайди-да, ахир!— деб эътироз билдирди Трегомен.

Ҳа, Ранс бўйлаб сузган бу собиқ қайиқчи ҳам бойлик қаршисида дош беролмаганди. Нима ҳам қила олардик! Маюмба қўлтиғидан топилган олмослар хаёлидан сира нари кетмасди унинг.

Бироқ, ҳар қалай, қаршиларидаги истиқбол айтарли даражада кўнгилли эмасди — Лоангонинг жазирама иссиғида кабоб бўлиб қайтгандан кейин шимолий Норвегия музликларида совуқдан музлаб қолишни ким истайди? Падарига минг лаънат ўша баттол пошшонинг!.. Ўз хазинасини шунақанги бориб бўлмас жойларга яшириш фикри хаёлига қаёқдан келиб қолдйкин-а?

«Викен» Тромсёда бир неча соатгагина тўхтади: бу ерда йўловчилар умрларида биринчи марта лапландларни<sup>1</sup> кўрдилар. 21 июль эрталаб пароход торгина Гаммерфест фиордига кириб келди.

Йўловчиларимиз — Антифер тоға ва банкчи Замбуко, Жильдас Трегомен ва Жюэль, шунингдек қоқланган балиқча ўхшаб қолган Бинни Умарлар, ниҳоят ана шу ерда кемадан тушишди. «Викен» эртасига саёҳатчиларни шимолий Норвегиянинг энг чекка буруни бўлган Нордкапга элтиши керак эди. Бироқ Пьер-Серван-Малони Нордкап заррача қизиқтирмасди. Наҳотки ўша оддий бир уюм тош, уни қанчалар машҳур ҳисобламасинлар, Шпицберген сувларида ястаниб ётган учинчи орол билан беллаша олса.

Гаммерфестда «Норд-Полен-Отель» меҳмонхонаси бор экан, малуин барча «аркони давлати» билан шу ерга тушди.

Мана, улар одамзот яшайдиган мамлакат чегарасидаги шаҳардалар. Икки минг кишидан иборат аҳоли атрофдаги ёғоч уйларда яшайди: ўттиз чоғли католик, қолганлари эса протестантлар. Норвегияликлар — гўзал, хушбичим халқ, айниқса денгизчилар билан балиқчилар хушқад бўлишади, бироқ, бахтга қарши улар кайфисафога мойилроқ. Бу ерларнинг туб халқи бўлмиш лапландларга келсак, уларнинг бўйлари паст, ниҳоятда захматкаш ва эпчил одамлар.

Меҳмонхонага ўрнашгач, бирон соатни ҳам бекор кетказмасликка аҳд қилган Антифер тоға ва унинг ҳамроҳ-

---

<sup>1</sup> Бу ерда саамлар (лопарлар) кўзда тутилган.

лари Шпицбергенгача элтиб қўядиган бирорта кемани излаш учун портга жўнашди.

Зилол сувли дарё келиб қўйиладиган, устида уй ҳамда магазинлар қад кўтарган эстакадалар билан тўсилган гаваннинг ҳамма еридан атрофдаги балиқ қуритиладиган сушилкаларнинг қўланса иси анқиб турарди.

Гаммерфест — асосан балиқчилик ва балиқчилик маҳсулотларини етказиб берадиган шаҳардир. Бу ернинг итлари ҳам, қора моли ҳам, қўй ҳамда эчки-улоқлари ҳам балиқ ейди ва бу ажойиб ўлкада балиқ овловчи юзлаб кемалар ҳақиқатда истеъмол қилинадиганидан бир неча бор ортиқроқ юкни ташмалаб кетадилар.

Умуман олганда, доим ёмғир ёғиб турадиган, ёзда кунлари чароғон, узун, қишда тунлари узоқ ва зимистон бўладиган Гаммерфест ўзига хос бир шаҳар эди, бу шаҳарда ажойиб шимол ёғдусини ҳузурланиб томоша қилиш мумкин эди.

Антифер тоға ва унинг ҳамроҳлари гаванга кираве-ришдаги пештоқи бронза билан қопланиб, Норвегия герби ва глобус тасвири чекилган гранит устунлар ёнида тўхташди. Бу устунлар Дунай ҳавзаси ва Гаммерфест орасидаги меридиан ёйни аниқлаш бўйича қилинган ишларга ёдгорлик сифатида Оскар I<sup>1</sup> ҳукмронлиги даврида барпо этилган. Саёҳатчиларимиз бу ердан қутб денгизларида балиқ овловчи турли хил, ҳамда турли ҳажмдаги кемалар келиб тўхтайдиган эстакадалар томон йўл олишди.

Бироқ, китобхон, французларимиз қайси тилда гаплашмоқчи эдилар, деб сўраши мумкин. Улардан бирортаси норвег тилини билармиди ўзи? Йўқ, лекин Жюэль инглиз тилини билади-ку, бу тилни эса барча денгизчилар билишади, шундай экан, Скандинавия мамлакатларида ҳам ундан фойдаланиш ниятида эдилар.

Дарҳақиқат, кеч кириб улгурмасданоқ улар (катта пул эвазига, албатта, лекин бундай пайтда ким ҳам пулнинг юзига бориб ўтиради) капитан Олаф бошчилигидаги ҳажми юз тонналик, «Кроон» деб аталувчи балиқчилар кемасини ёллашга муваффақ бўлдилар. Бу кеманинг экипажи ўн бир кишидан иборат эди. Кема саёҳатчиларимизни Шпицбергенга элтиб қўйиши, улар то қидирув

---

<sup>1</sup> Оскар I (1797—1859)— Швеция ҳамда Норвегия қироли.

инларини битиргунларича ўша ерда кутиб туриши, кейин эса юклари билан бирга яна Гаммерфестга олиб қайтиши керак эди.

Антифер тоға ишнинг бундай ривожидан ғоятда хурсанд эди. Назарида омади юришиб кетгандек эди. Бу орада Жюэль одамлардан, кейинги кунларда Гаммерфестда бирор муҳожирни учратмадингларми, бирор кимса яқин орада Шпицбергенга жўнамадими, деб сўраб-суриштирди. Иккала саволга ҳам, йўқ, деган жавоб олди. Шундай қилиб, Соукнинг Комулк пошшо меросхўрларидан илгарироқ йўлга тушгани эҳтимолдан йироқ бўлиб чиқди, башарти у Шпицбергенга бошқа йўлдан жўнмаган бўлса, албатта... Лекин бундай бўлиши даргумон — Антифер тоға бекорга энг тўғри ва энг қисқа йўлни танламаган эди, ахир!

Куннинг қолган қисмини сайр қилиб ўтказдилар. Антифер тоға ва банкчи Замбуксининг бу гал албатта мақсадларига етажакларига имонлари комил эди.

Соат ўн бирларга яқин ўринга кирганларида ҳали куппа-кундузгидек ёруғ эди; сал-пал қош қорайди-ю яна тенг ёғдуси билан алмашинди.

«Кроон» эрталаб соат саккизда жануби-шарқдан эсаяётган энгилгина шамолда елканларини ёйиб гавандан чиқди-да, шимол томонга қараб суза кетди.

Ҳаво шундай яхши бўлиб турса бу олти юз миля масофани босиб ўтиш учун беш кун етарди. Жанубга томон шитоб билан сузиб келувчи муз тоғларига тўқнашиб кетишдан, Шпицберген атрофини муз далалари қоплаб олишидан хавотирланиш учун ҳеч қанақанги асос йўқ эди. Ҳарорат ўртача, мўътадил бўлиб, ҳозиргидек шамол эсиб турган бир пайтда денгизнинг кўкқисдан музлаб қолиши ақлга тўғри келмасди. Қорли булутлар эмас, ёмғир булутлари билан қопланган кўк гумбази ҳам ҳеч қандай хатардан дарак бермасди. Гоҳо-гоҳо булутлар оғасидан қуёш мўралаб қўярди, буни кўрган Жюэль зарур бўлган дақиқада нурафшон гардишнинг жамол кўрсатажагига ва шунда секстант билан қуёшнинг баландлигини ўлчаб олиб, кейин учинчи оролнинг қаерда жойлашганини аниқлаб олишига бемалол ишонавериши мумкин эди.

Омадлари юришгандан-юришаверди, шунинг учун ҳам Комулк пошшо ўз меросхўрларини Европанинг энг чекка нуқтасига олиб келиб, уларни яна тўртинчи марта,

Шпицбергендан бир неча минг миля олисга жўнатади, деган фикр шу топда ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди.

«Кроон» елканларини қаппайтирганича шитоб билан илгарилаб борарди; капитан Олафнинг айтишича, ҳеч қачон сафари бундай енгил ўтмаган экан. Мана, ниҳоят 26 июль куни тонгги соат тўртларда шимол уфқида аллақандай тепаликлар намоён бўлди, уларда муздан асар ҳам кўринмасди.

Бу шу атрофдаги сувларда тез-тез балиқ овлаб турадиган Олафга яхши маълум бўлган Шпицберген бўсағаси эди.

Игирма йилча муқаддам бу ерларга саёҳатчилар деярли қадам босишмасди, эндиликда эса ер шарининг бу бурчаги аста-секин саёҳатчилар эътиборини торта бошлаганиди. Ҳозирги кунда Нордкапга қандайин билет сотилса, Норвегия ҳукмронлигининг бу қисмини знёрат қилишни истаган сайёҳларга бир йўла бориш ва қайтиш учун билет сотиладиган кунлар олисда эмас, шубҳасиз. Кейинроқ эса Шимолий кутбга ҳам худди ана шундай тарзда саёҳат қилиш мумкин бўлиб қолади.

Шу нарса аёнким, Шпицберген саксонинчи параллелгача чўзилиб борадиган архипелагдир. У уч оролдан иборат: Фарбий Шпицберген, Эж ороли ва Шимоли-Шарқий Ер. Бу архипелаг ер куррасининг қайси қисмига қарашли — Европагами ёки Америкагами? Бу савол соф илмий характерга эгадир ва биз бунга жавоб беришни ўз зиммамизга ололмаймиз. Шу нарсани қатъий ишонч билан айтишимиз мумкинки, бу ерларда инглизлар, датлар ва руслар кит ҳамда курак оёқлиларни овлайдилар. Айтгандек, Комулк пошшо меросхўрлари учун бу архипелагга қайси миллатнинг даъвогарлик қилиши бари бир эди; улар учун энг муҳими, миллионларни топиб олиш эди, зероки ворисдошлар ўзларининг жасорат ҳамда шижоатлари билан бу мукофотга лойиқ заҳмат чеккан эдилар.

Шпицбергеннинг асли маъноси «ўткир чўққили тоғлар» демақдир. Номининг ўзи бу тоғларнинг тик ва чиқиб бўлмаслигидан далолат бериб турарди. Гарчи бу архипелаг 1553 йили инглиз Уиллоуби<sup>1</sup> томонидан кашф

<sup>1</sup> Уиллоуби Хью — инглиз сайёҳи; Шимоли-Шарқий денгиз йўлини излаш учун 1553 йили сафарга чиққан уч кемадан иборат экспедицияга бошчилик қилган; муз кўчкилари



этилган бўлса-да, ундан кейин келган голландиялик Баренц ва Корнелисзонлар<sup>1</sup> шундай ном беришган бу ерга. Учала асосий оролдан ташқари, бу архипелагга атрофни қуршаб олган кўплаб майда-чуйда оролчалар ҳам кирарди.

Харитадан шарқий узунликнинг 15° 11' билан шимоллий кенгликнинг 77° 19' кесишган нуқтасини топгач, Жюэль капитан Олафга Фарбий Шпицбергеннинг жанубий чеккаси томон сузишни буюрди.

«Кроон» шитоб билан олға сузарди. Мувофиқ шамол кеманинг энг юқори тезликда сузишига қўл келганди. «Кроон» ер билан оралиқдаги тўрт ёки беш миля масофани бир соатга бормаё босиб ўтиб, Фарбий Шпицбергенга бориб тақалган мўъжазгина оролчанинг жанубий чеккасидаги бурундан уч юз эллик-тўрт юз метрча беридан лангар ташлади.

Соат ўн иккидан чорак ўтганди. Антифер тоға, Замбуко, Бинни Умар, Жильдас Трегомен ва Жюэллар «Кроон»дан туширилган қайиққа ўтириб, бурунга қараб сузиб кетишди.

Уларни кўрибоқ, чорлоқ, кайра ва бошқа қушлар галалари қулоқни қоматга келтиргудек чағиллашиб гур-гур кўтарилди.

Келгиндиларга жой бўшатишга ошнққандек, тюлень подалари тирақайлаб нари қочди, улар қочиб бораётиб норозилик билдиргандек чақалоқларга ўхшаб чинқирисарди.

Замбараклар ва байроғи бўлмагани туфайли Антифер тоға Комулк пошшо танлаган, бағрида миллионлаб бойликларни сақлаётган оролчага ўз мулкига қадам қўяётганини гурсиллатиб одим ташлаш билан эълон қилгандек бўлди.

Шунча кўнгилсизликлардан кейин омади юришиб кетганини қаранг-а! Ҳатто бу қоялардан иборат сон-са-

---

орасида қисилиб қолиб, кема экипажи билан бирга ҳалок бўлган. Уиллоубининг сафдоши капитан Ченслер Архангельсккача етиб бориб, Иван Грозний билан савдо битими тузган.

<sup>1</sup> Баренц Виллем (1550—1597)— голландиялик денгиз сайёҳи. Шимол-Шарқий денгиз йўлини излаб бориб, Янги Ергача бориб қолади ва кема экипажи билан биргаликда ўша ерда қишлайди; орқага қайтаётганида ҳалок бўлади. Баренцнинг сафдоши Корнелисзон Рейп (у бошқа кемага бошчилик қилган эди) Шпицберген атрофидан орқага қайтган.

ноқсиз оролчалар орасида адашиб-улоқиб, сарсон бўлиб юришга ҳам тўғри келмади.

Хазина изловчилар тўппа-тўғри ер шарининг бадавлат мисрлик ўз бойликларини кўмган нуқтасида қайиқдан тушишган эди.

Ўз-ўзидан аёнки, оролчада одам яшамасди. Инсон боласи зотидан ном-нишон ҳам йўқ... На бунақанги қутб ўлкаларида яшашга мослашиб кетган бирон эскимос кўринади... на кўз илгаган атроф-теваракда бирон-бир кема қораси кўзга ташланади... Бепоён Арктика денгизи ялангликларидан ўзга ҳеч нарса йўқ атрофда.

Антифер тоға ва банкчи Замбуко вужудларини қамраб олган ҳаяжонни босолмай қолдилар. Ҳатто Бинни Умарнинг қайнатилган судакнинг кўзидек хира, нурсиз кўзларида учқун йилтиллаб кетди. Ҳатто Жильдас Трегоменнинг башараси ҳам ўзгариб, сабрсизлик аломатлари намоён бўлди. Хўш, нега энди у ўз дўстининг бахти чопганидан қувонмаслиги керак?..

Оролда инсон зоти бўлганидан бирон нишона йўқлиги меросхўрларнинг қувончи устига қувонч бўлиб тушди. Мабодо бу ерга яқин орада бирор кимса келган бўлса, ёмғирдан юмшаб ётган ерда унинг изи яхши сақланиб қолган бўларди. Шундай қилиб, бир нарсадан, Соукнинг қонуний меросхўрлардан олдинроқ етиб келолмаганига асло шубҳаланмаса ҳам бўларди. У ё йўлда қўлга олинган, ё бирон сабаб билан ушланиб қолган. Ҳар қалай, борди-ю, у бу ерга Антифер тоғадан кейин етиб келганида ҳам икки қўлини бурнига тиқиб қолаверади.

Иккинчи ҳужжатда хазинани оролнинг жанубий чеккасидан излаш кўрсатилган эди. Шунинг учун ҳам саёҳатчиларимиз бошқаларига қараганда денгизга кўпроқ кириб борган бир тўда қоялар томон юришди. Бу яққол ажралиб турган қоялар на мох, на қор билан қопланган бўлиб, иш анча еңил кўчди.

Башарти омадингиз чопиб, бахт қуши қўлингиздан тутган экан, сира иккиланмай, итоат билан у етаклаган томонга боравериш керак, холос... Бу нарса шундан ҳам кўриниб турардики, Пьер-Серван-Мало тўппа-тўғри арктика денгизларида сузувчилар ўзларидан ёдгорлик сифатида қолдириб кетадиган тош устунга ўхшаган адр қоя олдига бориб қолди.



— Шу ерда! Мана шу ерда!— деб қичқирарди тоға ҳаяжондан нафаси бўғзига тиқилиб.

Ҳаммалари югуриб келиб, қояга тикила бошлашди.

Тик қоянинг сирт томонида Комулк пошшонинг остма-уст қилиб қўйилган «К» ҳарфидан иборат белгиси кўриниб турарди. Белги қояни шунчалик ўйиб ёзилган эдики, ҳатто кескин шимол иқлими ҳам бу ҳарфларни текислаб юборолмаганди.

Ҳаммалари лол бўлиб қотиб қолгандилар. Тан олиш керакки, бешовлари ҳам — худди қаҳрамоннинг қабри устида тургандек бош кийимларини қўлларига оливолган эдилар.

Ҳа, худди шундай, чиндан ҳам, гарчи оддий бир ўра бўлса-да, унга юз миллион кўмилганди-да, ахир. Дарвоқе, келинг, инсониятнинг шон-шарафи учун худди шундай эди, деб туриб олмай қўяқолайлик!

Ишлар юришиб кетди. Чўкич ва белкураклар зарб билан урилгани сари атрофга тош парчалари учарди. Ҳар зарба тушганида чўкич ёки белкурак темир чамбаракка бориб тегадиганга ёхуд бочкачаларнинг тубини синдириб юборадиганга ўхшарди...

Ҳақиқатан ҳам, Антифер тоға ишлаётган чўкичнинг учи кўп ўтмай алланимага бориб теккандай бўлди.

— Ниҳоят-э!— деб қичқириб юборди у, хазинани беркитиб турган сўнгги тошни ўрадан олиб ташлаётди.

Бироқ, қувончли хитобдан кейин бир чақирим наридан эшитилгудек даҳшатли ўкирик янгради.

Ўрада худди Комулк пошшонинг имзоси чекилган Уммон кўрфази ва Маюмба қўлтигидан топилган иккала темир қутичага ўхшаган қутичадан бўлак ҳеч нима йўқ эди.

— Яна-я!— деб қичқириб юборди Трегомен, қўлларини кўкка чўзиб.

Ҳозирги вазиятни бу сўздан ортиқроқ ифодалаб берадиган ибора бўлмаса керак. Ҳа, ҳа! Яна! Улар яна сафарга... бу гал тўртинчи оролни излагани сафарга чиқадиган бўлдилар...

Ҳазаби қайнаб кетган Антифер тоға қўлидаги метин билан қутичани шундай туширдикки, у паққа иккига ажраб кетди...

Ичидан сарғайиб кетган, доғ-дуғ хат тушди, афтидан қутича ичига ёмғир ва эриган қор силқиб ўтган кўринадди.

Қутичадан бу гал Тиркомель ҳазратларига аталган олмос чиқмади, дарвоқе у ворисдошлари сингари чиқим қилмаган эди-да! Лекин шуниси маъқул: ўша мутаассиб одамга олмос хайф! Бари бир у олмосни нобуд қилади.

Бироқ бу гапларни бир ёққа қўйиб, хат хусусига қайтайлик. Ораларида эсанкирамай ўзини сақлаб қолган бирдан-бир одам — Жюэль уни ердан олди-да, илвираб турган қоғоз яна титилиб-йиртилиб кетмасин деб авайлабгина очди.

Антифер тоға кўкка қараб мушт дўлайганча, Замбуко бошини хам қилганча, Бинни Умар гам-алам елкасидан тегирмон тошидай босиб, икки букилганича, Жильдас Трегомен эса бутун аъзойи бадани кўз ва қулоққа айланганча туришаркан, огизларидан чурқ этган садо чиқмасди.

Хат бир варақ қоғозга ёзилган бўлиб, унинг юқори қисмига сув таъсир этмаганди. Илгариги ҳужжатлардагидек француз тилида ёзилган бир неча сатр тузуқкина сақланиб қолганди.

Жюэль уни деярли тутилмай ўқий бошлади:

— «Уч киши менга катта хизмат кўрсатишди, мен уларга ўз миннатдорчилигимни изҳор этишни истайман. Башарти учта ҳужжатни учта турли оролга кўмган эканман, бундан муродим, шу уч кишининг ҳамкорликда қилган сафар ва саёҳатлари мобайнида бир-бирлари билан яқиндан танишиб олишлари ҳамда айрилмас дўст бўлиб қолишларидир...»

(Ҳа, ҳа, у, батамом мақсадига етди-да... жуда ажойиб одам экан бу пошшо!)

— «Башарти уларнинг бу бойликларни қўлга киритгунга қадар баъзи муҳтожлик ҳамда мушкулотларни бошдан кечиришларига тўғри келган экан, ҳар қалай, бойликларни улар учун сақлаб қолиш борасида мен бошдан кечирган қийинчиликлар қаршисида ҳеч гап эмасдир.

Бу уч кимса: француз Антифер, мальталиқ Замбуко, шотланд Тиркомеллардир. Улар қазо қилган тақдирда эса ворислари худди улардек менинг бойлигимга эга бўлиш ҳуқуқига эгадирлар. Шундай қилиб, бу қутичани очиб ва мен васий этиб тайинлаган Бинни Умар ҳозирлигида бу энг сўнгги ҳужжатнинг мазмуни билан танишиб чиққач, мерсехўрларим олтин, олмос ҳамда дуру

жавоҳирлар солинган учала бочкачани ўз қўлим билан кўмган тўртинчи оролла жўнайверишлари мумкин».

Антифер тоға ва унинг ҳамроҳлари янгидан сафарга чиқишларини эшитиб, хафа бўлиб кетган бўлсаларда, буни эшитиб енгил тин олишди. Ахир бу тўртинчи оролча энг сўнггиси эди-да! Эндиликда унинг қаерда жойлашганини билиш қолганди, холос.

— «Бу оролчани топиш учун,— ўқишда давом этди Жюэль,— фақат бир... тортилса бас...»

Бахтга қарши, хатнинг бу қуйи қисми мутлақо ишдан чиқиб қолган, жумла, сўзларни ўқиб бўлмасди... кўплаб сўзлар ўчиб кетганди...

Еш капитан уларни ўқишга беҳуда уринарди:

— «Оролча... геометрик... қонун... жойлашган...».

— Хўш, ўқисанг-чи ахир!— қичқириб юборди Антифер тоға тутақиб.

Бироқ Жюэль давомини ўқий олмади. Хатнинг қуйи қисмида фақат айрим сўзларигина сақланиб қолганди. Жюэль уларни бир-бирига улаб, зўр бериб, бирон маъно чиқаришга уринарди. Кенглик ва узунликни билдирувчи рақамлардан эса ном-нишон қолмаганди...

Шунда Жюэль жумлани яна бошдан такрор ўқишга тутунди:

— Геометрик... қонун... жойлашган...

Ниҳоят у охирги «қутб» сўзини бир амаллаб ўқиди...

— Қутб?...— хитоб қилди у.— Қанақаси бўлди!.. Нима, у бизни Шимолий қутбга жўнатмоқчимиз?..

— Жанубий қутбга жўнатмаётганига шукур-е!— деб тўнғиллаб қўйди довдираб қолган Трегомен.

Турган галки, бу бир афсона эди! Ҳамма ишнинг оқибати худди шундай тугагини олдиндан билиб юрган эдилар-а! Қутбмиш-а! Ўзиям фақат қутб етмай турган эди-да! Шу чоққача қутбга инсон қадами етмаган-ку, ахир!

Антифер тоға бир сакрашда жиянининг олдига борди-ю, қўлидан ҳужжатни юлқиб олди-да, ўз навбатида ўқиб кўришга уриниб кўрди, бироқ қийнала-қийнала ярим ўчиб кетган яна бир неча сўзни ўқишга муваффақ бўлди.

Тўртинчи оролчани қаерда жойлашганини билиб олишнинг ҳеч қандай.. ҳеч қанақанги чораси қолмаганди... Уни қачон бўлмасин топишга ҳеч қандай умид қолмади!

Антифер тоға бу ишни тамоман бой берганига қаноат ҳосил қилгач, худди яшин теккандай турган ерида гуппа қулади.

## УН БЕШИНЧИ БОБ

*Эногатнинг бармоқчаси билан глобусда доира чизгани ва бу беозор ўйиннинг қандай оқибатларга олиб боргани*

12 август Сен-Малода, От-Салль кўчасидаги бир хонадонда тантана ҳукм сурарди. Эрталабки ўнлар атрофида уйдан талайгина дўстлари ва таниш-билишлар қуршовида никоҳ либосидаги куёв-келин чиқиб келишди.

Даставвал улар мэрияга йўл олишди, мэрияда эса уларни қучоқ очиб кутиб олишди, сўнгра черковга жўнашди. Мэрияда келин-куёвларни мэрнинг ёрдамчиси ажойиб сўзлар билан қутлади, черковда эса Тиркомель ҳазратлари тилга олишни маъқул кўрадиган мавзулардан бири юзасидан бағоят назокатли ваъзни тинглашди. Кейин ҳаммалари икки маросим — гражданлик ҳамда черков никоҳидан ўтган келин ва куёвни уйига кузатиб қўйишди.

Китобхонни шубҳага солиб қўймаслик учун тўп-тўғри айтиб қўяқолайлик, бу келин-куёвлар Эногат билан Жюэль эди. То тўй бўлгунига қадар ақлга тўғри келмайдиган қанча қийинчиликларни бошдан кечирганлари ёдингизда бўлса керак, албатта!

Шундай қилиб, Жюэль на маликага, на герцогиняга, на баронессага уйланди! Эногат эса на шахзодага, на герцогга, на баронга тегди! Миллионларни қўлга кири-толмагани сабабли Антифер тоғанинг орзу-умидлари пучга чиқди. Бироқ, ёшлар бундан ўзларини камроқ бахтиёр сезмаётирлар, десак янглишмаган бўламиз.

Тўйдан манфаатдор бу иккала шахснинг қанчалик бахтиёр эканини гапириб ўтиришнинг ҳожати ҳам бўлмаса керак. Улардан ташқари кўзларида қувонч учқунлари порлаб турган яна икки кимса бор эди: улардан бири қизини бахтиёр қила олган Нанон, иккинчиси Жильдас Трегомен бўлиб, эгнига кийиб олган ажойиб сюртуги, бежирим шими, бошидаги ипак цилиндр ва қўлидаги оппоқ қўлқопидан унинг куёв жўра экани кўриниб турарди.

Жуда соз!.. Хўш, Пьер-Серван-Мало Антифер-чи? Нега уни тилга олмаётибмиз?

Тоға ҳақида ва тутқич бермас хазинани излаш мобайнида ҳолдан тойдирган, сира ишлари ўнгидан келмаган саёҳат қатнашчиларининг ҳаммаси ҳақида суҳбатлашамиз, албатта.

Учинчи оролдан ҳамманинг ҳафсаласини пир қилиб, кўнглини вайрон этган ҳужжат топилганидан бир соат ўтгач, саёҳатчилар «Кроон»га қайтишди. Атайлаб оролчага чақирилган матрослар Антифер тоғани кемага қўларида кўтариб олиб кетишди.

Антифер тоғанинг мияси бу сўнгги ҳалокатли зарбага дош бера олмагандир деб тахмин этиш табиий эмасмикин? Бундан бошқача ўйлаш ҳам мушкул эди. Гарчи Антифер тоға учун бу кундан кўра умри тугаб қўя қолгани маъқул бўлса-да, ҳар қалай, бундай бахти қаролик тоғани четлаб ўтганди. Лекин у ғоятда эзилиб кетган, шундай тушкунликка тушгандики, на Жюэль, на Трегомен уни бир оғиз гапиртира олишди.

Орқага денгиз ҳамда қуруқлик бўйлаб имкони борича зудлик билан қайтдилар. «Крсон» ўз йўловчиларини Гаммерфестга, кейин Нордкапдан қайтаётган алоқа кемаси уларни Бергенга элтиб қўйди. У пайтларда ҳали Тронхейм билан Христиания<sup>1</sup> оралиғида темир йўл йўқ эди, шунинг учун ҳам Норвегиянинг пойтахтигача файтонда боришларига тўғри келди. Сўнгра Копенгагенгача пароходда ва ниҳоят Дания, Германия, Голландия, Бельгия ҳамда Франция темир йўллари орқали қайтишди. Улар аввал Парижга, у ердан эса Сен-Малога етиб олишди.

Антифер тоға билан банкчи Замбуко бир-бировларидан ниҳоятда порози бўлиб, Парижда хайр-маъзур қилишди. Мадемуазель Талисма Замбуко, афтидан, бир умрга қари қиз бўлиб қоладиган кўринади эндиликда. Йўқ, уни шунча йиллар мобайнида курашиб келгани бу мушкул аҳволдан халос этиш Пьер-Серван-Малога насиб қилмаган экан. Шубҳасиз, Антифер тоға банкчи Замбуко билан ҳисоб-китоб қилди, сўнгги сафарларидаги харажатларга Замбуко маблағ берганди, тоға ана шу харажатдан ўз ҳиссасига тушадиганини батамом тўлади, бу анчагина пул бўлди, албатта! Антифер тоға олмосини сотди, унинг пули собиқ ворисдоши билан ҳи-

---

<sup>1</sup> Х р и с т и а н и я — Норвегиянинг пойтахти Ослонинг илгариги номи.



соб-китоб қилишга етибгина қолмай, балки тоғанинг чўнтагига ҳам мўмайгина тушди. Шундай қилиб, бу бо-рада унинг ҳеч қандай зорланадиган жойи ҳам йўқ эди.

Бинни Умарга келсак, у фақат биргина нарса — тез-роқ юртига жўнаш умидида эди.

— Ана энди қорангиз ўчсин!— деди Антифер тоға у билан хайрлашаркан.

— Тинч, хотиржамгина яшайверсинлар энди!— деб қўшиб қўйди Жильдас Трегомен тасалли бергандек бир оҳангда.

Шундан кейин Бинни Умар энг қисқа йўл билан Ис-кандария томон жадаллаб бораркан, бундан буён ҳеч ким, ҳеч қачон хазина ортидан қувишга кўндира олмай-ди мени, деб тангри таолло ҳақиға қасамёд этди.

Эртаси куниёқ Антифер тоға, Жильдас Трегомен ва Жюэллар Сен-Малога етиб келишди. Юртдошлари қан-дай кутиб олишди уларни? Гарчи баъзи тили аччиқ мас-харабозлар бу ишлари ўнгмаган хазина изловчилар худди телба Жан<sup>1</sup>га ўхшаб қандай кетган бўлса, шун-дайича икки қўлини бурнига тиқиб қайтди, деб майна қилган бўлсалар-да, кўпчилик иззат-икром билан кутиб олишди.

Нанон билан Эногат ўз яқинларига иложи борича тасалли беришарди. Уларни меҳрибонлик билан кутиб олишди, қучоқлашиб кўришишди... Шундай қилиб, От-Салль кўчасидаги уйдагилар яна одатдагидек кун кечи-ра бошладилар.

Антифер тоға жиянларининг ҳеч қайсисига мил-лионлаб сеп бера олмаган экан, уларнинг никоҳ ўқитиш-ларига розилик беришдан ўзга иложи қолмаганди. У ўз розилигини қуйидагича изҳор этди:

— Худо ҳаққи, билганларингизни қилинглар, фақат мени тинч қўйсаларинг бас!

Шу сўзлар билан қаноатланиб қўя қолишга тўғри келди. Уйдагилар тўй тадорикини кўра бошладилар. Ан-тифер тоға бу ишларга асло аралашмади. Бутун вужу-дини ғамгин ўй ва истаган пайтда сиртга отилиб чиқиши мумкин бўлган ички бир ғазаб ҳисси қамраб олган тоға, оғзидан трубкасини қўймас, деярли хонасидан ташқари чиқмасди.

---

<sup>1</sup> Жан — француз халқ эртакларидаги омадсиз, қош қўя-ман деб кўз чиқарадиган персонаж.

Уни тўй маросимида қатнашишга кўндиришнинг иложи йўқ эди. Унга Жильдас Трегоменнинг илтимослари ҳам таъсир этмади. Трегомен унга ҳатто:

— Сен ноҳақсан, қария!— дейишга ҳам журъат этганди.

— Қўявер, ишинг бўлмасин!

— Болаларни азобга қўйдинг... Илтимос қиламан сендан..

— Утинаман, мени тинч қўй, қайиқчи!

Ниҳоят Эногат билан Жюэль турмуш қуришди ва От-Салль кўчасидаги уйнинг бир хонасида яшай бошлашди. Улар озгина вақтларини Нанон билан биргаликда одамларнинг пошшоҳони, умумий дўстлари Трегоменникида хушвақтлик билан ўтказиш учунгина ўз хоналарини тарк этдилар.

У ерда кўпроқ умидсизликка тушиб қолгани ва серзардалиги билан ўзларини ранжитаётган Антифер тоға ҳақида гаплашишди, албатта. У уйдан чиқмай; ҳеч ким билан учрашмай, ҳамда ҳеч зор билан гаплашмай қўйди. Трубкасини оғзидан қўймай, ҳар куни қалъа девори ёки соҳил бўйини ёқалаб сайр қилиш одатини ҳам тарк этди. Ҳамманинг оғзида, бундай мағлубиятдан кейин одамларнинг кўзига кўринишдан уяляпти, деган гаплар юрарди, дарҳақиқат, аслида ҳам худди шундай эди.

— Соғлигининг мазаси қочяпти деб қўрқаман,— дерди Эногат, у тоғаси ҳақида гапираркан, гўзал нигоҳи ғамгинлик касб этарди.

— Мен ҳам шундан чўчиёпман, қизалорим,— деб жавоб берарди Нанон,— ҳар куни худога илтижо қилиб, Пьернинг кўнглига хотиржамлик ато этишини сўраяпман.

— Падарига лаънат ўша пошшонинг!— хитоб қилди Жюэль.— Ўша миллионлари билан бизнинг ҳаётимизга суқулишининг нима кераги боракан-а!..

— Бунинг устига бу миллионларни тополмасаг-а!— жавоб берди Жильдас Трегомен.— Ҳар ҳолда... энг охириги ҳужжатни охиригача ўқишнинг иложи бўлса эди-я!..

Бир куни у Жюэлга шундай деди:

— Биласанми, бўтам, мен нималар ҳақида ўйляяпман?

— Нималар ҳақида, жаноб Трегомен?

— Эҳтимол, амакнинг бойликларнинг қаерга кўмилга-

нини билганида, гарчи уни ҳеч қачон қўлга кирита олмаганида ҳам, бунчалик авзойи бузилиб юрмасмиди.

— Эҳтимол, сиз ҳақдирсиз, жаноб Трегомен, Тўртинчи оролнинг координатлари кўрсатилган ҳужжат қўлида бўлса-ю, уни охиригача ўқиёлмас! Амакимнинг қонини қайнатаётган нарса ана шу.

— Тўғри, бу гап ҳамма иш битган бўларди-я!— жавоб берди Трегомен.— Ҳужжатда бу гап очиқ-ойдин айтилган...

— Амаким уни сира қўлидан қўймайди, қайта-қайта ўқигани-ўқиган...

— Вақтни бекор ўтказишдан бошқа гап эмас бу, бўтам, бахтга қарши, бунинг бизга ҳам касри уряпти. Комулк пошшонинг бойликлари ҳеч қачон топилмайди, ҳа-ҳа, ҳеч қачон!

Афтидан, Трегомен ҳақ эди.

Айтгандай, тўй ўтгандан бир неча кун кейин анави муттаҳам Соукнинг бошига қандай кўргилик тушгани аён бўлди... Бу ярамаснинг Шпицбергенга Антифер тоға ва унинг ҳамроҳларидан илгарироқ етиб боролмаганининг сабаби, арктика сувларига томон йўлга чиқай деб турган кемага ўтираётганида Глазгода қўлга олинибди. Тиркомель ҳазратларига қилинган, сал бўлмаса у жонидан жудо бўлаётган жинояткорона ҳамла қанчалик шов-шувга сабаб бўлгани, ваъзхоннинг елкасидаги машхур кенгликни билдирувчи рақамларнинг қандай вазиятда аён бўлгани китобхоннинг ёдидадир. Турган гапки, Тиркомель ҳазратлари белгиларини аниқ айтиб бергач босқинчини қўлга тушириш учун бутун Эдинбург полицияси оёққа тургазилган ва қўлларидан келган ҳамма чоралар ишга солинганди.

Суиқасддан кейин Соук, ҳатто «Қирол меҳмонхонаси»га кирмай, тўппа-тўғри Глазгога борадиган кемани топиш ниятида эди. Антифер тоғага ўхшаб Шотландиянинг шарқий соҳилидан йўлга чиқиш ўрнига у, аксинча, ғарб томондан бормоқчи бўлди. Бу иккала йўлнинг олислиги деярли баравар эди, шунинг учун ҳам у кўзлаган манзилга Комулк пошшонинг қонуний меросхўрларидан олдинроқ етиб олиш умидида эди.

Бироқ, омади юришмай, Глазгода зарур пароходни бир ҳафта кутиб қолди, шундай қилиб, инсоният одил суди бахтига, кемага чиқаётган пайтида уни таниб қолишди. Уша заҳотиёқ қўлга олиниб, бир неча йил қа-

моққа ҳукм этилди. Шундай қилиб, у ҳатто саёҳатга чиқиб, чиқимдор ҳам бўлмади. Дарвоқе, Шпицбергенга етиб борганида ҳам унинг учун бунинг ҳеч қандай нафи йўқ эди.

Уммон кўрфазидаги дастлабки текширув ишинан то Шимолий-Муз океанидаги сўнгги излаш ишларигача бўлган воқеа-ҳодисалар занжиридан оддий бир хулоса келиб чиқарди: Бойликлар Комулк пошшо шошқалоқлик қилиб ишониб топширган номаълум оролда асрнинг охиригача кўмилганича ётаверадиган бўлди. Рост, воқеаларнинг худди ана шундай тугашидан қувонган, ҳатто тангрига ҳамду сано ўқийдиган одам ҳам борийди. Биз Тиркомель ҳазратлари ҳақида гапиряпмиз. Борди-ю, Комулк пошшонинг бойликлари иродасиз инсоният мулкига айланиб қолса, бу фоний дунёдаги гуноҳлар устига, ҳар бир гуноҳни бир франкдан ҳисобланса, миллион-миллионлаб гуноҳлар қўшилган бўларди-да!

Кунлар кетидан кунлар ўтаверди. Тоғанинг аянчли аҳволи ташвишга солмаганида, Эногат билан Жюэль бахтиёр ҳаёт нашидасини сурган, ундан тўлиқ баҳраманд бўлган бўлармидилар. Бундан ташқари, ёш капитан севимли хотини, оиласи ва дўстларидан жудолашадиган соатлар яқинлашиб келаётганини ўйларкан, қалбини ғусса қамраб оларди. «Бейиф ва К°» савдо хонадони учун уч мачтали кема қуриш иши жадаллик билан борарди, бу кеманинг капитан ёрдамчиси лавозими Жюэлга аталганини китобхон яхши билади. Унинг ёшидаги йигит учун ажойиб мартаба эди бу! Атиги олти ойдан кейин у Ҳиндистонга жўнайди.

Жюэль бу ҳақда Эногат билан тез-тез суҳбатлашиб турарди. Яқин кунларда ҳижрон дамлари бошланажагини ўйларкан, ёш келинчак ўзини бахтсиз ҳис этарди. Бироқ, денгизчи хотинининг қисмати шунақа, денгизчилар оиласида бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас-да ахир! Эногат нега қайгураётганининг асли сабабини билдирмасликни истар ва Антифер тоғани ўйлаб, изтироб чекяпман, деб ишонтирмоқчи бўларди... Жюэль учун эса амакисини шундай аҳволда ташлаб кетиш оғир эди... Қим билади дейсиз, уни яна ҳаёт кўрадимиз, йўқми?

Шу кунларда Жюэлнинг хаёли ҳаминша охиригача ўқишнинг иложи бўлмаган ҳужжат, унинг мужмал сатрлари билан банд эди. Ҳа, худди шундай! Бу сатрлар

шубҳасиз, қандайдир бир жумланинг бошланиши эди, айнан шу нарса унга тинчлик бермасди...

Бу жумла шундай бошланарди: «Фақат... ўтказилса бас... Ўтказилса... Нима ўтказилса?»

Кейин қўйидаги сўзлар ёзилганди: «оролча... геометрик... қонун... жойлашган... қутб...»

Гап қанақанги геометрик қонун ҳақиде боряпти ўзи?.. Бу оролчалар ўртасида бирон муайян алоқа йўқмикин? Наҳотки пошшо бу оролларни тасодифан эмас, балки махсус бир ният билан танлаган бўлса? Наҳотки уни бир ҳаёл аввал Уммон кўрфазига, кейин Маюмба қўлтиғига ҳамда Шпицбергенга элтмаган бўлса? Математик истейдодга эга бўлган (бу аён эди ҳаммаларига) бадавлат мисрлик уларнинг олдиларига бирон масалани ечишни қўймаганмикин?

Балки, у «қутб» деганда ернинг географик қутбини кўзда тутгандир, деб тахмин қилиш мумкиндир? Йўқ, йўқ, юз карра йўқ!. Йўқса у нима демоқчи бўлган бу билан?

Жюэль бу жумбоқни ечиш учун қанчалик бош қотирмасин, бари уринишлари зое кетарди.

«Қутб... қутб... ҳамма сир шунда...»,— деб такрорларди у ичида.

У Трегомен билан шу ҳақда тез-тез суҳбаглашарди. Трегомен унинг бу жумбоқни ечишга бўлган уринишларини астойдил маъқулларди, чунки эндиликда миллионларнинг чиндан ҳам мавжуд эканига асло шубҳа қилмасди.

— Аммо-лекин, бўтам,— дерди у шундай пайтларда,— ечаман деб соғлиқни йўқотганингга арзимади бу жумбоқ...

— Эҳ, жаноб Трегомен, ахир мен ўзим учун тиришаётганим йўқ-ку. Бу бойликка нисбатан қандай муносабатда эканимни ўзингиз яхши биласиз-ку, ахир! Амакимни деб шундай қиляпман...

— Ҳа, амакингни деб, Жюэль! Унга қанчалик оғир эканини тушунаман... ўша ҳужжат қўлида бўлса... уни ўз кўзлари билан кўриб турса-ю... қўлидан ҳеч нима келмаса-я. Хўш, қалай, ҳали изини топганингча йўқми?

— Йўқ, жаноб Трегомен. Лекин унда «геометрик» деган сўз бор, ҳужжатда аллақандай геометрик алоқанинг борлиги бекордан-бекорга айтилмаган... кейин... «ўтказилса бас...» дейилган. Хўш, нимани ўтказилади?

— Ҳа, худди шундай... нимани...— деб такрорлади Трегомен ҳам.

— Айниқса «қутб» иборасини айтмайсизми? Унинг қайси маънода ишлатилганига сира ақлим етмаяпти.

— Афсус, минг бора афсуским, бўтам, бу борада ҳеч нарсани тушунмайман-да!... Бўлмаса сени тўппа-тўғри йўлга солиб юборган бўлардим-да!

Орадан икки ой ўтди. Антифер тоғнинг руҳий эзилишида ўзгариш бўлмади, жумбоқни ечиш иши ҳам бир қадам бўлса-да олға силжигани йўқ.

Кунлардан бирида, 15 октябрда Эногат билан Жюэль нонуштани кутиб ўз хоналарида ўтиришган эди. Анча совуқ тушиб қолган, каминда гуриллаб ўт ёнарди.

Улар қўл ушлашганча, индамай бир-бирларига тикилиб ўтиришарди.

Жюэлнинг нимадандир ташвишланаётганини сезган ёш келинчак эрининг паришонлигини тарқатишга аҳд қилди.

— Жюэль,— деди у,— мен сендан тез-тез хаг олиб турардим ва қайта-қайта ўқийверардим... Бу яшшамагур саёҳат қанча-қанча азоб-уқубатларга солмади бизни!.. Сенинг ҳамма хатларингни эҳтиётлаб сақлаб қўйибман.

— Бу хатлар энг қайғули кунларимизни ёдга солади, жонгинам.

— Ҳа... Шундай бўлса ҳам уларни асраб қўяман!.. Лекин хатларингда саёҳатларинг батафсил ёзилмаган, мен эса ҳамма — ҳаммасини билгим келади! Жюэль, барака топ, шу бугунсқ ҳаммасини, нималарни бошдан кечирганинглари гапириб бер.

— Нима кераги бор?

— Бундан мен ҳузур қиламан. Назаримда сен билан бирга пароходда, поездда, карвонда саёҳат қилаётгандек бўламан!..

— Жонгинам, бунинг учун харита бўлиши керак. Ана унда юрган йўлларимизни қадам-бақадам кўрсагиб бераман.

— Шошма! Мана глобус. Шунинг ўзи етмайдими?..

— Жуда етади-да.

Эногат Жюэлнинг столидаги металл оёқли глобусни олиб, камин ёнидаги столга қўйди.

Жюэль бунинг Эногатга қанчалик ҳузур бахш эстажани кўриб, хотинининг ёнига келиб ўтирди-да, глобусдан Сен-Малони топиб:

— Шундай қилиб, йўлга тушдик бўлмаса!— деди.

Уларнинг глобусга энгашган бошлари бир-бирига тегиб турарди, саёхатчиларимиз босиб ўтган йўлдан бораётиб ёш келин-куёвлар баъзида бўса олишаркан, бунинг ҳеч қандай таажжубланадиган жойи йўқ эди.

Жюэль бир сакрашда Франциядан Мисрга ўтиб, Антифер тоға ўз ҳамроҳлари билан тўхтаган Суэида бир нафас ушланиб қолди. Кейин у бармоғи билан Қизил денгиз, Арабистон денгизи бўйлаб бориб, Уммон кўр-фазига кирди-да, Маскатда тўхтади.

— Шундай қилиб, шу ер Маскат экан-да,— деди Эногат,— биринчи оролча қаердадир, яқин атрофда бўлса кераг-а?

— Ҳа. Соҳилдан сал нарида, кўрфазда.

Кейин, глобусни айлантирганча, Жюэль Антифер тоға банкчи Замбуко билан учрашган Тунисгача келди-да, Уртаер денгизи бўйлаб бориб, Дакарда тўхтади, сўнгра экваторни кесиб ўтди-да, Африка соҳилларини ёқалаб бориб, Маюмба қўлтиғига етди.

— Иккинчи оролча шу ердами?— деб сўради Эногат.

— Худди шундоқ, жонгинам.

Бу ердан Африкани ёқалаб бориб, Европани босиб ўтиб, Тиркомель ҳазратлари билан келишилган Эдинбургга боришди. Сўнгра ёш келин-куёвлар шимол сари йўл олишди ва ниҳоят бармоқлари гиёҳ унмас Шпицберген қояларига бориб ўхтади.

— Учинчи оролчани ҳам топдикми?— деб сўради Эногат.

— Ҳа, жонгинам, бизни энг катта бахтсизлик кутиб турган учинчи оролча, умуман олганда, буларнинг бари аҳмоқона бир қалтис иш бўлиб чиқди.

Эногат жимгина глобусга тикилиб қолди...

— Қомулк пошшо бирин-кетин... айнан шу учта оролчани нега танладийкин?— деб сўради у.

— Ана шунисини билмаяпмиз-да, ҳеч қачон билолмаймиз ҳам, албатта!

— Ҳеч қачон-а?

— Шундай бўлса-да, бу учала оролча ўзаро қандайдир геометрик нисбат билан боғланиши керак. Бу энг кейинги ҳужжатдан маълум. Бундан ташқари, унда «қутб» деган сўз ҳам бор, ана шу сўз менга сира тинчлик бермаяпти...

Жюэль миясидан сира нари кетмаётган саволларга

жавоб бераётгандек, яна ўйга толди... Шу топда у бор ақлини жамлаб, бу ғоятда қийин масалани ечмоққа аҳд қилгандек кўринарди.

Бу орада Эногат глобусни олдига яқинроқ суриб, бармоғини Жюэль кўрсатиб берган чизиқдан юргиза бошлади. Аввал унинг кўрсатгич бармоғи Маскатда, кейин ёй сифатида айланиб бориб Маюмба қўлтиғида тўхтаб турди-да, сўнгра яна бир карра қийшиқ йўл чи- виб, Шпицберген томон юқорига кўтарилиб борди, ни- ҳоят тўлиқ айлана ҳосил қилиб, сафарга чиқилган нуқ- тага қайтди.

— Менга қара,— деди Эногат кулиб,— айлана ҳо- сил бўляпти... Сизлар айлана бўйлаб саёҳат қилибсиз- лар.

— Айлана бўйлаб?

— Ҳа, жонгинам, айлана бўйлаб.

— Айлана бўйлаб дегин-а!—деб хитоб қилди Жюэль. У ўрнидан туриб, хонада бир неча қадам юрди.

— Айлана... айлана!..— деб такрорларди у нуқул.

Кейин у стол томон ўгирилиб, глобусни олди-да, ўз навбатида бармоғи билан босиб ўтилган йўл бўйлаб юр- газиб чиқди ва бирдан телбалардек қичқириб юборди.

Эногат унга даҳшат билан тикилиб қолди. У ақлдан озибди!.. У ҳам... тоғамга ўхшаб-а!.. Эногат шақ-шақ қалтирар, кўзларида ёш милтирарди.

Жюэль яна қичқира бошлади:

— Топдим... топдим!..

— Нимани?

— Тўртинчи оролчани!

Ҳа, ёш капитан чиндан ҳам ақлдан озганга ўхшайди... Тўртинчи оролчани топдим дейдими?.. Бундай бўлиши мумкин эмас-ку!

— Жаноб Трегомен... жаноб Трегомен!— деб қўшни- сини чақирди Жюэль деразани очиб...

Кейин худди қандайдир савол бераётгандек глобус томонга юзланди. Шу топда уни шу картон шар билан гаплашяпти деб ўйлаш мумкин эди.

Орадан бирон дақиқа ўтмаёқ хонага Жильдас Трего- мен кириб келди, ёш капитан унинг бўйнига осилиб:

— Топдим!— деди.

— Нимани топдинг, бўтам?

— Мен геометрик нисбатни топдим, бу учала орол- чанинг ўзаро қандай боғланганини тушундим, шундай



қилиб, тўртинчи оролчанинг қаердалигини ҳам биланман!

— Нималар деяпсан ўзи?!— хитоб қилди Жильдас Трегомен.

Жюэль шу топда ўзини йўқотиб қўйган, кўзлари аланг-жаланг боқардики, Жильдас Трегомен, худди Эногатга ўхшаб, ёш капитан ақлдан озиб қолган бўлмасин тагин, деб ўйлади.

— Йўқ, йўқ,— деди Жюэль Трегоменнинг хижолат чекаётганини пайқаб,— йўқ, ақлим жойида! Қулоқ солинг!..

— Қулоғим сенда!

— Учала оролчамиз бир айлана чизиқ бўйлаб жойлашган. Шундай экан, улар бир текислик юзасида ётибди дейлик; ҳар икки оролни туташтирадиган иккита тўғри чизиқ ўтказайлик — ҳужжатда айтилгандек тўғри чизиқ «ўтказилса бас»— кейин ҳар иккала тўғри чизиқдан марказга томон перпендикуляр ўтказамиз... Бу иккала перпендикуляр доиранинг марказида кесишади, тўртинчи оролча албатта ана шу марказий нуқтада, яъни гап шарнинг қабарик бир парчаси ҳақида бораётгани сабабли «қутб»да жойлашган бўлиши керак!

Комулк пошшонинг Зо билан келишиб бу оддий геометрик масалани амалда қўллаганини китобхон тушуниб турибди... Бундай хулоса Жюэлнинг хаёлига илгарироқ келмаганининг сабаби унинг учала оролчанинг бир айлананинг уч нуқтасида турганига эътибор бермагани эди.

Бу жўнгина масалани ечишда Эногатнинг тасодифан глобусда доира бўйлаб ҳаракат қилган жажжи бармоғи иш берганди...

— Бундай бўлиши мумкин эмас!— дея такрорлади Жильдас Трегомен.

— Йўқ худди шундай, жаноб Трегомен! Мана, бир кўринг-а, ўзингиз ҳам қаноат ҳосил қиласиз бунга.

Шундай деб Жюэль глобусни Трегоменнинг олдига қўйди-да, учала орол жойлашган ер бўйлаб бармоғи билан доира чизди. Бу айлана Комулк пошшонинг танлаб олиши учун катта имкониятлар берадиган қўйидаги нуқталардан ўтарди: Маскат, Бобул-мандиб бўғози, Экватор, Маюмба, Яшил бурун ороллари, Рака тропикаси, Гренландиядаги Фарвель буруни, Фарбий Шпицберген ороли, Адмиралтейс ороллари, Карск денгизи, Сибирда-

ги Тобольск, Эрондаги Ҳирот. Шундай қилиб, башарти Жюэль ҳақ бўлса, унда тўртинчи оролча ана шу доиранинг қоқ марказида бўлиши керак, чунки планга олинган доира учун нимаки тўғри бўлса, маркази қутбсимон қабариқ шар бўлаги учун ҳам мос келади.

Жильдас Трегомен ҳайратдан лол қолганди. Ўзини тамоман йўқотиб қўйган ёш капитан хонада у ёқдан-бу ёққа юрар, гоҳ глобусни бағрига босар, гоҳ Эногатнинг бу турли ранглар билан чаплаган юмалоқ картондан минг бор афзалроқ, олмадай таранг ёноқларидан ўпар ва шундай деб такрорларди.

— Бунини Эногат топди, жаноб Трегомен... У бўлмаганида бунақанги фикр миямга икки дунёда келмасди!..

Жюэлнинг бунчалар қувончга тўлганини кўрган Трегоменнинг завқи жўшиб, севинчи ичига сиғмай кетди. У аввал бир, кейин иккинчи маротаба ирғишлаб қўйди... Кейин виқор билан қўлларини чалиштириб, у ёнбошидан-бу ёнбошига тобора қаттиқроқ чайқалиб ирғишлай бошлади. Рансда сузиб юрган дамларида «Гўзал Америка» ва ҳатто шўх филларни ортиб олган «Порталегри» ҳам бунчалик чайқалмаганди. Ниҳоят момақалди роқ овози билан Пьер-Серван-Малонинг қўшиғини бошлаб юборди:

Қўлимдадир уз, уз, уз,  
Қўлимдадир ун, ун, ун,  
Қўлимдадир лик, лик, лик,  
Узунлик!  
Узунлик!  
Узунлик!

Ниҳоят дўстлар тинчланишди.

— Тоғамга ҳам айтиш керак,— деди Эногат.

— Тоғамга айтиш керак дейсанми?— қайтариб сўради Трегомен, бу таклифдан сал хижолат бўлиб.

— Аввал ўйлаб кўриш керак,— жавоб берди Жюэль.

Нанонни чақириб, ҳамма гапни унга икки оғиз сўз билан тушунтиришди. Жюэлнинг, бунини уканингизга айтсакмикин, йўқмикин, деган саволига кекса бретонка мана бундай жавоб берди:

— Ундан ҳеч нимани яширмаслигимиз керак.

— Яна умиди пучга чиқадиган бўлса-чи,— деб қўйди Эногат,— бунга бардош бера олармикан шўрлик тоғам?

— Умиди пучга чқса!— хитоб қилди Трегомен.— Йўқ, йўқ, бу гал ундай бўлмайди!..

— Энг сўнги ҳужжатда бойликларнинг худди ана шу тўртинчи оролчага кўмилгани очиқ-ойдин айтилган,— қўшиб қўйди Жюэль,— тўртинчи оролча эса биз чизган айлананинг марказида жойлашган, бу гал шундайлиги-га қаттиқ ишонаман...

— Бўлмаса укамни ҳозироқ чақираман,— деди Нанон.

Бир дақиқадан сўнг Антифер тоға Жюэлнинг хонаси-га кириб келди, у қатрача ўзгармаган, бояги-боягидек қайғуга ботган, қарашлари аланг-жалаанг, чеҳраси ғамнок, тунд эди.

— Нима гап?

Унинг дағдағали сўз оҳангида эсанкираш аломатлари акс этиб, жўшиб келаётган ғазабини аранг босиб турганини пайқаш қийин эмасди.

Жюэль нима гап бўлганини, учала оролча орасидаги геометрик боғланишни қандай топганларини ва тўртинчи оролчанинг нима сабабдан айнан шу доиранинг марказида бўлиши кераклигини сўзлаб берди.

Хонадагиларни ҳайратда қолдириб, Антифер тоға бу ахборотни хотиржамгина тинглади. Ҳатто қошлари ҳам чимирилмади. Бу янгиликни тоға олдиндан кутаётган экан, шунинг учун ҳам бу ҳол унга тасодиф эмас, балки негадир мутлақо табиий бир нарсасидек бўлиб туюлди, деб ўйлаш мумкин эди. У фақат Жюэлдан:

— Уша марказий нуқта қаердайкин?— деб сўради, холос.

Дарҳақиқат, бағоят ўринли савол эди бу.

Жюэль глобусни столнинг ўртасига қўйди. Худди текис сатҳда иш олиб бормоқчидай, қўлига паргар ҳамда эгилувчан чизғични олиб, Маскат билан Маюмбани бир-чизиқ билан туташтирди, кейин Маюмба билан Шпицбергенни бирлаштирадиган иккинчи чизиқни ўтказди. Бу ҳар иккала чизиқнинг қоқ ўртасидан иккита перпендикуляр ўтказган эди, улар доиранинг марказида кесилди.

Доиранинг маркази Уртаер денгизида, Пантеллерия ороли яқинидаги Сицилия билан Бон буруни оралиғига тўғри келди.

— Мана шу ерда, амаки... шу ерда!— деди Жюэль.

У меридиан билан параллелни аниқ ўлчаб, ишонч билан бундай деди:

— Шимолий кенгликнинг ўттиз етти градусу йигирма олти минути ва Париж меридианидан шарқ томондаги узунликнинг ўн градусу ўттиз уч минути.

— Лекин у ерда бирор оролча бормикан?— деб сўради Жильдас Трегомен.

— Бўлиши керак!— жавоб берди Жюэль.

— У ерда бирор оролча бормикин дейсанми?.. Сира шубҳаланмаслик керак, қайиқчи,— деди Антифер тоға,— ҳа, ҳа, шубҳаланишнинг ҳожати йўқ, у бор!.. Эҳ! Минг миллион, миллиард, боринги, сон-саноқсиз фалокатлар устига худди шуниси етмай турувди-да ўзиям!

Бу тоқи лаънатни у шундай даҳшатли овоз билан бўкириб айтдики, дераза ойналари зириллаб кетди, кейин Эногатнинг хонасидан отилиб чиқиб, ўз хонасига кириб эшикни қулфлаб олди. Шу куни уни бошқа кўришмади.

## У Н О Л Т И Н Ч И Б О Б

*Биздан кейин бир неча асрлар ўтган яшаяжак  
эвара-чевараларимизга мурожсаат*

Модомики собиқ соҳил ёқалаб қатновчи кема капитани тамоман ақлдан озмаган экан, унда бағрида Комулк пошшонинг бойлигини сақлаб турган тўртинчи оролчанинг ҳақиқий жойлашган ери аниқланган бир дақиқада ўзини бундай ғалати тугганини қандай тушунса бўлади?

Кейинги кунларда аллақандай тушуниб бўлмас ўзгариш юз берди: Пьер-Серван-Мало эски одатларига қайтди, яна трубкасини оғзидан қўймай калъа девори ҳамда соҳил бўйини ёқалаб сайр қиладиган бўлди. Бироқ бу эндиликда аввалги Антифер эмасди. Лабларидан истеҳзоли кулгу аримасди. У Комулк пошшонинг хазинасини хаёлига ҳам келтиришга изн бермасди, ҳатто қилган саёҳатларини эсга ҳам олмас, ҳамда кўпдан кутилган миллионлар қўлга киритилиши мумкин бўлган янги экспедиция ҳақида оғиз ҳам очмасди.

Жильдас Трегомен, Нанон, Эногат ва Жюэллар нима қилишни билишмасди. Дақиқа сайин Антифер тоғанинг «Қани кетдик!»— деган хитобини кутишарди ҳам-

малари, бироқ унинг янги сафарга чиқишни хаёлига ҳам келтирмаётгани ўз-ўзидан кўриниб турарди.

— Унга нима бўлдийкин?— деб сўради Нанон.

— Худди уни алмаштириб қўйганга ўхшайди-я!— деди Жюэль.

— Эҳтимол уни мадмуазель Талисма Замбукога уйланиш ҳақидаги фикр чўчитаётгандир?— деб қўйди Трегомен.— Эҳ, бари бир эмасми унга!.. Миллионлаб бойликнинг бекордан-бекор нобуд бўлишига йўл қўйиб бўлмайди-ку, ахир!

Иккала ошнанинг қарашлари қанчалик ўзгариб кетганини қаранг-а! Антифер тоға билан Жильдас Трегомен алмаштириб қўйилганми, деб ўйлайсан киши. Эндиликда олтин хирси, Антифер тоғани эмас, балки Трегоменнинг вужудини қамраб олган эди. Дарвоқе, сўнггиси тўла мантиқан мулоҳаза юритарди. Бу қанақаси бўлди, оролчани топишга ҳеч қандай ишонч бўлмаган бир пайтда, уни излагани ошиқилса-ю, эндиликда унинг қаерда жойлашгани аниқ-таниқ аниқланганда йўлга тушиш ҳақида бирон оғиз ҳам гап бўлмаса-я!..

Трегомен Жюэлга доим шу ҳақда гапирарди.

— Бизга нима кераги бор бунинг?— деб жавоб берарди ёш капитан.

Шунда Трегомен Нанонга мурожаат қиларди.

— Қўриб кетсин ўша бойлик!.. Менга деса бир умр қолиб кетмайдими ўша ерда!

Кейин у Эногатга гапирарди:

— Менга қара, қизалоқ, сенинг чўнтагингда ўттиз уч миллион жаранглаб турарди-я!..

— Бундан кўра ўттиз уч бўсани истамайдиларми, жаноб Трегомен?..

Ниҳоят ўша машҳур манзара содир бўлгандан кейин ўн беш кун ўтгач бу ҳақда Антифер тоға билан гаплашишга қарор берди.

— Анави... ҳалиги.. оролча нима бўлди?..

— Қайси оролча, қайиқчи?

— Уртаер денгизидаги оролчани айтаяпман!.. Ахир, у ҳақиқатан ҳам мавжуд эмасми?

— Мавжуд эмасмикин, дейсанми, қайиқчи? Унинг мавжудлигига сенинг ёки ўзимнинг мавжудлигимиздан кўра кўпроқ ишонаман!

— Нега бўлмаса ўша ёққа жўнамаяпмиз?

— Уша ёққа жўнамаяпмиз, дейсанми, чучук сувда

сузадиган денгизчи?.. То қўлтиғимиздан сузғич ўсиб чиққунича кутиб тура турамыз!

Бу билан нима демоқчи бўлди у? Жильдас Трегомен бу борада ҳар қанча бош қотирмасин, ҳеч нимага тушунолмади. Шунда ҳам тинчланмади у. Ахир бу ўттиз уч миллион унга эмас, ёшларга зарур-да... Башарти севишганлар ўзларининг келажаклари ҳақида ўйламас эканлар, ёшлар ҳақида у ғамхўрлик қилмаса, ким қилади ахир!

Хулласи калом, ҳаммаларига тинчлик бермагач бир куни Антифер тоға унга шундай деди:

— Демак, йўлга чиқишни энди сен талаб қиляпсанми?

— Ҳа, худди шундай, қария.

— Сенингча, боришимиз керакми у ёққа?

— Боришимиз керак... қанчалик тез бўлса, шунчалик яхши!

— Жуда соз. Борганимиз бўлсин!

Бироқ унинг бу охириги икки сўзини қандай оҳанг-да айтганини асти қўяверасиз!

Сафарга чиқишдан аввал банкчи Замбуко билан нотариус Бинни Умар хусусида бир қарорга келиниши лозим эди. Ворисдош ҳамда васий сифатида биринчидан уларни тўртинчи оролчанинг қаердалигини аниқланганидан огоҳлантириш, иккинчидан, бирини меросдан ўз улушини, иккинчисининг эса бойликнинг юздан бир фойизини олиш учун маълум куни маълум оролга етиб келишларини хабар қилиш керак эди.

Антифер тоға васиятнома шартларига тўлиқ амал қилиш керак деб туриб олди, бу борада ҳатто Трегомен ҳам ип эшолмай қолди... Тунис ва Искандарияга, ҳар иккала манфаатдор шахс номига телеграмма юборилди. Унда 23 октябрь куни Сицилиянинг Агриженто шаҳрида учрашишлари ва ўша ердан бойликларни олиб келгани тўртинчи оролчага жўнашлари хабар қилинган эди.

Тиркомель ҳазратлари хусусига келганда, унинг улуши ўз вақтида жўнатилади, башарти бойлик қўлини куйдиргудек бўлса, истаган пайтида ўз миллионларини бемалол Ферт-оф-Форт кўрфазига ташлаб юбориши мумкин!

Соук ҳақида-ю гап ҳам бўлиши мумкин эмасди, албатта. Унга ҳеч вақо тегмайди. Бундан ташқари, қил-

мишига яраша Эдинбург турмасининг бир кишилик хонасида бир неча йил қамалиб ётишга ҳукм этилганди.

Жильдас Трегоменнинг бу саёҳатда албатта қатнашишни истаётгани ҳеч кимни таажжублантирмади. Аксинча, башарти Жюэль Эногатни ўзи билан бирга олиб кетмаганида ажабланарли ҳол бўларди. Тўйларига икки ой ўтар-ўтмас хотинини ташлаб кетиши маҳол эди, бунинг устига Эногат ҳам уйда қолишни истамасди...

Бу янги саёҳат қанча вақт давом этаркин? Турган гапки, кўпга чўзилмайди. Кўзланган манзилга боришади-ю, яна уйга қайтишади. Нега деганингизда, бешинчи ҳужжатни қидиришмайди-да, ахир. Комулк пошшо шундай ҳам узайиб кетган ороллар занжирига яна битта янги ҳалқани қўшмайди, бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Энг сўнги хатда бойликнинг тўртинчи оролдаги қоялардан бирининг этагига кўмилгани очиқ-ойдин айтилган, оролчанинг Сицилия билан Пантеллерия ороли оралиғида жойлашгани эса математик аниқлик билан ҳисоблаб чиқилган эди.

— Афтидан, бу ғоятда мўъжазгина оролча бўлса керак, негаки, у харитада кўрсатилмаган,— деди Жюэль.

— Эҳтимол,— жавоб берди Антифер тоға мийиғида жилмайиб.

Унинг нимага истеҳзо билан жилмайиб қўйганини англаш қийин эди, албатта...

Аввал энг тез йўл босадиган воситадан, бошқача айтганда темир йўлдан фойдаланишга аҳд қилишди. Сен-Малодан бошланган темир йўл бутун Франция ва Италия бўйлаб ўтиб, Неаполгача етиб борарди. Гап ўттиз миллионни қўлга киритиш устида бораркан, йўл харажатлари ҳақида хасислик қилиб ўтириш ўринсиз эди.

Нанон дастлаб йўлга чиқадиган поездга билет олган саёҳатчиларни 16 октябрь кунни эрталаб кузатиб қолди. Саёҳатчиларимиз ҳатто Парижда ҳам ҳеч тутилмай, Париж-Лион экспрессидан жой олишди, кейин Франция — Италия чегарасини кесиб ўтишди, улар на Миланда, на Флоренция ва на Римда тўхтамай, 20 октябрь кечқурун Неаполгача етиб боришди. Бу янги саёҳатнинг муваффақият билан тугашига Жильдас Трегомен қанчалик ишонса, юз соат мобайнида муттасил

Йўл босган вагоннинг бир маромда силкинишидан шунчалик изтироб чеккан эди.

○ Эртаси куни «Виктория» меҳмонхонасини тарк этган Антифер тоға, Жильдас Трегомен, Жюэль ва Эногатлар Палермога йўл олган пароходга ўтиришди. Бир кунлик ажойиб сафардан кейин Сицилиянинг марказига етиб боришди. Лекин, улар Палермо мўъжизаларини томоша қилишмоқчи экан, деб хаёлингизга келтира кўрманг асло! Бу сўнги саёҳат пайтидаги гўзал манзаралардан енгил-елпи бўлса-да, хотиротлар олиб келиш нияти ҳатто Жильдас Трегоменда ҳам йўқ эди. У таърифини эшитган Сицилиянинг машҳур оқшомги ибодатини<sup>1</sup> тинглашга ҳатто интилмади ҳам. Шу топда Палермо унинг кўзларига вақти-вақти билан норманлар, французлар, испанлар, инглизлар қўлига ўтиб турган донғи кетган шаҳар бўлиб кўринмасди... Унинг наздида бу шаҳар ҳозир ҳафтасига икки марта алоқа кареталари ҳамда дилижонлар жўнайдиган оддий бекатдай бир гап эди. Дилижон бу ердан эрталаб соат тўққизда жўнарни, соат ўн иккида эса у Корлеонедан Агрижентога томон йўл оларди.

Агриженто саёҳатчиларимизни ҳаммадан кўра кўпроқ қизиқтирарди, чунки Сицилиянинг жанубида жойлашган бу қадимий шаҳарда банкчи Замбуко ва нотариус Бинни Умар билан учрашишлари керак эди.

Эҳтимол, бундай йўл босиш усули кўнгилсиз ҳодиса ҳамда хунук тасодифлар билан боғлиқдир? Алоқа йўллари ҳамма ерда, ҳамма вақт осойишта бўлавермайди-ку, ахир. Бунинг устига Сицилияда қароқчилар бор, улар ҳамиша бўладилар. Улар бу ерда зайтун дарахти ёки алоэ каби чуқур илдиэ отиб кетган.

Қандай бўлмасин, дилижон эртасига йўлга тушди ва сафар бехатар ўтди. 20 октябрь куни кечқурун Агрижентога кириб келишди. Гарчи саёҳатчилар кўзланган манзилга етиб боришмаган бўлса-да, ҳар қалай унга яқинлашиб қолишган эди...

Банкчи ва нотариус, бири — Искандариядан, иккинчиси — Тунидан, белгиланган учрашувга кечикмай етиб

---

<sup>1</sup> Сицилия оқшомги ибодати — 1282 йили Палермода оқшомги ибодатлардан бири вақтида французлар истибододига қарши кўтарилган қўзғолон. Ана шу воқеа хотирасига Палермода оқшомги ибодатни Сицилия оқшомги ибодати деб юритишади.



келишганди. Олтинга бўлган очкўзлик одамларни нима-  
ларга ундамайди дейсиз!

Иккала меросхўр учрашарканлар, қуйидаги сўзлар  
билан кифояланиб қўя қолишди:

— Бу сафар оролни топишга имонингиз комилми?

— Имоним комил.

Бироқ Антифер тоға бу сўзларни қандай заҳархан-  
далик билан айтганини ва банкчига истеҳзо билан қан-  
дайин нигоҳ ташлаб қўйганини бир кўрсангиз эди!

Агрижентога борадиган бирорта елканли кемани  
топишдан осон иш йўқ эди. Бу ерда балиқчилар кема-  
лари, алоқа, юк ташувчи — хуллас Уртаер денгизи фло-  
тининг турли хиллари тирбанд бўлади ҳамиша.

Дарвоқе, ҳозир гап кичиккина саёҳат — соҳилдан  
ғарб томонга қирқ миля сузиладиган денгиз саёҳати қа-  
қида борарди. Кечки мувофиқ шамолда йўлга чиқилса,  
эртасига пешингача кўзланган ерга бемалол етиб олса  
бўларди.

Кема ёллашди ҳам. Унинг номи «Провиденца» эди.  
Бу ярим аср шу сувларда сузган, кекса, устаси фаранг  
денгизчи бошқарувидаги ҳажми тахминан ўттиз тонна-  
лик келадиган кема эди. Бу капитан кемани Сицилия-  
дан Мальтагача, Мальтадан Тунис соҳилларигача кў-  
зини юмиб ҳам бошқара оларди.

— Уни қиладиган ишимиз билан таништириб ўти-  
ришнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ, Жюэль.

Жюэль Трегоменнинг бу оқилона маслаҳатига  
сўнди.

Кема эгасининг исми-шарифи Жакопо Граппа бў-  
либ, шу кунларда омад Комулк пошшонинг меросхўр-  
гарига кулиб боққани шундан ҳам кўриниб турардики,  
Жакопо Граппа гарчанд бузиб бўлса-да, ҳар қалай  
эранцузчалаб одам тушунадиган даражада гаплаша  
ларкан.

Бундан ташқари, яна бир ютуқлари, ҳа, ҳа, омад-  
ари чопганидан далолат берувчи яна бир ажойиб  
этуқлари бор эди. Шу кунларда октябрь ойи етиб кел-  
ан, яъни об-ҳаво ҳар дамда айнаб турадиган, денгиз  
утуриб, кўк бетини булутлар қоплаб оладиган палла  
ди... Бироқ ҳозир денгиз осойишта, об-ҳаво ҳам ғоят-  
а соз эди. Рост, совуқ киши баданини чимдий бошла-  
анди, лекин ҳаво қуруқ бўлиб, қуруқликдан майин ша-  
ол эсиб турарди, «Провиденца» бепоён денгиз бағри-

га сузиб чиққан ана шундай ажойиб бир дамда тўлин ой Сицилиянинг осмонўпар тоғларини сутдек ойдин билан чулғаганди.

Жапоко Граппнинг ихтиёрида кема ишларига ниҳоятда мослашган беш нафаргина матрос бор эди, холос. Бу енгилгина кема теп-текис сув яланглиги узра шитоб билан сузиб борарди. Денгиз шу топда шундай осойишта эдики, ҳатто Бинни Умардек одам ҳам денгиз касалидан заррача асорат сезмади. Тақдир ҳеч қачон денгизда унга бунчалик кулиб боқмаган эди.

Тун осойишта ўтди, тонгги шафақ ажойиб кундан дарак берарди.

Бу Пьер-Серван-Мало жуда ажойиб одам-да ўзиям! Оғзида трубка, икки қўлини чўнтакларига солганича, мутлақо бепарво бир қиёфада, палуба бўйлаб хотир-жамгина сайр қилиб юрарди. Бутун вужудини ҳаяжон қоплаб олган Жильдас Трегомен эса унга тикилиб туриб, кўзларига ишонмасди. У кема тумшугига жойлашиб олганди. Енида бир-биридан асло ажралмас Эногат билан Жюэль ўтирарди. Ёш келинчак бу мафгункор сафар нашидасини сурарди. Эҳ, қани энди у қисмат тасодифан қаерларга улоқтирмасин, ҳамма ерда эри билан бирга бўлса!

Вақти-вақти билан Жюэль кема йўлини текшириб кўргани, яъни «Провиденца» ғарбга томон сузаётганига яна бир карра ишонч ҳосил қилмоқ учун дорға ёнига борарди. У тезликни ҳисоблаб кўраркан, кема соат ўн бирларда кўпдан кутилган орол ёнига етиб борса керак, деган умидда эди. Кейин у Эногатнинг олдига қайтаркан, ҳар гал Жильдас Трегоменнинг қўйидаги насиҳатини тингларди:

— Ҳадеб хотининг билан ўралашверма, Жюэль, мундоқ ишимизни ҳам ўйлагин-да!

Трегомен эндиликда «бизнинг ишимиз» дейдиган бўлиб қолганди. О, бу оқ кўнгил, олижаноб одамнинг қанчалар ўзгариб қолганини қаранг-а! Ахир Трегомен улар, болалар ҳақида ўйлаяпти-да!

Соат ўн бўлди, ҳеч қандай ернинг қораси кўринмайди. Дарҳақиқат, Уртаер денгизининг бу қисми, яъни Сицилия билан Бон буруни оралиғида биттагина катта орол — Пантеллерия бор, холос. Дарвоқе, саёҳатчиларимиз катта оролни эмас, балки бир парчагина

оролчани излашаётганди; бироқ чор атрофда бундай кичкинагина оролчадан эса ном-нишон кўринмасди...

Банкчи билан нотариус Антифер тоғага саволомуз тикилишаркан, булутдай қуюқ, кўм-кўк тамаки тутуни орасидан унинг чақнаб турган кўзлари ва истеҳзо-ла илжаяётганини аранг илғай олишарди.

Жакопо Граппа кеманинг нима сабабдан албатта шу тарафга бориши зарур эканига сира тушунолмади. Наҳотки унинг йўловчилари Тунис соҳилларига боришмоқчи бўлса? Умуман олганда бу билан унинг нима иши бор. Фарб томонга олиб бораётгани учун унга ҳақ тўлашади, яна тузуккина, шундай экан, то йўлни ўзгартиришни буюрмагунларича ўша ёққа қараб кетаверади.

— Демак,— деди у Жюэлга,— ҳамма вақт йўл фарбга кетаверадими?

— Ҳа.

— *Va bene!*<sup>1</sup>

— *Vene*<sup>2</sup> суза бошлади.

Соат ўндан ўн беш минут ўтганда Жюэль секстант-ни қўлига олиб, дастлабки кузатишни бажарди. Шу топда кема шимоллий кенгликнинг 37°30' ҳамда шарқий узунликнинг 10°33' да сузиб бораётган экан.

Жюэль бу ишни бажараётганида Антифер тоға унга кўз қирини ташлаб, кўзини қисиб қўярди.

— Хўш, қалай, Жюэль?..

— Амаки, худди ўзимизга керак узунликда турибмиз, энди жануб томонга қараб бир неча миль сузасак бас!

— Сузавер, жиянча, сузавер.. Менимча, сузишимизнинг чегараси кўринмайди!..

Оламдан ўтган, ҳозир яшаб турган ва келажақда яшайдиган — хулласи барча малуинлар ичида энг гаройиби бўлган бу одамнинг юқорида айтганларидан ақалли бирор сўзини тушуниб кўринг-чи!

Кема Пантеллерияга яқинлашиш мақсадида чап томонга бурилди.

Кекса хўжайин кўзларини қисиб, лабларини қимтиганича ҳеч нимага тушунолмамай ҳайрон бўлиб турарди. Жильдас Трегомен ёнида тургани сабабли итальян ундан оҳистагина бу ердан нимани излаётганини сўради.

<sup>1</sup> Ҳаммаси жойида (итал.).

<sup>2</sup> Яхши (итал.).

— Шу ерда йўқотган дастрўмолимизни!— деб жавоб берди Трегомен.

Табиатан қанча олижаноб бўлмасин, ғазаби қўзий бошлаган одам ана шундай жавоб беради одатда.

— Ва веде, синьор!

Соат чоракам ўн икки. Ҳамон бирор қуруқлик парчасидан ном-нишон кўринмайди. Бу орада эса «Провиденца» аллақачон тўртинчи оролча бўлиши керак бўлган жойга етиб келганди...

Бироқ кўз ўнглаарида бепоен денгиздан бўлак ҳеч вақо йўқ эди...

Жюэль ўнг биқиндаги қанотдан мачтанинг энг тепасига чиқди. Бу ердан ўн икки-ўн беш миля атрофдаги уфқ кўзга ташланиб турарди...

Бояги-боягидек ҳеч нарсадан дарак йўқ...

У палубага тушганда Замбуко нотариус билан унинг ёнига келиб, ташвишли оҳангда сўради:

— Тўртинчи оролча кўринадими?..

— Йўқ, кўринмади!

— Ҳисоб-китобнинг тўғрилигига ишонасанми ўзи?— деб қўйди Антифер тоға истехзоли оҳангда.

— Ишониш ҳам гапми, амаки!

— Ундай бўлса, жиян, кузатишни унутиб қўйган кўринасан, чамамда...

Бу гап жон-жонидан ўтганидан ёш капитан ёниб-тутақиб кетди, бироқ Эногат илтижоли имо билан унинг тинчлантирди.

Шу пайт гапга Жильдас Трегомен аралашди. У кема эгасига мурожаат қилди:

— Граппа!..

— Хизматингизга тайёрман.

— Биз бир оролчани изляяпмиз...

— Хўш, синьор.

— Бу яқин атрофда бирон оролча борми?..

— Оролча дейсизми?

— Ҳа.

— Битта оролча деяпсизми?..

— Ҳа, шундай, оролча... Биз оролча ҳақида сўраяпмиз!— такрорлади Антифер тоға.— Эшитяпсанми... кичкинагина, жажжигина, яхшигина оролча!.. Нима, туншунмаяпсанми?

— Афв этасиз, синьор! Сиз битта оролча қидирган?

— Худди шундай...— деди Жильдас Трегомен.— Ушанақа оролча борми ўзи яқин атрофда?

— Йўқ, синьор.

— Йўқ дейсанми?

— Йўқ! Битта бўлган... уни ўзим кўрган ва унинг юзасига ўзим тушган.

— Унинг юзасига?— такрорлади Трегомен.

— Бироқ у йўқолган...

— Йўқолган!?— қичқириб юборди Жюэль.

— Ҳа, синьор, ўттиз бир йил бўлган, у йўқолган... Авлиё Лучия ҳаққи қасам ичаман!

— Қанақа оролча эди у?— деб сўради Жильдас Трегомен илтижо билан қўлларини кўксига қўйиб.

— А! Минг арава-е, қайиқчи!— қичқириб юборди Антифер тоға.— Бу оролча ёки, аниқроғи, Жулия ороли-ку!

Жулия ороли!.. Лаҳзадаёқ ҳаммаси Жюэлнинг ёди-га тушиди-қолди...

Ҳа, дарҳақиқат, Жулия ороли ёки Фердинанд, ё Отам, ё Грейам, ёхуд Нерита — истаганингиздек атайверинг уни — 1831 йилнинг 28 июнида худди шу ерда пайдо бўлганди. Унинг мавжуд эканидан шубҳаланиш мукинмиди ахир? Неаполитанлик капитан Корро сув ости вулқони отилиб, оролча пайдо бўлган дақиқани шахсан ўзи кузатган эди. Князь Пиньятелли янги пайдо бўлган оролнинг қоқ ўртасидан кўкка ўрлаётган ўтли устунни ва атрофга мушакбозлик пайтидагидек учқунлар сачратаётганини ўз кўзлари билан кузатган эди. Капитан Иртон билан доктор Жон Девилар ҳам бу ажойиб манзараларнинг жонли шоҳиди бўлганлар. Вулқон жинслари ҳамда қайноқ кул билан қопланган бу оролга икки ой мобайнида одамлар бемалол тушиб ўтишган. Бу плутоник кучлар<sup>1</sup>нинг қўққисдан ҳаракатга келиши оқибатида юзага чиқиб қолган денгиз тубининг бир парчаси эди.

Сўнгра 1831 йилнинг декабрида эса бу қоялар аста-секин чўка бошлаб, денгиз юзасида ўзидан заррача из қолдирмай, ғойиб бўлганди.

Шундай қилиб, ана шу қиссагина муддат оралиғи-

---

<sup>1</sup> Плутоник кучлар — Ер қобиғи ичидаги процесслар натижасида пайдо бўладиган ер ости кучлари (Плутон — қадимий юнон афсоналаридаги ер ости худоси).

да машъум тақдир Комулк пошшо билан капитан Зони Уртаер денгизининг худди ана шу қисмига олиб келиб ташлаганди. Уларнинг номаълум оролни излаб юриб, келиб-келиб шунақа оролга, яъни июнда пайдо бўлиб, декабрда яна ғойиб бўладиган оролга рўпара келиб қолганларини қаранг-а! Орол билан биргаликда дуру жавоҳирлар, Тиркомель ҳазратлари денгиз қаърига улоқтирмоқчи бўлган худди ўша миллионлар тубсизликка — юз метрлаб денгиз тубига ғарқ бўлганди... Бу ибрат бўларли олижаноб ишни бажаришни табиат ўз зиммасига олганди. Ана энди бу бойликлар қачон бўлмасин ер юзасига қайта чиқади деб асло хавотирлан-маса ҳам бўлади...

Шу нарсани айтиб қўйишни ўзимиз учун фарз деб биламизким, Антифер тоғага буларнинг бари аён эди. Бундан уч ҳафта муқаддам Жюэль тўртинчи оролчанинг Сицилия билан Пантеллерия оралигида жойлашганини хабар қилганида, Антифер тоға гап Жулия ороли ҳақида бораётганини ўша заҳотиёқ фаҳмлаган эди. Флотда энди ишлай бошлаган чоғларида бу сувларга бот-бот кириб ўтарди ва 1831 йили туғилган, яна ўша йили ғойиб бўлган, уч юз фут денгиз тубига чўкиб кетган бу умри қисқа оролчадан яхши хабардор эди...

Аниқ текшириб кўриб, бунга қаноат ҳосил қилгач, Антифер тоға ўз бошидан умрида энг даҳшатли зарбани кечирди. Кейин тинчланиб, Комулк пошшонинг бойликларига эга бўлиш фикридан қатъиян қайтганди. Ана шунинг учун ҳам у излашларни давом эттириш ҳақида оғиз очмаган ва сўнги марта сафарга чиқишга уринмаган ҳам эди. Модомики, у Трегоменнинг хоҳишига итоат этган ва ҳар қалай йўлга чиқишга аҳд қилган, янги чиқимларга рози бўлган экан, фақат ўз иззат-нафсини деб кўнганди, чунки у бу ишда бошқалардан кўра кўпроқ аҳмоқ бўлиб қолмасликни истарди... Башарти у банкчи Замбуко ҳамда нотариус Бинни Умар билан Агриженгода учрашишни ваъда қилиб хабар юборган экан, бундан бирдан-бир муроди ўз макр ва фирибгарликлари билан тамоман шундай жазога лойиқ бўлган бу зотларга сабоқ бериш эди.

Мальталиқ банкчи ва мисрлик нотариусга қарата шундай деди у:

— Ҳа! Миллионлар худди мана шу ерда! Оёқларимиз остида! Башарти ўз улушларингизни олишни иста-



санглар, шўнғисаларинг бас!.. Қани, сувга отинг ўзингизни, Замбуко!.. Қани ташланг сувга, Бинни Умар!..

Башарти бу одамлар — Замбуко ва Бинни Умар туюққа илинганлари учун қачон бўлмасин ўзларига лаънатлар ўқисалар, ўзининг ҳам худди шу мальгалик ва мисрлик каби очкўзлик билан бойлик ортидан қувганини унутган қайсар малуин заҳрини сочаётган дамда содир бўлгандир бу.

— Ана энди шарққа қараб бур кемани,— дея қичқирди Пьер-Серван-Мало,— уйга жўнадик!

— У ерда бахтиёр яшаймиз...— деди Жюэль.

— Ҳатто пошшонинг миллионларисиз ҳам,— қўшиб қўйди Эногат.

— Бўлмасам-чи, албатта-да!.. Ростки улар сувга фарқ бўлган экан!— деди Жильдас Трегомен, кулгини қистатадиган даражада қўлларини ёзиб.

Бироқ ёш капитаннинг кўнгли қизиқсинишдан шу ернинг чуқурлигини ўлчаб кўришни тусаб қолди...

Жакопо Граппа гумонсираб бош чайқаб қўйди-ю, бироқ буйруққа итоат этди. Арқон уч юз-уч юз эллик фут чуқурликка тушгач, қўрғошин тошдай қаттиқ жисмга урилди...

Бу Жулия ороли эди... Ҳа, бу денгиз қаърида ғойиб бўлган тўртинчи оролча эди.

Жюэлнинг буйруғига биноан кема орқага йўл олди.

Қарши шамол эганидан гаванга етиб борилгунча туни билан шамолга мосланиб сузишга тўғри келди. Шўрлик Бинни Умар учун бу сўнги саёҳат ўн саккиз соатлик денгиз касалининг азобини тортиб, қимматга тушди.

Самарасиз сафардан қайтган «Провиденца» Агриженто соҳилида лангар ташлаганда аллақачон кун ёришиб кетганди.

Саёҳатчилар кема эгаси билан хайр-маъзур қилишаркан, кекса денгизчи Антифер тоғага мурожаат этди:

— Синьор?

— Нима дейсан?..

— Мен сизга битта гап айтмоқчиман...

— Гапир... ошнам... гапиравер...

— Синьор, умид тамом йўқолгани йўқ... ҳаммаси тамом бўлгани йўқ!

Пьер-Серван-Мало шартта қаддини ростлади, кўзлари эса худди чақмоқдай чақнаб кетди.



— Ҳаммаси тамом бўлгани йўқ?— дея такрорларди у.

— Шундай... Синьор!.. Жулия ороли минг саккиз юз ва яна ўттиз бир йил охирида ғойиб бўлган, лекин...

— Лекин..

— У минг саккиз юз ва яна эллик йилдан кейин тагин кўтарила бошлаган...

— Худди «очиқ»ни кўрсатиши лозим бўлган менинг барометримга ўхшаб-а,— хитоб қилди Антифер тоға қаҳ-қаҳ уриб.— Бахтга қарши, Жулия ороли миллионлар билан... бизнинг миллионларимиз билан... яна юзга чиққанида биз аллақачон оламдан ўтган бўламиз, ҳатто уч юз йил яшасанг-да, сен ҳам бўлмайсан бу ёруғ жаҳонда, эй қайиқчи!..

— Ҳа, шундай бўлиши мумкин!— деб жавоб берди «Гўзал Амелия»нинг собиқ эгаси.

Кекса денгизчи ҳақ гапни айтганди: Жулия ороли ҳақиқатан ҳам Уртаер денгизи сатҳи сари аста-секин кўтарилаётган эди...

Орадан яна бир неча асрлар ўтар ва балки Антифер тоғанинг ажойиб ва ғаройиб саргузаштларининг ечими тамоман бошқача бўлар, ким билади дейсиз буни?

## ЖЮЛЬ ВЕРН ВА УНИНГ РОМАНЛАРИ

### 1

«Антифер тоғанинг ажойиб ва гаройиб саргузаштлари» романи 1894 йили босилиб чиқди. Жюль Верннинг қаламига мансуб бўлган олтинчи уч романнинг қирқ биринчиси эди. Уша пайтга келиб у романилари билан биргаликда кўп томли «Гаройиб саргузашт»лар сериясига кирган йигирмага яқин қисса ва ҳикоя, турли театрларда саҳналаштирилган ўн бешта пьеса, география ҳамда географик кашфиётлар тарихига оид ўнта илмий-оммабоп китобни нашр эттирганди.

Ана шуларнинг ўзигина икки ёки ҳатто уч инсон умри учун етарли иш эди, албатта. Бироқ Жюль Верннинг ижод йўли бу билан ҳали ниҳоясига етмаганди. Шундан кейин ҳам у ўн йил мобайнида бутун ҳаётидагидек тинмай заҳмат чекди. Ҳатто азоб берувчи дард, деярли кўз нуридан ажралиш ва қар бўлиб қолиш ҳам кекса адибнинг ижодий ғайратини сундирилмади. У ўз кабинетида ёзиб тугатилган, аммо ҳали нашр этилмаган қўлёзмалар уюлиб ётган иш столи ёнида куч-қувватдан қолиб, сўлиб борарди.

Жюль Верн 1905 йилнинг 24 мартида, етмиш саккиз ёшда, ҳали босиб улгурилмаган ўнта китобини қолдириб, оламдан ўтди. У вафот этгандан кейин ҳам, қирқ икки йил давомида бўлганидек, то 1910 йилгача китобхонларга ҳар ярим йилда биттадан «Гаройиб саргузаштлар» туркумининг янги жилдини эҳсон этиб турди.

Энг сўнги, тугатилмай қолган «Илмий саёҳат» романи қаламқаш дўстларидан бирови томонидан ёзиб тугатилиб, 1914 йили «Барзак экспедициясининг гаройиб саргузаштлари» номи билан босилиб чиқди.

Жюль Верннинг барча асарлари 110—115 жилдлик кутубхонани ташкил этади: бир кишининг қўли билан битилган шунча асарни ташкил этган кутубхона-я!

Энди уёқ ўтмишга бир назар ташлайлик.

Қаршимизда қадимий антиқа гравюралар серияси турибди. Нант шаҳрининг XIX аср бошларидаги кўринишлари.

Соҳилбўйи кўчаси ёқалаб савдо омборхоналари, кемачиларнинг идоралари, мустамлакалардан келтирилган товарларни улгуржи савдо қиладиган магазинлар тизилиб кетган. Кенг гаванни эса мачталар ўрмондек қоплаб олган, ҳамма ёқда елканлар, улар орасидан у ер-бу ерда кўкка қоп-қора ту-

тун буралиб чиқаётган пироскафнинг<sup>1</sup> узун мўрилари кўзга ташланади. Тош кўчалардан алоқа кареталари ва дилижонлар ёзиллаб ўтиб боряпти. Луаранинг тармоқларидан бири барпо этган Фейдо ороли кўзга чалинади. Савдогар ва мансабдорларнинг салобатли, данғиллама уйлари қад кўтарган. Ота-бобосидан тортиб адвокат бўлган Пьер Вернинг рафиқаси Софи Вернинг бобоси нантлик арматор<sup>2</sup> Аллот де ла Фюи томонидан XVIII асрнинг биринчи ярмида қурилган Оливье де Криссон кўчасидаги икки қаватли уй савлат тўкиб турибди. Бўлажак ёзувчи 1828 йилнинг 8 февралда ана шу уйда дунёга келади. Унинг болалик ва ўсмирлик йиллари шу ерда ўтди.

Отаси ўғли учун кўзлаган адвокатлик касби Жюль Верн қалбида қанчалик тез нафрат уйғотган бўлса, уни денгизга, кема қучоғига чорловчи бир туйғу шунчалик эрта уйғонган эди. «Мен пароходни, ҳарбий кемани ёки оддий балиқчилар баркасини бепарвогина кузатиб тура олмасдим; бутун борлигим билан унинг бортидадек ҳис этардим ўзимни», — деб ёзганди у орадан талайгина йиллар ўтгач «Яшил нур» номи романида. Онасининг қистови билан денгизчилик касбини эгаллаши лозим бўлган укаси Полга қанчалар ҳаваси келганини асти қўяверасиз!

Жюль билан Поль ота-оналаридан яширинча тез-тез гаванга келишиб, кемаларга юк ортиш ва юк туширишни томоша қилишар, шамол ҳамда офтобда қорайган, гўё денгиз сувининг шўри, баданига сингиб кетган тропика иссиғи, олисдаги афсонавий мамлакатларнинг ҳиди келиб турган серҳаркат, турли тилда сўзлашувчи матрослар оломонига қўшилиб кетишарди.

Жюльнинг бўш вақти жуда кўп эди; у сира қийналмай ўқир, аниқ ҳамда ижтимоий фаолларга нисбатан бўлган истеъдоди баббаравар эди. Бироқ ҳамма фанлар ичида география, тарих, математикани аъло кўрарди. Айни вақтда Жюль намунали ўқувчи ҳам эмасди: осмонда учадиган ва сувда сузадиган машиналарни фантастик схемалар, бриг, шхуна, корвет, гилотларнинг расмлари билан тўлатиб ташланган дафтар ва китобларини кўриб муаллимлари танбеҳ бергани-берганди.

Болалигидаги ёрқин хотиралари кейинчалик ёзувчи Жюль Верн учун кўплаб тема ҳамда образларга асос бўлди ва ҳатто қартайган чоғида ҳам илҳом булоғи бўлиб хизмат қилди. Унинг романларида Бискай кўрфази соҳиллари бўйлаб қилинган саёҳат хотиротлари билан сугорилган манзараларни, адвокат Верн ўз оиласини ҳар йили ёзда олиб борадиган Нант чеккасидаги гўзал Шантенейдаги ҳузур-ҳаловатли ҳаётни ёритувчи саҳифаларни кўплаб учратамиз. Жюль Верннинг китобларида ҳалол, қайсар Антифер тоға ёки иримчи, вайсақчи Жан-Мари Кабидулен каби «денгиз бўриси», кўпни кўрган моҳир денгизчиларнинг ёрқин образлари кўплаб учрайди. Ёшгина Жюль ўз вақтида қанчадан-қанча тўфон ва талайгина кема ҳалокатларини бошдан кечирган, елканли кема ве-

<sup>1</sup> Пироскаф — пароходнинг дастлабки номи.

<sup>2</sup> Арматор — кема эгаси ёки ўз маблағидан савдо кемаларини жиҳозловчи одам.

геранлари бўлмиш кекса Бретон денгизчиларининг ҳикояларини нафасини ичига ютганча соатлаб тинглашга ҳам тайёр эди. Унинг Роберт Грант ёки Харберт Браунга ўхшаган ёш қаҳрамонларини айтмайсизми! Ахир ёш гўдакнинг олислардаги, нотаниш юртларга қилажак саёҳатлари ва у ерларда кўрсатажак жасоратлари ҳақидаги болаларча ширин ораулари жон бахш этмаган дейсизми уларга?

Жюль 1844 йили мактабни тугатиб, Нантдаги Қироллик лицейига киради. У ерда Жюль риторика, фалсафа, логика, латин тили — хулласи бўлажак ҳуқуқшунос учун зарур бўлган илмларни пухта ўзлаштириши лозим эди.

Болалик ортда қолди мана энди театр, поэзия, музика, математика билан жиддий шуғулланиш, Нантдаги адабий тўғаракка қатнашиш ва кемачилик илмини ўрганишдек янги-янги иштиёқ ҳамда машғулотлар пайдо бўлди. Адабий тўғаракда ёзувчиликка дастлабки қадам қўяётган ёш қаламкаш ўзининг биринчи шеърий драмасини муваффақият билан ўқиб беради.

Отасининг гапини қайтаришга журъат этолмаган Жюль 1847 йилнинг охирида адвокатлик унвонини олиш учун биринчи имтиҳонни топширгани Парижга жўнайди.

Бу орада 1848 йилги революциянинг момагулдиракли булутлари қуоқлашиб келаётганди. Июль монархияси харобалари заминиде Иккинчи республика эълон қилинади. Буржуазия халқнинг галабасидан фойдаланиб, меҳнат аҳли эришган ҳуқуқларни тортиб олмоққа уринади, Париж ишчилари бунга жавобан кўзғолон кўтарди ва бу кўзғолон ҳукумат қўшинлари томонидан қонга ботирилди. Уфқда республиканинг жаллоди, 1851 йилда ўзини «французларнинг императори Наполеон III деб» эълон қилган Луи-Наполеоннинг мудҳиш шарпаси элас-элас кўзга ташланиб қолганди.

Ана шу тарихий кунларда у ўзининг содиқ республикачи эканини англайди. У социал-утопиячилар Сен-Симон, Фурье, Кабеларнинг асарларини ўқийди. XVIII аср охирида яшаб ижод этган француз революционерлари кўтариб чиққан эркинлик, тенглик ва биродарлик негизига асосланган идеал давлатни орзу қилди.

Жюль Вернининг адабиёт хиебонига дастлабки қадамларни ташлашига машҳур романнавис ва драматург Александр Дюма ёрдам берди. У 1850 йили ўзининг «Тарихий театр»ида яқингинада диплом олган, йигирма икки ёшлик ҳуқуқ лиценциатининг гоятда қизиқ, жўшқин «Синган хаслар» деган бир пардали шеърий водевилини саҳналаштиради. Жюль қўлига диплом тегиши биланоқ отасини ниҳоятда ранжитиб, ўзи эгаллаган касбдан абадий воз кечганди.

Жюль Вернининг адабий фаолияти ана шундай бошланган эди.

Жюль Верн қисқа муддат орасида бир неча кулгили водевиль, ҳаётий комедиялар, комик операларга либреттолар ёзди. Унинг баъзи пьесалари томошабинлар олқишига сазовор бўлди, баъзиларининг умри бир кунликкина бўлди, бир хилларига эса саҳна бетини кўриш насиб ҳам этмади. Жюль Верн, гарчи у имконияти чекланган бўлса-да, истеъдодли драматург эди шубҳасиз. Унинг пьесалари сюжет жиҳатидан мо-

ҳирона ёзилганлиги, диалогларининг жонлилиги, фикран пухта ва мазмунан ўзига ром қилувчилиги билан ажралиб турарди. Бироқ бу француз драматургиясидан алоҳида, мустақил ўрин берилишини даъво этиши учун камлик қиларди.

Буни унинг ўзи ҳам сезарди.

Жюль Верн 1851 йили сюжет жиҳатидан янгиллиги ва одатдагидан кўра бошқачалиги билан ажралиб турадиган ҳикояларини ёзишга киришади.

Эҳтиросли театрпараст ва музика шинавандаси бўлиш билан бирга, у айна вақтда табиёт фанлари ҳамда техника, географик кашфиётлар тарихи, денгизчилик ва ҳавода учиб илми билан шуғулланар, картотека тузиб, унга турли илмий тадқиқот ва кашфиётларни ёзиб қўяр, олимлар, сайёҳлар билан танишар, илмий мунозара ҳамда докладларга бориб турарди. Кечалари муттасил мутулаа қиларкан, бу китоблар унда дадил фикрларни уйғотар, янги уфқлар очилади қаршисида.

Ёш адиб ўз ҳикоялари учун материални бадий адабиётга гўё мутлақо алоқаси бўлмаган манбаълар — Лотин Америкаси мамлакатлари тарихи ва географиясига оид илмий ишлардан, арктика экспедициялари ҳисоботлари ва ҳоказолардан тўпларди.

Масалан, ақалли «Ҳаводаги фожиа» (1851) ва «Музликлар орасида қишлов» (1855) асарларини олиб кўрайлик.

Биринчи ҳикояси Жюль Верннинг ҳавода учишга нақадар қизиқиши ва шу соҳани астойдил ўрганиши оқибатида вужудга келган.

Ҳикоя қилиш драматизмини азростат тузилишини муфассал тасвирлаш ва ҳавога учиб қақидаги билим ҳамда маълумотлар билан муштарак ҳолда олиб боришга интилишининг ўзи Жюль Верннинг ижодий йўли қай томонга бораётганини, унинг ҳикоя қилиш услубини кўрсатиб турарди.

Иккинчи асарда автор қутбга сузувчи денгизчиларнинг ёсдалик ва ахборотларидан фойдаланган. 50-йилларда, у бу асарни ёзишни кўнглидан ўтказиб ва уни ёзиб тугатган дамларда, бутун дунё газеталари инглиз қутб тадқиқотчиси Жон Франклин экспедициясининг дом-дараксиз йўқолиши, бири ортидан иккинчиси йўлга отланган янги қўтқарув экспедициялари қақидаги ахборотлар, экспедициянинг кейинги тақдири муаммо бўлиб қолаётгани қақидаги мақолалар билан тўлиб чиқаётганди. Шундай экан, Жюль Верни «Музликлар орасида қишлов» асарини ёзишга нима даъват этганини тушуниш учун ўша ҳодисаларни ёслашнинг ўзи кифоядир.

Агар «Ҳаводаги фожиани» доктор Фергюссон («Беш ҳафта ҳаво шарида») ва Робур-Фотиҳнинг (шу номли романнинг бош қаҳрамони) ҳавода учганлари эпопеясининг дебочаси деб аташ мумкин бўлса, унда «Музликлар орасида қишлов» — «Капитан Гаттераснинг саёҳатлари ва бошдан кечирганлари» ҳамда «Мўйналар мамлакатида» каби Арктикани забт этиш қақидаги машҳур романларининг дебочаси эди.

Жюль Верн кейинчалик ўзини кенг йўлга олиб борадиган сўқмоққа чиқиб олганди. Бу унинг «Ғаройиб саргузаштлари» туркуми сари қўйган дастлабки одими эди.

Сиртдан қараганда, ёш адиб эндиликда бахти чолиб топиб

олган ҳикоячилик услуби устида бош қотирса басдек кўри-  
нарди. Аммо, аслида эса унинг изланишлари эндигина бошла-  
наётганди. «Ҳаводаги фожиа»дан «Ғаройиб саргузаштлар»  
сериясига кирувчи биринчи асари «Беш ҳафта ҳаво шарида»  
романини ҳали ўн икки йиллик муддат ажратиб турарди.

Жюль Верн водевилъ ва комик операларга либреттолар  
ижод этишда давом этаркан, вақти келиб ўйлаб қўйгани,  
«илм ҳақидаги романларини» бошлашга киришиш учун аста-  
секин билимини орттириб борарди.

Ниҳоят, 1862 йилнинг ёзида биринчи илмий-фантастик ро-  
мани ёзиб тугатилди. Ўн бешта ношир, худди тил бириктириб  
олгандек, бир хил: «Мен таваккал иш тутолмайман», деган  
жавоб билан қўлёзмани авторга қайтариб беришди. Бироқ, ўн  
олтинчи ношир, айни вақтда таниқли адиб бўлмиш Пьер-Жюль  
Этцель, ёзувчига қўлёзмани қайтариб бериш у ёқда турсин,  
балки бу истеъдодли ёзувчи билан йигирма йилга шартнома  
тузди: бунга мувофиқ автор муносиб ҳақ эвазига ҳар йили  
ноширга иккита «илмий роман» ёки умумий ҳажми йигирма  
беш босма лист келадиган битта икки жилдли асар топши-  
риш мажбуриятини олади<sup>1</sup>.

— Бу шартнома кундалик рўзгор ташвишларидан халос  
этади,— деди Жюль Верн ноширга.— Хаёл қилиб, ўйлаб қўй-  
ганларимнинг ўзи бир неча йилга етади, янги сюжетлар эса  
иш жараёнида туғилаверади. Уларни ҳаётнинг ўзи кўрсатиб,  
айтиб беради. Тез кунда иккинчи романни бошлайман. Бу  
Шимоллий қутбга саёҳат бўлади...

Жюль Верннинг шахсий ҳамда ижодий бахти кулиб боқ-  
ди. Этцелнинг нашриёт каталоги тинимсиз равишда «Ғаройиб  
саргузаштлар»нинг янги-янги номлари билан бойий борди:

«Капитан Гаттераснинг саёҳатлари ва бошдан кечирган-  
лари».

«Ер марказига саёҳат».

«Капитан Грант болалари».

«Ердан Ойга».

«Ой атрофида».

«Йигирма минг лье сув остида».

«Сузувчи шаҳар».

«Уч рус ва уч англизнинг Жанубий Африкага қилган саё-  
ҳати».

«Дунё бўйлаб саксон кунлиқ саёҳат».

«Мўйналар мамлакатида».

«Сирли орол».

Бу романлар «Ғаройиб саргузаштлар» рўйхатини очиб  
берган муқаддимадир. Олдинда аллақанчаси турарди бунақан-  
ги романларнинг!

Китобхонлар Жюль Верннинг навбатдаги романини ўқиб  
улгурмасларидан, кейингиси босмадан чиқиб турарди. Унинг  
китоблари ёруғ жаҳонни кўриши биланоқ дарров кўп тиллар-  
га ағдарилиб, бутун дунёга тарқаларди.

Жюль Верннинг сиртқи воқеа-ҳодисаларга унчалик бой  
бўлмаган ҳаёти машаққатли, матонатли меҳнат билан тўлиқ

<sup>1</sup> 1883 йилда бу шартнома яна шунча муддатга сурилиб,  
ёзувчи ҳаётининг охиригача ўз кучида қолган.

эди. Ҳар куни кечани тонга тонгни кечага улаб, идеал бир тартибга итоат этиб, заҳмат чекаркан, бу — ниҳоятда адабий сермахсулликка олиб келганди. Эрталаб соат бешдан пешингача корректура ўқир ва тузатарди. Тушликдан сўнг эса навбатдаги романи учун зарур манбаларни ўқир ва кўздан кечирар, оқшомларни эса дам олиш ҳамда дўстлари билан суҳбатда ўтказарди. Кечки соат саккиз-тўққизларда эса унинг учун тун бошланарди.

Сиртдан қараганда бундай бир меъёрда ҳаёт кечириш йўсини «Ғаройиб саргузаштлар»даги қаҳрамонларнинг иш-қилмиш фаолияти, уларнинг қуруқлик ҳамда денгиздаги, ҳаво ҳамда сув остидаги чеки-чегараси йўқ ғаройиб саргузаштларига асло мос келмайдигандек бўлиб кўринарди. Ҳа, Жюль Вернга кема ҳалокатларини бошдан кечириш, кимсасиз оролларга бориш ёки янги ерларни кашф этишга тўғри келмади! Унинг учун буларнинг ҳаммасини романларидаги қаҳрамонлари бажардилар. Бироқ, шунинг билан бирга ёзувчини дунёдан воз кечган зоҳид экан-да, деб ўйлаш ҳам нотўғри бўлурди. Имкони борича ўзининг саёҳатга ташналик иштиёқини қондиришга интиларди у. У Америкада бўлди, Ғарбий Европадаги деярли барча мамлакатларни у бошидан-бу бошигача изғиб чиқди, ўз яхтаси «Сен-Мишель»да Ла-Манш ва Па-де-Кале, Шимол ва Болтиқ денгизи сувларида сузди, баъзан эса Уртаер денгизи бўйлаб Марокаш, Тунис, Жазоир соҳилларигача борарди.

Франция-Пруссия уруши бошланганида эса ватанпарварлик ҳисси даъвати билан ўз яхтасини ҳарбий маъмурлар ихтиёрига топширди ва ўзи ҳам соҳил ҳимоячилари отряди сафига қўшилди. У икки некса бретон балиқчисидан иборат «экипажи» билан биргаликда норманд соҳиллари ва Сомма қўлтигини герман рейдерларининг тасодифий ҳужумидан қўриқлаб ётаркан, воқеаларнинг қандай ривожланиб бораётганини диққат билан кузатарди. Седан ҳалокати, Парижнинг қамал қилиниши, 1870 йилнинг 4 сентябрида республика эълон қилиниши, Париж коммунаси — бу тарихий воқеалар ўша вақтда бутун дунёнинг диққат марказида эди. Наполеон III шармандаларча тахтдан қулагандан сўнг Жюль Верн Парижга қайтди ва қаҳрамонона Коммуна кунларини пойтахтда ўтказди. Париж ишчилари унинг кўзи ўнгида дунёда биринчи марта пролетар давлатига асос солдилар, унинг кўзи ўнгида генерал Галифенинг солдатлари Париж кўчаларини коммунарларнинг қони билан суғорди.

Жюль Верн Коммуна ҳимоячиларининг эҳтиёж-талабларини тушунмас ва улар билан ҳаммаслақ, ҳамфикр ҳам эмасди, бироқ, Версаль Жаллодларига хайрихоҳ бўлишдан ҳам олинмади эди. Кейинги асарларидан «Даҳшатли йил»нинг<sup>2</sup> кечинма-

<sup>1</sup> Рейдер — сув йўлларида, асосан денгиз савдосини издан чиқариш мақсадида жанговар операциялар ўтказувчи ҳарбий кема.

<sup>2</sup> «Даҳшатли йил» — Виктор Гюго шеърлар тўпламининг сарлавҳаси. Автор унда Франция-Пруссия уруши ва Париж коммунаси воқеаларини куйлаган. Гюго Ж. Верннинг севган шоири эди.

лари унинг учун изсиз кетмагани яққол кўзга ташланиб турарди. Жюль Верннинг коммунадан кейин ижод этилган кўпгина романлари ўша даврдаги сиёсий ҳамда ижтимоий ҳодисаларга нисбатан таъна ва ошкора норозилик оҳанглари билан тўлиб-тошганди.

Босқинчилик урушлари ва мустамлакаларни талашни у халқларнинг осойишта ривож топишига таҳдид солувчи асосий хавф деб ҳисобларди у. У илм-фан ва техника ютуқларидан ўзларининг жинойий ҳамда ғаразли манфаатлари йўлида фойдаланаётган золимлар, инсоният душманларинигина эмас, балки ўз кашфиёт ва ихтироларини озодлик, тинчлик душманлари қўлига тутқизаётган олимларни ҳам қатъий қоралайди.

Жюль Верн 1871 йилнинг кузида Амьенга кўчиб келади ва умрининг иккинчи ярмини шу ерда ўтказди. Париждан уч соатлик йўл нарида бўлган бу осойишта чекка шаҳарда севган иши билан бемалол шуғуллана олар ва унга ҳеч ким халал бермасди. Жюль Верннинг уйи марказий кўчалардан анча нарида эди. Уйнинг тепасида думалоқ гиштин минора бўй чўзган бўлиб, ана шу миноранинг учинчи қаватидаги хонани кабинет қилиб олди. Хонани бундан ҳам камтарона жиҳозлашни хаёлга келтириш амри маҳол эди: энсизгина темир каравот, ёзув столи, чарм қопланган кресло, истаган саволига жавоб топа оладиган картотекаси солинган тортмали иш столи ёнгинасида турарди; камин токчасига безак сифатида Мольер билан Шекспирнинг бюсти қўйиб қўйилганди. Жюль Верн Амьен узра ёғду таратиб чиқиб келаётган қуёшни ёзинқишини ўз кабинети деразасидан кўриб турарди. Вокзалдан эшитилиб турадиган паровоз гудоклари эса унинг қаҳрамонларини олис сафарларга узатиб қоларди.

Жюль Верн ўз асарларининг талай қисмини шу ерда ёзди. Унинг умри йил сайин ўзи жорий этган тартибга биноан муттасил заҳмат чекиш билан ўтиб борад, ахён-ахёнда у ўзини сабр-тоқат билан Сомм қўлтиғида кутиб ётган «Сен-Мишель»да экскурсияга ёки Парижга бориб келарди...

Жюль Верн ҳар куни оламнинг ҳар бурчидан қойил қолиб, ҳаяжон билан ёзилган ўнлаб хат олиб турарди. Еш китобхонлар унга узоқ умр тилашар, «Ғаройиб саргузаштлар»нинг кейинги жилдлари учун янги-янги сюжетларни тавсия этишар, ёдига солишарди. Машҳур ихтирочилар ва олимлар эса унинг китоблари ёшлик йилларида ўзларини илм-фанни севиб қолишларигагина эмас, балки ҳаётда муносиб ўринларини топишга ёрдам бергани учун миннатдорчилик изҳор этишарди.

Кутубхонасидаги ўз китоблари учун махсус ажратилган каттакон шкаф турли мамлакатларда, турли тилларда (ҳатто араб ва япон тилида ҳам) нашр этилган юзлаб ранго-ранг жилдлар билан тирбанд бўлиб кетганди. Бироқ бу ўша пайтлардаёқ унинг номи билан босилган китобларнинг кичиккина бир қисми эди, холос.

Борган сайин Амьенга парижлик ёки чет эллик журналистлар кўпроқ зиёратга кела бошладилар, ҳамма вақт ўзи ва ижоди ҳақида истар-истамас ҳамда зиқналик билан сўзлайдиган Жюль Верн эса бу зиёратчиларни қабул этишга, интервью беришга мажбур бўларди. Вақти-вақти билан матбуотда машҳур ёзувчи билан қилинган суҳбатлар босилиб турарди. Бу-



лардан баъзилари диққатга сазовор эди шубҳасиз, зероки адибнинг аниқ фикрлари ва эътирофлари ёритиларди уларда.

1902 йилда бир куни Жюль Верн ҳузурига «Безакли Вена газетасининг» мухбири ташриф буюради. Афтидан у жуда яхши пайтда келган экан: кекса адиб одатдагидан кўра дилкашроқ ва сидқидилдан суҳбатлашган. У ўзининг биринчи романи, энг сўнгги, ҳали нашр этилмаган асари ва ёзажак нарсалари ҳақида батафсил гапириб берган.

— «Беш ҳафта ҳаво шарида» романимга воқеа бўлиб ўтадиган жой учун Африкани танлаб олишимнинг сабаби шунки, у пайтларда ҳали дунёнинг бу қисми бошқаларига қараганда хийла кам ўрганилган эди, — деган Жюль Верн. — Миямга, бу бепоён материкни текширишнинг энг қизиқарли йўли ҳаво шароқалигина бўлиши мумкин деган фикр келиб қолди. Кўплар биринчи романимнинг муваффақият қозонганини камчиликка маълум бўлган илмий маълумотларни ҳамма тушунадиган услубда ёзганимдан деб билишади. Ҳар қалай, мен доимо, ҳатто энг фантастик романларимни ҳам иложи борича ишонарли ва табиат нуқтаи назаридан ҳаққоний тарзда баён этишга тиришганман.

— Демак, илм нуқтаи назаридан ҳам шундай экан-да?

— Албатта. Бироқ мен ўзимни мутахассис-олим деб ҳисобламайман асло. Мен бирор кашфиёт ҳақида ўқирканман ёхуд хабар топарканман, гоёта ҳузур қиламан. Мен китоблардан, газета, журнал ҳамда илмий ҳисоботлардан талайгина нарсаларни ёзиб оламан. Кейинчалик бу ёзмаларимнинг барини диққат билан турларга ажратаман ва улар романларим, қиссаларимга бебаҳо материал бўлиб хизмат этади. Ожиз бўлиб қолган ҳозирги пайтимда эса бу ишни давом эттиришимга рафиқам билан набираларим ёрдам беришяпти... Илм-фан ҳақида соатлаб гапириб беришга ҳам тайёрман, илло сизни толиқтириб қўямаслик учун сўзни қисқа қилиб қўя қолай. Мен кўз ўнгимизда шунчалар ажойиб кашфиётлар, бундан ҳам ажойиброқ ихтиролар яратилган асрда тугилганимдан беҳад бахтиёрман. Илм-фанда ҳали одамларнинг тонг қолдирарли ва мўъжизавор янгиликлар яратишларига асло шубҳаланмаса ҳам бўлади. Бундан ҳам ортиқроғини айтишим мумкин: фандаги кашфиётларнинг ердаги турмуш шароитларини ўзгартишига ва кўплаб ихтироларнинг ҳозирги авлод кўзи ўнгида содир бўлишига имоним комил. Ахир табиат кучлари ҳақидаги, масалан, ақалли электр қувватини олайлик, билимимиз ҳали бошланғич bosқичда эмасми. Келажақда, табиатнинг кўп сирларини билиб олганимиздан кейин романнавислар, шахсан содиқ қулинғиз бўлмиш каминалари тасвирлаган мўъжизаларнинг шоҳиди бўлиш ўзларига ҳам насиб этар, ана шунда бу нарсалар янада антиқа ва ажойиб ҳодисалар олдида оддий ҳамда зерикарли бир нарса бўлиб кўринади... Бу фоний дунёдаги умр йўлимнинг ниҳоясига шунчалар барвақт етаётганим ва қанчалар мўъжизалар содир бўлишини ваъда қилиб турган давр арафасида ҳаёт билан видолашаётганимдан нақадар афсусланаётганимни билсангиз эди-я!

Жюль Верн жим қолди. Унинг чин қалбдан чиққан эътирофидан ҳаяжонланган журналист ҳозиргина айтилган сўзларни шоша-пиша қоғозга туширарди.

— Энди сиз мендан, «Ғаройиб саргузаштлар» туркумини яратишдан умумий мақсад нима ва бундан-буён менинг қандай ниятларим бор эканини сўрасиз, албатта?— деб яна гап бошлади адиб.

— Тўғри пайқабсиз, мсье Верн.

— Мен «Ғаройиб саргузаштлар»имда бутун ер шарини тасвирлашни мақсад қилиб қўйгандим ўз олдимга. Олдиндан тузиб қўйилган режага биноан бир мамлакатдан кейин иккинчисига ўтарканман, башарти зарурат туғилиб қолмаса, бир марта тасвирлаб ўтган жойларимга қайтмасликка тиришаман. Каштадаги гулларни тикиб улгуришим учун ҳали жуда кўп мамлакатларни тавсифлашим керак. Эҳтимол, юзинчи китобимни ҳам ёзиб тугатарман<sup>1</sup>. Агар яна беш ёки олти йил яшасам, албатта тугатаман...

— Юзинчи китобингизнинг нимага бағишланишини ҳам биласизми?

— Ҳа, бу ҳақда тез-тез ўйлаб тураман. Охириги китобимда мен ер шарини осмон бўшлиғи ҳақидаги тасвирларимни бир-бирига боғловчи бир бутун, бундан ташқари, қаҳрамонларим босиб ўтган ҳамма йўللарни эслатиб ўтувчи асар яратмоқчиман... Илло, мен бу ўйимни амалга ошира оламанми ёки йўқми, бундан қатъий назар, сизга шуни бемалол айтишим мумкинки, ҳозир ҳам бисотимда бир неча тайёр асар борким, улар вафотимдан сўнг нашр этилажак...

## 2

Сиз, эҳтимол, «Бек-Кап оролининг сири» номли чеҳ фильмини кўргандирсиз? Унда Жюль Верннинг романларига ишланган қадимий расмларга жон кирази, муаллифнинг техника дунёси тасвирланади. Актёрларнинг ижроси «Ғаройиб саргузаштлар»нинг автори билан ҳамкорликда ишлаган Риу, Бенетт, Невиль, Фер ва бошқа истеъдодли расомларнинг гравиюраларини эслатувчи кадрлар безаги билан муваффақиятли равишда мувофиқлаштирилган. Дикторнинг овози хайратомуз янграйди, унда тасвирланган техника эса — ҳозирги кундаги нисбатан албатта гоятда содда. Оқибатда ўткир контраст вужудга келади: Жюль Верн замондошларини ҳайратга солган фантастик машиналар томошабиннинг кулгисини қистатади, чунки ҳозирги кундаги фан ва техника Жюль Верннинг ҳатто энг жасурона фантазияларини ҳам гоятда ортда қолдириб, ниҳоятда илгарилаб кетган.

...Мана, ҳавода кема сузиб кетяпти. Унинг матчаларига елкан ўрнига оҳиста айланувчи қўшпараклар ўрнатилган.

---

<sup>1</sup> Жюль Верн бу ерда юзинчи китоби ҳақида сўзларкан, «Ғаройиб саргузаштлар» туркумига кирувчи юзинчи китобни назарда тутган. «Ғаройиб саргузаштлар» туркумининг француз тилидаги нашрида унинг олтмиш уч романи ва иккита ҳикоялар тўплами тўқсон учта китобни ташкил этади. Жюль Верн агар 1908 йилгача яшаганида ўз ниятини амалга ошириб, юзинчи китобини ёзган бўларди, албатта.

Иссиқлик ёрдамида бошқариладиган аэростат. Унинг кажаваси остига газ қиздиригич кўра ўрнатилган.

Бошқариладиган сигарасимон аэростат. Учувчи паррақларни ишга тушириш учун велосипед чигирларини айлантиради.

Эшаклар ўрнига сузувчи қанотлар, педаль — чигир билан ишловчи паррақлар ўрнатилган, техника мўъжизаси — эелктр қуввати билан бошқариладиган турли конструкцияли сув ости кемалари. Буларнинг шатунлари қандай қўпол ҳаракатланади, машина бўлими қанчалар ғаройиб ва ғалати кўринади.

Жюль Верн ўйлаб чиқарган ёки кашфиётчиларнинг лойиҳаларидаги ҳаво ҳамда сув ости аппаратлари улкан мўрили кўҳна локомотивлардан фарқ қилмасди асло.

Буларнинг барини умуман олиб қаралса, бир аср илгариги техника савиясини яққол кўрсатиб туради.

XVIII асрнинг охирилари ва XIX асрнинг бошларидаги буюк техникавий ихтиролар — буғ билан ишлайдиган машина, паровоз, пароход, тўқувчилик дастгоҳлари ва ҳоказолар — техникада инқилоб бўлди. Техника инқилоби эса саноатда тўнтараш ясади. Саноатнинг шитоб билан ривожланиши эса ўз навбатида фан ва техника тараққиётига катта таъсир кўрсатди. Европа ва Америкада капитализмнинг қарор топиши қўл меҳнатини машиналарнинг сиқиб чиқаришига, транспорт ва алоқа воситаларининг такомиллашишига олиб келди.

Жюль Верн Нантдан Парижга биринчи сафар олти отлиқ дилижонда келган эди.

Бир неча йил ўтгач эса Париждан Нантга поездда келади.

1872 йили «Дунё бўйлаб саксон кунлик саёҳат» романи босилиб чиқади. Бу романнинг бош қаҳрамони Филеас Фогг ўша даврга нисбатан энг юксак тезликда бутун дунё бўйлаб саёҳат қилади.

1901 йилда парижлик журналист Гастон Стиглер Филеас Фоггнинг «рекорди»ни орқада қолдириб, дунёни олти кун уч кунда айланиб чиқади. 80-йилларга келиб автомобиллар, XX асрнинг бошларида (ҳали Жюль Верн ҳаётлигидаёқ) — аэроплан — матодан ясалган қанотлари бор «учар этажерка»лар пайдо бўлди.

Жюль Верннинг биринчи романи нашр этилган пайтларда техниканинг энг улуг ютуғи буғ машинаси эди. Электр двигателлар ҳали амалда деярли қўлланилмасди. Тажриба ускуналари қувватни гальваник батарея ёки кучи карсель<sup>1</sup> билан ўлчанувчи ибтидоий машиналардан оларди.

Яқин ўн йиллар орасида эса электр ёритгичлари, электр моторни, динамо-машинани, фонографни, телефон, кинематограф, ички ёнар двигателни, дирижабль, трамвай, автомобиль, аэроплан, фоюзэлемент, рентген нурлари, симсиз телеграф, радиоактивлик ҳодисалари ва буларсиз цивилизацияни биз кўпдан тасаввур ҳам этолмайдиган яна талайгина нарсаларни кашф қилиб, ихтиро этиб, турмушга татбиқ қилиш вазифалари турарди.

Ўтган асрнинг 40—60-йиллари, Жюль Верн узоқ тайёргарликдан сўнг «Ғаройиб саргузаштлар» туркумидан йил сайин томлар кетидан томларни бостириб чиқара бошлаган

<sup>1</sup> Карсель — ёруғлик куч бирлиги; 9,6 шамга тенг.

пайтлар фаннинг турли жабҳаларидаги буюк кашфиётлар даври бўлди. Бу вақтда физиклар электр энергиясини амалда қўллаш йўллари излашарди. Кимёгарлар органик бирикмаларни синтез қилишни ўрганмоқда эдилар. Инженер ва механиклар ҳаводан оғирроқ учар аппаратларнинг моделларини ясашар, дирижабль ҳамда сув ости кемаларини конструкция қилардилар. Географлар ер шари харитасидаги «оқ доғларни» ювишга киришган эдилар.

Илм-фан инсон қудратини ошириб юборди. Олимлар чинакам муъжизалар яратдилар: ҳали кашф этилмаган планеталарнинг ўрнини кўрсатиб берар, ҳали топилмаган кимёвий элементларнинг хоссаларини аниқлар, номаълум элементларни аввал юлдузлардан, кейин эса Ердан топардилар.

Илмий башоратнинг муъжизакор кучи ҳар қадамда исботланиб борарди. Яқингинада афсона бўлиб кўринган орзулар рўёбга чиқа бошлади.

Олисни кўрувчи олимлар XIX асрнинг ўрталаридаёқ «буз асри» ўрнини «электр асри» эгаллашини, эртами-кечми одамларнинг океан тубларини, ҳаво бўшлиқларини ўзлаштиришларини, ибтидосию интиҳоси йўқ коинот ичкарилиklarига кириб боришларини билардилар...

«Ниманики ўйлаб чиқарган, ниманики тўқиган бўлсам, — дерди Жюль Верн, — ҳаммаси ҳақиқатга бўшатиб беради ўз ўрнини, зероки шундай вақтлар келадики, илм-фан ютуқлари тасаввур кучидан устун келади».

«Ғаройиб саргузаштлар» авторининг номи адабиёт тарихига янги типдаги романчилик — илм-фан ва унинг чекчегарасиз имкониятларга эга эканлиги ҳақидаги романчиликнинг асосчиси ҳамда моҳир устаси сифатида киражак.

Ихтирочиларнинг устахоналарида ишлаётган турли механизмларнинг моделлари, лойиҳадагина мавжуд бўлган машиналар, ҳали лаборатория деворларидан сиртга чиқиб улгурмаган кашфиётларни у тасавурида камолга етказиб, таъриф-тавсифлаб берди. У орзу қилинган, исталган нарсани амалга ошган қилиб тасвирлади. Илмий фантастиканинг мазмун-моҳияти ҳам ана шундадир.

Жюль Верн адабиёт учун ақл ва юракни ишлатиш лозим бўлган ўрганилмаган яна бир жабҳани очди, — илм поэзиясини, ихтирочилик романтикасини яратди, илмий тафаккур бобида жасорат кўрсатди. Унинг адабий ижодкорлиги ана шунда намоён бўлди.

«Ғаройиб саргузаштлар» яратиларкан, қирқ йилдан ортиқроқ бу муддат ичида Жюль Верннинг тафаккури ўз замонасининг илгор фани билан биргаликда олис ва мураккаб йўлни босиб ўтди.

Башарти унинг биринчи романи қаҳрамонлари бутун Африка бўйлаб ҳаво шарида мардонавор учиб ўтган бўлсалар, энг сўнгги, вафотидан кейин нашр этилган китобида эса реактив двигателли аэропланлар ва радио орқали бошқариладиган снарядлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Сув ости кемалари ихтирочиларга фақат дилсиёҳлик келтираётган йилларда Жюль Верннинг тасавури жасур капитан Немо океан остида олис йўларни босиб ўтган, электр қуввати билан ишлайдиган сув ости кемасини яратади.

Ҳавода учишнинг ихлосмандлари ва авиация мухлислари ўзaro ҳаводан энгил учар апарат билан ҳаводан оғир апаратнинг афзалликларини исботлаш борасида баҳслашиб ётган пайтда жасур ихтирочи Робур баҳайбат геликоптер «Альбатрос»да дунё саёҳатига жўнайди. Бошқа бир роман, «Олам ҳукмдори»да яна ўша Робур ҳамма ерда юра оладиган, самолёт, автомобиль, катер ва сув ости кемаси хусусиятларини ўзида мужассамлантирган универсал машинани яратади.

Жюль Вернинг қаҳрамонлари Ер қобигининг ичкарасидаги иссиқликдан, Қуёш энергиясидан, шамол ҳамда денгиз тўлқинлари қувватидан амалда фойдаланишни, энергияни имкони борича қудратли аккумуляторларда тўплашни орзу қиладилар, кимёвий элементларнинг қандайдир табиий бирлиги ҳақидаги тахминларни ўртага ташлайдилар, бир элементнинг бошқа элементга айланиши мумкинлигини айтадилар, рангли фотографияни, овозли кинони, автомат ҳисоблаш машиналарини, синтетик озиқ-овқатларни, янги қурилиш материалларини, шиша иплардан тўқилган кийимларни ва кўплаб турмуш ҳамда инсон меҳнатини энгиллатувчи, оламни қайта тузишга ёрдам берувчи ажойиб нарсаларни ихтиро этишни хаёл қиладилар.

Жюль Вернинг кутубхонасида пастдан юқорига ва ўнгдан чапга ўтказилган ранг-баранг чизиқлар билан тўлиб-тошган каттакон глобус турарди. Ҳар бир янги роман битганда глобусдаги илон изи чизиқлар сони ҳам ортиб борарди. Бу чизиқлар кесишар, қўшилиб-ўралашиб кетар, бир жойга бориб туташар, ниҳоятда кам ўрганилган ўлкаларни кесиб ўтиб, чор атрофга таралиб кетар, одам оёғи етмаган жойларга бориб тақаларди. Жюль Вер қартайиб қолганида глобусдаги маршрутларни билдирувчи бу чизиқлар тўр каби қалинлашиб кетганини, ёзувчининг ўзи ҳам аранг ажрата оларди уларни.

Жюль Вер қаҳрамонлари ҳамиша йўлда, китобхон кўзи ўнгида ҳамиша ола-була географик манзара намоён бўлади. «Ғаройиб саргузаштлар» деган сарлавҳанинг ўзи ҳам унинг ижодидан географиянинг қанчалар катта ўрин олганини айтиб турибди.

Табиат, ҳайвотот ҳамда ўсимликлар оламини, олисдаги мамлакатлар аҳолисининг удум ва феъл-атворини тасвирлаш саргузашт сюжетлардан тўқилган матонинг сиртқи кўринишини акс эттирибгина қолмай, балки ички тузилиши ҳақида ҳам тасаввур ҳосил қилади.

Одатда Жюль Вернинг фақат фантастик машиналари бўлган романларинигина илмий-фантастик деб ҳисоблашган. Бу нотўғри. Илмий фантазия унинг кўплаб географик романларида ҳам кенг қулоч ёйган.

«Виктория» аэростати Африканинг ўрганилмаган қисмлари устидан учиб бораркан, у ерлар худди илгари текшириб чиқилгандек, батафсил тасвирланади.

Ҳали бирорта ҳам Арктика тадқиқотчиси шимолий кенгликнинг 82°дан юқорига ўтолмаган бир пайтда капитан Гаттерас Шимолий кутубга етиб боради.

«Ҳалокатга учраган «Цинтия»даги ташландиқ бола» романининг қаҳрамони Эрик Герсебом ўша пайтларда ҳали ўзлаштирилмаган Шимоли-Шарқий ва Шимоли-Ғарбий денгиз йўлларида муваффақият билан ўтиб, бир сафарнинг ўзидаёқ

Россия ҳамда Американинг Арктика сувлари бўйлаб дунё саёхатини амалга оширади.

XIX ва XX асрлардаги географик кашфиётлар аввал «Ғаройиб саргузаштлар» саҳифаларида содир бўлар, ана шундан кейингина амалга ошарди.

Жюль Верннинг қаҳрамонлари ҳамма қитъалар ва барча океанларда бўладилар, ўша пайтлардаги хариталарда оқ доғлар билан белгиланган, антиқа, ноқадир ўрмонлар билан қопланган ўлкалар ва чаңгалзорларга кириб борадилар. Улар ерда, осмонда, сувда, сув остида саёхат қиладилар, қорли чўққиларга чиқишади, вулқон кратерларига тушишади, космик бўшлиқлар сари интилишади.

Жюль Верн китоблари саҳифаларига тўлқинларнинг кўпиги, саҳроларнинг қуми, вулқон кули, Арктика қуюнлари, конот чаңги кириб олган десак муболага бўлмас. Унинг романидаги воқеалар содир бўлган макон бутун Ер куррасигина эмас, балки бутун Оламдир.

«Ғаройиб саргузаштлар» туркумига кирувчи романларда география ва табиёт техника ҳамда аниқ фанлар билан ёна-ён туради. Жюль Верн ўз романларида мурожаат этган барча фан соҳаларининг рўйхати XIX асрнинг энг муҳим фанлар каталогини ташкил этиши мумкин эди. «Ғаройиб саргузаштлар» — фақат географик эмас, балки илмий-техник энциклопедия бўлиб, амалга оширилган, олимлар яқин келажакда кашф этиши лозим бўлган ихтиролар ҳақида ҳикоя қилади.

Жюль Верн ўз тасавурида кўплаб ажойиб машиналарни ижод этди. Бу машиналарни фақат алоҳида одамларгина ўйлаб топиши ва ҳаракатга келтириши мумкин эди.

Жюль Верн ўз романларида талайгина ғаройиб саёхатларни ҳамда инсон иродаси ва матонатининг ажойиб намуналарини тасвирлайди. Бу улкан ишларни жасур, матонатли, ўта қобилиятли, таассублидан холи одамларгина бажара олади.

Жюль Верннинг китобларини ўқиркансан, қандайдир ўзига хос қонун-қоидалари ва урф-одатлари бўлган алоҳида оламга бориб қолганга ўхшайсан киши. Ўз ишининг муваффақиятига ишонган довжурак кишилар ҳар қандай, ҳатто энг мушкул вазифани ҳам адо эта оладилар. Ўртоғи дўстини фалокатдан қутқаради. Кучли заифга мадад қўлини чўзади. Дўстлик кескин синовларда мустаҳкамланади. Ёвузлар ҳамниша фопш этиладилар ва ўз жиноятлари эвазига жазоларини тортадилар. Адолат доимо тантана қилади. Орзулар ҳамма вақт рўёбга чиқади.

Жюль Верн адабиётта олиб кирган янги типдаги роман учун янгича қаҳрамон деярли амалга ошириб бўлмайдиган мақсади йўлида ҳар қандай жасоратни кўрсата оладиган, ҳар қандай фидокорликка ҳозир турувчи тиришқоқ, изловчи, инженер, сайёҳ, ихтирочи, олим образлари яратилган эди.

Жюль Верн қаҳрамонлари зиддиятни, иккиланганини, тараддулланишни, чарчоқ нималигини билмайдилар. Улар ўй-хаёллари ва истаклари фақат бир мақсадга қаратилган, димо оддий ҳамда барқарор табиатли шахслардир.

«Ўтиб бўлмас тўсиқлар бўлмайди, фақат сергайрат ёхуд камгайрат иродагина бўлади», — дейди қапитан Гаттерас, бу

сўзларни унинг ортидан Жюль Вернинг янги ерларни очуви ва ажойиб машиналарнинг ижодкорлари бўлиш ҳамма қахрамонлари ҳам такрорлаши мумкин эди.

Ғайрат-шижоатли олимлар, гениаль ихтирочилар, тиним билмас илм заҳматкашлари — ҳаммалари саёҳат қилиш, ҳамма нарсани кўриш ва билиш, кашф этиш, қуриш, ҳамма нарсани янгичасига ҳал этиш иштиғи билан ёнадилар. Уларга тажриба ўтказиш учун бутун дунё устахона бўлиб хизмат қилади. Океан тубидами, кимсасиз оролдами, Шимоллий қутбадами, сайёралар оралигидаги бўшлиқлардами — қаерда бўлмасинлар, уларнинг уйлари ҳам, лабораториялари ҳам ўша ерда, ўша ерда ишлашади, ҳаракат қилишади, баҳслашишади, ўзларининг жасуруна орзуларини ҳақиқатга айлантиришади.

Янги қахрамоннинг образи унинг илмий гоёлари билан бирга «Ғаройиб саргузаштлар» саҳифаларига ҳаётдан кўчиб ўтган. Улуғ сайёҳларнинг, олим ва кашфиётчиларнинг таржиман ҳоллари ажойиб ахлоқий поклик, руҳан саботлилик, илмий гоёлар ижодкорлигига нисбатан ғалати бир тарздаги садоқатлилик намуналарига тўлиб-тошгандир.

Жюль Вернинг ижобий қахрамонлари кўпинча бир вақтда ҳам илм оламида новатор, ҳам озодлик курашчиси бўлади.

Авалло, ўзини капитан Немо деб атаган индус Даккар худди шундай қахрамондир. У ўзининг ажойиб «Наутилус»идан ҳам сув ости лабораторияси сифатида, ҳам она юртини қуллик асоратига солган ва таҳқирлаган мустамлакачиларга қарши курашишда даҳшатли интиқом қуроли сифатида фойдаланади.

Ихтирочи билан ихтиро бир бутун, яхлит нарсага ўхшайди. Ихтиро кашфиётчини илҳомлантиради. Ижодкорнинг қўллари эса машинага жон бахш этади. Агар капитан Немо бўлмаганида, «Наутилус»нинг тасвири нари борса келажакдаги сув остида сузиш ҳақидаги илмий-фантастик очерккина бўлиб қолиши мумкин эди, холос. Бундай очерkning ўз авторидан кейин ҳам умр кўриши амримаҳол эди.

Капитан Немо, Сайрус Смит, Саразен ва бошқа илм-фан новаторлари ҳамда озодлик курашчилари бўлмаса — Жюль Вернинг энг яхши асарлари ҳам бўлмасди.

Жюль Верн ҳаёт эканидаёқ унинг кўпгина романлари фантастика бўлмай қолганди: фан илмий-фантастикани қувиб етганди.

Бироқ Жюль Вернинг китоблари ҳозирги кунда ҳам миллионлаб тираж билан нашр этилмоқда.

«Унинг машиналари кун сайин мавжуд машиналарга камроқ ўхшайдиган бўлиб боряпти, — деб ёзади ҳозирги кундаги танқидчилардан бири, — шунга қарамай, унинг романларида шундай бир нарса борки, бу ҳеч қачон эскирмайди ва қимматини йўқотмайди. Бу — унинг қахрамонларининг қалбидир».

### 3

Жюль Верн саргузашт романининг бадиий формасини камолот даражасига кўтарди ва уни янги мазмун билан бойитди.

Француз адабиётида Жюль Вернинг номи тез-тез кекса замондоши Александр Дюма билан бир қаторга қўйилади.

«Отам билан уни яқинлаштирадиган нарса тасаввур доирасининг кенглиги, ёшларга хос ғайрат-шижоати, ажойиб юмори, битмас-туганмас хаёлот, соғлом руҳи, фикрларининг тиниқлиги ҳамда заифлар тан олмайдиган яна бир фазилати — сермаҳсулликдир», — деб ёзади машҳур романнависнинг ўгли кичик Александр Дюма Жюль Верн ҳақида.

Дарҳақиқат, «Ғаройиб саргузаштлар»нинг муаллифига Дюманинг руҳан хушчақчақ истеъдоди жуда яқин эди. Бу истеъдодли адибнинг мароқли, ҳаёт нафаси уфуриб турган, шитоб билан ривожланиб борувчи воқеаларни ўйлаб топиш санъатига, ўз ҳикоясини ажойиб, ўткир диалоглар билан безашига, олижаноб ҳамда жасур қаҳрамонларнинг нуқсонсиз, жозибали образларини яратиш санъатига доимо қойил қоларди Жюль Верн.

Жюль Верн Александр Дюма адабий маҳоратининг ана шу яхши томонларини қабул этиб, ўзлаштиришга интиларди. Башарти Жюль Верн ўз ижодида асосланиши мумкин бўлган ўткир сюжетли француз саргузашт романлари намунаси ҳақида гап борадиган бўлса, турган гапки, у «Уч паҳлавон» ва «Граф Монте-Кристо»нинг авторидан миннатдор бўлмоғи лозим. Кези келганда шуни айтиб ўтайликки, Жюль Верн ўзининг қизиқ романларидан бири «Матиас Шандор»ни «Граф Монте-Кристо» мотиви асосида яратган ва уни Александр Дюма хотирасига бағишлаган.

Бироқ бу икки романчининг ўхшашлиги фақат сиртқиғина. Жюль Верн саргузашт романчилигининг алоҳида мақсадга қаратилган ва алоҳида бадиий приёмга эга бўлган янги турини яратди.

«Романнависнинг барча фазилатларига унинг ихтирочилиқдек ноёб сифати ҳам қўшилган», — деб ёзганди француз танқидчиси Кларти одилон.

Жюль Верн фақат илмий-фантастикага нисбатангина эмас, балки хилма-хил, оригиналь, ҳайратга соларли янгилликларга бой сюжет танлашда ҳам ўзини ихтирочи сифатида кўрсатди (замондошлари уни, «устахонаси йўқ ихтирочи» дейишарди).

Унинг дастлабки романлари сюжет жиҳатидан унчалик мураккаб эмасди. Капитан Гаттераснинг Шимолий қутбга саёҳати ёки профессор Лиденброкнинг «Ер марказига саёҳат»и китобхонни воқеаларнинг ғаройиб тарзда кескинлашиб бориши билан эмас, балки асосий ғоянинг дадиллиги ҳамда қаҳрамоннинг йўлига қўндаланг бўлган табиий тўсиқлар билан ўзига ром қилиб қўйганди. «Наутилус»нинг дунё океанлари остида сузиши ёхуд уч довуракнинг замбарак ўқида Ойга учishi каби усталик билан тўқилган сюжетлар фикрий жимжимадорлик билан айтарли даражада чалкаштириб юборилмайди. Бу ғайри одатий ишлар, унинг амалга оширилиши, фантазиянинг кенг қулоч ёйгани, тонг қолдиарли антиқа ихтиролар ўз-ўзидан китобхонни мафтун этади.

Бироқ, кейинчалик эса Жюль Верннинг иши мушкуллашиб қолди. Барча табиий стихиялар унинг қаҳрамонлари томонидан бўйсундирилган эди. Келажакнинг турли машиналари ижод этиб бўлинганди. Энг ғаройиб саёҳатлар амалга ошириб бўлинган эди.



Ана шундан кейин ёзувчи диққатини мураккаб сюжетлар яратишга қаратишга мажбур бўлди.

1883 йилнинг охирида «Матнас Шандор» романини ёзишга киришган Жюль Верн ўз ношири Этьелга ҳаво шаридаги саргузаштлар ёки капитан Немонинг саргузаштларига ўхшаган гаройиб сюжетлар тугади, шу сабабли «қурама, мураккаб сюжетлар» яратишга тўғри келяпти, деб шикоят қилади.

«Бунга мени драматурглик инстинкти даъват этяптими, ё сммани мафтун қилиш нстагими, буни билмайман-у, лекин иложи борича воқеаларни мураккаблаштиришга тиришяпман... — деб ёзади Жюль Верн. — Мен ўз «Монте-Кристом»га<sup>1</sup> шунчалар берилиб кетганманки, бироқ ихтиёримдаги воситалар билан уч том давомида китобхонларни мафтун эта бориш Дюма ўн том давомида қилганидан кўра оғирроқ бўлса керак мен учун. Лекин масаланинг асл моҳияти бунда эмас. Энг асосийси — китобхонни қизиқтира олиш.

Бироқ Жюль Верн «мураккаб сюжетли» романларида ҳам ўз ижоди мақсади йўлига содиқ қолди. Хилма-хил саргузаштлар ва чалкаш, мураккаб интригалар илгаридек «географияни илм билан кўшиб олиб боришга», қизиқарли сюжетни илмий ғояларга бўйсундиришга ҳалал беролмади.

Бундай «мураккаб сюжетли» асарни ҳикоя қилишнинг биринчи ва, аҳтиمولки, энг муваффақиятли чиққан намунаси «Дунё бўйлаб қирқ кунлик саёҳат» романи бўлди.

Асар қахрамони бир соат ҳам вақтини бекор кеткиза олмайди. У транспортнинг жамики туридан, ҳатто буер (елканли чана)гача фойдаланади. Саёҳатчининг вақти тугаб боргани сари китобхоннинг қизиқиш орта боради. Воқеа — ҳаракат суръати боб сайин тезлашаверади. Географик тасвир ҳамда илмий темаларда мулоҳаза юритиш учун авторда на ўрин, на вақт қолади.

... Сенсацион саёҳат ниҳоясига яқинлашиб қолади. Ҳамма тўсиқлардан ошиб ўтилади. Филеас Фогг гаровда ютиб чиқишдан умидвор. У мақсадга етдим деганда изқувар Фикс уни ҳибсга олади. Фоггнинг ўғри деб янглиш қамоққа олингани аниқлангунича саёҳатнинг сўнгги — саксонинчи куни ҳам тугайди. Кейин эса «сунъий хотима» ҳақиқийси билан алмашинади: саросимага тушиб қолган Филеас Фогг тўсатдан йўлда йўқотилган бир куни «топилиши» эвазига, ҳар қалай гаровда ютганини англайди. Бутун дунёни айланиб келаётган сайёҳ саксонинчи меридианни кесиб ўтишда қаёққа (шарққа, ё ғарбга) кетаётганига қараб ё бир кун ютади, ё ютқизади, мана шу ҳол ёдидан кўтарилган экан унинг.

Шундай қилиб, саргузашт сюжетдан илмий ғоя келиб чиқади, бироқ бу сўнгги саҳифалардагина ойдинлашади.

Жюль Верн мураккаб мазмунли романларида одатдаги саргузашт ҳикоячиллик тарзида баён этиш услубидан (тўсиқлардан ўтиш, сира иложи бўлмаган мақсадга етиш, сирларни фож этиш ва ҳоказолар) фойдаланишнинг ўзи билан чегараланиб қолмайди. Китобхонни янада қизиқтириш учун тамоман фавқуллодда сюжет йўлини ўйлаб топади ёки воқеаларни ақл бовар

<sup>1</sup> Жюль Верн «Матнас Шандор» романини «Гаройиб саргузаштлар Монте-Кристоси» деб атаган.

қилмайдиган томонга буриб юборади. Бу борада у ўзининг тонг қоларли даражадаги ижодкорлигини намойён этади.

«Ҳайсар Керабан» романининг қаҳрамони, ўтакетган ўжарлиги билан машҳур бўлган ўзбошимча турк савдогари, Востфорддан ўтгани учун, бож тўлови белгиланганидан ғазабга келади. Ўзининг маъмурларга тобеъ эмаслигини исботлаш учун бўғознинг Европа соҳилида жойлашган Галатадан Скутаридаги уйига бутун қора денгиз соҳили бўйлаб айланиб боради, ана шу телбанамо иш яна бир «Ғаройиб саргузашт» сюжетини ташкил этади.

«Тентакнинг васияти» романининг сюжети ўзига хос хусусиятга эга. Америкалик миллионер давлатини «гусек» ўйинида ютган кимсага васият қилади. Лекин бу ўйин жуда антиқа эди. Ўйин тахтаси сифатида АҚШнинг майдонидан фойдаланилади, ҳар бир штат эса — шахматнинг катаклари хизматини ўтайди. Ўйиннинг қатнашчилари — пешкалар тақдир тақозоси билан штатдан-штатга ўтиб юрган одамлар бўлади. Уларнинг сонига қараб очко олинади. Ўйин қаҳрамонлар то бутун мамлакатни узунасига ва кўндалангига кезиб чиқмагунларича тугамайди. Ўйин ниҳоясига етганда васият қолдирувчи миллионернинг ўлгани ёлгон бўлиб чиқади, унинг ўзи эса бошқа ном билан ўйинда қатнашиб ютади.

Автор ғоятда оддий ва оқилона йўл топади: АҚШнинг физик ҳамда экономик географияси очерки романга киритилибгина қолмай, балки бутун воқеа — ҳаракатнинг ўзаги вазифасини ўтайди.

Юқоридаги иккала ҳолда ҳам муваффақиятли хотима асар қаҳрамонлари шоҳид бўлган, қатнашган барча саргузашт ва ҳодисаларни изоҳлаб беради.

«Антифер тоғанинг ажойиб ва ғаройиб саргузаштлари» номли географик роман ҳам ана шундай мураккаб сюжет асосига қурилган.

Дастлабки саҳифаларданоқ ғаройиб воқеалар гирдобига тушиб қоласиз. Китоб, уни қўлга олишингиз биланоқ бутун вужудингизни чулғаб оладиган: «Номаълум кема капитанининг номаълум кемада номаълум оролни излаб номаълум денгизда кезгани» номли сарлавҳа билан бошланади.

Сирли ороллар ва хазиналар ҳақидаги кўплаб саргузашт романлар билан таққосланганда бу ердаги воқеа-ҳодисалар тамоман «аксинча». Бу романда стандарт (бир қолипдаги) романтик қаҳрамонлар ўрнини — оддий, оқ кўнгил одамлар, қонхўр денгиз қароқчилари ва босқинчилар ўрнини — кулгили, толеи паст Соук образи эгаллаган, чинакам хазиналар ўрнига хазина изловчилар кўзини қамаштирувчи олтин сароб, битта орол ўрнига эса тўртта орол тасвирланган.

Бу жўшқин, хушчақчақ романдаги воқеа-ҳодисаларнинг баъри қаҳрамонларнинг юмористик ўйинига асосланган. Сюжет энг кичик тафсилотларигача пухта ўйланган. Асар ғоятда санъаткорона ёзилган. Ҳар бир эпизод — воқеаларнинг ривожланиб боришидаги зарурий ҳалқа бўлиб хизмат қилади. Бирор ана шундай ҳалқа олиб ташланса бутун воқеалар занжири сочилиб кетади.

Воқеа оҳиста суръат билан бошланади. Сен-Мало, От-Салль кўчасидаги уй. Антифер тоға ва унинг дўсти Трегомен. Улар-

нинг одат ва хулқ-атвор ҳамда иштиёқ — майллари, Жюэль билан Эногатнинг тўйга тайёргарликлари, Хазина яширилган оролнинг қайси узунликда жойлашганини билдирувчи рақамларни келтириши лозим бўлган, кўндан орзиқиб қутилган хабарчининг пайдо бўлиши, Бинни Умар билан олиб борилган музокаралар, Йўлга отланиш. Буларнинг бари романнинг биринчи қисмининг ярмиини ташкил этади. Биринчи оролга қилинган сафарнинг тавсифи учун ҳам худди шунча ўрин берилади.

Романнинг иккинчи қисми эса иккинчи, учинчи ҳамда тўртинчи оролни излаш жараёнида содир бўлган ҳодисаларни тасвирлашга бағишланган. Бобдан-бобга ўтиш билан ҳаракат темпи, воқеалар оқими тезлаша боради. Энг драматик дақиқаларда баён этиш тартиби бузилади. Ҳар қайси оролдаги муваффақиятсизликдан кейин саёҳатчиларимизни сафарнинг янги бир босқичида кўрамиз, сўнгра эса «ортга» қайтиб, Антифер тоғанинг бу янги муваффақиятсизликдан қанчалик таъсирлангани тасвирланади. Сўнгра бобларда воқеа-ҳодисалар деярли кинематограф тезлигида алмашина боради. Китобхон бутун вужуди билан асарга шўнғиб кетади. Унинг диққат иплари тобора тараңглаша боради.

Бунинг устига ҳаракат доираси вақт билан жиловлаб қўйилади. 1862 йилнинг баҳоридан то кузигача саёҳатчилар Яқин Шарқда, экватордан настда, Ғарбий Африка ва Шотландияда, Арктика ҳамда Уртаер денгизида бўлиб, деярли дунёнинг ярмини кезиб чиқадилар.

Ҳар қайси персонаж бир нечагина штрихлар билан таърифлаб берилади. Унинг барча мулоҳазалари, ўй-фикрлари ва кечинмалари аввал бошдан оқ белгиланган характери ва мойиллигига мувофиқ келади. Антифер тоға — қизикқон ва қайсар, Замбуко — хасис, очкўз ва қурумсоқ, Трегомен — сахий, олижаноб ва оқ кўнғил, Жюэль — ақлли, мард ва ҳимматли, Бинни Умар ҳийлагар ва маккор, Соук — калтафаҳм, тажанг ва ёвуз.

Аслида бу ниқобли образлар халқ ҳажвиёти ёки классик комедиялардаги қаҳрамонларни эслатади. Бу тасодифий ҳол эмас. Жюль Верннинг кўплаб романларида, айниқса юмористик асарларида, ёзувчи-драматургнинг бой ва, афтидан, охиригача фойдалана олмаган тажрибаси сезилиб туради. «Ғаройиб саргузаштлар»нинг деярли ҳар бир жилдида комедия ва ҳатто водевилга хос бўлган бадийий приёмларни учратиш мумкин.

Жюль Верннинг драматурглик маҳорати суръати тез ва сқилона диалогларда, персонажларни туркумлаш ва характеристика беришда, воқеаларнинг кескин бурилиб кетишида, комик ўйинлар, англашмовчиликлар, «сунъий ёлғондакам ечим», баъзан эса осонгина инсценировкага айлантириш мумкин бўлган роман сюжетининг тузилишининг ўзида ҳам ўз ифодасини топади. Талайгина романларининг сюжети «тақдир ва тасодиф»нинг комедик ўйинлари ва антиқа англашилмовчиликлари асосига қурилган, «Антифер тоғанинг ажойиб ва ғаройиб саргузаштлари» ҳам бундан мустасно эмас.

Дарҳақиқат, ҳатто персонажларни группалаш ва уларни танлаш француз халқ театрини эслашга мажбур этади кишини. Жюль билан Эногат — севишганлар бўлиб, улар ўзларининг

комедик аждодларидан, аниқроғи прототипларидан ҳеч қандай фарқ қилмайдилар. Антифер билан Замбуко ҳар томонлама бир-бировларининг акси, бироқ вақти-соати етгунича умумий манфаат ипи билан бир-бировларига боғланганлар. Уларнинг прототиплари халқ комедик-ҳажвий асарларидаги телбанамо, вайсақи чоллардир. Трегомен билан Бинни Умар, улар бир-бирларига қанчалик ўхшамасинлар, ёрқин комедик образлардир. Уларнинг узоқ аждодлари яна ўша халқ ҳажвиёти ва комедиялардаги кулгили хизматкорлардир. Ва, ниҳоят, Соук — у типик мелодраматик «ёвуз» образдир.

Ҳар бир қаҳрамон характерининг бир хислати ниҳоясига етказилади.

Мана, масалан, Замбуко — хасис, қурумсоқ, таъмагир — бу француз адабиётида кўп марта лаб гавдаланган образ. Мольернинг «Хасис» комедиясидаги Гарпагонни ёки Бальзакнинг «Гобсек» қиссасидаги шу номли қаҳрамонни эслашни ўзи кифоя буни англаш учун. Франциянинг барча пешқадам ёзувчилари сингари Жюль Верн ҳам тамаъгирлик, манфаатпарастлик инстинктларидан, инсон шахсини таназзулга олиб келадиган зарарли бойлик орттириш ҳисидан нафратланади. Замбуко — ҳалокатли олтин ҳукмронлигининг жонли тимсолидир. Бу ёвуз банкчи Антифер тоғда нафрат уйғотади ва ҳалокатдан огоҳлантирувчи сабоқ сифатида хизмат қилади унга. Замбуко, шунингдек Бинни Умар ва Соуклар ўзларининг руҳан пасткашликларини ошкор этилиб қўядилар дарҳол. Бу учала салбий персонаж авторнинг гоҳ кулгисини қистатади, гоҳ ғазабини кўзгайди.

Бош қаҳрамон — Антифер тоға — ўзининг қизиққонлиги ва қайсарлигига қарамай, оддий, олижаноб ҳамда гоғтада ҳалол одам. «Истеъроға чиққан денгизчиларга муносиб равишда турмушга мулоҳаза билан қаровчи Антифер шу кунгача осойишта, чекка шаҳарда тинч ва хотиржамгина ҳаёт кечириб келарди, эндиликда «муқаддас олтинга ҳирс қўйиш» дардига мубтало бўлиб, кўзларини қамаштираётган олтин саробидан бошини йўқотиб қўйди».

Бироқ кейин ўзгариш юз беради унда. «Наботаж кема капитани» талайгина муваффақиятсизликларни бошдан кечиргач, яна ўзлигига қайтади. Романнинг ниҳоясига келиб бу бадҳазм, қайсар ўзининг ажойиб фазилатларини намойиш этади. Бойликка бўлган ҳирси хазина билан бирга, гоғиб бўлади ва у нарсаларни чинакам моҳияти билан кўра бошлайди. Ўзининг фикрича ҳамёнида деб ўйлаган катта бойлигининг қўлдан кетганига итоакорона тан бераркан, Антифер манкор Замбукодан ўч олиш ва фирибгар Бинни Умар устидан кулиш мақсадига тўртинчи оролга беҳуда сафарга чиқади.

Антифер тоғанинг барча нуқсонлари ва инсоний заиф томонларига қарамай, бу образ туб моҳияти билан ижобийдир.

Антифер, Трегомен ва Жюэллар — жасур, ҳалол, меҳнатсевар, мақсадга эришиш йўлида ўта тиришқоқ, ҳажвий ҳиссиёти гоғтада зўр, сермулоҳаза ҳамда соғлом фикрли халқ вакили — чинакам бретонликлардир. Бу уч қаҳрамон образида авторнинг қалбига яқин ва азиз бўлган француз миллий стихияси, француз миллий характерининг турли жиҳат ҳамда хусусият-

лари намоён. Уччалари ижобий қаҳрамон сифатида инжиқ, тақдир вақтинча боғлаган уч муттаҳамга қарши турадилар.

Бу романинг қаҳрамонлари Жюль Вернинг илгарини асарларидаги жасур саёҳатчилар ва ихтирочиларга заррача ўхшамайдилар. Улар ҳеч нимани кашф этишмайди, ҳеч қандай жасорат ҳам кўрсатишмайди. Бундан ташқари, уларнинг саёҳатининг ўзи ҳам Шимолий қутбни забт этиш қаҳрамонномаси ёки эрксевар капитан Грантин излагани йўлга чиққан лорд Гленарваннинг экспедицияси бошдан кечирган даҳшатли синовлар билан тенглаша олмайди асло. Антифер тоғанинг бошлаган иши билан «Ғаройиб саргузаштлар» туркумининг бошқа қаҳрамонларининг улугвор ўй-мақсадлари орасида ҳеч қандай умумийлик йўқ.

Бунинг устига Жюль Верн бу юмористик-романида, кейин яратган асарларининг аксича, деярли муҳим жамоатчилик (ижтимоий) масалаларга тақилмайди, илмий гипотезаларни илгари сурмайди, фантастик тахминлар қурмайди. Бироқ, сергалва Антифер тоға ва қалби дарё Трегоменсиз «Ғаройиб саргузаштлар» туркумидаги образлар галереяси қашшоқроқ кўринган бўлурди.

Романинг асосида энг оддий ва соғлом ахлоқ ётади. Қизганчилик, хасислик, тамаъгирлик, бойлик орттириш ҳирси — улкан ёвузлик, ёмонликдир. Мероснинг қўлга киришини кутиш ва уни беҳуда излаш Антифер тоғани ўз тажрибасида бахтнинг пулда эмаслигига ишонишга мажбур этади. Ростки оламга шунчалар адоват ҳамда низо келтираркан, майли, бойлик таг-туғи билан йўқ бўлиб кетсин ва ҳеч кимга тегмай қўя қолсин.

Илмийлик билан мароқлилик бу асарда ҳам «муъжизавий таъсишма» бўлиб кетади.

Қаҳрамонларнинг муваффақиятсизликлари нам учрайдиган антиқа таърих ҳодисалар орқали очиб берилади ва мақсад-фикр шунинг асосида олиб борилади.

Жулия оролининг ғойиб бўлишидек аниқ факт Жюль Вернда хазина излаш ҳақида ўзига хос роман ёзиш фикрини тугдиради.

Афтидан бу тема ёзувчи хаёлини кўп йиллар мобайнида банд этиб юрган бўлса керак. «Йигирма минг лье сув остида» романида капитан Немо профессор Аронакста Ўртаер денгизидан тўсатдан янги оролларнинг пайдо бўлиши ва йўқолишини хабар қиларкан, у қадимий тарихчиларнинг шохидликлари ҳамда шахсий кузатишларига асосланади.

«Тинч океанда, — дейди капитан Немо, — янги оролларнинг пайдо бўлиши маржонларнинг ишидир. Бу сувлардаги ороллар вулқон фаолиятининг самарасидир».

Жюль Верн чорак асрдан сўнг ана шу географик масалага яна қайтади. «Йигирма минг лье сув остида» романида салгина учи чиқариб кетилган тема «Антифер тоғанинг ажойиб ва ғаройиб саргузаштлари» романида мустақил илмий темага айланади.

1831 йилнинг 28 июнида Ўртаер денгизи сатҳида кичкинагина оролча пайдо бўлади.

Кўп ўтмай бу қоялардан иборат оролча чўка бошлаб, шу йилнинг декабрида Жулия яна ғойиб бўлади.

«Шум тақдир Комулк пошшо билан капитан Зони худди ана шу қисқа мuddат давомида Ўртаер денгизининг шу қисмига келтирганди».

Комулк пошшо ўз бойликларини шу ерга яширади, унинг ворислари эса бир неча йиллардан кейин аллақачон ғойиб бўлиб кетган оролчани беҳуда излашади.

Антифер ва унинг ҳамроҳлари талайгина саргузаштлардан кейингина Жулия оролининг ғойиб бўлганини... лекин абадийликка чўкиб кетмаганини билишади. Лекин, фақат қандайдир уч юз-тўрт юз йил кутилса, Комулк пошшонинг меросхўрлари бу бойликлардан бемалол фойдалансалар бўлади. Асарнинг сўнгги бобига: «Биздан бир неча аср кейин яшайжақ эвара-чевараларимизга мурожаат», деб айёрон сарлавҳа қўйилишининг сабаби ҳам шунда.

Комулк пошшонинг энг охириги ўчиб кетган ҳужжатининг маъносини ечиш тарзи ҳам ҳаятда қизиқ. Бу ерда геометрияга солинади.

Китобхонага маълумки, математик ... тодга эга бўлган бадавлат мисрлик тасавурида учалар ... ичига олган геометрик доира шаклини чизиб, ме ... шарининг шу қисми марказидаги тўртинчи ор ... ўрнини топишни таклиф этади.

Бу геометрик ва айни пайтда гео ... ҳал этилиши оқилона ечимга, қаҳрамонлар учас ... ҳужжатни ҳеч қачон аниқлаёлмаст эканмиз энди, деб ишонишган «ёлгон» ечим ўрнига ҳақиқийсига олиб келади.

Бу геометрик ва айни пайтда географик масаланинг ҳал этилади. Ҳар кимнинг ҳам контур харитада ... метрик шаклини чизгиси ҳамда тўртинчи оролни ўз ...

Жюль Верннинг ҳар бир романида ... ва географик маълумотларни учратамиз. ... ҳаятда ҳа ... олтин ҳирсида эсдан оғиб қолиш дара ... атрофдаги ҳеч нимани сезмаётган бўлса, учин ... ҳамроҳлари Трегомен билан Жюль ҳеч нимани назардан қочирмасликка интиладилар, ҳаммасини кўриб, ҳаммасини ёдда сақлаб қоладилар. Ана шу тажрибасиз малуинларнинг, айниқса содда Трегоменнинг кўзи билан саёҳатчилар узоқ турмай, тезлик билан босиб ўтган турли мамлакат, турли шаҳарларни кўради китобхон ҳам.

Шунинг учун ҳам енгил-елпи ва сиқик географик тафсилотлар ўз қимматини йўқотмайди.

«Антифер тоғанинг ажойиб ва ғаройиб саргузаштлари» романи ўзининг барча устунлик ҳамда афзаллигларига қарамай, Жюль Верннинг машҳур асарлари қаторига киролмайди. Езувчининг машҳур илмий-фантастик романларига қараганда хийла камроқ шуҳрат қозонган у. Шунга қарамай, бу қизиқ, хушчақчақ, мароқли, мафтункор китоб шундайин маҳорат, шундайин юмор, шундайин ажойиб тўқималар асосида усталик билан ёзилганким, бизнинг китобхонларимизнинг танишиб чиқишлари учун мутлақо арзигулик асардир бу.

Евгений БРАНДИС.